


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

“Гуманитар фанлар” кафедраси

**“ДИНШУНОСЛИК” ФАНИДАН
ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**(НОМУТАХАССИСЛИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ
ТАЛАБАЛАРИ УЧУН)**



ТОШКЕНТ – 2019

Ушбу ўқув қўлланма институт илмий - методик Кенгашининг 04.07.2019 йилдаги №12 - сонли мажлисида кўриб чиқилди ва чоп этишига тавсия этилди.

Ушбу ўқув қўлланмада “Диншунослик” фанидан маъруза ва амалий машғулот дарсларида қўлланилиши мумкин бўлган маълумотлар келтирилган. Қўлланма бакалаврият таълим йўналиши талабаларига мўлжалланган бўлиб, ўқув ишчи дастурига биноан тузилган. Унда талаба мавзулар бўйича маъруза ва амалий машғулот дарсларига тайёрланиш давомида фойдаланиладиган маърузалар матни, қўшимча маълумотлар, зарур адабиётлар рўйхати, назорат саволлари, таянч тушунчалар, глоссарий ва бошқа маълумотлар берилган.

Ўқув қўлланма профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Акмалов Ш.И. Ўзбекистон
халқаро ислом академияси
“Ижтимоий гуманитар фанлар”
кафедраси доценти.

Тузувчилар:

Ҳакимова М.А. - ТИҚХММИ
“Гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси.
Мамадаминова Б.А. –ТИҚХММИ
“Гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Такризчилар:

Ўлжаева Ш.М. –ТИҚХММИ,
“Гуманитар фанлар” кафедраси
профессори, т.ф.д
Умарова Г. Б. – Ўзбекистон Давлат
Жаҳон тиллари Университети
“Ижтимоий фанлар”кафедраси
доценти

© ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ 2019

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
Маъруза машғулоти учун маълумотлар.	9
1-мавзу. Диншунослик фанига кириш.....	9
2-мавзу. Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати.....	18
3-мавзу. Марказий Осиё динлари.....	26
4-мавзу. Ислом таълимоти асослари.....	42
5-мавзу. Исломдаги мазҳаблар ва йўналишлар.....	68
6-мавзу. Миссионерлик ва прозелитизм: тарих ва бугун, тарғибот усуллари.....	82
7-мавзу. Диний экстремизм ва терроризм: мафкура ва амалиёт, қарши кураш стратегияси	91
8-мавзу. Янги диний ҳаракатлар ва секталар	103
9-мавзу. Кибермаконда дин омили	120
Семинар машғулоти учун маълумотлар	131
1-мавзу. Диншунослик фанига кириш.....	131
2-мавзу. Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати.....	139
3-мавзу. Марказий Осиё динлари.....	145
4-мавзу. Ислом таълимоти асослари.....	151
5-мавзу. Исломдаги мазҳаблар ва йўналишлар.....	155
6-мавзу. Миссионерлик ва прозелитизм: тарих ва бугун, тарғибот усуллари.....	159
7-мавзу. Диний экстремизм ва терроризм: мафкура ва амалиёт, қарши кураш стратегияси	164
8-мавзу. Янги диний ҳаракатлар ва секталар	170
9-мавзу. Кибермаконда дин омили	176

КИРИШ

Республикамизда ёш авлодни фуқаролик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, ёшлар билан доимий мулоқот олиб бориш, уларни бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши, жамиятнинг муносиб аъзоларига айланиши борасида олиб борилаётган ишлар салмоқлидир. Шунингдек, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп муҳим масалаларни ҳал қилиш орқали ёшлар дунёқарашини тўғри шакллантириш замон талаба бўлиб қолаверади.

Олий таълим муассасаларида ўқитиладиган “Диншунослик” фани дастлаб “Маънавият асослари” фани таркибида ўқитилар эди. Кейинчалик “Диншунослик” алоҳида фан сифатида ўқитила. Шу сабабли янги ўқув адабиётларини яратиш зарурияти пайдо бўлди.

Диншунослик фанини ўқитишдан мақсад талабаларга диннинг келиб чиқиши, эволюцияси, ҳозирги даврдаги ҳолати, инсоният ҳаётида тутган ўрни ҳақида умумий илмий тушунчалар беришдан иборат.

Ушбу ўқув қўлланмани тайёрлашда Республикамизда бу борада тўпланган тажриба, ушбу йўналишдаги қомусий асарлар, китоб ва ўқув қўлланмалардан ҳамда интернет материалларидан кенг фойдаланилган.

Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад - юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат. Эндиги энг долзарб вазифамиз - бу жараёнларнинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги-янги қирраларини мукамал очиб бериш, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бериш ва уларни янги ҳаёт,

замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол ва жўшқин иштирокчиларига айлантиришдан иборат.

Диншунослик фанининг мазмуни талабаларда дин, унинг турли шакллари, таълимотлари, йўналишлари, мазҳаблари ҳақида тўғри илмий хулосалар чиқара оладиган, динийлик ва дунёвийлик муносабатларини асосли таҳлил қила оладиган илмий дунёқарашни шакллантиришдан иборат.

Бунга эришишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун, Жиноят, Фуқаролик, Оила кодексларидаги дин ва виждон эркинлиги ҳақидаги кўрсатмалар, қоидалар дастурул амал бўлиб хизмат қилади.

Диншунослик фани ўқув режасидаги ижтимоий-гуманитар фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланган, ривожланган ва ҳозирда ҳам шу жараён давом этмоқда.

Ҳозирги фан ва техника тараққиёти шароитида диншунослик фанини фақат сўз ёрдамида ўқитиш яхши самара бермайди. Шунинг учун дастурнинг мазмунидан келиб чиқиб техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Дин кишиларни ҳамиша яхшиликка, эзгу ишларга чорлаб келган. Жумладан, ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди бўлган ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида бой маънавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келди.

Ўзбек халқининг илғор маданий ва маънавий меросини тиклаш ва янги шароитда янада ривожлантириш, бу ҳудуддаги илк замондан ҳозиргача мавжуд динларнинг тарихи, ҳаётий тажрибаси тадрижий тараққиётини ўрганиш ватан тарихини чуқурроқ тушуниб етиш, уни севиш ва у билан фахрланиш ҳис-туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади. Дин ва Қонун ўзаро муносабатларини билиш республикада демократик ҳуқуқий жамият қуриш пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Маъруза машғулоти учун маълумотлар

1-мавзу: Диншунослик фанига кириш

Режа:

1. Ўзбекистонда динга янги қараш ва муносабатларнинг шаклланиши.
2. “Диншунослик” фанининг мақсад ва вазифалари.
3. Диннинг таърифи ва унинг жамиятдаги вазифалари.

Таянч тушунчалар:

Дин, жаҳон динлари, миллий динлар, эътиқод, ишонмоқ туйғуси, ибодат, компенсаторлик, регуляторлик, интеграторлик, яқка худолик ва кўп худолик

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг динга янги қараш ва муносабат билдириш имконияти туғилди. Натижада нисбатан янги бўлган диншунослик фани вужудга келди. Бу фан илгариги атеизмдан фарқли ўлароқ, динни танқид қилиш, уни жамиятдан йўқотиш мақсадида эмас, балки унга миллий маънавиятнинг бир бўлаги сифатида ёндашиб, уни холисона ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Мустақиллик ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, маънавий ҳаётдаги янгиланиш жараёни ва туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Динга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарди: собиқ совет тизимининг динга атеистик ҳужумкорлик сиёсатида барҳам берилди, виждон эркинлиги қонун орқали қафолатланди.

Ўзбекистон раҳбарияти мустақилликнинг биринчи кунлариданок диннинг жамият ҳаётидаги муҳим ўрнига мувофиқ, буюк аجدодларимиз томонидан яратилган кадриятларни қайта тиклаш асосида аниқ ва принципиал чора-тадбирлар кўра бошлади. Давлатнинг динга янги қараш муносабати “инсон эътиқодсиз яшай олмайди” деган аниқ ишонч асосида белгиланди. Бу тамойил ҳозирги кунга келиб “Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда” сўзларида ифодасини топмоқда.

Ўз навбатида, “дунёвийлик” тамойилини тўғри англаш, жамият ва дин орасидаги муносабатларда мувозанатни сақлаш лозим бўлади. Зеро, диннинг жамиятда ўзига хос ўрни мавжуд. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан айтилган қуйидаги сўзларни келтириш муҳимдир: “Дунёвий ва диний кадриятлар ўртасидаги нозик муносабатларнинг моҳиятини ҳар томонлама тўғри тушунишимиз лозим. Тарих ва ҳаёт тажрибаси шундан далолат берадики, дунёвий ва диний кадриятлар бир-бирини тўлдирмас экан, бугунги куннинг оғир ва мураккаб

саволларига тўлақонли жавоб топиш осон бўлмайди. Шу маънода, биз муқаддас динимиз арконлари ва қадриятларини доимо улуғлаб, шу билан бирга, дунёвий ҳаётга ҳам қатъий ишонч билан интилиб яшаган тақдирдагина ўз эзгу мақсадларимизга ета оламиз”¹.

Дин кишиларни ҳамиша яхшиликка, эзгу ишларга чорлаб келган. Жумладан, ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди бўлган ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида бой маънавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келди.

Ўзбек халқининг илғор маданий ва маънавий меросини тиклаш ва янги шароитда янада ривожлантириш, бу ҳудуддаги илк замондан ҳозиргача мавжуд динларнинг тарихи, ҳаётий тажрибаси тадрижий тараққиётини ўрганиш ватан тарихини чуқурроқ тушуниб етиш, уни севиш ва у билан фахрланиш ҳис-туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади. Дин ва Қонун ўзаро муносабатларини билиш республикада демократик ҳуқуқий жамият қуриш пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дин ва дунёвий давлат орасидаги муносабат ҳақида сўз кетар экан, унинг асосида энг аввало, диннинг давлатдан ажратилиши тамойили ётишини таъкидлаш зарур. Бу ҳақда Конституциямизнинг 61-моддасида шундай дейилади: *“Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди”*.

Мазкур моддада муҳим аҳамиятга эга қоидалар мустаҳкам қўйилган. Биринчидан, диний ташкилотлар қайси конфессияга тааллуқлилигидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқий майдонда фаолият олиб борадилар. Иккинчидан, диний бирлашмалар фаолиятини ташкил этиш уларнинг ички иши ҳисобланади ва давлат назоратидан холидир.

Шу билан бирга, диний ташкилотлар давлатдан ажратилган бўлса-да, бу диннинг жамиятдан ажратилганини англамаслигини таъкидлаш зарур. Зеро, бирор динга эътиқод қилувчи фуқаролар ҳам жамиятнинг таркибий қисми ва шу сабабли дин фуқаролик жамиятида ўз мавқеига эга бўлади.

Давлатнинг динга муносабатидаги асосий хусусияти – бу диннинг сиёсатга аралашмаслиги. Зеро, ҳар қандай дин, биринчи ўринда маънавий-ахлоқий жиҳатни ўз ичига олади.

Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи яна бир тамойил шундан иборатки, давлат динни халқ маънавиятининг узвий қисми сифатида

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 96.

тан олади. Бундан келиб чиқиб, унинг ривожини учун тегишли шарт-шароит яратишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу масалалар ўз ечимини топган ва у дунёдаги ривожланган мамлакатлардаги ҳуқуқий-меъёрий талабларга тўла жавоб беради. Ҳар қандай динга эътиқод қилувчи ва ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиган кишилар учун бир хилдаги шартлар қўйилишини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида, жумладан, шундай дейилади:

“Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”.

Мазкур қоидада дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаладиган асосий тамойиллар ўз ифодасини топган:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий кадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллариини излаш зарурати;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Ўзбекистон давлатининг дунёвийлик, диний бағрикенглик, барча динларга бир хилда муносабат, жамият тараққиётида дин билан ҳамкорлик қилиш хусусиятлари ушбу тамойил асосида амалга оширилади. Чунки, Конституциявий дунёвий-маърифий давлатда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунга асосан диний эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, сиёсий хоҳишларини билдиришда барча фуқароларнинг тенг иштироки тамойилига риоя қилади.

Ўзбекистоннинг ташқи олам билан ҳар томонлама – сиёсий, иқтисодий, илмий алоқалари янада мустаҳкамланиб бораётган ҳозирги кунда турли конфессия вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маданиятига эришиш катта аҳамият касб этади. Ўзбек халқининг илғор маданий ва маънавий меросини тиклаш ва янги шароитда янада ривожлантириш, бу ҳудуддаги илк замондан ҳозиргача мавжуд бўлиб келган динларнинг тарихи, ҳаётий тадрижий тараққиётини ўрганиш, талабаларда Ватан тарихини чуқурроқ

тушуниб етиш, уни севиш ва у билан фахрланиш ҳис-туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

“Диншунослик” фани талабаларда дин, унинг турли шакллари, таълимотлари, йўналишлари, мазҳаблари ҳақида тўғри илмий хулосалар чиқара оладиган дунёвийлик ва динийлик муносабатларини асосли таҳлил қила оладиган тўғри дунёқарашни шакллантиради. Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун, жиноят, фуқаролик, оила кодексларидаги дин ва виждон эркинлиги ҳақидаги кўрсатмалар, қоидалар дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Дин ва қонун ўзаро муносабатларини тўғри англаш, республикада демократик ҳуқуқий жамият қуриш пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Мамлакатимизда талабаларга “Дунё динлари тарихи” фанини ўқитиш муҳим масалалардан бирига айланди.

Дунё харитасида мавжуд мамлакат борки, унда яшовчи халқларнинг ўз дини, урф-одатлари ва анъаналари мавжуд. Ана шу кадриятлар халқларнинг юриш-туриши, кундалик фаолияти ва умуман ҳаёт тарзини белгилашда асосий омил бўлиб ҳисобланади. Дунё халқлари тарихини ўрганишда уларнинг диний қарашлари, эътиқод ва диний амалиётларини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. “Диншунослик” фани ана шу муҳим омилни тадқиқ этиб, тарих билан боғлиқ равишда таҳлилий ўрганади.

“Диншунослик” фанини ўқитишдан мақсад – талабаларга буддавийлик, христианлик, ислом каби жаҳон динлари билан бир қаторда уруғ-қабил динлари ва алоҳида миллатларга хос миллий динлар тарихини замонавий илмий концепсиялар асосида чуқурроқ ўргатиш. Шунингдек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда динга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги, диний кадриятларни тиклаш, диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш йўлида қилинаётган муҳим ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида маълумотларни бериш кўзда тутилган.

Мустақиллик даврида миллий ва диний кадриятларнинг халққа қайтарилиши билан бирга жаҳонда мавжуд халқларнинг динлари ҳақида кенг маълумот олиш, уларнинг кадриятларини ўрганиш имконияти юзага келди. Натижада диншунослик фани изчилликда ривожлана бошлади. Бунда аллома аждодларимиз қолдирган бой илмий-маънавий меросни ўрганиш билан бирга шу кунга қадар чет елларда амалга оширилган изланиш ва тадқиқотларнинг натижаларидан унумли фойдаланиш зарурати пайдо бўлди.

“Диншунослик” фани динни танқид қилиш ёки кўр-кўрона мақташ мақсадида эмас, балки динни тарихийлик, холислик асосида турли халқлар ҳаётида тутган ўрнини илмий жиҳатдан, маънавий ҳаётнинг бир бўлаги сифатида ёндошиб ўрганади.

“Диншунослик” фанининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- диннинг – жамиятга ижтимоий, маънавий, рухий таъсири ҳақида билимлар бериш;
- ибтидоий диний тасаввурлар, миллий ва жаҳон динлари таълимотлари ҳақида маълумот бериш;
- диннинг моҳияти ва унинг кишилик жамияти тараққиётидаги турли тарихий босқичларда тутган мавқеи ҳақида тушунча бериш;
- жамиятни маънавий жиҳатдан камол топтиришда диний кадриятларнинг аҳамиятини ёритиш;
- дунёвий давлат ва диннинг ўзаро муносабатларини ёритиб бериш;
- диний ақидапарастлик, экстремизм ва фанатизм каби салбий иллатлар моҳиятини ёритиш ва уларга қарши ғоявий иммунитетни шакллантириш;
- Ўзбекистон Республикасида динга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги, хусусан, ислом дини кадриятларини тиклаш йўлида қилинаётган ишлар ҳақида кенг тасаввур ҳосил қилиш.

“Диншунослик” фанининг амалий аҳамияти шунда ҳам кўринадики, у талабаларда ислом ва бошқа динлар кадриятларига ҳурмат билан қараш, уларни кадрлаш, бошқа динларга ва уларнинг вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялайди.

“Диншунослик” фани бўйича талабаларнинг билими, уқуви ва кўникмаси учун қуйидаги муҳим талаб, вазифалар қўйилган:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзбек халқининг маънавий мероси, дини, жумладан, ислом дини кадриятлари, миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида билдирган фикр ва мулоҳазалар, таъриф ва тавсифларни мазкур фанни ўрганишда назарий асос қилиб олиш;

иккинчидан, Ўзбекистон Конституцияси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун ва бошқа қонуний ҳужжатларда дин масаласи юзасидан белгиланган инсон ҳуқуқлари, турли диний ташкилотлар ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билиш;

учинчидан, “Диншунослик” асосий фанлар қаторида ўқитилиши, дин, диндорлар ва диний ташкилотларга нисбатан давлат томонидан адолатли сиёсат ўрнатилиши, фуқаролар учун виждон эркинлигининг конституцион кафолатланиши мустақиллик шарофати эканлигини тушуниб етиш;

тўртинчидан, қонунга ҳурмат ҳиссини, фақат ўзининг эмас, балки бошқаларнинг ҳам диний ҳис-туйғулари билан ҳисоблашиш лозимлигини, ўз шахсий фикрларини бошқа кишиларга тазйиқ билан ўтказиш, турли норасмий диний мазҳаб ва гуруҳларга жалб этиш ғайриқонуний хатти-ҳаракат эканлигини, жамоат жойларида диний масалаларда зўравонлик,

мутаассибликка, агрессивликка йўл қўйиш мумкин эмаслигини чуқур тушуниб етиш;

бешинчидан, “Диншунослик” фанининг бошқа гуманитар фанлар билан бирга ривожланишини назарда тутган ҳолда, ўзи қўлга киритган соҳа ютуқларидан ушбу фанни ўзлаштиришда фойдаланиш.

Дин – эътиқод ва у ҳар бир кишининг шахсий иши ҳисобланади. Диний нуқтаи назарга кўра, дин – муайян диний эътиқодларга, яъни илоҳга, унинг томонидан инсонларга хабар етказувчиларнинг ғайриоддий салоҳиятга эга эканига (пайғамбарлик), инсонлар атрофида унга кўринмайдиган аммо ундан анча юқори даражада турувчи мавжудотлар борлигига (фаришталар, жинлар) инсон идеал ҳаёт кечириши учун азалдан белгиланган қонуниятлар мавжудлигига (муқаддас китоблар), инсон ҳаёти мунтазам назорат остида эканига, қилинган барча яхшилик ва ёмонлик учун мукофот ёки жазо муқаррарлигига (охират, ҳисоб-китоб қилиниш), инсон қисмати аввалдан белгиланишига (тақдир) ва шу каби қарашларга ишониш, уларни ақида сифатида қабул қилишдан иборат.

Дин – табиат, жамият инсон ва унинг онги, яшашдан мақсади ҳамда тақдири инсониятнинг бевосита қуршаб олган атроф-муҳитдан ташқарида бўлган, уни яратган айни замонда инсонларга тўғри, ҳақиқий, одил ҳаёт йўлини кўрсатадиган илоҳий қудратга ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслак, қараш таълимотдир.

Дин муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўлади. У олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида тариқаси, уни идрок этиш усули, оламда инсониятнинг илк тарихидан то бизгача ўтган даврларни илоҳий тасаввурда акс этишидир. Дин комил инсонни тарбиялашда салмоқли тарбияловчи қудратга эга бўлган маънавий-ахлоқий кучдир.

Дин ишонмоқ туйғусидир. Ишонмоқ туйғуси инсониятнинг энг теран ва гўзал рухий-маънавий эҳтиёжларидандир. Дунёда дини, ишончи бўлмаган халқ йўқ. Халқ динсиз, эътиқодсиз бирор-бир нарсага ишончсиз ҳолда яшай олмайди. Социологик нуқтаи назардан қараганда дин жамият учун зарурий нарса, ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисмидир. У ижтимоий муносабатларни юзага келтирувчи ва амалга оширувчи омил сифатида намоён бўлади. Бу эса динни жамиятда бажарган вазифаларига кўра ўрганиш мумкин демакдир.

Диннинг вазифалари унинг алоҳида шахс ва жамиятга таъсири ва табиатидан келиб чиқади. Диннинг вазифаси ёшларга шахс, оила, жамият

хаётига кириб бориши, маданият ва маънавиятни бойитишга қўшган ҳиссасини кўрсатиб беришдир.

Диннинг ижтимоий вазифалари ҳақидаги таълимотни *функционализм* ривожлантиради. Функционизм жамиятга ижтимоий тизим сифатида қарайди. Унда жамиятдаги ҳар бир элемент муайян функцияни бажаради. Диннинг жамиятда бажарадиган ижтимоий, маънавий, руҳий вазифалари куйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, ҳар бир дин ўз эътиқод қилувчилари учун тўлдирувчилик, тасалли берувчилик – компенсаторлик вазифасини бажаради. Масалан, инсонда доимий эҳтиёж ҳосил қилиш ҳодисасини олайлик. Инсон ўз ҳаёти, турмуш тарзи, табиат ва жамият билан бўлган муносабатлари жараёнида ҳаётий мақсадларига эришиши иложсиз бўлиб кўринганида, унда қандайдир маънавий-руҳий эҳтиёжга зарурият сезади. Бу диний эҳтиёж бўлиб, у маънавий-руҳий эҳтиёжни қондирувчи, тасалли берувчилик вазифасини бажарган ва бажармоқда.

Масалан, буддавийлик дини роҳибликни тарғиб қилади, христианликда эса, ҳар бир христиан Исо масиҳнинг қайтишига умид қилиб, сабр-бардош билан ҳаёт кечиради. Ислом динида ҳар бир мусулмон дунёда эришмаган моддий ёки руҳий орзу-истакларига охиратда эришишга ишонган ҳолда яшайдилар.

Иккинчидан, дин ўз таълимот тизимини вужудга келтиргач, ўзига эътиқод қилувчилар жамоасини, шу таълимот доирасида сақлашга ҳаракат қилган ва ҳозир ҳам шундай. Бу диннинг бирлаштирувчилик – интеграторлик вазифаси деб аталади. Дин доимо ижтимоий, этник, ижтимоий ва маънавий ҳаётда узвийлик, мунтазамлиликни таъминлаш мақсадида у халқларнинг ижтимоий ҳаётига, ахлоқий муносабатларига, адабиёти ва санъатига боғланган. Масалан, яҳудийликда мазкур дин вакиллари бир мафкура атрофида бир миллат ва ягона маслак эгалари бўлиб, ягона худо Яхвенинг севимли бандалари эканлиги уқтирилади.

Христианликда диний меъморию, тасвирий, мусиқа санъатидан фойдаланиб икона чизувчилар мактаблари фаолият олиб боради.

Учинчидан, ҳар бир дин ўз қавмлари турмушини тартибга солиб назорат қилувчилик – регуляторлик вазифасини бажаради. Динлар ўз урф-одатлари, маросим ва баурамларининг қавмлари томонидан ўз вақтида, қатъий тартибда амал қилишини шарт қилиб қўяди. Масалан, исломда кунига беш маҳал намоз ўқиши, ҳар ҳафта жума намозини жомеъ масжидларида адо этиш ва ҳоказолар.

Тўртинчидан, дин алоқа боғлашлик – коммуникативлик вазифасини ҳам бажаради, яъни ҳар бир дин ўз қавмларининг бирлиги, турли диндаги

кишиларнинг ўзаро алоқалари, ўзаро ҳуқуқ ва бурчларининг борлиги, урф-одат ва ибодатларни жамоа бўлиб бажарилиши лозимлиги назарда тутилади.

Бешинчидан, дин **қонунлаштирувчилик** – **легитимловчилик** функциясини ҳам бажаради. Диннинг бу функцияси назарий асосини америкалик социолог Т.Парсонс ишлаб чиққан. Унинг фикрича, “ҳар қандай ижтимоий тизим муайян чекловларсиз мавжуд бўла олмайди. Бунинг учун у қонун даражасига кўтарилган ахлоқ нормаларини ишлаб чиқиши керак. Дин бундай нормаларни қонунлаштирибгина қолмай, уларга бўлган муносабатни белгилайди”.

Олтинчидан, дин вазифаларининг **фалсафий**, **назарий** **жиҳатлари** мавжуд. У инсонга яшашдан мақсад, ҳаёт мазмунини, дорулфано ва дорулбақо дунё масалаларига ўз муносабатларини билдириб туришдан иборатдир.

Дин инсониятнинг руҳий дунёси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг ижтимоий ҳаётида доимо у билан бирга бўлади. Динни ўрганиш бу инсониятни ўрганишдир. Дин инсоният билан бирга дунёга келган.

Динлар турли гуруҳларга бўлинади:

- ***Уруг-қабила динлари*** – тотемистик, анимистик тасаввурларга асосланган, ўз уруғидан чиққан сеҳргар шомон қабила бошлиқларига сиғинувчи динлар. Улар ҳозир Австралия, Жануби Америка ва Африкадаги баъзи қабилаларда сақланиб қолган:

- ***Миллий динлар*** – маълум миллатга хос бўлиб, бошқа элат вакиллари ўзига қабул қилмайдиган динлар. Уларга яхудийлик, ҳиндуийлик, конфуцийлик, синтоизм киради;

- ***Жаҳон динлари*** – дунёда энг кўп тарқалган, кишиларнинг миллати ва ирқидан қатъи назар унга эътиқод қилишлари мумкин бўлган динлар. Унга буддавийлик, христианлик ва ислом дини киради.

Динлар таълимотига кўра, монотеистик – яккахудолик (яхудийлик, ислом) ва политеистик – кўпхудолик (ҳиндуийлик, конфуцийлик) динларига бўлинади.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. “Диншунослик” фанининг асосий мақсади нималардан иборат?
2. Динга қандай таърифлар берилган?
3. Дин жамиятда қандай вазифа (функция)ларни бажаради?
4. Динлар қандай омиллар асосида тасниф қилинади?
5. Динлар қандай гуруҳларга бўлинади?
6. Комил инсонни тарбиялашда дин омилининг ўрни қандай?
7. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда виждон эркинлиги, дин ва диний ташкилотларга муносабат масаласида қандай ўзгаришлар амалга оширилди?

Мустақил иш топшириқлари

1. “Мустақиллик ва дин” мавзусида реферат тайёрланг.
2. Дунё динларининг фарқли ва ўхшаш жиҳатлари ҳақида сўзлаб беринг.
3. “Диншунослик” фанининг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб беринг.
4. Турли олимлар томонидан динга берилган таърифлар ҳақида кўргазмали слайд тайёрланг (МС Power Point).

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008
3. Гуннар Скирбекк, Нилс Гилё. Фалсафа тарихи. –Т.: Шарқ, 2002.
4. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. – Т: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.
5. Мен А. История религии. – М.: 1994.
6. Петер Антерс. Религии современности. История и вера. –М.: Прогресс-Традиция, 2001.
7. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.:

2- мавзу: Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати

Режа:

1. Дин ва давлат муносабатлари.
2. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун мазмун-моҳияти.
3. Ўзбекистонда диний ташкилотларни рўйхатга олиш тартиби.
4. Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи диний ташкилотлар.



Таянч тушунчалар:

Эътиқод, дин, давлат, диний ташкилот, виждон эркинлиги, конфессия, ЮНЕСКО, БМТ.

Дин ва давлат муносабатлари. Мустақиллик ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, маънавий ҳаётдаги янгилаш жараяни ва туб

Ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Динга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгарди: собиқ совет тизимининг динга атеистик хужумкорлик сиёсатига барҳам берилди, виждон эркинлиги қонун орқали кафолатланди.

Дин кишиларни ҳамиша яхшиликка, езгу ишларга чорлаб келган. Жумладан, ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди бўлган ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. У туфайли халқимиз минг йиллар мобаунида бой маънавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келди.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига кириб бораётган бир шароитда турли конфессия вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маданиятига эришиш катта аҳамият касб этади. Ўзбек халқининг илғор маданий ва маънавий меросини тиклаш ва янги шароитда янада ривожлантириш, бу ҳудуддаги илк замондан ҳозиргача мавжуд динларнинг тарихи, ҳаётий тажрибаси тадрижий тараққиётини ўрганиш ватан тарихини чуқурроқ тушуниб етиш, уни севиш ва у билан фахрланиш ҳис-туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади. Дин ва Қонун ўзаро муносабатларини билиш республикада демократик ҳуқуқий жамият куриш пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дин ва дунёвий давлат орасидаги муносабат ҳақида гап кетар экан, унинг асосида энг аввало диннинг давлатдан ажратилиши тамойили ётишини таъкидлаш зарур. Бу ҳақда Конституциямизнинг 61-моддасида шундай дейилади: *“Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди”*².

Мазкур моддада муҳим аҳамиятга эга қоидалар мустаҳкам қўйилган. Биринчидан, диний ташкилотлар қайси конфессияга тааллуқлилигидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқий майдонда фаолият олиб борадилар. Бугунги кунда республикада 15 та ноисломий конфессияга мансуб 186 та ташкилот эмин-эркин фаолият олиб бораётгани ҳам бунинг амалий ифодасидир. Бу ҳақида Президентимиз Ш.Мирзиёев "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида тўхталиб ўтган: *“Сизларга яхши маълум, бизнинг давлатимиз кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда. Бу борада, ҳеч шубҳасиз, халқимизга*

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 13.

азалдан хос бўлган бағрикенглик анъаналари муҳим роль ўйнамоқда”³. Республикамизда диний бирлашмалар фаолиятини ташкил этиш уларнинг ички иши ҳисобланади ва давлат назоратидан холидир.

Шу билан бирга, диний ташкилотлар давлатдан ажратилган бўлса-да, бу диннинг жамиятдан ажратилганини англатмаслигини таъкидлаш зарур. Зеро, бирор динга эътиқод қилувчи фуқаролар ҳам жамиятнинг таркибий қисми ва шу сабабли дин фуқаролик жамиятида ўз мавқеига эга бўлади.

Давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаловчи яна бир тамойил шундан иборатки, давлат динни халқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олади. Шундан келиб чиқиб, унинг ривожини учун тегишли шарт-шароит яратишга ҳаракат қилади.

И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида бу тамойил ўзининг ёрқин ифодасини топган: “Мамлакатимизни демократик тамойиллар, илм-фан ютуқлари, юксак технологиялар асосида модернизация қилиш билан бирга, муқаддас динимизни, миллий ўзлигимизни асраб-авайлаб яшашни мақсад қилиб қўйганмиз”⁴. Бу фикрлар ҳаётий воқеликка айланмоқда.

Дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабатида диндорларнинг ҳуқуқий мақоми ва давлат томонидан ўтказилаётган тадбирларда диний конфессиялар ҳақидаги қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишидек икки муҳим жиҳат ҳам бор.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу масалалар ўз ечимини топган ва у дунёдаги ривожланган мамлакатлардаги ҳуқуқий-меъёрий талабларга тўла жавоб беради. Ҳар қандай динга эътиқод қилувчи ва ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиган кишилар учун бир хилдаги шартлар қўйилишини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида, жумладан, шундай дейилади:

*“Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига ега. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”*⁵.

Мазкур қоидада дунёвий давлатнинг динга бўлган муносабатини ифодаладиган асосий тамойиллар ўз ифодасини топган:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;

³ Ш.Мирзиёев. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб қатъият билан ҳаракат қилайлик. "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" номли анжумандаги маърузаси. 15.06.2017

⁴ Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг буқилмас иродасига боғлиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – Б. 8.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 8.

- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;

- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллари излаш зарурати;

- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш⁶.

Давлатнинг динга муносабатидаги асосий хусусияти – бу диннинг сиёсатга аралашмаслиги. Зеро, ҳар қандай дин, биринчи ўринда маънавий-ахлоқий жиҳатни ўз ичига олади.

Ҳеч қайси дин ўзида халқнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатларининг барчасини қамраб олишга даъвогарлик қилмайди. Акс ҳолда у дин бўлмай қолади. Худди шу асосда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида диний-сиёсий партиялар тузиш тақиқланган⁷.

Ўзбекистон давлатининг дунёвийлик, диний бағрикенглик, барча динларга бир хилда муносабат, жамият тараққиётида дин билан ҳамкорлик қилиш хусусиятлари ушбу тамойил асосида амалга оширилади. Чунки, Конституциявий дунёвий-маърифий давлатда виждон эркинлиги қонуни диний эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, сиёсий хоҳишларини билдиришда барча фуқароларнинг тенг иштироки тамойилига риоя қилади.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун. Ушбу қонун 1991 йилда қабул қилинган бўлиб, 1993 йилда киритилган баъзи қўшимча ва ўзгартиришлар билан 1998 йилга қадар амалда бўлиб келди.

1990-йилларнинг бошларида ҳукуматимиз томонидан берилган имкониятларнинг суистеъмол қилиниши, масжид қуриш кампанияга айланиб кетиши оқибатида уларнинг сони 89 тадан 5000 тагача етди. Уларнинг аксарияти ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилмаган, малакали имомлар билан таъминланмаган (95,8% диний маълумотсиз) ва зарур шароитлар бўлмаган ҳолда фаолият юргизиб, турли “пешво”лар масжидларни ўз уяларига айлантиришга ҳаракат қилдилар.

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 43-44.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 12.

Баъзи диний ташкилотларнинг раҳбарлари хорижий фуқаролар бўлиб, аслида ҳеч қандай диний маълумотга эга бўлмай, молиявий ёрдам кўрсатиш ҳисобига республикамиз ҳудудидаги диний ташкилотларга раҳбарлик қилиб олиб, миссионерлик фаолияти билан шуғулланар эдилар. Уларнинг асосий мақсади турли йўллар ва усуллар билан билан ўз сафларини маҳаллий миллат вакиллари ҳисобига кенгайтиришдан иборат эди.

Давр талаблари асосида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунни тубдан ўзгартириш зарурати туғилди ва 1998 йил 1 майда у янги таҳрирда қабул қилинди.

Киритилган ўзгартиришлар нималардан иборат эди?

Жумладан, Қонуннинг 8-моддасига асосан, диний ташкилотлар 18 ёшга тўлган ва республика ҳудудида доимий яшаётган 100 нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон фуқаролари ташаббуси билан тузилиши, муайян конфессияга қарашли диний ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш учун уларнинг республика бўйича ягона марказий бошқарув органи тузилиши мумкинлиги ҳақидаги қоида мутаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, тегишли диний маълумотга эга бўлган Ўзбекистон фуқаролари диний ташкилотларнинг раҳбарлари этиб сайланишлари, бундай лавозимга хорижий фуқаролар номзодлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб олиниши белгилаб қўйилди⁸.

Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақлидир.

Қонуннинг 5-моддасида бир конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади.

Ушбу модданинг мазмуни ва аҳамиятини тушуниш учун миссионерлик ва прозелитизм нима эканини билиб олиш керак. Миссионерлик – бу бошқа диний эътиқодга эга бўлган аҳолини ўз динига оғдириб олишлик бўйича диний ташкилотлар вакиллари томонидан амалга оширилаётган фаолият. Прозелит – бу ўз динидан кечиб, бошқа динга ўтган одам.

Қонуннинг 16-моддасига асосан: “Диний ташкилотлар учун ер ажратиш ҳамда ибодат бинолари қуриш тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан белгиланган тартибда амалга оширилади”.

⁸ Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т.: 1998. – Б. 8.

Қонуннинг диний адабиётларга тегишли бўлган 19-моддаси ҳам бир қадар ўзгартирилди: “Диний ташкилотларнинг Марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларни Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқаришга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишга ҳақлидир”. Мазкур қоида Ўзбекистон ҳудудига диний адабиётларнинг олиб кирилишини тартибга солади.

Ўзбекистонда диний ташкилотларни рўйхатга олиш тартиби. Республикамиз фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларини биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади⁹.

Мамлакатимизда диний ташкилотларни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ёки фаолиятини тугатиш Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги қарорига асосан олиб борилади. Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган ва республика ҳудудида доимий яшаётган 100 нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билан тузилиши мумкин. Ташкилот устави қабул қилингандан кейин бир ой муддатда барча зарур таъсис ҳужжатлари Адлия вазирлиги ёки унинг жойлардаги идораларига тақдим этилиши зарур. Бир диний ташкилотнинг аъзоси бир вақтнинг ўзида бошқа диний ташкилотнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Марказий бошқарув органи Ўзбекистон Республикасининг камида 8 та ҳудудий тузилмаси (вилоятлар, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси)да фаолият кўрсатаётган тегишли конфессияларнинг рўйхатдан ўтказилган диний ташкилотлари ва диний ўқув юртлари вакиллари таъсис конференцияси томонидан тузилади ва Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади.

Бошқа диний ташкилотлар устави Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан, Дин ишлари бўйича кўмита ёки унинг жойлардаги вакили билан келишилган ҳолда, давлат рўйхатидан ўтказилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар бир ой муддатда кўриб чиқилади ҳамда уставни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда диний

⁹ Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 8-модда. Т.: 1998. – Б. 5.

ташкiлотларга Адлия вазирлиги ёки унинг жойлардаги идоралари томонидан гувоҳнома берилади.

Тегишли ҳолларда диний ташкiлот фаолиятини тугатиш ва тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарор уни рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи диний ташкiлотлар. Тарихдан маълумки, ҳар қандай давлатнинг барқарорлиги ундаги халқлар, миллат ва элатларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақатгина қонуний ҳужжатларда белгиланишига эмас, балки уларнинг амалда қай даражада ўз тасдиғини топишига ҳам боғлиқдир. Шу нуқти назардан қараганда, мамлакатимизда фуқароларнинг виждон эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқлари нафақат қонунан мустақкамлаб қўйилганини, балки амалиётда ҳам ушбу Қонундан келиб чиқувчи тамойилларга қатъий риоя қилинаётганини ҳаётий далиллар ҳам кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда диний ташкiлотлар ҳеч қандай тазйикларсиз, чеклашларсиз, эмин-эркин фаолият кўрсатишлари учун барча шароитлар яратилганини таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, диний ташкiлотларнинг сони ўсганини ҳам қайд этиш зарур.

Хусусан, 1990 йилда республикаимизда 119 та диний ташкiлот (89 та исломий ва 30 та ноисломий) мавжуд бўлган бўлса, 1991 йилда 179 тага (146 исломий ва 33 ноисломий) етди, 2007 йилнинг январига келиб эса, уларнинг сони 2227 тани (2046 та исломий, 181 та ноисломий) ташкил этди. Улардан энг йириги Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус Православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси, Евангел христиан-баптистлар черкови, Рим-католик черкови, Тўлиқ Инжил христианлари черкови, Ўзбекистон Библия жамияти. Шунингдек, 1987 та масжид, 163 та христиан черкови, 8 та яҳудий синагогалари, 6 та Баҳойлар жамоаси, 1 та Кришнани англаш жамияти, 1 та Будда ибодатхонасида фуқаролар эмин-эркин ибодат қилишлари учун барча шароитлар яратилган.

Мустақилликкача бор-йўғи иккита исломий диний ўқув юрти (Тошкент ислом институти ва «Мир Араб» мадрасаси) бўлган бўлса, ўтган йиллар давомида уларнинг сони 11 тага етди. Бошқача айтганда, Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, Бухородаги «Мир Араб», Тошкентдаги «Кўкалдош», Қорақалпоғистондаги «Беруний», Намангандаги «Мулла Қирғиз», Хоразмдаги «Фахриддин ар-Розий», Андижондаги «Саййид Муҳйиддин Махдум», Қашқадарёдаги «Ҳожа Бухорий», Тошкентдаги «Ҳадичаи Кубро» ва Бухородаги «Жўйбори Калон» хотин-қизлар ўрта махсус ислом билим юртлари ва Имом ал-Бухорий номидаги ҳадис илми марказидан иборат яхлит диний таълим тизими яратилди.

2000–2001 ўқув йилидан бошлаб диний таълим муассасаларида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-хунар таълим марказининг Давлат таълими стандартлари бўлими билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган таълим стандартлари ва ўқув режаси асосида ўқитиш жорий қилинди. Содда қилиб айтганда, ўқув юртлирида диний ва дунёвий таълимнинг узвийлиги таъминланди.

2000 йилдан бошлаб Тошкент ислом институти ва ўрта махсус ислом билим юртлири битирувчиларини Ўзбекистон мусулмонлари идораси йўлланмаси билан режали равишда республикада фаолият кўрсатаётган масжидларга ишга тақсимлаш ва 2001 йил январ ойидан бошлаб, илк марта диний билим юртлири талабаларига стипендия бериш жорий қилинди.

Юқоридаги каби ўзгаришларни бошқа конфессиялар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 1998 йилдан Тошкент Православ ҳамда Самарқанд Протестант семинариялари фаолият кўрсата бошлади, Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллиги ва Евангел-Лютеран жамоасининг 100 йиллиги нишонланди.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизнинг диний ва маънавий кадриятларининг ҳозирги демократик жамият кадриятлари билан ууғунлашиши республикамизнинг келажакда янада равақ топиши, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида диний эътиқод эркинлигига қандай муносабат билдирилган?
2. “Диний ташкилотлар” деганда нималар назарда тутилади?
3. Диний ташкилотларни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ёки фаолиятини тугатиш Ўзбекистон Республикасининг қауси қонун ҳужжатида асосан олиб борилади?
4. Турли конфессиялар орасида низо чиқмаслиги учун давлат қандай тадбирларни қўллайди?

Мустақил иш топшириқлари

1. Виждон эркинлигининг халқаро ҳужжатларда акс этиши ҳақида маълумот тўпланг ва курсдошларингизга айтиб беринг.
2. Бағрикенглик тушунчасининг турли талқинлари ҳақида реферат тайёрланг.
3. “Диний жамоа” ва “диний ташкилот” тушунчалари ўртасидаги фарқни ажратиб беринг.
4. “Конфессияларо ҳамжиҳатлик – барқарорлик гарови” мавзусида кўргазмали слайд тайёрланг (MS Power Point).

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008
3. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 19-том. -Т., Адолат, 1998.
4. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. “Туркистон пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар // Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
6. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир – А.Ачилдиев. – Т., 2007.
7. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик (юз саволга юз жавоб) / Ачилдиев А. ва бошқалар. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007.
8. Ислом ва ҳозирги замон / Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир Ш.Ёвқочев. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.
9. Ўзбекистонда дунёвий ва диний кадриятлар ууғунлиги. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
10. Ҳасанов А. Диний бағрикенглик. Ўзбекистон – анъанавий диний бағрикенглик ўлкаси // Маънавий ва диний етуклик – давр талаби / Масъул муҳаррир Р.В.Абдуллаев. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
11. Ҳуснидинов З. ва бошқалар. Жаҳолатга қарши маърифат – тинчлик ва барқарорлик омили. -Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2003.
12. Ҳуснидинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. Т.: ТИУ, 2006.

3-мавзу: Марказий Осиё динлари

Режа:

1. Марказий Осиё халқлари қадимги диний эътиқодлари: шомонлик.
2. Тангричилик.
3. Зардуштийлик
4. Монийлик



Таянч тушунчалар:

Шомонлик, Тангри, Ерлик, Умау, Жумау, Олқиш, Ахурамазда, Ахриман, Зардушт, Авесто, Фраваши, Ясна, Яшт, Видевдат, Висперад, Моний, Дуализм, Кефалайя.

Марказий Осиё халқлари қадимги диний эътиқодлари: шомонлик.

Марказий Осиё ўзининг географик ва геосиёсий жоулашуви туфайли турли маданиятлар ва цивилизацияларнинг тўқнашув нуқтасига айланди. Осиё қитъасининг Каспий денгизи ва Орол-Иртиш сув ҳавзаларидан то ҳозирги Покистон ва Ҳиндистонгача бўлган катта қисмини эгаллаган минтақа - Марказий Осиё халқларининг тарихий илдишлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ушбу халқлар ҳақидаги ёзма маълумотлар юнон манбалари ва милоддан аввалги VI-IV асрларга оид қадимги Эрон ва турк ёзувларида учрайди.

Минтақа Евроосиё қитаси марказида жойлашган бўлиб, Шарқ билан Ғарбни боғловчи бўғинга, турли халқ ва элатларнинг, шунингдек, диний тизим ва эътиқодларнинг доимий алоқа майдониغا айланди. Бундау этник ва диний турфахиллик натижасида шундай вазият юзага келдики, у кўплаб динларнинг (зардуштийлик, буддизм, яҳудийлик, христианлик ва монийлик) йўқолиб кетишига қарамай, ҳозирги пайтда минтақада яшовчи халқларнинг урф-одатларида сақланиб қолди. Мазкур диний ҳолатнинг ўзига хослиги Марказий Осиё халқларининг диний бағрикенглиги асосий вазифани ўтади.

Марказий Осиё халқлари қадимги диний эътиқодларидан бири сифатида шомонликни қайд этиш мумкин. Шомонлик эътиқод ва анъаналари инсон онгида ғайритабiiйлик тўғрисидаги тасаввурлар тўлиқ шаклланган вақтда пайдо бўлган. Ушбу эътиқод оддий инсоннинг дахшатли ва тушунарсиз, ғайритабiiй ва гўзал, сирли ҳолатларини тушуниши ва ақл кучидан устун турган бир нарсадир. Шомонлик бу омиллар орқали жамоалар ҳаётининг ташқи ва ички зиддиятларини қамраб олади. Шомонликнинг турли

вазифаларига (эмчилик, руҳларни ҳайдаш, фалокатларнинг олдини олиш, ёмғир чақириш, афсун қилиш, камлаш ва ҳ.к.) келсак, улар ушбу эътиқоднинг асосий моҳиятига қўшимчадир.

Шомонликдаги асосий, ҳал қилувчи ҳолат шомон танасига руҳларнинг жойлашиши тўғрисидаги тасаввурдир. Одамлар шомоннинг ўзига хос транс ҳолатини кўрганларида уни ўзи чақирган руҳлар эгаллаб олдилар, деб ўйлайдилар. Бунда шомон кўпинча ўз ҳаракатларида анимистик образ ёки шу образларни эслатувчи предметларни қўллайди. Руҳларни чақириш шомонлик ҳаракатларини таъсирчан жамоага йўналтириб, улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишни тақозо этади.

Шомонлик ёвуз ва яхши руҳларни тан олади. Бунда айрим шомон жамоалари оддий кишилар руҳи ўлади, шомон руҳи эса абадий деб ҳисоблайдилар. Руҳлар томонидан ўғирланиб, шомонлар томонидан топилиб, инсон танасига қайтарилган жон ҳақидаги ғоя фақат шомонлик доирасида тушунтирилиши мумкин. Бу айниқса, шомонлик даволаш усулларида, касал танасидан ёвуз руҳларни ҳайдашда ёрқин намоён бўлади.

Марказий Осиё халқларида шомонлик реликтлари турли кўринишларда кузатилади. «Чилла ёсин» даволаш маросими биринчи навбатда Қуръондаги «Ёсин» сурасини қирқ марта ўқиб, касални тол навдалари билан «уриш» орқали амалга оширилади. Бунда тол новдалари қирқта бўлиши керак. Шомонлик маросимининг яна бир тури - «кинна», яъни бемор танасидан касални ҳайдашнинг алоҳида усулидир.

Шомонлик элементлари сифатида куёвнавкарлик билан боғлиқ бўлган одатни - куёвнинг келинниқига жўралари билан жўрабоши бошчилигида қийқириқлар билан базмга бориш маросимини кўрсатиб ўтиш мумкин. Жўрабоши қўлида тол навдаларини ушлаган ҳолда навкарлар боши узра елпийди, бунга жавобан навкарлар жўр бўлишиб қийқиришади. Буларнинг барчаси куёвдан ёвуз руҳларни ҳайдашга қаратилган бўлиб, шомонистик характерга эга. Шу билан бирга ўзбек, тожик ва бошқа халқларида бирор кимса узоқ вақт касал бўлса, у яқинлари, танишлари ёки табиблар маслаҳатига кўра, соғайишнинг бирдан бир йўли - бу руҳлар билан алоқа қилиш миссиясини бўйнига олиш эканлигига ишонади. Бундай ҳолат халқ орасида «одамли» дейилади, яъни унинг кетида қандайдир кучлар бор деб ҳисобланади. Бундай одамлар аста-секин инсонларни «даволаш» билан шуғуллана бошлайди.

Марказий Осиё халқлари ҳаётидан келтирилган мазкур мисоллар шомонлик анъаналарининг нафақат қолоқ дунёқараш шакллари шароитида, балки маданий-тарихий ривожланган жамиятда ҳам яшовчанлигини яққол намоён этади. Анъаналар кўпинча ўзгаради, мослашади, амалдаги расмий дин

талабларининг у ёки бу жиҳатларига маълум даражада бирикади. Чунончи, ислом шароитида шомонлик ҳаракатлари одатда мусулмон анъаналарига кўра фотиҳа билан якунланади, бироқ айрим шомонлар мусулмонликка тўғри келмайди деб фотиҳа қилмайдиган ҳоллар ҳам учраб туради.

Тангричилик. Тангричилик осмон худоси "Тангри"га эътиқод қилган қадимий туркийларнинг дини бўлиб, мил.авв. 2-минг йиллик охири ва 1-минг йилликда вужудга келган. Кўпчилик мутахассислар олий осмон худоси шумерларда – "Дингир", қадим хитойликларда - "Тян" ва хуннларда - "Ченли" номи билан мавжуд бўлганидан келиб чиқиб, уларда айнан бир худо - Тангри назарда тутилган, деб эътироф этади. Олимлар мазкур қиёсга таянган ҳолда тангричилик энг қадимги динлардан бири эканини таъкидлайдилар.

Айрим тадқиқотчилар фикрича, 5—6 минг йиллар муқаддам қадимги Шумердан Олтойгача бўлган улкан ҳудудда протоолтой қабилалари яшаган. Қадимги шумерлар қадимги турк тилига яқин бўлган протоолтой тили лаҳжасида сўзлашганлар. Шу даврда Тангричилик протоолтой халқларининг энг қадимги дини, инсоният тарихидаги илк монотеистик динлардан бири сифатида шаклланган.

Тангричилик қадим замонда жаҳонда энг кенг тарқалган динлардан бири бўлган. Қадимги олтоу халқидан келиб чиққан туркий, монгол, тунгус-манжур, кореус ва япон халқларида Тангричиликнинг излари ҳозиргача сақланиб қолган.

Мил. ав. 1-минг йилликдан бошлаб олтой халқларининг туркий халқлар гуруҳи Ғарбга қайтиш борасида ҳаракатини кучайтирган. Хуннулар, сак, массагет, юэчжи, кушон, ефталийлар ягона осмон руҳи — Тангрига сажда қилганлар. Диний қарашлар содда ва тушунарли бўлгани, диний маросимларнинг қатъий бажарилгани уларнинг минг йиллар давомида авлоддан авлодга ўтиб келишини таъминлаган. Баъзи олимлар тангричиликда "Олкиш" ("Кўшиқлар тўплами") ёзма манбаси бўлгани ва унда тангричилик ақидаси, маросимлари ва ибодат қилиш тартиблари баён этилганини таъкидлайдилар.

Тангричилик таълимотига кўра, Тангри бу – Мовий Осмон, Буюк Осмон соҳиби руҳи бўлиб, унинг доимий макони осмон деб ҳисобланган. Тангри сўзи туркий халқларда Тенгри ёки Тенгери (олтой), Тенгри (кипчок), Танри (турк), Тенгри (татар), Тангара (ёкут), Тенгири (кумик), Тейри (болқор-қорачой), Тенгер (мўғул), Тура (чуваш) шакли ҳам ишлатилган. Тангри бутун борлиқнинг яратувчиси, чексиз фазода фақат унинг ўзи ҳамма нарсадан воқиф, адолатли ва марҳамат эгаси бўлган эркак қиёфадаги ягона худо сифатида тасаввур қилинган. Бутун борлиқ бўйсунувчи Тангри инсонлар, халқ ва давлатларнинг тақдирини белгилайди деб эътиқод қилинган.

Милодий IV-V асрларга оид Ўрхун Енасой ёдгорликлари битикларида Тангри ягона, азалий, абадиу, ҳаёт берувчи, яратувчи, ўлдирувчи, ҳукм килувчи, ёрдам берувчи, жазоловчи, банданинг дуосини қабул килувчи, ҳимоя килувчи ва мағфиратига олувчи, ҳамма нарсани билувчи, инсонларга илм берувчи ва йўл кўрсатувчи сифатлар билан мақталган. Шунингдек, битикларда у ҳоқонларни ҳокимият берган ва мустақил давлат тузишларига кўмаклашгани ҳам қайд этилган.

Қадимги туркийлар эътиқодига кўра, бутун борлиқ устидан ягона ҳукмдор Тангри ўзига бир қатор кўмакчи маъбудларни ҳам яратган. Жумладан, ушбу пантеон Умай (Жумай, она маъбуда), Ерлик (ота маъбуда), Ер, Сув, Олов, Қуёш, Ой, Юлдузлар, Ҳаво, Булут, Шамол, Тўфон, Момақалдироқ, Чақмоқ, Ёмғир, Камалак маъбудларидан иборат бўлган. Тангри Ер ва бошқа руҳлар (Юрт эгаси, Сув онаси) билан Ер олами ишларини ҳал қилиб, барча жонзотларнинг умрини белгилаган. Ерда ҳаётнинг сабабчиси бўлган Умай маъбуди аёл қиёфасида ва "ҳаёт онаси" деб эъзозланган. Эркак жинсидаги Ерлик ўлим сабабчиси бўлиб, унинг макони ерости олами ҳисобланган.

Тангричиликка кўра, олам 3 қаватдан иборат. Юқори оламнинг ҳукмдори, бош илоҳи Тангри ҳисобланган. Ўрта олами Ер-Сув, Қуйи олами Ерлик (Эрклиг) бошқарган. Тангри самодан туриб дунёни ўз измига солган: инсонларнинг тақдири, табиат ҳодисалари, ҳоқонларга донолик ва ҳокимият ва б. У ўз хоҳиш истагини сўз билан ифодалаган, ҳиссиётларга эга (антроморфизм), аммо ҳукмини табиат орқали билдирган.

Кўринмайдиган ерости олами барча ёвуз руҳларнинг макони бўлиб, уларга қудратли Ерлик бошчилик қилган. Тўққиз қатламлараро кўчиб юриш имконига эга Ер оламида ҳаёт ва ўлимнинг мавжудлиги туфайли у ерда одамлар орасида маълум вақт бўла олади холос. Ерости оламида Ер оламидан фарқли равишда барча чегаралар кўриниб туради ва бошқа ҳудудларга ўтиш ўзига хос эшиклар ёрдамида амалга ошади. Ерости ва сув олами тирик жонзотлари Ерлик тасарруфига киради. Инсон вафотидан кейин кўмилгач, унинг жисми энг қуйи қатламга тушиб боради.

Тангричиликда Тангри ва Ер икки қутб сифатида қаралса-да, улар орасида ўзаро ҳамкорлик мавжуд деб эътиқод қилинган. Инсон Ерда туғилиб, Ерда яшаган. У вафот этганда, Ер уни ўз бағрига олган. Ер инсонга фақат моддий бўлагини бера олган. Лекин инсон бошқа мавжудотлардан фарқланиб туриши учун Тангри унга, руҳий куч бўлган "кут" (қувват) ва "сур" (руҳ)ни ато этган деб эътиқод қилинган.

Мақдисий, туркий халқлар "бир тангри" сўзи билан қасам ичганликларини қайд этади. Унинг шарафига июн ойининг ўртасида оммавий

байрамлар ўтказишган. Олов ёқиб, табиат қўйнида, отни қурбонлик келтиришган. Тангрига инсонлар қўлларини юқорига кўтарган ҳолда ерга қараб таъзим қилишган. Илоҳдан омад ва саломатлик сўрашган. Байрам аксарият ҳолда камондан ўқ отиш ва меҳмондорлик қилиш, қимиз ичиш билан яқунланган.

Тангричиликда табиат ва инсон ўртасида чегара дахлсизлигини сақлашга алоҳида эътибор билан қаралган. Агар инсон табиатга меъёрдан ортиқ зарар етказса, унда табиат руҳларининг розилигига эришиш учун қурбонлик келтириш зарур бўлган. Қурбонликлар йирик тоғлар ёки дарёлар олдида оммавий равишда ўтказилган. Дарахтлар орқали маъбудлар озикланади, - деб эътиқод қилингани сабабли қурбонлик қонлари дарахтлар остига қуйилган. Лекин, одамлар табиат руҳларини ўзларига ҳамкор сифатида қарашган, уларни қариндош ёки аجدодлар руҳлари деб билишган.

Умуман олганда, қадимий туркийларнинг дунёқарашида борлиқнинг чексизлиги, ҳаётнинг доимий ҳаракат ва мунтазам янгиланишда экани муҳим ўрин эгаллаган. Айни пайтда Руҳнинг кўчиб юришига ишонганлиги боис инсон тириклик чоғида борлиқнинг бир бўлаги сифатида барча диний маросимларни тўла адо этиши лозим, акс ҳолда ёвуз руҳлар қаторидан жой олади, деб эътиқод қилинган.

Қадимиу туркийларда бўри тотеми мавжуд бўлиб, уни "Бозкурт" (кулранг бўри) деб аташган. Мовий юнги осмонни англаган Бозкурт туркий халқларнинг абадийлик тимсоли ҳисобланган. Қадимий туркийлар жанг майдонида қаҳрамонлик қилган аждодлар руҳига алоҳида эътибор қаратганлар. Аждодлар руҳига сиғиниш туркийларда ўзидан олдинги етти ота-бобоси фаолиятини яхши билиш аъъанасини шакллантирган.

Зардуштийлик. Спитама қабиласидан бўлган Пойрушаспа ўғли Ашога Заратуштра (юнонча – Зороастр, паҳлавийча – Зарахйстра "боқий юлдуз" ва "чиройли туяларга эга бўлган") ушбу диннинг асосчиси ҳисобланади. Зардуштийлар эътиқодига кўра, бу ном унга Ахура-Мазда (юнонча, Ормузд – "Донишмандлик соҳиби") томонидан берилган. Зардуштнинг яшаган даври ва жойи ҳақида турли тахминлар мавжуд. Тадқиқотчи М.Бойснинг таъкидлашича, у мил. авв. 1500-1200 йиллар орасида яшаган. Унинг фикрича, Зардушт ўз даъватини Киштосиб Лафрост исмли подшоҳ даврида бошлаган. Бунга у замонавий зардуштийларнинг ҳозиргача мил.авв. 1738 йил шоҳ Виштасп томонидан қабул қилинган "фасли" календаридан фойдаланиб келаётганларини далил қилиб кўрасатади.

Зардуштийликнинг ватани масаласида икки хил қараш мавжуд. Жумладан, айрим олимлар зардуштийлик Қадимги Эрон ҳудудида кенг тарқалгани, "Авесто"нинг шарҳлари паҳлавий тилида ёзилганидан келиб

чиқиб, унинг ватани Мидия (ҳозирги Эрон ҳудуди) деб ҳисобласалар, кўпчилик тарихчилар эса "Авесто"да Хоразм Зардуштнинг ватани, Ахура-Мазда билан алоқа боғланган ва озархурра (муқаддас олов) биринчи бор ёқилган жой экани қайд қилинганига асосланиб, Хоразмни эътироф этадилар.

Зардуштийликнинг муқаддас манбаси "Авесто" ("Апастак", "Овисто", "Овусто", "Абисто", "Авасто" -"жорий қилинган қатъий қоидалар") санскрит тилига яқин ўзига хос (авесто тили) тилида ёзилган. Унинг "Гат"лар номли қисми Зардушт қаламига мансуб деб ҳисобланади. Кўпчилик тадқиқотчилар фикрига кўра, Хоразм, Гава (Сўғд), Марғиёна (Марв), Бактрия (Балх), Орол денгизи (Ворукаша ёки Вурукаша) ва Амударё (Даити) каби номларнинг тилга олингани "Авесто" Ўрта Осиёда мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида вужудга келганини тасдиқлайди. Дастлаб "Авесто" матнлари оғзаки равишда сақланиб келган. Унинг энг қадимий қисмлари II минг йиллик охири I минг йиллик бошларига оид бўлиб, кейинги асрларда унинг таркиби турли диний урф-одатлар баёни, ахлоқий, ҳуқуқий қонун-қоидалар билан тўлдирилиб борилган. Милодий учинчи асрда қонунлардан иборат Авестонинг шарҳи "Зенд" (парфиёнча, "шарҳланган матн") ёзилган. Замоनावий зардуштийларнинг фикрига кўра, "Авесто"нинг тўлиқ қисми етиб келмаган бўлса-да, унинг дастлабки ёзма нусхаси 12 минг қора мол терисига битилган эди. Абу Райҳон Беруний "Подшоҳ Доро ибн Доро ҳазинасида (Абистонинг) ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар (Александр Македонлик) оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни қуйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтда Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди", деб айтган сўзлари юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

"Авесто" мил. авв. I асрда Аршакийлар сулоласи даврида илк марта оромий алифбосида кўчирилган. Шопур II (243-273) ва Хусрав I (531-579) замонларида унинг нусхалари яратилган. IX асрда ёзилган "Денкарт" ("Имон фаолияти", Сосонийлар ҳукмронлиги даврида ёзилган қомусий луғат бўлиб, у ўз ичига бадиий ва тарихий маълумотларни олган. Даставвал 9 бўлимдан иборат бўлган, кейинчалик унинг 2 қисми йўқотилган. Аббосий халифа ал-Маъмун ибн Ҳорун ар-Рашид (813-833) даврида Атурфарнбаг (Атурфат ибн Ҳамат) томонидан тўпланган) асари "Авесто"нинг 21 қисмдан иборат бўлганини қайд этади. Диндорлар кундалик фаолияти учун унинг ихчамлаштирилган шакли - "Кичик Авесто" ("Хурдак Авесто") яратилган.

VII асрда Эронга исломнинг кириб келиши зардуштийларни Ҳиндистонга кўчиб ўтишга мажбур қилди. Уларнинг авлодлари (форсийлар) Бомбей шаҳрида ўз жамоаларида ҳозиргача "Авесто"нинг бир нусхасини сақлаб келадилар.

"Авесто" - "Видевдат", "Ясна", "Виспарад" ва "Яшт" номи билан юритиладиган бўлимларни ўз ичига олади.

22 бобдан ташкил топган "Видевдат" - "Авесто"нинг сақланиб қолган бўлимлари орасида энг мукаммали бўлиб, унда одамлар яшайдиган барча юртлар Ахура-Мазда томонидан яратилгани, касаллик, ўлим, азоб-уқубатлар бўлмаган замон, яъни инсониятнинг фаровон ҳаёти, Зардушт билан Ахура-Мазданинг савол-жавоблари, қасам ичиш, ваъдада туриш, аҳдни бузиш, тозалик, ювиниш асослари каби масалалар ёритилган. "Ясна" - диний маросимларда ўқиладиган дуолар бўлиб, 72 бобдан ташкил топган. Зардуштнинг сўзлари ҳисобланадиган 17 фасл, 338 қитъа, 896 мисра ва 5560 сўздан иборат "Гат"лари ҳам шу бўлимдан жой олган. "Гат"нинг ҳар бир шеъри паҳлавий тилида "Гас" дейилади. Умуман олганда, бу бўлимда оловнинг муқаддаслиги, зардуштийлик маросимлари орасида оловга эътиқод қилиш, Ахура-Мазда нурининг Қуёшда намоёнлиги ва унинг Ердаги зарраси деб билиниши, оловнинг ҳақни ноҳақдан, энг олий гуноҳ ҳисобланмиш ёлғонни ростдан ажратиб бериши, ёлғоннинг чин эътиқодга хиёнат, деб қораланиши каби эътиқодиу тушунчалар ўз аксини топади. "Виспарад" - 24 бобдан ташкил топган бўлиб, маъбудлар шаънига ўқиладиган дуо ва панд-насиҳатлардан иборат. 22 бобдан ташкил топган "Яшт" эса ҳар бир боби Ахура-Маздадан бошланиб, у томонидан яратилган ва унинг маълум вазифаларини бажарувчи маъбудлар шаънига айтилган мадҳиялардан иборат. Зардуштийлик таълимотига кўра, Зардушт ўттиз ёшга етганида унга пайғамбарлик вазифаси берилган. У ўз тарафдорлари билан бирга Аивитак суви қирғоқларида хилват (ёлғизлик, чилла)га чиқиб кетган. Хилватнинг 45-кечаси самога кўтарилиб, Воҳуманаҳ (Бехмен) деб номланган фаришта бир неча фаришталар билан бирга унинг кўкрагини ёриб, руҳини поклаганлар. Воҳуманаҳ уни жаннат, яъни Ахура-Мазданинг ҳузурига олиб борган. Ўша ерда у диннинг ҳукмлари билан бирга юлдузлар, сайёралар, жаннат, жаҳаннам ва бошқа нарсаларнинг илмини ўрганган. Шундан сўнг Ахура-Мазда унга муқаддас китоб "Авесто"ни инъом этди. Зардушт таълимоти эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашнинг азалий эканига асосланган ахлоқий характердаги дин бўлиб, унда адолатли бўлиш, оқиллик, яратувчанлик ва меҳнатсеварлик билан ягона худога сиғиниш тарғиб қилинган. Бу курашда эзгулик тарафдори Ахура-Мазда охир-оқибат ёвузлик тарафдори бўлмиш Анхра-Мауню (юнонча, Ахриман - ёмонлик, бузғунчилик ибтидоси) устидан ғалаба қозонади. Шунинг учун кўпчилик диншунослар зардуштийликни ассиметрик дуализмга мансублигини қайд қилишган.

Таълимотга кўра, биринчи инсон Говмард (форсча - ҳўкиз-одам) бўлган. Биринчи шоҳ Йима (Жамшид) ҳукмронлиги олтин давр ҳисобланган. Унинг

даврида кишилар бекаму-кўст, бахтиёр яшаганлар. 900 йил ўтгач, шоҳ Йима ғурурга берилиб, ман этилган сигир гўштини ейди ва ёвузлик рамзи Ахриман ҳукмидаги кучлар бош кўтаради. Оқибатда оламни музлик қоплайди. Йима Ахура-Мазда амри билан одамлар ва ҳаувонларни совуқдан сақлаб қолиш учун кўрғон куриб, унга ҳар бир жонзотдан бир жуфтини жойлаштиради. Инсоният тарихининг илк олтин даври тугагач, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш даври бўлган иккинчи давр бошланган. Учинчи даврда Ахура-Мазда ғалаба қилиб, эзгулик салтанати қарор топади, ўлганлар қайта тирилади.

Зардуштийлик таълимотига кўра, дунё синовлардан эмас, балки ёвузликка қарши курашдан иборат, холос. Таълимотда инсоният яшаётган дунё муҳим ҳисобланади. Шунинг учун унда дунёвий лаззатлардан охират учун воз кечиш масалалари илгари сурилмайди.

Зардуштийликка кўра, эзгу амаллар қилиш орқали ёвузликни енгиш мумкин. Ҳар бир зардуштий ҳаётини эзгу фикр - хумата, эзгу сўз - хухта, эзгу амал - хвартша асосига қуриши ҳамда ёвуз фикр - дужвартшта, ёвуз сўз - дужухта, ёвуз амал - дужматадан сақланиши зарур.

Ҳар бир инсон виждон амрига биноан эзгулик ва ёвузлик орасидаги фарқни топа олиши лозим. Ҳар ким Анхра-Мауню ва унинг тарафдорларига қарши курашиши зарур. Жумладан, Анхра-Мауню яратган чаён, илон ва бошқа турли йиртқич ҳайвонлар храфстра (жирканчли) деб аталиб, уларни ўлдириш мумкин.

Зардуштий учун ҳар доим пок ҳолда бўлиш аҳамиятли ҳисобланади. Инсон ўзини пок сақлаши учун ёмон ўй-хаёллар, касаллик, ўликларга яқинлашмаслиги ҳатто уларга қарамаслиги ҳам зарур. Истисно тариқасида нопок бўлиб қолган киши янгидан покланиши керак. Инсон жасадини оловда ёқиш, муқаддас оловни ўчириш ва руҳонийларни ўлдириш энг оғир гуноҳлардан саналади. Зардуштийлар реинкарнацияни рад этадилар.

Зардуштийликда имон учта нарсага асосланади: фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги.

Ҳар бир зардуштий кунига беш марта ювиниб, покланиб, куёшга қараб уни олқишлаб сифиниши шарт ҳисобланади. Седре – оқ кийим, кошти (кусту, кусти) – оқ жундан тўқилган белбоғ.

Зардуштийлик ибодатхоналарида доимий равишда олов ёниб туради. Уларда дунёдаги тўрт унсур – сув, олов, ер ва ҳаво улуғланади.

Зардуштийлик бир йилда ҳар бири беш кундан давом этадиган олтига байрамни белгилайди. Бу байрамлар орасида гоханвар – ҳар бири ўттиз кундан иборат бўлган 12 оудан кейинги беш кунлик байрами асосий ўринни эгаллайди. Йилнинг 360 кунидан қолган кунлари хурсандчилик, диний

маросимлар билан ўтказилар эди. Шундай қилиб янги йилнинг – Наврўзнинг яхши кириб келишига умид билдирилар эди.

Зардуштийликда бир кеча-кундуз беш қисмга бўлинади: рату (белгиланган илоҳий тартиб), хавани (саҳардан тушгача), рапитвина (тушдан соат 3-4 гача), узайярина (оқшомгача), авиструтрима (ярим тунгача), ушахина (тун ярмидан саҳаргача). Сутканинг бу номлари ҳам худога ўхшатилиб, ҳар бирига ибодат қилинади – бир кунда беш марта намоз ўқилади.

Кўпчилик диншунослар зардуштийликни дуализмга оид деб ҳисобласаларда, лекин унда Ахура-Маздадан кейинги даражаларда турувчи ўзига хос худолар пантеони мавжуд эканини таъкидлаш лозим. Уларнинг энг буюклари Амеша Спента (Абадиу муқаддас) – Ахура Мазда яратган 7 махлуқдан бири. Бошқа фикрга кўра, Амеша Спента – Ахура Мазданинг тимсоли, Язатлар - Ахура Мазда яратган қуйи руҳлар бўлиб, улар Ердаги турли ҳодиса ва ҳолатларга масъулдирлар. Энг машҳур язатлар Сраоша, Митра, Рашну ва Веретрагна ҳисобланади. Фраваши Осмонларда яшовчи ва Зардуштга ваҳий олиб тушувчи махлуқотлар. Шу билан бирга Спента-Маню (ёруғлик, яралиш ибтидоси), Аша Вахишта (адолат, ҳақиқат), Воху Мана (ақл, эзгу фикр, тушунтириш), Хшатра Ваиря (қудрат, қатъиулик, ҳукмронлик), Спента Армаити (муҳаббат, ишонч, раҳм, фидойилик), Хайрватат (саломатлик, мукаммаллик), Амеретат (бахт, абадиулик) эзгулик тарафдорлари ҳисобланади. Анхра-Мауню, Друдж (ёлғон), Индра (зўрлик, зулм), Акем Мана (ёмон фикр, адаштириш), Шайрва (кўрқоқлик, пасткашлик), Тарамаити (такаббурлик), Таурви (касалик, нуқсонлик), Заурви (қариллик, ўлим) эса ёвузлик тарафдорлари ҳисобланади.

Зардуштийликда ҳар бир диндор шубҳасиз тасдиқлаши зарур бўлган муҳим ақидалар ишлаб чиқилган. Унга кўра, олий меҳрибон худо Ахура Мазданинг ягона ва мавжуд, Гегиг (Ер) ва Меног (Рух) оламлари мавжуд, Зардушт инсоният тарихида Ахура Мазданинг илк пайғамбари, "Авесто"нинг барча қисми илоҳий ҳақиқат, муқаддас олов Худонинг Ердаги тимсоли, Мобадлар Зардуштнинг биринчи шогирдлари ва ваҳийларнинг муҳофазачилари, покланиш маросимларини бажарувчи, муқаддас оловни сақловчи ва таълимотнинг шарҳловчилари, барча яхшиликларнинг барҳаёт фравашилари мавжуд бўлиб, одамларнинг фравашилари Ерда ёвузликка қарши курашиш йўлини танлаганлар, яқунда эзгулик ва ёвузлик кучларининг уйғунлашиши, келажакда Саошянта (халоскор) келиши ва унинг ёвуз Фрашо Керети устидан ғалаба қозониши, охири замоннинг содир бўлиши, ўлимдан сўнг ҳисоб-китобнинг бўлиши, адолатнинг қарор топиши, ёвузликка қарши кураш ва покликни сақлаб қолиш мақсадида зардуштийлик анъаналари ва маросимларга амал қилишнинг зарурлигига эътиқод қилиш шарт қилинган.

Зардуштийликка кўра, инсон вафотидан уч кундан сўнг унинг руҳи жасадидан ажралиб, Осмон (Кўшиқлар ууи)га олиб борувчи Чинвад кўприги (Ажратиш кўприги)га боради. Чинвадда инсон руҳини эзгулик язатлари Сраоша, Митра ва Рашну ҳимоя қилади. Агар инсон руҳининг эзгу амаллари бир тола соч вазнида ҳам ёвуз амаллардан оғир келса, кўшиқлар уйига боради. Акс ҳолда унинг руҳини дев Визареш дўзахга ташлайди. Чинвадда инсон ўз Даен (имон)ини учратади. Эзгу амал соҳибига имон гўзал қиз қиёфасида кўриниб, уни кўприкдан олиб ўтишга ёрдам беради. Ёвуз амал эгасини эса, жодугар аёл кўприкдан дўзахга йиқитиб юборади.

Зардуштийликка кўра, дунёга 3 нафар саошянга келиши лозим. Улар Зардушт таълимотини қайта тиклайди, қиёматга яқин уларнинг охиргиси Анхра-Мауню билан жанг қилиб, барча ёвузлик кучларини мағлуб этади. Барча ўлганлар қайта тирилади ва олов орқали ҳисоб-китоб қилинади. Одамлар эриган металл оқимида барча гуноҳ ва нуқсонлардан тозаланади. Яхши одамлар учун олов сут буғидек туюлади, ёмон одамлар эса ёниб кетадилар. Шундан сўнг олам ўзининг асл ҳолатига абадий қайтади.

Зардуштийликда маросимлар қатъиу белгиланган тартибда ўтказилади. Ҳар ким амал қилиши лозим бўлган шарт амаллар бўлиб, уларга кўра, барча маросимларни диний малакага эга эркак кишигина амалга ошириши мумкин, иштирокчилар пок ҳолда, Садре (оқ рангли махсус зардуштийлик кўйлаги), Кушти (махсус камар) ва бош кийимда бўлиши, аёллар эса сочларини рўмол билан бэркитиши, иштирокчилар тик турган ҳолда оловга юзланиб, ибодатлар авеста ёки паҳлавий тилида олиб борилиши таъминланади. Маросимда динсиз ёки бошқа дин вакилининг иштироки хосиятсиз ҳисобланади.

Зардуштийлар кунлик Гоҳи - куннинг гоҳ, деб номланувчи вақтларида беш маҳал - Хаван гоҳ (тонгдан пешингача), Рапитвин гоҳ (пешиндан сўнг), Узарин гоҳ (кун ботишдан олдин), Аивисрутрим гоҳ (кун ботгандан сўнг), Ушахин гоҳ (ярим кечадан тонгача) ибодатни амалга оширганлар.

Зардуштийлик маросимлари замирида ҳар қандай нопокликка қарши кураш таълимоти ётади. Бунда покланиш муқаддас олов ёрдамида амалга ошади. Зардуштийлар ибодатхонасида (оташкаде) узлуксиз равишда муқаддас оловнинг ёниб туриши таъминланади. Баъзи ибодатхоналарда бир неча юз йиллардан бери муқаддас оловлар ўчмасдан келмоқда. Муқаддас оловларни ўчиб қолмаслигини Мобад (диний маросимларни авлоддан авлодга сақлаб қолиш масъулиятини олган, руҳонийлар оиласи)лар таъминлайди. Мобадлар оловни ҳар қандай ҳолатда ҳам асраши зарур бўлган. Янги оловни ёқиш фақатгина истисно вазиятларда амалга оширилади.

Муқаддас оловларнинг Шоҳ оташ Варахрам (олий даражадаги Шоҳ Баҳром олови) махсус шоҳона маросимлар, йирик ғалабаларга бағишланиб

ёқилган. Уни ёқишда 16 хил олов жамланиб, бирлаштирилган. Ушбу олов билан боғлиқ маросимларни юқори мартабадаги руҳонийлар амалга оширишган. Оташ Адуран (ўрта даражадаги аслзодалар олови) 1000 кишидан кам бўлмаган аҳоли турар жойларида Мобадлар томонидан ёқилади. Бунинг учун жамиятнинг руҳоний, ҳарбий, деҳқон ва ҳунармандлардан бўлган табақалари иштирок этиши лозим бўлади. Олов олдида Нозуди (руҳоний, амалдор ва ҳукмдорлар шарафига ўтказиладиган маросим), Гавахгиран (тўу маросими), Садре пуши (Зардуштий шахсининг махсус кўйлак кийиш ва камар тақиш маросими), Гаханбар (Язатлар шарафига ўтказиладиган йил давомидаги байрамлар) каби маросимлар ўтказилади. Оташ Додгоҳ (қуйи даражадаги олов) маҳаллий жамоаларнинг кундалик диний эҳтиёжлари учун ишлатилган. Форсларда бу каби жоулар Дар ба меҳр (адолат эгаси Митранинг ҳовлиси) деб аталган.

Зардушт руҳонийлари ҳамма учун очик бўлган Додгоҳ (муқаддас олов ёниқ турадиган хона)да туриб, маҳаллиу мунозара ва муаммоларни ҳал қилишган. Агар Мобад бўлмаса, унинг ишларини Хирбад (руҳоний оиласига мансуб диний малакаси юқори бўлмаган ибодатхона ходимлари) олиб борган.

Зардуштийликни қабул қилаётган шахс диннинг арконларини тан олиб, Фраван дуосини ўқиши, Садре ва Куштини тақиши лозим.

Динни қабул қилиш одатда ўсмирлик вақтидан бошланади. Зардуштийликни қабул қилаётган вақтда киши хушёр ва оғир гуноҳларни қилмаган ҳолда бўлиши лозим.

Бу динни қабул қилмоқчи бўлган кишининг баъзи маросимларни бажариши кифоя ҳисобланса-да, ҳинд зардуштийларнинг дастурига кўра, келиб чиқиши Эрониу бўлмаган бошқа дин вакиллари эҳтиромга лойиқ эмас.

Шундай бўлса-да, зардуштийликка кўра, инсон вафотидан сўнг унинг ҳукми диний мансубликка эмас, балки фикри, сўзи ва амалларига мувофик бўлади. Бошқа диндан воз кечган шахс эса зардуштий билан камида бир йил алоқада бўлган ва бу вақт давомида Мобад ёки Бехдин (руҳонийлар оиласига мансуб бўлмаган, аммо диний малакаси юқори бўлган шахс)лардан таълим олган бўлиши лозим.

Мобад томонидан дам солинган инсонни ички ва ташқи ёвузликдан сақловчи ва худо билан алоқага киришда Садре ва Куштидан фойдаланилади. Садре кийиш зардуштий учун фарз амаллардан ҳисобланади. Куштини муҳим маросимлар ва ҳар ибодатдан олдин ечиб ва тақиб туриш лозим. Улар доимо тоза ҳолда сақланиб, йилда икки марта Наврўз (Эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабасига бағишланган янги йил баурами бўлиб, йилнинг кун ва туни тенг 21 мартда нишонланади) ва Меҳржон (Ҳосил баурами 23 сентябр куни нишонланади) байрамларида алмаштирилади.

Ит ёрдамида одамдан девларни қувиш ва поклаш учун Соғдид маросими ўтказилади. Маросим хушсиз одамларни тирик ёки ўлик эканини аниқлашда ҳам ўтказилган.

Зардуштийликда дафн маросими ва ундан кейинги тадбирлар мураккаб бўлишига қарамай ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Даслаб киши жасади подёб (ўликни тўлиқ ювиш) маросими олиб борилади. Жасадни кўтарган ва ювган кишилар барашнум (ўликка тегиб кетган ва оғир гуноҳлар қилган кишиларни поклаш) узоқ вақт давом этадиган маросим бўлиб, у итлар ёрдамида амалга оширилади. Маросимнинг ўлимдан кейинги ҳаёт учун фойдали экани уқтирилган ҳолда, ҳар бир диндорга умри давомида бир марта бўлса-да, тавсия қилинади. Ундан ташқари Ясна (Яснанинг 27 бўлими ўқилиши) маросими муқаддас олов олдида Мобадлар томонидан амалга оширилиб, унда дрон (махсус тайёрланган нон) ва хум (хаома, махсус тайёрланадиган ичимлик) иштирокчиларга тарқатилади.

Анъанавий дафн маросими бўйича жасадни дахма (ердан 4—5 метр баландликда цилиндр шаклида бўлган махсус жоу) га қўйилиб, унга ўликлар устма-уст тартиб билан ётқизилади. Таълимотга кўра, ўлик Ахриманнинг вақтинчалик ғалабаси оқибати бўлгани боис у нопок ҳисобланади. Шунинг учун йиртқич қуш ва ҳайвонлар ихтиёрига топширилган жасаддан қолган суяклар териб олиниб, ноус (махсус қутича)ларга солингандан сўнг дахмага қўйилади. Аммо, 1970-йиллар бошларида Эронда жасадни бетон қабрларга кўмиш амалиёти бошланган. Дафн маросимида насуса (кутига кўмувчилар) лар номли ижтимоий табақа вакилларида камидан икки киши иштирок этиши лозим. Дафннинг бир киши томонидан амалга оширилиши катта гуноҳ ҳисобланади. Ноилож вақтда эса итнинг кўмагидан фойдаланиш мумкин.

Зардуштийлик диний структурасида Эрон Мобадлари кенгаши (Анжумани моғоне Ирон) фаолият кўрсатиб, руҳонийлар иерархиясидан ташкил топган. Зардуштийликнинг диний иерархияси Рату (зардуштийликнинг ҳимоячиси, масъум мобад), Мобадан Мобад (мобадларнинг мобади), Сар-Мобад (ёки паҳлавийча, Бозорг дастур, мобадларнинг сардори, катта мобад), Дастур (кўрсатма берувчи, етакчи мобад), Мобад (ўрта мақомли мобад), Хирбад (қууи мақомдаги мобад) ва Мобадёр (мобад оиласидан бўлмаган руҳоний).

Ҳозирги вақтда зардуштийларнинг жебр (Эрон) ва форс (Ҳиндистон) жамоалари сақланиб қолган. Жумладан, Ҳиндистонда зардуштийликка эътиқод қилувчи кам сонли форсийлар бўлиб, улар VII асрда Эронга исломнинг кириб келиши оқибатида Ҳиндистонга қочиб келган форс зардуштийларининг авлодлари ҳисобланади. Форсийлар дастлаб Катҳиавардаги Дий ва Гужаротдаги Сенженда яшаганлар. Кейинчалик

Мумбау (Бомбеу)га кўчиб ўтган зардуштийлар сони 100000 киши атрофида бўлиб, ҳозирги кунда Ҳиндистон аҳолисининг 0,007 фоизини ташкил қилмоқда. Ундан ташқари Австралия, Европа, Шимолий ва Лотин Америкаси, Россия Федератсияси ва МДҲ мамлакатларида зардуштий жамоалари мавжуд.

Ҳозирги вақтда зардуштийликка эътиқод қилувчилар сони 200000 дан ошади. 2003 йил ЮНЕСКО томонидан зардуштийликнинг 3000 йиллиги нишонланди.

Монийлик. Дуалистик динларнинг энг йириги бўлган монийликка Сурайк ибн Фатак (216-276) томонидан асос солинган. Унинг арабийлаштирилган тўлиқ номи Х-аср араб манбаларида Моний - Сурайк ибн Фатак шаклида зикр қилинган. Ушбу дин қадимги Бобил динлари, яҳудийлик, христианлик, буддавийлик ва зардуштийликнинг диний таълимотлари асосида вужудга келган. Ўз даврида Монийлик Ғарбда Римгача, Шарқда Хитоу ва Ҳиндистонгача бўлган ҳудудда кенг ёйилган ва юқори нуфузга ега бўлган.

II-III асрларда Форс давлати Зардуштийлик динининг кучли босими остида эди. Шундай бўлсада, Моний христиан - яҳудий таълимотлари асосида улғайган. Унинг ота-онаси (Фатак ва Марям) асли Парфия саркардалари авлодларидан бўлган. Монийнинг ёшлиги гностиклар (илк христианликда худо ва дунёнинг яратилиши ҳақидаги таълимотни яратишга уринган диний - фалсафий оқим) ибодатхонасида ўтган ва 12 ёшга тўлганида ўзига илоҳий хабар (вахий) келганини маълум қилган. Ўзига хабар берган илоҳнинг номини Моний яъни "икки моҳият (Нур ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик) руҳи" деб атаган. Шунга кўра, унинг таълимотини иккихудолик ғояси (гностик дуализм)га асосланган деб айтилади. Шундан сўнг унга Моний - "Руҳ" лақаби берилган.

241 йил Моний 24 ёшга етганда унга ўз илоҳидан яна ваҳий келган ва ниҳоят ўз таълимотини очиқ ва баралла тарғиб қилиш вақти етганини билдирган. Шундан сўнг Моний янги динга асос солишга қарор қилган ва ўзининг диний тарғибот ишларини бошлаган. 242 йилда Форс давлати шоҳи Шопур нинг тахтга ўтириш ва тож кийиш маросими пайтида Моний биринчи марта ўз таълимотини оммавий баён этиб, ваъз айтган. Шундан сўнг Моний Шопур I нинг вафотига қадар (273 йил) мамлакатда ўзининг диний тарғиботини олиб борди. У ўзини шу диннинг асосчиси ва пайғамбари деб билган ва бутун Форс давлати, Ҳиндистон, Олд ва Ўрта Осиё бўйлаб сафарлар уюштирган. У ўз сафарлари давомида зардуштийлик, хиндуиулик, яҳудийлик, буддавийлик ва христианлик динлари фаоллари билан мулоқотлар уюштирган ҳамда уларнинг таълимоти, ибодатхоналарининг фаолияти ва тарғибот услубларини ўрганиб, ўз таълимотининг тарғибот - ташвиқот ишларида

фойдаланган. Шундай бўлсада Моний, ўз фаолиятини қатл қилингунга қадар Форс мамлакати ҳудудидагина амалга оширган.

Моний ўзини Зардушт, Сиддхартха Гаутама (Будда) ва Исо Масихларнинг издоши деб билади. Шунга асосланиб Монийликни, синкретик (қоришиқ) характерга эга дейилади.

Аммо айрим маълумотларда Моний ўзининг илк тарғиботини айнан Месопатамияда эмас, балки Ҳиндистоннинг шимолий-шарқий қисмларида бошлагани айтилади. Чунки Моний, у ерда жаҳон динларидан бири бўлган буддавийлик таълимотини ўрганиш билан бир пайтда, ўзнинг тарғиботчилик ишларини ҳам бошлаб юборган эди, дейилади.

275 йилда мамлакатда юқори нуфузга эга бўлган Маглар (зардуштийлик руҳонийлари)нинг қистови билан Форс давлатининг янги шоҳи Баҳром I Монийни зиндонга ташлашга фармон берган ва 276 йилда қатл эттирган. Шундан сўнг Моний издошларининг баъзилари қийноқларга маҳкум этилган, айримлари мамлакатдан бадарға қилинган. Аксарият қисми эса ғарбда Рим империяси, шарқда эса Ҳитой, Уйғуристон ҳамда уларнинг атрофидаги давлатларда паноҳ топиб, монийлик таълимотини ривожлантирганлар.

Монийнинг таълимотида Нур ва Зулмат ўртасидаги азалий кураш асосий ўринни эгаллайди. Унинг мазмун-моҳияти эса, Нурнинг Зулмат устидан ғалаба қозонишига ишонишдир. Монийлик маҳаллий динлар — зардуштийлик, буддавийлик ва христианлик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Моний ўзини аввалги динларнинг "тўғриловчи пайғамбари" деб эълон қилган. У христианликдан мессионизм ва "Масих" эътиқодини ўзлаштирган.

Борлиқнинг 2 субстансия асоси — ёруғлик, яхшилик ва руҳ олами билан зулмат, ёвузлик ва моддият оламининг ўзаро курашини эътироф этувчи зардуштийлик дуализми монийликнинг асосини ташкил этади. Уларнинг эътиқодича, биринчи оламда Нур (Худо), иккинчисида — Зулмат (Шайтон) ҳукмронлик қилади. Инсон икки унсурдан - Нур фарзанди бўлган руҳ ва Зулмат фарзанди ҳисобланмиш жисмдан иборат мавжудотдир. Шунинг учун инсон Зулмат кучларига қарши курашда Нур кучларига ёрдам бериши лозим деб қаралади. Ушбу икки олам ўртасидаги кураш фалокат билан тугайди, натижада моддият ҳалокатга учраб, руҳ ғалаба қозонади.

Монийлик таълимотига кўра, бу дунё ёвузлик дунёси деб қаралган ва патсифизм (урушмаслик) ҳамда мол-дунё йиғмаслик муҳим ўрин тутган. Монийлик ўз эътиқод қилувчиларидан мол-мулкларидан 1/10 ҳисса хайри-садақа беришни, бир кеча кундузда тўрт маҳал ибодат қилишни, ёлғончилик, қотиллик, ўғирлик, зино, бахиллик, сеҳргарлик ва унга ишонишни, бутпарастлик каби амаллардан узоқ юриш талаб қилган.

Монийлик ўз даврида аҳолининг қуйи табақа вакиллари орасида кенг тарқалган. Бунга сабаб улар Зулмат оламини зодагонларнинг зулмлари қиёфасида тасаввур қилганлар ва бундан халос бўлиш учун Нурга ибодат қилганлар. Бу билан Нурнинг ғалабасига ҳар ким ўз ҳиссасини қўшмоқда деб ишонганлар.

Моний Исо Масиҳни пайғамбар эканини тан олсада, Мусонинг пайғамбар эканини инкор қилган. Ўзини эса Юҳанно инжилида башорат қилинган Исо Масиҳдан кейин келувчи "Параклит" (Фраклит) исмли пайғамбар деб даъво қилган.

Монийлик 763-840 йиллар давомида Турк-уйғур давлатининг расмий дини бўлган. Ўз юртларидан қувилган монийлар, Кичик Осиёнинг чекка худудларига яширинишга мажбур бўлишган. Монийлик умумийлаштирувчи дин бўлгани сабабли тўғридан тўғри "пайғамбар"нинг ёзма буйруқларига асосланади. Унинг асарлари кўплаб тилларга таржима қилинган.

Монийлик таълимоти у томонидан тузилган "Шопуркан", "Тирик Ҳушхабарчи" (Моний ва унинг таълимоти ҳақида), "Прагматая" (сирлар китоби), "Кефалая" (Боблар) каби китобларда асослаб берилган ва айримлари рус тилига таржима қилинган.

Монийликдан бугунги кунга қадар биргина Хитойнинг Футсзян вилояти Сюанчжоу туманида жойлашган монийлик ибодатхонасигина сақланиб қолган. Бу дин қанчалик энгилликка ва оддийликка асосланган бўлсада, тарихнинг мураккаб синовларига бардош бера олмади. Натижада у дин сифатида унутилди. Ундан эса, йирик тадқиқотлар учун маълумотларгина қолган холос.

Маздакийлик таълимотининг асосчиси маздакийлар ҳаракатининг раҳбари Маздак халқ оммасининг зардўшт қоҳинлари ва зодагонларига қарши курашни бошқарган. Бу ҳаракат таъсирини пасайтириш мақсадида Эрон шоҳи Қубод II (488-531) Маздакни қўллаб қувватлаган эди. Маздак Қубод ҳукмронлиги даврида аввал оташгоҳларнинг бирида қоҳин, кейинчалик бутун Эрон бўйича бош қоҳин бўлган. Қоҳинлар ва амалдорларнинг иқтисодий, сиёсий ҳукмронлиги барбод бўлгандан сўнг Қубод I Маздак билан алоқани узган. 529 йили маздакийлар ҳаракати бостирилган. Маздак қатл этилган.

Маздакизм диний-фалсафий таълимоти (5-6 асрларда) Эронда кенг тарқалган. Маздак таълимотига кўра оламда бўладиган воқеа, ходисалар онгли ва бирор мақсадни кўзлаб ҳаракат қилувчи эзгулик, ёруғлик манбаи билан кўр-кўрона ва тасодифий ҳаракатланувчи қоронғулик (жоҳиллик) манбаи ўртасидаги курашдан иборат. Бу кураш «яхшилик»нинг «ёмонлик» устидан муқаррар ғалабаси билан тугалланади. Маздакизм ижтимоий тенгсизликни йўқотиш учун курашга даъват этган маздакийлар ҳаракатининг мафкураси

сифатида хизмат қилган. Маздакийлар ҳаракати бостирилган бўлса ҳам (6 аср) Маздак таълимоти кейинги асрлар давомида Эрон, Марказий Осиё ва Озарбажондаги деҳқонлар, шаҳар камбағалларининг феодал зулмига қарши, кейинчалик Марказий Осиёга Ислом тарқалгач, унга ва араблар истилосига ҳамда хокимиятига қарши (Муқанна, Бобак кўзғолонлари) курашнинг ғоявий байроғи бўлиб хизмат қилди.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Тангричилик динининг вужудга келиши ҳақида нималарни биласиз?
2. Тангричиликнинг таълимотларининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
3. Тангричилик қадимий туркийлар ҳаётида қандай ўрин тутган?
4. Зардуштийлик қачон ва қаерда вужудга келган?
5. Зардуштийлик асосчиси ким?
6. Зардуштийлик муқаддас манбаси қайси ва у ҳақида нималарни биласиз?
7. Монийлик динининг асосчиси ҳақида қандай қарашлар мавжуд?
8. Монийликнинг муқаддас манбалари ҳақида гапириб беринг.

Мустақил иш топшириқлари

1. Зардуштийликнинг келиб чиқиши ҳақидаги назарияларни атрофлича ўрганиб, шу ҳақда курсдошларингизга маълумот беринг.
2. Зардуштийликда муқаддас саналган унсурлар ва уларни эъзозлаш амаллари ҳақида реферат тайёрланг.
3. Зардуштийлик динининг бугунги кундаги қолдиқлари ҳақида гапириб беринг.
4. Мавзу бўйича кўргазмали слайд тайёрланг (МС Power Point).

Адабиётлар

1. "Авесто китоби - тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи" мавзуидаги илмий-амалий семинар материаллари. - Тошкент, 2000.
2. Аширов А. "Авесто"да мерос маросимлари. - Т., 2001.
3. Ишоқов М. Халқ даҳосининг қадимги илдизлари ва илк куртаклари. (Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто ҳақида) "Тил ва адабиёт таълими" журнали, 1992. № 2.
4. Марказий Осиё динлари тарихи / Масъул муҳаррир - Ш.Ёвқочев. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2006.
5. Маҳмудов Т. "Авесто" ҳақида. - Тошкент, 2000.

6. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.: Меҳнат, 2004.
7. Сулаимонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: 1997.
8. Бойс М. Зороастрисы. Верования и обычаи / Пер. с англ. И.М. Стеблин-Каменского. Послесл. Е.А. Грантовского. 2-е издание, исправленное. - Санкт-Петербург, 1994.
9. Василев Л. История религии Востока. Учебное пособие для вузов. - 4-е изд. - М.: "Книжный дом "Университет", 1999.
10. Горелов А. История мировых религий: учебное пособие. - Москва, Флинта: МПСИ, 2006.
11. Струве В. Родина зороастризма / Востоковедение, Москва-Ленинград, 1948.

4-мавзу: Ислом таълимоти асослари

Режа:

1. Исломнинг пайдо бўлиши ва кенг ёйилиши
2. Ислом таълимоти асослари.
3. Калом илми.
4. Мотуридийлик ва ашъарийлик.
5. Исломда имон масаласи.

Таянч тушунчалар

Ақида, калом, мотуридийлик, ашъарийлик, имон, Аллоҳ, фаришта, пайгамбар, тақдир, қиёмат, жаннат, дўзах.



Ислом дини дунёда кенг тарқалган монотеистик динлардан биридир. Африка қитъасидаги Марокаш, Жазаир, Тунис, Ливия, Миср, Сомали мамлакатларининг халқлари, Ҳабашистон, ғарбий Суданда яшовчиларнинг бир қисми, Осиё қитъасидаги Арабистон ярим ороли, Иордания, Сурия, Ироқ, Эрон, Туркия, Афғонистон, Покистон, Малайзия, Индонезия халқлари, Ливан, Ҳиндистон, Хитоу, ҳамда Филлипин аҳолисининг бир қисми, Европа қисмида эса Болқон ярим оролида яшайдиган халқларнинг бир қисми ислом динига эътиқод қилади.

Аҳолисининг кўпчилиги мутлоқ мусулмонлардан иборат бўлган 39 мамлакат, ҳатто аҳолисининг ярмини мусулмонлар ташкил этадиган баъзилари ҳам (Миср, Малайзия 49) ўзларини мусулмон мамлакатлари деб атайдилар. Уларнинг баъзиларида (Мавритания Эрон, Покистон, Канар

ороллари) мамлакатларининг номига ислом сўзи қўшиб айтилади. Расмий статистика бўйича, бир неча мамлакатларда аҳолининг деярли барчаси мусулмонлардан иборат. 28 мамлакатда ислом расман давлат дини сифатида тан олинган.

Шунингдек, Марказий Осиё, Кавказorti ва Шимолий Кавказ, Волгабўйи, ғарбий Сибир ва бошқа худудларда яшовчи аҳоли орасида тарқалган. Ҳозирда исломга эътиқод қилувчилар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Айниқса, эътиқод эркинлиги ҳақидаги янги Қонуннинг қабул қилиниши, вақтли матбуот саҳифаларида, радиоэшиттиришлар ва ойнаи жаҳон кўрсатувларида дин мавзуидаги чиқишларнинг кўпайиши, махсус газета ва журналларнинг кенг тарқалганлиги исломга бўлган эътиборини ошириб юборди.

Ислом жаҳондаги, айниқса, Осиё ва Африка қитъаси маданиятининг умумий қиёфасида муҳим из қолдирди. Бунга энг аввало бу худудларда араб тили ва араб ёзувининг кенг тарқалганлиги, ислом мафкураси замонида ишлаб чиқилган муайян турмуш тарзининг ҳукмронлиги мусулмонлар ижтимоий ҳаётининг турли соҳалари шариат томонидан идора этилганлиги имкон берган. Шунга қарамай маҳаллий маданий анъаналар йўқолмай, янги ислом йўналишида ривожланган ва у кўпинча қадимий мусулмон анъаналари сифатида қабул қилинган.

Мусулмонлар маданий мероси масаласи миллий озодлик ҳаракати ва ривожланаётган мамлакатларнинг мустақиллик учун кураши жараёнида асосий масаларидан бирига айланди ва ижобий аҳамият касб этди.

Хўш ислом нима? Ислом сўзининг луғавий маъносини қуйидагича шарҳлаш мумкин: 1) ихлос, турли сифатлардан саломат бўлиш; 2) сулҳ ва омонлик; 3) итоат ва бўйсиниш. Исломнинг пайдо бўлиши таҳлил этиш тарихий даврнинг хусусиятлари, араб қабилалари ўртасида ҳукмрон бўлган ижтимоий - иқтисодий муносабатларни ва уларнинг диний ғоявий ҳаёти билан қисқача танишиб чиқишни тақозо этади.

Арабистон ярим ороли ноқулай иқлим шароитига эга бўлган қум саҳролардан ва тоғлардан иборат бўлиб, унинг аҳолиси V-VI асарларида кўчманчи чорвачилик билан шуғулланар эди.

Ярим оролнинг чексиз саҳроларда яшавчи кўчманчи, чорвачилик билан шуғулланувчи араб қабилалари - бундан ҳам оғир шароитда яшар эдилар. Улар тараққиёт жиҳатидан анча орқада қолган, ҳали уруғчилик, қабилачилик тузумида эдилар. Ярим оролнинг ғарбий қисмида Қизил денгиз қирғоқлари бўйлаб чўзилган ва қадимдан Ҳижоз деб ном олган жойлар бу даврларда бир мунча иқтисодий жиҳатдан ривожланган бўлиб, бу ривожланиш қисми сувли

воҳалардаги деҳқончилик асосан жанубдан шимолга ўтган қадимий қарвон йўли билан боғлиқ эди.

Тарихий манбалардаги маълумотларига қараганда, VI аср Ямандан Шимолга Сурия, Миср ва Фаластинга олиб берилган қарвон бўлиб йўли фақат бу даврларнинг ўзларига эмас, балки жанубда Яман орқали Ҳабашистон ва Ҳиндистон, Шимолда Сурия орқали Миср, Византия ва Эроннинг ҳам бири-бири билан боғлайдиган ўз даври учун йирик ва катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган савдо йўли эди. Ҳижоздаги айрим аҳоли яшайдиган манзиллар, йўл устида жойлашган Макка, Мадина, Тоиф шаҳарлари VI асрда анча ривожланган. Булар шунингдек кўчманчи араб қабилаларининг савдо муносабатларига жалб этувчи марказлар сифатида ҳам хизмат қилар эдилар.

Макка диний марказ ва савдо маркази сифатида Араб қабилалари орасида эътиборли эди. Макка марказида жойлашган Каъба исломда энг «муқаддас» ҳисобланган ва «Оллоҳнинг уйи» (Байтўллоҳ) саждагоҳ ҳисобланган. Ундаги қора тош (ҳажар ул-асвод) ва уч юз олтмиш санам араб қабилалари учун эътиқод маънабаига айланган. Зиёратга келиш ойлари муқаддас ҳисобланиб, бу вақтлар ичида қабилалар ўртасидаги уруш ва жанжаллар тўхтатилар эди.

V-VI асрларда Маккада қурайш номли араб қабиласи ҳукмрон бўлиб, қурайшларнинг юқори табақалари савдо-сотик билан анча бойиб кетган, бу ерда пул муаммолари, судхурлик кенг ривожланган, шунингдек қул савдоси ва қулларнинг меҳнатидан фойдаланиш анча кенгайган эди. Бу даврларда Яманни қўлга киритиш учун Византия ва Эрон ўртасида кураш авж олган эди.

Яман сосонийлар ҳукмронлиги остида ўтган даврларда (572-628) Эрон кўрфази орқали Ҳиндистонга бориладиган йўли тез ривожлана бошлади ва шу муносабат билан Ҳижоз орқали ўтган йўл инкирозга учрайди. Бу ҳол фақат Ҳижоз шаҳарларигина эмас, балки барча араб қабилалари ҳаётига ҳам жиддий таъсир кўрсатади ва умуман Арабистон буйича ижтимоий-иқтисодий таназулнинг бошланишига сабаб бўлади. Ундан қутилиш учун янгича ғоялар керак бўлиб қолади.

Лекин бу ғояни амалга ошириш учун Арабистон шаҳарлари ва қабилалари ўртасида мавжуд бўлган тарқоқлик ва келишмовчиликларга хотима бериб барча араб қабилаларини бир давлатга бирлаштириш, уларнинг тарқоқ ҳолда бўлган иқтисодий ва ҳарбий имкониятларини ягона кучга айлантириш зарур эди.

Ижтимоий ҳаёт тақозоси натижасида вужудга келган араб қабилалари ўртасидаги марказлашишга интилиш ҳаракатлари араблар жамиятида VI аср охири ва VII аср бошларида юз берган жиддий тарихий воқеалар асосида ёритади. Бу интилишни ўзида акс эттирилган мафкура сифатида ислом дини

вужудга келди ва марказлаштирилган араб давлатининг пайдо бўлиши, қўшни мамлакатларининг босиб олиниши ва араб халифалигининг кенгайиши жараёнида бу дин кучли ғоявий қурол сифатида хизмат қилади.

Муҳаммад – ислом пайғамбари. Ислом динида пайғамбар ҳисобланган Муҳаммад милодий 570 йилда Маккада қурайш қабиласининг хошимийлар авлодидан бўлган. Абдуллоҳ ва Омина хонадонида туғилади. Муҳаммад ёшлигида етим қолган, аввал бобоси Абу Муталиб, сўнг амакиси Абу Толиб қўлида тарбияланади. Балоғатга етгач, савдогарлар қўлида хизмат қилиб 24 ёшда бева бой аёл - Хадичага уйланган ва унинг маблағлари билан мустақил савдогорлик қила бошлаб, жуда кўп давлатларга борган.

Муҳаммад 610 йилда 40 га кирганда Маккада якка худога эътиқод қилиш тўғрисида тарғибот юргизган.

У тарғибот бошлаган дастлабки йилларда, нисбатан жуда оз киши (Хадича, Абу Бакир, Талха, Зубайр, Усмон ва қариндошлари, айрим савдогарлар) бу тарғибот изидан борганлар. Шунинг билан бирга, ўша даврдаги қурайишларнинг уммавийлари хонадонига мансуб бўлган ва Маккада сиёсий ҳокимият тепасида бадавлат зодагонлар унинг тарғиботига жиддий қаршилик кўрсата бошлаган. Маккада аҳвол жиддийлашганини кўриб Муҳаммад Мадинадаги Ауз ва Хазреж номли вакиллари билан Мадинага кўчиб кетган.

622 йили юз берган бу кўчиш (арабча «хижра») дан мусулмонларнинг хижрий йили ҳисоби бошланади. Маккадан кўчиб борганлар ислом тарихида «муҳожирлар» (кўчиб келганлар), Мадиналик қабилалардан исломни қабул қилганлар эса «ансорлар» (ёрдамчилар) деб ном олган.

Муҳаммад Мадинага келгач ўз мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади ва исломни тарғиб қилишни давом эттиради.

Нихоят маккаликлар билан мадиналиклар ўртасида жанглар бўлган. Улардан бири Бадр қудуғи ёнида хижрий йилининг рамазон ойида (17 ёки 19 кун) бўлади. Иккинчи жанг 625 йил июл-август ойларида ва 626 йили «хандоқ» жанги номини олган тўқнашувлар ҳам бўлиб ўтди. Ушбу жангларда Муҳаммад ғалаба қозонгандан кейин, Мадинада ўз мавқеини мустаҳкамлаб бу ерда фаол сиёсат олиб боради.

628 йили мусулмонлар жамоаси учун муҳим бўлган воқеа юз берди. Муҳаммад Кабаъни муқаддас деб эътироф этишни намоёни қилиш мақсадида 1500 га яқин мусулмонлар билан барча қабилалар жангга борадиган мавсумда Маккага жўнайди. Бундан хавотирланган раҳбарлари Абу Сўфиён билан бирга Маккадан 30 км.ча нарида бўлган Худобия водийсида уни тўхтатадилар. Музокаралар бошланиб, ўртада «шартнома», «худобия сулҳи» тузилади, қасам айтилади, қасам «бауха» деб аталади. Битимларга мувофиқ

Маккаликлар мадиналикларга келаси йилдан бошлаб ҳажга келишга ижозат беришади.

630 йили Мадина қўшинлари Маккани қаршиликсиз эгаллайдилар. Уммавийлар билан рақобат тугаб, улар Муҳаммаднинг яқин ёрдамчисига айланадилар. Ислом Арабистон ярим оролининг асосий ҳукмрон динига айланади. Шундай қилиб Муҳаммад Ислом байроги ости араб қабилаларини бирлаштириб, ягона марказлашган мамлакатни ташкил этади.

Муҳаммад 632 йили июн ойида 62 ёшда Мадинада вафот этади. Бу даврга келиб анчагина мустаҳкамлашган мусулмонлар давлати вужудга келган ва бу давлат Ямандан Сино ярим оролига, Қизил денгиз соҳилларидан марказий кум саҳроларигача чўзилган катта ҳудудни ўз ичига олган эди.

Муҳаммад вафотидан кейин халифалар (ёрдамчилар) давлатни бошқарадилар ва шу муносабат билан мусулмонлар давлати ўзининг бундан кейинги тарихида «Араб халифалиги» деб ном олади. Муҳаммад вафот этгандан кейин биринчи кунданок мусулмонлар жамоасининг йўл бошловчилари ўртасида ҳокимият учун кураш бошланади. Бу курашда муҳтожирлар гуруҳи голиб чиқади ва Муҳаммаднинг қайнатаси, Ойшанинг отаси Абу Бакр халифадеб эълон қилинади.

Абу Бакр ҳукмронлигининг (632 - 634) дастлабки йилларида бир қатор араб қабилалари ўртасида Мадина ҳукмронлигига қарши бош кўтарган қабилалар ҳаракати «Исломдан чиқиш», «диндан қайтиш» деб таърифланган.

Диндан қайтган кишилар қаттиқ таъқиб қилинган. Халифа Умар (634 - 644) замонида истилолар янада кучайган. 634 йили Басра, 633 йили Дамшқ, 640 йили Қуддус олинади ва Фаластин, Сурия ерлари тўла равишда халифалик қўлига ўтади.

Яна шунга аҳамият бериш керакки, кейинги халифалар Усмон (644 - 656) ва Али (656 - 661) замонларида ҳам истилолар давом этади. Кавказ ва Турон томонга юришлар кучаяди. Қисқа вақт ичида Грузия, Озарбайжон, Эроннинг шимолий қисми, Хуросон, Мавр ерлари араблар қўл остига ўтади ва халифалик қўшинлари Амударё соҳилларига чиқади. Шундай қилиб 30 йилдан озроқ вақт ичида араб халифалиги ўша замонлардаги энг катта империя бўлган Византияга нисбатан ҳам катта ҳудудни босиб олади, сосонийлар империяси барҳам топади.

Бунинг натижасида Амударё соҳилларидан Шимолий Африкагача Тибилиси ва Дарбанддан Яман ва Уммонгача чўзилган янги империя вужудга келади. Қисқа вақт ичида араб қўшинларининг бундай енгил ғалаба қозонишининг сабаби нимада деган савол туғилиши табиийдир. Араб қўшинларини яхши ташкил қилинган ёки юқори ҳарбий техникага эга бўлган деб айтиш тўғри бўлмайди, чунки бу кишилар бадавийлар, яъни кўчманчилар

ва бошқа ҳар хил қабилалардан тузилган бўлиб, ўз замонида маълум бўлган ҳарбий санъат ва техника даражасидан ҳам анча орқада турар эди. Осонлик билан эришилган ғалабаларнинг асосий сабаби бу даврда араб қўшинларига жиддий қаршилик кўрсатадиган кучнинг йўқлиги эди.

Ҳозирда катта мусулмон жамоалари Индонезия (165 млн.), Покистон (125 млн.), Бангладеш (120 млн.), Ҳиндистон (93 млн.), Эрон (63 млн.), Туркия (61 млн.), араб мамлакатларидан энг йириги Мисрда (48 млн.), Нигерияда (43 млн.) мавжуддир. Дарвоқе, араблар барча мусулмонларнинг 20 фоизини ташкил этадилар.

Пайдо бўлиши ва таълимоти. Ислом тарихида бу дин келмасидан аввалги муддат жоҳилия ёки жоҳилият даври деб юритилади. «Жоҳилия» сўзи адабий араб тилида «билмаслик», яъни «ягона худо – Аллоҳни танимаслик» маъноларини беради. Бу истилоҳ мусулмон муаллифлари томонидан Арабистон ярим оролининг исломдан олдинги давр тарихига нисбатан ишлатила бошланди. Бу билан янги давр тарихчилари қадимги даврда Ички Арабистон аҳолиси орасида «кўпхудолик» (*ал-Васания*) ҳукм суради, деган фикрга урғу беришни истайдилар. Баъзи тадқиқотчилар жоҳилия даври 100-200 йил давом этган деган фикрни билдирадилар. Бироқ ушбу даврнинг қанча муддат давом этганлигини аниқлаш бирламчи манбалар, биринчи навбатда, ёзма адабиётнинг озлиги, баъзида буткул йўқлиги туфайли жуда мушкул.

Араб ерлари Осиёнинг жануби-ғарбидаги ярим оролда жойлашган бўлиб, шимол томондан – Шом (Сурия) саҳролари, шарқдан Форс (Араб) кўрфази, Умон денгизи, жануб томондан Ҳинд океани ва ғарбдан Қизил денгиз билан чегараланган. Мана шу бепоён ўлка бу ерда яшаган сомиий тилларнинг бирида сўзлашувчи араблар номи билан Арабистон ярим ороли деб аталган. Замонавий тадқиқотларнинг кўрсатишича, ислом пайдо бўлиши арафасида ярим орол ҳудудида маданият нуқтаи назаридан уч цивилизация мавжуд бўлган:

- 1) мустақил маънога эга бўлган Жанубий Арабистон (тили – жанубий араб тили);
- 2) нисбатан четки таъсирлардан узоқроқда жойлашган ички Арабистон;
- 3) Византия ва Эрон империялари маданий анъаналари билан боғлиқ Шимолий Арабистон.

Исломнинг пайдо бўлиши тарқоқ араб қабилалари учун оламшумул воқеага айланди. Тарихда биринчи араб давлати – Араб халифалиги вужудга келди. Араб истилолари оқибатида мазкур уч цивилизация вакиллари аралашиб кетди. Лекин уларнинг ўтмишда нисбий мустақил ривожланганликлари *араблар насаби* ҳақидаги тасаввурда сақланиб қолди. Унга биноан, арабларнинг барчалари насаб жиҳатидан икки катта авлод

вакиллариدير: *қахтонийлар* – жануб араблари, *аднонийлар* – шимол арабларидир. Мана шу икки авлоддан барча араб қабилалари тарқалган. Лекин тадқиқотларнинг кўрсатишича, мазкур тасаввур VII аср охирлари – VIII аср бошларида Сурия ва Ироқда ҳокимият учун ҳарбий кураш олиб борган араб қабилалари иттифоқлари (Калбийлар, Асадийлар ва бошқалар) вакиллари томонидан шакллантирилган. Қадимги араблар орасида кўчманчилик мафкуриси қолдиқлари, қабилавий тузум тасаввурлари кучли бўлса-да, ислом дини пайдо бўлиши давларида уларнинг катта (2/3) қисми ўтроқ ҳолда шаҳар ва қишлоқларда яшаган. Ислам дини шаклланган ва ривожланган Макка ва Ясриб шаҳарлари Яқин Шарқ цивилизацияси қадимий марказларидан нисбатан узоқроқда жойлашган. Арабистон ярим оролининг Макка, Мадина, Тоиф, Хайбар сингари бир қанча энг муҳим шаҳарларини ўз ичига олган қисми қадимдан Ҳижоз деб аталган.

Бу ярим оролнинг катта қисмида ислом вужудга келгунига қадар «*кўпхудолик*» эътиқоди ҳукм сурарди. Қадимги арабларнинг диний тасаввурлари жумласига тотемизм, фэтишизм, анимизм элементлари ва ўтмиш аجدодлар руҳига сиғинишни киритиш мумкин. Тотемизмнинг яққол далили сифатида кўпгина қабилаларнинг номларини келтириш кифоя: *асад* (арслон), *калб* (ит), *бакр* (бўталоқ), *саълаб* (тулки), *зиъб* (бўри) ва ҳ.к.

Арабистонда ҳар хил худоларнинг тимсоли – санамлар кўпи бир вақтда пайдо бўлган эмас, албатта. Улар узоқ вақт шаклланган. Бироқ кейинги давр ислом тарихчиларининг хабар беришларига қараганда, Арабистонга даставвал санам келтирган ва унга ибодат қилишни тарғиб қилган шахс Амр ибн Луҳай исмли киши бўлган. Ривоятга кўра, у Шомга тижорат мақсадида тез-тез сафар қилиб турар эди. Амр ибн Луҳай баъзи шомликлар одатларидан қаттиқ таъсирланиб, уларнинг бутларидан бирини Маккага олиб келган. Кейинчалик бутларга сиғиниш араблар орасида кенг тарқалиб кетган. Ҳарқалай, бут-санамларга сиғиниш – диннинг янги босқичи бўлган. Ибн ал-Калбийнинг (ваф. 763 у.) «Китоб ал-асном» асарида таъкидланишича, мил. ав. VIII асрдаёқ ҳар бир араб қабиласи ўз санамига эга эди. Тез-тез бўлиб турадиган қабилалараро урушлардан сўнг, одатда, мағлуб қабила ғолиб қабила санамига сиғина бошларди. Баъзида ғолиб қабила мағлуб қабиланинг санамини ҳам ўз санамлари сафига қабул қилиши мумкин эди. Арабистоннинг турли ерларида муайян санамларнинг қароргоҳи мавжуд бўлиб, улар зиёратгоҳлар сифатида маълум эди. Улардан бири Макка Каъбаси эди. Макка эски Арабистоннинг диний марказига айлангач, у ердаги Каъбага санамлар тўпланди. Ибн ал-Асирнинг (ваф. 1232 у.) уқтиришича, Макка фатҳ этилган 630 йили Каъба ичида 360 та санам бўлган. Санамлар учун бу рақам жуда катта кўринади,

аммо муайян санам бир неча қабилада эҳтиром қилинган бўлса, у Каъбага шунча нусхада қўйилган бўлиши мумкин.

Исломдан олдин Арабистонда яҳудий жамоалари мавжуд бўлган. Арабистон яҳудийлари ҳақида, асосан, Қуръон, ҳадис, тафсир, *сира* (Пайғамбар ҳаёти ва муқаддас урушлари ҳақида ҳикоя қилувчи адабиёт жанри) ва тарих китоблари хабар беради. Бу мавзуга аниқлик киритадиган ва ҳозирга қадар топилган ҳужжатларнинг энг қадимийси – Янги Бобил подшоҳи Набонидга (мил. ав. 555-539) тегишли хроникадир. Унда айтилишича, мил. ав. 552-542 йилларда Шимолий Арабистондаги Тайма шаҳрини ўзига пойтахт қилиб олган Набонид бу ердаги шаҳарларни ўзлаштириш мақсадида Бобилдан талайгина аҳолини кўчирган; уларнинг кўпчилигини яҳудийлар ташкил қилган. Маълумки, бундан олдинроқ (мил. ав. 586 у.) Навходоносор II асрада Қуддусни забт қилганида салкам 30 минг яҳудийни асир олиб, Бобилга келтирган ва «Бобил асирлиги» 50 йил давом етган эди. Шундан сўнг ҳам баъзи яҳудийлар Фаластинга қайтмай, Бобилда қолиб кетгандилар.

Арабистон ярим оролида яҳудийлик билан бир қаторда христианлик дини ҳам тарқалди. Христианлар бу ерда кенг тарғиботчилик ишларини олиб борар эдилар. Улар Арабистонга қачон кириб келганлиги номаълум. Одатда тарғиботчилар тиб ва мантиқ илмидан хабардор, кишилар қалбига йўл топа оладиган одамлар бўлганлиги учун кўпгина қабила бошлиқларига таъсир этганлар, уларнинг христиан динини қабул қилишига ёки ўзларининг олиб бораётган фаолиятларида ёрдам беришига эришганлар. Исломга қадар Арабистон ярим оролининг деярли барча ҳудудларида христиан роҳиблари мунтазам равишда дин тарғиботи билан шуғулланар эдилар. Юқорида айтиб ўтилганидек, христианликнинг Арабистон ярим оролига қачон кириб келгани аниқ маълум эмас.

Ҳижоз шаҳарларига христианлар (шарқий черковлар вакиллари) асосан Византия қарамоғи остидаги Фаластин ва Шомдан кўчиб келганлар. Ислом вужудга келиши арафасида Думат ал-Жандал, Ейлат, Тайма, Ясриб, Макка ва Тоифда ҳам талайгина христианлар бор эди. Ҳабашистон христианлари билан алоқалар ҳақида эфиоп аскарларининг юришлари ва илк мусулмонларнинг хижралари далолат беради.

Қадимги Арабистон жамиятида «ханифлар» номи билан маълум бир жамоа мавжуд эди. Бу жамоа вакиллари диний тасаввурларини фанда «номаълум монотеизм» деб аташ қабул қилинган. Улар санамларга сиғинмас, балки ягона Худога ибодат қилар ҳамда очикдан-очик бутпарастларни танқид қилишар эди. Улар бир ерда муқим турмай, ўлка бўйлаб дарбадар ҳаёт кечирардилар. Ушбу тоифа кишиларидан Зауд ибн Амр, Варақа ибн Навфал, Убаудуллоҳ ибн Жаҳш ва Усмон ибн Ҳуваурис, Қусс ибн Саууидоларни

келтириш мумкин. Улар кейинчалик илк ислом жамоасида маълум мавқега эга бўлдилар.

Сосонийлар Эрони динлари ҳам Арабистон ярим оролида мавжуд эди. Улар ҳақида адабиётларда кам гапирилади. Ваҳоланки, зардуштийлик ва манихеизм таълимотлари ҳам бу минтақаларда кенг тарқалган эди. Бу даврда ўзини «Пайғамбарлар муҳри» (*Хотам ал-анбиу*) деб атаган Моний ва унинг «ўзга динлар таълимотини тўғриловчи» дини атроф ҳудудларга етиб улгурган эди. Чунки Лахмийлар давлати Сосонийлар таъсири остида бўлиб, ислом дини шаклланиши арафасида Эрон Яманни забт этган эди.

Янги диннинг шаклланишида Арабистон ярим оролида мавжуд ҳолатнинг таъсири, албатта катта бўлди. Аммо бу жараёнларда биринчи араб давлати вужудга келиши ва унинг мафкурасининг шаклланиши муҳим ўрин тутди. Уларни тўлақонли идрок этишда Муҳаммад пайғамбар ҳаёти, унинг янги дин тарғиботчиси ва давлат арбоби сифатидаги фаолияти асосий ўринни эгаллайди.

Муҳаммад пайғамбар ҳаёти. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абд ал-Мутталиб Макка ва унинг атрофи тарихида «Фил воқеаси» номи билан машҳур бўлган жангдан 50 кун кейин таваллуд топди. Бу сананинг милодий ҳисоб бўйича қайси кунга тўғри келиши кейинчалик ҳисоблаб чиқарилган. Бу ҳисоблардан мисрлик мунажжим Маҳмуд пошонинг аниқлашича, Пайғамбарнинг таваллуд топишлари милодий сананинг 571 йил 21 апрель кунига тўғри келади. Отаси Абдуллоҳ Қурайшнинг Бану Ҳошим, онаси Омина бинт Ваҳб – Бану Зухра уруғидан эдилар.

Ота-онадан етим қолган Муҳаммад пайғамбар то саккиз ёшгача бобоси Абдулмутталиб қўлида тарбияланди. Сўнгра уни амакиси Абу Толиб ўз ҳимоясига олди. Пайғамбар ёшлик чоғларида икки марта Шомга, бир марта Яманга карвон билан сафарга чиқди.

Араблар орасида ўзаро қон даъвоси сабаби билан бўлган урушларнинг энг оғир кечгани «Фижор жанги» ҳисобланади. Исломдан аввал ҳам арабларда *муҳаррам*, *ражаб*, *зулқаъда* ва *зулҳижжа* ойлари муқаддас саналиб, уларда уруш тақиқланган эди. Мазкур уруш мана шу ойларда бўлганлиги учун унга «Фижор жанги» («Гуноҳкорлар уруши») деб ном берилган. Бу урушда Қурайш тарафида Муҳаммад пайғамбар ҳам иштирок этди. Тўрт йил давом этган бу уруш сулҳ билан ниҳояланди.

Муҳаммад пайғамбар 25 ёшга тўлганида Бану Асад уруғидан бўлган бой аёл Хадича бинт Хувайлидга уйланди. Муҳаммад пайғамбарнинг етти фарзандидан (Мориядан туғилган Иброҳимдан бошқа) олтитаси (Зайнаб, Умм Кулсум, Руқайя, Фотима, Қосим, Абдуллоҳ)нинг онаси Хадича бинт Хувайлид эди.

Маккадаги Каъба биноси устида томи бўлмаганидан, ёмғир сувлари уни емириб юборган эди. Кейинчалик бинони сел оқимидан сақлаш учун бир тўсик қурилган бўлса-да, у ҳам йиллар ўтиб емирилган эди. Пайғамбар даврида Макка аҳли Каъбани янгидан қуришга қарор қилдилар. Бу қурилишда Пайғамбар ҳам қатнашди.

Ваҳий нозил бўлишининг бошланиши. Муҳаммад пайғамбар 40 ёшга етганида кўпроқ ёлғизликни кўмсайдиган бўлиб қолди. Шундай пайтларда Маккадан 3 мил узоқдаги Ҳиро тоғида жойлашган ғорга чиқиб кетар, ерлик аҳоли одатича рамазон ойини у ерда ибодат билан ўтказарди. Ғамлаган озиқалари тугагач, Хадича олдига қайтиб, бир оз вақтдан сўнг яна ўша ғорга кетар эди. У ерда ўзини сукунатга бериб, чуқур ўйга толар, ғойибдан қулоқларига «Сен Аллоҳнинг элчисисан» деган товушлар эшитилар эди. Кўп туш кўрар, тушида кўрган нарсалари ўнгида тўғри чиқар эди.

Ислом тарихида илк ваҳй «Алақ» сурасининг бошидаги беш оятдир. Хадича ваҳий нозил бўлиши ҳақидаги хабарни яхшиликка йўйиб, Варақа ибн Навфал номли самовий китоблардан бохабар бўлган қариндошидан бўлиб ўтган воқеанинг тафсилотини сўради. Варақа ибн Навфал буни пайғамбарликнинг нишонаси деб таъбир қилди. Нозил бўлаётган ваҳийларда Пайғамбарга ўз қавмини қиёмат ҳақида огоҳлантириш, ягона, барчани яратган Парвардигордан кўрқишга чақириш учун кўрсатмалар бўлди. Шундан сўнг Муҳаммад пайғамбар яширин даъватга ўтди. Биринчи бўлиб Хадича бинт Хувайлид ва амакиваччалари Али ибн Аби Толиб исломни қабул қилишди. Вақт ўтиши билан мусулмонлар сони 30 кишига етди. Улар ўз динларини яширин сақладилар. Бу ҳолат уч йил давом этди.

Даъватнинг ўнинчи йили ҳаж мавсумида Пайғамбар Макканинг шимолида «Ақаба» деб аталадиган бир тепаликда Ясриб (Мадина) шаҳридан келган олти кишини учратиб, уларни исломга даъват этдилар. Улар исломни қабул қилдилар. Ушбу учрашув ислом тарихида «Биринчи Ақаба байъати» деб ном олди. Унда Асъад ибн Зарора, Рафиъ ибн Молик, Авф ибн Ҳорис, Қутба ибн Омир, Уқба ибн Омир, Жобир ибн Абдуллоҳлар Пайғамбарга дин шартларини бажаришга «байъат» (қасамёд) қилдилар. Кейинги икки ҳаж мавсумида ҳам Ақаба байъати бўлиб ўтди. Иккинчи учрашувда мадиналиклардан 12 киши, учинчисида эса 75 киши иштирок этдилар. Бу воқеалардан сўнг Пайғамбар Мадинага хижрат қилишга қарор қилди.

Мадина даври. Мадиналик «ансор» (ёрдамчи)лар маккалик «муҳожир»ларни самимий кутиб олдилар. Муҳаммад пайғамбарнинг Мадинага кўчиб ўтиши рабиъ ал-аввалнинг саккизинчи куни, милодий 622 йил 20 сентябрда юз берди.

Исломнинг Мадина даври унинг тарихида жуда катта аҳамиятга эга. Мусулмонлар биринчи марта алоҳида диний жамоа (Умма) бўлиб яшай бошладилар. Бу эса ўз навбатида диний қоидаларнинг такомиллашувини тезлаштириб юборди. Аста-секин намоз, азон ва бошқа амаллар тартибга солинди. Пайғамбар бу шаҳарга учинчи тараф вакили сифатида таклиф этилган эди. Аввал мурасасиз Авс ва Хазраж араб қабилалари ҳамда Бану Қурауза, Бану Қаунукў, Бану Надир яҳудий қабилалари билан ўзаро сулҳ тузилди.

Ҳижратнинг иккинчи йили рамазон ойида (мил. 624 у.) мусулмонлар уммаси қўшинлари ва маккаликлар ўртасида *Бадр* жанги бўлди. Бу жанг Мадинадан 80 мил (тахминан 150 км.) узоқда Сурия қарвон йўлида жойлашган Бадр қудуғи яқинида бўлиб ўтди. Мурасасиз кечган жанг мусулмонлар ғалабаси билан тугади. Бу жангдан сўнг Умма мавқеи Мадина аҳли орасида бекиёс ўсди. Шу даврдан бошлаб Муҳаммад пайғамбар етакчилигидаги ислом жамоаси кучли бир давлатнинг вазифаларини бажара бошлади. Ўзларини мусулмон деб эълон қилиб, аслида эса Пайғамбар ва мусулмонларга муҳолиф иш юритганлар *мунофиқун* деб номландилар. Кўпхудоликка эътиқод қилувчилар *мушириклар* деб аталди. Мусулмон жамоаси давлат даражасига кўтарилиб, бошқа қабилалар ва қабилалар иттифоқлари билан ўзаро қисқа ва узоқ муддатли сулҳ шартномаларини тузилди. Шу йили *закот* исломнинг асосий амалларидан бири сифатида фарз қилинди.

Яҳудий, христиан ва собиъийлар *аҳл ал-китоб* мавқеига эга бўлишди. Улар – Мадина давлати хазинасига ҳар бир вояга етган эркак бошидан тўлов (*жизя*) йиғиб бериб, ўз ижтимоий-диний автономияларини сақлаб қолиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Аммо Мадина давлатининг асосий муҳолифи Макка жамоаси бўлиб қолаверди. Ҳижратнинг олтинчи йилида Макка қураушчилари билан тузилган Ҳудайбия шартномаси энг муҳим ғалабалардан биридир.

Макка фатҳидан (630 у.) сўнг ислом давлати Арабистон ярим оролида тўла ғалабага эришди. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, Макканинг олиниши мусулмонлар учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлди, чунки шундан сўнг мусулмонлар жамоаси Арабистон муҳитида етакчи давлат ва сиёсий кучга аланди.

Шу билан бир қаторда Мадинада диний қоида ва тартиблар бир текис шакллана бошлади. Мусулмоналар ва яҳудий қабилалари ўртасида ўзаро можаролар бўлиб ўтди. Қибла Қуддусдан Маккадаги Каъбага ўзгартирилди, *аҳл ал-китобга* (яҳудийлар, христианлар, собиъийлар) *аҳл аз-зимма* (мусулмон давлати ҳимояси остидаги диний жамоа) мавқеи берилди. Пайғамбар Умма ҳаётини кўп ҳолларда атрофдаги одамлар учун одатий бўлган қоидалар

асосида бошқарди. Муҳим ҳолларда янги диний ва ижтимоий қоидалар *вахий* орқали киритилди.

11 хижрий йил 12 рабиъ ал-аввал/632 милодий йил 8 июн куни Пайғамбар вафот этди. Бу билан ислом тарихида илк давр – Қуръоний давр ёки теократия даври тугади. Бундан буён мусулмон-араб давлати тарихида подшоҳлар – *халифалар*, ислом дини меъёрларини шакллантириш ва ривожлантиришда диний илмлар билимдонлари – уламоларнинг роли тобора ошиб бораверди.

Пайғамбар вафоти ҳақидаги хабар Мадина аҳли орасида ёйилгач, ансорлар *Умма* бошчиси – *халифаликка* номзод масаласини ҳал қилиш мақсадида Бану Сўйда қабиласининг Сақифа номли гузарига ошиқдилар. Бир қанча муҳожирлар ва ансорлар ўртасида бўлиб ўтган қизғин баҳс ва тортишувлардан сўнг халифаликка (*халифат расулиллоҳ*) Абу Бакр ас-Сиддиқни (632-634) сайлаб, барча унга байъат қилдилар. Абу Бакр диний ва дунёвий ҳокимиятни ўз шахсида бирлаштирди.

Пайғамбар вафотидан сўнг исломни қабул қилган баъзи қабилалар Мадина шаҳар-давлати янги йўлбошчиси Абу Бакр даврида закотни беришдан бош тортдилар. Сохта пайғамбарлар ҳаракатлари вужудга келди. Илк ислом тарихидаги ушбу воқеалар «*Ридда*» номи билан аталади. Абу Бакр бундай хатти-ҳаракатларни қатъийлик билан бостирди. Бу даврда Араб қўшинлари исломни тарқатиш ғояси билан Арабистон ярим оролидан ташқарига чиқа бошладилар. Бу эса ўз навбатида исломнинг жаҳон динига айланишига замин яратиб берди.

Ислом таълимоти. *Ислом* сўзининг араб тилидаги луғавий маъноси – *таслим бўлиш, бўусуниш*, истилоҳда эса ягона Аллоҳга бўйсунуш маъноларини беради. Ислом дини таълимоти бўйича Муҳаммад пайғамбар аввалги (ўрта Ер ҳавзаси цивилизациясида маълум бўлган) пайғамбарлар ишини давом еттирган, улар динини қайта тиклаган, *қиёмат* олдидан юборилган охирги пайғамбар (*Хотам ал-анбий*) – набий ва расул деб тан олинади.

Исломнинг асосий шартлари ҳисобланмиш беш рукн қуйидагилардир:

- 1) имон;
- 2) намоз;
- 3) закот;
- 4) рўза;
- 5) ҳаж;

Имон масаласида исломда (*аҳл ас-сунна, шиъалар, хаворижлар* ичида) аввалги даврда турли мактаблар вужудга келиб, улар шу кунгача ривожланиб

келмоқда. Баъзи таълимотлар (масалан, *муътазила*, *муржиъа*) йўқолиб, янги теологик мактаблар пайдо бўлган. Шунингдек, кўп ҳолларда алоҳида олинган машҳур мутафаккир-уламнинг шахсий йўли (*мазҳаби*) ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. *Аҳл ас-сунна ва-л-жамоа* ичида классик даврда икки асосий мактаб – *мотуридийлар* ва *ашъарийлар* кучли мавқега эга бўлдилар. Масалан, *мотуридийлар* наздида ақида масалаларида қуйидагича фикр мавжуд:

«Имон» сўзининг луғавий маъноси *ишонмоқ*, *тасдиқламоқ* бўлиб, истилоҳда эса «*Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ*» («Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад – Аллоҳнинг пайғамбари») *калимасини* тил билан айтиб (*ал-икрор би-л-лисон*), дил билан тасдиқлаш (*ат-тасдиқ би-л-қалб*) демакдир. Мазкур таълимот бошқаларидан *имон* масаласида *амални имондан* алоҳида ҳисоблаши билан фарқланади. Имоннинг етти шарти бор. Улар:

– Аллоҳнинг борлиги ва бирлигига имон келтириш, яъни Аллоҳнинг Қуръони каримда ва Муҳаммад пайғамбар ҳадисларида баён қилинган барча *исмлари* ва *сифатларига* имон келтириш. Ибодат қилиш ва сиғинишга ундан ўзга лойиқ зот йўқ деб билиш, унинг барча буйруқларини қабул қилиш ва барча қайтарган нарсаларидан қайтиш. Қуръоннинг «ал-Ихлос» сурасида Аллоҳ таолонинг ягоналиги шундай таърифланади: «Айтгин (Эй, Муҳаммад пайғамбар): Аллоҳ ягонадир, бениёздир (ҳеч ким ва ҳеч нарсага мухтож эмас, балки барча унга мухтождир), туғмаган, туғилмаган ва унинг тенги йўқдир» (Қуръон, 112:1-4);

– фаришталарнинг борлигига имон келтириш. Фаришталар (*малўика*) Аллоҳнинг нурдан яратган, унинг буйруқларини сўзсиз бажарувчи, унинг амридан ташқари чикмайдиган хос бандаларидир. Улардан Жаброил, Микоил каби буюк фаришталарнинг номлари Қуръонда зикр этилган. Жаброил фариштанинг вазифаларидан бири пайғамбарларга Аллоҳнинг *ваҳйларини* етказиш бўлган. Фаришталардан баъзилари одамлар билан доим бирга бўлиб, уларнинг яхши ва ёмон ишларини ёзиб борадилар. Қуръонда улар «*Киром котибун*» (*мукаррам котиблар*) деб зикр этилган (Қуръон, 82: 10-12). Бундан ташқари, тафсир китобларида Исрофил, Азроил номли фаришталарнинг исмлари қайд этилган. Қуръон ва ҳадисларда фаришталар ҳақида жуда кўп ерда сўз юритилган. Уларга ишониш имоннинг шартларидандир;

– илоҳий китобларга имон келтириш. Аллоҳ Муҳаммад пайғамбарга Қуръонни нозил қилганидек, бошқа пайғамбарларга ҳам китоблар туширган. Улардан бизга маълум бўлганлари: Иброҳим пайғамбарга «Саҳифалар», Мусо пайғамбарга «Таврот», Довуд пайғамбарга «Забур» ва Исо пайғамбарга берилган «Инжил» китобларидир. Улардан бошқа пайғамбарларга юборилган китоблар ҳақида Қуръон ва ҳадисларда хабар берилмаган. Юқорида номлари

зикр этилган китобларнинг барчаси Қуръонда Аллоҳ томонидан нозил қилинган деб таъкидланганлиги сабабли уларга шундай деб ишониш имоннинг шартларидан ҳисобланади. Ислом таълимотига кўра, олдинги илоҳий китоблар бузилиб кетганлиги сабабли Қуръон уларнинг таълимотини тиклаб келган;

– пайғамбарларнинг ҳақлигига имон келтириш. Аллоҳ инсонларга тўғри йўлни кўрсатиш учун пайғамбарлар юборган. Барча пайғамбарлар бир занжирнинг бўғинлари кабидирлар. Қуръонда 25 пайғамбарнинг номлари зикр этилган. Ҳадисларда пайғамбарларнинг умумий сони 124 минг эканлиги баён қилинган. Мусулмонлар учун улардан Қуръонда номи зикр қилинган ва зикр қилинмаганларнинг барчасига баробар имон келтириш шарт;

– охират қунига ишониш. Дунёнинг ибтидоси бўлгани каби унинг интиҳоси ҳам бор. Ислом таълимотига кўра, бу дунё бир синов майдонидир. Бу дунёда қилинган савоб ишлар учун мукофот, гуноҳ ишлар учун жазо бериладиган охират ҳаёти мавжуд. Қиёмат қунига ва охират ҳаётига ишониш исломнинг асосий ғояларидандир;

– тақдирга – инсон бошига тушган яхшилигу ёмонлик Аллоҳдан эканига эътиқод қилиш. Юқорида айтиб ўтилганидек, исломнинг маъноси «*таслим бўлмоқ*» дир. Шунга биноан, инсон ҳаётда рўбарў бўладиган барча яхши-ёмон ишларни ўзи учун Аллоҳ томонидан белгиланган синов ва имтиҳон деб билиши лозим. Яхшилиқларга шукур қилмоғи, қийинчилик ва машаққатларга сабр қилмоғи имоннинг шартларидан ҳисобланади;

– ўлимдан кейин қайта тирилишга ишониш. Ислом таълимотига кўра, қиёмат куни бўлганда барча инсонлар қабрдан турадилар ва маҳшаргоҳ майдонига йиғиладилар. У ерда барча одамлар дунёдаги амалларига қараб мукофот (жаннат) ёки жазо (дўзах)га маҳкум этиладилар.

Намоз исломда имондан кейин мусулмонлар устига фарз қилинган иккинчи амал ҳисобланади. Қуръони каримда намозга қатъий буйруқлар келган бўлиб, унинг баъзи шартлари баён этилган. Намознинг вақти, миқдори ҳамда адо этиш тартиблари ҳадислар билан жорий этилган. Бу масалада турли мазҳабларда баъзи фарқлар бор. Ҳар куни беш вақт намоз: бомдод – (тонг отишидан кун чиққунига қадар), пешин – (куёш тиккадан оққанидан то бирон нарсанинг сояси ўз бўйига икки баробар келгунигача қадар), аср – (пешин вақти чиқиши билан то куёш тўлиқ ботгунга қадар), шом – (куёш тўлиқ ботганидан уфқдаги қизиллик йўқолгунигача қадар), хуфтон – (шом вақти чиққанидан тонг отгунигача қадар) адо этилади.

Закот «поклаш» маъносини билдиради, яъни эҳтиёждан ташқари бўлган бойликнинг қирқдан бир қисмини (2,5 %) садақа қилиш. Закот моли закот миқдорига этган бадавлат кишилар учун фарз этилган. Закот етим-есир, бева-

бечоралар, мусофирлар, қарздорлар, Аллоҳ йўлида юрганлар, закот йиғувчиларга берилади. Закот ҳижрий ҳисоб билан бир йил давомида ишлатилмай турган ёки шахсий эҳтиёждан ташқари хусусий мулк сифатида фойдаланилаётган маблағдан берилади. Закот исломдаги ижтимоий ҳимоялашнинг ўзига хос кўринишидир. Бу жамият тараққиёти, тинч ва осудалиги йўлида катта аҳамият касб этади. *Рўза* йилда бир ой – ҳижрий қамарий календарнинг *рамазон* оyi давомида кундуз кунлари ейиш-ичиш ва жинсий алоқада бўлишдан тийилиш. *Рўза ҳижрат*нинг иккинчи йили фарз бўлган. Бу ибодат касал ё сафарда бўлган кишилардан бошқа кунларда тутиб бериш шарти билан соқит қилинади. Сабабсиз рўзани бузган киши унинг *каффорати* сифатида икки ой пайдар-пай рўза тутиши лозим бўлади. Шунингдек, рўза рамазондан ташқари ойларда ҳам тутилиши мумкин. Масалан, *нафл* рўза ёки қасамни бузишдаги *каффорат* рўзаси тутилади.

Калом илми. Ислом таълимоти бўйича барча пайғамбарлар ягона Аллоҳга имон келтиришга чақирганлар ва бу уларнинг энг асосий вазифаси ҳисобланган. Шу билан бирга уларнинг шариати турлича бўлган. Мусулмонлар ислом таълимотини Муҳаммад пайғамбар (а.с.)дан ўрганганлар. Вақт ўтиши билан ислом таълимотини фақат шу динни яхши билган олимлар тушунтира бошладилар. Бу таълимотни тушунтирувчи фан пайдо бўлди. Мазкур фан турли даврларда ўзига хос «ал-фикҳ ал-акбар», «тавҳид», «ақида», «калом», «усул ад-дин» каби номлар билан аталди. Унинг номлари турлича бўлсада, бир мавзуни, яъни ақидани ўрганишга қаратилган. «Ал-Фикҳ ал-акбар» атамасини биринчи бўлиб имом Абу Ҳанифа ишлатган ва шу ном билан рисола ёзган. Чунончи фикҳ сўзи бирор нарсани ўта яхши, ҳар томонлама тушуниб, фаҳмлаш маъносини билдиради. Шунингдек, намоз, рўза, ҳаж, никоҳ ва бошқа амалий ҳукмларни ўрганувчи илмга ҳам фикҳ дейилади. Ақидавий масалаларни ўрганувчи илмни эса, «Ал-Фикҳ ал-акбар», яъни «катта фикҳ», амалий фикҳ эса, кичик фикҳ ҳисобланади. Кейинги атама «усул ад-дин» бўлиб, унда шариат ва диндан олинган эътиқодий ҳукмларни ўрганади, яъни диндаги асл ҳукмларни тадқиқ этади. Бир қатор олимлар шу ном билан китоблар таъриф этганлар. «Тавҳид» ҳам Аллоҳнинг ягоналигини, унинг сифатларини ўрганишга эътибор қаратган. Бунда Аллоҳни ягона деб билиб, унинг сифатларини қилишга кўпроқ эътибор қаратган. Зеро, инсон учун зарур ақидаларнинг энг аввали Аллоҳнинг ваҳдониятига, яъни яккаликка имон келтириш ва уни ўрганиш ҳисобланади. Яна бир атама «калом илми» деб юритилади. Ислом манбаларда ақида илмининг энг машҳур номларидан бири экани айtilган. Ушбу атама ақидага оид ишларнинг машҳури ҳисобланади. «Ақида» (кўп. Ақоид) бу ном бошқаларидан кейинроқ,

Х (хижрий IV) асрда пайдо бўлган. «Ақида» бир нарсани иккинчисига «маҳкам боғлаш» маъносини билдиради. Ислом ақидаси мусулмон инсонни муайян тушунчалар билан мустаҳкам боғлаб турадиган эътиқодлар йиғиндиси. Яъни, бирор нарсага эътиқод қилиш учун уни ҳеч қандай шубҳа қолдирмайдиган даражада жуда яхши билишдир. Маълум бир фикр инсоннинг фикрига айланиб, ҳис-туйғуларини йўллайдиган ва ҳаракатларини бошқарадиган ҳолга етганда, ақидага айланган бўлади. Ақида илмга асослангани учун ақида илми тўғри, соғлом эътиқодда бўлишни таъминлайди. Диндаги айрим шаръий ҳукмлар ўзгариши мумкин. Аммо соф эътиқод ўзгармайди, ҳукми ҳам ўчмайди. Чунончи Аллоҳнинг ягоналиги, фаришталар, жаннат ва дўзахга имон келтириш каби эътиқодга оид қарашлар ўзгармайди. «Калом» сўзи арабча бўлиб, луғатда гап, суҳбат, тил, сўзлашув, нутқ, баён маъноларини англатади. Истилоҳий маънонда эса, мусулмоннинг эътиқоди, ақидаси, дунёқарашини кўрсатиб берувчи таълимотга айтилади. Бошқача айтганда балоғатга етган мусулмон кишининг эътиқод қилиши, имон келтириши, ислом динининг заруратлари шаклида тасдиқ қилиши, қалбига маҳкам боғлаб олиб ундан ажралиши мумкин бўлмаган шаръий эътиқодий ҳукмлардир. Тарих жараёнида олимлар ушбу номларга оид китоблар ёзиб қолдирганлар. Масалан, имом Абу Ҳанифа «ал-Фикҳ ал-акбар», Абул Ҳасан Ашъариу «ал-Ибона ан усул ад-диёна», Абул Муин Насафий «Табсират ал-адилла фи усул ад-дин», Мотуридий «Китоб ат-Тавҳид», Абу Ҳафс Насафий «Ақоид» номли ва бошқа олимларнинг асарларини келтириш мумкин. Ислом таълимотига кўра инсоннинг икки дунёдаги саодати айнан ақидасига боғлиқ. Агар мусулмоннинг ақидасиси пок бўлса, йўли тўғри бўлади, қилган барча амаллари қабул бўлади ва бандалик билан содир этган баъзи гуноҳлари афв этилади. Бироқ киши ақидаси соф бўлмаса, бузук бўлса, йўли нотўғри бўлади, қилган амаллари беҳуда кетади ва охиратда жаҳаннам аҳлидан бўлади деб ҳисобланади. Ақида масаласи ўта муҳим бўлганидан энг биринчи пайғамбардан бошлаб, охирги Муҳаммад пайғамбар (а.с.)гача бу масалани Аллоҳнинг ўзи кўрсатиб берган. Шунинг учун ақидавий қарашларнинг асоси Қуръонда берилган ва ҳадислардаги кўрсатмалар негизида ишлаб чиқилиб, тартибга солинган. Саҳобалар тириклик пайтидаёқ ақидавий қарама-қаршилик пайдо бўлган. Исломда ақидавий ихтилофлар тўртинчи халифа саҳоба Алининг қўшинидаги аскарлари ичидан ажраб чиққан, ақида масаласида бир неча шубҳали саволлар чиқарган хорижийлар тоифаси билан Али ва у кишининг Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳуга ўхшаш яқин сафдошлари орасида бўлиб ўтди. Саҳобалар даври тугаб тобеинлар вақтида вазият янада ўзгарди. Чунки бу даврга келиб дин илмларини, айниқса ақидани билувчи кишилар камайди ва улар алоҳида шахс сифатида ажралиб чиқдилар. Бу

даврда соф ақидавий қарашларга қарши турли ғояларни илгари сурган фирқа ва тоифаларнинг тарқалиши кенгайиб кетган эди. Улар ўзларининг бузуқ, исломга оид бўлмаган фикр ва қарашларини, эътиқодларини тарқатиб, исломнинг ақидасини бузишга ҳаракат қилганлар. Шунингдек, фатҳ этилган ерлардаги халқларнинг эски қарашлари, фалсафалари, динлари ҳақидаги ўз тушунча ва тафаккурлари мавжуд бўлган. Шунинг сабабидан улар ислом таълимотини тушуниб олишлари қийин кечган. Қуръон оятлари ва ҳадисларни ўзларининг эски қарашлари асосида тушунишлари ҳам бўлган. Бунга бир неча сабаблар бор: фатҳ ишлари сабабли ислом ерлари кенгауди. Ислом душманлари эса, ислом номидан турли ғояларни тарқатишга уринганлар; фатҳ этилган ерлардаги жойлик аҳоли ўзининг эски динлари ақидасига мос тарзда оят ва ҳадисларни тушуниши натижасида турли ғоялар юзага келди ва бошқа сабаблар орқали мусулмонлар орасида нотўғри, исломга мос бўлмаган қарашлар пайдо бўлди. Ислом таълимотини бузиб талқин қилиш натижасида уларга раддия сифатида олимлар калом, яъни ақида илмига асос қўйдилар. Бу мусулмонлар учун зарур соҳага айланди. Ҳар бир мусулмон киши бунга билиши шарт бўлган мажбурий илмга айланди. Чунончи Саъдуддин Тафтазоний «Мақосид ат-толибин» асарида: «Калом илми диний ақоид усулларини ишончли далиллар асосида англашни ўргатадиган илмдир. У билан шаръий, назарий, ақидавий масалалар ҳал қилинади. Унинг натижаси имонга комил ишонч билан зийнат бериш, фойдаси эса бу дунёда интизомли ҳаёт кечириш ва охирабда азоб-уқубатдан халос бўлишдир. Шундай экан калом илми энг шарафли илмдир». Абу Ҳомид Ҳаззолий ўзининг «Ихё улум ад-дин» номли асарида: «...Чуқур билимга эга бўлмаган оддий мусулмонларнинг диний эътиқодларини турли бидъат ва нотўғри ғоялардан қўриқлаш учун калом илмини ўрганиш вожибдир», деган. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ақоид ёки калом илмининг вазифаси: а) диний эътиқодларни қатъий далиллар билан исботлаш ва улар ҳақидаги шубҳа ҳамда гумонларни рад қилиш; б) инсонни ақидада оддиу тақлидчи бўлишдан ҳар бир эътиқодга ҳужжат келтира олиш даражасига кўтариш; в) исломнинг соф эътиқодларини адашган залолат аҳлининг шубҳа ва гумонларидан ҳимоя қилиш.

Мотуридийлик ва ашъарийлик. Ислом тарихини ўрганиш жараёнида кўплаб олимлар калом илмида фаолият олиб бориб ўзларининг ақидага оид асарлар ёзганларини кўриш мумкин. Улардан ҳанафий мазҳаби олимларидан Абу Ҳафс Насафий «Ақида ан-Насафийя», Абул Муин Насафий «Табсират ал-адилла», Абу Жаъфар Таҳовий «Ақида ат-Таҳовийя»ларни алоҳида санаб ўтиш ўринли. Булардан бошқа олимлар ҳам, шунингдек, моликий, шофеий,

ханбалий мазҳаби уламолари ҳам бу борада қалам тебратиб ўзларидан муҳим асарлар қолдирганлар. Аввалги олимлар ўзларининг асарларини мустақил тарзда ва мухтасар шаклда ёзган бўлсалар, кейингилар ўзларидан олдин ўтганларнинг асарларига шарҳ таъриф этганлари ва мустақил асар ёзган бўлсалар ҳам муфассал экани билан ажралиб турганлар. Ҳозирги кунда ҳам ақида илмида асар ёзаётган мутахассислар асарининг масалаларга батафсил тўхталиб ўтаётганларини кўриш мумкин. Уларнинг барчалари Қуръон оятлари ва ҳадислар асосида ҳамда саҳобаларнинг услуби асосида ақида масалаларини баён этиб берганлар. Ақида борасида фаолият олиб борган олимларнинг орасида имом Абу Мансур Мотуридий ва имом Абул Ҳасан Ашъарийлар алоҳида ажралиб чиққанлар. Бу олимлар Аҳли сунна вал жамоа ақидаси бўйича имом деб тан олиндилар.

«Аҳли сунна вал жамоа» тўрт фикҳий мазҳабдан бирига амал қилиб келаётган бўлсалар, ақидавий масалада иккига – мотуридийлик ва ашъарийликка эътиқод қиладилар. Бунда ҳанафий мазҳаби мотуридийликка, моликий, шофеий ва ханбалий мазҳаби ашъарийлик таълимотида деб ҳисобланади. Шу ўринда бу икки мактаб вакиллари ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли.

Мотуридийлик ақидавий мактаб асосчиси буюк калом имоми ва фақиҳ Абу Мансур Мотуридийдир. Унинг ҳаёти ҳақида маълумотлар кам. Тўлиқ номи Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳанафий Мотуридий Самарқандий (853-944), асли Самарқанднинг Мотурид қишлоғидан (ҳозирги Жонбой тумнида жоулашган) бўлиб, унинг таҳаллуси шу қишлоққа нисбатан олинган. Абу Мансур Мотуридий дастлабки таълимни шу қишлоқда олиб, кейинчалик Мовароуннаҳрнинг ўша даврдаги диний ва маърифий маркази бўлган Самарқандда давом еттиради.

Мотуридий Абу Бакр Аҳмад Жузжоний, Абу Наср Аҳмад Иёдий, Имом Аъзам мазҳабидаги буюк олим Наср ибн Яҳё Балхиу, Муҳаммад ибн Фадл кабиларни ўзининг устози деб билган.

Мотуридий фикҳ ва калом масалалари билан қизиқиб, замонасининг кўзга кўринган ҳанафий мазҳаби олимларидан дарс олиб ўз билимини оширади. Шу вақт давомида кўплаб машҳур фақиҳлар ва муҳаддислар билан мулоқатда бўлган ва мунозаралар қилиб, шу соҳага оид асарлар ёзиб қолдирган. Улардан қуйидаги «Китабут Тавҳид», «Китабул мақомат», «Китаб рад авоилил адила лил Каъбий», «Китабул усул», «ар-Рад ала усулил Қаромита», «Китаб таъвилот аҳли сунна» ва бошқаларни келтириш мумкин.

Абу Мансур Мотуридийнинг кўп асарлари бизгача етиб келмаган, етиб келганлари ҳам асосан хорижий мамлакатлар кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланади.

Мотуридий ислом оламида жуда нозик ҳисобланган «Китабут тавҳид» асари бизнинг давримизга етиб келган. Олимнинг яна бир асари «Китаб таъвилот аҳли сунна» ёки бошқа бир номи «Таъвилот ал-Қуръон» деб номланади. Мотуридий бу асарида сунний ақидага зид қарашларни рад қилишга ҳаракат қилади ва Абу Ҳанифанинг қарашларига суянган ҳолда иш кўради. Мотуридийнинг бу биргина асари тарих жараёнида кўп алломалар асарларига асос солган, улар ижодига туртки бўлган.

Мотуридий кўп шогирдлар етиштирди, улар ўз устозларининг таълимотини давом эттиришганлиги туфайли ҳанафий мазҳабида калом или бўйича мотуридия мактаби вужудга келган.

Мотуридий «Имом ал-худа» (ҳидоят йўли имоми) ва «Имом ал-мутакаллимин» (мутакаллимлар имоми) каби номлар билан ҳам машҳур бўлган.

Ашъарий таълимотининг асосчиси Абул Ҳасан Ашъарий (873-941) бўлиб, унинг тўлиқ номи Абул Ҳасан Али ибн Исмоил ибн Ишоқ ибн Солим ибн Абдуллоҳ ибн Мусо Абу Мусо Ашъарийдир. Абул Ҳасан Ашъарий бошланғич сабоқларни ўз отасидан олган, кейинчалик ўз замонасининг таниқли олимларидан Абу Ишоқ Марвазий ва Ибн Сурауждан фикҳ илмини, Закариё ибн Яҳё Сожийдан ҳадис илмини ўрганади.

Абул Ҳасан Ашъариу тахминан 40 ёшларидан кейин Боғдодга кўчиб келади ва умрининг охиригача ушбу шаҳарда қолади.

Олим юзга яқин асарлар ёзган бўлиб, улардан баъзилари қуйидагилардир: «ал-Фусул фий ар-радд ʼала ал-мулҳидин», «ар-Рад ала ал-мужассама», «Ийзоҳул бурҳон фий ар-рад ала аҳлуз зайғ ват туғён», «ан-Нақс алаал Жубойй», «Мақолотул мулҳидин», «Тафсиру Абул Ҳасан», «Имомату Абу Бакр Сиддиқ».

Абул Ҳасан Ашъарий аҳли суннат ва жамоанинг ашъария эътиқодий таълимотини яратаётган вақтда Самарқандда Абу Мансур Мотуридий ҳам мотуридия таълимотига асос солаётган эди. Бу икки имом бир вақтда яшаган бўлсалар ҳам бир-бирлари билан учрашмаган, шундай бўлсада, уларнинг ақидавий қарашлари деярли бир хил. Айрим жузъий масалаларда лафзий ихтилофлар бўлсада, уларнинг асл мақсади бир ҳисобланади. Бошқача айтганда икки таълимот орасидаги баъзи ихтилофлар лафзий бўлиб, моҳиятан бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда улар ўзаро бир-бирини адашганликда ёки бидъатчиликда айбламайди. Улар ўзаро бир-бирларини «аҳли сунна вал жамоа» деб эътироф этадилар.

Ашъарий ва мотуридийлик орасидаги асосий фарқ имон масаласидадир. Мотуридий таълимотига кўра имон тил билан иқрор қилиб, дил билан тасдиқлашга айтилади. Амал имоннинг таркибига киритилмайди. Ашъарийликда эса, имонга амални ҳам қўшадилар. Шу сабабдан мотуридийлик тарқалган ҳудудларда имон келтирган киши мусулмон ҳисобланади, аммо амал қилмагани учун гуноҳкор бўлади, деб юритилади.

Ўрни келганда айтиб ўтиш лозимки, манбаларда «мотуридия мазҳаби», «ашъариюя мазҳаби» деган атамалар учраб қолади. Бундан имом Мотуридий имом Абу Ҳанифанинг илми каломга доир таълимотини ривожлантирган. Имом Ашъарий эса имом Шофийнинг эътиқодий қарашларини такомиллаштирган дейиш мумкин.

Мазкур икки олимнинг таълимотлари ислом оламида кенг тарқалди ва асрлар давомида мусулмонларни соф эътиқодда бардавом бўлишига, оят ва ҳадисларнинг маъноларини тўғри англаб, ҳаётга татбиқ этиб келишларига, турли эътиқоди нотўғри оқимлар таъсирига тушиб қолмасликка сабабчи бўлди.

Абу Мансур Мотуридий ва Абул Ҳасан Ашъарийларнинг соф ақидани мусулмонларга етказишдаги хизматлари беқиёсдир, уларнинг ақидавий таълимотига ҳозиргача мусулмонлар томонидан алоҳида эътибор билан амал қилиб келинмоқда.

3. Исломда имон масаласи. Ақида мавзуси тўрт қисмга бўлинади: илоҳиёт, нубувват, кавниёт ва самъиёт.

Илоҳиёт илоҳ ва Унга оид масалалар ҳақида баҳс юритади. Нубувватда ваҳиу, пайғамбарлик ва уларга тегишли масалалар ҳақида баҳс юритилади. Кавниётда эса, борликдаги мавжудотлар – инсон, фаришта, жин ва сабабият қонунлари ҳақида баҳс юритилади. Самъиёт эшитиш билангина собит бўладиган ақидалар ҳақида баҳс юритади. Булар асосан ғайб оламига тегишли масалалар бўлгани учун бу турни «ғайбиёт» ҳам дейилади.

Ислом беш асосга қурилган. Улар: имон, намоз, закот, рўза ва ҳаж. Булар исломнинг шарти – рукни ҳисобланади.

Имон сўзи ишонмоқ, тасдиқламоқ маъноларини билдириб, истилоҳда, калимаи шаҳодатни айтиш, яъни «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун Расулуллоҳ» («Аллоҳдан бошқа илоҳ уйқ, Муҳаммад унинг расули»)ни тил билан айтиш ва дил билан тасдиқлашдир. Буни чин дилдан айтган киши мусулмон ҳисобланади.

Ҳадисларда имоннинг етти шарти бор экани қауд етилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Аллоҳнинг борлиги ва бирлиги, Қуръон ва ҳадисларда баён қилинган барча исм ва сифатларига ишониш, унинг барча бууруқларини қабул қилиш ва барча қайтариқларидан тийилиш.

Тарихда уламолар Аллоҳнинг борлиги ҳақида алоҳида тўхталиб, далил келтирмаганлар. Зеро у даврларда Худонинг борлигига барча ишонган (худо йўқ деган тасаввур бўлмаган). Аммо замонамизга келиб Худонинг борлигига ишонмайдиганлар чиққандан кейин олимлар бу мавзуни ҳам ақида китоларига киритганлар ва у ақиданинг бош мавзусига айланган. Чунончи Аллоҳнинг борлигига имон келтирмаган одамга ақида мавзусини тушунтиришнинг ҳожати уўқ.

Қуръонда **«Ёки улар ҳеч нарсадан (яъни, Яратувчисиз) яралиб қолганмилар?! Ёки улар ўзлари яратувчимилар?! Ёки осмонлар ва Ерни ҳам улар яратганми?! Йўқ! Улар (барибир) имон келтирмаслар»** (Тур, 35-36), дейилган ва Худонинг борлигига ишонмайдиганларга дунё ўзидан-ўзи яралиб қолиши мумкин эмаслиги айтилган.

Ақида илмида Аллоҳнинг ягоналиги масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга молик сифатида ўрганилади. Бу «тавҳид» дейилади. Тавҳид луғатда бирор нарсага бирлик ва ягоналикни нисбат беришдир. Истилоҳий маънода Аллоҳга ширк келтиришнинг турли кўринишларидан воз кечиш, Аллоҳнинг зотида, сифатида, ишларида, исмларида, ҳукмларида ҳам шериги йўқ деб, эътиқод қилишга айтилади.

Аллоҳнинг шериги йўқлиги борасида Қуръон оятлари ва ҳадисларда кўплаб мисоллар мавжуд. Жумладан, **«Агар иккиси (Ер ва осмон)да Аллоҳдан ўзга илоҳлар бўлганида, ҳар иккиси бузилиб кетган бўлур эди. Бас, Арш эгаси бўлмиш Аллоҳ улар сифатлаётган (шериклардан) покдир»** (Анбиё, 22), **«Аллоҳ фарзанд тутган эмас ва У билан бирга бирор илоҳ ҳам бўлган эмасдир. Акс ҳолда, ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарса билан (кибрга) кетиб, бир-биридан устун бўлиб олур эди (натижада Еру осмон бузилиб кетган бўлур эди). Аллоҳ улар васф этаётган нарсадан покдир»** (Муъминун, 91) оятларини келтириш мумкин. Бу оятларда Аллоҳнинг шериги бўлганида коинотдаги низом бузилиб кетиши кўрсатилмоқда. Аллоҳ ўзи яратган нарсаларни ўзи тадбирини қилади.

Ислом динида Аллоҳга ишонган киши унинг исми ва сифатларига ҳам имон келтириш лозим. Қурънда **«Аллоҳнинг чиройли исмлари бордир. Уни ўша (исм)лар билан атангиз!»** (Аъроф, 180), **«Унинг гўзал исмлари бордир»** (Ҳашр, 24) дейилган. Бу исм ва сифатлар орқали Аллоҳ ҳақида билимларга эга бўлинади. Барча уламоларнинг фикрига кўра Аллоҳ исмларини ўрганишдан мақсад Унга лойиқ бўлмаган сифатларни бермаслик. Шунингдек, **«Аллоҳнинг тўқсон тўққизта исми бор»** экани ҳақидаги ҳадисни муҳаддислар ривоят қилганлар.

Олимлардан имом Абу Ҳанифа ўзининг «ал-Фикҳ ал-акбар» асарида Аллоҳ ҳақида шундай деган: **«У ўзи яратган нарсалардан бирортасига ўхшамас.**

Унга ҳам бирор нарса ўхшаш эмас. Ўзининг зотий ва феълий сифатлари билан азалдан бор бўлган ва абадий бор бўлур. Зотий сифатлари – ҳаёт, қудрат, илм, калом, эшитиш, кўриш, ирода. Феълий сифатлари – халқ этиш, яшаш ва бошқа шу мазмунга далолат қилувчи сифатлар. У ўзининг барча исм ва сифатлари билан биргаликда доим бўлган ва абадий бўлажак. Унга бирор исм ёки сифат кейин қўшилиб қолган эмас».

Бошқа ўринда: «Қуръонда Ўзи зикр этганидек, Аллоҳнинг қўли, юзи, нафси (Ўзи) бор деб биламиз. Булар Унинг сифатларидан, лекин қандай, қанақа дейилмас. Ҳатто, қўли-қудрати ёки неъматлари ҳам деб таъриф этилмас. Акс ҳолда унинг бир сифатини йўққа чиқарилган бўлур. Бу эса қадариулар ва мўътазилиулар сўзидир. Биз айтамызки, қўли ўзига хос, қауфиятсиз сифатдир. Шунингдек, Унинг ғазаби ва ризоси ҳам ўзига хос қауфиятсиз сифатларидандир», дейилган.

Ислом таълимотига кўра, Аллоҳнинг исми ва сифатларини бошқа бирор махлуқотга ўхшатиш мумкин эмас. Унинг ҳолати, қайфияти, сурати ҳақида баҳс қилинмайди, яъни Аллоҳ кўради, эшитади, бироқ биз инсонлар ва бошқа махлуқотлар каби эмас, балки у ҳақда баҳс қилиш бидъат ҳисобланади.

Аллоҳнинг буйруғини бажариш ва қайтариқларидан қайтиш ҳам имоннинг бир бўлаги. Чунончи ислом таълимотида Аллоҳнинг буйруқларини бажариш инсонга охирада жаннатга тушишига олиб келади. Аксинча, унинг қайтарган нарсаларидан қайтмаса дўзахда азоблайди деб билинади.

2. Мусулмон одам фаришталарга ҳам ишониши лозим. Фариштани араб тилида малак, кўплиги малоика дейилади. Уларга ишонмаган мусулмон ҳисобланмайди. Қуръонда, «**(Уларнинг) ҳар бири Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига бирортасини ажратмасдан (ҳаммасига) имон келтирди**» (Бақара, 285) дейилганидан фаришталарга ишониш имоннинг асосларидан ҳисобланади.

Фаришталар нурдан яратилган, нурнинг тезлиги ўта кучли бўлганидан ҳам фаришталар кўзга кўринмайди. Фаришталарнинг сонини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди, улар Аллоҳнинг буйруғидан чиқмай доимо унинг айтганини бажарадиган хос бандалар ҳисобланади. Улар Аллоҳнинг барча махлуқотларидаги элчилар дейиш мумкин. Худонинг ҳузуридан ишни оламга олиб тушиб, ўшанинг тадбирини қиладилар. Уларнинг жинси йўқ. Хоҳлаган киёфага кира оладилар. Оятда «**Биз унга руҳимиз (яъни Жаброил)ни юбордик. Бас, у (Марямга) чин одам бўлиб кўринди**» (Марям, 17).

Қуръон ва суннатда фаришталар муайян вазифалари борлиги ҳақида ҳам маълумот берилган. Масалан, тоғларга, ёмғирга, булутга, қуёшга, ойга, экинга ва ҳатто она қорнидаги бачадонга вакил қилинган фаришталар синфи бор. Шу билан бирга инсонга вакил қилинган фаришталар одамнинг ишларини ёзиб

борадилар. Охират ишларига ҳам вакил қилинган фаришталар мавжуд: ўлимга, қабрдаги савол-жавобга, жаннатга, дўзахга ва ҳоказо. Масалан, «Бирорталарингизга ўлим келган пайтда, уни элчи (фаришта)ларимиз эринмау (ўз вақтида) вафот эттирурлар» (Анъом, 61), «Биз фақат фаришталарни дўзах эгалари (қўриқчилари) қилдик ва Биз фақат куфрга кетган кимсаларни синаш учун уларнинг саногини (ўн тўққизта) қилдик... Парвардигорингизнинг қўшинларини (фаришталарнинг адади ва сифатларини) Унинг ўзигина билур» (Муддассир, 31), «Фаришталар эса (осмон) атрофида (Аллоҳнинг амрига мунтазир бўлиб) турурлар. Уларнинг устида Раббингиз Аршини у кунда саккиз (фаришта) кўтариб турур» (Ҳоққа, 17).

Фаришталарнинг аниқ кўринишлари ҳақида маълумотлар манбаларда берилмаган. Фақат баъзи жиҳатлари айтилган, жумладан, «..фаришталарни икки, уч, тўрт қанотли элчилар қилувчи..» (Фотир, 1)

Фаришталардан 4 таси: Жаброил, Микоил, Исрофил ва Азроил бош ҳисобланади.

3. Илоҳий китобларга имон келтириш. Аллоҳ тарафидан пайғамбарларига китоблар тушурилганига имон келтириш. Буни «(Уларнинг) ҳар бири Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига бирортасини ажратмасдан (ҳаммасига) имон келтирди» (Бақара, 285) оятидан билиш мумкин.

Шу билан бирга бу китобларга умумий имон келтирилади. Аммо уларнинг адади ва исмлари ҳақида аниқ маълумот йўқ. Муҳаммад пайғамбарга (а.с.) Қуръон нозил қилинганидек, бошқа пайғамбарларга ҳам китоб туширилган. Улардан манбаларда зикр қилиб ўтилганлари қуйидагилардир: Иброҳим пайғамбарга «Саҳифалар», бу ҳақда Қуръонда «**Иброҳим ва Мусо саҳифаларида (ҳам) бордир**» (Аъло, 19) дейилган. Бир ҳадисда «Абу Зар: Эй, Аллоҳнинг Расули, Иброҳимнинг саҳифаларида нима бўлган?» - деб савол берганда, Пайғамбар (а.с.): «Барчаси зарбулмасал бўлган...» дедилар. Бу ҳадисдан унинг мавзуси қандай бўлганини билиш мумкин. Олимлар уни маълум варақлардан иборат экани ва китоб ҳолига етмаганини айтганлар.

Кейингиси «Таврот» бўлиб, у Мусо пайғамбарга, «Забур» Довуд пайғамбарга берилган. Исо пайғамбарга эса «Инжил» нозил қилинган. Ислом таълимотига кўра Муҳаммад пайғамбарга (а.с.) «Қуръон» нозил қилинган. Шунингдек, бирор пайғамбарга бирор китоб нозил қилинса, у ўзидан аввалги шариатни ўзгартирган ёки бутунлай янги қарашларни олиб келган деб ҳисобланган.

4. Пайғамбарларга имон келтириш. Ислом дини таълимотига кўра Аллоҳ инсонларга тўғри йўлни кўрсатиш учун пайғамбарларни юборган ва бу

пайғамбарларга имон келтириш вожиб ҳисобланади. «...**Пайғамбарларига бирортасини ажратмасдан (ҳаммасига) имон келтирди**» (Бақара, 285). Шунинг учун уларнинг барчасига бирдек ишониш шарт. Улардан бирини инкор қилиш барчасини инкор қилиш билан баробар.

Аллоҳ Одам (а.с.)дан бошлаб. Муҳаммад пайғамбар (а.с.)гача бўлган ораликда пайғамбарлар юборган. Уларнинг сони, ҳадис асосида 124 000 нафар дейилади. Барчасининг исми Қуръонда келмаган, балки 25 нафар пайғамбарнинг номи зикр қилинган.

Пайғамбарлар икки қисмга бўлинади: набий ва расул. Набий ва расул орасидаги фарк:

1. Аллоҳ кимга ваҳий юбориб, ўша хабарни бошқаларга етказишни буюрса, ўша одам набий ва расулдир. Аммо хабарни бошқаларга етказишни тайинламаса, набий ҳисобланади, расул эмас;

2. Расул янги шариатни олиб келади. Набий эса, янги шариат билан келмайди. Балки, ўзи олдинги шариатга амал қилади ва бошқаларни шунга амал қилишга даъват қилади;

3. Расул умумий бўлиб, фаришталарга ҳам, инсонга ҳам ишлатилган. Қуръонда: «**Албатта, у (Қуръон) бир улуғ расул (Жаброил Аллоҳ хузуридан келтирган ваҳиу) сўзидир**» (Таквир, 19). Бу оятда фаришта Жаброил назарда тутилган. Умуман олганда пайғамбарлар ҳам оддий исон бўлиб, улар бошқа инсонларни Аллоҳнинг кўрсатмасига амал қилишга чақириш учун келганлар. Улар орасида расуллар 313 нафарни ташкил этади.

Аллоҳ Пайғамбарларни одди й одамлардан танлаган. Пайғамбарлар ўзларида Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларини акс эттириб, бошқа одамларга намуна бўлганлар. Улар овқат еб, сув ичганлар. Тирикчилик қилиб бозорларда одамларга аралашиб юрганлар.

Пайғамбарларнинг оддий кишилардан ажраб турадиган биргина сифатлари маъсият қилиш, шаҳватларга берилиш, мурувватга зарар етказадиган ва инсонлик қадрини кетказадиган нарсалардан сақланганликларидир. Улар мўъжиза кўрсатиб, пайғамбарликларини тасдиқлаганлар. Пайғамбарларнинг мўъжизалари турлича бўлган. Исо пайғамбар касал одамни даволаган, Мусо пайғамбар денгизни иккига бўлган, Муҳаммад пайғамбар (а.с.) сув солинган мешга қўлларини тикқанларидан кейин ўша идишдаги сувдан жуда кўпчилик ичгани ва бошқа мўъжизаларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Пайғамбарларнинг кўрсатгани мўъжиза бўлса, авлиёларнинг кўрсатгани каромат бўлади.

5. Охират кунига ишониш ҳам имоннинг бир бўлаги ҳисобланади. Ислом таълимоти бўйича бу дунё синов-имтиҳон майдони ҳисобланади. Аллоҳ бу

дунёни бир кун тугатади ва инсонлар қилган ишларига жавоб берадилар. Аллоҳ қиёматда барча яратган нарсаларини жонини олади ва қайта тирилтиради. Инсонлар қилган ишларига жавоб берадилар.

Яхши ишларни қилган бўлса мукофотини, ёмон ишлар қилган бўлса жазосини оладилар ва уларнинг қилган барча ишлари инсонга кўрсатилади. Уларнинг қилган ишлари тарозуда тортилади.

6. Инсоннинг бошига тушадиган яхшилик ёки ёмонлик Аллоҳ тарафидан бўлишига – тақдирга имон келтириш. Батафсил қилиб айтганда, тақдир – инсонга келадиган барча яхшилик ва ёмонлик, борлиқдаги ҳар бир ҳодиса ва воқеалар ёки охиратда бўладиган ҳамма иш Аллоҳнинг тақдири, илми, иродаси ва белигилаб қўугани бўйича содир бўлишига имон келтириш ҳисобланади. Хурсандчилик ва хафалик, ҳаёт ва ўлим, бойлик ва камбағаллик, касаллик ва соғломлик ва бошқа барчаси Аллоҳдан деб билишдир. Тақдир масаласини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди, ҳатто пайғамбарлар ҳам ва фаришталар ҳам бу сирдан воқиф эмас.

Қадар масаласида чуқур кетиб баҳс қилиш хато деб билинади. Тақдирда бахтли деб ёзиб қўйилган одам бахтлидир. Шунингдек, тақдирда бахтсиз ёки бадбахт деб ёзиб қўйилган инсон бахтсиздир. Бир оятда: **«У ўзи қиладиган бирор нарса ҳақида жавобгар эмас, балки улар (Аллоҳнинг олдида бандалар) жавобгардирлар»** (Анбиё, 23), дейилади.

Шунингдек, Аллоҳ қиёматгача нима бўлишини ҳам билади. Агар уларни билмаса, Унинг комил сифати нуқсонли бўлиб қолади. Мазкур илоҳий илм «қазои-қадар» деб аталади.

Қазо – Аллоҳнинг ҳамма нарсаларнинг келажакда қандоқ бўлишини азалдан билиши. Қадар эса, ўша нарсаларнинг Аллоҳнинг азалий илмига мувофиқ равишда вужудга келишига айтилади.

Бунда жоҳил кишилар ўулаганидек, Аллоҳ томонидан бандани мажбур қилиш йўқ. Балки, Аллоҳ таоло томонидан банда нима қилишини олдиндан билиш бор. Чунки Аллоҳнинг илми чегара билмасдир.

Кўпчилик одамлар қазо ва қадарни Аллоҳ томонидан Ўзи тақдир қилиб қўйган ишларга бандани қаҳр билан мажбур қилиш, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг бу фикрлари нотўғридир. Қазо ва қадарнинг маъноси, бандаларнинг келажакда бўладиган ишларини Аллоҳ томонидан муқаддам билиб турилишидир. Қазо ва қарарни нотўғри тушуниш оқибатида қадарий, жабарий ва бошқа оқимлар келиб чиққан.

7. Ўлгандан кейин қайта тирилишга ишониш ҳам имон шартларидан биридир. Қиёмат куни бўлганда, барча инсонлар қайта тирилиб, маҳшаргоҳга йиғиладилар. У кунда яхши ишларнинг мукофоти (жаннат), ёмон ишларнинг жазоси (дўзах) берилади. Барча ишлар Худонинг хузурида кўрилади. Банда

амаллари ҳисоб-китоб қилинади. Ҳар бир кишининг қилган ишлари китоби – номаи аъмоли ўқилади. Яхши амаллар ва ёмон ишлар ҳаммаси ўлчанади.

Бу борада Қуръон оятлари ва ҳадисларда мисоллар кўп. Масалан, «Улар: «**Ҳолимизга воу! Ким бизларни ухлаётган жоуимиздан ууғотди?**» – деганларида, (уларга айтилури): «**Мана шу Раҳмон ваъда қилган ва пайғамбарлар сўзлаган рост нарса (қиёмат)дир**» (Ясин, 52).

Қиёмат тик туриш маъносини билдиради. Ўша кунда ҳамма қабридан тик туриб тирилишига шу ном берилган. Қиёмат – ҳисоб куни, охират куни, маҳшар куни каби бир қанча номлар билан ҳам юритилади. Қиёмат масаласи қачон бўлиши масаласи қадимдан долзарб масала бўлиб келган. Ислот таълимоти бўйича унинг қачон бўлишини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Ҳатто пайғамбар ва фаришталар ҳам. Фақат унинг аломатлари билдирилган.

Ислот таълимотига кўра қиёматда инсонлар савол-жавобдан ўтадиган жоу – маҳшарга йиғилдилар. Маҳшарда савол-жавобдан кейин инсонларга дўзах устидаги сирот номли кўприкдан ўтишлари айтилади.

Қиёматдан ўтган инсон жаннат (боғ, бўстон) ёки дўзахдаги жойига боради. Аллоҳ жаннатни ҳам, дўзахни ҳам яратиб қўйган. Улар инсон етиб борадиган сўнги манзил ҳисобланади.

Диний ақида бўйича, жаннат имон келтирган, тақводор, яхши инсонлар учун тайёрлаб қўйилган. Улар у ерда роҳат ва фароғатда яшайдилар. Қийинчилик, касал, қарилик ва ўлим йўқ. Истаган нарслари муҳайё бўлади. Буларнинг барчаси бу дунёда қилиб ўтган амаллари туфайли берилади. У ердаги нарсалар тугамайди, инсонларга ман қилиб қўйилмайди. Жаннатдаги энг олий неъмат, бу Аллоҳнинг дийдорини кўришлик ҳисобланади.

Дўзах эса, жаннатнинг акси кофир, мунофиқ ва гуноҳкор – диний талабларни бажармаганлар учун тайёрлаб қўйилган ва уларга турли азоб-уқубат бериладиган жазолаш жойи. У ерда азоб учун олов, қайнаб турган булоқ бўлади. Ейдиган ва ичадиган нарсалари ҳам уларни азоблаш учун бўлади. Дўзах ҳам абадий қолувчи ҳисобланади. Улардаги азоблар енгиллатилмас ва вақтинчалик бўлмайди. У бир неча табақа чуқурликдан иборат, гуноҳлари даражасига қараб жазоланадилар.

Жаннатдаги роҳатлар ва дўзахдаги уқубатлар ҳам жасад ва ҳам руҳ учун бўлади. Қиёмат, жаннат ва дўзахнинг васфи ҳақида Қуръоннинг кўп оятларида маълумотлар берилган.

Мавзу бўйича саволлар

1. Калом, ақида, тавҳид илмлари нимани ўрганади?
2. Мотуридиулик ва ашъариулик йўналишлари қандай пайдо бўлган?
3. Имон нима маънони билдиради?

4. Ислом таълимотида неча нарсага имон келтириш шарт ҳисобланади?

Мустақил иш мавзулари

1. Имом Мотуридий ва унинг қарашлари.
2. Калом илми адабиёти.
3. Қуръонда охират ҳақидаги оятлар таҳлили.
4. Ҳадисларда илм олишга бўлган тарғибот.

Адабиётлар

1. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Масъул муҳаррир Шаух Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 536 б.
2. Оқилов С. Калом илми. – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – 160 б.
3. Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Ақидатут-таховия шарҳининг талхийси. – Тошкент: 2015. – 448 б.
4. Очилдиев О., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н. ва бошқ. Диншунослик асослари (ўқув қўлланма). – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – 320 б.
5. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., ва бошқ. Диншунослик. – Тошкент: Меҳнат, 2004. – 296 б.

5-мавзу: Исломдаги мазҳаблар ва йўналишлар

Режа

1. Исломда йўналишларнинг вужудга келиши.
2. Фикҳий мазҳабларнинг пайдо бўлиши.
3. Имом Абу Ҳанифа ва ҳанафийлик мазҳаби.
4. Мазҳабсизлик ва унинг оқибатлари.



Таянч тушунчалар:

Мазҳаб, оқим, фирқа, ҳанафиулик, шофеийлик, моликийлик, ҳанбалийлик, фикҳ, фатво, мужтаҳид, суннийлик.

1. Исломда йўналишларнинг вужудга келиши. 632 йилда Пайғамбар вафотидан сўнг ҳокимият халифаликка сайланганлар томонидан бошқариладиган бўлди. Биринчи халифа Абу Бакр бўлди. Иккинчи бўлиб Умар ибн Хаттоб сайланди, сўнг Усмон ибн Аффон ва Али ибн Аби Толиб бўлдилар. Аввалги икки халифа даврида халифаликда ички низо ва бўлинишлар бўлмади. Усмон халифалиги даврининг сўнгги йилларида ички

низолар пайдо бўлиб, халифага қаршиликлар кучайди. Охир-оқибат бир тўда одамлар Усмонни уйига бостириб кирадилар ва халифани ўлдирадilar. Халифанинг ўлдирилиши халифаликда урушини келтириб чиқарди ва Али ибн Аби Толиб халифалиги даврида бундай низолар кучаяди. Шом волийси Муовия халифага қарши чиқиб тезроқ халифа Усмон қотилларини топиб жазолаш талабини қўяди. Халифа бу пайтда аввал ички низоларни тугатиш билан ишни бошлаган бўлади. Бу ихтилоф қуролли тўқнашувга олиб келади.

Бу тўқнашув 657 йили Ироқнинг Сиффин деган жойида бўлиб ўтгани учун жанг номи Сиффин деб аталган. Шунда давлат тузуми масаласида Пайғамбардан кейин халифалик кимга ўтиши керак деган масалада уч тоифага бўлиниш юз берди.

Биринчи – халифа Али тарафдорлари бўлган, халифалик фақат пайғамбар хонадонида мерос сифатида ўтиши керак деб ҳисобловчи гуруҳ. Натижада улардан шиалик оқими келиб чиқди.

Иккинчи – халифа Алининг собиқ тарафдорларидан ташкил топган, уни Сиффин жангидан кейин ташлаб кетган хорижийлар (ажраб чиққанлар) гуруҳи ҳисобланади.

Учинчи – «аҳли сунна вал жамоа» гуруҳи.

Шаҳристоний эса Пайғамбар тириклик вақтидаёқ саҳобалар орасида тафовут бошланганини айтади.

Хорижийлар ва шиалар фирқаларидан исломда бидъат, фирқачилик ва адашишлик бошланди. Бундай фирқалар асосий икки масалада пайдо бўлди: имомат (давлатга раҳбарлик) ва ақидада.

Шунинг учун исломда фирқаларга бўлиниб кетиш асосан диний-сиёсий нуқтаи назардан келиб чиққан деб ҳисобланади. Биринчи хорижийларнинг пайдо бўлиши ҳам халифа Али сиёсатида қўшилмасликдан, кейинги шиалик эса халифалик Али ва унинг авлодларига мерос бўлиб қолиши керак деб ҳисобловчилардан бўлди. Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, исломда фирқаларга бўлиниш Муҳаммад пайғамбар (а.с.) ҳадисларидан жавоб топилади. Бир неча ҳадисларни келтириб, шу асосида ислом умматининг бўлинишини айтиб ўтишган.

Муҳаммад пайғамбар (а.с.) айтадилар: «Яхудийлар 71 фирқага бўлинди, насрониулар 72 фирқага бўлинди, умматим эса 73 фирқага бўлинади. Улардан биттаси нажот топади, қолгани дўзах аҳлидир», деганларида. Саҳобалар: «Нажот топадиган фирқа қайси», деб сўраганда. Пайғамбар: «Мен билан саҳобаларим тутган йўлдагиси», деб жавоб берадилар» (имом Термизий ривояти). Ҳадисда айтилган нажот топучи фирқа «аҳли сунна вал жамоа» ҳисобланади.

«Аҳли сунна вал жамоа» суннийлик деб ҳам номланади. Бунинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган жиҳатлари барча саҳобаларни яхши кўриш, кишини катта гуноҳ қилган бўлса ҳам мусулмон деб ҳисоблаш, у агар вафот этса жаноза ўқиш, одил ва золим подшоҳга қарши чиқмаслик, Аллоҳни сифатларини инкор қилмаслик ва ҳоказо.

Бироқ илк даврларда мусулмон олимлари томонидан яқдил фикрга эга бўлган мусулмонларнинг ақидаси ишлаб чиқилмагани боис, «тўғри эътиқод қилиш» ва «бидъат» тўғрисидаги тасаввур шиа ва хорижийларнинг пайдо бўлганидан кейин тизимга солинди.

Хорижийлар халифа Алининг кўшинидан ажраб чиққан ва «аҳли сунна вал жамоа» эътиқодига тўғри келмайдиган ғояларни илгари сурган гуруҳ. Бунда улар халифа Алини келишувчиликда айблаб, ундан ажралиб кетганлар ва халифага ҳам, Мовияга ҳам қарши уруш очганлар.

Улар ўзларини ҳақиқий мусулмон деб ҳисоблаган ва сиёсий ҳамда ғоявий рақибларга нисбатан муросасиз бўлган. Хорижийларнинг таълимотига кўра, халифа жамоа томонидан сайланади ва жамоага бўйсунди; ҳар қандай тақводор мусулмон (ҳатто қул ёки қора танли бўлса ҳам) халифа бўлиб сайланиши мумкин; агар халифа жамоа манфаатларини ҳимоя қилмаса, вазифасидан бўшатилади ва ҳатто қатл этилади.

Хорижийлар гуноҳи кабира қилганларни кофирликда айблаганлар ва уларни ўлдиришгача бориб етганлар. Баъзи саҳобаларни ҳам кофир дейишган. Бундан ташқари, «Золим» подшоҳга кўлида қурол билан қарши чиқишни диний вазифа дейдилар.

Хорижийлик билан бир вақтда пайдо бўлган яна бир оқим шиалиқдир. Шиалиқ «шиату Али» (Али гуруҳи) номидан бўлиб, алипараст оқим ҳисобланади. Бу йўналиш бошда ҳар қандай ихтилоф ва ақидавий фарқлардан холи ҳолда, фақат сиёсий ҳаракат сифатида намоён бўлган. Кейинроқ диний ихтилофлар, ақидавий фарқлар вужудга келган. Уларнинг фикрича ҳокимият халифа Али ва унинг авлодига тегишли. Чунки имомат асосий диний рунлардан ҳисобланади. Уларнинг таълимотига кўра, раҳбар халқ томонидан сайланмайди, балки мерос сифатида ўтади.

Уларнинг фикри бўйича Пайғамбар (а.с.) Алини халифа қилиб тайинлаганлар. Халифалардан Абу Бакр, Умар ва Усмонлар бу ҳуқуқни Алидан зўрлик билан тортиб олганлар. Шунингдек, Алининг халифалиги илоҳий кўрсатма деб ҳисоблайдилар.

Шиалар ҳам Қуръонни илоҳий калом деб эътироф этади (айрим ўта мутаассиб руҳдаги оқимлари халифалар даврида унинг айрим қисмлари тушириб қолдирилган деб ҳисоблайди). Уламолари эса, Қуръоннинг мазмунини мажозий талқин қилиш йўли билан ўз таълимотларини

асослайдилар. Шунингдек, ҳадислардан фақат халифа Али ва унинг авлоди томонидан қилинган ривоятлари тан олдилар ва шундай ривоят-ҳадислардан иборат мустақил тўпламлар тузган.

Суннийликда эътироф этилган диний ақидалардан фарқ қилиб, шиаликда тавҳид, адл, нубувват, имомат, қиёматдан иборат 5 та ақидага эътиқод қилинади. Булардан 4 ақида – тавҳид (Аллоҳнинг ягоналигани эътироф этиш), адл (адолат, Аллоҳнинг одиллиги, яъни тақдир ақидаси), нубувват (пайғамбарлик), қиёмат ёки маъод (охират кунининг келиши ва ўлганларнинг тирилиши), асосан, суннийлик таълимоти билан мос тушади. 5-ақида эса имомат (Али ва унинг авлодларидан иборат ўн икки имом ҳокимиятини) эса, суннийликка зид экани билан фарқ қилади.

Шиалик ичида ихтилофлар юз бериши натижасида кўп фиркалар вужудга келган. Булардан зайдийлар, жаъфарийлар ва бошқалар. Имомийлар ва исмоилийлар шиаликдаги икки йирик оқим ҳисобланади.

Муътазилийлар оқими ақида масаласи бўйича аҳли сунна вал жамоа йўналишидан ажралиб чиққан. Улар Қуръонни диний ҳақиқатнинг манбаи деб эътироф этадилар, уни сўзма-сўз эмас, мажозий талқин қилишга ҳаракат қиладилар, ривоятларга кўр-кўрона ишонишга қарши чиқадиладар. Шунингдек, гуноҳи кабира, қабр азоби, авлиёлар каромати каби масалалар бўйича ўзига хос қарашга эга. Жумладан, гуноҳи кабира қилган киши мўмин ҳам кофир ҳам бўлмайди, балки иккиси орасида бўлади, деганлар. Муътазилийларнинг яна бир ақидаси бу Қуръоннинг яратилгани ҳақидадир. Суннийлар Қуръон Аллоҳнинг каломи десалар, муътазилийлар Қуръон Аллоҳнинг яратган нарсаси, деб ҳисоблаганлар.

Халифа Маъмун (813-833) муътазилийлар таълимотини давлат дини сифатида қабул қилди. У барчани, айниқса, қозилар, олимлар, амалдорларни эътиқодини синаб кўрди. Натижада ким муътазилийлар ақидасини (хусусан, Қуръоннинг яратилганини) тан олмаса ишдан бўшатди, ҳатто ўлим жазо чорасини қўллади. Халифа Мутаваккил (847-861) даврида ушбу таълимот таъқиб остига олинди.

Муътазилийлар ақл-идрокни ақиданинг асоси деб эътироф этган, тасаввуфни инкор этишга уринган, ўзларини тавҳид ва адолат (адл) тарафдорлари, деб билганлар.

Кейинчалик 13-14-асрларга келиб муътазилийлар йўқолиб кетган.

Қадария ҳам муътазилийларга ўхшаб ақидавий масалада адашган ҳисобланади. Уларнинг асосий даъволари Аллоҳнинг хоҳиши, қазоси ва қадарини инкор қиладилар ва «Аллоҳ бандаларининг ишидан ожиздир», дейдилар. Суннийлар эса, Аллоҳ ҳар бир нарсани олдиндан билади, деган бўлса, қадарийлар буни инкор қилдилар. Улар одиллик худонинг асосий

сифатларидан бири деган фикр асосида гуноҳни худо олдиндан белгилаган бўлиши мумкин эмас. Худодан фақат адолатли ишни кутиш мумкин, гуноҳ ишлар эса инсон фаолияти билан боғлиқ, демак, инсон ирода ва фаоллят эркинлигига ега, шунинг учун у гуноҳ қилади, деган хулосага келди.

Уларнинг таълимотини кейинчалик муътазиллийлар давом эттирдилар.

Жабарийлар эса, қадарийлар эътиқодининг аксини ишлаб чиқдилар ва исломда тақдир масаласида адашган деб тан олинган фирқалардан биридир. Улар аҳли сунна вал жамоада тан олинган тақдир масаласини инкор қилади. Жабарийлар инсон тақдирини худо мутлақ олдиндан белгилаб қўйган, инсонда ҳеч қандай ирода ва фаолият эркинлиги йўқ, булар фақат худода мавжуд, инсон эса, ана шу фаолиятни ўзлаштириб олиш имкониятига эга, деган ақидаларни илгари сурган. Аллоҳ бандаларга гуноҳ ишларни тақдир қилган ва инсон гуноҳ амалларни қилишга мажбурдир, деб инсондаги жузий ихтиёрни рад этадилар. Аллоҳ инсонга тоқати этмайдиган нарсани юклаши мумкин, деб Аллоҳга мажбур қилувчилик сифатини бердилар. Ирода эркинлиги тарафдори бўлган қадарийларга жабарийлар қарши бўлган.

Мушаббихалар (ўхшатувчилар) эътиқоди бўйича Аллоҳни инсон суратига ўхшатадилар ва унинг инсон аъзоларига ўхшаш жисмлари бор деудилар. Бу билан «аҳли сунна вал жамоа» ақидасига қарши чиққан. Чунончи суннийлар Аллоҳни ҳеч нарсага ўхшатмайди ва бундай ўхшатиш хато ҳисобланади.

Умуман олганда ислом тарихида вужудга келган адашган фирқалар ўзлари ҳам бир неча гуруҳларга бўлиниб кетганлар. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги кунда пайдо бўлаётган турли адашган оқимлар ўтмишдошларининг ақидасини олиб янгича кўринишда тақдим қилмоқда. Жумладан, хорижийларнинг одам ўлдириши, ҳозирда ИШИД ва бошқа жангари гуруҳлар томонидан амалга оширилаётган ишларга ўхшайди. Бирор инсон катта гуноҳ қилиб қўйса, уни кофирга чиқариш ҳам хорижийларнинг иши ҳисобланган.

2. Фиқхий мазҳабларнинг пайдо бўлиши. Ислом дини тарқалган худуд кенгайиб, турли миллатлар ва халқлар шу динни қабул қилганларидан ва уни ўз ҳаётлари тарзига айланттирдилар. Диний масалаларда турли қарашларни пайдо бўлиши ва уларни ҳал қилиш мақсадида мусулмон олимлари катта рол ўйнади.

Муҳаммад пайғамбар (а.с.) вафотларидан кейин у кишининг ишини халифалар, саҳобалар, сўнг тобеинлар давом эттирдилар. Пайғамбардан кейин у кишининг ишини сунна асосида давом эттирганлар «суннийлар» ёки «аҳли сунна вал жамоа» номини олди. Пайғамбар даврида бирор масала юзасидан савол пайдо бўлса, одамлар дарҳол шу ҳолатни пайғамбарга етказиб, ўзларига

аниқ жавоб олганлар. Шунинг учун бу даврда ихтилофлар бўлмаган. Саҳобалар кўпчиликини ташкил қилган вақтда ҳам ихтилофли масалаларни тез ва осон ҳал қилганлар, аммо саҳобалар даври тугаб бориши натижасида мусулмонлар орасида турли ихтилофлар кўпайди.

Ҳижрий иккинчи асрга келиб мусулмонлар орасида шариатнинг турли масалаларни мустақил ечиб бера оладиган олимлар пайдо бўла бошлади. Улар турли масалаларни ҳал қилишда Қуръон оятлари ва ҳадисларни шарҳ қилиб, шу билан бирга саҳобаларнинг қилган ишларини ўрганиб, ўшалар асосида ҳукмлар чиқариб бердилар.

Олимларнинг атрофида шогирдлари кўпайиб, уларнинг қарашларини ёзиб, оммалаштирдилар. Бунинг натижасида мазҳаблар пайдо бўлди. Шу билан бирга баъзи олимларнинг қарашлари кенгаймагани сабабли уларнинг қарашлари мазҳаб даражасига чиқа олмади.

«Шариат» сўзи араб тилида икки маънода қўлланилади: «сувга олиб борадиган йўл» ва «тўғри йўл». Масалан, «**Сўнгра (эй, Муҳаммад!), Биз сизни (диний) ишдан иборат шариат узра (барқарор) қилдик...**» (Жосия, 18), оятида шариат сўзи, «тўғри йўл» маъносида келган.

Ислом ҳуқуқида уламолар наздида, Қуръон ва суннатда келган илоҳий кўрсатмалар (ҳукмлар)нинг мажмуидир. Бошқача қилиб айтганда ислом динининг амалий қисми. Ҳуқуқшунослар эса, ислом қонунчилиқ мажмуини назарда тутадилар.

«Фикҳ» эса, луғатда «чуқур тушуниш», «идрок этиш», «билиш» маъноларини билдиради. Истилоҳий маъноси эса, «фикҳ» – шариат ҳукмларини ўрганиш, шариат қоидаларини барча қисмлари билан англаш ҳамда қайси мақсадда ишлаб чиқарилганини тушуниш ва ўзлаштирилган ушбу илмни амалга тадбиқ этишдир. Фикҳнинг манбаси: Қуръон, суннат, ижмо ва қиёс.

Фикҳ билан чуқур шуғулланган олимлар фикҳлар (фикҳ олими, ҳуқуқшунос) деб номланди. Булар орасида энг кўзга кўринган ва фикҳий мазҳаби ҳозиргача етиб келган мужтаҳид олимлар қуйидагилардир: Имом Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит Куфий, имом Молик ибн Анас Мадиний, имом Муҳаммад ибн Идрис Шофеий ва имом Аҳмад ибн Ҳанбал Шаубоний.

Мазкур мазҳаблар олдинги мавзуда айтилганидек, ақида нуқтаи назардан бир хил, фақат фикҳий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Шунингдек, булар бир-бирини инкор қилмайди, балки қўллаб-қувватлайди. Мазҳабларнинг мақсади диний манбалардаги матнларни кенг халқ оммасига осон тушунтириш бўлган ва бу билан оддий халқ ўз масалаларини тезда хал қилганлар.

«Мазҳаб» арабча сўз бўлиб, «йўналиш», «йўл», «диний таълимот» маъноларини билдиради. Ислом шариати ва ақидасининг муайян бир тизимга солинган ҳолатдаги кўриниши мазҳаб дейилади. Бундан кўриниб турганидек, мазҳаблар икки қисм – фикҳий ва ақидавийга бўлинади. Фикҳий мазҳаблар тўртта: ханафий, моликий, шофеий ва ҳанбалий. Ақидавий мазҳаблар: мотуридий ва ашъарийлардир.

Моликий мазҳабига мадиналик олим имом Молик ибн Анас Абу Абдуллоҳ (713-795) асос солган. У «Мадина имоми» унвонига сазовор бўлган. Имом Молик Мадина олимлари қарашлари асосида ўз мазҳабини яратган. Шунинг учун ушбу имом Мадина фақиҳларидан фикҳни ўрганиб, аҳли ҳадис кўллайдиган услубни қабул қилган ва ушбу қоида асосида ўз шогирдларини тарбиялаган.

Имом Молик Қуръон, сунна ва ижмога таяниб ҳукм чиқарган. Шу билан бирга мадиналик олимларнинг иттифоқини ҳам ҳукм чиқаришда жуда катта эътиборга олган. Чунки Муҳаммад (а.с.) шу шаҳарда яшаган ва бу шаҳар аҳолиси пайғамбар ва саҳобалар кўрсатмалари ва қилган ишларини мукаммал ўзлаштирганларини эътиборга олган.

Олим «ал-Муватто» номли ҳадис илмига оид тўпам муаллифи ҳисобланади ва мазкур асар моликий мазҳабининг асосий манбаси сифатида ўз ифодасини топган. Муҳаддис бунинг учун 40 йил умрини сарфлаган. Бу асар илк ҳадис тўпламларидан бири бўлиб, бир неча минг ҳадисни ўз ичига олган.

Имом Молик ибн Анаснинг шогирдлари орасида таниқли муҳаддис ва ханафий мазҳаби фақиҳи имом Муҳаммад Шаубоний (ваф. 805 у.), шофиийлик мазҳаби асосчиси Муҳаммад ибн Идрис Шофеий (ваф. 820 у.) бўлган.

Ҳозирги вақтда ҳам бу мазҳаб қоидаларининг Марокаш, Тунис, Жазоир ва Ливия никоҳ-оила ва мулкка оид ҳуқуқига сезиларли таъсири бор.

Муҳаммад ибн Идрис Шофеий (767-820) ҳам алоҳида мазҳабга асос солган.

Бу олим имом Молик ва имом Абу Ҳанифанинг катта шогирди имом Муҳаммаддан дарс олган. Шу нуқтаи назардан ушбу мазҳаб ҳуқуқ тизими ханафийлар ва моликийларнинг диний-ҳуқуқий таълимотини асосида ишлаб чиқилган, деб айтиш мумкин. Шудай бўлсада, кўпроқ моликийларга яқин туради. Бошқача қилиб айтганда, аҳли ҳадис ва аҳли раъуни қарашларини бирлаштирган ва ўзига хос услубни яратди. Олим ижмо бўйича уммат ижмосига эътибор қаратган бўлса, шу мазҳабнинг кейинги уламолари олимлар ижмосини ҳам қабул қилишга мажбур бўлдилар.

Шофеийлик ҳам бошқа мазҳаблар каби Қуръон, сунна ижмо ва қиёсга таянади. Имом Шофеиунинг «ал-Умм» ва «ар-Рисола» китоблари ушбу мазҳаб усулига асос бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, учинчи-тўртинчи ҳижрий асрларда Марказий Осиёда Шофеий мазҳаби Ҳанафий мазҳаби билан рақобат қилган. Унинг йирик вакили тошкентлик буюк олим Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший (904-976) еди. У киши фикҳ, ҳадис, луғат ва адабиёт бўйича ўз даврларининг машҳур олимларидан бўлган. Усулул фикҳ бўйича уларнинг асарлари машҳур. Тошкентда вафот этиб, қабрлари Ҳастимом (Ҳазрати Имом) мадрасаси ёнида жойлашган.

Ҳанбалий мазҳаби асосчиси Аҳмад ибн Ҳанбал (780-855) ҳисобланади. Олим яшаган Бағдод шаҳрида илму фан ривож топиши билан бирга турли эътиқодий қарашлар маркази ҳам бўлган.

Ҳанбалий мазҳабида Қуръон, суннат, ижмо ва саҳобаларнинг гаплари асосий ўрин эгаллайди. Қатий зарурат сезмаган ҳолатлардан ташқари қиёсдан фойдаланмайди. Барча ҳадисларни ва ривоятни (саҳобалар сўзини) қиёсдан устун қўйган.

Имом Аҳмад хулафои рошидин, саҳобалар, тобеинлар, шунингдек, ўзидан олдинги уч мазҳаб фикҳини ўзлаштирган. Чунончи илк марта фикҳни имом Абу Ҳанифанинг шогирди имом Абу Юсуфдан ўрганган. Шунингдек, «мен ҳадис ёзиб олган биринчи киши Абу Юсуф эди», деганидан ҳадисни ҳам шу кишидан олгани билинади. Кейинчалик имом Шофеийдан ҳам фикҳни ўрганган. Ўзи эса, имом Бухорийга устозлик қилган.

Ҳадис илми бўйича «ал-Муснад» асари жуда машҳур ҳисобланади. Бу китобда қирик минг атрофида ҳадис жамланган бўлиб, асар ҳанбалий мазҳабининг асосий қарашларини ифода этади.

Юқорида келтирилган фикҳий мазҳаблар диний фирқалардан фарқ қилади. Улар бир-бирининг фикрига қарши чиқмайди ва ўзларини бошқаси билан тенг деб ҳисолайдилар. Мазҳаблар шариат масалаларида енгилроқ ёки қаттиқроқ ҳукм чиқариши билан фарқ қилади. Шунингдек, мазҳаблар ўзи тарқалган минтақаларнинг шароитидан ҳам келиб чиққан ҳолда фатволар берганлар. Жумладан, шофеий мазҳабида таҳоратдан сўнг юзни артмаслик афзал ҳисобланса, ҳанафий мазҳабида юзни артиш афзалдир. Ҳанафий мазҳаби совуқ ўлкаларда ҳам тарқалганини эътиборга олинса, шофеий мазҳаби асосан иссиқ ўлкаларда ёйилган.

Мазҳаблар турлича бўлсада, улар асосчилари-муҷтаҳидларнинг барчаси бир-бирига устоз-шогирд тизимидадир. Улар бир-бирларининг мазҳабини тан оладилар. Тўртта мазҳаб ҳам ҳижрий иккинчи асрнинг ўзида шаклланиб улгурган. Аммо ушбу мазҳабларнинг фақат биттасини ушлаш лозим. Бир

масалада бу мазҳабни, бошқасида иккинчисига амал қилиш мумкин ҳисоланмайди.

3. Имом Абу Ҳанифа ва ханафийлик мазҳаби. Ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит (699-767) бўлиб, «Имоми Аъзам», яъни энг буюк имом лақаби билан машҳур бўлган. Мазкур мужтаҳид олим Куфа шаҳрида туғилиб шу ерда вафот этган.

Бу зот сунний мазҳаблар асосчилари орасида ёши энг каттаси ҳисобланади. Ривоятларга кўра бобоси Собитни ҳазрат Али олдиларига олиб келиб, унинг ҳаққига дуо қилишларини сўрайди. Ҳазрат Али Собитни ўзи ва зурриётига баракот сўраб дуо қиладилар. Собитнинг зурриётидан имом Абу Ҳанифа машҳур бўлиб кетди. Имомнинг отаси Куфада ипак ва жун мато тижорати билан шуғулланган ва имом Абу Ҳанифа ҳам кейинчалик шу ишни давом эттирган.

Имом Аъзам ёшлигидан Қуръонни ёдлайди. Маълум вақт савдо ишлари билан шуғулланиб юрган. Шу орада Куфа ва унинг атрофида эътиқодий баҳс ва мунозараларда фаол иштирок этиб борган. Бир куни кўчада имом Шаъбийнинг ёнидан ўтиб кетаётганида, олдига чақириб, қаерга кетаётганини сўрайди. У бозорга кетаётганини, айтганда, мен сендан уни эмас, балки қайси олимнинг дарсига бораяпсан деб сўрайди. Имом Аъзам ҳеч бирининг, деган жавобидан сўнг, имом Шаъбий шундай дейди: «Илм ва уламолар билан кўришиб тургин. Сени ниҳоятда зукко ва илмга ташналигингни кўряпман». Олим одамнинг бу гапига кириб, Абу Ҳанифа илм йўлини танлайди.

Абу Ҳанифа Умавийлар ва Аббосийларнинг сиёсий курашлари, ҳокимият бир сулоладан бошқасига ўтганда даврда яшаган бўлса ҳам қўлига қурол олиб икки томоннинг сиёсатига аралашмади, балки ўз илмини ошириш ва тарқатишга ҳаракат қилди. Бу даврда ақидавий оқимлар орасида ҳам курашлар анча қизиган. Олим бу курашларни кузатиб боргани табиий. Ибн Баззознинг ривоятига кўра имом Абу Ҳанифа ўғли Ҳаммодга шундай деган: «Бизлар мунозара қилган вақтда суҳбатдошимизнинг ҳақ ва тўғри йўлган чиқиб кетишидан кўрқар эдик, лекин сизлар мунозара вақтида рақибингизни ҳақ йўлдан чиқишини истайсизлар. Ҳар ким ўз суҳбатдошини ҳақ йўлдан оғдирмоқчи бўлса, уни куфр томонга йўллайди, лекин унинг ўзи суҳбатдошидан олдинроқ куфр йўлига ўтган бўлади».

Манбаларда имом Абу Ҳанифанинг саҳобаларни кўргани айтилади, шунинг учун у тобеинлардан ҳисобланади. У Ҳаммод ибн Абу Сулаймон, Иброҳим Нахайй, Шаъбий каби ва бошқа олимлардан саҳобалар Али ва Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абдуллоҳ ибн Аббосларнинг фикҳини ўзлаштирди. Айниқса, Ҳаммод унинг энг асосий устози ҳисобланган. Унга 22 ёшида шогирд тушиб, у кишидан ўн саккиз йил давомида фикҳ илмини ўрганади. Бу

ҳақда ўзи қуйидагиларни айтган: «Мен илм ва фикҳнинг қонида эдим. Унинг аҳли ила мажлис қурдим. Уларнинг фақиҳларидан бирини лозим тутдим». Узоқ йиллар дарс олиши ва устози вафотидан сўнг унинг ўрнида дарс беришни бошлаган. Устози ўрнига дарс бериши натижасида, Ҳаммоҳ қолдирган мактаб кейинчалик мазҳабга айланди.

Шунингдек, кўп юртларга сафар қилган ва ўша ерлик олимлар билан ҳам илмий баҳс ва мунозараларга кирган.

Абу Ҳанифа виқор ва салобат эгаси бўлган. Кўп фикр юритиб, кам сўзлар эди. Тақволи, парҳезкор, зоҳид, бекорчи ва фойдасиз сўзларни гапирмас, гапирганда қисқа ва лўнда сўзларди. Бирор киши масала сўраб келса, ҳозиржавоблик билан ишни хал қиларди.

Имом Абу Ҳанифа Қуръон, суннат, саҳобаларнинг сўзлари, қиёс, истехсон, ижмо, урф каби фикҳий манба ва услубларига кўра ҳукм чиқарган. Фикҳда шундай мақомга етганки, ҳар бир оят ва ҳадисдан керакли фикҳий хулосалар чиқара олган. Абу Ҳанифа ҳадисни, саҳобалар сўзини, пухта ўзлаштирган. Ҳадисларнинг саҳиҳ ва заифини ажратиб, айниқса, ҳадислардан чиқариладиган ҳукмларнинг тўғри бўлишига катта эътибор қаратган. Ривоятларнинг бирида устози Шаббий бир масалада мурожаат қилади. Абу Ҳанифа унга жавоб беради. Шунда устози бунини (жавобни ва унга ҳужжатни) қаердан олдинг деб сўраганда, Абу Ҳанифа ўзингиз ривоят қилган ҳадисдан олдим деб ҳадисни айтади. Жавобдан сўнг Шаббий: «Сизлар табибсизлар, эй, фақиҳлар жамоаси, биз (муҳаддислар) доришуносмиз», дейди.

Абу Ҳанифа фикҳда ҳам юқори мартабаларга эришган. Қуйида имом Абу Ҳанифанинг жуда кўп ҳадис билишини исботловчи баъзи омилларни келтириш мумкин.

Улардан:

1. Кўплаб олимлар қатори Имом Абу Ҳанифага муҳолиф бўлганлар ҳам иттифоқан унинг мужтаҳидлигини тан оладилар, яъни унинг мужтаҳид олим эканида ихтилоф йўқ. Мужтаҳид бўлишнинг шартларидан бири аҳкомга оид ҳадисларни яхши билишлиқдир;

2. Манбаларда айтилишича, Абу Ҳанифа саксон уч мингдан ортиқ масалага жавоб берган. Ҳадисларни яхши билмайдиган киши бундай кўп масалага жавоб бериши мумкин эмас;

3. Абу Ҳанифа ҳадис ривоятига кўп тўхталмаган. Бунинг сабабларидан бирини ўша давр олимлари ҳадисларни яхши билганларидир. Шунинг учун улар илм мажлисларида ҳадислардан чиқадиган масалаларга жавоб топишни, яъни исбот билан шуғулланишни асосий мақсад қилиб олганлар. Ҳадиснинг фикҳини, уни тушунишни, носих ва мансухини, ом ва хосини, мутлақ ва муқайядини билишга интилганлар, унинг саҳиҳлигига эмас;

4. Абу Ҳанифа даврида нафақат ҳадис илмини, балки барча илмларни ёзиб бориш одат тусига кирмаган, худди Расулуллоҳ (с.а.в.) ва саҳобийлар давридаги каби. Шундай бўлсада, Имом Абу Ҳанифа наздида ҳадисларни ривоят қилиш масъулиятли иш эканини қуйидаги Имом Абу Юсуф ривоятдан ҳам билиш мумкин. Унда, Имом Абу Ҳанифа: «Киши ҳадисни эшитган вақтидагидек, (яъни қандай эшитган бўлса ўшандай) айтиши лозим», деган;

5. Абу Ҳанифа тўрт мингдан ортиқ устоздан дарс олган. Чунки у Басрага 10 марта, Макка ва Мадинага эса ўнлаб марта борган. У жойлардаги кўпгина олимларнинг суҳбатида бўлган. Демак баҳс ва мунозара вақтида кўплаб ҳадислар эшитгани табиий.

Абу Ҳанифа қиёс ва истехсонни (чиқарилган хулосалардан мусулмонлар учун фойдалироқ томонини олиш тамойили) кўп қўллаган. Ҳатто заиф ҳадисни қиёсдан олдин қўйган. Бу борада имом Абу Ҳанифа шундай деган: «Расулуллоҳ (с.а.в.)дан келган ҳар нарса бош устига, саҳобалардан келганини эса орасидан яхшироғини танлаб оламиз, аммо тобейлардан келган бўлса, биз ҳам улардек кишилармиз». Бу билан ўз мазҳабининг усулини кўрсатган.

Имом Абу Ҳанифанинг энг машҳур шогирдларидан Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Ансорий ва Муҳаммад ибн Ҳасан Шаубонийдир. Абу Ҳанифанинг бу икки шогирди устозининг ишини давом эттириб, бошқа олимларга устозлик қилдилар.

Ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа алоҳида муайян мавзуга оид китоб ёзмаган. Балки у ривоят қилган ҳадисларни, айтган фатволарини кейинчалик олимлар китоб ҳолатига келтирганлар. Жумладан, «ал-Фикҳ ал-акбар», «ал-Олим ва-л-мутааллим», «ал-Васиуя» ва «ал-Муснад» ва бошқалар.

Олим дунё ишлари ва мансабга қизиқмаган. Халифа унга бош қозилик (қози ал-қузот) мансабига таклиф қилганда рад этган.

Шундай бўлсада, энг катта шогирди имом Абу Юсуф «Қози ал-қузот» лавозимида фаолият юритиб, ҳанафийлик мазҳабининг янада кенг ёйилишига хизмат қилган. Имом Муҳаммад эса, ҳанафий мазҳабининг назарий асосларини ишлаб чиқиб, ўз асарларида уларни келтириб ўтган.

Ушбу мазҳаб сунний мусулмонлар орасида энг кенг тарқалгани ҳисобланади, яъни 47% сунний мусулмон шу мазҳабга амал қилади. Тарихда унинг жуда кўп давлатлардаги асосий мазҳаб сифатида эътироф этилиши жамият ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида қўлланиши, миллий урф-одатларга бағрикенглиги, турли минтақалардаги шарт-шароитларга мос келиши ҳамда бошқа омиллар сабабли унинг кўп мусулмон халқлари томонидан қабул қилинишига сабаб бўлган. Унинг кенг миқёсда тарқалганига сабаблардан бири барча минтақаларда яшаётган мусулмонларга чиқарилган ҳукмлари осон амал қилишига имкон берган. Ўзбекистон ҳудудида

ханафийлик мазҳаби кенг тарқалган ва шу минтақа аҳолиси мазкур мазҳабга амал қилиб келмоқда.

4. Мазҳабсизлик ва унинг оқибатлари. Бугунги кунда турли гуруҳлар тарафидан мазҳабларни инкор қилиш ҳолатлари учраб турибди. Улар мазҳабсизлик ғоясини илгари суриб, асосий мақсадлари асрлар давомида амал қилиниб келинаётган фикҳий мазҳабларни инкор қилиш ҳисобланади.

Мазҳабсизлик ғояси деярли 12 асрдан ортиқ вақт мобайнида яшаган минглаб уламоларнинг бутун умрларини сарфлаб олган илмлари ва қолдирган меросларини, ёзган асарларини бекорга чиқаради. Шу билан бирга асрлар давомида амал қилиниб келинаётган анъаналар нотўғри, уларга амал қилган мусулмонлар эса адашган экан деган хулосага олиб келади. Бундан ташқари мусулмонлар бирлигини хавф остига олади. Зеро Муҳаммад пайғамбар (а.с.) ҳадисларида: *«Аллоҳ умматимни залолатда жамламайди», «Мусулмонлар яхши деб билган нарса Аллоҳнинг ҳузурида ҳам яхшидир»* (ҳадисларни Ҳоким Найсапурий ривоят қилган), дейилган. Мазҳаблар ҳам мусулмонларнинг бирлиги.

Олимлар бутун умрини шариат илмига бағишлаб, ундаги ўта нозик масалаларни ўрганиш учун ўнлаб йил умрларини ўтказганлар, Қуръон ва ҳадисларда учрайдиган ва барча инсонлар тушуниши қийин бўлган жойларни фаҳмлаш ва тушунишга осон шаклга келтириб сўнги хулосаларни берганлар.

Мазҳабсизлик ғоясини сохта салафийлар илгари сурмоқда. Уларнинг фикрича, фикҳий мазҳаблар томонидан ишлаб чиқилган қоидаларни тўғри тушуниш усули сифатида тан олинмайди, балки шариат аҳкомларини тўғридан-тўғри амалга тадбиқ этиш лозим деб ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, мазҳабсизларнинг даъвоси бўйича ҳар бир киши, ўзи Қуръондан ёки ҳадисдан ҳукм олиши мумкин. Чунки мужтаҳидларнинг хулосаси бошқалар учун асос бўла олмайди, ҳар бир одам ўзи фатво бериши мумкин. Уларнинг ғоясига амал қилинадиган бўлса, барча Қуръон ва ҳадисдан ҳукм олишга ўтса, жамиятдаги бошқа соҳалар издан чиқиб кетади. Чунончи тиббиёт, архитектура ва ҳоказо соҳа эгалари ҳам ўзлари мустақил тарзда Қуръон ёки ҳадисларни ўрганиб ўз масалаларини хал этишлари лозим бўлиб қолар эди.

Мазҳабсизларнинг айтаётган даъволаридан яна бири фақат саҳиҳ ҳадисга амал қилиш лозим, чунки мужтаҳидлар ҳар хил фатво чиқарганлар, шунинг учун бу бўлиниш ҳисобланади дейдилар. Аслида мазҳаблардаги бир масалага турлича қараш мужтаҳиднинг ўша масалани қандай тушунишига боғлиқ. Араб тили бой тил бўлгани сабабли, бир олим Қуръондаги сўзнинг бир маъносини қабул қилган бўлса, иккинчи мужтаҳид бошқа маъносини олган. Ҳукм ҳам шунга яраша бўлган. Ҳадислардан ҳукм олиш ҳам шунга яраша бўлган. Бир мужтаҳид бир ҳадисни олган ва унга қарши бўлган ҳадисни эса,

ҳукми ўчган деб билан, бошқа мужтахид эса, ўша ҳадисни ҳукми ўчмаган деб қабул қилган. Булардан ташқари пайғамбар томонидан саҳобаларга ҳам ўз ўрнига қараб турлича масалаҳатлар берилган. Саҳобалар эса, турли жойларга тарқалиб, борган жойларида ўзлари билган илм билан бошқаларни таништирганлар. Шу ва бошқа сабаблар билан мазҳаблар орасида бир масалага турлича фатволар бериш келиб чиққан. Шундай бўлсада мазҳаблар бир бирларининг ҳукмларини хато деб ҳисобламайдилар ва ўша бошқа ҳукмни ҳурмат қиладилар.

Сохта салафийлар тарафидан илгари сурилаётган мазҳабсизлик ғояси, мужтахидга эмас, балки Пайғамбарга эргашиб дозим деб ҳисоблайдилар. Чунки салафи-солиҳлар пайғамбарга эргашган, улар даврида мазҳаблар бўлмаган, деган давони амалга оширдилар.

Шу ўринда фатво ва муфтий ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли. Фатво деб луғатда «мушкул ишга жавоб қидириш», «саволга жавоб бериш», «шариат масалалари юзасидан фатво чиқармоқ», «маслаҳат бермоқ», «муфтийнинг ҳулосаси» деган маъноларни билдиради. Истилоҳда эса, «далилга асосланиб, шаръий ҳукмни сўровчига баён қилиб бериш»га фатво дейилади. Ҳанафий мазҳаби олимларидан Тақий Усманий фатвони «Диний масалаларга жавоб беришдир», деган.

«Муфтий» деб шариат ҳукмлари борасида фатво берадиган одамга айтилади. Фақиҳ Қарофий шундай деган: «Муфтийлар Аллоҳ таолонинг таржимонларидир. Чунки улар насс (Қуръон ва ҳадис)га таянган ҳолда ҳукм чиқарадилар». Имом Шотибий эса: «Муфтийлар уммат учун Расулуллоҳ (алайҳис-салом) мақомларида бўладилар. Бунга далил қилиб: *«Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Пайғамбарлар динор ёки дирҳам эмас, балки илмни мерос қилиб қолдирганлар»* (имом Термизий ривояти), ҳадисини келтирадилар» деб шарҳлаган.

Ҳанафий олими Тақий Усманий шундай дейди: «Моҳир устозларнинг ҳузурида фикҳни ўрганмаган кимсанинг фатво бериши мумкин эмас. Устозлар ҳузурида фикҳни ўрганган кишининг ҳар бирга фатво бериши мумкин бўлмаганидек, ўзи (мутақил равишда) фикҳий китобларни мутолаа қилган кимсага ҳам фатво бериши мумкин эмас. Ҳатто у аҳком усуллари, қоидалари ва иллатлари билан танишиб чиқиб, малака ҳосил қилган бўлса ҳам, мўътабар китобларни бошқалардан ажратиб олса ҳам мумкин эмас». Юқоридагилардан шундай ҳулоса қилиш мумкинки, барча одамларга, ҳатто у диний китобларни ўқиб тушунса ҳам диний масалаларда фатво бериш мумкин эмас.

Одамлар шариат билимларини билиш даражасига кўра: хос ва оммага бўлинади. Хос кишилар муайян соҳа билан шуғулланиб, уни мукамал ўрганган мутахассислар ҳисобланади. Омма эса, ўзларининг касблари билан

машғул бўлиб, керакли вақтда мутахассисга мурожаат қилиб, ўз масаласини хал қилган. Шарий ҳукмлар масаласида ҳам хос кишилар – мужтаҳид-фақиҳлар шуғулланиб, оммага унинг масалаларини етказиб, тушунтирганлар. Омма эса унга амал қилган. Шарий нуқтаи назардан одамлар: мужтаҳид ва муқаллидга бўлинади.

Мужтаҳид деб манбаларда, ижтиҳод қилиш (муайян илмий салоҳиятга эга фақиҳ олимнинг шариатнинг муфассал далилларида шарий ҳукмларни чиқариб олиш, яъни истинбот қилиш жанаёни) фаолияти билан шуғулланадиган кишига айтилган. Мужтаҳид олимлар шариатнинг мустақил манбаси эмас. Балки мужтаҳид шариат қонунларини шарҳловчиси ва унинг манбаларни тушунтирувчиси деб тан олинади.

Омма эса, ижтиҳод қила олмаудиган, бошқача қилиб айтганда, мустақил тарзда шариат манбаларини тушунмайди ва улардан қандай ҳукм олинишини билмайдиган киши. Улар мужтаҳидга тақлид қилади ва у муқаллид-тақлид қилувчи дейилади. Тақлид қилувчи мужтаҳиднинг ҳукмига амал қилади. Мусулмонларнинг асосий қисми шу гуруҳ - тақлид қилувчилар гуруҳидан иборат.

Шу кунгача яшаган мусулмон олимларининг фаолияти натижасида мазҳаблар жамиятда ўз ўрнига эга бўлган. Мазҳабсизлик ва шунга ўхшаш фикрлар фақат ислом душманлари мусулмонлар орасида тарқатишга ҳаракат қилмоқда. Тарихда бундай ҳолат кузатилмаганини мусулмон олимлари таъкидламоқда.

Олимлардан Шоҳ Валиуллоҳ Деҳлавий тўрт мазҳабдан бирига тақлид қилиш ҳақида: «Билгинки, ушбу тўрт мазҳабнинг бирини ушлашда (тақлид қилишда) уммат учун катта фойда ва афзаллик бор. Улардан юз ўгиришда катта фасод бор», деган.

Аслини олганда эса, мусулмонлар Пайғамбар (а.с.)га эргашади, мужтаҳидларга тақлид қилади холос. Уламоларнинг тутган йўллари ҳақида машҳур муҳаддис Заҳабий: «Биз, тўрт имом (Абу Ҳанифа, Молик, Шофеий, Аҳмад), икки Суфён (Суфён Саврий ва Суфён ибн Уяйна), Авзой, Довуд Зоҳирий, Ишоқ ибн Роҳувайх ва бошқа имомлар ҳақ йўлда бўлганлар, деб ишонишимиз лозим. Улар ўзлари ҳақда айтилаётган айб (гап)лардан пок бўлиб, у гапларга эътибор қаратилмайди. Бошқа мужтаҳид муайян бир мазҳабга эргашиши шарт... Икки ҳарам имоми (Жувайний) таъкидлаганидек, саҳоба ва тобеинларга эргашиб бўлмайди, чунки уларнинг мазҳаби ёзилмаган ва шакллантирилмаган. Қозилик масалалари ва фатво беришда тўрт мазҳабдан бошқасига тақлид қилинмайди», деган. Бошқа бир олим Тожиддин Субкий шундай ёзади: «Ушбу тўрт мазҳаб (ҳанафий, моликий, шофеий, ханбалий), Аллоҳ раҳмати ила, эътиқодда бир бўлган. Уларнинг издошларидан

айримлари мўътазилийлар ва мужассимага кўшилиб кетганларига қарамасдан, уларнинг мутлақ кўпчилиги ҳақиқатга риоя қилганлар...». «Аҳли сунна вал-жамоа» олимлари тўрт мазҳабдан бирига тақлид қилиш шарт экани борасида ихтилофга бормаганлар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, исломдаги фикҳий мазҳаблар мусулмонларнинг бирлигини сақлашга ва омма халқнинг диний ишларни амалга оширишидаги қийинчиликларини олдини олишга хизмат қилган. Бироқ мазҳабларни инкор қилиш ғоялари мусулмонлар олдига турли шубҳаларни солиб соф ислом ғояларини инкор қилиб жамиятда ихтилофли вазиятни келтириб чиқаришга ҳаракат қилмоқда.

Мавзу бўйича саволлар

1. Исломда илк бўлиниш қайси йили бўлиб ўтган?
2. Фикҳий мазҳабларнинг пайдо бўлишига қандай омиллар бўлди?
3. Имом Абу Ҳанифа ким ва у қандай мазҳабга асос солди?
4. Мазҳабсизлик даъво қилаётган ғояларнинг қандай салбий оқибатлар бор?

Мустақил иш мавзулари

1. Ислом тарихида ихтилофлар ва уларнинг хал етилиши.
2. Фикҳий мазҳаблар тарихи.
3. Ҳанафий мазҳаби манбалари.
4. Салафийлик ва унинг тарихи.

Адабиётлар

1. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 536 б.
2. Аминов Ҳ., Примов С. Ҳанафиу фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – 160 б.
3. Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Ақидатут-таховия шарҳининг талхийси. – Тошкент: 2015. – 448 б.
4. Очилдиев О., Раҳимжонов Д., Муҳамедов Н. Ва бошқ. Диншунослик асослари (ўқув кўлланима). – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – 320 б.
5. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., ва бошқ. Диншунослик. – Тошкент: Меҳнат, 2004. – 296 б.

6- мавзу: Миссионерлик ва прозелитизм: тарих ва бугун, тарғибот усуллар.

Режа

1. Миссионерлик ва прозелитизмнинг мазмун-моҳияти.
2. Миссионерлик фаолиятида ижтимоий табақалар билан ишлаш стратегияси.
3. Диний секталар ва улар фаолиятининг оқибатлари.
4. Миссионерликка қарши курашнинг ҳуқуқий-амалий асослари.



Таянч тушунчалар:

Миссионерлик, прозелитизм, секта, диний секталар, диний ташкилотлар, иегово шоҳидлари, эттинчи кун адвентистлари, миссия, Библия жамияти.

1. Миссионерлик ва прозелитизмнинг мазмун-моҳияти.

Миссионерлик сўзи асли лотинча бўлиб, «юбориш», «вазифа топшириш» деган маъноларни англатади.

Миссионерлик билан ёнма-ён ишлатиладиган прозелитизм эса, тўғридан-тўғри бирон бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга қаратилган ҳаракатларни англатади. У ўз моҳиятига кўра миссионерликнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, дунёдаги умумий миссионерларнинг 2/3 қисмини христиан миссионерлари ташкил этади. Дастлабки халқаро христиан миссиялари, 1910 йилда Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида пайдо бўлган эди. Бугунги кунда юзлаб шундай мақомга эга миссиялар фаолият кўрсатмоқда. Уларни янада ривожлантириш, етарли моддий, маънавий ва инсон ресурслари билан таъминлаш жуда яхши йўлга қўйилган. Одатда, халқаро миссияни ташкиллаштиришда маълум бир конфессиянинг барча шахобчалари қатнашади. Масалан, ташкилотнинг нашриёти уни тегишли адабиётлар билан таъминласа, тадқиқот маркази муайян мамлакат аҳолиси, унинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, заиф томонлари ҳақидаги маълумотларни йиғиш ва диний адабиётларни маҳаллий тилларга таржима қилиш билан шуғулланади. Миссияни моддий-молиявий таъминлашда ишлаб чиқариш тузилмаларининг, миссионер кадрлар тайёрлаш ва кўнгилли ҳомийларни топишда миссионерлик базаларининг аҳамияти бекиёсдир. Мана шундай куч ва тайёргарлик билан халқаро миссия исталган мамлакатда тегишли тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ташкил этишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Айни дамда, миссионерлик фаолияти билан фаол шуғулланишга ҳаракат қилаётганлар орасида баҳоийлар, кришначилар билан бир қаторда янги пайдо бўлган секталар борлигини ҳам таъкидлаш зарур. Секта бу – фақат ўзини ҳақ дин, инсонларни нажотга етказувчи деб даъво қиладиган, аслида эса муайян сиёсий ва иқтисодий мақсадларни кўзлайдиган гуруҳ ҳисобланади. Психологлар мазкур секталарни «оммавий ижтимоий-психологик қирғин куроли» деб таърифлайдилар.

Диний секта деганда маълум бир диндаги расмий ақидаларга зид равишда ажралиб чиққан ёки мавжуд динлар ва конфессияларга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда дин бауроғи остида фаолият кўрсатадиган гуруҳлар тушунилади. Бугунги кунда миссионерлик фаолияти билан асосан турли секталар шуғулланади. Ҳозирги кунда тахминан 5000 та сектанинг фаолияти аниқланган. Маълумотларга кўра, мамлакатимиз билан чегарадош бўлган давлатларда «Богородичий центр», «Церков объединения», «Церков Иисуса», «Церков Нового Завета», «Белое братство», «Божественный орден Первого Ангела», «Фархат ата», «Дианетика» каби юзлаб диний секталар фаолият олиб бормоқда. Иблисга ибодат қилишга асосланган «Сатанизм» сектаси ҳам айрим кўшни республикаларда кенг тарқалмоқда. Айрим маълумотларга кўра, ўта хавфли бўлган мазкур сектанинг Россияда 100 минг, Ер юзида 5 миллиондан ортиқ тарафдори бор.

Мазкур секталар аҳолининг диний билимлари пастлигидан фойдаланиб, охиратнинг яқинлиги билан кўрқитиш ҳамда асосан ёшлар ва моддий аҳволи ночор бўлганлар ичида ташвиқот олиб бориш йўли билан ўз тарафдорларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда.

2. Миссионерлик фаолиятида ижтимоий табақалар билан ишлаш стратегияси. Миссионерлар макон ва замонга мослашган ҳолда ўз услуб ва воситаларини доимий такомиллаштириб келганлар. Сўнгги вақтларда улар маълум бир ижтимоий қатламни ажратиб олиб, мақсадли иш олиб боришга интиломоқдалар. Жумладан, миссионерлар асосий эътиборни аралаш миллат вакиллари билан иборат оилаларнинг аъзолари, илгари ҳеч бир динга эътиқод қилмаган, оғир хасталикка, жудоликка, моддий қийинчиликка дуч келган, ахлоқ тузатиш муассасаларидан чиқиб келган, яъни моддий ва маънавий кўмакка муҳтож кишиларга қаратмоқдалар.

Зиёлиларнинг турли қатламлари ичида санъат соҳаси ходимлари, кутубхоначилар, ўрта мактаб ўқитувчилари, турли идоралар хизматчилари фаол миссионерлик тарғиботи объекти сифатида танланаётганини ҳам қайд этиш лозим. Бундай ёндашувда ўзига хос мантиқ бор. Масалан, прозелит санъаткор санъатнинг ҳиссий-эмоционал таъсир қувватидан фойдаланиб, эътиқодий босим ўтказишда юқори самарадорликка эришиши мумкин бўлса,

этиқодини ўзгартирган кутубхоначида эса «ўлжа» сифатида танланганлар билан якка тартибда ишлаш имконияти мавжуд бўлади.

Миссионерларга табиатан ишонувчан, ташқи таъсирга мойил бўлган ва айна пайтда, ҳаётда сабр-бардошли ва фидоий бўлиш билан бир қаторда ҳамиша маънавий-руҳий кўмакка, кўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезадиган аёлларга ҳам алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Уларнинг мақсади жамиятда беқарорликни келтириб чиқариш, ижтимоий ва миллий тотувлик асосларига раҳна солишдир.

Қайд этилган мисоллар ҳам миссионерлик объекти сифатида танланаётган қатламлар доираси мунтазам равишда кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Миссионерликда ёшларга алоҳида эътибор берилишининг сабаблари. Ёшларнинг фаол ижтимоий кучга айланиб бораётгани бугунги кунда уларнинг турли мафкуравий таъсир ва тазйиқларнинг асосий объектига айланишига олиб келди. Бунда уларнинг жамиятнинг ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган, ташқи таъсирларга тез берилувчан ва айна пайтда, энг ҳаракатчан қатлами экани инобатга олинмоқда.

Миссионерликнинг таниқли назариётчиси Патрик Джонстоун талаба ёшларни миссионерлик фаолиятининг асосий объекти деб қараб, ўзининг «Дунё операцияси» китобида шундай ёзади: «Бутун дунёда университет ва коллежларда 37 миллион талаба таҳсил олади. Уларнинг кўплари 20 йилдан сўнг йирик мансабларни эгаллашади». Ушбу фикрлар миссионерларнинг жамиятнинг эртанги кунини белгилаб берадиган авлод онгини эгаллаш, назорат қилишни кўзлаб иш юритаётганини англаш имкониятини беради.

Хайрия ёрдамлари кўрсатиш ҳам миссионерликдаги энг қадимий ва самарали усуллардан бири ҳисобланади. Бунда турли тадбирлар уюштирилиб, уларга асосан ёшлар жалб этилади. Беғараз дея тақдим этилаётган, аслида жамиятнинг ёрдамга муҳтож қатламларини аниқлаш ва сўнгра улар билан мақсадли иш олиб боришни кўзлайдиган бундай ҳаракатлар ҳатто «Янги йил», «Наврўз», «Хотира ва кадрлаш куни» каби халқимизда кенг нишонланадиган байрамлар давомида ҳам ғаразли мақсадларда амалга оширилиши кузатилган. Миссионерлар ўзлари кўрсатаётган «ёрдамни» шу байрамлар руҳига мослаштиришга ҳам ҳаракат қилмоқда.

Уйма-уй юриб «Хушхабар» етказиш усулининг ўзига хос хусусиятлари. Бу усул миссионерларга одамлар билан куннинг долзарб масалалари ҳақида суҳбатлашиш, уларнинг дардларига қизиқиш билдириш ва ушбу муаммолардан чиқиш йўлларини кўрсатиб беришни таклиф қилиб, ўз ташкилотларига жалб қилишга асосланади. Бу миссионерликни амалга оширишда энг яхши самара берадиган ва катта маблағ талаб қилмайдиган

усуллардан бири ҳисобланади. Масалан, ушбу усулдан фаол фойдалаётган «Иегово шоҳидлари» оқими аъзолари, ўзларини гўёки, Исо Масих ўз хаворийларига буюрган йўлдан фойдаланаётганларини даъво қилиб, муайян ҳудудда «таянч нуқта»ни шакллантириш ва унга суянган ҳолда яқин қўшнилар орасида уйма-уй юриб адабиётларни тарқатиш, мактаб ўқувчилари ва ёшлар орасида тарғибот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор бермоқда. Бундай мақсадли фаолият натижасида иеговочилар сони йилдан йилга ортиб бормоқда ва бугунги кунда дунё бўйича қарйб 7 миллионни ташкил этмоқда.

Таълим-тарбия соҳасидаги миссионерликдан кўзланган мақсадлар. Таълим тизими босқичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик туфайли ғоя ва қарашларни сингдиришдаги тадрижийлик таъминланади. Шу билан бирга, таълим жараёнида амалга оширилган тарғибот натижаларини бевосита текшириб кўриш ва уни такомиллаштириб бориш имконияти ҳам мавжуд. Бу каби хусусиятлар миссионерларнинг таълим тизимига алоҳида эътибор билан қарашини келтириб чиқармоқда. Адвентистларнинг дунё бўйича 5000 дан ортиқ ўқув марказларига, пятидесятникликнинг энг йирик оқимларидан бири – «Худо ассамблеялари» черковлари бир неча коллеж ва Библия мактабларига эгаллик қилаётгани ҳам айнан шу билан изоҳланади.

Жумладан, Ўзбекистон истиқлолининг дастлабки йилларида миссионерлар турли волантёр ташкилотлар ниқоби остида мамлакатимиз таълим тизимига кириб олишга уринганлари кузатилган. Улар юртимиздаги мавжуд таълим муассасаларида турли тил, компьютер, спорт тўғараклари ташкил этиш ниқоби остида талаба ва ўқувчилар орасида ўз динларини тарғиб қилишга ҳаракат қилган.

Шунингдек, миссионерлик ташкилотлари ўз динларини тарғиб қилишда аудио, видео ва электрон маҳсулотлар, газета ва журналлар, теледастурлар, интернетда онлайн ўқув курслари ташкил этиш йўлларида ҳам фойдаланмоқда. Оммавийлик, даврийлик, ўқувчилар аудиториясининг кенглиги туфайли газета ва журналлар миссионерлар томонидан ўз қараш ва ғояларини сингдириш куроли сифатида қўлланилмоқда.

Диний секталар ва улар фаолиятининг оқибатлари. Мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда дунё бўйича 5000 га яқин диний секта фаолият кўрсатмоқда. Уларга хос хусусиятлар ҳақида гап кетар экан, айрим секталар муайян конфессия доирасида шаклланиб, асосий эътиборни собиқ эътиқоддошлари орасида тарғибот олиб боришга, баъзи секталар эса бошқа конфессияга мансуб инсонлар орасидан ҳам ўз тарафдорларини шакллантиришга ҳаракат қилишини таъкидлайди.

Айни пайтда, ҳеч бир конфессияга мансуб бўлмаган, муайян шахс – «устоз», «йўлбошчи» ёки «рахнамо» томонидан асос солинган ва аҳолининг дуч келган ижтимоий ва конфессионал қатлами билан иш олиб борадиган секталар ҳам мавжудлигини қайд этиш лозим.

Афсуски, юқоридаги каби кўринишларда чиқадиган секталар фаолияти натижасида бир қатор салбий, баъзи ҳолларда фожиавий ҳодисалар келиб чиқмоқда. Жумладан, ўтган асрнинг 70-йилларида АҚШнинг Сан-Франсиско шаҳрида Жим Жонс исмли шахс бир неча минг кишилик маҳаллий протестантларни ўз ичига олган «Халқ ибодатхонаси» номли жамоа тузишга эришади. Секта асосчисининг турли «қилиқ»лари шаҳар жамоатчилигига маълум бўлиб қолгач, Жонс «чиркинликларга тўла шаҳар»дан кетиб, Гаяна чангалзорларида «Худо Подшоҳлиги»ни қуриш лозимлигини эълон қилади.

**ДИНИЙ СЕКТАЛАР ЎЗ
МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ
УЧУН АМАЛ ҚИЛАДИГАН
ҚОИДАЛАР:**

*инсоннинг маънавий ва жисмоний камолатга эришишга
бўлган интилишидан фойдаланиш*

аҳолининг диний билимлари дастлигидан фойдаланиш

охиратнинг яқинлиги билан кўрқитиш

*асосан ёшлар ва моддий эҳтиёжманд кимсаларни ўз
таъсирларига олиш*

*яширин фаолият олиб бориш ва секта ичида бўлаётган
воқеаларнинг кўпчиликка маълум бўлиб қолмаслигини
қаттиқ назорат қилиш*

1978 йили «Худо Подшоҳлиги»даги ҳолатни ўргангани борган АҚШ Конгресси комиссияси секта издошлари «подшоҳликда» жуда оғир шароитларда яшаётгани, уларга қуллардек муносабатда бўлинаётгани, Жонс барча «банда»ларини ўзига ибодат қилишга мажбур қилганига гувоҳ бўлади. Кирдикорлари фош бўлиб қолганини билган секта раҳбари бир куннинг ўзида барча издошларини ўз жонларига қасд қилишга мажбур қилади. Оқибатда Жонсга ишонган 912 киши ҳалок бўлади.

Шунга ўхшаш ҳолат АҚШнинг Техас штатидаги Уейко шаҳрида Девид Кореш томонидан адвентислик замирида шакллантирилган «Довуд авлоди» номли секта тарафдорлари билан ҳам содир этилади. Ўзини «Халоскор» деб эълон қилган, жамоада ўзининг мутлақ ҳокимиятини ўрнатиб, барчага ўз мулкидек муносабатда бўлган секта раҳбари Уейко шаҳрида қурилган махсус ранчода издошлари билан роҳибона ҳаёт кечиради.

1993 йилда полиция томонидан уни қўлга олиш бўйича амалга оширилган тадбир давомида, қамалишни истамаган «пайғамбар» ўзи ва барча секта аъзолари жойлашган ранчони портлатиб юборади. Оқибатда 100га яқин киши, шу жумладан, 25 нафар бола ҳалок бўлади.

Бундай секталар қаторига 1992 йилда Хитойда Лю Хунчжи томонидан тузилган ва 2 миллиондан ортиқ тарафдори бўлган «Фалунгун» сектасини ҳам киритиш мумкин. Лю Хунчжи фақат ўзинигина заминни ҳалокатдан, кишиларни қийинчиликлардан қутқарувчи, жисмоний ва маънавий етукликка бошловчи, гуноҳлардан фориғ қилишга қодир, деб ҳисоблайди. Жаннат фақат унинг тарафдорларигагина насиб қилармиш. Охират билан кўрқитиш Марказий ўринни эгаллаган Лю Хунчжи таълимотига эргашиш 2000 дан ортиқ кишининг ҳалок бўлиши, юзлаб одамларнинг руҳий касалликка чалинишига сабаб бўлган.

Буддизм доирасида шаклланган «Айм Синрикё»нинг 1995 йилда Токио метросида тинч аҳолига нисбатан газ хужуми уюштириши оқибатида 12 киши ҳалок бўлгани, АҚШда пайдо бўлган «Осмон дарвозаси» сектаси аъзоларидан 60 дан ортиқ киши ўз жонига қасд қилгани, Угандада юзага келган «Худонинг ўнта буйруғини қайта тиклаш ҳаракати» сектаси қурбонлари сони 1000 дан зиёдни ташкил этгани ҳам бундай секталар фаолиятининг мудҳиш оқибатларидан далолат беради.

Ҳозир айрим расмий рўйхатдан ўтган ёки норасмий фаолият юритаётган ноисломий диний жамоаларнинг вакиллари томонидан ҳам миссионерлик фаолияти амалга оширилиши кузатилмоқда. Миссионерлар аксарият ҳолатларда ўз жамоасига жалб қилишда турли ўқиш курсларини очиб, ўз динига тарғиб қилиш, хорижга ўқишга ёки ишга жўнатиш, ёз фаслида болаларни дам олиш лагерларига жалб қилиш, хайрия ёрдам кўрсатиш, бепул

тиббий ёрдам бериш ва газета, журнал, китоблар тарқатиш каби усуллардан фойдаланмоқда. Уларнинг диний таълимотида Давлат рамзларини ҳумат қилиш, Конституцион бурчни бажарган ҳолда ҳарбий хизмат ўташ, жамоат ишларида қатнашиш ман этилган. Бундай ҳолат халқимиз учун ноанъанавий бўлган диний жамоа ва секта вакилларининг мақсади жамиятимиз аъзоларини фуқаролик фаоллигини сўндириш ва қарам қилиб олишга йўналтирилганидан яққол далолат беради. Шунингдек, айрим ноисломий диний жамоаларда ушбу жамоага аъзо бўлган шахс билан оила қуриши, жамоадан ташқаридан келаётган барча маълумотларни ёлғон ва зарарли деб билиш белгилаб қўйилган, баъзиларида оила қуриш умуман маъқулланмай, улар даромадларининг деярли барчасини ушбу жамоа раҳбариятига топшириши лозим. Ушбу фактлар мазкур диний жамоалардаги тартиб шахс, оила ва жамият учун нақадар зарарли эканини тасдиқлайди.

Умуман олганда, юқоридаги каби секталар, миссионерлик ташкилотлари фаолиятига чек қўйиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бир қатор мамлакатларда секталар ва миссионерлар фаолияти натижасида жабр кўрганларга моддий ва маънавий кўмак бериш мақсадида махсус марказларнинг тузилгани, афсуски, юқоридаги каби ҳолатларнинг кўпайиб бораётгани ва хатарли кўлам касб этиб, жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳитга ўта салбий таъсир кўрсатаётганини кузатамиз.

5. Миссионерликка қарши курашнинг ҳуқуқий-амалий асослари.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йиллариданоқ миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий оқибатларга олиб келишини ҳисобга олган ҳолда бу борада тегишли қонуний асослар ишлаб чиқилди. Қонунларда миссионерлик ҳаракатлари тақиқланди.

Маълумки, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) кишиларнинг виждон эркинлигини ҳуқуқий кафолатлаш билан бирга диний ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қиладиган ҳамда давлат ва дин муносабатларини тартибга соладиган муҳим ҳужжат ҳисобланади. Қонунга биноан «Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонуннинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар» (5-модда, 3-банд).

Мазкур моддадан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»га ноқонуний диний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш билан боғлиқ бир қатор моддалар киритилган. Жумладан:

- диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш;

- диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш;

- Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш;

- нолегал диний фаолият билан шуғулланиш;

- диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши;

- диндорлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш;

- бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти;

- махсус диний маълумоти бўлмайд туриб ва диний ташкилот бошқаруви Марказий органининг рухсатсиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этилганда белгиланган энг кам иш ҳақининг тегишли миқдоридаги жарима солинишига ёки белгиланган муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлиши ҳақидаги қоидалар мустаҳкамлаб қўйилганини таъкидлаш зарур.

Амалдаги қонунчилигимизга кўра, муайян ҳолларда биринчи марта қонунни бузган шахс ёки ташкилотга маъмурий жазо қўлланилади. Агарда ўша шахс ёки ташкилот шундан кейин ҳам қонунни бузишда давом этса, унга энди жиноят кодексидаги чоралар қўлланилади. Масалан, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси» нормаларига кўра, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»нинг юқорида қайд этилган бандларидаги ҳаракатлар маъмурий жазо қўллангандан кейин яна содир этилса, бу «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»да белгиланганидан кўра оғирроқ жазолар қўлланишига олиб келади.

Шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси»да «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси»да назарда тутилмаган бир қатор ҳаракатлар учун ҳам жазолар белгиланганини қайд этиш зарур. Жумладан:

- вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш;

- вояга етмаган болаларни уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш;
- диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш;
- диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш;
- ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш;
- ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки ташкилотлари фаолиятида фаол қатнашиш билан боғлиқ ҳаракатлар белгиланган энг кам иш ҳақининг тегишли миқдорида жарима солинишига ёки белгиланган муддатга ахлоқ тузатиш ишлари, ёки қамоқ ёҳуд озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда миссионерлик ва прозелитизмнинг олдини олиш, айниқса ёшларни бундай зарарли оқимлар домига тушиб қолишларининг олдини олиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширишни тақозо қилмоқда. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этишда ёш авлодни ҳозирги даврда мамлакатимизда дин соҳасида содир бўлаётган ўзгаришлар, яратилган имкониятлар билан мунтазам асосда таништириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, қизиқишлари, билим даражаларини инобатга олган ва дифференциал ёндашган ҳолда ёшларнинг дин, шу жумладан, халқимиз асрлар давомида эътиқод қилиб келган ислом дини ҳақидаги билимларни ва миллий-диний анъаналар асосларини соғлом асосда эгаллашларига кўмаклашиш ҳам бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бундай билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши ва ўз моҳиятига кўра, Ватан ва миллат манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак. Ёшларимизнинг миссионерликнинг моҳияти ҳақида холис ва етарли билимга эга бўлишлари унга қарши иммунитетни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Таҳлиллар ҳеч бир минтақа, ҳеч бир давлат бундай таҳдиддан холи эмаслигини кўрсатади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун эса миссионерликнинг моҳиятини тўғри ва чуқурроқ англаш, уни бартараф этиш йўлида мақсадли, тизимли ва тадрижий фаолият олиб бориш зарур бўлади. Эгалланган билимлар қанчалик холис ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келадиган баҳолар, кадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Шаклланган кадриятлар тизими эса турли таҳдидларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Мавзу бўйича саволлар

1. Миссионерлик ва прозелитизм сўзларининг мазмун-моҳияти нимада?
2. Миссионерлик ташкилотлари асосан қандай мақсадларни кўзлайди?
3. Замонавий секталар томонидан миссионерлик фаолиятини олиб боришда қандай услублардан фойдаланилмоқда?

Адабиётлар

1. Миссионерлик: кеча ва бугун. - Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. - 64 б.
2. Шермухаммедов К., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Тошкент: «Мовароуннаҳр» нашриёти, 2016. – 224 б.
3. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. - Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017. - 200 б. (А.Ачилдиев билан ҳаммуаллифликда).

7- мавзу: Диний экстремизм ва терроризм: мафкура ва амалиёт, қарши кураш стратегияси

Режа

1. Экстремизм, ақидапарастлик ва мутаассибликнинг мазмун-моҳияти.
2. Терроризм тушунчаси ва унинг асосий белгилари.
3. Ислом ниқобидаги экстремизмнинг ғоявий илдизлари.
4. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари.

Таянч тушунчалар:

Экстремизм, диний экстремизм, фундаментализм, мутаассиблик, ақидапарастлик, террор, терроризм, халқаро терроризм, фирқалар, хорижийлар, сохта салафийлар

1. Экстремизм, ақидапарастлик ва мутаассибликнинг мазмун-моҳияти. Диний экстремизм ва терроризм каби ҳодисаларнинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалса-да, улар ҳеч қачон ижтимоий барқарорлик ва тараққиёт учун бугунгидек таҳдид солмаган. Зеро, ҳозирда диний экстремизм ва терроризм глобал характерга ега бўлиб, дунёнинг барча мамлакатлари ҳамда минтақаларига бирдек хавф солмоқда. Шундай экан, унинг олдини олиш ва унга қарши курашиш инсониятнинг истиқболига дахлдор масалага айланди.

Экстремизм (лотинча – «ақл бовар қилмас даражада», «ҳаддан ошиш») жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид радикал қарашлар ва ҳаракатларни англатади. Уларга диний тус бериш эса, диний экстремизмга олиб келади.

Диний экстремизм – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиётни англатади.

Экстремистик қарашларни барча динларда, буддавийлик, христианлик, исломдаги турли оқимларда учратиш мумкин. Масалан, мутахассислар католик черковининг эркин фикр юритувчи, хукмрон феодал-католик черкови ақидаларини рад этувчи кишилар – папа ҳокимияти душманларини таъқиб қилиш учун XIII асрда тузилган ва минглаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган инквизиция фаолиятини ҳам экстремизмнинг ўзига хос кўриниши сифатида баҳолайдилар. Аммо ҳозирда ислом дини ниқоби остидаги диний-сиёсий ҳаракатлар аъзолари томонидан турли жиноятлар содир этилаётгани жамият хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда.

Фундаментализм – (лотинча – «асос») тушунчасининг маъноси муайян ижтимоий ҳодисанинг дастлабки кўринишини англатади.

Диний фундаментализм – «маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин», деган фикрни илгари суриш таълимотини англатади. Истилоҳда ақиданинг ўзгармаслигини ҳимоя қиладиган, муайян диний эътиқод шаклланишининг бошланғич даврида белгиланган барча йўл-уўриқларни қатъий ва оғишмай бажарилишини талаб қиладиган диний оқимларни ифодалашда қўлланилади.

«Фундаментализм» атамаси аслида христиан дини билан боғлиқдир. Фундаментализм ибораси биринчи бор I Жаҳон уруши арафасида вужудга келган протестантликдаги ортодоксал оқимларни ифодалаш учун ишлатилган. Бу оқим 1910 йилдан кейин шу ном билан атала бошлаган. Фундаменталистлар христианликнинг анъанавий ақидаларига, айниқса Библиянинг мутлақо мукамаллигига ишонишни мустаҳкамлаш, уни сўзма-сўз шарҳлашга қатъий риоя қилишни талаб қилдилар. Бу оқим кейинчалик Америкада кенг тарқалиб кетди. 1919 йили Филадельфияда Жаҳон христиан фундаменталистлари ассоциациясига асос солинди.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, бу сўз исломга нисбатан қўлланила бошлади. Бунда «фундаментализм» атамаси – Қуръон ва ҳадисларни сўзма-сўз талқин этувчи, илк исломга қайтишга қаратилган ақидаларни тарғиб қилувчи диний-консерватив руҳдаги йўналишга нисбатан ишлатилди. Бунинг натижасида жаҳон матбуотларида ислом ниқобидаги мутаассиб жангариларни «фундаменталистлар» деб аташ ҳам одат тусига кирди.

Шундай экан, экстремизм ёки фундаментализмни фақат муайян дин билан боғлаш мутлақо асоссиз. Хусусан, ислом дини, у билан боғлиқ турмуш тарзи ва қадриятлар мажмуи ҳеч қачон экстремистик тузилмаларнинг гўё дин ва мусулмон жамоаси равнақи йўлида амалга ошираётган террорчилик хуружларининг асосий сабаби сифатида қаралиши мумкин эмас.

Ислом шиорларидан танлаб фойдаланадиган, диннинг асл моҳиятини бузиб талқин қиладиган экстремистик тузилмалар худди юқоридаги каби гўёки, кенг халқ оммаси билан узвий бирлик мавжудлигини кўрсатиш, аслида эса жамиятда тартибсизлик ва парокандаликни юзага келтириш учун маблағ уйғиш, асосий таҳдид манбаи сифатида одамлар онгини эгаллаш, жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш орқали ҳокимиятга эришишдек эҳтиёжларини қондириш мақсадини кўзлайди.

Ҳозирги даврда кўплаб экстремистик уюшмалар ва мутаассиб ҳаракатлар турли динлар, шу жумладан, ислом, христианлик, яҳудийлик динлари таълимотларидан фойдаланмоқдалар.

Ақидапарастлик (араб. – «ақида» – «ишонч», «бирор нарсани иккинчисига боғлаш») муайян шароитда, бирон-бир ғояга қатъий ишониб, уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллаш ёки шунга уринишни англатади. У муайян қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий кенгайтиришга уринишда ёрқин намоён бўлади.

Мутаассиблик (араб. – «ғулув кетиш», «чуқур кетиш») ўз фикр-мулоҳаза ва дунёқараши тўғрилигига ўта қаттиқ ишониб, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлишни англатади. Мутаассиблик барча даврларда турли дин ва йўналишлар орасида кескин низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабаб бўлган.

Айни пайтда, дунёвий ва диний билимларнинг саёзлиги, соф диний тушунчаларнинг асл мазмунини билмаслик ҳам диний мутаассиблик ғояларнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Бу жараённинг энг хатарли жиҳати динни сиёсийлаштириш воситасида ҳокимиятга интилиш, диндан одамлар орасига нифоқ солиш, қўпоровчилик ишларини амалга ошириш ва ғаразли манфаатларни рўёбга чиқаришда фойдаланишга уринишларда намоён бўлмоқда.

Демак, диний экстремизм келиб чиқишининг биринчи ва асосийси сабаби бу – мутаассиб фикр ва қарашларнинг пайдо бўлишидир. Мутаассиблик диний экстремизм ва терроризмга замин тайёрлайди. Шу ўрин қайд этиш жоизки, кўп манбаларда «ақидапарастлик» сўзи ҳозирги воқеликдан келиб чиқиб «мутаассиблик» сўзи билан алмаштирилган ҳолда ифода этилмоқда.

2. Терроризм тушунчаси ва унинг асосий белгилари. Терроризм (лотинча – «кўрқитиш», «вахимага солиш») – аҳолининг кенг қатламларида ваҳима ва кўрқув уйғотиш, жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадига қаратилган жиноий фаолиятдир.

Террор – оммавий ва сиёсий мақсадларга эришиш учун зўравонликдан ҳамда зўравонлик қилиш билан таҳдид солишдан мунтазам фойдаланишдир. Шундай қилиб, «террор» душманни жисмоний зўравонлик йўли билан кўрқитиш, ҳатто уни жисмонан йўқ қилишни англатади. «Терроризм» эса террор амалиётидир. Бу икки тушунчани шу тарзда чегаралаш мақбул бўлса, у ҳолда террордан келиб чиққан терроризм асло янги ҳодиса бўлмай, бугунги кунгача асрлар қўйнидан етиб келган, деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида «терроризм»га қўйидагича таъриф берилган: «Терроризм – халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини кўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ва юридик шахсни бирон бир фаолиятини амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди, шунингдек, террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштирилишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига қўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият».

Юқорида келтирилган таърифларда терроризмнинг ниҳоятда муҳим бир хусусияти – унинг муайян сиёсий мақсад ёки амалию натижаларига эмас, балки у ёки бу хуруж натижасида одамлар орасида, ижтимоий фикрда юзага келадиган хавотирли акс-садо, шов-шувга эришишга қаратилгани таъкидланган. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, терроризмнинг можароларни келтириб чиқарувчи ҳодиса сифатидаги салоҳияти, бутун-бутун минтақалар йўналиши турлича бўлган террорчи ташкилотлар ва гуруҳлар фаолият кўрсатган жойларга айланиб қолди. Бунинг натижасида, террорчилик ҳаракатининг кўламигина эмас, балки методлари ҳам ўзгарди. Унинг энг даҳшатли кўринишларидан бири – ўзини аввалдан ўлимга тайёрлаган террорчи-камикадзелар томонидан амалга оширилаётган ҳаракатларни келтириш мумкин.

Муслмон мамлакатларида террорчи уюшмалар оммавий бўла олмагани учун аҳолининг кенг қатламлари номидан ҳаракат қилиш таассуротини уйғотиш мақсадида диний шиорлардан ниқоб сифатида фойдаланадилар.

Демак, террор, террорчилик фаолияти, террорчи биргаликда бир бутун ҳодиса сифатида терроризмни ташкил этади. Ҳозирги даврда у глобал миқёс касб этиб, халқаро терроризм шаклини олди.

«Халқаро терроризм» тушунчаси давлатлар, халқаро ташкилотлар, сиёсий партия ва ҳаракатларни беқарорлаштиришга қаратилган сиёсий кўпоровчилик фаолиятини ифодалайди. У оғир жиноятлардан бўлиб, узок давом этган жараёнларнинг ҳосиласи ҳисобланади.

Халқаро терроризм феномени, айниқса, XX аср бошларида авж ола бошлади, яъни халқаро терроризмга қарши курашда давлатлараро ҳамкорликни йўлга қўйилиши ўтган асрнинг 30-йилларидан бошланган. Масалан, 1934 йилда Мадридда бўлиб ўтган жиноятчиликка оид қонунларни унификациялаштириш муаммоларига бағишланган конференцияда терроризмнинг «Аҳолини даҳшатга солиш ва ҳар қандай ижтимоий ташкиллашувни йўқ қилиш мақсадида бирор бир воситани қўллаш» деган маънодаги таърифи қабул қилинишига эришилган. 1937 йилда 20дан ортиқ давлат терроризмнинг олдини олиш ва бундай ҳаракатлар учун жазолаш ҳақидаги Конвенсияни имзолади.

Бугунги кунда террорчилик услублари анча кенгайганини таъкидлаш зарур. 1970-йилларда бирор шахс ёки сиёсий арбобга қарши уюштирилган террор амалиёти кўпроқ учраган бўлса, ҳозирда жамоат жойларида, самолёт, автобус ва поездларда портлашларни содир этиш орқали кўплаб тасодифий кишиларнинг қурбон бўлишига олиб келадиган кўпоровчиликни амалга оширишга эътибор берилмоқда. Экспертларнинг фикрича, бундай ҳаракатлар биринчи навбатда нобуд бўлганлардан кўра, унинг гувоҳларига қаратилган.

Халқаро террорчилик ҳаракатларининг асосий белгилари:

- халқаро ҳуқуқ ҳимоясидаги объект ёки субъектларга қарши қаратилгани;
- давлатлар чегараларини бузиш орқали амалга оширилиши;
- аъзолари икки ёки ундан ортиқ давлат фуқаролари, шу жумладан, ёлланма шахслар бўлган экстремистик гуруҳлар томонидан содир этилиши;
- экстремистик гуруҳлар таркибида кўпоровчилик ҳаракатлари бўйича хорижлик йўриқчиларнинг қатнашиши;
- экстремистик гуруҳ аъзоларининг бошқа давлатлар ҳудудида ташкил этилган махсус лагерларда тайёргарлик кўриши;
- тайёргарлик кўриш ва кўпоровчиликни содир этишда хорижий давлатлар ва экстремистик уюшмалар ёрдамидан, халқаро тус олган

ноқонуний қурол-яроғ савдоси ва наркобизнесдан келадиган молиявий манбалардан фойдаланилиши.

Муайян мамлакат ҳудудида содир этилган террорчилик хуружида қайд этилган у ёки бу белгиларнинг бўлиши, унга халқаро мақом берилиши ва шундан келиб чиқиб, унга мос чоралар кўрилишига олиб келади.

3. Ислом ниқобидаги экстремизмнинг ғоявий илдизлари. Ислом ниқоби остида пайдо бўлган экстремистик ҳаракатлар тарихига эътибор берадиган бўлсак, уларнинг илдизлари узоқ ўтмишга, ҳатто ислом тарихининг биринчи асрига бориб тақалишини кўриш мумкин. Унинг илк вакилларида бири сифатида 657 йили халифа Али (р.а.) аскарларидан ажралиб чиққан, ўзларини ҳақиқий мусулмон, сафларига қўшилмаганларни «диндан қайтган» деб эълон қилиб, уларга қарши мурасасиз кураш олиб борган «хорижийлар» (арабча–ажралиб чиққанлар, исёнчилар) диний-сиёсий оқими фаолияти фикримизнинг исботи бўла олади.

Хорижийлик йўналиши ва таълимоти. Халифа Усмон ибн Аффон (р.а.) (644-656) даврига келиб ислом жамоаси ичида фитналар пайдо бўлди. Усмон (р.а.)га уюштирилган суиқасд (656 у.) ҳам ана шу сиёсий курашларнинг натижаси эди. Халифа ўлдирилгач, унинг ўрнига Али ибн Абу Толиб (р.а.) (656-661) сайланди.

657 йил (37 ҳижрий)да Шомнинг (Сурия) шимоли-шарқида жойлашган Сиффин мавзесида халифа Али (р.а.) кўшини билан у ернинг ҳоқими Муовия (р.а.) кўшини ўртасида «Жамал воқеаси»дан бир ой ўтиб, тўқнашув содир бўлган. Ушбу тўқнашув 656 йил учинчи халифа Усмоннинг (р.а.) ўлдирилиши муносабати билан Али (р.а.) ва Муовия (р.а.) тарафдорлари ўртасидаги кескин қарама-қаршилиқлар сабаб бўлди. Марҳум халифанинг яқин қариндоши бўлган Муовия (р.а.) халифалик тахтини эгаллаган Али (р.а.)дан айбдор жиноятчиларни жазолашни талаб қилиб, шундан сўнггина Али (р.а.)га байъат қилишни маълум қилди. Жанг тўққиз кун давом этди. Али (р.а.)нинг қўли баланд келиб турганда, Муовия (р.а.) тарафдорлари ҳийла ишлатдилар. Улар Амр ибн Осс (р.а.) кўрсатмаси билан катта найзалар учига янги кўчирилган Мушаф варақларини илиб, Қуръон билан ҳукм чиқаришни талаб қилдилар. Муовия (р.а.)нинг жанжални сулҳ орқали ҳал қилиш ҳақидаги таклифини Али (р.а.) қабул қилгач, жанг тўхтатилди. Али ва Муовия (р.а.)лар ўртасида ҳижрий 37 йил сафар ойининг 15 куни (мил. 657 йил 8 сентябр)да сулҳ тузилди. Мазкур «Сиффин» жанги мусулмонлар учун жуда катта йўқотиш бўлди. Унда ҳаммаси бўлиб тўқсон минг мусулмон ҳалок бўлди. Айнан «Жамал» ва «Сиффин» жанглари мусулмонлар ўртасида дастлабки бўлинишлар ва турли фирқалар келиб чиқишига сабаб бўлди. Аҳли сунна ва-л-жамоа эътиқодига кўра, саҳобийлар орасида юз берган бу вазиятларда улар айбланмай, уларнинг бари

ҳақни излаган мужтаҳидлар ҳисобланадилар. Умумий қоидага асосланиб, улардан қайси бирлари тўғри ижтиҳод қилган бўлсалар, икки ажр, хато ижтиҳод қилган тарафга эса бир ажр берилади.

Халифа Али (р.а.) билан Муовия (р.а.) ўртасидаги тузилган битимдан Куфа яқинида турган 12 минг кишидан иборат қўшиннинг бир қисми норози бўлди. Улар «ҳукм чиқариш фақат Аллоҳнинг изнидадир», деган шиор билан қўшинни тарк этиб, Куфа яқинидаги Ҳарура қишлоғига кетдилар. Бу фирқанинг Куфадаги «хупуж» (бўйсунмаслик) воқеаси уларнинг «хавориж» (қарши чиқувчилар) номини олишларига сабаб бўлди. Бу воқеа Ҳарура қишлоғида юз берганлиги боис аввалига уларни «ҳарурийлар» деб ҳам атаганлар. Улар ўзларини «Шурот» (Жонларини Аллоҳ йўлида тиккан кишилар) деб номлаганлар. Яна уларнинг «Муҳаккима» («ҳукм Аллоҳнинг изнида» дегувчилар) деган номлари ҳам бўлган.

Хорижийлар ўзларига Абдуллоҳ ибн Ваҳб ар-Росибийни амир етиб сайлаб, Али (р.а.) ва Муовия (р.а.)ни йўқ қилиш пайига тушдилар. Халифа Али (р.а.)ни 661 йилда хорижий Абдуррахмон ибн Мулжам ўлдиргач, хорижийлар икки фирқага бўлиниб, бири Ироқда қолди, иккинчиси Арабистон ярим оролига кетди. Умавийлар даврида хорижийларга қарши кескин кураш олиб борилди. Чунки улар Умавийлар давлатига катта хавф солардилар. Бу даврда хорижийлар кучайиб, Кирмон, Форс, Ямома, Ҳадрамавт, Тоиф ва Яман каби шаҳар ва ўлкаларни эгалладилар.

Ҳокимият Умавийлардан Аббосийлар сулоласи (749-1258) қўлига ўтганидан кейин ҳам бу тоифа бир муддат ўз кучини йўқотмади. Бирок Аббосийлар узоқ вақт уларга қарши узлуксиз олиб борган курашларидан сўнггина хорижийлар инқирозга юз тутди.

Демак, исломда дастлаб пайдо бўлган фирқа «хорижийлар»дир. «Хорижийлар» ўз талқинларидаги «соф» ислом қоидаларига қатъий риоя қилиш тарафдори эди. Айнан улар ўз қарашлари ва фаолиятига қўшилмаганларни имонсизга чиқариш, уларга қарши «жиҳод» олиб бориш ҳақидаги ғояларни ишлаб чиқиб, террор услубини қўллаш орқали ҳукмдорларни жисмонан йўқ қилиш амалиётини бошлаб берган эди. Бундай ғоялар келиб чиқишига кўра ҳокимият учун курашнинг зўравонликка асосланган усулларидан бўлиб, минглаб кишиларнинг ҳалок бўлишига олиб келган. Ўз даврида улар билан баҳс мунозара қилиш, уларнинг фикрларига раддия бериш, тўғри йўл кўрсатиш мақсадида Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) уларнинг ҳузурига жўнатилган эди. Абдуллоҳ ибн Аббос асосан уларнинг «Аллоҳнинг ҳукми» борасидаги хато қарашларига раддия берган. Натижада жами олти минглик хорижийлардан икки минг нафари залолат ақидаларидан қайтарилган.

VII асрнинг иккинчи ярмида хорижийлар орасида раҳбарларининг исми билан аталадиган бир неча фирқалар пайдо бўлди. Ана шундай мутаассиб фирқалар орасида энг муросасиз ва шафқатсиз жамоа номини олган Нофий ибн Азрақ (в.685у.) бошчилигидаги «Азрақийлар» оқими алоҳида ўрин эгаллауди. Азрақийлар гуноҳи кабира (катта гуноҳ) қилган барча мусулмонларни «кофир» деб, уларнинг таълимотига қўшилмаган кишиларга қарши жиҳод эълон қилиш, ҳаттоки, қария, аёл ва болаларнинг қонини тўкишни ҳалол, деб билганлар.

IX аср охирида Жанубий Ироқда юзага келган қарматийлар намоз, рўза, закот, ҳаж каби амаллар фарз қилинмагани, Куръон оятларида масжид қуриш ёки у ерда йиғилиш ҳақида ҳукмлар йўқ, деган даъво билан масжидларга боришни ман қилиш даражасигача борган эди. Ҳаракат ўз номини унинг асосчиси Ҳамдон ибн ал-Ашъаснинг лақаби Қармат сўзидан олган бўлиб, унинг маъноси манбаларда турлича «калта оёқ» ёки «қизил кўз» каби маъноларда ифодаланган. Исломдаги мавжуд қоида ва тартибларнинг моҳиятини бузиб талқин қилиш оқибатида улар ҳаттоки, ҳажга келувчилар Каъбага сиғиниб, Аллоҳга ширк келтиришмоқда, деган даъволар остида 930 йилда Маккага ҳужум қилиб, уни талон-тарож қилиб, ҳожиларнинг бир қисмини қул қилишган, бир қисмини эса ўлдиришган. Каъбани вайрон қилиб, қора тошни иккига бўлиб, Баҳраинга олиб кетишган, фақат 20 йилдан кейин катта тўлов эвазига у Маккага қайтариб берилган. Қарматийлар ислом тарихида ўчмас доғ қолдирган жиноятларни содир этган.

XI аср охирида Эронда юзага келиб, махфий равишда иш кўрган «ҳашшошийлар» (арабча – ҳашиш (наша) чекувчилар, гиёҳвандлар) террорчилик оқими эса ҳокимиятни эгаллаш мақсадида уларга хайрихоҳ бўлмаган ҳукмдорларга суиқасд уюштириш амалиётини олдинга сурган эди. Узоқ вақт ҳашшошийлар кўплаб ҳукмдорларга таҳдид солиб турган, ҳаттоки, айрим Европа мамлакатлари раҳбарлари ўз хавфсизликларини таъминлаш учун уларга тўлов тўлашга мажбур бўлган. Шу билан бирга, «ҳашшошийлар» замонавий террорчилар томонидан ҳам кенг қўлланилаётган, оддий кишилар ва ёшларга гиёҳванд моддаларни истеъмол қилдириб, ўлса шубҳасиз жаннатга тушишига ишонтирган.

Диний мутаассибликка асосланган ихтилофлар оқибатида чексиз низолар, келишмовчиликлар, ҳатто қонли урушлар келиб чиқиб, катта талофатларга ва жамиятнинг инқироз томон юз тутишига сабаб бўлган. Бузғунчилик ва зўравонликка асосланган, эътиқодий бирликка таҳдид солган бундай оқимлар фаолияти ўз даври уламолари томонидан қаттиқ қораланиб, султонлар томонидан таъқиб қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

4. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Дин никобидаги экстремизм ва у билан боғлиқ терроризм дунёнинг 15 дан ортиқ мамлакатларига алоҳида таҳдид солмоқда. Ер куррасининг турли қитъаларида жойлашган бундай мамлакатларни шартли тарзда бир неча гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга мансуб Шимолий Африкада жойлашган айрим араб мамлакатлари, жумладан, энг катта араб давлати бўлган Миср Араб Республикаси учун диний экстремизм билан боғлиқ террорчилик ҳаракатлари ҳақиқий муаммога айланди. 1970-1980 йилларда бундай жараён Тунисни ҳам камраб олди. Мазкур минтақада жойлашган яна бир араб давлати – Жазоирдаги диний-экстремистик ташкилотларнинг кўпуровчилик фаолияти туфайли ўн минглаб бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлган бўлса, радикал оқимлар Суданда ички ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг мутлақо издан чиқишига, Дарфур минтақасининг дунёнинг энг фожиали нуқталаридан бирига айланишига сабаб бўлди.

Иккинчи гуруҳга Осиё қитъасида жойлашган яна бир неча араб давлатларини киритиш мумкин. Турли-туман сиёсий, иқтисодий ва диний-мафкуравий сабабларга кўра, Фаластин ҳудудлари, Сурия, Ироқ Республикаси диний экстремизм билан боғлиқ террорчилик ҳаракатларидан катта талафот кўрмоқда. Айниқса, Сурия давлатининг иқтисодиётига 5 йиллик уруш 255 миллиард АҚШ доллари миқдоридан зарар келтирди. Мамлакатнинг ўнлаб шаҳарларидаги 2 миллиондан зиёд бино ва иншоотлар пойдеворигача йўқ қилинган, нефт-газ қазиб чиқарувчи қувватларнинг кўп қисми «ИШИД» жангарилари қўлида қолмоқда. Шу сабабли, 85% сурияликлар қашшоқ ҳолатга тушиб қолган. БМТ маълумотларига кўра, Сурияни тиклаш учун йилига 100 миллиард АҚШ доллари лозим бўлади. Шундан кейингина 9 йил ичида давлат 2010 йилги даражага чиқиши мумкин. Суриянинг собиқ Бош вазири ва ҳозирда БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий Комиссияси ижройи котибининг ўринбосари бўлган Абдуллоҳ ал-Дардорий айтишича, 2010 йили Суриянинг ялпи ички маҳсулоти 62 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган. Аммо, фуқаролар урушидан сўнг ялпи ички маҳсулоти 27 миллиард АҚШ долларига тушиб кетган. Фақатгина ишлаб чиқариш майдонларининг ўзи 90% вайрон қилинган. Турар-жой биноларининг ярми эса бузиб ташланган.

Диний-экстремистик фаолиятнинг учинчи ўчоғи Жануби-Шарқий Осиё минтақасида жойлашган дейиш мумкин. Ушбу хатарнинг оловли нафаси, айниқса, Покистон, Индонезия, Малайзия ҳамда Ҳиндистон ва Филиппиннинг айрим ҳудудларида ўзининг ҳалокатли оқибатларини намоён этмоқда. Бошқача айтганда, қадим-қадимлардан буддавийлик, ҳиндуийлик, ислом ва

бошқа динларга эътиқод қилувчилар тинч-тотув яшаб келган улкан ҳудудда ҳам экстремизмнинг қўпуровчилик салоҳияти ўзини кўрсатмоқда.

Ислом мафкура сифатида мусулмонларни бирлаштирувчи кучли омил бўлиб келган. Асрлар давомида турли ижтимоий табақалар ва миллатларни қамраб олиши натижасида, бугунги кунда ислом ўз ривожланишида катта қийинчиликларга дуч келмоқда. Ислом дини доирасида юзага келган турли қарама-қаршиликлар оқибатида жангари миллатчилик ва диний экстремизмга асосланган сиёсий кучлар ва иттифоқлар пайдо бўлмоқда.

Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш олиб боришда комплекс ва тизимли, шу жумладан, ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий чора-тадбирларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Албатта, бундай чора-тадбирларни қўллаш катта вақт, тегишли режа ва йирик маблағлар талаб қилади.

Диний экстремизмга қарши курашда халқаро бирдамлик ва келишувлар ҳам катта аҳамиятга эга. Хусусан, ўз ҳудудида диний экстремистлар ва террорчилар фаолиятига йўл очиб бермаслик, уларга ёрдам кўрсатмаслик ва сиёсий бошпана бермаслик ҳаётий-амалий аҳамиятга эга.

Араб – мусулмон давлатлари ичида Миср Араб Республикаси биринчи бўлиб терроризм муаммосига 1940-йилларда, «Мусулмон биродарлар»нинг ўз фаолиятида ишонтириш усулларида радикал террорчиликка – давлат, полиция ва армиянинг кўзга кўринган арбобларини жисмонан йўқ қилиш йўлига ўтиши натижасида дуч келди. Ушбу давлатнинг диний мутаассибликка қарши курашдаги бир неча ўн йиллик тажрибаси радикал диний гуруҳларга хайрихоҳлик билан қараш, уларни пинҳона рағбатлантириш экстремистик ҳаракатларнинг янада фаоллашувига, янгиларининг пайдо бўлишига имкон яратишини кўрсатади.

Мусулмон мамлакатларининг диний экстремизмга қарши кураш стратегияси умуман олганда, ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятлари ва устувор йўналишларидан қатъи назар, билвосита ва бевосита қаршилик кўрсатиш усулларини ўз ичига олади.

Билвосита чораларга расмий диний ташкилотлар билан ҳамкорлик, зўравонликка қарши курашда диний арбоб ва муассасаларнинг аҳамиятини ошириш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий чора-тадбирларни амалга оширишга ёрдам берадиган дастурларни киритиш мумкин.

Бевосита қаршилик кўрсатиш ўз ичига ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан кўриладиган чораларни, аксилтеррорчилик қонунларини қабул қилиш, улардан кенг фойдаланиш каби тадбирларни олади. Шу ўринда, масалан, Миср қонунчилиги диний асосда партиялар ташкил этишни тақиқлашини таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, давлат ноқонуний

равишда қурол сақлаганлар, зўравонликни тарғиб этувчилар, радикал гуруҳларни молиявий қўллаб-қувватловчиларга нисбатан қаттиқ маъмурий-жиноий чораларни қўллашнинг ҳам қайд этиш лозим.

1990-йилларда зўрлик ва террор ҳаракатларининг кучайиши эса Миср ҳукуматини «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонун қаби, бир қатор янги ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга мажбур қилди. Бундай махсус Қонуннинг қабул қилиниши хавфсизлик идораларига кўпроқ эркинлик бериш ва улар олиб бораётган фаолиятнинг самарадорлигини таъминлаш билан боғлиқ эди.

Мусулмон мамлакатлари диний экстремизм ва зўравонлик муаммоларини илмий ва кенг қамровда ечиш бўйича амалий ишларни ташкил этмоқда. Жумладан, илмий-текшириш институтлари ва стратегик марказларда бу муаммонинг илмий-тизимли таҳлилига катта эътибор берилмоқда. Бу жараёнда ҳар бир мамлакатда муайян ўзига хосликлар кузатилиши, табиий, албатта. Масалан, Индонезияда экстремизмга қарши олиб борилаётган курашда экстремистларнинг йирик вакиллари, жумладан, қамоқда бўлган Абу Бакар Башир томонидан ташкил этилган «ислом мактаблари»ни ёпиш чоралари кўрилаётгани бунга мисол бўла олади. Шунингдек, 2002 йилда Бали оролида содир этилган ва 200 дан ортиқ кишининг умрини хазон қилган портлашларнинг ташкилотчиларидан бири Имом Самудра томонидан ёзилган ва жангарилик ғояларига бой бўлган китобларни босиш ва тарқатиш ман этилганини ҳам қайд этиш зарур.

Бундай ҳаракатлар ҳозирда ҳукумат ва уламоларнинг диний экстремизмга қарши биргаликда олиб бораётган ишларининг бир қисми сифатида қаралмоқда. Умуман олганда, Индонезияда «Полиция иштирокида кучга ва мусулмон уламоларининг фаол иштирокида мафкурага таяниб иш олиб бориш – экстремизмга қарши курашнинг икки фронти» сифатида эълон қилинганини таъкидлаш лозим. Радикал қарашларга қарши кураш бўйича етакчи мусулмон уламолари иштирокида гуруҳ шакллантирилгани ҳам бу йўлда амалий ишларга ўтилганининг исботи бўла олади.

Диний экстремизм ва терроризм муаммоси билан дуч келаётган мусулмон мамлакатлари ушбу масалани турли халқаро форумларда кўтариш билан дунё жамоатчилиги диққатини уни ҳал этишга қаратиб келмоқда. Шунингдек, радикал қауфиятдаги мутаассиблар яшаётган давлатлар билан хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик қилиш ва жиноятчиларни алмашиш бўйича икки томонлама келишувларни имзолашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, араб давлатлари ўртасида хавфсизлик соҳасидаги сиёсатни тартибга солиш ва терроризм муаммосини араб давлатлари Ички ишлар

вазирлари мажлисларининг долзарб мавзусига айлантириш йўлидаги ҳаракатлар ҳам шу йўналишдаги ишларнинг узвий қисми ҳисобланади.

Динни қурол қилиб олган бундай экстремистик ҳаракатлар бугун умуман кишилик жамияти ҳаётига жиддий таҳдид солмоқда. Замонавий экстремизм ва терроризмга қарши кураш давлатларнинг доимий эътиборини, унинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган кўп қиррали сиёсатни амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик ва собитликни талаб этади. Шаклланиб, кенг тармоқ отган терроризмга қарши курашмаган давлатлар заифлашиб, ўз халқи ва мамлакати осойишталиги ва барқарор ривожланишини хавф остида қолдиради.

Мавзу бўйича саволлар

1. Экстремизм, ақидапарастлик ва мутаассиблик тушунчаларининг мазмуни нима?
2. Терроризмнинг моҳияти ва унинг халқаро миқёс касб этишининг сабаблари нимада?
3. Диний мутаассибликнинг илк пайдо бўлиши қайси даврга бориб тақалади?
4. Мусулмон дунёсининг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш тажрибасининг аҳамиятли жиҳатларини келтиринг.

Адабиётлар

1. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / А.Ҳасанов, О.Юсупов, К.Шермухамедов, У.Ғафуров, Ж.Каримов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013. – 160 б.
2. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 536 б.
3. Илмдан бошқа нажот йўқ / А.Абдуллаев, Н.Ҳакимова, Ш.Жўраев, Ж.Каримов. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – 156 б.
4. Шермухаммедов К., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Тошкент: «Мовароуннаҳр» нашриёти, 2016. – 224 б.

8- мавзу: Янги диний ҳаракатлар ва секталар

Режа:

1. Дунёнинг конфессионал манзараси
2. Христианлик доирасида юзага келган ноанъанавий оқимлар
3. Ислом дини доирасида юзадаги диний ҳаракат ва оқимлар
4. Ҳиндуийлик замирида юзага келган оқимлар.

Таянч тушунчалар:

Дин, Конфессия, Секта, Диний ташкилот, Миссионерлик, Харизматика, Христианлик, Ислом, Буддавийлик, Ҳиндуийлик, Хитой динлари, Ўзбекистондаги диний конфессиялар, Диний ташкилот, Мормонлар, Кришнани англаш жамияти, Иегово шоҳидлари, Баҳоийлик, Бобийлик, Ноанъанавий дини оқим, Аҳмадия

1. Дунёнинг конфессионал манзараси. "Конфессия" сўзи (лотинча – "сонфессиио") ўзбек тилига айнан таржима қилинганда "эътиқод қилиш", деган маънони англатади. Умуман олганда, диний конфессия деганда муайян диний таълимот доирасида шаклланган ва ўзига хос хусусиятларга эга эътиқод ва ушбу эътиқодга эргашувчилар жамоаси тушунилади. Бир дин доирасида юзага келган бўлса-да, ақидалар борасида фарқланадиган жамоалар ҳам диний конфессиялар жумласига киради.

Шуни инобатга олган ҳолда, мутахассислар ҳозирги кунда дунёда тахминан 1000 дан ортиқ диний конфессиялар мавжуд, деб ҳисоблайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ислом динида бундай ҳолат кузатилмайди. Ҳеч қайси мамлакатда ҳанафий мазҳаби алоҳида, бошқа мазҳаблар алоҳида конфессия сифатида рўйхатдан ўтмайди. Масалан, Ўзбекистонда ҳам бир неча шиа жамоалари бўлишига қарамай, улар ўзларини алоҳида диний конфессия ҳисобламайдилар.

Дин жамият ҳаётининг таркибий қисми сифатида кишиларнинг ижтимоийлашувига, уларнинг турмуш тарзини ташкил этиш ва тартибга солишга хизмат қилувчи меъёрий омиллардан бири бўлиб келган. Диннинг бундай роли унинг тарихан шаклланган ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Чунки, дин, биринчидан, умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олиб, уларни ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган; иккинчидан, одамларнинг баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган; учинчидан, одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган ҳамда ҳаёт синовлари, муаммо ва қиуинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган; тўртинчидан, умуминсоний ва маънавий кадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишга ёрдам берган ва шу йўл билан маданият ривожига катта таъсир кўрсатган.

Бугунги кунда динга бўлган қизиқишнинг кучайиб бориши глобаллашув жараёнларининг ўзига хос инъикоси дейиш мумкин. Зеро, глобаллашув дунёни бир бутун ва яхлит қила бориши билан бир қаторда, унинг ҳосиласи сифатида алоҳида олинган миллат ва жамиятлар даражасида ўз-ўзини англашга бўлган интилишнинг чуқурлашувига ҳам замин яратмоқда. Бу жараёнлар ўз навбатида инсон маънавиятининг узвий қисми бўлган диннинг моҳиятини тушуниш, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини англашга бўлган эътиборнинг кучайишини келтириб чиқармоқда. Шу билан бирга, динга бўлган қизиқишнинг кучайиши бугунги кунда кишилик жамияти олдида турган муаммолар, инсоннинг уларни ҳал қилиш йўллари ҳақидаги ўй-изланишлари, дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлигини таъминлаган ҳолда бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топишга интилиши билан боғлиқ эканини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Мутахассислар маълумотларига кўра, XX асрнинг иккинчи ярмида христианлик, буддавийлик, ислом ва бошқа динлар доирасида юзлаб секталар пайдо бўлган. Бу шундай жараёнлар келажақда давом этиши мумкинлигини тахмин қилиш имконини беради.

Янги диний ҳаракатлар деганда одатда XX асрнинг 70 йилларида Европа ва АҚШда тарқалган ноанъанавий диний гуруҳлар ва оқимлар назарда тутилади. Тадқиқотчилар бунга анъанавий динлардаги инқироз даври сабаб бўлганлигини таъкидлайдилар. ЯДХ лидерлари жамият кайфиятидаги ўзгаришларни, бу “ўткинчи дунё”нинг нуқсонларини фош қилиб, ўзларини “халоскор”, юксак ахлоқли “ҳақиқатгўй” сифатида кўрсатдилар. ЯДХ тўрига кўпроқ ёшлар илиндилар. ЯДХ қатъий таълимотга эга бўлмаган ташкилот бўлиб, унинг фаолияти лидер роли билан белгиланган.

Лидерлар анъанавий диний қадриятларга қарши ташвиқот ишларини олиб борганлар. Диний ҳаёт махсус ишлаб чиқилган тартиб қоида ва низомлар орқали амалга оширилган. ЯДХларнинг баъзилари дунёнинг турли бурчакларида ўз бўлинмаларига эга бўлган, бизнес билан шуғулланувчи йирик халқаро корпорацияларга айланди. ЯДХлар медитация амалиётини кенг қўллайдилар, ташкилий жиҳатдан пирамида шаклида бошқарилади. ЯДХларнинг аксарияти ноқонуний фаолият юритувчи, криминал ташкилотлардир. (Айм Синрикё (Токио метроси 10/5000 зах.), Куёш эҳроми (Франция ва Канада) ва б.). Диний таълимотларни бузиб талқин қилувчи ҳаракатларга:

- протестантларнинг “иккиламчи” бирлашмалари – Иогов шоҳидлари, Охирги кун авлиёлари Исо Масих черкови (мормонлар), Масих черкови (Бостон ҳаракати);

- сохта христиан ҳаракатлар – Мун бирлаштириш черкови, Виссарион охирги Аҳди черкови, Оқ биродарлар;

- сайенталогик култлар – Христиан илми, Рон Хаббард сайентология маркази, Клонеуд, Оқ экологлар ҳаракати;

- нео- ва квазиориенталистик мактаблар ва култлар – “Тирик ахлоқ”(Агни ёга), Кришнани англаш жамияти, Транссендентал медитация, Айм-Синрекё, Сахаджа-ёга ва б.);

- Янги мажусий ташкилот ва култлар – “Рунвира” украин миллий эътиқоди черкови, Россия жарангли кедрлари, Омск “қадимги диний эътиқодига қайтиш култи” ва бошқалар киради.

Секта сўзи, энг умумий маънода, муайян диний, сиёсий ёки фалсафий қарашларга эргашувчилар гуруҳини англатади. Диний секта деганда маълум бир диндаги расмий ақидаларга зид равишда ажралиб чиққан ёки мавжуд динлар ва конфессияларга умуман алоқаси бўлмаган ҳолда дин байроғи остида фаолият кўрсатадиган гуруҳлар тушунилади. Бугунги кунда ҳар иккала йўналишга мансуб бўлган кўплаб секталар фаолият кўрсатмоқда. Мутахассислар уларнинг сонини тахминан 5000 атрофида, деб баҳолайдилар.

Замонавий воқелик диний-экстремистик характердаги секталарнинг инсон онги ва қалби учун кураш йўлидаги фаолиятининг жонланиши кузатилаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, маълумотларга кўра, бизга қўшни бўлган давлатларда "Богородичий центр", "Церков объединения", "Церков Исуса", "Церков Нового Завета", "Белое братство", "Божественный орден Первого Ангела" каби ўнлаб диний секталар ноқонуний равишда фаолият олиб бормоқда. "Сатанизм" деб аталадиган секта ҳам кенг тарқалган. Айрим маълумотларга кўра, ўта хавфли бўлган бу сектанинг Россияда 100 минг, Ер юзида 5 миллиондан ортиқ тарафдорлари бор.

Улар аҳолининг диний билимлари пастлигидан фойдаланиб, охиратнинг яқинлиги билан кўрқитиш ҳамда асосан ёшлар ва моддий аҳволи ночор бўлганлар ичида иш олиб бориш йўли билан ўз тарафдорларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бундау секталарга асос солган "авлиё"лар ўз издошларини алдаш йўли билан уларнинг мол-мулкларига эгалик қилишга уринмоқдалар.

Яширин фаолият олиб бориши, секта ичида бўлаётган воқеаларнинг кўпчиликка маълум бўлиб қолмаслигининг қаттиқ назорат қилиниши, улар фаолиятдан жамоатчиликнинг беҳабар қолишини келтириб чиқармоқда.

Угандадаги "Охират куни" сектаси бошлиқларининг фаолияти бунга мисол бўлади. Охиратни 1999 йилнинг 31 декабрига "белгилаган" ушбу секта раҳбарлари ўз тарафдорларини мол-мулкларини сотиш, тушган маблағни уларга беришга ва шу йўл билан гуноҳлардан фориғ бўлишга чақирган.

Қиёматнинг 2001 йил 1 январга "кўчирилиши" секта раҳбарларига нисбатан шубҳа ууғонишига олиб келган. Шундан сўнг раҳбарлар Канунгу қишлоғида 500 дан ортиқ ўз тарафдорларини алдаб бир жойга тўплаб, устларидан ёпиб бинога ўт қўйиб юборишган. Оммавий ахборот воситалари хабарларига кўра, тезкор тадбирларни ўтказган полиция яна тўрт жойда оммавий қабрларни топган. Умуман бу сектанинг қурбонлари 1000 ортиқ бўлгани қайд қилинган.

Жаҳон христианларини бирлаштириш йўлидаги Муқаддас Рух ассоциацияси (Ассоциация Святого Духа за объединение мирового христианства (АСД-ОМХ) бўлиб, Мун Сан Мен бирлаштириш черкови, Бирлаштириш ҳаракати, мунчилар (мунисты) каби номлар билан ҳам аталади.

Тарихи: БЧ асосчиси Сун Мюн Мен 1920 йилда Шимолий Кореяда маҳаллий пресвитериан черковига эътиқод қилувчи деҳқон оиласида туғилган. Мактабда ўқиш даврида у пятидесятниклар йиғинларида қатнашарди. 1936 йили Пасха байрамида унга “вахий” келади: Исо Масих унга кўраниб, уни тахминан 2000 йил аввал бошлаган миссиясини якунлаш учун “танланган”ини айтган. Маълумотларга кўра, бу воқеа содир бўлганда осмондан: “Сен инсонларни ҳалокатдан қутқарсан, сен Масихнинг иккинчи бор зохир бўлишсан!”. Шу воқеа сабаб у ўз исмининг биринчи бўлаги - Сун (аждарҳо)ни -Сан (нур таратувчи (светящийся)га ўзгартирди ва бу билан у ўзини “илоҳий” келиб чиқшини билдирди. Шу йўл билан янги “пайғамбар”- Мун Сан Мен вужудга келди.

Мунчиларнинг таъкидлашларича, бўлғуси пайғамбар Японияда электрик касбини эгаллаган, аммо у ўз истеъдоди билан муҳандис дипломини олиши ҳам мумкин эди. Бироқ у “илоҳий йўл”ни танлашни афзал билган.

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин Мун 1948 йилда маънавий бузуқлиги, “жамоат тартибини бузганлиги” учун 100 кунга, кейинроқ эса икки хотинга эга бўлганлиги учун 5 йилга қамалган. 1950 йил кузда у Жанубий Кореяга ўтади ва 1954 йилда ўз ташкилотига асос солади.

1957 йилда унинг муаллифлигида Муқаддас китобларга “Библия”га қўшимча равишда “Илоҳий принциплар” (“Божественные Принципы”) номли китобини чоп этади.

1955 йилда Мун 10 дан ортиқ аёлларнинг номусига тажовуз қилишда айбланиб судга тортилган.

Айбларни юмшатиш, жанжалларга барҳам бериш учун ўша аёллардан бири Сеулдаги “Рихва” универстети талабаси 18 ёшлик Хак Хок Джага 1960 йилда уйланади (“свадба агнсев”).

Тўй совғаси сифатида “пайғамбар” ўз рафиқасига “оламни яратувчи она” (“мат мироздания”) унвони-титулини беради ва “Илоҳий принциплар” ни совға қилади.

1976 йилдан бошлаб БЧ бир неча бор молиявий масалалар бўйича жанжалли воқеаларга сабаб бўлган. 80-йй. Бошларида дунё бўйлаб БЧнинг 150 дан ортиқ корпоратсиялари бўлиб, уларга турли соҳаларга оид корхоналар қарашли бўлган. Корхона ходимлари паст маош олиб, юқори даромад олишга рози бўлишган. Эмишки, даромадлар БЧни юксалтиришга ишлатилган. АҚШ суди Мунни 625000 \$ лик Нью Йоркдаги уйини солиқ декларацияларда қайд этмагани, солиқлардан қочганликда айблаган. 1982 йил июлида уни 18 ой қамоқ жазоси ва 25 000 долл. штрафга солган. Адвокатлар сай-ҳаракатлари туфайли Мун 1 йилдан сўнг озод этилган. (Муннинг пуллари БЧ ташкилоти хисобига тегишли бўлгани учун солиқлардан озод дейишган).

1992 йилда Мун ўзини янги инсониятнинг “Ҳақиқию Ота”си деб еълон қилган, 1993 йилда “Янги Аҳд даври” тугаб, “Аҳднинг якунию даври (“ера Завершения Завета”) бошланганини билдирган.

Мунчилар тўлиқ ва якуний ҳақиқатга “Ҳақиқий Ота ” орқали эришилади. Мун ва унинг хотини яқинда “Исо Масих”га рафиқа топишган ва Исо Масих уларга кўриниб миннатдорчилик билдирган. Мунчиларнинг оммавий никоҳ тантаналари “Унаштириш” маросими мунчиларнинг амалиётида Марказий ўринда туради.

У 2 қисмдан иборат: “муқаддас вино” маросими ва “муқаддас никоҳ”.

Ушбу маросимлар вино орқали унаштирилаётганлар одамзотнинг “биринчи гуноҳи”дан покланиб, янги “ҳақиқий” ҳаётни бошлашларини англатади. Никоҳ маросимидан аввал “унаштириш” бўлиб ўтади. Бўлғуси келин-куёвлар ўз жуфтларини топишни Мун ва унинг тажрибали минтақавий лидерларига тўлиғича ишонадилар. Айримлар ўз жуфтини никоҳ тантанасидан бир неча кун аввалгина танийдилар.

“Муқаддас вино” ёки “Насабни ўзгартириш” маросими орқали мунчилар Мун ва унинг оиласи билан қариндошлик ришталарини боғлайдилар. Мун таърифича: “Бу маросимлар шайтон дунёсидан сақловчи ва “Ҳақиқий ота-оналар”га яқинлашиш бўйича ўзига хос “эмлаш” воситасидир. Винода 21 битта унсур (элемент) ва “Ота ва Она”нинг қони жамланган бўлиб, уни истеъмол қилган инсон ўз аждодларидан воз кечади.

Бошқа бир маълумотларга қараганда, ушбу ичимлик таркибига Мун ва хотинининг бошқа нарсалари ҳам солинади.

Айм синрикё (санскритча “олам”) ҳақиқати таълимоти; инглиз тилида «Супреме трутх», яъни “олий ҳақиқат» деб таржима қилинган (2000 йилдан бошлаб Алеф номи билан фаолият юритмоқда (сомий тиллар алифбосидаги 1 ҳарфи бўйича) — янги диний, синкретик, террористик, экстремистик, тоталитар, деструктив секта бўлиб, ваджраяна буддизми асосида Японияда вужудга келган.

Сектага япониялик Сёко Асахара 1987 йили асос солган, у 1995 йилда Токио метросидаги заҳарли газлар портлатишни уюштиргандан сўнг машҳур бўлиб кетган.

Ҳозирда секта террористик ташкилотлар рўйхатига киритилган. Европа Иттифоқи, Канада, Молдавия, Россия, АҚШ ва бошқа давлатларда фаолияти таъқиқланган. Айм синрикёдан Россияда 24000, Японияда 6600 киши жабрланган. 1990 йилларда Айм Синрикёнинг Нью Йорк, Бонн, Шри Ланкада марказлари фаолият юритган. 1986 йилда унинг ташкилотига диний тус берилди ва у «Айм Синсен-но-кау» («Маънавий ривожланган ва нотабиий куч қувватга эга кишилар жамияти») деб аталди.

Шу йили Асахара Химолайда «бутунлай азоблардан қутилиб, Нурланишга эришди», ташкилоти 1987 йилнинг июлидан Айм синрикё деган ном олди ва бутун мамлакат бўйлаб бўлинмаларига эга бўлди.

1989 йил августидан секта диний ташкилот сифатида танилди. У Япониянинг олий табақадаги университетининг талабаларини ўзига жалб қилиб, иккинчи ном - «элита вакиллари дини» олди.

1995 йил 20 мартда «Айм синрикё»нинг 10 та аъзоси томонидан террористик акт содир этилган. Улар Токио метросида зарин заҳарли гази ёрдамида газли портлатиш содир этишган.

Натижада 12 киши вафот этган (13; 18; 27), ўнлаб кишилар заҳарланган, 1000 кишининг кўриш қолбилияти пасайган. Яраланганларда тананинг айрим аъзоларида паралич, сўзлаш қобилиятининг йўқолиши, таянч ҳаракат аъзоларининг шикастланиши, кўр бўлиб қолиш ҳолатлари ҳам учраган. Ушбу актга Асахара ўзи буйруқ берган (рад этсада).

Уларнинг фикрича, Охирзамон келиши ва Яхшилик ва Ёмонлик ўртасидаги охирги уруш қутилмоқда ва урушда барча “гуноҳкорлар” қириб ташланади. Политсиячилар томонидан секта марказлари текширилганда кимёвий ва биологик қуролларнинг компонентлари (сибир яраси (сибирская азва) ва Эбола вируси) топилган. Бундан ташқари Заирдан келтирилган Ми 17 ҳарбий вертолётни бўлган. Кимёвий захира зарин тайёрлаш орқали 4 миллион кишини ўлдиришга етадиган бўлган.

Оқ биродарлик ташкилоти (ОБТ) энг жанжалкаш секталардан бири бўлиб, Нью Ейж ҳаракати билан ўзаро боғлиқ. Унинг ғояларида ҳам Балик эраси (Исо Масих даври) яқунланиб, Водолей эраси, яъни ер юзида Илохий бошқарув даври бошланишини даъво қиладилар.

Асосчиси ва яқин йилларга қадар раҳбари Юрий Кривоногов тех.ф.н.,м Киевнинг неврология ва психиатрия институтида ишлаган, кўплаб янги ғоялар муаллифи, инсон шахсиятига таъсир ўтказиш масалаларига қизиққан (КГБ билан алоқа бўлган)

Ўз қизиқишлари ўлароқ бироз муддат Кришнани англаш жамиятига аъзо бўлади ва турли услубларни ўрганади. У “Атма” номли “Қалб институти”ни очади ва “Знание” нашриёти орқали кўплаб рисоалар чоп этади. Кривоногов кўп шаҳарларда маърузалар ўқиб юради ва Днепропетровскда бўлғуси хотини Мария Свигунни учратади ва тўй арафаси уни ердаги “Худо” деб эълон қилади.

Кривоногов ўзини турли авлиёлар номи билан атаб чиққан (Иоанн Предтеч, Пайғамбарлар Ёкуб, Нух, Иоанн Крестител, Тутанхамон, княз Владимир, в.х) ва охири Юоанн Свами исмида тўхтаган. Мария ҳам дастлаб Худонинг онаси, кейин Ота Худо, Ўғил Худо, Муқаддас Рухга айланган, ниҳоят Мария Деви Христос номини олган. Мария ўзини эркак жинсига нисбатан ишлатиладиган “он” сўзи билан мурожаат қилган. У ер юзида уч ярим йил яшаб 144 минг энг эътиқодли кишиларни “ҳақиқий эътиқоддилар”ни жамлаши керак бўлган.

Бу кишилар юсмалианнинг янги халқи бўлиши керак эди. (ЮСМАЛОС бу “Юоанн Свами Мария Логос” абривиатураси, шунингдек Жус малос “ёвузлик қонуни” маъноси бор). Юсмалос “оламни қутқариш” миссияси 1990 йил 1 июлдан 1993 йил 24 ноябрга қилиб белгиланганди.

Ердан охирги бўлиб бу ер хотин кетиши, уларни чормихлашлари лозим бўлган. Жасадлар уч кун кўчада туриб, учинчи куни қайта тирилишлари ва осмонга кўтарилишлари керак эди. Ўша куни Охир замон бўлиб, ер юзи вайрон бўлиши, инсоният ҳалокатга учраши, кейин эса юсмалос халқи ерда янги ҳаётни бошлаши, улар жаннатда қолганлар дўзахда бўлиши таъкидланган.

Белгиланган санада Киевда бир неча минг тарафдорлар йиғиладилар. Албатта, Охир замон бўлмади. Киевдаги муқаддас София ибодатхонаси олдида тўполон уюштирилди.

Ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлашиб кетиши, очлик, фуқаролар урушлари, оммавий эпидемиялар, спиднинг тарқалиши юқоридаги каби секталарнинг кенг ёйилишига олиб келмоқда.

Умуман олганда, бундай секталарнинг барчаси инсоннинг ожизлиги, маънавий ва жисмоний камолотга эришишга бўлган интилиши, кишилар ҳаётда дуч келадиган қийинчиликлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида шахсий бойлик орттириш ниятида фойдаланадилар.

Мавжуд диний таълимотлар, улардаги муайян қоидаларни давр талабига мослаштириш, бошқача айтганда, модернизация қилиш жараёни ҳам давом этмоқда. Масалан, христианлар амалга оширган инквизиция ва салб юришлари хато бўлганини тан олиб, Рим Папаси ҳатто, расман кечирим ҳам сўради. 1992 йилда Папа Иоанн Павел II ўз пайтида Ернинг Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги қарашларни ёқлагани учун черков трибунали томонидан тавба қилдирилиб, ўз қарашларидан воз кечишга мажбур қилинган Галилео

Галилейнинг ҳақ бўлганини тан олиб, барчадан узр сўрагани ҳам бунга мисол бўла олади.

Шунингдек, мавжуд динларнинг тарқалиш ҳудудида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётганини таъкидлаш зарур. Масалан, ўтган асрда асосан христианлар яшаб келган Европада бугунги кунда 20-25 миллион атрофида мусулмонлар истиқомат қилмоқдалар. Жумладан, Буюк Британияда - 3 миллион, Германияда - 5 миллион, Францияда - 6-7 миллион исломга эътиқод қилувчи фуқаролар яшамоқда. Тадқиқотчилар фикрига кўра, ҳозирда айнан ислом эътиқодчилари сони энг тез кўпайиб бораётган дин ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, исломнинг йиллик ўсиш суръати 6,4 фоизни ташкил этиб, 1989 йилдан 2011 йилга қадар мусулмон аҳоли сони Шимолий Америкада - 25, Африкада - 2,15, Осиёда - 12,57, Европада - 142,35, Австралия ва Океанияда - 257,01 фоизга кўпайган. Фақат Латин Америкасида исломга эътиқод қилувчилар улуши 4,73 фоизга камайган.

Бундай ўзгаришлар, бир томондан, глобаллашув келтириб чиқараётган одамлар миграцияси натижасида, иккинчи томондан, кишиларнинг буддавийлик, кўпгина ҳолларда ва асосан исломни онгли тарзда қабул қилиши билан боғлиқ.

Шунингдек, аҳолиси анъанавий равишда буддавийлик ва исломга эътиқод қилиб келган ўлкаларда христианликни ёйишга интилиш кузатилмоқда. БМТ маълумотларига кўра христианликнинг ўсиш кўрсаткичи йилига 1,46 фоизни ташкил қилади. Мазкур жараён айрим христиан ташкилотлари ва йўналишларининг фаол миссионерлик ҳаракати натижасида содир бўлмоқда.

Қайд этилган мулоҳазалар бугунги кунда ҳам дунёнинг диний манзарасида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётганидан далолат беради. Диний конфессиялар манзараси ранг-баранглигини Ўзбекистонда расман рўйхатдан ўтиб фаолият юритаётган диний конфессиялар мисолида ҳам кўриш мумкин. Христианликка мансуб бўлса-да, юртимиздаги 11 та йўналишнинг ҳар бири ўзини алоҳида диний конфессия, деб ҳисоблаши фикримизнинг исботи бўла олади.

Ноанъанавий диний ташкилот ёки оқим деганда бир минтақа, ҳудуд аҳолиси учун бегона бўлган, муайян тарихий шароит ёки ижтимоий вазият сабабли ўша ерга кириб келган ёки киришга ҳаракат қиладиган динлар тушунилади.

XIX аср ўрталари XX аср бошларига келиб Европа, Америка ва Осиё китъаларида "пайғамбарлик" ва "армагеддонизм" эпидемиялари авж олди. АҚШда 1840 йилларда "миллеризм" номи остида пайдо бўлган ҳаракат тез

орада бошқа ҳудудларга ҳам тарқалди. Натижада, аксарият йирик динлар доирасида янги, "ислоҳотчи" оқимлар юзага келди.

Улардан, христианлик доирасида "Иегово шоҳидлари" ва "Мормонлар"ни, ислом дини доирасида "Баҳойлар", "Аҳмадийлар" ва "Қора мусулмонлар"ни, ҳиндуийлик доирасида "Халқаро Кришнани англаш жамияти"ни санаш мумкин.

Иегово шоҳидлари (ёки Яхве гувоҳлари) йўналишига 1873 йилда Чарлз Теуз Рассел (1852-1916) томонидан асос солинган. Йўналишнинг диний таълимоти унинг етти томлик "Муқаддас Ёзувни ўрганиш" китобига асосланади.

Ч.Рассел вафотидан кейин ташкилотга раҳбарлик қилган Иосиф (Джозеф) Франклин Рузерфорд иеговочиликка "армагеддон" (яъни, гўёки, охирзамонда Исо бошчилигидаги иеговочилар ва Шайтон бошчилигидаги жинлар қўшини ўртасида бўлиб ўтадиган жанг) тушунчасини киритди. Шунингдек, у ҳар йили иеговочиларнинг халқаро конференцияларини ўтказишни, 50 га яқин китоб муаллифи сифатида тарғибот ишларида радио ва граммо-пластинкалардан фойдаланишни йўлга қўйди.

"Иегово шоҳидлари" Учлик ҳақидаги ақидани рад этишади, лекин бошқа йўналишлар каби унинг барча кўринишларини изоҳлашади. Улар худонинг ўз шахсий исми бор, бу исм "Иегово"дир ва у барча нарсаларнинг асоси ва яратувчиси, деб ҳисоблайдилар.

Иеговочилар Исо Худонинг Ўғли бўлган деб эътиқод қилса-да, унинг Худо бўлганини инкор қилишади. Уларнинг таълимотига кўра, Исо Иегово томонидан яратилган ягона инсондир, қолган барча инсонлар Масих орқали яратилган. Муқаддас Рух - Худонинг кўринмас кучи бўлиб, у дунё яратилишида қатнашган. Исо Голгофа тоғида хочга эмас, балки устунга михланган деб ҳисоблаганлари сабабли бу рамз ишлатилмайди.

Иегово бутун инсоният тарихида 144 минг кишини танлаб олган, улар ўлгандан сўнг тўғридан-тўғри тирилади ва осмон подшоҳлигига ўтиб кетишади. Ҳозирги кунда ўша танланган 144 минг киши, яъни "кичик пода"дан (имони мустаҳкам ва дин йўлида кўп хизмат қилган) 11 мингтаси тирик, деб эътиқод қилинади. Қолган имонлилар, яъни Иегово шоҳидларига қўшилган "қўйлар"га (оддий диндорлар) Ер юзида абадий жаннатда яшашлари ваъда қилинади.

"Иегово шоҳидлари" фақатгина Исо Масих ўлимини эслаш кечалари билан боғлиқ байрамни нишонлайдилар. Шу куни жамоа аъзолари қариндош ва танишларини уйларига таклиф қилишади. Дастурхонда Исонинг тана ва қонининг ифодаси деб билинадиган хамиртуришсиз нон ва қизил, қуруқ вино бўлиши шарт.

"Иегово шоҳидлари" диний ташкилоти қатъий марказлашган характерга эга. Унинг диний-маъмурий маркази - Бошқарув корпорацияси ҳисобланади. У 15 кишидан иборат бўлиб, Бруклинда (АҚШ, Нью-Йорк) жойлашган. Бошқарув корпорациясининг 90 дан ортиқ филиаллари дунёнинг турли мамлакатларида тарғибот ишларини олиб боради. Христианликнинг кўзга кўринган вакиллари иеговочиларнинг христианлик билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ, деган фикрдалар.

Марказий Осиёда "Иегово шоҳидлари" диний ташкилотининг биринчи жамиятлари 1950 йилларда пайдо бўлган ва норасмий равишда фаолият кўрсатиб келган. Бугунги кунда республикамизда "Иегово шоҳидлари"нинг 1 та ташкилоти расман рўйхатга олинган.

"Иегово шоҳидлари" миссионерликка катта эътибор беради. Жамоа пайдо бўлган даврдан бошлаб, асосан уйма-уй юриш ва адабиётлар тарқатиш билан ўз издошларини кўпайтиришга ҳаракат қилади. Айрим маълумотларга кўра, ҳозирги кунда иеговочи миссионерларнинг сони 700 мингдан ортиқ кишини ташкил этади. Жамоа раҳбарияти томонидан миссионерларни тайёрлаш ишларига катта аҳамият берилади. АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида, жамоанинг бош офиси билан бир жойда "Галаад" номли миссионерлар тайёрлаш маркази мавжуд. Ушбу марказда ташкил этилган беш ойлик курсларда бутун дунёдан келган миссионерлар таҳсил олишади.

Миссионерлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш ва адабиётларни нашр этиш учун "Қўриқчи минора", "Библия" ва "Рисолалар жамияти" тузилган. Ушбу жамият корпорация деб аталиб, бош қароргоҳи ташкилот асосий биноси билан бир жойда, АҚШнинг Бруклин шаҳрида жойлашган. Корпорацияни етти директордан иборат бошқарув кенгаши бошқаради ва улар корпорация президентини сайлайдилар.

Ҳозирги кунда "Иегово шоҳидлари" 230 дан ортиқ мамлакатда фаолият олиб боради ва дунё бўйича 111 та минтақавий ваколатхоналарга ега.

Иеговочилар миссионерликни ўзига хос тарзда ва тизимли ташкил этганлар. Мутахассислар фикрича, "Иегово шоҳидлари" ўз тарафдорларини шакллантиришда жалб этишнинг 80 дан ортиқ усулидан фойдаланадилар. Жумладан, улар ўз даъватчиларининг овоз оҳанглирида тинчлантириш ва меҳр – туйғулари бўлишига алоҳида эътибор берадилар. Иеговочилар миссионерликни:

- ўз қарашларига заррача бўлса ҳам қизиқиш билдирган одамларни кидириб топиш ва сўнг уларни таълимотни қабул қилишга тайёрлаш;
- даъват қилинаётган одамнинг онгига "Библия" курслари ва унинг матнини ўрганиш орқали диний таълимотни сингдириш;
- прозелитларни сув билан чўқинтириш;

– уларни миссионерлик фаолиятига тайёрлаш каби тўрт босқичда амалга оширадilar.

Иеговочиликнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шуки, унда ҳар бир аъзо миссионерлик фаолиятида қатнашиши шарт. Жумладан, жамоа раҳбарияти томонидан ҳар бир аъзо ойига 10 соатдан 150 соатгача миссионерлик фаолиятига сарфлашлари талаб қилинади. Жамоа аъзолари қанча кўп вақтларини миссионерликка сарфлаганларига қараб ташкилот иерархиясида кўтарилиб боради. Сўнгги пайтларда иеговочилар мактаб ўқувчилари ва ёшлар орасида тарғибот ишларини олиб боришга интилиш кучли намоён бўлаётганини таъкидлаш зарур. Ана шундай мақсадли фаолият натижасида иеговочилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозирда иеговочилар сони дунё бўйича қарийб 7 миллионни ташкил этади. Уларнинг бош ташкилоти томонидан адабиётлар нашр этиш, черковлар фаолиятини таъминлашга кетадиган сарф-харажатлардан ташқари миссионерларнинг кундалик харажатларига йилига 100 миллион АҚШ доллариغا яқин маблағ сарфланади.

Мормонлар. Мазкур оқимга 1830 йили Нью-Йорк (АҚШ) шаҳрида Жозеф Смит (1805-1844) исмли шахс томонидан асос солинган.

Смит 1823 йилда Вермонт шаҳридаги Шэрон ўрмонида камбағал ва бечора тарафдорларига Морони номли бир фариштанинг ўзига ваҳий олиб келганини даъво қилади. Унга кўра Морони, Смитга Нью-Йоркдаги Кумора тепалигига кўмилган, қадимги Миср тилида ёзилган олтин лавҳлар ва уларни таржима қилиш учун Урим ва Тхуммин тошларини келтириб берган.

Жозеф Смит матнларни ўқигани ва фаришта ёрдамида таржима қилганини эълон қилади ва уни нашр эттиради. Шундай қилиб, 1830 йилда "Мормон китоби" босиб чиқарилган. Китобдаги буйруққа биноан янги бир черков қурилган. Бу черков, "Исо Масихнинг охириги кун азизлари черкови" деб номланган. Унинг тарафдорлари эса шундан сўнг "Мормонлар" дейила бошланган.

Мормонлар эътиқодига кўра, америкаликлар исроил қабилаларидан келиб чиққан ва қизил оқ танлилардан ташкил топган. Исо тирилганидан кейин оқ танлилар орасида фаолият олиб борган, лекин унинг черкови қизил танлилар томонидан вайрон қилинган. Охириги оқтанлилар XV асрда яшаган Мормон билан унинг ўғли Моронидир. Лавҳларни ана ўшалар кўмган ва уларни Смит топиб олган.

Смит 1831 йилда янги Қуддуснинг Киртландда (Огаё шатати, АҚШ) қурилишига доир ваҳий олганини айтган. Тарафдорлар сонини орттириш мақсадида мормонлар фаол равишда миссионерлик билан шуғулланганлар.

Сиқувга олинган Мормонлар, Киртландни ташлаб Миссурига; у ерда ҳам айни ҳолга дуч келгач эса Иллинойсга кўчишга мажбур бўлишади. 1840 йилда ботқоқзор ўрнида Наву шаҳрини қуриб ўз марказларини шу ерда ташкил этадилар.

Омадли кечган бир-икки йилдан кейин Смит "Мормон китоби"да акси ёзилган бўлишига қарамасдан, янги бир "вахий"га асосланиб, кўпхотинлиликни тарғиб қилган ва ўзи бу ишни бошлаб берган. Унинг бу фикрига жиддий қаршиликлар бўлган, натижада Смит укаси ва тарафорлари билан қамоқхонага ташланган. Қисқа бир муддатдан кейин улар маҳбуслар томонидан ўлдирилган.

Смитдан кейин мормонларга Брижман Янг бошчилик қилди. У ўлими ортидан 178 та хотин ва 49 та болани қолдириб кетди. Мормонлар Ютада "Буюк туз кўли" қирғоғида, "Туз кўли шаҳри" ҳозирги Солт Леук Сити шаҳрини қурганлар. Улар бу ерда жуда ҳам кучайиб кетганлар ва улкан мормон ибодатхонасини барпо этишган.

"Исо Масихнинг охириги кун азизлари" сифатида ўзларига баҳо берувчи мормонларнинг эътиқод асослари Ж.Смит томонидан тартибга солинган. Черков бошлиғи "раис" деб номланади.

Мормонлар Ота-Худо, Исо Масих ва Муқаддас Рух билан боғлиқ эътиқодни тан оладилар. Уларга кўра, Инжил Худонинг сўзидир, уни, хато қилмаслик шарти билан таржима қилиш мумкин. Мормон китоби ҳам Худонинг сўзидир. Исо Масихнинг қайта тирилиш жойи Америка қитъасидир. Янги Қуддус Америкада қурилади; шахсан Исонинг ўзи уни бошқаради, дунё янгиланади ва худди жаннатдек кўриниш олади. Исо минг йиллик салтанат қуради ва унга имон келтирганлар, ёрдамчи бўлган (мормон) лар нажот топадилар.

Улар чўқинтиришда сувга бўқтириш усулини қабул қилганлар. Улуғликда олдинга силжишни ва ҳатто, илоҳийликкача юксалишни эътироф қиладилар. Эътиқод асослари орасида жой олган кўп хотинга уйланиш 1895 йилда В.Вудрафт томонидан бекор қилинган. Причащение яъни "Покланиш" маросими, сигарет ва ароқ ҳаром бўлгани сабабли фақатгина нон ва сув билан амалга оширилади.

Мормонлар миссионерлик фаолиятини олиб борадилар ва ушбу фаолият бутун дунёга тарқалганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Мормонлар наздида ҳар бир аъзо икки йил миссонерлик қилиши керак. Миссионерлик фаолияти бугунги кунда 4000 дан ортиқ аёл ва эркак мормон томонидан олиб борилмоқда. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади ва улар ўз ҳаётларини миссионерлик учун бағишлаган.

Бугунги кунда мормонлар дунёнинг 160 мамлакатада фаолият олиб бориб, тахминан 30 минг черков ва 12 миллион издошларига эга. Расмию христианлик мормонларни "адашган оқим" сифатида эътироф этади.

Баҳойлик – XIX асрда Эронда бобийлик йўналиши замирида вужудга келган диний йўналиш. Шерозлик Сайид Али Муҳаммад (1819-1850) 1844 йилда Боб (арабча "эшик"), яъни янги даврга "эшик" номини олиб, яқин орада "Худо элчиси"нинг намоён бўлиши, кишиларга янги даврнинг асосий қонунлари ва низомларини инъом этишини тарғиб қила бошлаган.

Бобнинг йирик издошларидан бири Мирза Ҳусайн Али Нурий (1817-1892) 1863 йилда Боб башорат этиб кетган худонинг элчиси унинг ўзи эканини эълон қилади ва Баҳоуллоҳ, яъни "Аллоҳнинг жилоси" номини олади. Ушбу йўналишнинг номи ҳам Баҳоуллоҳнинг номидан олинган.

Баҳоуллонинг "Китоби Ақдас" ("Энг муқаддас китоб") ва "Китоби Иқон" ("Мустаҳкам ишонч китоби") асарлари баҳойлик таълимотининг асосларини ташкил этади. Йўналиш асосчиси ўзига ислом дини эътиқодига кўра, оламларнинг Яратувчиси бўлган "Аллоҳнинг жилоси" номини қабул қилган бўлса-да, баҳойлар ақидасига кўра, баҳойлик мустақил дин, у бирор бир диндан ажралиб чиққан секта ҳам, мазҳаб ҳам эмас, деб ҳисобланади.

Баҳойлик Ҳиндистон, Уганда, Кения, Эрон, Миср, АҚШ, Канада каби қатор мамлакатларда тарқалган. Ҳозирги вақтда дунёда баҳойларнинг 9 та ибодат уйи, 200 га яқин миллий ҳамда бир қанча маҳаллий диний мажлислари мавжуд. Баҳойларнинг умумий миқдори тахминан 6 миллион кишини ташкил этади.

Баҳойлик таълимотига кўра:

– барча динлар бир илдиздан пайдо бўлган ва пайғамбарлар биродар ҳисобланади;

– Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад пайғамбарлардан ташқари Будда, Зардушт, Кришна, Боб ва Баҳоуллоҳ ҳам пайғамбар ҳисобланади. Баҳойликда улар энг буюк 9 та пайғамбар сифатида эътироф этилади;

– худо ҳар минг йилда Ер юзига янги пайғамбар туширади;

– жаннат ва дўзах, охират, шайтон ва фаришталар инкор қилинади;

– ҳозирги барча динлар бир-бирини инкор қилади, шунинг учун ҳам, уларни бирлаштириш ва инсонлар орасидаги турли фарқларни йўқотиш лозим. Баҳойлар даъвосига кўра, бундай бирлаштирувчилик вазифасини баҳойлик бажариши лозим.

– Ватан, миллат деган тушунчалар маънисиз ҳисобланади. Зеро, уларнинг фикрича, Ер юзининг ҳамма жойи Ватан ҳисобланади.

Баҳойликда руҳонийлар йўқ. Маҳаллий жамоаларни йилда бир мартаба 21 апрел куни яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган 9

кишидан иборат Маҳаллий диний мажлис бошқаради. Баҳойлар йирик жамоаси мавжуд бўлган ҳар бир давлатда Миллий диний мажлис сайланади. Ўз навбатида Миллий диний мажлис вакиллари 9 кишидан иборат бўлган Умумжаҳон Адолат Уйи аъзоларини сайлайдилар. Ҳар беш йилда сайланадиган Умумжаҳон Адолат Уйи умумжаҳон баҳойлар жамиятининг фаолиятини бошқариб боради.

Баҳойликда ҳар бири 19 кунлик 19 оудан иборат бўлган диний тақвим қабул қилинган. Ҳар 19 кунда жамоанинг барча аъзолари ибодат қилиш, жамоа билан боғлиқ ишларни муҳокама қилиш, ўзаро биродарлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун йиғиладилар.

Кунига уч марта Исроилнинг Акка шаҳрига қараб ибодат қилинади. Умумий ибодат дуо ўқиш, медитация ҳамда баҳойликнинг асосий китоблари ва жаҳон динлари муқаддас китобларидан матнлар ўқиш орқали амалга оширилади. Ҳар йили 2 мартдан 20 мартгача баҳойлар кун чиқардан кун ботгунга қадар овқат ва сувдан ўзларини тийиб, рўза тутадилар.

Баҳойларнинг муқаддас ибодатхонаси Акка шаҳрида жойлашган. Хайфа шаҳри муқаддас шаҳар ҳисобланиб, дунё баҳойларининг зиёратгоҳи ҳисобланади. Бу ерда Боб ибодатхонаси, 1957 йилда баҳойликнинг раҳбарлик органи сифатида ташкил этилган Умумжаҳон Адолат Уйининг қароргоҳи жойлашган.

Аҳмадия (Қодиёния). Мазкур оқим XIX асрнинг охирларида Мирзо Ғулом Аҳмад Қодиёний томонидан тузилган. Дастлаб у асосчисининг номи билан - "Мирзоия", кейинчалик эса вужудга келган жойга нисбатан - "Қодиёния" деб номланган. Мирзо Ғуломнинг 1900 йил 4 ноябрдаги баёнотига биноан охир-оқибат "Аҳмадия" номини олган.

Мирзо Ғулом Аҳмад 1840 йилда ҳозирги Покистон ҳудудидаги Панжоб вилоятининг Гурдаспур минтақасидаги Қодиён қишлоғида туғилган. Отасининг хоҳишига биноан 1864 йилда Сялкот шаҳрига борган ва ўша ерда бир муддат ишлаган. Шу пайтда, у кундалик ишидан ташқари ислом илмлари ҳамда бошқа динлар ҳақида ва ўзи билан яқиндан муносабатда бўлган миссионерлардан христианлик ҳақида кўпгина маълумотлар олган, ҳиндуийлар билан мунозараларга киришган.

1876 йилда Ғулом Аҳмад Аллоҳнинг хузурига чиққани ва ваҳий ола бошлаганини даъво қилиб чиқади. 1880 йилда у ўз таълимоти асосларига бағишланган "Бароҳини Аҳмадия" (Аҳмад далиллари) номли китобининг илк икки жилдини нашрдан чиқаришга эришади. Унда у исломни бошқа динлардан ҳимоя қилган. Шу туфайли мусулмонлар китобдаги "илоҳий илҳомлар", кароматлар, ўз-ўзини мақташларга, дастлаб, унча эътибор бермаганлар. Учинчи ва тўртинчи жилдларда эса Ғулом Аҳмад ўзига ваҳий

тушаётгани ва пайғамбар эканини даъво қилган. Шунингдек, инглиз ҳукумати мақтаб, ҳозирги пайтга келиб "жиход" тушинчасининг ўринсиз, ҳукмсиз ҳолга келиб қолганини айтган. Бошланишда 50 жилд бўлиши режалаштирилган "Бароҳини Аҳмадия"нинг 5 жилдигина нашр қилинган.

1885 йили Мирзо Ғулом Аҳмад ўзини ўзи яшаб турган давр (ҳижрий XIV аср) "мужаддиди" эканини, 1888 йилга келиб эса инсонлардан "байъат" олиб, алоҳида "жамоат" ташкил қилиш ҳақида буйруқ олганини эълон қилади. 1891 йилда у Исо ибн Марямнинг табиий йўл билан ўлганини айтиб ва шундан келиб чиқиб ўзини мусулмонлар кутаётган "Масих" ва "Маҳдий" деб даъво қилган. 1904 йилнинг ноябр ойидан бошлаб эса очикдан-очик ўзини мусулмонлар учун "маҳдий", христианлар учун "масих" ва ҳиндулар учун "кришна" деб эълон қилган.

Аҳмадийларга кўра барча динлар қандайдир халоскорни кутадилар, унинг келишига умид билан яшайдилар. Агар кутилаётган кутқарувчи, бир одамда мужассам бўлса, динлараро келишмовчилик бартараф этилиб, бирдамлик, ҳамжиҳатликка эришилган бўларди.

Мирзо Ғулом Аҳмад 1908 йил 26 мауда Лаҳорда вафот этган. Қабри Қодиёнга олиб кетилган ва тарафдорлари учун зиёратгоҳга айланган.

Мирзо Ғулом Аҳмаднинг ўлиmidан кейин шогирдлари унинг фикрларини йиғишда давом этдилар ва натижада "Синкретик Қодиёния-Аҳмадия ҳаракати" юзага келган. Кейинчалик оқим "Қодиён аҳмадийлари" ва "Лаҳор аҳмадийлари" номли икки жамоага бўлиниб кетди.

Дастлаб, пайғамбарликнинг Муҳаммад (с.а.в) билан туггани ва қиёматгача ундан бошқа пайғамбар келмаслигини тан олишини таъкидлаган Мирзо Ғулом, 1901 йилдаги "Жума хутбаси"да унинг издоши бўлган Мавлавий Абдулкарим Мирзо Ғулом Аҳмадга нисбатан "набий" ва "расул" сифатларининг ишлатиш мумкин деб эълон қилган.

Аввалроқ, "Муҳаддас" (хитоб қилиниб, гаплашилган) деб номланган Мирзо Ғулом кейинчалик муҳаддасликни бир маънода жузъий набийлик сифатида баҳолаган; пайғамбарликнинг бутунлай тугганини, лекин жузъий набийликнинг қолганлигини очик ва ошкора айтган.

Халқаро Кришнани англаш жамияти Шрила Бхактиведанта Свами Прабхупада номи билан танилган асли ҳиндистонлик Абхай Чаран Де (1896-1977) томонидан ташкил этилган. У 1947 йилда "Веда" фалсафаси билимдони сифатида "Бхактиведанта" (санскр. "содиклик", "фидокорона хизмат") унвонига сазовор бўлади. Санскрит тилидан инглиз тилига кўпгина "Веда" матнлари, жумладан, "Бхагавадгита" ("Худо қўшиқлари")ни шарҳлар билан таржима қилди. 1959 йилда 63 ёшида дунёдан воз кечишга аҳд қилади ва Свами ("Ақл ва ҳиссиётлар эгаси") унвонига эришади.

1965 йилда А.Ч.Бхактиведанта Свами АҚШга кўчиб ўтди ва "Халқаро Кришнани англаш жамияти"га асос солди. Бу даврда Шарқ мистик таълимотига нисбатан катта қизиқиш Кришнани англаш фалсафасини тарғиб қилиш учун қулай шарт-шароит яратди ва ҳаракат тез ривож топди. Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида уларнинг 150 дан ортиқ ибодатхоналари мавжуд. Кришначилик (вайшнавизм) одам қиёфасидаги худо Кришна (Вишну)га эътиқод қилишга асосланган ҳиндуийликнинг икки асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Кришначиликнинг муқаддас ёзувларига "Бхагаватгита"дан ташқари бошқа "Веда" матнлари ҳам киради.

Кришначилик яқкахудоликка, яъни ягона ва мутлоқ худо – Кришнани тан олишга асосланади. У абадий, яратилмаган ва чексиз шаклларга кириш қобилиятига эга. Кришначилик таълимотига кўра, олам руҳий ва моддий дунёга бўлинади. Инсоннинг руҳи танасига нисбатан бирламчидир. Кришначилар руҳни ривожлантириб ички комилликка эришиш ва шу йўл билан худога қўшилишни олий мақсад, деб биладилар.

Ҳар бир инсон ўзида Кришнани англаш қобилиятини ривожлантириши мумкин. Бунинг учун бир қанча ҳаракат шакллари ўз ичига олган ва худога муҳаббатни ривожлантириш ҳамда уни бутунлай руҳий англашга шўнғишга қаратилган бхакта-ёга машқлар тизими ишлаб чиқилган. Айни пайтда, инсон ўзини моддий эҳтиёжлардан холи қилиши, гўшт, балиқ, тухум, маст қилувчи нарсаларнинг барчаси, жумладан, спиртли ичимликлар, тамаки, қаҳва, чой истеъмол қилиш, никоҳсиз жинсий ҳаёт кечириш ва қимор ўйинлардан воз кечиши зарур, деб ҳисобланади.

Кришначиликда медитация деб аталувчи, ибодатхонада ўтказиладиган диний маросимлар ҳар куни соатлаб бажарилади. У махсус ҳаракатлар, Санкиртана – биргаликда худо Кришнани "Харе Кришна, Харе Кришна, Кришна Харе, Харе, Харе Рама, Харе Рама, Рама, Рама, Харе, Харе" деган, махамантра ("озод бўлишнинг буюк қўшиғи")ни куйлаш билан шарафлаш амалиётини қамраб олади. Буларнинг ҳаммаси, уларнинг таъбирича, ақлни тозалаш, фикрни ташқи дунёдан халос этиш, бутун диққат-эътиборни худога нисбатан муҳаббатга йўналтириш учун бажарилади.

"Халқаро Кришнани англаш жамияти"да ўз эргашувчиларининг мол-мулкларини жамият ҳисобига хайр-эҳсон қилишлари ҳамда ибодатхонада руҳонийлик вазифасига ўтишлари рағбатлантирилади. Бу таълимотни қабул қилган ҳар бир кишига янги - санскритча ном берилади. Жамоа аъзолари сари, дхоти ва бошқа ҳинд миллий либосларини киядилар.

Кришначилар томонидан миссионерлик фаолияти ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган. Улар томонидан амалга ошириладиган тарғиботчилик

ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари каторида кўчаларда ибодат кийимларида юриб қўшиқлар айтиш ва адабиётларини тарқатиш, "Ҳаёт учун озуқа" деб номланадиган, бепул озиқ-овқат тарқатиш аксиялари ўтказилишини кўрсатиш мумкин. Бундай ҳаракатларнинг асосий объектлари сифатида одатда талабалар, мактаб ўқувчилари, қариялар ва меҳрибонлик уйларида истиқомат қилувчилар танлаб олинади.

Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. "Конфессия" атамасининг моҳияти нимада?
2. "Секта" сўзининг моҳияти нимада?
3. Ноанъанавий диний ташкилотларнинг қандай хусусиятлари мавжуд?
4. Янги диний ҳаракатларнинг юзага келишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
5. Иегово шоҳидлари қандай ташкилот?
6. Мормонларнинг бошқа христиан йўналишларидан асосий фарқи нимада?
7. Баҳойларнинг қибласи қауси шаҳар ҳисобланади?
8. Кришнани англаш жамиятига қачон ва ким томондан асос солинган?

Мустақил иш топшириқлари

1. "Конфессия" ва "Дин" ўртасидаги фарқни очиқ беринг.
2. Динларнинг географик тарқалиши ҳақида хариталарни топинг.
3. Динлар издошларининг ўсиб бориши тенденциялари таҳлили ҳақида кўргазмали слайд тайёрланг (МС Power Поинт).
4. Ноанъанавий динлар юзага келган тарихий ва ижтимоий- сиёсий омилларни атрофлича ўрганинг ва гапириб беринг.
5. Ғарбда янги секталарнинг пайдо бўлиши сабабларини таҳлил қилинг.
6. Ислом дини доирасида юзага келган оқимларга анъанавий уламоларнинг фикри ҳақида илмий иш тайёрланг.

Адабиётлар

1. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маъ-навиу-маърифий асослари. – Т.: "Тошкент ислом универ-ситети" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
2. Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: кеча ва бугун. - Тош- кент: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
3. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. - Тош кент: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

4. Миронов А., Бабинов Ю. Основы религиоведения: Рабо чая книга преподавателя и студента. Учеб. пособие. - М.: НОУ, 1998.
5. Пучков П., Казмина О.Е. Религии современного мира. Учеб. пособие. – Москва: 1997.
6. Бағрикенглик - барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир - А.Ачилдиев. - Т., 2007.
7. Ёвқочев Ш. Ислом ва сиёсат. - Т., 2011.
8. Сирожиддинов Ш. Бағрикенглик – динларнинг маърифти асоси. - Т., 2010.

9-мавзу: Кибермаконда дин омили

Режа:

1. Кибермакон тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти.
2. Ахборот уруши ва унинг мазмуни
3. Дин ниқобидаги мафкуравиу таҳдидларнинг намоён бўлиш шакллари.
4. Ёшларни интернет ва ижтимоий тармоқлардаги ахборот хуружларидан асрашнинг долзарб масалалари.



Таянч тушунчалар:

Кибермакон, кибермакон ва дин, ижтимоий тармоқлар таҳдидлари, ахборот асри таҳликалари, интернет тармогидаги ахборот уруши, глобал тармоқдаги зоявиу хуружлар олдини олиш, баркамол авлодни мафкуравиу хуружлардан ҳимоя қилиш.

1. «Кибермакон» тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти. Кибермакон компютер тармоқлари орқали амалга ошириладиган мулоқот майдонини ифодаловчи воқелик сифатида 1990 йилдан бошлаб кенг миқёсида ривожланиб, такомиллашиб келмоқда. Кибермакон тушунчасини дастлаб канадалик ёзувчи Уилям Гибсон 1982 йил «Сожжение Хром» («Бурнинг Чроме») номли ҳикоясида ёзади.

Кейинчалик, Гибсоннинг 1990 йилда ёзиб тугатган «Нейромансер» («Асабли манзаралар тасвирловчиси», «Нерво-сочинител») номли техно-утопик фантастик трилогиясида қўллаган. Бу асардаги кибермакон тушунчаси миллионлаб одамларнинг жамоавий сароб, хаёлпарастликнинг ўзига хос

кўриниши сифатида тасвирланган. Бу ерда жамоавий сароб ёки хаёлпарастлик инсон онгида субъектив психологик ҳолат сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий нуқтаи-назардан кибермакон деганда компьютер тармоғи орқали бир-бири билан боғланган ва бир вақтнинг ўзида турли географик нуқтада кесишувчи ҳар қандай мавжуд компьютернинг график сифатидаги маълумотларига ўралашиб қолган кишилар жамоаси тушунилади.

Ҳозирги даврда фан, техника ва асосан компьютер тараққиёти маҳсули бўлган кибермакон ва унинг бошқарувчи қиёфаси «супэркорпорация» технологияларнинг инсонийликдан бегоналашуви натижасида дин ниқобидаги ижтимоий ва маданий бузғунчиликни содир этишга бўлган уринишлар тобора кучайиб бормоқда. Жумладан, бугунги кунда кибертеррорчилик тузилмалари ўз ғаразли мақсадлари йўлида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга уринмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида қуйидагича таъкидланган: «Таассуфки, баъзан ислом дини ва диний ақидапарастлик тушунчаларини бир-биридан фарқлай олмаслик ёки ғаразли мақсадда уларни тенг қўйиш каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга, ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бундау ножўя ҳаракатлар аввало муқаддас динимизнинг шаънига доғ бўлишини, охир-оқибатда эса маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатишини барчамиз чуқур англаб олишимиз ва шундан хулоса чиқаришимиз зарур».

«Кибермакон»да дин ниқобидаги «киберхужум»лар таҳдиди: дин ниқоби остидаги экстремистик сайтларда асосан давлат тўнтарилиши ва хунрезлик урушлари ҳақида гап боради. Жумладан, бугунги кунда дунёда энг катта хавф солиб турган ИШИД гуруҳининг интернет кибермаконидаги ахборот хужуми ва таҳдидини келтириб ўтиш мумкин. Уларда ИШИД гўё Ислом йўлида «қурбон» бўлаётгани акс этган видеолар ва фотосуратлар жойлаштирилган.

Террорчиларнинг тарғибот-ташвиқотлари кун сайин авж олиб бормоқда. «Одноклассники», «Фасебоок», «Инстаграм», «Твиттер», «ВКонтакте» ижтимоий тармоқларида бузғунчилик ва ёт ғояларни тарғиб қилувчи юзлаб гуруҳлар мавжудлиги фикримизнинг яққол далилидир. Шунингдек, Ислом динини нотўғри, қабих мақсадларда талқин этиш, динга сиёсий тус бериб, ҳокимиятни қўлга киритиш ҳисобланади.

2. Ахборот уруши ва унинг мазмуни. Инсонлараро ўзаро муносабатлардаги ҳар қандай зиддият – бу, ахборотлар зиддиятидир. Ахборот ҳар қандай қарор қабул қилиш учун энг муҳим унсур бўлиб, у нафақат, тўқнашув пайтида оптимал хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, балки, мақсадга йўналган фаолиятни бошқариш имконини беради. Тизим мавжудлиги ва барбод бўлишини белгиловчи омилларидан бири ҳисобланади.

Қадим даврлардан буён ахборотни ўзаро уруш ва низолар жараёнида хужум уюштириш ёки ҳимояланиш ресурси сифатида талқин этишга уринишлар бўлиб келади. Бироқ ҳозирга келиб илмий доирада «ахборот уруши» категория сифатида расмийлашди. Бундай урушларнинг моҳиятини англашга доир методологик ёндашувлар, назариялар шаклланди. «Бундай шароитда, – деб ёзади НА.Костин, – ахборот дунё саҳнидаги тарихий рақобат кечадиган соҳага айланиб, «ахборот уруши» деб номланаётган фаол кураш шакли пайдо бўлмоқда».

Бугунги кунда ахборот урушлари ҳақида кўп ёзилмоқда. Бу тушунчанинг пайдо бўлиш тарихи, илк маротаба қўлланилиши ҳақида турли, баъзида бир-бирига зид фикр-мулоҳазалар мавжуд. Уларга алоҳида равишда тўхталмаган ҳолда, бу борадаги айрим нуқтаи назарларга эътиборни қаратиш жоиз. Манбаларда таъкидланишича, «ахборот уруши» атамаси илк бор 1976 йил «Боеинг» компанияси учун тайёрланган «Қурол тизими ва ахборот уруши» деб номланган ҳисоботда Томас Рона томонидан ишлатилган. Хужжатда мутахассис ахборот инфратузилмаси АҚШ иқтисодиётининг муҳим компонентига айланиб бораётган ахборот соҳаси ҳам уруш, ҳам тинчлик ҳолатларида нозик, заиф тармоқ бўлиб қолаётганини таъкидлаган.

Т.Рона томонидан илгари сурилган ушбу ғоя ҳарбийлар оммавий ахборот воситалари ходимларида катта қизиқиш уйғотди, бу борада илмий таҳлиллар, интервьюлар, чиқишлар авж олди.

1980 йилларга келиб эса жамоатчиликда ахборотнинг мақсад ҳамда қурол, восита сифатида намоён бўлиши ҳақида ягона ҳулоса шаклланди.

«Совуқ уруши»нинг ниҳояси ва АҚШ олдида янги вазифалар пайдо бўлиши билан «ахборот уруши» атамаси мудофаа вазирлиги ҳужжатларига киритилди. 1991 йил «Саҳродаги бўрон» операцияси мобайнида ахборот технологиялари илк маротаба ҳарбий ҳаракатларнинг воситаси сифатида ишлатилди.

1996 йил Пентагон эксперти Роберт Банкер АҚШ мудофаа кучларининг XXI аср учун янги ҳарбий доктринасига бағишланган маъруза қилади. Унда мутахассис ҳарбий ҳаракатлар театрини анъанавий ҳарбий макон ҳамда кибермакондан иборат икки муҳим асосларда ташкил этиш ғоясини илгари сурди. Бошқача айтганда, Р.Банкер рақиб ҳарбий кучларини бостириш,

нейтраллашга қаратилган анъанавий ҳарбий концепсияларнинг табиий тўлдирувчиси сифатида хизмат қилиши зарур бўлган «киберманёвр» доктринасини таклиф этади. Шу тариқа, қуруқлик, денгиз, ҳаво йўлларида ташқари ҳарбий ҳаракатлар тизимига «инфомакон» – ахборот макони ҳам қўшилади. Бундай янги шакл ва мазмундаги урушларда рақиб томоннинг ахборот инфратузилмаси ва руҳияти асосий объект (нишон) бўлади.

1998 йил октябрда АҚШ мудофаа вазирлиги «Ахборот операцияларининг бирлашган доктринаси»ни амалга оширишга киришди. Аслида, ушбу доктрина аввал «Ахборот урушининг бирлашган доктринаси» деб номланган эди. Кейинчалик унинг номи ўзгартирилди. Бунга сабаб эса, «ахборот операциялари» ва «ахборот уруши» тушунчаларининг ўзаро муносабатига ойдинлик киритиш эди. Шу тариқа ахборот операцияси – ўз ахборот тизимларини ҳимоя қилиш жараёнида рақиб томоннинг ахборотни тўплаш, қайта ишлаш, узатиш ва сақлаш борасидаги ишларини мураккаблаштириш мақсадида амалга ошириладиган хатти-ҳаракат; ахборот уруши эса, қарама-қарши томоннинг сиёсий ва ҳарбий бошқарув тизими ҳамда раҳбариятига қаратилган комплекс таъсирлар, ахборот операциялари мажмуи, деб таърифланди. Бундай таъсирлар орқали тинчлик ва уруш ҳолатларида рақиб томон раҳбариятини информацион таъсир ўтказаяётган томонга мақбул қарорлар қабул қилишига эришиш мақсади кўзланади.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича ахборот уруши миллий ҳарбий стратегияни таъминлашда ахборот борасида устунликка эришиш мақсадида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни ифода этади. Бунда рақиб томон ахборот тизимларига таъсир ўтказиш билан бир вақтда ўз ахборот инфратузилмаси мустаҳкамлаб борилади.

Ахборот соҳасидаги устунлик муайян ҳолат ҳақида ахборотни узлуксиз тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатиш қобилиятини англатади. Бундай қобилият, ўзига хослик эса, рақиб томонга худди шундай хатти-ҳаракатларни амалга оширишда тўсқинликлар қилиш, қаршилиқлар кўрсатишда намоён бўлади. Шунингдек, ахборот соҳасидаги устунлик ҳарбий ҳолат ҳақида реал тасаввурга, рақиб хатти-ҳаракатларининг аниқ ва интерфаол манзарасига эга бўлиш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунга келиб, ахборот соҳаси кўплаб давлатлар сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Бу борада давлатлар томонидан ахборот агрессиясидан ҳимоя тизими, оммавий маданият экспансияга қарши чора-тадбирлар билан боғлиқ кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳам ахборот ресурсларидан фойдаланиш, ахборот алмашинуви ва умуман, ахборотлаштиришга доир қонун ҳужжатлари мажмуи шакллантирилди.

Жумладан, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида "Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган» – деган қоида ўз аксини топган.

Ҳозирда мазкур йўналишдаги конунчилик амалиёти бошқа давлатлар сиёсатида ҳам кенг ўрин эгаллаган. Зеро, ахборот хуружлари авж олиб, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов таъбири билан айтганда, «**мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга**» бўлган бугунги кунда ахборот соҳаси билан боғлиқ жараёнларга алоҳида эътиборни қаратиш – инсон, жамият ва давлат маънавий-маданий хавфсизлиги ва барқарорлигининг муҳим шартидир.

3. Дин ниқобидаги мафкуравий таҳдидларнинг намоён бўлиш шакллари. Ёшларнинг фаол ижтимоий кучга айланиб бораётгани бугунги кунда уларнинг турли мафкуравий таъсир ва таъйиқларнинг бош объектига айланишига олиб келди. Бунда уларнинг жамиятнинг ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган, ташқи таъсирларга тез берилувчан ва айни пайтда, энг ҳаракатчан қатлами экани инобатга олинмоқда.

Ёшларнинг турли оқимларга кириб қолишлари сабаблари қаторида уларнинг билимлари, шу жумладан, диний илмларни эгаллашга бўлган қизиқиш ва интилиши ҳамда ишонувчанлиги, бирданига ва ҳамма нарсага (бойлик, шон-шуҳрат, мартаба ва ҳ.к.) эга бўлишга ҳаракат қилиши, илмий тилда айтганда максимализм каби маънавий-руҳий омилларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. «Сен бу ташкилотга кириш ёки мана бу вазифани бажариш билан алоҳида, ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган шарафли ишга қўл урган бўласан, керак бўлса, сен миллат, дин, инсониятнинг халоскорига айланасан!», – деган қарашларни сингдириш жараёни айнан мана шу каби хусусиятларга алоҳида эътибор берилаётганини кўрсатади. «Ёшларнинг онгида қандай кайфият устунлигини айтсанг, мен сенга кейинги авлоднинг табиати қандай бўлишини айтиб бераман», - деб ёзган эди сиёсий арбоблардан бири. Шу нуқтаи назардан қараганда, диний экстремистик оқимлар ҳам жамиятнинг эртанги кунини белгилаб берадиган авлод онгини эгаллаш, назорат қилишни кўзлаб иш юритмоқда дейиш мумкин.

Айниқса, ғоялар кураши авж олган бугунги кунимизда ёшлар маънавиятига тажовуз солаётган таҳдидлар қаторида, динни ниқоб қилиб, диний қадриятларимизни оёқости қилишга уринаётган экстремистик ва миссионерлик ҳаракатларининг фаолияти жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Шунинг билан бирга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга уриниш баъзан мудҳиш ҳолатларнинг юз беришига олиб келмоқда.

Давлатимиз келажаги ҳисобланган ёш авлод тарбиясига юртимизда доимо алоҳида эътибор билан қаралган. Мамлакатимизда соғлом ва маънавий бой, интеллектуал ривожланган, ахлоқан етук, жисмонан бақувват авлодни тарбиялаш ҳамда вояга етказиш мақсадида 2000 йилни «Соғлом авлод йили», 2001 йилни «Оналар ва болалар йили», 2008 йилни «Ёшлар йили», 2010 йилни «Баркамол авлод йили», 2014 йилни «Соғлом бола йили» ва 2016 йилни «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилингани ҳам бунинг яна бир ёрқин ҳаётий-амалий ифодаси бўлди. Бу борада юртимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганларидек, «... фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади».

Зеро, жисмоний тарбия болани жисмонан бақувват, кучли, соғлом этиб тарбияласа, маънавий тарбия орқали унда юксак ахлоқ, эзгулик, инсонпарварлик, шижоат, раҳмдиллик ва меҳнатсеварлик сифатлари шаклланади. Маънавий тарбия фарзанднинг ўзлигини сақлашга, унинг ботиний оламини маърифий бойитишга хизмат қилади. Буюк аллома, ватандошимиз Абу Райҳон Беруний айтганидек, «Инсон табиатнинг энг олий зоти, камолотидир, инсон зоти барча ҳайвонлардан юқори туради. Инсонга катта шараф кўрсатилган – унга ақл-заковат ва куч берилган. Шу сабабдан, инсоннинг маънавий олами унинг олдида қўйилган вазифаларга мос бўлиши учун у юксак ахлоқли, билимли, маърифатли бўлмоғи даркор». Демак, фарзанд тарбияси аввало, унинг маънавий пойдевори қанчалик мустақамлиги билан белгиланади. Дарҳақиқат, гўзал хулқ ила тарбияланган бола ҳаётда ақл-идрок билан иш тутаяди, имон-этиқоидида собит туради, эркин ва мустақил фикрлайди, ҳар хил алдовларга учмайди ҳамда ғаразли ташвиқотларга берилмайди.

Айни пайтда, бир ҳақиқатни алоҳида қайд этиш лозим. Ота-боболаримиз дини бўлмиш ислом ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишига чорлаган, оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, бир сўз билан айтганда, халқимиз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам маърифат бўлиб келган. Ҳозирда ҳам бу маърифат одамларга маънавий-руҳий куч-қувват бағишлаб, ўзаро меҳр-оқибатлилиқ туйғуларининг камол топишига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш нафақат бир давлат ёки минтақа, балки жаҳон ҳамжамияти учун энг долзарб масалага

айланди. Шу жумладан, бизнинг юртимизда ҳам бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилиши, обод жойлар вайрон бўлиши, аҳоли ўртасида ваҳима, парокандалик келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида бу каби ишларни амалга оширмақчи бўлганларга қарши қатъий кураш олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунга келиб минтақада, хусусан, Ўзбекистонда диний-маърифий соҳанинг ривожланиши диний мутаассиблик хавфининг олдини олишда муҳим омил бўлиб қолмоқда. Аммо ғаразли кучлар ҳам ўз мақсадларига эришиш йўлида янги-янги услубларни, хийла-найрангларни ўйлаб топишлари ҳам табиий. Бу каби салбий ҳолатларнинг пайдо бўлиши ва ривож топишига йўл қўймаслик эса доимий хушёрликни талаб этади.

Минг афсуски, диний саводи паст бўлган айрим кишилар ўзларини ислом динининг жонкуярлари қилиб кўрсатувчи, аслида эса, ҳокимиятни эгаллашни мақсад қилиб қўйган турли оқим вакилларининг қуруқ ваъдаларига алданиб қолмоқдалар, ҳатто, ўзларини қурбон қилишгача етиб бормоқдалар. Жоҳиллик ҳам мутаассиб оқимларнинг ғаразли ниятларини амалга оширишига замин яратадиган омиллардан бирига айланди. Мамлакатимиз худудига яширин тарзда олиб кирилаётган экстремистик руҳдаги адабиётлар, интернет тармоқларида тарқатилаётган материаллардан таъсирланаётган ва тўғри йўлдан адашаётганларнинг борлиги ҳам буни тасдиқлайди. Ўзини портлатиш орқали бегуноҳ кишиларнинг ҳалок бўлишига, қанчадан-қанча болаларнинг етимга айланишига сабаб бўладиган жафокорлик ҳам жаҳолатнинг ўзига хос кўринишидир. Дарҳақиқат ҳозирги кунга келиб диний экстремистик ташкилотлар кенг тармоқли тизимга айланиб улгурди. Бу чуқур ўйланган стратегиянинг бир қисмидир. Бундай кучлар ёшларимиз онги ва қалбини забт этиш мақсадида ҳар қандай қабих йўллардан фойдаланишга уринмоқда.

Юқоридаги мулоҳаза ва далиллар, диний экстремизм ва мутаассибликнинг асл қиёфасини очиб бериб, мазкур ҳаракатларнинг нафақат дунёвий қонун-қоидалар, балки ислом дини асосларига ҳам зид эканини кўрсатади. Шундай экан, бундай оқимларга қарши муросасиз кураш, террорчилик ҳаракатларини амалга ошираётган мутаассиб кучларнинг ислом динига мутлақо ёт, бегона эканини ҳар томонлама асослаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда фарзандларимиз дунёнинг энг ўткир, фаол, уддабурон, Ватанпарвар ёшларига айланиши, уларни фидойлик, ватанпарварлик, тадбиркорлик, миллатпарварлик, садоқатга ўргатиш кўп жиҳатдан ота-оналарга ҳам боғлиқ. Бу борада, албатта, ота-онага ёрдам беришда бутун жамоатчилик – маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, профилактика нозири, Хотин-қизлар

қўмитаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби ташкилотларнинг жойлардаги масъуллари биргаликда фаол ишлашлари керак.

Республикада қарор топган толерантлик муҳитини афкор оммага объектив кўрсатиб бериш, эътиқод эркинлиги соҳасида Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатни кенг тарғиб қилиш, диний-экстремистик оқимлар томонидан тарғиб қилинаётган вайронкор ғояларга қарши ислом манбаларига асосланган илмий раддиялар бериш, диний мутаассиблик тамойилларининг жамиятга таҳдиди, унинг замиридаги ғаразли геосиёсий мақсадлар, уларни амалга ошираётган бузғунчи кучларнинг кирдикорларини фож этишга қаратилган ишланмалар яратиш ёки уларни аҳоли орасида тарғиб этиш муҳим аҳамият касб этади.

Демак, ҳар бир инсоннинг ўз ишини сидқидилдан амалга ошириши, лоқайдлик, бепарволикнинг олдини олиши, ён-атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳушёрлик билан қараб, Ватан тинчлиги йўлида сергак ва огоҳ бўлиб яшаши, ёшларимизнинг онгу қалбини жаҳолатдан, ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, аждодларимизга армон бўлиб қолган, биз эришган мустақиллик ва тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз, тинчлик учун доимо ўзимизнинг бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этиб яшашимиз лозим.

4. Ёшларни интернет ва ижтимоий тармоқлардаги ахборот хуружларидан асрашнинг долзарб масалалари. Интернет фан-техника тараққиёти натижаси, маданият эволюциясининг ҳосиласи ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қилиш жуда мушкул. Ауникса, ёшлар ҳаётида глобал тармоқнинг ўрни тобора ошиб бормоқда. Интернет дунёнинг турли нуқталарида яшовчи одамларнинг ўзаро мулоқотини ҳамда ахборот алмашинувини мукамал даражада осонлаштирди. Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича интернетдан энг кўп фойдаланувчилар айнан 21 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар ҳисобланар экан.

Юртимизда ҳам Интернет тизими ривожланиб, ундан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Сўнгги ўн йилда глобал тармоқдан фойдаланувчилар ўн баробарга ошган. Тармоқ орқали ахборот излаш, қабул қилиш, узатишнинг жуда қулай ва оммабоплиги ундан фойдаланувчилар сонининг тобора ортиб боришини таъминламоқда. Мамлакатимизда 2007 йилда интернетдан фойдаланувчилар сони (мобил интернет фойдаланувчилари билан қўшиб ҳисоблаганда) бир миллионни ташкил этган бўлса, 2016 йил якунида бу кўрсаткич ўн икки миллиондан ошди.

Интернет ёшлар онги ва ҳиссиётларига, тафаккур тарзига, хулқ-атворларига таъсир кўрсатишда катта имкониятларга эга. Интернетнинг

бугунги кундаги ривож ишларга ғоявий таъсир ўтказишнинг миқёси ва кўламининг кескин даражада ўсишига олиб келди.

Глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонлари бўлгани каби, интернет тармоғи ҳам шундай хусусиятларга эга эканини унутмаслик зарур. Албатта, глобал тармоқ – улкан ресурс. Бироқ, бу ресурсдан ким ва қандай мақсадларда фойдаланиши ҳам жуда жиддий масалалар сирасига киради. Хусусан, маълумотларда келтирилишича, бугунги кунга келиб, интернет тармоғида маънавий-ахлоқий тубанликни тарғиб этувчи саҳифаларнинг сони бир неча юз миллионни ташкил этган.

Ушбу факт ва рақамлар интернет саноати ривожланиб бораётган ҳозирги даврда кишиларнинг ахборотларга нисбатан жуда эҳтиёткорлик, огоҳлик ва зийраклик билан муносабатда бўлишларини тақозо этади. Бошқача айтганда, кишиларимизда, айниқса, ёшларимизда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Айнан шу тараққиёт воситасидан устамона фойдаланиб, қалбларни забт этишда диний омилнинг роли юқори. Шунинг учун ҳам турли диний-экстремистик ва террорчи уюшмалар ўз ғояларини тарғиб қилишда интернетни энг самарали восита сифатида қўлламоқда.

Бунда диний-экстремистик оқимлар ўз мақсадларини амалга ошириш учун замонавий ахборот коммуникацияларидан кенг фойдаланиш, интернет орқали турли тилларда тарғибот олиб бориш ва пухта ишланган стратегия асосида виртуал жамоатлар тузиш асосий вазифага айланган. Масалан, бугунги кунда бир неча йирик террорчи ташкилотлар ўз сафларига фаол тарзда ижтимоий тармоқлар орқали асосан 17-35 ёш оралиғида бўлган кишиларни ёлламоқда. Бунда психологик таъсир самарадорлигини янада ошириш мақсадида ижтимоий тармоқ аъзоларининг саҳифалари, қўйилаётган расмлар, шарҳ ва изоҳлар ҳамда олиб борилаётган суҳбат мавзуларини пухта ўрганади ва шу асосда «нишон»га олинган шахсга мавзуга оид материаллар интернетнинг Фасебоок, Одноклассники, ВКонтакте, Телеграм, Твиттер, ВхатсАпп каби кенг аудиторияга эга бўлган ижтимоий тармоқлар орқали (ёзма хабар, матн, фотосурат, стикер расмлар, аудио-видео ролик) жўнатилади ва ўзаро алоқа йўлга қўйилади.

Ёшлар орасида мутаассибликка йўғрилган бундай форумларнинг тобора оммалашуви ҳамда уларда турли кўринишдаги бузғунчи «фатво»ларнинг бериб борилиши муаммонинг нақадар жиддий эканини намоён этади. Чунки дунё аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Ёшлар катта куч ҳисобланади. Уларнинг энди шаклланиб келаётган онгига нимани сингдирилса, ўша тошга ўйилган нақшдек муҳрланади. Шунинг учун ҳам

радикал оқимлар айнан ёшларни тузоғига илинтиришга ҳаракат қилади. Улардаги ишонувчанлик, куч-ғайрат, қизиққонлик уларнинг мақсадини амалга оширишда қўл келади.

Минг афсуски, бундай манфур кучлар асосан илм ва маърифатдан йироқ, соф диний тушунчаларнинг асл мазмунини билмаган кишиларни, асосан ёшларни жалб этишга интилиб, ижтимоий тармоқлар орқали «жиҳод», «такфир», «шаҳидлик», «ҳижрат» тушунчаларини нотўғри талқин этган ҳолда ўз Ватанларини тарк этишга уринмоқда. Шунингдек, айрим кимсалар томонидан мақсадли равишда ислом моҳиятига зид бўлган турли хил асосиз ахборотлар, манбаси аниқ бўлмаган диний тусдаги хабарлар ёки кишиларни ваҳимага солувчи фото ва видеолар кенг тарғиб этилмоқда. Бунда баъзи ёшларнинг ахборот воситалари орқали тарқатилаётган миллий ва диний қадриятларимизга зид бўлган хабарлар, аниқ манбаси кўрсатилмаган, асосиз ахборот ва маълумотларга ишониб қолишаётгани, мулоҳаза қилмасдан кўр-кўрона қабул қилаётгани ундан ҳам кескин оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Бугун ахборот истеъмол қилинадиган товарга айланган экан, ҳар бир инсон ўзида уни истеъмол қилиш маданиятини тарбиялаши лозим. Ёшлар шахсий характердаги ахборот ҳимояси бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиши, ўзи фойдаланаётган салбий ахборотлардан ҳимоялана олиши зарур. Ана шу мақсадда 2011 йилдан бошлаб, Тошкент ислом университети бакалаврият ва магистратуранинг барча йўналишларида «Ахборот истеъмоли маданияти» номли махсус курснинг ўқитилиши жорий этилди.

Ахборот истеъмоли маданияти, энг умумий маънода, ахборот оқимидан инсон манфаатлари, камолоти ҳамда жамият тараққиётига хизмат қилувчи маълумотларни қабул қилиш, саралаш, тушуниш ва талқин этишга хизмат қиладиган билимлар, қобилият ва малака тизимини англатади.

Инсон ўзида бундай маданиятни тарбиялаши учун у ёки бу ахборотни эшитар экан, ҳеч бўлмаганда «Бу ахборотни ким узатапти?», «Нима учун узатапти?» ва «Қандай мақсадда узатапти?» деган саволларни ўз-ўзига бериши, унга асосли жавоб топишга ҳаракат қилиши керак.

Шундагина турли ғоялар таъсирига тушиб қолиш, тақдим этилаётган маълумотларга кўр-кўрона эргашишнинг олди олинади. Шаклланган ахборот истеъмоли маданияти миллий манфаатларимиз ва қадриятларимизга зид бўлган хабар, маълумотларга нисбатан ўзига хос қалқон ролини ўтайди, шахс дунёқараши ва хулқидаги собитликни таъминлашга хизмат қилади.

Ёш авлодда бу жиҳатлар шу даражада шаклланган ва қарор топган бўлиши лозимки, улар вертуал маконда умуммиллий манфаатга хизмат қиладиган, унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотни танлай олсин. Ахборот истеъмоли маданиятига эга ёшлар, салбий ва ноҳолис ахборотлар

таъсирига тушиб қолмайди, чунки уларда бундай ахборотларга нисбатан мустаҳкам мафкуравий иммунитет шаклланади.

«Кимки ахборотга эга бўлса, у, дунёга эгалик қилади», деган фикр бугунги кунда барча томонидан эътироф этилган. Шундай экан, бугунги кунда ёшларда ахборот олами имкониятларидан оқилона фойдаланиш малакасини шакллантириш ҳаётий-амалий аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, ислом дини кўрсатмаларида ҳам нақл қилинган бирор хабарга ишонишдан аввал уни текшириб, аниқлаб олиш талаб этилади. Жумладан, Қуръони каримда шундай дейилади: **Эй, мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз!** (*Ҳужурот, б*).

Бу ҳақида Қуръони каримнинг яна бир оятида инсонлар учун муҳим кўрсатма келган бўлиб, унда ҳам турли воситалар орқали олинаётган хабар ва маълумотларга кўр-кўрона эргашишдан қайтарилади: **(Эй, инсон!) Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур)** (*Исро, 36*). Демак, инсон кўрган, эшитган ҳар бир маълумотига ишониши, унга эргашиши оқибатида Аллоҳ олдида ҳам сўралади.

Пайғамбар Муҳаммад (алайҳис-салом)дан ривоят қилинган бир неча ҳадисларда ҳам шундай дейилади: *«Хабарни текшириши Аллоҳдан, (унда) шошқалоқлик қилиши шайтондандир»*, деганлар. Шунингдек, Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда эса, Расулulloҳ (алайҳис-салом): *«Кишининг ёлғончи эканлигига унинг эшитган ҳар бир нарсадини гапиравериши кифоя қилади»* деганлар.

Демак, ҳар бир олинган маълумотни текшириб, асосли ёки асосиз эканини аниқламай туриб, ўша маълумотга қараб иш тутиш ислом моҳиятига кўра, шайтон йўлига кириш ҳамда ёлғончи бўлиб қолиш билан баробар бўлади. Чунки бунда хабар тарқатаётган кишининг ғаразли мақсадини амалга оширишига замин яратиб қўйилади.

Шундай экан, дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, зиддиятли тўқнашувларга теран қараш ҳиссини ошириш, ҳар қандай кўринишдаги таҳдидларга қарши маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ауникса бу борада келажагимиз ҳисобланган ёш авлодни, бир сўз билан айтганда ҳар биримиз учун муқаддас бўлган оиламизни дин ниқоби остидаги ёт ғоялар таъсиридан асраш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз лозим.

Мавзу бўйича саволлар

1. Кибермакон тушунчасининг мазмун-моҳияти ҳақида маълумот беринг.
2. Дин ниқоби остидаги мафкуравий таҳдидлар қандай шаклларда намоён бўлмоқда?
3. Нима учун интернет оламидаги бузғунчилар асосан ёшларни ўз тўрларига илинтирмоқда?
4. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда қайси жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш керак?

Адабиётлар

1. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / А.Ҳасанов, О.Юсупов, К.Шермухамедов, У.Ғафуров, Ж.Каримов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013. – 160 б.
2. Қўшаев У. Ахборот истеъмоли маданияти. – Тошкент: «Эхтремум-Пресс» нашриёти, 2013. – 44 б.
3. Тулепов А. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. Масъул муҳаррир А.Ҳасанов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2016. - 672 б.
4. Шермухаммедов К., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Тошкент: «Мовароуннаҳр» нашриёти, 2016. – 224 б.

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР

МИЛЛИЙ ДИНЛАР

ЯХУДИЙЛИК

Яҳудийликнинг вужудга келиши ва таълимоти. Яҳудийлик дини эрамиздан аввалги 2000 йилларнинг охирида Фаластинда вужудга келиб, яқкаҳудолик ғоясини тарғиб қилган диндир. Яҳудийлик миллат дини бўлиб, фақатгина яҳудий халқига хос. Яҳудийликнинг китобий асослари эр. ав. IV-III асрларда шаклланди. Бу диннинг таълимотига кўра оламларни яратувчи



ягона худо Яҳве мавжуд. У Тавротни яҳудийларга бериш билан улар билан аҳд тузган. Гўёки яҳудийлар Яҳвенинг ер юзидаги халқларнинг «энг мумтози» ва

кейинги дунёда берилажак инъомларнинг энг ҳақлиси, Мусо Яхвенинг элчиси, Тора (Таврот) Яхве томонидан Мусога Тур тоғида берилган муқаддас китоб. Яхве оламларни яратишни якшанбада бошлаб, жума куни тугатди, шанба куни эса дам олди ва яхудийларга ҳам шу куни дам олишни буюрди. Шунинг учун яхудийлик динига кўра шанба куни улуғ кун ҳисобланиб, ҳеч қандай меҳнатга қўл урилмайди.

Бундан ташқари яхудийликда *мессия* - *халоскор*нинг келиши ҳақидаги таълимот ҳам кенг ўрин олган. Унга кўра охирзамонда Яхве яхудийлар орасидан бир халоскорни чиқаради ва у қуйидаги вазифаларни бажаради: 1) дунёни қайтадан, ислоҳ қилган ҳолда қуриш; 2) бутун яхудийларни Синион (Қуддус яқинидаги тепалик) атрофида тўплаш; 3) уларнинг барча душманларини жазолаш.

Мусо Тур тоғида Яхве билан учрашганда унга 10 та лавҳани туширди. Уларда ушбу дин асосини ташкил қилган 10 та насиҳат бор эди:

1. Яхведан бошқани илоҳ деб ушламаслик;
2. Бут, санам ва расмларга сиғинмаслик;
3. Бекордан-бекорга Худо номи билан қасам ичмаслик;
4. Шанба кунини ҳурмат қилиш ва уни Худо учун бағишлаш;
5. Ота-онани ҳурмат қилиш;
6. Ноҳақ одам ўлдирмаслик;
7. Зино қилмаслик;
8. Ўғирлик қилмаслик;
9. Ёлғон гувоҳлик бермаслик;
10. Яқинларнинг нарсаларига кўз олайтирмаслик.

Яхудийликдаги оқимлар. Яхудийликдаги оқимлар ҳақида гапирганда уларни қадимий оқимлар ва замонавий оқимларга бўлишимиз мумкин. Қадимий оқимларга: *Садуқийлар*, *Фарзийлар*, *Ессеийлар* киради.

Садуқий номи подшоҳ Довуд пайғамбар даврида яшаган руҳоний Садуқ номи билан боғлиқ. Кўплаб мансабдор руҳонийлар садуқий бўлганлар. Улар диний ишларда фақат Қонун (Мусонинг беш китоби)ни тан олганлар. Қонунда руҳонийлар, қурбонликлар, ибодатлар ҳақида сўз боради, лекин охират ва қиёмат ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Шунинг учун садуқийлар қиёматда ўлганларнинг қайта тирилишини тан олмаганлар.

Фарзий номи қадимий яхудий тилидаги «тушунтириш», «ажратиб кўрсатиш» сўзидан олинган бўлиб, улар Мусонинг қонунини шарҳлаганлар ва оддий одамларга ўргатганлар. Фарзийлар Мусонинг замонидан бери оғзаки анъана давом этиб келяпти деб ҳисоблайдилар. Улар ҳар бир авлод ўз эҳтиёжларини қондириш учун Қонунни шарҳлай олади деб билганлар.

Улар муқаддас манба сифатида нафақат Мусонинг қонунини, балки бошқа пайғамбарларнинг ҳам муқаддас ёзувларини, хатто ўзларининг урф-одатларини ҳам қабул қилганлар ва буларнинг ҳаммасига синчковлик билан амал қилганлар. Шунинг учун улар овқатга, кийимга ва бошқа нарсаларга жуда эҳтиёт бўлганлар. Қўллари ва баданларининг озодалигига катта эътибор берганлар. Фарзийлар жуда кўп пайғамбарлар таъкидлаган қиёматга, ўлганларнинг қайта тирилишига ишонганлар.

Ессейлар. Қуддусдаги кўпгина руҳонийлар Худо улардан талаб қилганидек яшамас эдилар. Ундан ташқари римликлар баъзи диний мансабларга Мусонинг Қонунига мувофиқ муносиб бўлмаган шахсларни тайинлаган эдилар. Буни кўрган бир гуруҳ руҳонийлар Қуддусда ибодат қилиш ва қурбонлик қилиш Қонунга тўғри келмай қолди, деб ҳисобладилар. Улар Қуддусни ташлаб, яхудий саҳроларига чиқиб кетдилар ва ўша ерда ўз жамоаларини ташкил қилдилар. Уларни *ессейлар* деб аташди. Ессейлар Худо томонидан юбориладиган халоскор - Мессиянинг келиши ва Қуддусни тозалашини кутиб, ибодат қилиб яшар эдилар.

Массонизмнинг маъноси «озод қурувчилар» бўлиб, яхудийликдаги яширин ташкилотдир. У милодий 44 йили Рим императорларидан Ирод Акриба томонидан ўзининг икки яхудий маслаҳатчиси: раис ўринбосари Ҳерон Абюд ва биринчи секретар Муоб Ломий ёрдамида ташкил этилган. Мақсади – дунёда яхудийлар ҳукмронлигини ўрнатишга эришиш. У ташкил топган даврда «махфий қудрат» деб аталарди. Кейинчалик массонизм деб аталди.

Сионизм номи Қуддусдаги Сион тоғи билан боғлиқ. Бу оқим австралиялик яхудий журналист Т. Герльцнинг «Яхудийлар давлати» рисоласи асосида тузилган. Бу оқимнинг ўз олдига қўйган мақсади – яхудийлар ўзлари яшаб турган турли ўлкалардан чиқиб, Фаластинда «миллий бирлашиш»га эришиш. Сионизм «жаҳон яхудий миллати» - «олий миллат» каби ғояларни илгари суради. Ўз ғоясига кўра сионизм сиёсий оқим бўлиб, мақсадига эришиш йўлида яхудий динидан фойдаланади.

Яхудийлик манбалари. Яхудий дини бошқа динлар каби ўзининг муқаддас ёзувларига эга. Унинг асосан иккита манбаси бўлиб, бири эр. ав. XIII асрда яшаган ва Исроил халқини Мисрдан олиб чиқиб кетишга бошчилик қилган Мусо пайғамбарга Тур тоғида берилган Тора (Таврот). Бу манба христианлар учун ҳам муқаддас ҳисобланганлиги учун у ҳақида христианлик мавзусида кенгроқ тўхталамиз.

Талмуд. Талмуд (қад. яхуд. тилида *ламейд* - *ўрганиш*) милoddан аввалги IV асрларда вужудга келган ва ёзма Торадан фарқли ўлароқ, авлоддан-авлодга оғзаки равишда ўтиб борган. Шунинг учун Торани ёзма қонун, Талмудни эса оғзаки қонун деб юритилган. Талмуд Мишна ва Гемара китоблари мажмуаси

бўлиб, Мишна раввинлар томонидан Тавротга ёзилган шарҳлар, Гемара эса Мишнага ёзилган шарҳлардан иборат. Талмуднинг Фаластин (Ўршалим) ва Вавильон (Бавлий) нусхалари мавжуд. Ўршалим Талмуди эрамизнинг III асрларида Бавлий талмуди эрамизнинг V асрида таҳрир қилинган.

Унда илгари яҳудийлар учун номаълум бўлган ўзига хос эсхатологик (яъни охират, қиёмат, марҳумларнинг тирилиши, у дунёдаги ажр ва жазо) тасаввурлар ўз аксини топган. Талмудда яҳудийликнинг маросимлари, урф-одатлари аниқ баён этилган бўлиб, улар 248 та васият ва 365 та тақиқни ўз ичига олади. Шунингдек, унда қадимий яҳудийлар орасида дин, партия, гуруҳлар (садуқийлар, фарзийлар, ессейлар)нинг келиб чиқиши ҳақида тарихий маълумотлар келтирилган. Унда баён этилган диний қонун-қоидалар, ақидалар, кўрсатмалар яҳудий динининг асосини ташкил этади.

Яҳудий маросимлари ва байрамлари. Яҳудийлар ўзларининг Яхвега нисбатан содиқ эканликларини исботлаш учун бир неча расм-русумларни ижро этадилар. Улар йиллик ва кунлик ибодатлардан, байрамлардан, маросимлардан иборат. Ибодат уйда ҳам синагогада ҳам бирдай олиб борилади. Яҳудийлар синагогасининг шарқий томонида Торанинг нусхалари сақланадиган сандиқ ва Раввин учун минбар қўйилган. Аёллар эркаклардан алоҳида ибодат қилишади. Синагогада ибодат *хор* шаклида олиб борилади.

Янги туғилган ўғил болалар саккизинчи куни хатна қилинади. Яҳудийликда бир неча тур озик-овқатлар, асосан чўчка, қуён, қўшоёқ, туя, яхлит туёқлилар, ўлаксахўр қушлар каби баъзи ҳайвон гўштларини ейиш тақиқланади.

Яҳудийларнинг йиллик байрамлари ичида энг эътиборлиси Пейсах (Пасха) байрамидир. Бу байрам христианларнинг пасхасидан фарқли ўлароқ, яҳудийларнинг Мисрдаги қулликдан қутулиб чиққанлари муносабати билан нишонланади. Қадимий яҳудийларда Пасха деб қўзичоқ гўшти ва винодан иборат кечки овқатга айтилган. Худо Мисрдаги яҳудий бўлмаган гўдакларни кириб ташлашга қарор қилганда улар ўз уйларининг пештоқини ўша қони билан бўяб ўзларини яҳудий эканликларини билдирганлар.

Яҳудийлар пасха байрамидан кейинги етти кун давомида тузсиз, хамиртурушсиз патир – *маца* ейдилар. Мацани ейиш билан ҳар бир яҳудий Мусо бошчилигидаги ўз ота-боболарининг чеккан машаққатларини ҳис этади. Бу байрам яҳудийларнинг қуёш-ой календарининг *Нисон* ойининг 14 куни (апрел ойининг ўрталарига тўғри келади) нишонланади.

Пасхадан кейинги 50-куни яҳудийлар *Шабуот (Шевуот)* байрамини нишонлайдилар. Бу байрам дастлаб деҳқончилик байрами бўлган, кейинчалик Синай тоғида Мусога Худо томонидан Торанинг берилишини нишонлаб ўтказиладиган байрамга айланган. У яҳудийларнинг календари бўйича *Сивона* ойининг 6-, 7-кунлари нишонланади.

Кузда яхудий календаридаги *Тишири* ойининг 1-2-кунлари (сентябр охири, октябр бошлари) янги йил байрами - *Рош-Ашона* нишонланади. Бу байрам яхудийлар учун покланиш байрами ҳисобланиб, улар қурбонлик қилинган кўчқор шохидан ясалган сурнайларни чаладилар, гуноҳлари қолмаслиги учун чўнтақларини тўнтариб яхшилаб қоқадилар.

Тишири ойининг 9-куни гуноҳлардан покланиш байрами - *Йом-Кипур* нишонланади. *Рош-Ашона* ва *Йом-Кипур* байрамлари ўртасида яхудийлар рўза тутадилар. Рўза кунлари улар ювинмайдилар, ялангоёк, эски-туски кийимларга ўраниб юрадилар. Синагогада надоматлар билан йиғлаб тавба қиладилар.

Пурим (куръа) байрами яхудий байрамларининг ичида энг қувнок ҳисобланади. Бу байрам яхудийларнинг уларни кириб ташламоқчи бўлган Форс подшоҳи Ҳомон зулмидан қутилганликлари шарафига баҳорда нишонланади. Уларни Ҳомондан ўз амакиси Мордехай кўлида тарбияланган Есфир исмли қизча қутқарган. Шунинг учун бу куни яхудийлар «Ҳомонга лаънатлар бўлсин», «Мордехайга Худонинг раҳматлари ёғилсин», деб қичкирадилар.

Яхудийлар Ўрта Осиёда. Маълумки, яхудийлар Ўрта Осиёга қадим замонлардан кўчиб келганлар. Уларнинг бу келишлари ҳақида турли хил ривоятлар мавжуд. Уларнинг ичида умум эътироф этилганларидан бири шуки, яхудийлар бу минтақага Эрон орқали кириб келганлар. Бу халқнинг Ўрта Осиёга ҳижрати кўп асрлар мобайнида давом этди. Тахминларга кўра, улар Ассурия қувғинлари пайтида – эр. ав. VII-VI асрларда Эронга кўчиб кела бошлаганлар. Ҳатто э.р. ав. VIII асрларда баъзи яхудийлар Исроилни тарк этиб, Миср, Эрон каби ўлкаларда бошпана топганликлари ҳақида ҳам хабарлар бор. Форс давлати маълум муддат Ўрта Осиёни ўз ҳукмлари остида тутиб турган ва худди шу даврда яхудийларнинг кўчиб келиши амалга ошган. Бу фикрни маҳаллий яхудийларнинг форс лаҳжаларидан бирида гаплашишлари ҳам қувватлайди. Уларнинг ҳаёт тарзлари, урф-одатлари қадимий яхудий, форс ва маҳаллий - Ўрта Осиё маданиятларининг қоришмасидан иборат. Тарихнинг турли жараёнларида бу уч маданиятдан баъзиларининг таъсири кучайиши ёки аксинча сусайиши кузатилган. XVIII асрнинг бошларида Ўрта Осиёда юз берган сиёсий жараёнлар туфайли яхудийлар Эрон, Афғонистон, Хива, Қўқон ва Бухоро жамоаларига бўлиниб кетди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Россия томонидан Ўрта Осиёнинг маълум бир қисмининг босиб олиниши яна яхудийларнинг Туркистон Мухторияти ва Бухоро Амирлиги жамоаларига бўлиниб кетишига олиб келди. Яхудийлик миллат дини бўлганлиги учун яхудийлар қаерда бўлмасин, бири-иккинчисидан қанча узоқ бўлмасин, ўқийдиган китоби – Таврот, эътиқод қиладиган дини ягона бўлиб қолаверди. XVIII асрда Ўрта Осиё яхудийлари тушкунлик даврини бошдан кечирдилар.

1793 йили ўзи Фарбий Африкадан бўлиб, Фаластиннинг Цфат шаҳрида яшовчи Иосиф Мамон Мағрибий ўз шаҳри яҳудийлар учун моддий ёрдам тўплаш мақсадида Бухорога келади. У бу ерлик яҳудийларнинг ўз динларидан узоқлаша бошлаганликларини кўриб, шу ерда қолишга ва миллатдошларига диний таълим беришга аҳд қилади. Яҳудийлар доимо тинч, кам аҳолили жойларда яшашни афзал кўрганлар. Агарчи Ўрта Осиёлик яҳудийларни *Бухоро яҳудийлари* дейилса ҳам, улар кўпроқ Самарқандда яшаганлар. XVIII асрнинг ўрталарида Нодир-шоҳ Самарқандни босиб олганида унинг лашкарлари орасида турклар, лазгинлар, афғонлар, эронийлар, шунингдек, яҳудийлар бўлганлар. Улар Самарқанднинг Шоҳ-Каш, Чор-Рага, Новадон, Қўшховуз каби гузарларида яшаб қолганлар. Бухоро ҳукумати Нодир-шоҳ даврида яҳудийларга нисбатан юмшоқ муомалада бўлган.



Сон жиҳатдан кўпайган яҳудийларнинг барчалари бир мавзегга жам бўлиб яшашни хоҳлашарди. Бироқ, Бухорода ҳам, унинг Шаҳрисабз, Каттакўрғон, Кармана каби вилоятларида ҳам яҳудийларни мусулмонлардан ажралган ҳолда алоҳида яшашга мажбур эдилар. 1843 йилнинг баҳорида маҳаллий яҳудийларга Самарқанднинг шарқий қисмидан 2,5 гектар жойни 10000 кумуш тангага сотиш ҳақидаги шартнома тузилди. Бу шартномани яҳудилардан 32 киши имзолади, давлат унинг ҳақиқийлигини тўрт муҳр билан тасдиқлади. Шундай қилиб, яҳудийлар ўзларининг биринчи маҳаллаларига эга бўлдилар.

ВЕДАЛАР ВА ВЕДА ДИНЛАРИ

Ведалар. Эрамиздан аввалги 2-минг йилликлар ўрталарида Ҳиндистонга Шимолдан ерлик аҳолидан тиллари ва ранглари фарқ қилган халқлар кириб кела бошладилар. Улар Европа тилларига ўхшаш бўлган *санскрит* тилида гаплашар эдилар, ўзларини эса *орийлар* (аслзодалар) деб атар эдилар. Улар ўзлари билан муқаддас ёзувларини ҳам олиб келдилар. Улар *Ведалар* (санскр. тилида - Башорат) эди. Унинг таркибига турли даврларда ёзилган бир неча китоблар кирган бўлиб, улар ибодат, маросимлар, фалсафий таълимотлар, тарихий ахборотларни ўз ичига олган эди. Ведаларнинг бошқа муқаддас (мас. Библия) ёзувлардан фарқли томони шунда эдики, улар ниҳоясига етказилмаган ва охири очик эди. Унга кейинги руҳонийлар томонидан ҳам қўшимчалар қўшиш имкони бор эди. Шунинг учун кейинчалик бу ёзувлар жуда ҳам

кенгайиб кетди. Ведаларда 33 та, баъзи манбаларга кўра 333 ёки 3339 та афсонавий худолар ҳақида мадҳиялар битилган. Бу худоларнинг энг машҳурлари - Индра, Варуна, Митра, Дяус, Адита, Агню, Вишну, Кришна.



Брахманлик. Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликларга келиб орийлар Ҳиндистонда ўзларининг князликларига эга бўлдилар. Ведаларнинг маросимлар ҳақидаги кўрсатмалари анча мураккаблашди. Шу даврга келиб аҳоли ўртасида брахманларнинг нуфузи ошиб кетди. Улар олдинги таълимотларни ислоҳ қилиб, янгича лийнй конун-қоидаларни ишлаб чиқдилар ва *брахманлик* динига асос солдилар.

Брахманлик таълимоти *касталар* (ижт.табақалар)га асосланган, яъни жамиятдаги инсонлар ўзларининг келиб чиқишлари, мансаблари ва ҳунарларига кўра турли табақаларга бўлинадилар. Брахманликда энг юқори каста брахманлар. Улар худонинг тилидан яратилган бўлиб, худолар номидан гапириш ҳуқуқига эга эдилар. Иккинчи каста *кшатрийлар*. Улар худонинг қўлидан яратилган инсонлар ҳисобланиб, подшоҳлар, князлар, жангчилар шулар жумласига киради. Касталарнинг яна бири *вайшлар*. Улар худонинг сонидан яратилган инсонлар ҳисобланиб, савдогарлар ва ҳунармандлар шу кастага мансубдирлар. Касталарнинг энг куйи табақаси *шудралар*дир. Улар худонинг оёғидан яратилган ҳисобланиб, оддий халқ, деҳқонлар шулар жумласига мансуб.

Брахманликнинг кастачилик асослари эр. ав. V асрларда яшаган Ҳиндистоннинг ярим афсонавий ҳукмдори Ману қонунларида мустаҳкамланган.

Брахманликдаги руҳнинг кўчиб ўтиш таълимоти Ҳиндистоннинг деярли барча дин ва фалсафаларига таъсир этган.

Ҳиндуийлик. Эрамиздан аввалги VI асрда Ҳиндистонда кейинчалик жаҳон динларидан бирига айланган Буддавийлик вужудга келди. У брахманликдаги бир неча элементларни қабул қилган бўлса-да, каста таълимотини инкор этди. Ўша даврда Ҳиндистондаги каста тузумини сақлаб қолишга, брахманлик динини ислоҳ қилиб, қайта тиклашга ҳаракат бошланди. Бу ҳаракат брахманлик билан буддавийлик ўртасидаги курашни ифодаловчи ҳиндуийлик эди. Ҳиндуийлик кўпхудолик дини бўлиб, унда брахманликнинг асосан учта худоси тан олинади; 1) коинотнинг яратувчиси бўлган Брахма; 2) дунё низомини ушлаб турувчи Вишну; 3) коинотни ҳалок қилиш қудратига эга Шива.

Ҳиндуийлик таълимотига кўра олам, ҳаётнинг барча шаклини Брахма яратган. Бироқ Брахма бу динда уч худонинг номигагина бошлиғи. Ҳозир Брахмага сиғиниш деярли йўқ. Ҳиндуийлар асосан Вишну ва Шивага сиғинадилар, уларга атаб қурбонликлар келтирадилар.

Ҳиндуийликда жаннат ва дўзах ҳақидаги тушунчалар ҳам мавжуд. Улар марҳумларни Ганг дарёси соҳилларида қуйдириб, кулини сувга оқизадилар.

Бу дин асосан Ҳиндистонда тарқалган бўлиб, мамлакат аҳолисининг 83% шу динга эътиқод қилади. Ҳиндуийликнинг уни қабул қилмоқчи бўлганларга кўядиган биринчи ва асосий шарти Ҳиндистондаги каста тузумини қабул қилишидир.

КОНФУЦИЙЧИЛИК

Қадимги Хитойда Лао-Цзи фалсафий таълимоти билан деярли бир даврда Кун-Цзи (Конфуций - милоддан аввалги 551-479)нинг фалсафий таълимоти ҳам пайдо бўлди. Конфуций - Қадимги Хитой файласуфи ва педагоги, Конфуцийчиликнинг асосчиси. Конфуций, гарчи, самони олий руҳий қудрат, аждодларга қурбонлик келтиришни уларни эъзозлашнинг асосий ифодаси деб билса ҳам, ўз таълимотида осмон сирлари муаммоларини деярли тилга олмаган ҳамда руҳлар ва нариги дунё каби тушунчаларга кам эътибор берган. Конфуцийнинг фалсафий ва ахлоқий ғоялари марказида инсон, унинг ақлий ва маънавий қиёфаси, оламдаги ҳамда жамиятдаги ўрни, вазифаси муаммолари туради.

Конфуций фикрича оламдаги барча мавжудот сингари инсоннинг тақдири ҳам самовий қудратга боғлиқ. Шунинг учун одамларнинг олийжаноблиги ёки тубанлиги, олий ёки паст табақага мансублигини ўзгартириб бўлмайди.

Бинобарин, подшоҳ - подшоҳлигича, фуқаро - фуқаролигича, ота - оталигича, фарзанд - фарзандлигича қолиши керак. Бундай ғоя, кўрамизки, мавжуд тузумни сақлаб қолишни назарда тутар эди. Шу билан бирга, Конфуций идеал, олий инсон, асл, мард киши концепциясини ишлаб чиққан. Бу концепцияга кўра, одамлар ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги мавқеи орқали эмас, балки одамийлик, адолатгўйлик, ҳақгўйлик, самимият, фарзандлик иззат-ҳурмати каби юксак маънавий фазилатларга эришиш туфайли юксак камолотга етишуви мумкин.

Конфуцийнинг фалсафий таълимоти кейинчалик Хитойда ҳукмрон динларнинг бирига айланган ва Конфуцийчилик деб ном олган диннинг асоси бўлди. (милоднинг бошларида). Конфуцийчилик манбаи - Конфуций издошлари ёзган «Лунг-Юй» (Сухбатлар ва мулоҳазалар, милоддан олдинги VI аср) китобидир. Конфуцийчилик Лао-Цзи таълимотидан тубдан фарқ қилади.

У жамиятни ижтимоий ларзалардан асраб қолишга интилган феодал амалдорларнинг қарашлари ва манфаатларини ҳимоя қилган. Конфуцийчиликнинг мақсади - халқни мавжуд тартиб-қоидаларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашдир. Бу дин ақидасига кўра, жамиятда осмондан юборилган «Женг» (Инсонпарварлик) қонуни амал қилади. Бу қонунни ўрганиб олиш учун инсон «Ли»га, яъни ижтимоий ахлоқ нормаларига, қоидаларига, анъанавий маросимларга амал қилиши, ўзининг жамиятдаги даражасига қараб иш тутиши зарур.

Конфуцийчилик белгиланган диний тартибларга қаттиқ амал қилишни талаб этади. Конфуцийнинг ўзи ҳаётлигида диний тартибларни сидқидилдан бажарган.

Эндиликда, ҳар бир оиланинг ўз ибодатхонаси бўлиши зарур бўлди. ҳар бир оила ўз ибодатхонасига аجدодларнинг тимсоли бўлган «Чжу» тасвирини жойлаштиради. Унинг ёнига қурбонликларни кўяди ва диний маросимларни ижро этади.

Конфуцийчиликда ижтимоий-ахлоқий масала алоҳида ўрин эгаллайди. Шу маънода Конфуций таълимотини инсон хатти-ҳаракати ҳаёти меъёрлари ҳақидаги таълимот дейиши ҳам мумкин эди. Инсонлар ўртасидаги ҳаёт тарзи анъанавий беш муносабатдан иборатлиги қайд этилган:

- давлат бошлиғи билан амалдорлар ўртасидаги муносабат;
- ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги муносабат;
- эр билан хотин ўртасидаги муносабат;
- катта ва кичик ака-укалар ўртасидаги муносабат;
- дўст-биродарлар ўртасидаги муносабат.

Бу таълимотда шундай кадриятлар ҳам борки, унга қойил қолмай илож йўқ. Биргина мисол келтирамиз:

Ўғил ота-онаси олдида қуйидаги бешта вазифани бажариш шарт эди:

1. ҳар доим ота-онани тўла ҳурмат қилиш;
2. уларга энг суюкли таомни келтириш;
3. улар бетоб бўлиб қолганларида чуқур қайғуриш;
4. улар вафот этганларида юрак-юракдан ачиниш;
5. улар хотирасига тантанали равишда қурбонликлар қилиш.

Конфуцийчиликда диний маросимларнинг асосий мазмуни - Конфуцийчиликка қадар мавжуд бўлган анъаналарни, уруғ-қабилавий маросимларни мустаҳкамлаш, қонунлаштиришни ташкил этарди. Чунки конфуций ўзининг ҳеч қандай янги таълимот яратмаганлигини фақат эски маросимларга, тартиб-қоидаларга қаттиқ риоя этишни талаб қиларди. Бу ўринда унинг қуйидаги сўзларини келтиришни мақсадга мувофиқ деб билдик: «Қадимдан жорий этилган маросимлар сақланмас ёки улар бекор қилинар эди,

унда ҳамма нарса аралашиб кетади, издан чиқади. Никоҳ маросимини йўқ қилинг-чи, унда эр-хотинлик бўлмайди, бу билан боғлиқ катта-катта жиноятларга йўл очилади ёки дафн этиш ва қурбонлик қилиш маросимини йўқ қилингчи, унда болалар вафот этган ота-оналари хотираси тўғрисида ўйламай, тирикларга эса хизмат қилмай қўядилар; Пин-Цзин маросимини йўқ қилингчи - унда подшоҳ билан амалдор ўртасидаги фарқ йўқ бўлиб кетади, кичик-кичик князчалар ўз бошимчалик қила бошлайдилар, натижада таъқиб этиш ва зўравонлик бошланади».


Хитой халқи тарихида қадимги маросимлар катта ўрин тутганлигини Конфуций яхши билар эди. Шунинг учун ҳам Хитой халқ анъаналарини, маросимларини ўзининг таълимотида асосий мазмунга айлантирган. Хитойликлар учун энг ёмон фожеа - эркак томонидан авлоднинг қолмаслигидир. Улар авлодлари қолмаса, биз ўлганимиздан сўнг ким бизларни ёд этади деб қаттиқ қайғуга тушадилар.

Конфуцийчиликнинг бош худоси - осмон Худоси эди. Кейинчалик Конфуцийнинг ўзи ҳам илоҳийлаштирилган. Унинг шарафига, ҳатто императорнинг ўзи ҳам диний маросимларни бажо келтирар эди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Чунки, Конфуцийчилик оддий халқ устидан «аслзодалар»нинг ҳукмронлигини оқларди. Бу динга кўра айни пайтда императорнинг ўзи олий Худонинг ердаги вакили эди. Конфуцийчиликда императорга қарата ёзилган куйидаги маслаҳат ҳам бор эди: «Агар император бирор катта мақсадни амалга оширмоқчи бўлса, у албатта аждодлари ибодатхонасига бориши лозим. Қилмоқчи бўлган ишидан, ўзининг мақсадидан авлодларини хабардор этмоғи керак. Шу пайтда у осмонда юлдузларнинг ҳолатига қарамоғи, улар қулай жойлашганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг ўзининг мақсадини амалга оширмоғи мумкин».

ДАОСИЗМ

Даосизм - аслида фалсафий таълимот бўлиб, у милоддан аввалги IV-III асрларда Хитойда пайдо бўлган. Унинг асосида милоддан аввалги II асрда даосизм дини шаклланди.

Даосизмнинг фалсафий принциплари «Дао-Дэцзин» китобида баён этилган. Бу асар ўтмишдаги Хитой донишманди Лао-Цзи қаламига мансубдир. Лао-



Цзининг тарихийлиги хусусидаги масалага синологлар шубҳа билан қарайдилар.

Асарнинг асосий тушунчаси «дао» (йўл) бўлиб, у оламнинг моҳияти ва бош сабаби, дунёнинг турли-туманлиги манбаи, барча нарсаларнинг онаси деб тушунилган. Бу, гўё қандайдир йўл бўлиб, атрофни ўраб олган олам ва барча кишилар шу йўл билан бориши лозим. «Дао» диний мазмун касб этган йўлгина бўлиб қолмай, айти пайтда у ҳаёт тарзи, усули, принциплари ҳам эди.

Даосизм динининг асосий рамзи Дао бўлиб, у осмон худоси рамзига яқин эди. Унга кўра, ҳар бир бахтиёр бўлишни истаган одам Даони таний олиши ва у билан бирлашиб кетиши зарур. Чунки, одам *микросм (кичик дунё)* бўлиб, у ҳам микросмдек абадийдир. Инсоннинг вафоти билан руҳ танадан ажралиб чиқиб, микросм билан бирлашиб кетади. Инсоннинг вазифаси у ўлмай туриб, руҳи Даога қўшилиб кетишига интилишдир. Бу нарсага қандай эришиш мумкин деган саволга Дао таълимотида жавоб берилган.

Лао-Цзининг таълимотига кўра, Дао йўли «Де» кучига мосдир. Фақатгина шу кучда Дао шахси намоён бўлади. «Де»нинг маъноси *фаолиятсизлик* бўлиб, тўлақонли фаолиятни инкор этишдир. Демак, илоҳий мукофотга Даонинг мақомига яхши ишлар билан эришишга тиришган одам эмас, балки медитация ва ўзининг ички дунёсига фарқ бўлиш жараёнида ўзини тинглашга ҳаракат қилган ва ўзи орқали дунё тузилиши маромини тинглаш ва унга эришишга ҳаракат қилган одам етишади.

Шундай қилиб Даосизмда ҳаёт моҳияти абадийликка, ўз илдизларига қайтиш деб тушунилади.

ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИ

Зардуштийлик дини эрамиздан аввалги VII-VI асрларда Ўрта Осиё ва Қадимий Эронда юзага келган диндир. Бу дин *Заратуштра* (ёки *Зардуст*, ёки *Зароастр*) номи билан боғлиқ. Тадқиқотчилар ўртасида Зардуштнинг тарихда бўлган ёки бўлмаганлиги борасида турли фикрлар мавжуд. Баъзилар уни тарихий шахс деб билишса, яна бошқалар уни афсонавий шахс деб ҳисоблайдилар. Манбаларнинг хабар беришича, у эрамиздан аввалги, тахминан, 570 йилларда туғилган илоҳиётчи, файласуф, шоирдир. Зардушт Ўрта Осиёдаги кўпхудоликка асосланган қадимий диний тасаввур ва эътиқодларни ислоҳ қилиб янги динга асос солди.

Зардуштнинг туғилган ва илк диний фаолиятини бошлаган жойи тўғрисида икки фикр мавжуд: биринчиси «Ғарб теорияси» бўлиб, унга кўра Медиа (ҳозирги Эрон худудида) Зардуштнинг ватани ва зардуштийликнинг илк

тарқалган жойи ҳисобланади. Бу фикр тарафдорларининг далили - биринчидан зардуштийликнинг Қадимий Эрон ҳудудларида кенг тарқалганлиги бўлса, иккинчидан зардуштийликнинг муқаддас китоби саналмиш Авестонинг бизгача етиб келган нусхаси қадимий эрон-пахлавий тилида ёзилганлигидир.

Яна бир бошқа фикр «Шарқ теория»си бўлиб, бунга кўра Зардушт ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган жойи Хоразм ҳисобланади ва кўпчилик манбашунослар шу теория тарафдоридирлар. Хоразм биринчи бўлиб Зардуштийлик муқаддас олови «Атар - хурра» ёқилган ва Ахурамазда Зардушт билан боғланган жой ҳисобланади. Зардуштийликнинг асосий манбаси ҳисобланган Авестода: «биринчи бор муқаддас олов «Атархурра» «Эран-веж» (баъзи манбаларда «Айриан веджа»)да ёқилди» дейилади.

«Эран-веж»нинг географик ва иқлимий тавсифи Хоразмникига тўғри келади.

Авестода Ахурамазда томонидан берилган «Барокот ва нажот» соҳиби бўлган бир қатор мамлакатларни зикр этилади ва уларнинг энг биринчиси деб, «дунёда ҳеч нарса унинг чиройига тенг кела олмас Эран-веж», кейин «одамлар ва чорва подаларига мўл» Согд (Суғд), «Қудратли ва муқаддас» Моуру (Марв), «Баланд кўтарилган байроқлар мамлақати» Батхи (Бактрия) зикр этилади.

Авестода, шунингдек, Зардушт туғилган ва ўз фаолиятини бошлаган юрт ҳақида ҳам маълумот берилади. Айтилишича, «Шундай мамлакатни кўп сонли лашкарларни ботир саркардалар бошқарадилар, баланд тоғлари бор, яйлов ва сувлари билан гўзал, чорвачилик учун барча нарса муҳайё, чуқур, сувга мўл кўллари бор, кенг қирғоқли ва кема юрар дарёлари ўз тўлкиларини Иската (Скифия), Паурута, Моуру (Марв), Харева (Ария) Бава (Суғд ҳудудида), Хивайризима (Хоразм) мамлақатлари томон элитувчи дарёлари бор».

Шубҳасиз, «Кенг қирғоқли, кема юрар дарёлар» бу Аму ва Сирдарё бўлиб, Авесто тасвирлаган мазкур шаҳарлар Ўрта Осиё шаҳарларининг бу икки дарё қирғоқларида жойлашганларидир.

Шунга асосланиб, биз Зардуштнинг ватани, Зардуштийликнинг илк макони ва Авестонинг келиб чиқиш жойи деб Хоразм, Суғд, Фарғона ёки Бактрияни айта оламиз.

Авестонинг «яшт» қисмида баён этилишича Зардуштнинг ватандошлари унга ишонмайдилар, ва унинг таълимотини қабул қилмайдилар. Зардушт ватанни тарк этиб, кўшни давлатга кетади, у ернинг маликаси Хутоаса ва Шоҳ Виштаспанинг хайрихоҳлигига эришади, улар Зардушт таълимотини қабул қиладилар. Натижада кўшни давлат билан уруш бошланиб, Виштаспа ғалаба қозонади. Шундан сўнг бу таълимот халқлар ўртасида кенг тарқала бошлаган.

Шоҳ Виштаспа фармонига биноан Зардуштнинг 1200 бобдан иборат пандномаси Авестонинг қадимий қисми «Готни» ёзиб шоҳнинг оташкадасига топширган.

Зардуштийлик таълимоти. Зардуштийлик таълимоти Ўрта Осиёда ибтидоий даврда мавжуд бўлган табиат кучларини илоҳийлаштирувчи эътиқодларга нисбатан прогрессив, монотеистик таълимотдир. У беҳуда қон тўқувчи қурбонликлар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик урушларини қоралаб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечиришга, меҳнатга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват этади.

Моддий ҳаётни яхшилашга уринишни ёвузликка қарши кураш деб ҳисоблайди. Зардуштийлик динида кўриқ ер очиб уни боғу роғга айлантирган одам илоҳиёт раҳматига учрайди, аксинча, боғлар, экинзорларни, суғориш иншоотларини бузганлар катта гуноҳга қолади. Зардушт ўз таълимоти билан инсонларга тинч-тотув яшашни, ҳалол меҳнат қилишни ўргатмоқчи бўлади. У ўз таълимотини инсонларнинг бу дунёдаги ҳаётига яраша нариги дунёдаги тақдири ҳал бўлажак, ҳар бир инсон ўлгандан сўнг ўзининг бу дунёдаги қилмишига яраша ёки абадий роҳат - *жаннат*га, ёки ёмон ишлари кўп бўлса на хурсандлик ва на хафалик кўрмайдиган аросат жой - *мисвонгату*га тушади, деган ғояга асослантирган.

Зардуштийлик таълимотининг асоси олам қарама-қаршиликлари кураши асосига қурилган. Яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, ҳаёт ва ўлим ўртасида абадий кураш давом этади. Барча яхшиликларни Ахурамазда ва барча ёмонликларни Анхрамайню ёки Ахриман ифодалайди.

Ахурамазда инсонларга эзгу ишларни баён этиб, уларга амал қилишни, ёмон ишларни баён этиб, улардан сақланишни буюради.

Зардуштийликда имон учта нарсага асосланади: фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги, ҳар бир Зардуштий кунига беш марта ювиниб, покланиб, қуёшга қараб уни олқишлаб сиғиниши шарт бўлган.

Зардуштийлик ибодатхоналарида доимий равишда олов ёниб туради. Уларда дунёдаги тўрт унсур - сув, олов, ер ва ҳаво улуғланади.

Зардуштийлик дафн маросими ўзига хос бўлиб, ўлганлар бир неча паст, баланд «сукут миноралари» - дахмаларга солинади, у ерда мурдаларнинг гўшларини қушлар еб, суяқларини тозалайди. Гўшдан тозаланган суяқлар минора ўртасидаги кудуққа сочиб юборилади. Бунда «ҳалол» билан «ҳаром»нинг бир-бирига яқинлашмаслигига эришилади.

Зардуштийлик дини жаҳон миқёсида энг қадимги динлардан бири ҳисобланиб, эрамиздан аввалги VII-VI асрлар Ўрта Осиё, Озарбайжон, Эрон ва Кичик Осиё халқларининг эътиқод қилувчи динлари ҳисобланган.

Эроншоҳлар даврида Эронда расмий давлат динига айланган. Бироқ бу даврда уни руҳонийлар, зодагон ҳокимлар ўз манфаатларига бўйсундирганлар.

Ўрта Осиёни араблар исломлаштиргунларига қадар, зардуштийлик маҳаллий халқларнинг асосий динлари ҳисобланган.

Ҳозирги кунда зардуштийликка эътиқод қилувчилар сони кескин камайиб кетган. Улар Ҳиндистоннинг Бомбай, Гужарот штатларида (115.000га яқин) ва Эроннинг баъзи чекка вилоятларида сақланиб қолганлар. Бомбайда зардуштийларнинг маданий маркази Кома номидаги институт фаолият олиб боради.

Зардуштийликнинг асосий манбаси ва муқаддас китоби ҳисобланади. Авесто Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг исломгача даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятини ўрганишда муҳим ва ягона манбадир. Унинг таркибидаги материаллар қарийб 2 минг йил давомида вужудга келиб, авлоддан-авлодга оғзаки равишда кўчиб борган.

Ахурамазданинг расмий тус олишига қадар унинг Зардушт орқали ваҳй қилинган илоҳий хабарлари Турон ва Эрон замини халқлари орасида асрлар давомида турли диний маросимлар, дуолар, мадҳлар, сура ва оятлар сифатида йиғила бошлаган. Булар Зардуштнинг ўлимидан кейин китоб ҳолида жамланган ва «Авесто» (ўрнатилган, қатъий қилиб белгиланган қонун-қоидалар) деб ном олган.

Афсуски, бу энг қадимги ёзма адабиёт, ахлоқ-одоб қоидаларини ўзида мужассамлаштирган асар бизгача тўлиқ етиб келмаган. Авесто ҳақида буюк олим Абу Райхон Беруний шундай ёзади: «Йилнома китобларида бундай дейилган: Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида (Абистонинг) ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан бери Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди».

Авестонинг Александр Македонский томонидан Грецияга олиб кетилгани, зарур жойларини таржима эттириб, қолганини куйдиртириб юборганини, ўн икки минг қорамол терисидаги тилло матн ҳақидаги (Табарийда 12000 пергамент) кейинги даврларда яратилган Зардуштийлик адабиётида («Бундахишин», «Шаҳрихон Эрон», «Денкард» (IX аср), «Арда Вираф-намак» (IX аср), «Тансар хатлари» (VI аср), «Муруж аз-заҳаб», «Форснома» ва бошқа маълумотлар бор. Бу асарларда юнонийлар оташхоналарни вайрон қилганлари, ибодатхоналар бойликларини талон-тарож этганлари, дин арбобларини ўлдириб, асир олиб кетганликлари ҳақида ёзилади. Ҳозир бизгача етиб келган

Авесто, Берунийнинг ёзишича, аслининг бешдан икки қисми холос. Авесто ўттиз «наسخ» эди, мажусийлар қўлида ўн икки насх чамаси қолди».

Ёзма манбаларга кўра ҳақиқатан ҳам Авесто мўбидлар орасида авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб, асрлар оша яширин сақланган. Даставвал (1 ёки 2 асрларда) Аршакийлар даврида Авесто қисмларини тўплаш бошланган. Кейинча Сосонийлар даврида, Ардашер Папакан (227-243) даврида ёзиб олинган. Айниқса, Шопур (243-273) даврида астрология, табобат, риёзиёт ва фалсафага оид қисмлари ёзиб олиниб, ҳамма қисмлари тартибга келтирилган, кейинчалик бу асосий матн тўлдириб борилган. Авестонинг ана шу тўлдирилган нусхасининг икки тўлиқ қўлёзмаси Ҳиндистонда сақланади: бири Бомбайда зардуштийларнинг маданий маркази бўлмиш Кома номидаги институтда; иккинчиси Калькуттадаги давлат кутубхонасида. Ҳар иккаласи *парфян* ёзувида.

Бизнинг фикримизча, Жанубий Уралдаги ўтга сиғинувчи халқларнинг дини ҳали маслак, назарий жиҳатдан ишлаб чиқилмаган бўлса керак. Авестонинг 13,17,149 яштларида аирия, туирия, саирима, саина, даха қабилалари зардуштийлик динини қабул қилишди.

Натижада Авестонинг энг қадимги қисмлари, яштлар юзага келади. Инсоният тарихида биринчи бўлиб Зардушт инсонларнинг бу дунёдаги ҳаётига яраша нариги дунёдаги тақдири ҳал бўлажаги ҳақидаги таълимотни юзага келтирди.

Авестонинг сақланиб қолган тўртта китобидан биринчисининг номи «Вадовдот» (девларга қарши қонун) деб аталади. У йигирма икки боб бўлиб, асосан Зардушт билан Ахурамазданинг савол-жавоблари ва мулоқотларидан иборат. Иккинчи китоб «Ёсин» деб аталади. Ва унинг мазмунини асосан Зардуштнинг хатлари (номалари) ёки «Гат»лари ташкил этади. У етмиш икки «Ҳа», яъни башоратдан иборатдир. Биринчи башоратда табиат ва ҳалолликлар ҳукмдори, ҳамма нарсани биладиган ва ҳамма нарсага қодир Ахурамазданинг ваҳйлари ҳақлигига имон келтиришга доир дуолар мавжуддир. Учинчи китоб «Виспорат» деб номланган. У йигирма тўрт бобдан иборат бўлиб, оламни билишга доир панд-насихатлардан иборатдир. Уни ибодат намозлари йиғиндиси ҳам дейишади. Айни пайтда «Ёсин»га қўшимча ҳисобланади. Тўртинчи китоб «Бундахаш» деб аталиб, у қадимий Эрон (*пахлавий*) тилида ёзилган. Унда худонинг золим кучларга қарши курашда улуғловчи ўзига хос йигирма иккита қадимий қўшиқлар мажмуаси жой олган.

Авесто ҳақида энг муҳим манба IX асрга оид «Денкард» (дин амаллари) асаридир. Унда Авестонинг йигирма бир китоби тўла таърифлаб берилган. Бу таърифлар: савобли ишлар йўриқномаси; диний маросимлар ва расм русмлар коидаси; зардуштийлик таълимоти асослари; дунёнинг Ахурамазда томонидан

яратилиши; охират куни ва ундаги ҳисоб-китоб; фалакиёт; ижтимоий-ҳуқуқий конун-қоидалар; Зардуштининг туғилиши ва болалиги; ҳақ йўлини тутиш; жамият аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқлари; девлар, жинлар каби ёвуз кучларга қарши ўқиладиган дуолар, амаллар ва бошқалардан иборатдир.

Зардуштийлик дини ҳақида инглиз олими Дж.Бугер, француз олими А.Дюпперон жуда қимматли маълумотлар қолдирган. Масалан, А.Дюпперон 1755 йилда Ҳиндистонга илмий сафар қилиб, у ердаги зардуштийлар орасида уч йил яшаган, уларнинг ибодатлари, урф-одатларини яхши ўрганган ва Авестони француз тилига таржима қилган. Уч жилдлик таржима 1771 йилда нашр этилган. Айти пайтда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, олимларимизнинг фикрича Авесто Фарбий Европа, Эрон ва Ҳиндистон тиллари орқали бизга етиб келгани учун ундаги номлар, атамалар аксарият ҳолларда аслига тўғри келмайди. Авестода туркона жиҳатлар кам қолган.

БУДДАВИЙЛИК



1. Буддавийлик - учта дунё динлари ичида энг қадимийси ҳисобланиб, эрамиздан аввалги VI - V асрларда Ҳиндистонда юзага келган. Бу динга эътиқод қилувчилар, асосан, Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё мамлакатларида, Шри-Ланка, Ҳиндистон, Непал, Бутан, Хитой, Сингапур, Малайзия, Монголия, Корея, Вьетнам, Япония, Комбодже, Бирма, Тайланд, Лаосда ва қисман Европа ва Америка қитъаларида, Россиянинг шимолий минтақалари - Бурятия, Қалмиқистонда истиқомат қиладилар.

Ҳозирги кунда дунёда буддавийликка эътиқод қилувчилар сони қанчалиги аниқланмаган, чунки кўпгина мамлакатлар ҳуқуқ нормаларига кўра қайси динга эътиқод қилувчилар сони қанча деб ҳисобот ишлари олиб борилмайди. Бироқ тахминан олинганда ҳозирги кунда дунёда буддавийлар сони 400 млн.га яқин бўлиб, улардан 1 млн.га яқини *монахлар*дир.

Буддавийлик бундан 2500 йилдан аввалроқ Ҳиндистонда диний фалсафий таълимот сифатида вужудга келиб, унда кўплаб қонуний манбалар ва кўп сонли диний йўналишлар мавжуддир.

Буддавийликнинг турли миллатлар томонидан кенг қабул қилиниши ва унинг кенг доирада тарқалиб кетишининг сабаби унинг турли миллий ва диний анъаналар билан кириша олиши бўлиб, бу нарса буддавийликнинг ҳаётнинг барча соҳалари, жумладан, диний, маданий, сиёсий ва иқтисодий қатламларга кириб боришига сабаб бўлди.

Буддавийликни дин ёки фалсафа, идеология ёки маданият қонунлари тўплами ёки ҳаёт тарзи деб баҳолаш мумкин.

Ҳозирги буддавийликка эътиқод қилиб келаётган шарқ мамлакатларидаги буддавийлик таълимотини ўрганиш у ердаги сиёсий-иқтисодий, маънавий маданиятини тушунишнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Бу давлатларда буддавийлик қоида ва анъаналари буддавийликка эътиқод қилувчилар назарида марказий ҳукумат қонунларидан кўра устун туради. Бу нарса замирида буддавийликнинг потенциал кучи ётади.

2. Буддавийлик асосчисининг шахси. Буддавийлик асосчиси ҳақиқий тарихий шахсдир. Бу кўплаб буддавийлик билан шуғулланган тадқиқотчи олимлар бизгача етиб келган манбалар асосида исбот қилганлар. Буддавийлик асосчиси ҳақида хабар берувчи фольклор ва бадиий адабиётлар уни Сиддхартта, Гаутама, Шакьямуни, Будда, Тадхагата, Джипа, Бхагаван каби исмлар билан зикр этадилар. Бу исмларнинг маънолари қуйидагича: Сиддхартта - шахсий исми, Гаутама - уруғ исми, Шакьямуни - шаклар ёки шакия қабиласидан чиққан донишманд, Будда - нурланган, Тадхагата - шундай қилиб шундай кетган, Джина - ғолиб, Бхагаван - тантана қилувчи. Бу исмлар ичида энг машҳури Будда исми бўлиб, шу исмдан унинг динига *буддавийлик* (*буддизм*, *буддийлик*) номи берилган.

Ҳозирги кунда Будданинг бешта биографияси маълумдир: «Махавосту» - эрамизнинг II асрида ёзилган, «Лалитавистара» - эрамизнинг II-III асрларида юзага келган, «Буддахачарита» - Будда файласуфларидан бири Ашвагхошей томонидан эрамизнинг I-II асрларида яратилган, «Ниданакатха» - эрамизнинг I-асрида ёзилган ва «Абнихишкрамансутра».

Бу биографиялар орасидаги асосий зиддият Будданинг қайси йилларда яшаганлиги хусусидадир. Улар эрамиздан аввалги IX-III асрлар орасидаги турли муддатларни кўрсатадилар. Расмий буддавийлик ҳисобига кўра эса Бутама - Будда эр. ав. 623 йилда туғилиб, 544 йилда вафот этган. Бироқ, кўпчилик тадқиқотчилар унинг туғилиши эр. ав. 564 йилда, ўлими эса 483 йилда деб ҳисоблайдилар. Баъзан 560 - 480 деб тўлиқ сонлар билан кўрсатадилар.

Юқорида зикр қилинган биографияларда Будданинг ҳақиқий ҳаёти билан унинг афсонавий ҳаёти ўзаро қоришиб кетган.

Сиддхартта Шакья қабиласининг подшоҳларидан бири Шуддходананинг ўғли эди. Унинг саройи Химолай тоғлари этагида Капилавасти деган қишлоқда бўлган. (Ҳозирда Непал ҳудудида). Онаси - малика Майя. Подшоҳ ўғлини орзу ҳаваслар оғушида тарбиялар, уни ҳеч бир камчиликсиз катта қилади. Улғайиб кўшни подшоҳлардан бирининг қизи Яшадхарага уйланади ва ўғил кўриб, унга Рахула деб исм қўяди.

Ҳеч бир қийинчилик ва камчилик кўрмай ўсган бола Сиддхартха иттифиқо қариган чолни, беморни, оғир меҳнатли бир роҳибни учратади. Бундан қаттиқ таъсирлаган шаҳзода инсониятни қийинчилик ва азобдан қутқариш йўлларини ахтариб саройни ташлаб кетади. Бу вақтда у 30 ёшда эди. У бешта роҳибга кўшилиб, улар билан қишлоқма-қишлоқ кезиб юради. Кўп вақт бу роҳибларга ҳамроҳлик қилиб, уларнинг йўлларида маълум мақсад йўқлигини ва бу йўл ўз олдига қўйган мақсади - инсониятни азоб уқубатдан қутқаришга олиб бормаслигини англайди ва роҳиблар жамоасидан ажралади.

У чакалакзор ўрмонларда кезиб, чарчаб бир дарахти тагида дам олиш учун ўтиради ва ўзига токи ҳақиқатни топмагунча шу ердан турмасликни ваъда беради.

Бу ўтиришнинг 49 кунининг қалбидан «Сен ҳақиқатни топдинг» деган садо келади. Шу пайтда унинг кўз олдига бутун борлиқ намоён бўлади. У ҳамма жойда шошилиш, қаёққадир интилишни кўради. Ҳеч бир жойда осудалик йўқ эди. Ҳаёт ниҳоясиз узоқликни кўзлаб ўтиб кетаётган эди. Инсон ақли етмас бир куч - Кришна - яшаш, мавжуд бўлиш умиди барчанинг тинчини бузар, ҳалок қилар ва яна қайта яратар эди. Мана энди Будда кимга қарши курашиш кераклигин англади. Шу ондан у Будда - нурланган деб аталди. У тагида ўтирган дарахт эса - нурланган дарахт деб атала бошлади.

Будда ўзининг биринчи даъватини Варанаси яқинидаги Ришипатана боғида, ўзининг беш роҳиб дўстларига қилди ва ўшалар унинг биринчи шогирдлари бўлдилар.

Шу кундан бошлаб Будда ўз шогирдлари билан қишлоқма-қишлоқ юриб ўз таълимотни тарқатиб ўзига янги издошлар орттиради. Будда 40 йил давомида ўз таълимотини Ҳиндистоннинг турли жойларига етказди ва 80 ёшида Куштнагара деган жойда дунёдан ўтди. Унинг жасади ҳинд удумига кўра у ерда кўйдирилиб, унинг хоки 8 та будда жамоаларига бўлиб юборилди ва ҳар бир жамоа уни дафн этган жойида ибодатхона барпо этди.

Будданинг ҳаёти ҳақида турли афсоналар ҳам тўқилган. Бу афсоналарда айтилишича, Будда кўп йиллар давомида ер юзидаги турли мавжудотлар қиёфасида қайта туғилган: 84 марта руҳоний, 58 марта подшоҳ, 24 марта роҳиб, 13 марта савдогар, 18 марта маймун, 12 марта товук, 8 марта ғоз, 6 марта фил шунингдек балиқ, қурбақа, каламуш, куён каби қиёфаларда қайта туғилган. Жами 550 марта қайта туғилган. У доимо қаерда, қай қиёфада туғилишини ўзига ўзи белгилаган.

Сўнгги марта уни худолар инсониятни тўғри йўлга бошлаши учун инсон қиёфасида яратганлар. Бу афсоналарнинг баъзиларига кўра ер юзида Гаутамага қадар 6 та будда ўтган. Шунинг учун буддавийликнинг баъзи муқаддас жойларида 7 та ибодатхона барпо этилган. 7 та Ботха дарахти

ўтказилган. Баъзи афсоналар 24 та Будда авлоди ўтган деса, баъзилари минглаб Буддалар ўтган деб даъво қилади.

3. Буддавийлик таълимоти. Буддавийлик қадимий Ҳинд диний - фалсафий таълимотлари асосида вужудга келган, амалиёт ва назариётдан иборат диний тизим дир. Унинг асоси «Ҳаёт - бу азоб, уқубатдир» ва «нажот йўли мавжуд» деган ғоядир. буддавийлик қонуниятларига кўра инсон ўзига мослашган мавжудот бўлиб, ўзида туғилади, ўзини ўзи ҳалок қилади ёки қутқаради. Бу нарса Будданинг илк даъватида мужассамлашган 4 ҳақиқатда ўз ифодасини топган.

Биринчи ҳақиқат - «Азоб уқубат мавжуддир». Ҳар бир тирик жон бошидан кечиради, шунинг учун ҳар қандай ҳаёт - қийноқ, азоб-уқубатдир.

Туғилиш - қийноқ, касаллик - қийноқ, ўлим - қийноқ, ёмон нарсага дуч келиш - қийноқ, яхши нарсадан айрилиш - қийноқ, ёмон нарсадан айрилиш - қийноқ, ўзи хоҳлаган нарсага эга бўлмаслик - қийноқ. Дунё тузилишининг асосий қонуни бир-бирига боғлиқлик. Ҳеч бир нарса маълум сабабсиз яралмайди. Лекин ҳар бир ҳодиса ёки ҳаракатнинг бирламчи сабабини аниқлаш мумкин эмас. Шунинг учун буддавийлик дунёни шу ҳолича қабул қилишга чақиради.

Буддавийлик таълимотига кўра, ҳар қандай нарса ёки ҳодиса у ҳоҳ моддий ёки маънавий бўлсин Дхарма (элемент)лардан тузилган. Бу элементлар ўз хусусиятига кўра ҳаракатсиз бўлиб, уларни ҳаракатлантирувчи куч инсоннинг хаёллар ва сўзларидир. Объектив ҳақиқат бу доимий равишда ўзгариб турувчи Дхармалар оқимидир. Ҳаракатдаги Дхармалар мавжудлигининг 5 формасини яратади: тана, сезги, ҳис-туйғу, ҳаракат, англаш. Бу беш форма инсонни ташкил қилади. Инсон улар ёрдамида яшайди ва борлиқ билан алоқада бўлади, яхши ёки ёмон ишларни бажаради. Бу нарса инсоннинг ўлими билан тугалланади. Инсонни ташкил қилувчи беш форма (*скандх*) ўз навбатида қайта туғилади. Янги тананинг хусусиятлари асос бўлувчи беш натижани беради: фаолият, гумроҳлик, хоҳиш, истак ва норма. Бу процесс «ҳаёт ғилдираги»ни ташкил қилади. «Ҳаёт ғилдираги»да доимий равишда айланиб, инсон абадий қийноққа дучор бўлади.

Иккинчи ҳақиқат - «қийноқларнинг сабаблари мавжуддир». Инсон моддий нарсалар ёки маънавий қадриятлардан фойдаланиб, уларни ҳақиқий ва доимий деб ҳисоблайди ва доимо уларга эга бўлишга интилади. Бу интилиш ҳаёт давомийлигига олиб боради. Яхши ёки ёмон ниятлардан тузилган ҳаёт дарёси, орзулар ва интилишлар сабабли келажак ҳаёт учун *карма* ҳозирлайди. Демак, қайта туғилиш, янгитдан қийноқларга дучор бўлиш давом этади. Буддистлар фикрича Буддадан кейин ҳеч ким Нирвана ҳолатига эриша олмаган.

Учинчи ҳақиқат - «қийноқларни тугатиш мумкин». Яхши ёки ёмон ниятлар, интилишлардан бутунлай узилиш Нирвана ҳолатига тўғри келади. Бу ҳолатда инсон қайта туғилишдан тўхтайдди. Нирвана ҳолати, буддавийлар фикрича, «Ҳаёт ғилдирагидан» ташқарига чиқишдир. «Мен» деган фикрдан ажралиб, инсоннинг ҳиссий туйғулларини тўла тугатишдир.

Тўртинчи ҳақиқат - қийноқлардан қутилиш йўли мавжуддир. Бу йўл - «Саккизта нарсага амал қилиш, тўғри тушуниш, тўғри ҳаракат қилиш, тўғри муомалада бўлиш, фикрни тўғри жамлаш». Бу йўлдан борган инсон Будда йўлини тутлади.

Бу саккиз нарсага амал қилиш медитация деб номланади. буддавийлик таълимоти асосан уч қисмдан иборат: 1. Медитация; 2. Ахлоқ; 3. Донолик.

1. Медитация:

- 1) Тўғри тушуниш;
- 2) Тўғри ният қилиш;
- 3) Тўғри ўзини тутиш;
- 4) Тўғри англаш;
- 5) Тўғри ҳаракат қилиш;
- 6) Тўғри муомалада бўлиш;
- 7) Тўғри фикр юритиш;
- 8) Тўғри гапириш;

2. Ахлоқ нормалари - Будда «Панча Шила» насихати:

- 1) Қотилликдан сақланиш;
- 2) Ўғрилиқдан сақланиш;
- 3) Гумроҳликдан сақланиш;
- 4) Ёлғон, қалбаки нарсалардан сақланиш;
- 5) Маст қилувчи нарсалардан сақланиш;
- 6) Тушдан кейин овқатланишдан сақланиш;
- 7) Ўйин - кулгудан сақланиш;
- 8) Зебу-зийнат, атир-упалардан сақланиш;

3. Донишмандлик - бу буддавийликнинг асосий мақсади бўлиб, нарсалар табиатини тўғри тушуниш.

Илк буддавийликнинг дхармалар табиати ҳақидаги мавҳум метафизик асослари буддавийликда икки оқим «Хинаяна» (кичик ғилдирак) ва «Махаяна» (катта ғилдирак) юзага келишига олиб келди.

Хинаяна таъкидлашича дхармалар табиатини ўрганиш ва нирванага эришиш маънавий йўл билан бўлади. Бу йўл жуда оғир ва фақат монахларгина нирвана ҳолатига етиши мумкин. Махаяна эса Будда танаси жонзотларни азобдан қутқариш учун турли жонзот формасига кириши мумкин ва ҳаёт занжиридаги барча уни ўрганиши, англаши мумкин дейди. Бу нарса чексиз

Будда рамларини, худоларни келиб чиқишга сабаб бўлди. Бу худоларга ишониш йўллари барчага мумкин. Шу сабабли «Катта ғилдирак» деб номланади.

4. Буддавийликнинг тарқалиши.

Буддавийликнинг ёйилишида Сангха - буддавийлик жамоаларининг роли катта бўлган. Улар йилнинг об-ҳавоси яхши бўлган 9 ойида шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб, улар аҳолисини буддавийликга даъват қилиб уларга Будда таълимотини ўргатиб юришган. Фақатгина Муссон ёмғирлари тинмай куйган 3 ойдагина ўз ибодатхоналарида муқим бўлиб ибодат билан шуғулланганлар.

Эрамиздан аввалги 273-232 йилларда ҳукмронлик қилган Император Ашока даври буддавийликнинг кенг ҳудудга ёйилишига катта имкониятлар яратди. Ашока ўзининг илк ҳукмронлик пайтиданоқ буддавийликка эътиқод қила бошлади. У буддавийликка, монахларига, уларнинг Ҳиндистон билан чегарадош давлатларга қилган миссионерлик ҳаракатларига хайрихоҳлик қилди. Улар ўз даъватлари асосида бирон-бир ерлик аҳоли ёки руҳонийлар томонидан қаршиликка учрасалар, улар ҳеч қандай қарши ҳаракат қилмай, ўз йўлларида давом этганлар. Агар маҳаллий аҳоли томонидан ўзларига нисбатан хайрихоҳлик сезсалар, ўша ерга кўпроқ аҳамият бериб, уларни кўпроқ даъват қилишган.

Буддавийлик жамоалари ҳар қандай бошқа дин, маданият ёки урф-одатлар камровида ёки аралашувда бир неча юз йиллаб ўзларини сақлаб қолиш, ҳамда фурсат келганда уларга ўз таъсирларини ўтказиш қобилиятига эгадирлар. Уларни бу хусусиятлари Ҳиндистонда мусулмон ҳукмдорлар даврида, Шри-Ланкада португаллар, голландлар ва инглизлар мустамлакаси даврида, Хитой ва Япония конфуцийчилари даврида, Жануби-Шарқий Осиёга буддавийликнинг ёйилишида яққол намоён бўлган.

Шундай қилиб, буддавийлик эрамиздан аввалги 1 минг йиллик охирларида Шри-Ланкага ва Ўрта Осиё ҳамда Олд Осиёни ўз ичига олган Кушон империясига кириб келди. Бизнинг диёримизда олиб борилган археология қазииш ишлари асносида Ўратепа, Далварзинтепа, Қува, Зартепа, Қоровултепа, Айритом мавзеларидан топилган. Шакъямуни санамлари, ҳайвон ҳайкалчалари, рамзий ғилдираклар ва ступа қолдиқларининг гувоҳлик беришича Кушон империясида буддавийликка катта аҳамият берилган.

Буддавийлик эрамизнинг I асрида Хитойга, IV асрда Кореяга, VI асрда Японияга, VII асрда Тибетга, XIII асрдан XVI асргача Монголияга, XVII асрдан XVIII асрларгача Бурятия ва Тувага, XIX-XX асрларда Америка ва Европа китъаларига кириб борган.

Хитой манбаларининг хабар беришича буддавийлик Хитой ҳудудига кириб боришида диёримиздан борган будда олимларининг хиссаси катта бўлган.

Тахминан 30 га яқин даъватчи олимлар Хитойнинг турли шаҳарларида будда таълимотини ёйганлар. Ханузгача Самарқанд, Бухоро, Шошдан борган будда олимларининг мақбаралари муқаддас жой саналади.

Буддавийлик ўз таълимотида ҳеч қачон бошқа худоларга сиғинишни таъқиқламаган. Балки уларга ибодат қилиш инсонга вақтинча тасалли бериш мумкин. Бироқ, нирвана ҳолатига олиб бормади деб айтган. Шу сабабли буддавийлик таълимоти турли жойларда ёйилиши билан улар ибодат қилиб келган худолари ёки улуғланган шахслари тимсоллари ибодатхоналарни эгаллаган.

Масалан, Ҳиндистоннинг буддавийликка мансуб худолари «дунёни яратувчи Брахма», «чакмоқ ва момақалдирок худоси Индра», «хунармандчилик ишлари худоси Хатиману», Тибетда: «Тибет эпоси қаҳрамони Басер» тимсоли, Монголияда Чингизхон каби миллий пантеон буддавийлик илоҳлари сифатига айланди. Бироқ бу пантеонлар Нирвана ҳолатига олиб бормади. Фақатгина Будда нирванага олиб боради ва инсонни қийноқдан қутқаради.

5. Буддавийлик манбалари. Буддавийлик таълимоти бир қатор девон шаклига келтирилган тўпламларда баён қилинган. Улардан энг асосийси Трипитака (ёки Типитака) - уч сават маъносини англатади. У уч қисмдан иборат бўлганлиги учун шундай ном билан аталган. буддавийликнинг бу ёзма манбаси ҳозирги даврда Шри-Ланкада сақланиб қолган. У эрамизнинг бошларида шаклланган. Улар - будда тарғиботининг ҳақиқий баёни ҳисобланган сутра матнлари (сутта-питака), раҳбонийлик ахлоқи ва хонақоҳлар низомларига бағишланган виная матнлари (виная-питака), буддавийликнинг фалсафий ва психологик муаммоларини баён қилиб беришга бағишланган абхидхарма матнлари(абхидхарма-питака)дан иборат. Кейинчалик шаклланган санскрит, хитой, тибет, кхмер ва япон тилларидаги буддавийликка оид адабиётлар анча кенг тарқалган, аммо уларнинг тарихий қиймати камроқ. Будда ҳаётига тегишли ривоятларнинг барчаси Трипитакада жамланган.

ХРИСТИАНЛИК

Христианликнинг вужудга келиши.
Христианлик дини буддавийлик ва ислом динлари қаторида жаҳон дини ҳисобланади. Бу дин ўзига эътиқод қилувчиларнинг сони жиҳатидан жаҳон динлари орасида энг йириги ҳисобланади. Унга эътиқод қилувчиларнинг сони 1 млрд. 600 млн. бўлиб, бу сон дунё аҳолисининг деярли учдан бирига тўғри келади.

Христианлик асосан Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Австралия қитъаларида ҳамда қисман Африка қитъасининг жанубий қисмида ва Осиё қитъасининг шарқий қисмида тарқалган.

Христианлик эрамизнинг бошида Рим империясининг шарқий қисмида Фаластин ерларида вужудга келди. Исо Масих (Иисус Христос) Библиянинг хабар беришига кўра, христианлик таълимотининг асосчиси бўлиб, у Рим империяси ташкил топганининг 747 йили Фаластиннинг Назарет қишлоғида бокира қиз Марямдан Худонинг амри билан дунёга келди. Янги эранинг бошланиши ҳам Исо Масихнинг дунёга келиши билан боғлиқ.

Эрамизнинг бошларида яҳудийлар ҳокимиятнинг уч табақаси билан боғлиқ оғир тушкунликни бошдан кечирар эдилар. Бир томондан Рим императори ва унинг жойлардаги ноиблари, иккинчи томондан Фаластин подшоҳи Ирод Антипа, учинчи томондан эса руҳонийлар халқни турли солиқлар ва мажбуриятлар билан кўмиб ташлаган эдилар. Худди шу даврда яҳудийлар ўртасида кутилаётган халоскорнинг келиши яқинлашиб қолганлиги ҳақида хабар тарқатувчилар пайдо бўлди. Улар халқни кутилаётган *халоскор* келишига тайёрлаш учун чиққан эдилар. Шунда Исо Масих яҳудийликни ислоҳ қилиш ва уни турли хурофотлардан тозалаш ғояси билан чиқиб, христиан динига асос солди. Яҳудийлар уни ва унинг издошларини Фаластиндан қувғин қилдилар. Исонинг 33 ёшида фитначиликда айблаб қатл этишга ҳукм қилдилар.

Исонинг тарихийлиги хусусида диний ва диний бўлмаган манбалар орасида ихтилоф мавжуд: христианлик манбалари Исонинг ўзи худо бўла туриб, инсониятнинг гуноҳларини ўзига олиш учун одам қиёфасида туғилганини, унинг тарихий шахс эканини таъкидлаб, унинг ҳаёт тарзини, инсонлар билан мулоқоти ҳақидаги кенг маълумотларни берсада, диний бўлмаган манбаларда



Исонинг номи учрамаганлигини назарда тутиб, у тарихий эмас, балки афсонавий шахсдир дегувчилар ҳам бор.

Исо номига қўшилувчи Масих сўзи қадимий яҳудий тили - *иврит*даги «*мошиах*» сўздан олинган бўлиб, «силанган» ёки «сийланган» маъноларини беради. Грекчада бу сўз «христос» («*christos*») шаклига эга. Бу диннинг «христианлик» ёки «масихийлик» деб аталиши ҳам шу сўзлар билан боғлиқ. Бундан ташқари христианлик Исо Масихнинг туғилган қишлоғи - «Назарет» билан боғлаб, *назронийя* деб ҳам аталган. Кейинчалик бу ном *насронийя*, *насронийлик* шаклини олган.

Исо Масих ўз таълимотини ўзининг 12 ўқувиси *Апостоллар - Ҳаворийларга* ўргатди. Улар эса Исонинг вафотидан кейин устозларининг талимотларини ҳар бирлари алоҳида-алоҳида тарзда китоб шаклига келтирдилар. Бу китоблар *Библия*нинг «Янги аҳд» қисмини ташкил этади.

Христианликнинг таълимоти. Манбалар хабар беришича, христианлик яҳудий муҳотида юзага келган. Бу эса христианликнинг яҳудийликдан кўп жиҳатдан таъсирланишига сабаб бўлди. Христианликнинг асосий ғояси - Исонинг одамзоднинг халоскори «мессия» эканлиги яҳудийликда мавжуд бўлиб, охиратга яқин келиши кутилаётган халоскор ҳақидаги таълимотдан келиб чиққандир.

Кейинчалик бу таълимот Худонинг мужассамланиши ёки Исонинг икки моҳияти - одам моҳияти, худо моҳияти ҳақида «гуноҳни ювиш», яъни Исонинг ўзини ихтиёрий тарзда қурбон қилиши ҳақиқатдаги таълимот билан мустаҳкамланади. Христианлик муқаддас руҳ ота-худо, ўғил-худо ва муқаддас руҳ - уч юзлик худо тўғрисидаги таълимот, жаннат ва дўзах, охиратда гўё дунёнинг охирига бориш, Исонинг қайтиши ҳақида ва бошқа ақидаларни ўз ичига олади.

Христиан жамоасининг шаклланиши, унинг ақидаларини тартибга солиниши, черков муносабатларининг ишлаб чиқилиши, диний табақалар тузумининг вужудга келиши эрамизнинг IV аср бошларида 324 йили христианлик Рим империясида давлат дини деб эълон қилинганидан сўнг амалга ошди.

325 йили тарихда биринчи марта Рим императори Лициния империя худудидаги христиан жамоаларини ўзаро келиштириш ва тартибга солиш мақсадида *Никей* шаҳрида I Бутун Олам Христиан Соборини чақирди. 381 йили *Константинопольда* II Бутун Олам Христиан Собори бўлиб ўтди. Бу соборларда христианлик таълимотининг асослари қабул қилинди ва бу асослар 12 қисмда ифодаланди.

- Биринчи қисмда оламини яратган Худо ҳақида сўз юритилади.
- Иккинчи қисмда Худонинг ўғли Исус Христосга имон келтириш ҳақида сўз боради.

- Учинчи қисмда илоҳий мужассамлашув ҳақида сўз юритилиб, унга кўра, Исо Худо бўла туриб, бокира Биби Марямдан туғилган ва инсон қиёфасига кирган.

- Тўртинчи қисмда Исонинг азоб-уқубатлари ва ўлими ҳақида сўз кетади. Бу гуноҳларнинг кечирилиши ҳақидаги ақидадир. Бунда Исонинг тортган азоблари ва ўлими туфайли Худо томонидан инсониятнинг барча гуноҳлари кечирилади деб эътиқод қилинади.

- Бешинчи қисмда Исонинг хочга михланганидан сўнг уч кун ўтиб қайта тирилганлиги ҳақидаги ақида келади.

- Олтинчи қисмда Исонинг мерожи ҳақида сўз юритилади.

- Еттинчи қисмда Исонинг нузули (иккинчи маротаба ерга қайтиши) ҳақида сўз юритилади.

- Саккинчи қисм Муқаддас Рухга имон келтирмоқ борасидадир.

- Тўққизинчи қисм черковга муносабат ҳақида.

- Ўн биринчи қисм ўлганларнинг оммавий тирилиши ҳақида.

- Ўн иккинчи қисмда абадий ҳаёт ҳақида сўз юритилади.

Христианликнинг бундан кейинги фалсафий ва назарий ривожидида авлиё Августиннинг таълимоти катта роль ўйнади. Бешинчи аср бўсағасида у диннинг билимдан афзал эканлигини тарғиб қила бошлади. Унинг таълимотида кўра, борлиқ инсон ақли билишга ожизлик қиладиган ҳодисадир, чунки унинг ортида улуғ ва қудратли Яратувчининг иродаси яширинган.

Августиннинг тақдир ҳақидаги таълимотида айтилишича, Худога имон келтирган ҳар бир киши нажот топганлар сафидан ўрин эгаллаши мумкин. Чунки имон тақдир тақозосидир.

Христианликдаги оқимлар. Христиан черковининг Католик ва Православ черковларига ажралиб кетиши Рим папаси ва Истанбул Патриархининг христиан оламида етакчилик учун олиб борган рақобати оқибатида вужудга келди. Ажралиш жараёни Рим империясининг ғарбий ва шарқий тафовутлари ўсиб чуқурлашиб бораётган асрлардаёқ бошланган эди. 867 йиллар орасида Папа Николай ва Истанбул патриархи Фетий орасида узил-кесил ажралиш рўй берди ва бу ажралиш 1054 йили расман тан олинди.

XVI аср бошларида католицизмдан бир неча Европа черковлари ажралиб чиқиши натижасида христианликда протестантлик ҳаракатлари вужудга келди. Бунинг доирасида лютеранлик, баптизм, англиканлик ва кальвинизм черковлари шаклланди. Булар бир черковнинг асосий маросимлари жиҳатидан ўзларига хос бўлган томонларга эга бўлиш билан бир қаторда, булар ҳам ўз навбатида бир неча йўналишлар, мазҳаблар ва оқимларга бўлинди.

1. Православ оқими. Православ оқими христианликнинг уч асосий йўналишидан бири ўларок, тарихан унинг шарқий шаҳобчаси сифатида рўёбга чиқди ва шаклланди. Бу оқим асосан Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Болқон мамлакатларида тарқалган. Православ атамаси юнонча *ортодоксия* сўзидан олинган бўлиб, илк давр христиан ёзувчилари асарларида учрайди. Православиенинг китобий асослари Византияда шаклланди, чунки бу йўналиш у ердаги ҳукмрон дин эди.

Муқаддас китоб бўлмиш Инжил ва муқаддас ўғитлар IV-VIII асрлардаги етти бутхона Соборларининг қарорлари, шунингдек Афанасий Александрийский, Василий Великий, Григорий Богослов, Иоанн Дамасский, Иоанн Златоуст каби йирик черков ходимларининг асарлари ушбу оқим таълимотининг асоси деб тан олинган.

Христианликнинг Шарқий тармоғи бўлмиш православиянинг ривожланиши жараёнида 14 Мустақил (автокефал) черковлари:

Константинопол, Александрия, Антиохия, Қуддус, Рус, Грузия, Серб, Румин, Болгар, Кипр, Эллада, Албания, Польша, Чехословакия, Америка черковлари шаклланди.

Православ оқимида сирли расм-русумлар муҳим ўрин эгаллайди. Черков таълимотига кўра, бундай пайтларда Худо томонидан диндорларга алоҳида савоблар нозил бўлади.


Чўқинтириш - сирли ҳодисаси. Бунда диндор ўз танасини уч марта сувга ботириши Худо-отани, Ўғилни ва Муқаддас руҳни чақириш билан руҳий туғилишни касб этади.

Баданга елейни суркаш ҳам сирли бўлиб, бунда диндорга Муқаддас руҳнинг руҳий ҳаётга қайтарувчи ва чиниқтирувчи эҳсонлари улашилади.

Покланишининг сирлилиги. Унда диндор нон ва вино кўринишида ўз баданида Исо қонини абадий ҳаётга тайёрлайди.

Надоматнинг сирлилиги шундаки, диндор ўз гуноҳларини дин пешвоси олдида тан олади, дин пешвоси эса унинг гуноҳларини Исо номидан кечиради.

Руҳонийликнинг сирлилиги у ёки бу шахсни руҳоний даражасига кўтариш учун епископнинг *Баданни елей билан шиқалаш* сирида Худонинг руҳий ва жисмоний заифликларни тuzатувчи лутфу марҳаматидан умид қилинади.



Православ черкови байрамлар ва диний маросимларга алоҳида аҳамият беради. *Пост* диний маросими одатда, катта черков байрамларидан олдин ўтказилади. Постнинг моҳияти инсон руҳини тозалаш ва янгилаш, диний ҳаётнинг муҳими воқеаларига тайёргарликдан иборат.

қўлини ўша шахс баданига тегизиши (ёки қўйиши) орқали амалга оширилади.

Рус Православиясининг кўп кунлик постлари тўртта: Пасха олдидан, Пётр ва Павел куни олдидан, Богородица уйқусидан олдин ва Исо туғилган кундан олдин.

Буюк байрам ичида Пасха биринчи ўринда туради. Пасха Исонинг ўлганидан сўнг қайта тирилганини нишонлаб ўтказиладиган байрам. У йилнинг 22 апрелидан май ойининг биринчи якшанбасигача ўтказиладиган байрам. У «Отцовский день»дан аввал ўтказилади. Пасханинг тарихи яҳудийликдаги *песах* байрами билан боғлиқ бўлиб, у яҳудийларнинг Мисрдан қочиб чиқиши ва озодликка эришишини нишонланишидир. Христианлик яҳудийликдан тўла ажралиб чиққач пасха янгича тус олган.

Пасхадан сўнг православ динининг ўн икки кунлик ўн икки муҳим байрами бошланади. Улар: *Исо туғилиши, Сретение, Исони чўқинтириши, Преображение, Қуддусга кириши, Исонинг осмонга кўтарилиши, Троица Муқаддас бутнинг осмонга кўтарилиши, Благовейание* (Инжилнинг нозил бўлиши), *Рождество Богородицй* (Исонинг хочга осилиши) ва ҳақозо.

2. Католик оқими. Христианликнинг йирик йўналишларидан бири католиклардир. У Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида тарқалган бўлиб, мухлислари тахминан 800 млн. кишини ташкил этади.

Католицизм *умумий, дунёвий* деган маъноларни ифодалайди. Унинг манбаи - унча катта бўлмаган Рим Христиан жамоаси бўлиб, ривоятларга кўра унинг биринчи Епископи апостол Петр бўлган.

Католицизмда Библияни шарҳлаш ҳукуқи фақатгина руҳонийларга берилади, чунки улар уйланмаслик ҳақидаги диний талабга амал қиладилар. Диний ибодатлар дабдабали ва сохталаштирилган кўринишга эга, диний ўқиш, дуо, илтижолар лотин тилида олиб борилади. православиядаги каби католицизмда ҳам фаришта, икона, илоҳий куч, чиримайдиган марҳум жасадларига сиғиниш одатлари мавжуддир.

Католицизм христианликнинг йўналишларидан бири сифатида унинг асосий ақида ва қоидаларини тан олади, бироқ диний таълимот, сиғиниш ва ташкилий масалаларда бир қатор хусусиятлар билан ажралиб туради.

Католик диний таълимотнинг асосини Муқаддас китоб ва Муқаддас ёзувлар ташкил қилади. Бироқ Православ черковидан фарқли ўлароқ католик черкови Муқаддас ёзувлар деб нафақат аввалги етти Бутун Олам Христиан

Соборларининг қарорларини, балки ҳозиргача бўлиб ўтган барча Соборлар қарорларини, бундан ташқари Папанинг мактублари ва қарорларини ҳам ҳисоблайди.

Католик черкови ташкилоти қатъий марказлашув билан ажралиб туради. Рим папаси бу черковнинг бошлиғи. У диний ахлоқ масалаларига оид қонун-қоидаларни белгилайди. Унинг ҳокимияти дунёвий соборлар ҳокимиятидан юқори туради.

Католик черковининг марказлашуви жумладан диний таълимотни ноанъанавий таҳлил қилиш (шарҳлаш) ҳуқуқида акс этган догматик тараққиёт тамойилини келтириб чиқаради. Масалан, Православ черкови томонидан тан олинган диний рамзда таъкидланишича, Муқаддас руҳ *ота* худодан келиб чиқади. Католик ақидасига кўра эса Муқаддас руҳ *ота* худодан ва *ўғил* худодан келиб чиқади. Черковнинг нажот борасидаги роли ҳақида ҳам ўзига хос алоҳида таълимот шакллланган. Нажотнинг асоси имон ва хайрли ишлар ҳисобланади. Черков, Католик таълимотига кўра, хайрли зарурий ишлар хазинасига Исо томонидан яратилган «Хайрли ишлар захирасига» эга.

Черков Исо, Биби Марям, Муқаддас Руҳ номидан бу хазинани тасарруф қилиш, ундан муҳтожларга улашиш, яъни гуноҳларни авф этиш, надомат чекувчиларга пул ёки туфҳа эвазига авф - кечирим туфҳа қилиш ҳуқуқига эга. Пул эвазига ёки черков олдидаги хизматлари учун гуноҳларини кечириш - *индულгенция* ҳақидаги таълимот мана шундан келиб чиққан.

Аъроф ҳақидаги (дўзах ва жаннат оралиғидаги мавзе) ақида фақат католик таълимотида мавжуд. Гуноҳи катта бўлмаган гуноҳкорларнинг руҳи у ерда ўтда куяди (эҳтимол бу виждон ва надомат азобининг рамзий инъикосидир), кейин жаннатга йўл топади. Руҳнинг аърофда бўлиш муддати хайрли ишлар туфайли қисқартирилиши (ибодат ва черков фойдасига хайр-эҳсон қилиш билан) мумкин. Бу ибодат ва хайр эҳсонлар ўлганлар хотирасига яқинлар томонидан қилинади.

Аъроф ҳақидаги таълимот I асрдаёқ пайдо бўлган эди. Православ ва Протестант черковлари аъроф ҳақидаги таълимотни рад этади.

Бундан ташқари, православ дини таълимотидан фарқли ўлароқ, католик йўналишида папанинг бегуноҳлиги ҳақидаги ақида ҳам бор. Бу ақида 1870 йилдаги биринчи Ватикан соборида қабул қилинган. Фарб черковининг Богородицага нисбатан алоҳида эътибори 1950 йилда папа Пий XII томонидан киритилган, Биби Марямнинг мерожи ҳақидаги ақидада ўз аксини топди. Католик таълимоти православ таълимоти каби етти асрорни тан олади, бироқ бу асрорларни талқин қилинишидан қарашлар мос келмайди. Масалан, причешение (тамадди) қилиш қаттиқ нон билан, (православиеда бўктирилган нон билан) дунёвий (миряне)ларга нон ва вино билан шунингдек фақат нон

билан амалга оширилади. Чўқинтириш сирини ўташ пайтида сув сепилади (чўқинтирилувчига), муз остидаги сувга чўқтирилмайди.

Миропомазание (чўқинувчининг пешонасига елей суркаш) етти-саккиз ёшларда амалга оширилади, гўдаклигида эмас. Бунда ўспирин (бола) яна битта исмга эга бўлади. Бунда у ўша авлиёнинг қилмишлари ва ғояларини мақсад қилиб қўяди. Шундай қилиб, бу русумнинг ижро этилиши имон мустаҳкамланишига хизмат қилиши зарур.

Православларда никоҳсизлик русумини фақат қора руҳонийлик қабул қилади. Католикларда эса никоҳсизлик (целибат) Папа Григорий VII томонидан жорий қилинган қоидага кўра барча руҳонийлар учун мажбурийдир.

Дин маркази - эҳромдир. Диннинг муҳим элементлари черковга қатновчилар ҳаётининг маиший асосларини тартибга солувчи байрамлар, шунингдек постлардир.

Милодий пост католикларда *адвент* деб аталади. У Авлиё Андрей кунидан кейинги биринчи якшанбада - 30 ноябрда бошланади. Улар уч ибодат билан: ярим тундаги, эрталабки ва кундузги ибодат билан нишонланиб, Биби Марям ҳомиладор бўлиши, Исонинг туғилиши ва диндорнинг қалбида бўлиши каби рамзий маънони англатади. Ўша куни тазим қилиш учун эҳромларда гўдак Исонинг фигураси қўйилган яслилар ўрнатилади.

Католик иерархиясида уч даражадаги руҳонийлар бор: диакон, руҳоний (кюре, патер, кендз) Епископ. Епископни папа тайинлайди. Папани кардинал коллегия сайлайди. Бунда умумий овознинг учдан икки қисми плюс 1-овоз (яширин овоз бериш йўли билан) II Ватикан соборида (1962-1965 йиллар) черков ҳаётининг барча жабҳаларини янгилаш, замонавийлаштириш жараёни бошланди. Биринчи навбатда ибодат анъаналарига тегишли бўлди. Масалан, ибодатни лотин тилида олиб боришдан воз кечилди.

3. Протестантизм дини. Протестантизм тарихи Мартин Лютердан (1483-1546) бошланади. У биринчи бўлиб католик черкови билан алоқани узди ва протестант черковининг асосий қоидаларини ишлаб чиқди ва уни ҳимоя қилди. Бу низомга кўра, инсоннинг Худо билан бевосита мулоқоти мумкин. Лютернинг диний ва дунёвий ҳокимиятга қарши чиқишлари, католик диндорларнинг имонни ва виждонни инсон билан Худо ўртасидаги воситачи сифатида назорат қилиш ҳақидаги мулоҳазаларга қарши чиқиши жамоатчилик томонидан фавқулодда диққат билан тингланди.

Протестантизмнинг моҳиятига кўра, илоҳий лутфу марҳамат инсонларга черковнинг воситасисиз, бевосита инъом этилади. Инсон нажот топиши унинг шахсий эътиқоди ва Исонинг воситаси орқали рўй беради. Авом

руҳонийлардан фарқланмайди, руҳонийлик ҳамма диндорларга бир хилда жорий этилади.

Протестантлик диний маросимларнинг кўпчилигини бекор қилди, фақатгина лютеранликда нон ва вино билан чўқинтириш сақаланиб қолди.

Ўлганларга бағишланган дуо ўқиш, азиз-авлиёларга сиғиниш, муқаддас мурдаларга, санамларга топиниш бекор қилинди. Ибодат уйлари ортиқча ҳашамлардан, меҳроблардан, санамлар, ҳайкаллардан тозаланди, руҳонийларнинг уйланмаслик шартлари бекор қилинди. Библия миллий тилларга таржима қилинди, уни шарҳлаш ҳар бир художўйнинг энг муҳим бурчи бўлиб қолди.

Асрорлардан фақат *чўқиниш* ва *мансублик* (черковга) эътироф этилади. Ибодат ваъз-насихатлар, биргаликдаги ибодат ва сураларни қуйлашдан иборат бўлди. Протестантлар Богородица шахсиятини, аърофни тан олмайдилар.

Лютер томонидан тузилган реформация бош таомиллари 95 тезис шаклида ёзиб берган. Улар Виттенбергнинг Насрий черковининг шимолий эшикларига ёзиб қўйилган. Мана шу тезислардан бири: Исо пайғамбар: «Тавба қилинг, чунки самовий шоҳлик яқинлашиб қолди» деб жар солганида шуни таъкидлайдики, имон келтирганлар ҳаёти бошдан-оёқ тўхтовсиз тавба-тазаррудан иборат бўлмоғи даркор.

Тавба-тазарру руҳоний (авлиё) олдидаги биргина тазаррудан иборат эмас. Биринчи тўрт тезисда, Лютер таъкидлайдики, ҳақиқий тавба узоқ муддатли жараёнدير, биргина хатти-ҳаракат билан рўёбга чиқмайди.

Папа фақат ўзи белгилаган жазони олиб ташлаши мумкин. Черков ҳеч қайси самовий жазодан инсонни озод қила олмайди. Тавба-тазарру қонунлари тириклар учун жорий қилинади (белгиланади). Бу ерда ва кейинги бир қанча тезисларда папанинг аъроф устидан ҳукмронлиги рад этилади.

«Руҳлар учун индульгенция олган шахсларга тавбу-тазарру қилиш талаб қилинмайди», деган таълимот Исо таълимоти эмас. Чиндан тавба қилган кишиларни Худо гуноҳларини кечади ва абадий азобдан озод қилади. Гуноҳкор папа ёрлиғисиз ҳам бундай мағфиратдан умид қилиши мумкин.

Лютер бир неча тезисларда таъкидлайдики, чиндан тавба қилган, надомат чеккан христиан (насоро) «самовий жазога шошилмайди, яъни унга самовий жазо жорий этилмайди».

Черковнинг ҳақиқий хазинаси муқаддас Инжил ва худо марҳаматидир. Лютернинг таъкидлашича, «хайрли амаллар хазинаси»нинг мавжудлиги камбағаллар учун эмас бойлар учун фойдалидир, бу хазиналарга папа марҳамати билан эмас, ўз амаллари билан эришуви мумкин. Бу хил воситалар билан Худонинг меҳрини қозонмоқни Лютер сароб деб атайди.

Ҳақиқий христиан Исога эргашиш истаги билан ёнмоғи зарур. Нажот йўли рухсатнома ёрлиғида эмас, балки чин юракдан надомат чекмоқ ва тавба қилмоқдадир.

1517 йили 31 октябрда жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинган тезислар шундан иборат. Кейинчалик бу кун протестантлар байрами бўлиб қолди.

Кальвинизм. Диний ислоҳотнинг бошқа бир йирик арбоби Жан Кальвин (1509-1564) эди. Унинг 1536 йилда нашр этилган «Христиан динидаги кўрсатмалар» деган бош асари, протестантизм таълимот сифатида шаклланигандан кейин янги бир диний йўналиш - кальвинизмнинг асоси бўлиб қолди.

Дастлабки ислоҳот арбобларидан фарқли ўлароқ, Кальвин учун диққат маркази Инжил эмас Таврот бўлиб қолади. Кальвин абсолют тақдир ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. Бу таълимотга кўра, барча одамлар худонинг биз учун номаълум бўлган иродасига асосан мағфират қилинганлар ва маҳкум этилганлар тоифасига бўлинади. Инсон ва имон, на «хайрли ишлар» билан тақдирга ёзилганни ўгартира олмайди: мағфират қилинганлар нажотга маҳкум, мағфиратдан маҳрум бўлганлар эса абадий азобга маҳкумдирлар. Тақдир ҳақидаги таълим шундай асосга қурилганки, Исо ҳам бизнинг гуноҳларимиз учун азобу уқубатларга гирифтор қилинган эди.

Протестант черковининг кальвинистик йўналишдаги давомчилари (кальвинистлар ёки реформаторлар) Шотландия, Голландия, Шимолий Германия, Франция, Англияда кенг обрўга ва таъсирга эга эдилар.

Пресвитерианлар. Пресвитерианлик кальвинистик черковдан келиб чиққан бўлиб, (юнонча энг эски) мўътадил пуританлардир. 1592 йили Шотландия парламенти бу таълимотни асосий мафкура деб ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилган. Бу жамоа бошида унинг аъзолари томонидан сайланган пресвитер туради. Жамоалар маҳаллий ва давлат иттифоқларига бирлашади. Диний маросим ибодат, пресвитернинг мавъизаси, оятларни куйлашдан иборат. Литургия бекор қилган, на «дин рамзи» ва на «отче наш» ўқилмайди. Фақат дам олиш кунлари байрам куни деб ҳисобланади.

Англикан черкови. Англикан черкови - Англиянинг давлат черкови 1534 йилда маҳаллий католик черкови Рим қироли Генрих VIIIни черков бошлиғи деб эълон қилди, яъни черков қирол ҳокимиятига бўйсундирилди. XVI аср ўрталарига келиб ибодатни инглиз тилида олиб бориш жорий этилди, постлар бекор қилинди, бут ва санамлар олиб ташланди, руҳонийлар уйланмаслиги мажбурий бўлмай қолди. «Мўътадил йўл» таълимоти, яъни Рим католицизми ва протестантизм орасидаги ўртача йўл шаклланди. Англикан диний таълимоти «Умумий ибодатлар китоби»да акс эттирилгандир.

Баптизм. Протестант таълимотининг энг кўп сонли давомчилари баптистлардир. Баптизм (юнонча «сувга чўктириш») XVII аср бошларида вужудга келган бўлиб, ҳозирги кунда дунёнинг 130 мамлакатада ўз тарафдорларига эга. Бу таълимот тарафдорлари фақат ўспиринларнигина чўқинтиришга олиб борадилар. «Ҳеч ким, жумладан, ота-оналар ҳам киши учун бирор динни танлай олмайди. Киши динни онгли равишда ўзи ихтиёр қилмоғи зарур», деган қоида баптистлар ва забур христианларининг асосий қоидасидир, уларда ибодат ўта соддалаштирилган бўлиб, диний кўшиқ, ибодат ва мавъизадан иборат. Забур христианлари тўртта русумни сақлаб қолишган: чўқинтириш, (ўспиринлар учун) тановул, никоҳ, қўл билан силаб қўйиш. Бу христианлар учун бут эҳтиром рамзи эмас.

Адвентистлар ҳаракати. Адвентистлар (лотинча - *келиш*) ҳаракати Америкада XIX асрнинг 30 йиллари оғир иқтисодий бухрон (кризис), умумий ишсизлик даврида вужудга келди. Унинг асосчиси Вильям Миллер (1782-1849). Адвентистлар бир неча мустақил черковларга бўлинган бўлиб, уларнинг энг каттаси «*Еттинчи кун адвентистлари*». Уларнинг асосий ғояси Исонинг иккинчи бор ерга тушиши ва инсониятни халос этиб, шайтон ва унинг тарафдорларини билан урушиб, уларни мутлақ яқсон қилишидир. Улар кишиларни Исони кутиб олиш учун яхши ахлоқли бўлишга чақиради. Адвентистлар диндорлардан ўз маблағларидан ўндан бирини черков ҳисобига ўтказишларини ва тинмасдан тарғибот ишларини олиб боришларини талаб қилади. Исо пайғамбарнинг иккинчи марта ерга қайтиши ҳақидаги башорат *нажот йўли* деб ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда Ғарбий ҳамда Шарқий черковларнинг раҳбарлари кўп асрли ихтилофларнинг аянчли оқибатларини бартараф қилишга интиломқдалар. Масалан, 1964 йили Рим Папаси Павель VI ва Константинополь патриархи Афинагор иккала черков вакиллариининг XI асрда айтган ўзаро қасамёдларини тарқоқлигини бартараф қилиш учун биринчи қадам қўйилди.

Павлуснинг таржимаи ҳоли

Масихийликда Павлус (Павел) исмли шахс катта ўрин тутган. Масихийликдаги эътиқод ва амаллар, диний манбалардан кўплари унга нисбат берилдики, ҳеч ким бу борада ундан ўзиб кетмайди. У ўзининг серҳаракатлилиги, тиниб-тинчимаслиги ва мағрибу машриқ узра жаҳонгашталиги билан бирор жойда муқим турмас, доимо бир жойдан иккинчи жойга ўтиб юрарди ва масихийликнинг энг ашаддий давъатчиси ҳисобланар эди. Масихийлар у тутган йўлдан таъсирланганлар ва унинг хабарлари ҳамда сўзларини ўзи битиб тартиблаган мактублар орқали ёки ўзи

битмаса ҳам кўпчиликка юборилган маърузаларини нақл қилиб келтирилган хабарлар орқали ўрганганлар.

Масиҳийлар Павелнинг йўриғидан юришди, унга эргашишди ва уни ўзларига биринчи намунавий (идеал) шахс деб билишди. Шундай экан, биз унинг аввалги масиҳийликдаги ўрни ҳозирги масиҳийликдаги каби бўлганми-йўқми, буни билишимиз учун унинг тарихига назар солишимиз керак бўлади.

Павел ҳақида бирор нарсани зиёда қилиб юбормаслик ва масиҳийлар наздида унинг қандай шахс эканлигини кўрсатмоқ учун, у ҳақда сўз юритганда масиҳийлик манбаларидан четга чиқмаймиз.

«Ҳаворийларнинг фаолияти» (Ҳ.Ф.) китобида («Янги аҳд»нинг бир қисми) Павлус ҳаёти батафсил ёритилади ва унинг қилган ишлари ушбу китобнинг энг катта қисмини ташкил қилади. Унда Павелнинг туғилган жойи Тарс шаҳри эканлиги, ўзи Оршалим (Қуддус)да тарбия топгани, асл исми Шоул эканлиги айтиб ўтилган. Мана бу 22-бобнинг 3-ояти: «Мен яхудийман. Киликиснинг Тарс шаҳрида туғилган бўлсамда, ушбу шаҳарда (Ўршалимда) тарбияланганман».

Яна унинг фарзийлардан эканлиги ҳақида ҳам хабар қилган. 2-3-бобда айтилади: «Уларнинг бир қисми садуқий ва бошқа қисми фарзий мазҳабидан бўлганни Павел билгач, кенгашга баланд овоз билан хитоб қилиб:

- Биродарлар! Мен фарзийман, ҳам фарзийнинг ўғлиман. Мен ўликларнинг тирилишига қаттиқ эътиқод қилганим учун мени тергаяптилар, - деди».

Масиҳийликдаги китоблар Павелнинг яхудийлардан эканлигига иттифик қилади. Лекин «Ҳаворийларнинг фаолияти» (қисқача-Ҳ.Ф.) китобида унинг римликлардан эканлигига ҳам далолат қилувчи сўзлар бор. 22-бобнинг охирида айтилади:

Уни тасма билан боғлашаётган вақтда,

Павел ёнида турган юзбошига:

- Рим фуқаросини ҳукм қилмай қамчилаш, сизнингча қонунга мос келадими? - деб сўради.

Юзбоши буни эшитгач, бориб мингбошига хабар берди.

- Қаранг, сиз нима қилмоқчисиз ўзи? Бу одам Рим фуқароси экан-ку, - деди.

Шунда мингбоши Павелнинг ёнига келиб:

- Менга айтингчи, сиз Рим фуқаросимисиз? - деб сўради.

- Ҳа, - деди Павел. Мингбоши:

- Мен бу фуқароликка кўп пул билан эга бўлганман, - деди . Павел:

- Мен ҳатто бу фуқароликда туғилганман, - деб жавоб берди.

Шунда Павелни сўроқ қилмоқчи бўлганлар дарҳол ундан қўл тортишди.

Мингбоши ҳам унинг Рим фуқароси эканлигини билгач, уни боғлаб қўйгани учун кўрқиб кетди».

Мана булар шубҳасиз қарама-қарши фикрлардир. Тўғрироғи, у яҳудий эканлиги бўлса керак, чунки у ўзининг қамчиланишини билгач, ўзини римлик деб атади ва ҳийла ишлатиб қамчидан қутилиш учун ўзини римлик деб даъво қилди. Ҳийла иш бериб Павел (жазодан) омон қолди ва уни яна бир бор келтирганларида ҳам мингбоши уни қамчилатмади.

«Х.Ф.» да Павел ўзининг фарзий эканлигини баланд овоз билан хитоб қилиб айтиши садуқийлар билан фарзийлар ўртасида ихтилоф чиқиши учун бўлган эди. Китобда Павел ўзини фарзий деб тан олган ўринда «уларнинг бир қисми саддиқий ва бошқа қисми фарзий мазҳабларидан бўлганини Павел билгач:» деган сўзлар келган. Демак Павелнинг бундай хитоб қилиши улар ўртасида келишмовчилик чиқариб, уларнинг зараридан бир томоннинг ҳимояси орқали нажот топиш учун бўлган.

Ҳақиқатда у хоҳлаган баъзи нарса рўй берди ва улар ўртасига нифоқ тушиб, қаттиқ жанжаллаша бошладилар, бу воқеа «Х.Ф.» китобининг 23-бобида зикр қилинган. Шундай экан биз бу нарсани унинг миллатини кўнгил таскин тотгудек аниқлай олмаймиз.

Миллати қайси бўлишидан қатъий назар ушбу Павел ҳаётининг аввалги босқичида масиҳийликнинг ашаддий душманлари, масиҳийларга энг кўп ҳийла-найранг ишлатадиган, бу динга кирганларга энг кўп қийноқ - азиятлар берадиган одам эди. Бу нарса «Х.Ф.» китобининг кўп ўринларида зикр қилинган. Шу китобнинг 8-бобида айтилади:

«Ўша куннинг ўзида Қуддусдаги имонлилар жамоасига қарши кескин қувғин даври бошланди. Ҳаворийлардан бошқа ҳамма яҳудийлардан қочиб, Самариянинг ҳар хил жойларига тарқаб кетдилар. Баъзи диндор одамлар Стефанни кўмиб, у учун қатта йиғи қиладилар. Шоул эса имонлилар жамоатини талон-тарож қилар эди. Уйма-уй юриб, эркакми, хотинми, ҳаммани судраб қамоқхонага берар эди».

9-боб аввалида айтилади: «Шоул ҳали ҳам Исо Масиҳнинг шогирдларига қарши қатлу қирғин таҳдидлари билан нафас олиб юрар эди. У олий руҳонийнинг хузурига бориб, Дамашқ шаҳридаги яҳудий ибодатхоналари учун мактублар сўради. Бу таълимотни изидан бораётган кимсани топса, у эркак ё хотин бўлишидан қатъиназар, кишанлаб Қуддусга келтирмоқ ниятида эди».

«Ҳаворийларнинг фаолияти» китобининг бир неча ўринларида унинг ушбу ўз ўтмишини эътироф этгани келтирилган.

22-бобда Павел яҳудийларга хитобан у бундай дейди:

«Бугун бу ерда йиғилган ҳаммаларингиз каби мен ҳам ота-боболар Қонуни йўриғида жиддий тарбияланиб, Худо учун фидоий бўлиб келганман. Ҳатто бу Исо йўлининг избосарларини эркакми, аёлми демасдан ҳаммасини боғлаб зиндонларга топширар, ўласи қилиб қувардим. Ана, омий руҳоний билан

оқсоқолларнинг ҳаммаси менинг гувоҳларимдир. Мен улардан Дамашқдаги яхудий биродарларига ёзилган мактублар олиб, у ерда яшаган Исога имон келтирганларни жазолаш учун Қуддусга кишанлаб келтирмоқ ниятида йўлга тушган эдим».

Лекин «Х.Ф.» китоби масиҳийларга ана шундай найранглар кўрсатган, қийриқ-азиятлар етказган ушбу одамнинг шайтон ва тоғут йўлидан масиҳийликка тўсатдан кириб қолганини таъкидлайди, аммо бир йўлни ёки эътиқодни қабул қилиш учун бўладиган тайёргарлик ёки турткилар ҳақида лом-мим демайди.

9-бобда айтилади: «Йўли Дамашққа яқинлашганда, тўсатдан осмондан тушган нур унинг атрофини ёритиб юборди. У ерга йиқилган заҳоти:

- Шоул, Шоул ! Нега мени қувғин қилаяпсан? - деган овозни эшитди. Шоул:

- Э Раббий, Сен кимсан? - деди.

- Мен сен қувғин қилаётган Исоман, Менга қарши кетишинг қийин, - деди у.

Шоул ваҳималаниб, титроқ билан:

- Э Раббий , нима қилишимни буюрасан? - деди. Исо унга:

- Қани ўрнингдан туриб шаҳарга кир, унда нима қилишинг кераклиги сенга айтилади, - деди.

Павлус ёки Шоул масиҳийликка кирди ва Исо Масиҳ шогирдлари билан боғланишга ҳаракат қилиб кўрди. Лекин шогирдлар ундан хавф қилиб иймонига ишонч ҳосил қилмадилар. Шунда Барнабо Шоулнинг иймонига гувоҳлик бериб, йўлда содир бўлган воқеани сўзлаб берди».

«Х.Ф.» китобининг 9-бобидида айтилади: «Шоул Қуддус шаҳрига етиб боргач, у ердаги Исо шогирдларига кўшилиб иноқлашишга уринди. Лекин у Исонинг шогирди бўлганлигига ҳеч ким ишонмай ундан кўрқишарди. Ўшанда Барнабо Шоулни ҳаворийларнинг ҳузурига бошлаб келди ва унинг йўлида Исони қандай кўриб, Исо унга нима деб сўзлаганини, Дамашқда Исонинг номи билан қандай довюраклик билан ваъз айтганини уларга айтиб берди».

Шу вақтдан бошлаб Шоул масиҳийликни тарғиб қилишдаги фаол бир қувват ва доимий ҳаракатга айландики, бунга «Х.Ф.» китоби далолат қилади. Павел ўз сафарларида Барнабо билан ҳамроҳ бўлди. Кейин эса улар ўртасида ихтилоф чиқди ва ажралиб кетдилар.

Ана шу нуқтага етганда муҳим бир масала мавҳум бўлиб қоляпти. «Х.Ф.» китоби бизларга Павелнинг ўзи даъват қилаётган ва ўн тўртта мактубида тартиблаган масиҳийликни кимдан олгани, ўрганганини баён қилиб бермайди. (Баъзи Ёзувчилар «Х.Ф.» китобини Лукага нисбат бериш ўрнига Павелга нисбат берадилар) масиҳийлик китоблари у масиҳийлик асосларининг кимдан қабул қилиб олганини баён қилмаган. Балки улар Павел бировдан ўрганишга мухтож эмас, деб эътиқод қилсалар керак. Чунки у масиҳийликда душман

кофир даражасидан уларнинг эътиқод бўйича пайғамбар даражасига кўтарилган ва ваҳий орқали илҳом билан гапирадиган шахсга айланган. Демакки, у ўрганиш ва дарс қилишга муҳтож эмас эди, чунки ваҳий унга кифоядир.

Шоул турли иқлимларда канисалар ташкил қилди, даъват билан машғул бўлди, маърузалар қилди. Мактублар битди. Кейинчалик унинг мактублари эътиқод асосларини ва баъзи шаръий амалларни ўз ичига олган таълимий рисоалар бўлиб қолди.

Айтишларича, у император 66 ёки 67 йили Нерон қирғинбаротлари вақтида ўлдирилган.

Павлуснинг сифатлари

Павлуснинг мактубларида тартибланган ва «Х.Ф.» китобида зикр қилинган ҳолатлари ва сўзларидан уни ажратиб турувчи учта сифати яққол кўзга ташланадики, булар уни масиҳийликка даъват қилувчиларнинг йўлбошчиси бўлишига олиб борди.

Биринчи сифати: У доимий серҳаракат, чарчамайдиган серкувват ва эринмайдиган шахс бўлган.

Иккинчи сифати: У пишиқ, ҳийласи ўткир, фикрлаш доираси кучли, ҳар ишни ғоятда ўткирлик билан ҳал қилувчи ва усталик билан амалга оширувчи шахс бўлган.

Учинчи сифати: У кўпчилик қалбига таъсир қила олувчи ва уларнинг хоҳиш-истакларини эгаллай олувчи шахс бўлган.

Павел ана шу аъло сифати ва ўткир қудрати билан масиҳий даъватчиларнинг меҳр маркази бўлишга, ўзининг раъй-фикрларини масиҳийларга фарз этиш ва уни дин қилиб олишларига, унинг сўзини ҳужжат қилиб олишлари ва Худодан келган ваҳий деб тан олишларига эриша олди.

Павлус ана шундай ажойиб сифатлари билан дўст Барнабони Исо Масиҳни кўрганига ишонтара олди ва шогирдлар ўртасида биринчи даражани эгаллашга эришди, ваҳоланки, у уларга фитна, бало ва шайтоннинг ҳийласи бўлиб келганди. Ана шундай кучли сифатлар билан у ҳаворийларни унинг ўтмишини унутишлари ва уни фақат яхши инсон деб қабул қилишларига эриша олдики, ҳатто кўпчилик ичида унинг сўзини рад қила олмай қолдилар. Ҳатто бориб-бориб ҳозирги масиҳийлик Павел табиатининг кўчирмасига айланди қолди. Динлар борасида шуғулланган ва ундаги шахсларнинг ҳолатлари ва тутган мавқеларини биладиган кишилар гоҳи: «Қандай қилиб бир динга кофир бўлган одам ҳеч қандай турткисиз бир юмалаб шу динга қаттиқ эътиқод қилиш ҳолатига ўтиб қолди?» деб ажабланидилар. Бунга унча

ажабланмаса ҳам бўлар эди, қачонки бу куфрдан иймонга ўтишнинг ўзидангина иборат бўлса. Чунки бунга мисоллар кўпдир. Лекин ҳаммадан ажабланарлиси бир шахснинг бир динга нисбатан мутлақ куфрдан, ўзи кофирлик қилган, қарши чиққан, душманлик қилган худди шу динга пайғамбарлик даражасига кўтарилишидир. Мана бунинг ўхшаши ҳам, мисоли ҳам кўрилмаган, бу нарса ҳеч бир набий ва расулда содир бўлмаган ҳодисадир. Мана масиҳийлар ўзлари иймон келтириб ривож қиладиган яҳудийлар Тавротни, қадимги Аҳд китобларидан бирор-бир пайғамбарнинг ҳаётининг аввалида ваҳийни қабул қилишга тайёргарлиги бўлмай, илҳом аҳлидан бўлиши учун покиза нафсли бўлмай элчилик вазифасига тайинланганини бизга зикр қила оладиларми? Пайғамбарликдан илгари унинг аломати мавжуд бўлмас экан ҳеч, бўлмаса унга қарама-қарши туриш содир бўлмаган бўлиши керак-ку! Лекин ҳайратомуз Павлус ўз замонида бу таажжубни енгиб, ўзидан кейин масиҳийларни унга сўзсиз итоат этишга мажбур қила олди ва унинг сўзлари, раъй-фикрлари ҳамда таълимотларини ўрганаётганларида ақлни унутиб кўйишларига имкон топа олди.

Гарчи Павлуснинг заковати ва усталиги кўпчиликнинг ақл кўзига парда тортган бўлсада, масиҳийлар ичида унинг сўзларига қарши кучли мулоҳаза билдириб инкор қилувчи ва ботилга чақирувчи кишилар ҳам бўлган. Руҳоний Абдулаҳаднинг сўзини келтирамиз: «Янги аҳд» китобларидан 15 та мактуб ушбу (Павел) исмини ўз ичига олади. Агар сен ҳозирги масиҳийликнинг ҳақиқий муассиси Павлус десанг ҳайратга ўрин йўқдир. Бенямин уруғидан, фарзийлар мазҳабидан ҳамда замонасининг олимларидан биринчи шогирди бўлган... Тарслик йигит Шоул Исо номини ва унга эргашганларни ер юзида йўқ қилиб юбориш йўлида бор кучини сарф қилган. Ўзининг Назаретлик душманини (яъни Исони) пешин пайти осмондан тушган нур атрофини ёритиб юборганда кўрган бу йигит хидоят топди ва Павлус деб номланди. Ана у Исавийлик асосини қўйган кишидир.

Ўрта Осиё халқлари тарихида Христиан дини.

XI асрнинг охирида христианликнинг Шарққа томон ҳаракати ва тарқалиши оммавий тус олди. Бу динни маҳаллий аҳоли орасида тарқатувчилар Шарқнинг айрим вилоятларига илгарироқ кириб борганлар. 280 йилдаёқ Талос (Марке) черковлари қурилиб бўлган, Самарқандда (310 йилдан), Марвда (334 йилдан), Ҳиротда (430 йилдан), Хоразмда, Марида ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида епископик, кафедра, миссиялар, кейинчалик Самарқандда, Марода (430 йиллар), Ҳиротда (658 йиллар) епископликдан иборат диний худудий жамоалар, бирлашмалар бўлган. Хуросонликлар ва суғдиёналиклар

зардуштийлар, монавийлар, буддавийлар, билан бир қаторда христианлар ҳам бўлган.

Ўрта Осиё территориясида исломнинг тарқалиши даврларида ислом билан христианлик ўртасидаги зиддиятлар, келишмовчиликлар кескинлаша бошлади. Бироқ, X асргача Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилоятларида христианларнинг манзилгоҳлари бўлган. Ҳатто Беруний яшаган даврда ҳам (973-1056) Марвда православ метрополияси бўлган.

Ана шу даврда христианлик Кавказда ҳам тарқала бошлади. Арманистон (301 йил) ва Грузияда (318 йили) давлат динига айланади. Озарбайжон ва Жанубий Доғистон территориясида IV-VII асрларда ҳукмрон дин ҳисобланган.

Библия. Библия, яҳудийлик ва христианлик динлари таълимотига кўра, у Худо томонидан нозил қилинган, асосий диний ақида ва ахлоқ қонунларини ўзида жамлаган муқаддас китоблар мажмуасидир.

Унинг таркибига кирган яҳудий динига таллуқли китоблар «Қадимий аҳд» деб, христиан талимотига тегишли китоблар «Янги аҳд» деб номланади. Яҳудий ва Христиан библиялари бир-бирига мос келмайди. Яҳудийларнинг муқаддас китоби Қадимий Исроил ва Қадимий Яҳудийларнинг диний талимот ва урф-одатлари асосида эрамиздан авалги XIII асрда ёзилган бўлса, Христианларнинг китоби эса эрамизнинг бошларида вужудга келди. Яҳудийлар христианларнинг китобини муқаддас китоб сифатида тан олмайдилар христианлар эса яҳудийларнинг китобини муқаддас китоб сифатида тан оладилар.

Библия сўзининг грекчадан таржимаси *biblia - китоб, ўрам* маъноларини англатади. Ҳозирги Библия католик нашрларида 72 та китобдан, протестант нашрларида эса 66 китобдан иборат. Яҳудийларнинг яна бир диний манбаси Талмуднинг хабар беришича Қадимий аҳдда 24 та китоб бўлиши керак. Қадимий яҳудий тарихчиси Иосиф Флавийнинг айтишича 22 та китоб бўлиши керак. Протестантлар ва яҳудийлар, Тридент Соборидан кейин (1545-1563) католиклар ҳам қадимий аҳд таркибига 45 та китоб киргизадилар. Бу сон билан юқорида келтирилган сон ўртасидаги тафовутни кейинчалик баъзи китоблар бир неча мустақил китобларга бўлиниб кетганлиги билан изоҳлаш мумкин. Масалан, «Мусонинг беш китоби» аввал бир бутун бўлиб, кейинчалик бешта мустақил китобга ажратиб юборилган, «кичик пайғамбарлар китоби» 12 китобга ажратиб юборилган.

Яҳудийлар Қадимий Аҳдни 3 қисмга бўладилар:

- биринчисига «Мусонинг беш китоби» - «Тора» («Таврот»);
- иккинчисига «Пайғамбарларнинг аввалги ва кейинги китоблари (Неииим);
- учинчисига қолган китоблар (Кетубим).

Христианлар Қадимий Аҳдни «Ривоятлар китоблари», «Таълимотларга китоблари»га, «Пайғамбар китоблари»га бўлишади. Улар Янги Аҳднинг 27 китобини ҳам шундай тасниф қиладилар. «Ривоятлар китоблари»га «Инжил» ва «Ҳаворийлар фаолияти» китоблари киради. «Таълимотлар»га «Ҳаворийлар мактублари» киради, «Пайғамбарлар китоблари»га «Ваҳй» китоби киради.

Библиянинг китоблари бобларга, боблар эса сураларга бўлинади. Унинг ҳозирги қабул қилинган бўлиниши Нентерберия епископи Стефан Лангтон (вафоти 1228 й.) томонидан киритилган. У 1214 йили лотин тилидаги матнни бобларга бўлиб чиқди ва бу нарса кейинчалик яҳудий ва юнон тилларидаги матнларга ҳам жорий қилинди. Суралар аввал Сантес Панино (в. 1541 й.) кейинчалик 1555 йиларда Роберт Этьенлар томонидан рақамланди.

Таврот. Мусога тегишли бўлган, беш китоб «Таврот» деб аталади ва у қуйидаги китобларга бўлинади: 1) «Борлик» ёки «Ибтидо»; 2) «Чиқиш»; 3) «Левит»; 4) «Сонлар»; 5) «Иккинчи қонун».

Инжил. Инжил - хушхабар маъносини англатади. Янги аҳд таркибига кирган Инжил 4 га бўлинади. 1) Матвей инжили; 2) Марко инжили; 3) Лука инжили; 4) Иоанн инжили.

ИСЛОМ

Жоҳилия. Бу сўз араб тилида (*жаҳула-билмаслик*) жоҳиллик, билимсизлик, нодонлик маъносини беради. Жоҳилия сўзи Арабистоннинг исломдан олдинги даврига нисбатан ишлатилади. Чунки бу даврда араблар орасида *ал-Васанийя* - *кўпхудолик* ҳукм суриб, улар яккахудоликдан беҳабар эдилар. Бундан ташқари халқ орасида қизларни тириклайин кўмиш, майхўрлик ва бошқа ахлоқий бузуқликлар кенг ёйилган бўлиб, ислом дини уларга чек қўйди.



Арабистон ярим оролининг Макка, Мадина, Тоиф, Хайбар сингари бир қанча энг муҳим шаҳарларини ўз ичига олган қисмини қадимдан Ҳижоз деб аташган. Бу ярим оролнинг катта қисмида ислом вужудга келгунига қадар кўпхудолик ҳукм сурарди. Арабларнинг энг қадимги динлари жумласига тотемизм, фетишизм, анимизм ва ўтмиш авлодларга сиғинишни киритиш мумкин. Тотемизмнинг яққол далили сифатида кўп араб қабилаларининг номини келтириш кифоя; асад (арслон), калб (ит), бакр (бўталоқ), саълаб (тулки), зиъб (бўри) ва ҳ.к.

Арабистонда ҳар хил худоларнинг тимсоли - санамлар қачон пайдо бўлганлиги ҳақида конкрет тарихий маълумотлар йўқ. Ҳарқалай, бут-

санамларга сиғиниш - диннинг янги босқичи бўлди. Эрамиздан аввалги VIII асрдаёқ ҳар бир араб қабиласининг ўз санами бўлган. Икки қабила урушидан сўнг, одатда, мағлуб қабила ғолиб қабила санамига сиғина бошларди. Баъзида ғолиб қабила мағлуб қабиланинг санамини ҳам ўз санами ёки санамлари сафига қабул қилиши мумкин эди. Арабистоннинг турли ерларида муайян санамларнинг қароргоҳи мавжуд бўлиб, улар зиёратгоҳлар сифатида маълум эди. Макка Арабистоннинг диний марказига айлангач, у ердаги Каъба санамларнинг пантеонига (тўпланган жойига) айланиб қолди. Ислом арафасида араблар орасида бутпарастлик шунчалик авжида эдики, ҳатто ҳар хонадоннинг ўз санами бор эди, дейиш мумкин. Сафарга отланган киши бундай санамни қўли билан ишқаб, сўнг йўлга тушарди, сафардан қайтгач эса, биринчи навбатда у яна санамини силаб-сийпарди.

Ибн ал-Асирнинг уқтиришича, 630 йили Муҳаммад с.а.в. Маккани забт этганларида Каъба ичида 360 та санамни кўрганлар ва уларни синдириб ташлашни буюрганлар.¹⁰ Санамларнинг сони учун бу рақам жуда катта кўринади, аммо муайян санам бир неча қабилада эҳтиром қилинган бўлса, у Каъбага шунча нусхада қўйилган бўлиши мумкин.

Ибн ал-Калбийнинг араб кўпхудолигига бағишланган «Китоб ал-асном» асарида тилга олинган датлабки 5 санамнинг номи (Вадд, Сувоъ, Яғус, Яъук, Наср) Қуръонда ҳам зикр қилинган (Нух, 22-23-оятлар). Уларнинг тасвири кўпчиликка маълум эди. Вадд – эркак киши, Сувоъ – аёл киши, Яғус – шер, Яъук - от ва Наср – бургут киёфасида ифодаланар эди.

Қуръонда зикр қилинган энг қадимги санамлар жумласига Манот, Аллот ва ал-Узза ҳам киради. Жоҳилия арабларининг тасаввурида бу уччала санам ҳам аёл худолар бўлган.

Ислом вужудга келиши арафасида Жанубий Арабистон аҳолисининг этиқодида катта ўзгаришлар юз берди. Арабистон ярим оролининг жанубида ҳам, шимолида ҳам аксарият аҳоли ҳар хил бут-санамларга сиғинарди, яъни кўпхудолик этиқодида эди. Аммо арабларнинг бутпарастлиги фақат тотемизм, фетишизм каби ибтидоий, илк дин шакллари эмас, балки узоқ йўлни босиб ўтган, нисбатан ривожланган кўпхудолик эди.

Исломдан олдин Арабистоннинг кўп жойларида яҳуд жамоалари мавжуд бўлгани ҳақида маълумотлар кўп. Яҳудлар билан бирга Арабистон ярим оролига яҳудий дини ҳам кириб келди. Арабистон яҳудийлар ҳақида, асосан, Қуръон, Ҳадис, Тафсир, Сира ва аҳборлар китоблари хабар беради. Бу мавзуга

¹⁰ Пайғамбарларнинг номи зикр этилганда *салавот* айтиш, яъни Қуръонда номи келган пайғамбарларга *алайҳис салом*, Муҳаммад пайғамбар номлари айтилганда ёки ёзилганда юқоридаги каби баъзан *алайҳис салом* (*Қисқача*: а.с. *ёзилади*), асосан эса у зотга хос бўлган *саллаллоҳу алайҳи васаллам* (*Қисқача*: с.а.в. *ёзилади*) дейиш мусулмонлик одоб-ахлоқларидан бўлиб, вожиб саналади.

аниқлик киритадиган ҳозирга қадар топилган ҳужжатларнинг энг қадимийси – Янги Бобил подшоҳи Набонидга (эр.ав.555-539) тегишли хроникадир. Унда айтилишича, эрамиздан аввалги 552-542 йиллар Шимолий Арабистондаги Тейма шахрини ўзига пойтахт қилиб олган Набонид бу ердаги шахарларни ўзлаштириш мақсадида Бобилдан талайгина аҳолини кўчирган; улар орасида кўпчиликни яҳудлар ташкил қилган. Маълумки, бундан олдинроқ (эр.ав. 586 й.) Навуходносор II Қуддусни забт қилганида салкам 30 минг яҳудийни асир қилиб, Бобилга келтирган ва «Бобил асирлиги» 50 йил давом этганди. Шундан сўнг ҳам баъзи яҳудлар Фаластинга қайтмай Бобилда қолиб кетгандилар. **Ислом таълимоти.** Ислом дунёда кенг тарқалган жаҳон динларидан бири. Арабистон ярим ороли, Иордания, Сурия, Фаластин, Туркия, Эрон, Покистон, Африка қитъасидаги Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливия, Миср Араб Республикаси, Судан, Сомали сингари мамлакатлар халқлари, Ўрта Осиё, Эфиопия, Бруней Султонлиги, Малайзия, Индонезия ҳамда Ливан, Ҳиндистон, Хитой ҳамда Филиппин аҳолисининг маълум бир қисми, Европа қитъасида эса Болқон ярим ороли, Кавказорти ва Шимолий Кавказ, Волгабўйи, Фарбий Сибирьда яшовчи халқларнинг бир бўлаги исломга эътиқод қилади. Ер юзида Исломга эътиқод қилувчилар, яъни мусулмонлар қарийб 1,5 млрд. га етади ва улар сони жиҳатидан христианлардан сўнг иккинчи ўринда туради.

Ислом сўзи арабча «Оллоҳга ўзини топшириш», «итоат этиш», «таслим бўлиш», «бўйсунуш» маъноларини беради. Исломнинг асосий манбаси бўлмиш Қуръони Карим VII асрда нозил бўлган бўлса-да, ислом таълимотига кўра бу дин, ер юзида инсоният пайдо бўлибдики, барчаларига нозил қилинган. Муҳаммад с.а.в. аввалги пайғамбарлар ишини давом эттирган, улар динини қайта тиклаган, қиёмат олдидан юборилган охирги пайғамбар - *Набий* ва *Расул* деб тан олинади.

Набий – пайғамбар, араб тилидан таржимаси *хабарчи*, *хабар етказувчи* маъноларини беради. Пайғамбарлар орасида уларга Аллоҳ томонидан алоҳида китоб ва шариат нозил қилинмаган ва аввалги пайғамбарнинг китоб ва шариатини инсонларга тарғиб қилганлари *набийлар* деб аталади (Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Закариё каби).

Расул - пайғамбар, араб тилида *элчи* маъносини англатади. Аллоҳ томонидан алоҳида китоб ва шариат берилган пайғамбарлар *расуллар* даражасига эришган ҳисобланади (Иброҳим, Мусо, Исо каби).

Макка даври. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абд ал-Мутталиб Арабистон тарихида «фил воқеаси» номи билан машҳур жангдан 50 кун кейин таваллуд топдилар. Мисрлик мунажжим Маҳмуд пошонинг аниқлашича Пайғамбарнинг таваллуд топишлари милодий сананинг 571 йил 21 апрель кунига тўғри келади. Оталари Абдуллоҳ Муҳаммад с.а.в. туғилмасларидан

олдин савдо иши билан Шомдан қайтаётиб Ясриб(Мадина)да вафот этдилар ва ўша ерга дафн этилганлар.

Бола соғлом ва зийрак бўлиб ўсиши учун арабларда саҳройи аёллардан сут-она топиб эмизиш одати бор эди. Ана шу одатга кўра, Бакри қабиласидан бир гуруҳ аёл гўдак излаб шаҳарга келади. Муҳаммад с.а.в.га сут-она бўлиш Абу Зуайбнинг қизи Ҳалимага насиб этди. Ҳалиманинг эри чорвадор Абу Кабша эди. Қурайш мушриклари Пайғамбар а.с.ни масхаралаб кулганда у кишини Абу Кабшага мансуб қилиб: «Бу Абу Кабшанинг ўғли нукул осмондан гапиради» дейишарди. Расулуллоҳни 4 йилдан ортиқ вақт ичида эмизган Ҳалиманинг оиласига барака ёғилиб турди. «Шарҳи садр» ёки «Шакки садр» («Кўкрак ёриш») воқеаси ана шу даврда юз берди (Қуръони Каримнинг 94-сураси).

Ривоят қилинишича, Расулуллоҳ Ҳалиманинг кўйларини яйловда боқиб юрганларида икки оппоқ кийимли киши келиб у кишининг кўкраklarини ёришади-да, ичларидан бир нарсани олиб ташлаб, кесилган жойни тикиб кўйишади. Муҳаммад с.а.в.ни икки оқ кийимли киши олиб кетишаётганини кўрган акалари ўз оналарига бу хабарни етказишганида биби Ҳалима воқеа содир бўлган жойга зудлик билан етиб келдилар. Бу вақтда кичкина Муҳаммад с.а.в. ранглари бир ҳолатда турган эдилар. Кейин уларга бўлган воқеани ўз оғизлари билан гапириб берадилар. Шундан сўнг бировнинг фарзандига бирор шикаст етиб қолишидан қўрққан Ҳалима болани ўз оналарига топширади.

Ибн Касирнинг «ал-Бидойа ва-н-нихойа» асарида келтиришича, мазкур олиб ташланган нарса «инсон қалбида мавжуд бўладиган шайтон насибаси, яъни шайтоний ҳис-туйғулардир». Ат-Табарийга кўра, бу воқеа Муҳаммад с.а.в. нинг қалбларидан шайтон насибасини зам-зам суви билан покиза қилиб ювиб ташлашдир.

6 ёшларида оналари Омина вафот этдилар. 8 ёшгача боболари Абдулмутталиб қўлларида қолиб, боболари вафот этгач, амакилари Абу Толиб Муҳаммад с.а.в.ни ўз қармоғига олди.

Муҳаммад с.а.в. 25 ёшга тўлганларида Асад жамоасидан бўлган бой аёл Хадича бинт Хувайлид у кишидан ўзининг савдо қарвони билан бирга Шомга сафар қилишни сўради. Бу савдодан катта фойда тушди. Муҳаммад с.а.в.нинг тўғрисўзлик, ҳалоллик, садоқатлилик каби юксак инсоний фазилатларини кўрган Хадича ёшлари анча катта бўлишига қарамай, таомилга зид равишда унга совчи қўйди. Муҳаммад с.а.в. томонидан амакилари Абу Толиб, Хадича томонидан амакиваччаси Варақа розилик бериб, никоҳ ўқилди.

Муҳаммад с.а.в.нинг шу хотинлари у кишининг етти фарзандларидан 6 тасининг онаси бўлган. Улар, Зайнаб, Умму Қулсум, Рукия, Фотима, Қосим, Абдуллоҳлардир. Мория исли аёлларидан эса Иброҳим туғилган.

Муҳаммад с.а.в. 35 ёшга кирганларида маккаликлар Каъбани таъмир этишади. Уни қайта қуриш жараёнида муқаддас саналган «ал-Ҳажар ал-асвад» (Қора тош)ни ким ўрнига қўяди деган масалада тортишиб қоладилар. Шунда улардан бири - «эрталаб Сафо эшигидан ким биринчи кириб келса ўша бизга ҳакамлик қилсин», дейди. Эрталаб Сафо тарафидан Муҳаммад с.а.в. кириб келадилар. Уни кўрган оламон «Муҳаммад ал-Амин (ишончли Муҳаммад) келди» деб, хурсанд бўлишади. У зот чопонларини ечиб, унга Қора тошни қўйиб, барча қабила бошлиқларини чопонни бараварига кўтаришга буюрадилар ва ўзилари Қора тошни жойига қўядилар. Муҳаммад с.а.в. ўзларининг зукколиклари билан қабилалар ўртасида чиқиши мумкин бўлган низонинг олдини оладилар.

Муҳаммад с.а.в. 40 ёшга етганларида кўпроқ ёлғизликни кўмсайдиган бўлиб қолдилар. Маккадан 3 мил масофадаги Ҳиро тоғида жойлашган ғорга кетар ва Рамазон ойини у ерда кечириб, ибодат қилардилар. Ғамлаган озуқалари тугагач биби Хадича олдига қайтар, бу ерда бир оз қолиб, яна ўша ғорга кетар эдилар. У ерда ўзларини сукунатга бериб, чуқур ўйга толар эдилар. Ғойибдан кулоқларига «Сен Аллоҳнинг элчисисан» деган товушлар эшитилар эди.

Милоднинг 610 йилида Рамазони шариф ойида Пайғамбар а.с. одатга кўра, яна Ҳиродаги ғорга чиқдилар. Жамиятда юз бераётган ноҳақликлар, инсоният жабр тортаётган залолатдан қутулиш - олий ҳақиқатга эришиш ҳақида фикр юритар эдилар. Ҳиро тоғида аввалги ўтган пайғамбарлардан Иброҳим, Мусо, Исо каби «таҳаннус» ибодати билан машғул бўлардилар. Имом ал-Бухорий бу ибодатга шундай шарҳ берадилар: «Пайғамбаримизнинг қайси шаклда ибодат қилганлиги сўраладиган бўлса, бунинг тафаккур ва ибратдан иборат бўлганлигини айтамин».

Пайғамбарликнинг бошланиши тушда аён бўла бошлади. Тушда кўрилган ҳар бир нарса ойдин бир субҳ каби ўнгда юз берарди. Кунларнинг бирида Ҳиро тоғидаги ғорда ваҳй келтирган фаришта Жаброил а.с. Пайғамбарга кўринди ва:

- Ўқи, - деди.

Пайғамбар:

- Мен ўқишни билмайман, - дедилар.

Фаришта яна амрини такрорлади. Пайғамбар яна:

- Мен ўқишни билмайман, - жавобини бердилар. Сўнгра фаришта у кишини бошдан оёққа қадар кучлари қолмагунча сикди.

Шунда Пайғамбар:

- Нимани ўқишим керак? - деб сўрадилар.

У замон фаришта илоҳий оятларни ўқий бошлади:

«Яратган раббинг номи билан ўқи! У инсонни лаҳта қондан яратди. Ўқи! Карамни кенг бўлган Раббинг ҳаққи учунки, У қалам билан таълим берди, инсонга билмаганларини ўргатди».

«‘Алақ» сурасининг бошидаги бу оятлар илк келган ваҳйдир. Пайғамбар а.с. бу оятларни қалбга жойлаб, фариштанинг кетидан қайтардилар. Шундан сўнг бўлиб ўтган воқеадан ниҳоятда ҳайрат ва қўрқувга тушганларидан дарҳол биби Хадичанинг ҳузурларига қайтдилар ва «Мени ўраб қўйинг, ўраб қўйинг», дедилар. Ўранганларидан сўнг узоқ уйқуга кетдилар. Уйғонгач бўлган воқеани аёлларига сўзлаб бердилар. Хадича буни яхшиликка йўйиб, Варақа ибн Навфал номли аввалги самовий китоблардан бохабар бўлган қариндошларининг ҳузурига бориб, бу воқеанинг тафсилотини сўрадилар. Варақа бу кўринган фаришта Мусо ва Исо пайғамбарларга ваҳйни олиб тушган «*Номуси Акбар*» - *Жаброил* эканлигини айтди. У яна келажақда Муҳаммад с.а.в. умматга пайғамбар бўлишлари, бу йўлда кўп азият чекишлари, ўз юртларидан чиқарилишлари ҳақидаги хабарларни билдирди.

Расулулоҳ яширин даъватга ўтдилар. Биринчи бўлиб Хадича бинт Хувайлид ва амакиваччалари Али ибн Аби Толиб имон келтиришди. Кейин Зайд ибн Ҳориса, Абу Бакр имон келтиришди. Биринчилардан бўлиб иймон келтирганларни кўрадиган бўлсак, улар аёллардан - Хадича, эркаклардан - Абу Бакр, ёш болалардан - Али ибн Абу Толиб, қуллардан - Зайд ибн Ҳориса бўлдилар. Улар жамиятнинг турли табақаларидан бўлиб, бу нарса ислом ҳамма учун ҳам муносиб дин эканини кўрсатарди. Вақт ўтиши билан жами мусулмонлар 30 кишига етди. Улар қурайшийларнинг янги динга қарши эканликларини билганликлари учун ўз динларини яширин сақладилар. Бу ҳолат уч йил давом этди. Шундан сўнг исломга очиқ даъват қилиш вақти етганлигини билдирувчи қуйидаги мазмундаги оятлар нозил бўлди:

«Яқин қариндошларингни уйғот, мўминлардан сенга тобеъ бўлганларга раҳмат ва ҳимоя қанотларини тушир. Агар сенга осий бўлиб қарши тураверсалар, уларга: Мен сизнинг амалларингиздан покдурман (тамомила узоқман), деб айт» (Шуаро сураси, 214-216-оятлар).

«Сен ўзингга амр қилинган ишни (ҳақ динга даъват қилишни) очиқдан-очиқ юзага чиқар ва муширлардан юз ўгир» (Ҳижр сураси, 94-оят).

Пайғамбар бу оятга биноан Абдулмутталиб оиласини, амакилари Абу Толиб, Аббос, Ҳамза, Абу Лаҳабларни уйларига зиёфатга таклиф этдилар. Овқатдан сўнг Пайғамбар ваҳй қабул қилганлари, янги дин исломга даъват этишга буюрилганлари ҳақида гапирдилар. Абу Лаҳаб бу сўзларни қатъий инкор этиб, йиғилганларни тарқатишга тушди.

Бир муддат ўтгач Пайғамбар даъватни янада кучайтирдилар. Бир куни Сафо тепалигига чиқиб: «Эй Қурайш халқи», - дея хитоб қилдилар. Бу хитобни

эшитганлар Муҳаммад с.а.в.нинг атрофига тўпландилар. У киши тўпланганларга қарата:

- Сизга шу тепанинг орқасида бир душман қўшини борлиги хабарини айтсам, менга ишонасизми? - дея сўрадилар.

- Ҳа, ишонамиз, чунки сенинг ёлғон сўзлаганингни ҳеч эшитмадик,- дедилар.

Пайғамбар уларга:

- У ҳолда сизни огоҳ этаман. Агар сиз Аллоҳга ишонмасангиз, буюк бир азобга дучор бўласиз,- деб қабила номларини бирма-бир санаб ўтдилар. Сўнгра:

- Хабарингиз бўлсинки, Аллоҳ менга яқин қабиламни огоҳ этишимни амр этди. Мен сиз учун на дунё манфаатини сақламоққа, на охиратда топадиган насибамизни ҳозирлашга қодир эмасман. Булар сизнинг бир сўзингизга боғлиқ. У ҳам бўлса, «Ла илаҳа иллаллоҳ» («Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир»), дейишингиздир,- дедилар.

Тингловчилар орасида бўлган Абу Лаҳаб дарҳол ўрнидан туриб:

- Кунимизни заҳар қилдинг. Бизни бу ерга шунинг учун тўпладингми? - деди.

Шу сабаб бўлиб, бу йиғин ҳам бир натижа бермади.

Илк мусулмон бўлганларнинг ичидан ҳеч кими ва орқасида қувватли суянчиғи бўлмаганлар мушрикларнинг таъқибига учрадилар. Макка мушриклари Абу Бакр, Усмон ибн Аффон каби обрўли ва бадавлат зотларга бир нарса дея олмас эдилар. Аммо заиф бўлган фақирларни оч ва сувсиз тутишар, урар эдилар. Улар орасида Билол Ҳабаший, Аммор ибн Ёсир, Суҳайб Румий, Ҳаббоб ибн Арат, Абу Фақайҳа каби қуллар ҳамда Лубайна, Наҳдийя, Зиннира, Умму Абис каби жориялар бор эдилар.

Мушриклар Усмон ибн Аффон каби мусулмонларга қўлларида келган азобларни беришдан чекинмаётган эдилар. Пайғамбарга энг кўп душманлик қилганлар қуйидагилар эдилар: Абу Лаҳаб, Абу Жаҳл, Валид ибн Муғира, Абу Суфён, Умайя ибн Халаф, Ос ибн Воил.

Қурайш улуғлари Муҳаммад с.а.в. нинг Аллоҳ элчиси бўлганлигини тан олган эдилар. Аммо ҳасад юзасидан унга қарши чиқар эдилар. Буни Аҳнас Абу Жаҳлдан ислом ҳақидаги фикрини сўраганида у берган жавобдан билса бўлади: «Биз билан Ҳошимийлар ўртасида қадимдан рақобат бордир. Шарафни ўртада бўлиша олмаймиз. Улар зиёфат берсалар, биз ҳам берамиз. Улар хайр-саховат кўрсатсалар, биз ҳам кўрсатамиз; улардан орқада қолмаймиз. Шундай баробар кетаётган пайтимизда улардан бири ўзига кўкдан ваҳй келганини хабар беряпти. Биз бунга қандай қўшила оламиз? Валлоҳи, биз уларнинг Пайғамбарига ишонмаймиз!..».

Мусулмон бўлмаган маккаликлар ҳам Муҳаммад с.а.в.нинг юксак ахлоқ эгаси эканликларини тан олар эдилар. Мусулмонлар сафи кенгайиб Пайғамбар амакилари - жасур Ҳамза ундан сўнг Умар ибн ал-Хаттобнинг имон келтиришларидан мушриклар саросимага тушиб қолдилар. Улар мусулмонларга озор беришни янада кучайтириб юбордилар. Бу азиятлардан холи бўлишлари учун Пайғамбар мусулмонларга Ҳабашистонга ҳижрат қилишни буюрдилар.

Ҳабашистонга кетишни истаган 11 экак ва 4 аёлдан иборат бўлган биринчи гуруҳ Маккадан яширин равишда чиқиб, Қизил денгиз бўйлаб кетди. Уларнинг ичида Усмон ибн Аффон ва хотини Руқия (Пайғамбарнинг қизлари), Абу Ҳузайфа ва хотини, Зубайр ибн Аввом, Абдуррахмон ибн Авф, Абдуллоҳ ибн Масъуд бор эдилар. Гуруҳ бошлиғи Усмон ибн Мазъун эди. 15 киши бир гуруҳ ҳолида ваҳйнинг 5-йили Ҳабашистонга кетдилар. Уларни Ҳабашистонда жуда яхши кутиб олдилар. У ерда яхши сокин ҳаёт кечириб бошладилар. Уларнинг бундай осойишта ҳаёт кечириётганликларини эшитган бошқа мусулмонлар ҳам бир йилдан сўнг иккинчи бир гуруҳ ҳолида у ерга ҳижрат этдилар. Бу гуруҳнинг бошида Жаъфар ибн Аби Толиб бўлиб (Алининг акаси), улар 80 киши эдилар.

Ҳабашистон халқи ва унинг подшоҳи Нажоший мусулмонлар жуда яхши муносабатда бўлдилар.

Маккаликлар Абдуманоф уруғини Абу Толиб дарасига қамал қилдилар. Шундан сўнг икки марта ҳабашистонга ҳижрат қилинди.

Қамалдан сўнг Хадича вафот этди. Пайғамбар Тоифга ҳижрат қилдилар.

Маккада «Исро ва Меърож» воқеаси юз берди¹¹. Душманлар Расулulloҳни ўлдиришга қарор қилишди.

Мадина даври. Мадиналиклар Маккага Пайғамбар ҳузурларига келиб исломни қабул қилдилар. Улар билан маккалик мусулмонлар ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатилди. Макка мушрикларининг мусулмонлар устидан тазийқлари кучайгач Пайғамбар уларга Ясриб(Мадина)га ҳижрат қилишни буюрдилар. Улар кетидан ўзлари ҳам ҳижрат қилдилар.

Мадиналик «ансор» («ёрдамчи»)лар маккалик муҳожирларни жуда самимий кутиб олдилар. Муҳаммад с.а.в.нинг ҳижратлари раби ал-аввал 8-куни милодий 622 йил 20 сентябрда бўлди. Биринчи мусулмонлар масжиди қурилди. Азон жорий этилди. Авс ва Ҳазраж араб қабилалари ва Бану Қурайза, Бану Қайнуқоъ, Бану Надир қабилалари билан ўзаро сулҳ тузилди. Ҳар томондан мусулмонларга қарши ҳужумлар уюштирилди. Мусулмонлар уларни муваффақият билан қайтардилар. 624 йил, март ойида «Бадр» ғазоти бўлди.

¹¹ Бу ҳақда маълумот учун қаранг: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. Ал-Жомийъ ас-саҳих. 2-жилд. Т., 1997. 567-бет.

Мадина даврида Муҳаммад пайғамбар етакчиликларидаги ислом жамоаси яқин давлатлар орасида тузилажак кучли бир давлатнинг вазифаларини бажариб, турли араб қабилаларининг ва бир-бирига қарам бўлган қабилалар иттифоқларининг ўзаро душманлигини йўқотишга улар ўртасида яқин ва узок муддатли сулҳ шартномаларини тузишга киришган эди.

Ҳижратнинг 6 - йилида Макка қурайшийлари билан тузилган Худайбия шартномаси энг муҳим тарихий ҳужжатлардан биридир. Бу сулҳ битими тузилиши арафасида Пайғамбар 1500 саҳоба жангчилар билан, ўқ-ёй ва найзалар олмасдан, фақат қилич тақиб, Байтулҳарам зиёрати вақтида қурбонликка сўйиладиган 70 туяни ҳайдаб, Макка шаҳрига яқин келдилар. Бу кичик қўшин Макка мушрикларига кўп кўриниб, улар Расулуллоҳни жанг қилишга, урушга келган ҳисоблаб, шаҳарга киритмадилар. Ҳар икки тараф бир неча бор элчилар алмашиб, вазиятни тушинтирдилар. Мусулмонларнинг тинч мақсадда келганига ишонмасдан, Макка мушриклари урушга тайёрланиб турдилар. Аммо жоҳилият замонларида ҳам Байтулҳарамда - Каъба ва унинг атрофида жанг қилиш, қон тўкиш ман қилинган эди. Буни яхши билган Муҳаммад пайғамбар Усмон ибн Аффон етакчилигида навбатдаги элчиларни юбордилар. Макка мушриклари буларни гаровга, асир олгандай, қайтариб жўнатмадилар. Мусулмонлар ҳам Макка вакилларини вақтинча ушлаб турдилар.

Орадаги кескин вазиятни юмшатиш учун пайғамбар Худайбия деган жойда Макка раислари билан ўн йиллик сулҳ шартномасини тузишни таклиф этдилар. *Худайбия шартномаси* мусулмонлар учун мураккаб вазиятда тузилди.

Мусулмонлар давлатининг илк тарихий ҳужжатларидан бўлган Худайбия битимида қуйидаги шартлар ёзилди:

- *Ўн йилгача тарфлардан ҳеч бири уруш бошламайди.*
- *Шу муддат ичида мусулмонлар ва маккаликлар ўзаро алоқада бўладилар.*
- *Улардан кимки мусулмон бўлиб Маккадан Мадинага волий рухсатисиз қочиб келса, агар мушриклар уни талаб қилсалар қайтарилади. Мусулмонлар тарафидан муртад бўлиб қочган кишилар қайтарилмайди.*
- *Ўртамизда душманлик тугатилади, талончилик ва макр-ҳийлаларга йўл қўйилмайди.*
- *Истаган одамлар Муҳаммад билан шартнома тузиб, иттифоққа қўшилишни истаса-қўшилаверади, истаган одамлар қурайшийлар билан шартнома тузиб, иттифоққа қўшилишни истаса қўшилаверади.*
- *Сен (Муҳаммад) бу йил Маккага кирмай қайтиб кетасан, келаси йили биз Маккадан чиқиб турамиз ва мусулмонлар уч кун Маккада туришлари ихтиёрийдир. Ўша вақтда мусулмонларнинг қиличлари қинида бўлиб, бошқа ҳеч қандай қурол билан келамайдилар.*

Шартномага мусулмонлар жамоаси тарафидан Муҳаммад пайғамбардан сўнг Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн ал-Хаттоб, Абдурахмон ибн Авф, Абдуллоҳ ибн Суҳайл (Қурайш вакилининг ўғли), Саъд ибн Аби Ваққос, Муҳаммад ибн Маслама имзо чекдилар. Қурайшийлар тарафидан Суҳайл ибн Амр, Миқроз ибн Хафс, Хувайлид ибн Абдул-Узза имзо чекдилар.

Ҳижратнинг 8-йили Макка фатҳ этилди. Ҳавозин, Сақиф қабилалари билан Ҳунайн жанги бўлди. Мушрикларнинг Каъба ичидаги 360 олиҳа (бутсанам)лари, хусусан Аллот, Манот, ал-‘Узза номли бутлари йўқ қилинди.

Макка фатҳидан сўнг ислом Арабистон ярим оролида тўла ғалабага эришди. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, Макканинг олиниши мусулмонлар учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлди, чунки шундан сўнг Мадинадаги мусулмонлар жамоаси Арабистон муҳитида ягона давлат ва сиёсий кучга айланди.

632 йили Пайғамбар ҳажга боришга қарор қилдилар. Бу у зотнинг охириги ҳажлари бўлганлиги туфайли ислом тарихида «Ҳажжатул вадо» (хайрлашув ҳажи) деб номланди. Бу сафарга тўқсон минг мусулмон отланди. Зу-л-ҳижжа ойининг тўққизинчи куни Арафот тоғида Пайғамбар а.с. ислом динининг асосий шартларини баён этган «Видолашув хутбаси»ни ўқидилар. Шундан сўнг, деярли барча араб қабилалари исломни тан олиб Пайғамбар а.с.га элчи ва мактублар йўллай бошладилар.

Ҳаждан Мадинага қайтган Пайғамбар бир оз муддатдан сўнг касалликка чалиндилар. Зотан «Моида» сурасининг 3-оятини нозил бўлган вақтда саҳобаларнинг баъзилари пайғамбар ҳаётларининг охирлашиб қолганлигини сезган эдилар. Жумладан ушбу оятда қуйидагилар баён этилган:

«...Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бениқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим» (Моида сураси, 3-оят).

Ҳижратнинг ўн биринчи йилида Пайғамбар а.с. вафот этдилар. Пайғамбарнинг вафот этган куни ҳақида тарихчилар орасида турли хил фикр-мулоҳазалар мавжуд. Тарихчилар В.В.Бартольд, Муҳаммад Ҳузарий Сайид Амир Али, марҳум профессор Муталиб Усмонов, Доктор Абдулмунъим Мажид Муҳаммад пайғамбарнинг вафот этган кунларини 632 йилнинг 8 июн деб берадилар. Тарихчи Муҳаммад Ризо пайғамбарни 632 йил 9 июнда (11 ҳижрий йил, 12 рабиул аввал) вафот этганлар деб ҳисоблайди.

Ал-Хулафо ар-Рошидун даври. Пайғамбар вафотлари ҳақидаги хабар Мадина аҳли орасида ёйилгач, ансорлар Ҳазраж қабиласининг сайиди Саъд ибн Убода ёнига тўпландилар. Айни пайтда мусулмонлардан бирининг Абу Бакр олдига келиб, Бани Соида сақфасида ансорлар Расулуллоҳга халифа сайлаш учун йиғилганларини хабар бериши эътиборга лойиқ. Чунки худди шу маълумот мусулмонлар ўртасида халифа сайлаш бир қатор мураккаб

ихтилофий муаммолар билан амалга ошишидан хабар беради. Абу Бакр, Умар ибн ал-Хаттоб ва Абу Убайда ибн Жарроҳлар Саъднинг бетоб бўлишига карамасдан, ансорларга маъруза қилаётган пайтига етиб келдилар.

Муҳожирлар халифани Қурайш қабиласидан сайланишини хоҳлар эдилар. Чунки Қурайш қабиласининг Арабистон ярим оролида нуфузи юқори эди. Агар халифа бошқа қабиладан сайланса, давлат ичида фитна оралаши шубҳасиз, чунки муҳожирлар биринчилардан бўлиб Пайғамбарга иймон келтирганлар ва Макка мушрикларининг азобларини бирга тотган эдилар.

Ансорлар эса муҳожирлардан кўра халифаликка ўзларини ҳақлироқ деб билардилар. Улар Пайғамбар қийин аҳволда қолганларида ёрдам қилганлар ва ўз шаҳарларининг тўрини бўшатиб бергандилар ва у зот билан бирга мушрикларга қарши елкама-елка туриб жанг қилган эдилар.

Муҳожирлар халифаликка Қурайш қабиласининг номзодини қўяр эканлар, Пайғамбарнинг *«Имомлик Қурайш ҳаққи»*, *«Имомлик Қурайшдан, қозилик ансордан ва азон чақирғи эса ҳабашдандир»* - деган ҳадисларини далил қилар эдилар. Улар халифаликка Умар ибн ал-Хаттоб ёки Абу Убайда ибн Жарроҳнинг номзодини кўрсатардилар.

Ўз ўрнида ансорлар ҳам Қуръон оятлари ва пайғамбарнинг ҳадисларига таянган ҳолда халифаликка Саъд ибн Убода номзодини қўйдилар. Улар муҳожирларнинг муайян қабиладан халифа сайлаш ҳақидаги фикрига қарши чиқиб, халифани ҳар қандай қабиладан унга лойиқ одамни топиб сайлаш мумкин деган хулосага келдилар.

Ансорларнинг асосий далиллари Қуръондаги *«Оллоҳнинг ҳузурида сеvimлироғингиз тақводорларингиздир»* - деган ояти ва пайғамбарнинг *«Агар боши майизга ўхшаган қора ҳабаш сизларга бошлиқ бўлса, унга итоат этинглар»* - деган ҳадислари эди.

Мазкур халифаликка номзодлар орасида Пайғамбарнинг уруғларидан халифа сайлаш тарафдорлари ҳам бор эдилар. Улар Али ибн Аби Толиб, Аббос, Зубайр, Фотима ва бошқа Ҳошим уруғининг вакиллари эди. Улар халифаликка пайғамбар оиласидан бошлиқ сайлаш иштиёқида эдилар. Бу гуруҳ халифаликка Алини, ундан кейин унинг ўғлини, кейин набирасини ва ҳ.к. сайламоқчи эдилар. Уларнинг таъбирларича, ўринбосар эмас, фақат етакчи имомгина Қуръонни шарҳ ва тафсир қилиши, ҳадисларни таҳлил этиши ва шариат ишларида ҳукм, фатво чиқариши мумкин эди. Шунинг учун улар пайғамбар издошига халифа эмас, «Имом» номини берганлар.

Шу икки гуруҳ орасидаги кичкина ихтилоф ислом умматининг *Сунний* ва *Шиа* оқимларига бўлинишига сабаб бўлди.

Абу Бакр халифаликка сайлангач, уни мусулмонлар «халифат Расулуллоҳ», яъни «Пайғамбарнинг ўринбосари» деб атадилар. Ундан сўнг халифаликка

сайланган Умар ибн ал-Хаттоб пайғамбарнинг эмас, балки Абу Бакрнинг ўринбосари бўлиши керак эди. Шунинг учун мусулмонлар уни «халифат халифат Расулуллоҳ», яъни «Пайғамбар ўринбосарининг ўринбосари» деб аташлари зарур эди. Бундай қийин талаффуздан қочиш мақсадида Умар ибн ал-Хаттоб ўзини «Амирул муъминин», яъни муъминларнинг амири деб аташларини маъқул кўрган эди.

Халифалик Али ибн Аби Толибга етиб келгач, эса унинг тарафдорлари уни «Имом» деб атай бошладилар. Шундай қилиб, илк араб халифалари: халифа, амирул муъминин ва имом лақаблари билан номланганлар.

Семинар машғулоти учун маълумотлар

Семинар машғулоти учун материаллар

1-мавзу: Диншунослик фанига кириш

Вақти – 2 соат	Талабалар сони 15-20 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Мунозарали семинар
Семинарда муҳокама учун саволлар	<ol style="list-style-type: none"> 1. “Диншунослик” фанининг предмети. 2. “Диншунослик” фанининг тамойиллари, уларни ўрганиш услублари ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги. 3. Динлар тарихини ўрганишда Шарқ ва ғарб алломаларининг ёндашувлари.
Ўқув машғулотининг мақсади. Маърузада эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлашритириш.	
Педагогик вазифалар: -мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш; -дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; -ахборотларни таҳлил қилиш ва ўз фикрини ифодалаш кўникмаларини ривожлантириш.	Талабанинг ўқув фаолияти натижалари: <ul style="list-style-type: none"> • «Диншунослик» фанининг предмети ва «Дин» тушунчаси моҳиятини айтиб беради ҳамда фалсафий мушоҳода юрита олади; • Диншунослик фанининг асосий таркибий қисмлари ва категориялари, унинг ривожланиш қонуниятларини санаб беради ва изоҳ беради; • аждодларимиз эътиқод қилган илк диний қарашлар, уларнинг намоён бўлиши ва хусусиятларини айтиб бера олади
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозарали семинар, суҳбат, ақлиу хужум

Ўқитиш воситалари	Проектор, тарқатма материаллар, маркер, скоч, мавзуга оид тарихий хариталар.
Ўқитиш шакли	Жамоада ва гуруҳларда ишлаш
Ўқитиш шароитлари	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория

Семинар машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (20 мин.)	1.1.Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижа лар маълум қилинади, уларнинг долзарблиги асослаб берилади (1-илова)	1.1.Эшитади, тестлар ва топшириқ ларга жавоб ёзади.
2-босқич. Асосий (50 мин.)	2.1.Талабаларга муаммоли топшириқ ни ўқиб эшиттиради (2-илова). Қўйилган муаммони мазмунини тушунтиради. Талабалар билан бирга маммонинг мазмуни юзасидан таклиф этилган вариантларни муҳокама қилади. Аниқлаштиради ва улардан бирида тўхтайди. 2.2. Талабаларни 3 та кичик гуруҳга бўлиб, уларга муаммоли топшириқларни тарқатади. Ақлий ҳужум тартиб қоидаларини эслатади. Баҳолаш мезонлари юзасидан маълумот беради ва ўзаро баҳолаш жадвалини тарқатиб чиқади (3-илова). Гуруҳлардаги ишни бошланишини эълон қилади. 2.3. Такдимот бошланишини эълон қилади. Такдимот жараёнида изоҳ беради, чиқувчиларни хатоларини тузатади, талабаларни фаол муноза рага чорлайди, ўзаро баҳолашни ташкил этади.	2.1.Эшитади, муаммонинг мазмуни юзасидан таклифлар беради. 2.2.Муаммоли топшириқни ечади, Т-схема тузади ва муаммо ечими билан боғлиқ жадвални тўлдиради, такдимотларни тайёрлайди, чиқишга тайёргарлик кўради. 2.3.Такдимот билан чиқиш қилади. Фаол мунозара қилади, саволлар беради, тўлдиради, бошқа гуруҳларнинг такдимотларини баҳолайди.

	2.4. Муаммонинг ечими билан боғлиқ бўлган масалаларни ва қийинчиликларни ажратиб, яқун ясайди. Сўнги хулосани беради.	
3-босқич Яқуний (10 мин.)	3.1. Яқун ясайди, талабалар эътиборини асосий масалага қаратади, ўқув жараёнидаги талабаларнинг ижобий томонларига тўхталиб ўтади. 3.2. Мустақил таълим учун топширик беради: кейинги мавзунини инсерт методи асосида тайёрлаш, мунозарага ва ўзаро саволларга тайёрланиш топширигини беради.	Эшитади, саволлар бериб, ўз фикрларига аниқлик киритади. Реферат мавзуларини танлайди.

Муаммоли топширик

“Диншунослик” фанининг мазмуни, моҳиятини теран англаш, тушуниб олишда, унинг муҳим қонуниятларини ишлаб чиқаришда унга ҳос бўлган қуйдаги услубларнинг алоҳида ўрин тутишини таъкидлаб ўтмоқлик лозим бўлади:

- Диалектик-фалсафий.
- Тарихий-мантқий.
- Ўхшатиш ва таққослаш.
- Кузатув.
- Индуктив ва дедуктив.
- Тажриба ўтказиш.
- Социологик тадқиқот (сўров, анкета тўлдириш)
- Назарий.
- Изоҳлаш.
- Таҳлил қилиш услублари ва бошқалар.

“Диншунослик” ижтимоий-гуманитар фан бўлганлигидан, у шу йўналишдаги бир қатор фанлар, хусусан тарихий, фалсафа, социология, сиёсатшунослик, диншунослик, Миллий ғоя сингари фанлар билан ўзаро узвий ва мантқан яқин, улар билан боғланиб кетган. Гарчи мазкур фанларнинг ўз препредмети, ўрганиш объекти бўлишлигига қарамай, уларга ҳос ўхшашлик, муштарак жихатлар кўпдир. “Диншунослик” фанининг асосий бош вазифаси мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ эртаси, келажagini буёд этадиган ҳар томонлама етук, юксак маънавиятли, илмли, маърифатли комил инсонларни тарбиялаб, вояга етказишга муносиб ҳисса қўшишдир.

Топширик: “Диншунослик” фанининг ёшларнинг ватанпарвар, баркамол авлод этиб тарбиялашдаги ўрни ва ролига баҳо беринг, “Юксак маънавият енгилмас куч” иборасига изоҳ беринг, “Манавият асослари” ижтимоий-гуманитар фан бўлганлигидан, у шу йўналишдаги бир қатор фанлар, хусусан тарихий, фалсафа,

социологияга, сиёсатшунослик, диншунослик, Миллий ғоя сингари фанлар билан ўзаро узвий ва мантиқан яқин, улар билан боғланиб кетганлигини исботланг

Услубий тавсиялар

1. Хал қилиш йўллари

1.Муаммога изоҳ беринг.

2.”Дин” атамасига, “Диншунослик” фанининг предмети, мақсад ва вазифаларига, унинг совет давридаги ўрганилиш ҳолатига изоҳ беринг, ижобий ва салбий томонларини очиб беринг (турли графикли органайзерлардан фойдланинг: “Нимага?”, “Қандай?”, “Балиқ скелети” схемалари ва бошқалар).

3.Т-схемадан фодаланган ҳолда юқоридаги назарий методологик асосларни изоҳлаб беринг.

4. “Диншунослик”фанининг мазмуни, моҳиятини теран англаш, тушуниб олишда, унинг муҳим қонуниятларини ишлаб чиқаришда унга хос бўлган услубларни санаб беринг

5 “Диншунослик”фанини ўрганишнинг бошқа ижобий жиҳатларини ўйлаб топинг.

6.Муаммонинг ечими билан боғлиқ умумий хулоса келтиринг.

7.Муаммонинг ечими билан боғлиқ қуйидаги жадвалдан фойдаланинг.

2. Муаммонинг ечими билан боғлиқ жадвал:

Муаммо мазмуни	Яқуний хулоса:	
Муаммо ости ечими	ечим таркиби:	Хулосалар:

Ўқув топшириқлар

Топширик

1-гурух. 1-топширик.

1. Диннинг илдизи пировардини аниқланг.

А) ижтимоий-иқтисодий, гносеологик, психологик.

В) гносеологик, психологик, биологик.

В) физиологик, биологик, географик.

“Дин” сўзининг лиғавий маъносини ва унинг асосий таърифларини ёзинг.

2-гурух. 2-топширик.

2. Диннинг жамиятда бажарадиган ижтимоий, маънавий, рухий вазифа-ларини аниқланг.

- А) Компенсаторлик, регуляторлик, алоқа боғлашлик.
 - Б) Ворисийлик, мерос механизми.
 - В) Интеграторлик, компенсаторлик, регуляторлик, легитимловлик, алоқа боғлашлик, фалсафий-назарий жиҳатлари.
- Дининг жамиятда бажарадаган вазифаларини схемаларда тасвирланг.

3-гуруҳ. 3-топширик.

3. “Дин” сўзининг маъносини аниқланг.

- А) Гофур
- Б) Ишонч
- В) Адоват

Дин таснифини схемада тасвирланг.

Такрорлаш учун саволлар

1. Диншунослик фани нимани ўрганади?
2. Диншунослик қачон юзага келган?
3. Дин нима?
4. Диннинг келиб чиқиши ҳақида қарашлар мавжуд?
5. Диннинг жамият ва кишилар ҳаётидаги аҳамиятини изоҳланг?
6. Динларнинг мазмун моҳиятига кўра қандай таснифлаш мумкин?
7. Динларнинг қандай турларини биласиз?

Тестлар

1. Диншунослик фанининг асосий вазифаси:

- А) Илмий-фалсафий дунёқарашга асосланган имон-эътиқодни шакллантириш
- Б) Динни ўргатиш ва дунёқарашни шакллантириш
- С) ислом дини урф-одатларини ўргатиш
- Д) динга ишонувчиларни танқид этиш

2. Дин – бу:

- А) Халқни йўлдан адаштирувчи восита
- Б) Инсоннинг худо билан ўзаро муносабат усули
- С) Ташқи олам кучларининг киши онгида бирон-бир тарзда ифодаланиши
- Д) Ахлоқий меъёр ва потенциаллар тизими

3. Дин – бу:

- А) Маданий тараққиётнинг қонунийлиги босқичи
- Б) Руҳонийлар томонидан киритилган ҳаёлий дунёқараш
- С) Кишиларга Оллоҳ инъом этган ҳақиқат
- Д) Мўжизавий кучларнинг инсон билмаган жиҳатлари

4. Диннинг қандай илдизлари бор?

- А) Генетик, тарихий, психологик
- Б) Гносеологик, ижтимоий, психологик

- С) Ижтимоий, биологик, илоҳий
 Д) Афсонавий, фалсафий, психологик
- 5. Диннинг функциялари (вазифалари) қайси қаторда тўғри берилган?**
- А) Ахлоқий, тарбиявий, мафкуравий
 Б) Тўлдирувчилик, бирлаштирувчилик, ўзаро алоқадорлик
 С) Тинчлик, дўстлик, тенглик, табиатни муҳофаза қилиш
 Д) Гносеологик, антропологик, теологик, психологик
- 6. Қуйидаги динларнинг қайси туркуми қадимий динлар сирасига киради?**
- А) Фетишизм, иудаизм, зардўштийлик
 Б) Тотемизм, фетишизм, анимизм, аниматизм, зардўштиулик
 С) Сеһргарлик, ислом, буддизм, христианлик
 Д) Буддавиулик, христианлик, ислом
- 7. Фетишизм нимани илоҳийлаштиради?**
- А) Ҳайвонларни
 Б) Одамларни
 С) Моддий нарсаларни
 Д) Паррандаларни
- 8. Аниматизм нимани илоҳийлаштиради?**
- А) Руҳий оламни
 Б) Жон ва руҳни
 С) Барча тирик мавжудотларни
 Д) Денгиз ва тоғларни
- 9. Тотемизм нимани муқаддаслаштиради?**
- А) Йиртқичларни
 Б) Кийик, буғу, бургут
 С) Ғайритабиий мавжудотларни
 Д) Қалдирғоч, кабутар, бўри, алвасти
- 10. Зардўштийлик қаерда пайдо бўлган?**
- А) Хоразм воҳасида
 Б) Эронда
 С) Мовароуннаҳрда
 Д) Яқин ва Ўрта Шарқда

Адабиётлар

1. Диншунослик асослари. Ўқув қўлланма. / Очилдиев А. ва б.. –Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – 320 б.
2. Мен А. История религии. – М.: 1994.
3. Ретер Антерс. Религии современности. История и вера. –М.: Прогресс-Традиция, 2001.
4. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 1996.

5. Шахнович М. Религиоведение.- М.: 2012.
6. Len Woods. Handbook of World Religions. Barbour Publishing, Ohio. 2008. – 266 p.
7. World Religions From Ancient History to the Present by Edward Geoffrey. - Facts On File Publications. New York, New York, • Bicester, England..: 1984

2-мавзу: Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 15-20 нафар
Ўқув машғулоти шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулоти
Ўқув машғулоти режаси	1. Халқаро ҳуқуқда дин ва эътиқод эркинлиги тушунчаси 2. Диннинг дунё халқлари ижтимоий ҳаётида ахлоқий муносабатларига, адабиёт ва санъатига таъсири. 3. Дунёвий ва диний кадрлар
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Бу семинар машғулоти жараёнида саволлар ва муаммолар борасида суҳбат ўтказилади. Бу дарсда “ақлий ҳужум” усулини ҳам қўллаш мумкин. Шунингдек, тест ва масалалар ечиш мумкин.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> - Мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш. - Дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; Таҳлил қилиш.	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - Халқаро ҳуқуқда дин ва эътиқод эркинлиги фарқларини билиб олади - Диннинг дунё халқлари ижтимоий ҳаётига, ахлоқий муносабатларига, адабиёти ва санъатига таъсири ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлайди; - Дунёвий ва диний кадрлар фарқларини билиб олади
Ўқитиш услуби ва техникаси	Блиц-сўров, биргаликда ўқиймиз, фалсафий эссе, “ахлоқий меъёрлар” сўларга кластер, мунозара.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, ўқув қўлланмаси, проектор, флипчарт, маркет, доска.
Ўқитиш шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, индивидуал ва гуруҳ бўйича ўқитиш.

Ўқитиш шароитлари	Компьютер технологиялари, проектор билан таъминланган, гуруҳда дарс ўтишга мослаштирилган аудитория.
-------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------

Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	<p>1.1. Мавзуни, мақсади, режасидаги ўқув натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди. Машғулот ҳамкорликда ишлаш технологиясини қўллаган ҳолда ўқитишни маълум қилади.</p> <p>1.2. Ақлий ҳужум усулидан фойдаланган ҳолда аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлайди: Диний одоб масаласини биласизми? Уларнинг мазмунини ҳам биласизми? Мавзунинг муҳокамаси гуруҳларда давом этишини эълон қилади.</p>	<p>1.1. Мавзуни ёзади ва саволларга жавоб беради.</p>
2-босқич Асосий (60 мин)	<p>2.1. Талабаларни 3 гуруҳга бўлади, ҳар бирига вазифа беради (2-илова). Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади.</p> <p>2.2. Гуруҳларда ишлаш қондаси билан таништиради (1-илова). Баҳолаш мезонларини ҳам намойиш қилади.</p> <p>2.3. Вазифаларни бажаришда ўқув материаллари (маъруза матни, ўқув қўлланма) ларидан фойдаланиш мумкинлигини эслатади. Гуруҳларда иш бошлашни таклиф этади.</p> <p>2.4. Тайёргарликдан кейин тақдимотни бошлашни эълон қилинади.</p> <p>2.5. Талабалар жавобини шарҳлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p> <p>2.6. Талабаларга Б.Б.Б усули бўйича ифодаланган жадвални намойиш қилади ва устунларни тўлдиришни айтади.</p>	<p>2.1. Ўқув натижаларини тақдим қиладилар.</p> <p>2.2. Саволлар беради.</p> <p>2.3. Жавобларни тўлдиради.</p> <p>2.4. Жадвал устунларини тўлдиради ва муҳокамада иштирок этади.</p>

	Тушунчаларга изоҳларни тўғрилайди ва саволларга жавоб қайтаради. Гуруҳлар фаолиятига умумий балл беради.	
3-босқич Якуний (10 мин)	3.1. Машғулотни якунлайди, талабаларни баҳолайди ва фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш сифатида “Хозирги замонда буддавийлик” мавзусида “эссе” ёзишни топширади.	3.1. Эшитадилар. 3.2 Топширикларни оладилар

Б.Б.Б. усули асосида билимларни синаш учун тарқатма материаллар

	Тушунча	Биламан “+” Билмайман “-”	Билдим “+” Била олмадим “-”
1	Ислom динини келиб чиқиш тарихи		
2	Муҳаммад (а.с) тарихий шахс сифатида намоён бўлиши		
3	“Қуръон” муқаддас китобида кўсатилган фалсафий, тарихий, ахлоқий масалалар		
4	“Қуръон”да кўрсатилган илоҳий сўзлар		
5	Мазҳаблар, уларни вужудга келиши ва шаклланиши		
6	Ханафия, Моликия, Шофия, Ханбалия		
7	Ислomдаги йўналишлар, оқимлар		

Адабиётлар

1. Туленов А. Ислom ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 536 б.
2. Оқилов С. Калом илми. – Тошкент: ТИУ нашриёт матбаа-бирлашмаси, 2011. – 160 б.
3. Муҳаммад Анвар Бадахшоний. Ақидатут-таховия шарҳининг талхийси. – Тошкент: 2015. – 448 б.
4. Очилдиев О., Раҳимжонов Д., Муҳаммедов Н. ва бошқ. Диншунослик асослари (оқув қўлланма). – Тошкент: ТИУ нашриёт матбаа-бирлашмаси, 2013. – 320 б.
5. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Н., Раҳимжонов Д., ва бошқ. Диншунослик. – Тошкент: Меҳнат, 2004. – 296 б.

5-мавзу. Исломдаги мазҳаблар ва йўналишлар

Вақти – 2 соат	Талабалар сони 15-20 нафар	
Ўқув машғулот шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулот	
Ўқув машғулот режаси	1.Тасаввуф тариқатларининг шаклланиши ва тарқалиши 2.Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тариқатчилик ҳаракатларининг вужудга келиши 3.Ислом манбааларида диний ақидапарастликка муносабат	
<p><i>Ўқув машғулот мақсади:</i> Бу семинар машғулот жараёнида саволлар ва муаммолар борасида суҳбат ўтказилади. Бу дарсда “ақлий ҳужум” усулини ҳам қўллаш мумкин. Шунингдек тест ва масалалар ечиш мумкин.</p>		
<p><i>Педагогик вазифалар:</i> -мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш. -дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш. -таҳлил қилиш</p>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: -тасаввуф ва унинг моҳиятини билиб олади. -тариқатчилик ҳаракатларининг асосий ақидалари; -Ислом манбааларида диний ақидапарастликка муносабатни ёритиб беради</p>	
Ўқитиш услуби ва техникаси	Блиц-сўров, биргаликда ўқиймиз, фалсафий эссе, “ахлоқий меъёрлар” сўзларига кластер, мунозара	
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, ўқув қўлланмаси, проектор, флипчарт, маркер, доска	
Ўқитиш шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича ўқитиш	
Ўқитиш шароитлари	Компьютер технологиялари, проектор билан таъминланган гуруҳда дарс ўтишга мослаштирилган аудитория	

Семинар машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Мавзуни мақсади режадаги ўқув натижалариини эълон қилади, уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди.	1.1. Мавзуни ёзади ва саволларга

	<p>Машғулот ҳамкорликда ишлаш технологясини қўллаган ҳолда ўтишни маълум қилади.</p> <p>1.2. Ақлий ҳужум усулидан фойдаланган ҳолда аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлайди:</p> <p>Касбий одоб масаласини биласизми?</p> <p>Уларнинг мазмунларини ҳам биласизми?</p> <p>Мазмунининг муҳокамаси гуруҳларда давом этишини эълон қилади.</p>	<p>жавоб беради.</p>
<p>2-босқич асосий (60 мин)</p>	<p>2.1. Талабаларни 3 гуруҳга бўлади, ҳар бирига вазифа беради (2-илова). Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади.</p> <p>2.2. Гуруҳда ишлаш қондаси билан таништиради (1-илова). Баҳолаш мезонларини ҳам намойиш қилади.</p> <p>2.3. Вазифани бажаришда ўқув материаллари (маъруза матни, ўқув қўлланма) ларидан фойдаланиш мумкинлигини эслатади. Гуруҳларда иш бошлашни таклиф этади.</p> <p>2.4. Тайёргарликдан кейин тақдимотни бошлангани эълон қилинади.</p> <p>2.5. Талабалар жавобини шархлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p> <p>2.6. Талабаларга Б.Б.Б усули бўйича ифодаланган жадвални намойиш қилади ва устунларни тўлдиришни айтади. Тушунчаларга изоҳларни тўғрилайди ва саволларга жавоб қайтаради. Гуруҳлар фаолиятига умумий балл беради.</p>	<p>2.1. Ўқув натижаларини тақдим қиладилар.</p> <p>2.2. Саволлар беради.</p> <p>2.3. Жавобларни тўлдиради.</p> <p>2.4. Жадвал устунларини тўлдиради ва муҳоқамада иштирок этади.</p>
<p>3-босқич Якуний (10 мин)</p>	<p>3.1. Машғулотни якунлайди, талабаларни баҳолайди ва фаол иштирокчиларни рағбатлантиради.</p> <p>3.2. Мустақил иш сифатида “Хозирги замонда буддавийлик” мавзусида “эссе” ёзишни топширади.</p>	<p>3.1. Эшитадилар.</p> <p>3.2. Топшириқни оладилар.</p>

Б.Б.Б. усули асосида билимларни синаш учун тарқатма материаллар

	Тушунча	Биламан “+”, Билмайман “-”	Билдим “+”, Била олмадим “-”
1	Ислом динининг келиб чиқиши тарихи		
2	Мухаммад тарихий шахс сифатида намоён бўлиши		
3	“Қуръон” муқаддас китобида кўрсатилган фалсафий, тарихий, ахлоқий масалалар		
4	“Қуръон”да кўрсатилган илохий сўзлари.		
5	Мазҳаблар, уларнинг вужудга келиши ва шаклланиши		
6	Ҳанафия, Моликия, Шофия, Ханбалия		

Адабиётлар

1. Туленов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 536 б.
2. Аминов Ҳ., Примов С. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – 160 б.
3. Мухаммад Анвар Бадахшоний. Ақидатут-таҳовия шарҳининг талхийси. – Тошкент: 2015. – 448 б.
4. Очилдиев О., Раҳимжонов Д., Мухамедов Н. ва бошқ. Диншунослик асослари (ўқув қўлланма). – Тошкент: ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – 320 б.
5. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., ва бошқ. Диншунослик. – Тошкент: Меҳнат, 2004. – 296 б.

6-мавзу. Миссионерлик ва прозелитизм: тарих ва бугун, тарғибот усуллари

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 15-20 нафар
Ўқув машғулоти шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулоти
Ўқув машғулоти режаси	1. Миссионерликнинг келиб чиқиши, мақсад ва ғоялари 2. Прозелитизмни келтириб чиқараётган салбий оқибатлар
Ўқув машғулотининг мақсади:	

Бу семинар машғулоти жараёнида саволлар ва муаммолар борасида суҳбат ўтказилади. Бу дарсда “ақлий ҳужум” усулини ҳам қўллаш мумкин. Шунингдек, тест ва масалалар ечиш мумкин.	
Педагогик вазифалар: -мавзу бўйича билимларни тизимлаш тириш, мустаҳкамлаш. - дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; таҳлил қилиш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: - Миссионерликнинг келиб чиқишини билиб олади - Миссионерликнинг мақсад ва г'оялари билиб олади - Прозелитизмни келтириб чиқараётган салбий оқибатлар ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлайди;
Ўқитиш услуби ва техникаси	
	Блиц-сўров, биргаликда ўқиймиз, фалсафий эссе, “ахлоқий меъёрлар” сўзларига кластер, мунозара.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, ўқув қўлланмаси, проектор, флипчарт, маркер, доска.
Ўқитиш шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, индивидуал ва гуруҳ бўйича ўқитиш.
Ўқитиш шароитлари	Компютер технологиялари, проектор билан таъминланган, гуруҳда дарс ўтишга мослаштирилган аудитория.

Семинар машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Мавзуни, мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди. Машғулот ҳамкорликда ишлаш технологиясини қўллаган ҳолда ўтишни маълум қилади. 1.2. Ақлий ҳужум усулидан фойдаланган ҳолда аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлайди: Касбий одоб масаласини биласизми? Уларнинг мазмунларини ҳам биласизми? Мазмунининг муҳокамаси гуруҳларда давом этишини эълон қилади.	1.1. Мавзуни ёзади ва саволларга жавоб беради.

<p>2-босқич асосий (60 мин)</p>	<p>2.1. Талабаларни 3 гуруҳга бўлади, ҳар бирига вазифа беради (2-илова). Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади. 2.2. Гуруҳда ишлаш қоидаси билан таништиради (1-илова). Баҳолаш мезонларини ҳам намойиш қилади. 2.3. Вазифани бажаришда ўқув материаллари (маъруза матни, ўқув қўлланма)ларидан фойдаланиш мумкинлигини эслатади. Гуруҳларда иш бошлашни таклиф этади. 2.4. Тайёргарликдан кейин тақдимотни бошлангани эълон қилинади. 2.5. Талабалар жавобини шархлайди, хулоса ларга эътибор беради, аниқлик киритади. 2.6. Талабаларга Б.Б.Б усули бўйича ифодаланган жадвални намойиш қилади ва устунларни тўлдиришни айтади. Тушунчаларга изоҳларни тўғрилайди ва саволларга жавоб қайтаради. Гуруҳлар фаолиятига умумий балл беради.</p>	<p>2.1. Ўқув натижаларини тақдим қиладилар. 2.2. Саволлар беради. 2.3. Жавобларни тўлдиради. 2.4. Жадвал устунларини тўлдиради ва муҳокамада иштирок этади.</p>
<p>3-босқич Яқуний (10 мин)</p>	<p>3.1. Машғулотни яқунлайди, талабаларни баҳолайди ва фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш сифатида “Хозирги замонда буддавийлик” мавзусида “эссе” ёзишни топширади.</p>	<p>3.1. Эшитадилар. 3.2. Топшириқни оладилар.</p>

Б.Б.Б. усули асосида билимларни синаш учун тарқатма материаллар

	Тушунча	Биламан “+”, Билмайман “-”	Билдим “+”, Била олмадим “-”
1	Прозелитизмни келтириб чиқараётган салбий оқибатлар тарихи		
2	Миссионерлик келтириб чиқараётган салбий оқибатлар тарихи		
3	“Миссионерликнинг мақсади		

4	Миссионерликнинг ғоялари		
5	Прозелитизмнинг мақсади		
6	Прозелитизмнинг ғоялари		

“Зинама-зина” методини ўтказиш босқичлари.

Ушбу метод- талабалардаги мавжуд назарий билимларни мустаҳкамлашга ва мавзу юзасидан Семинар кўникмаларни шакллантиришга, ахборотларни тизимлаштиришга хизмат қилади.

Ўтказиш босқичлари:

1. Талабалардан кичик гуруҳларга шакллантирилади ва келтирилган кичик мавзулардан ихтиёрий бирини танлаш топширилади.
2. Гуруҳлар ўзлари танлаган мавзу юзасидан фикр мулоҳазаларини ёзма равишда баён этадилар.
3. Ўқитувчи томонидан талабалар фаолияти доимий равишда кузатиб борилади.
4. Баҳс мунозарага киришлари таъминланиб борилади.
5. Талабаларни ўзлари бажарган топшириқ бўйича ҳимояга чиқишлари ташкиллаштирилади.
6. Ўқитувчи мавзунинг моҳиятини ёритувчи бўлимларга талабалар томонидан билдирилган фикр мулоҳазаларни таҳлил этади, қўшимча маълумотларни баён этади ва талабаларнинг ўзлаштириш натижаларини аниқлайди.

Гуруҳлар учун кичик мавзулар:

Миссионерликнинг келиб чиқиши	
Миссионерликнинг мақсади	
Прозелитизмнинг келиб чиқиши	
Прозелитизмнинг мақсади	

Адабиётлар

1. Миссионерлик: кеча ва бугун. - Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. - 64 б.
2. Ма’навий таҳдидлар: миссионерлик ва прозелитизм (моҳияти, келибчиқиши, шакллари, муаммолари). – Тошкент, Мовороуннаҳр, 2011. 36- бет.
3. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. –Т.:”Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. -Б.70.

4. Шермухаммедов К., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ма’навий-ма’рифий асослари. – Тошкент: «Мовароуннаҳр» нашриёти, 2016. – 224 б.
5. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. - Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017. - 200 б. (А.Ачилдиев билан ҳаммуаллифликда).

7-мавзу. Диний экстремизм ва терроризм: мафкура ва амалиёт, қарши кураш стратегияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 15-20 нафар
Ўқув машғулоти шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулоти
Ўқув машғулоти режаси	1. Диний экстремизмга йўл қўймаслик чораларини кўриш. 2. Фундаментализмнинг вужудга келиши.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Бу семинар машғулоти жараёнида саволлар ва муаммолар борасида суҳбат ўтказилади. Бу дарсда “ақлий ҳужум” усулини ҳам қўллаш мумкин. Шунингдек, тест ва масалалар ечиш мумкин.	
Педагогик вазифалар: -мавзу бўйича билимларни тизимлаш тириш, мустаҳкамлаш. - дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; таҳлил қилиш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: -Диний экстремизмнинг мазмун-моҳиятини билиб олади -Зардуштийлик динининг 3 та асосий ақидаси: эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлайди; - Зардуштийлик динида кўрсатилган эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги доимий курашнинг моҳиятини ёритиб беради
Ўқитиш услуби ва техникаси	Блиц-сўров, биргаликда ўқиймиз, фалсафий эссе, “ахлоқий меъёрлар” сўзларига кластер, мунозара.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, ўқув қўлланмаси, проектор, флипчарт, маркер, доска.
Ўқитиш шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, индивидуал ва гуруҳ бўйича ўқитиш.
Ўқитиш шароитлари	Компютер технологиялари, проектор билан таъминланган, гуруҳда дарс ўтишга мослаштирилган аудитория.

Семинар машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	<p>1.1. Мавзуни, мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди. Машғулот ҳамкорликда ишлаш технологиясини қўллаган ҳолда ўтишни маълум қилади.</p> <p>1.2. Ақлий ҳужум усулидан фойдаланган ҳолда аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлайди: Касбий одоб масаласини биласизми? Уларнинг мазмунларини ҳам биласизми? Мазмунининг муҳокамаси гуруҳларда давом этишини эълон қилади.</p>	<p>1.1. Мавзуни ёзади ва саволларга жавоб беради.</p>
2-босқич асосий (60 мин)	<p>2.1. Талабаларни 3 гуруҳга бўлади, ҳар бирига вазифа беради (2-илова). Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади.</p> <p>2.2. Гуруҳда ишлаш қондаси билан таништиради (1-илова). Баҳолаш мезонларини ҳам намоиш қилади.</p> <p>2.3. Вазифани бажаришда ўқув материаллари (маъруза матни, ўқув қўлланма)ларидан фойдаланиш мумкинлигини эслатади. Гуруҳларда иш бошлашни таклиф этади.</p> <p>2.4. Тайёргарликдан кейин тақдимотни бошлангани эълон қилинади.</p> <p>2.5. Талабалар жавобини шархлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p> <p>2.6. Талабаларга Б.Б.Б усули бўйича ифодаланган жадвални намоиш қилади ва устунларни тўлдиришни айтади. Тушунчаларга изоҳларни тўғрилайди ва саволларга жавоб қайтаради. Гуруҳлар фаолиятига умумий балл беради.</p>	<p>2.1. Ўқув натижаларини тақдим қиладилар.</p> <p>2.2. Саволлар беради.</p> <p>2.3. Жавобларни тўлдиради.</p> <p>2.4. Жадвал устунларини тўлдиради ва муҳоқамада иштирок этади.</p>

3-босқич Яқуний (10 мин)	3.1. Машғулотни яқунлайди, талабаларни баҳолайди ва фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш сифатида “Диний экстремизмнинг кўринишлари” мавзусида “эссе” ёзишни топширади.	3.1. Эшитадилар. 3.2 Топшириқни оладилар.
--------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------

Б.Б.Б. усули асосида билимларни синаш учун тарқатма материаллар

	Тушунча	Биламан “+”, Билмайман “-”	Билдим “+”, Била олмадим “-”
1	Зардуштийлик динининг келиб чиқиши тарихи		
2	Зардушт Сепитома тарихий шахс сифатида намоён бўлиши		
3	“Авесто” муқаддас китобида кўрсатилган фалсафий, тарихий, ахлоқий масалалар		
4	“Авесто”нинг Ясин қисмида кўрсатилган илохий сўзлари.		
5	Миллий динлар, уларнинг вужудга келиши ва шаклланиши		
6	Хиндуизм, жайнизм динлари		
7	Даосизм, конфуцийлик, синтаизм, иудаизм динлари		

Тестлар

1. Япониянинг миллий дини қайси дин ҳисобланади?

- А) Буддавийлик
- Б) Синтоизм
- С) Конфуцийлик
- Д) Кришнаизм

2. Динларнинг фарқи нимада?

- А) Турли йилларда ибодат қилинишида
- Б) Мамлакатларда турли миллат вакилларининг жойлашганлигида
- С) Диний урф-одат ва маросимлар амалга оширилишида
- Д) Жаҳонда тинчлик учун курашишида

3. Зардуштийлик динининг пайдо бўлиш ва унинг муқаддас китоби

- А) Мовароуннахрда илгариги диннинг майда бўлими, тасаввурлар ва кўп худоликка асосланган диний эътиқодлар асосида пайдо бўлган;
- Б) Бу диннинг асосчиси Зардушт ҳисобланади;
- С) Зардуштийлик динининг муқаддас китоби – «Авесто» 1200 бобдан иборат;
- Д) Мовароуннахр иқлими, географик жойлашганлиги бу диннинг келиб чиқишга сабаб бўлган;

4.Иудаизм нима ва унга кимлар эътиқод қилади?

- А) Иудаизм жаҳон дини ерамиздан аввалги I асрда пайдо бўлган;
- Б) Иудаизм динига руслар, украинлар ва Марказий Осиё халқлари эътиқод қиладилар;
- С) Иудаизм динига яҳудийлар эътиқод қиладилар, у монотеистик – яқка худоликка асосланган дин, милоддан аввалги иккинчи минг йиллик охирида пайдо бўлган;
- Д) Иудаизмнинг муқаддас китоби «Инжил» ҳисобланади;

5. Зардуштийлик таълимоти қандай асосий ақидаларга таянади?

- А) Муқаддас китобни эъзозлаш, дуолар ўқиш;
- Б) Иймон келтириш, савоб ишларни бажариш;
- С) Фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалдорларнинг инсонпарварлиги;
- Д) Закот бериш, қурбонлик келтириш, фикрнинг эзгулигига.

6. Миллий динлар қайси динлар?

- А) Иудаизм (яхудийлик), Даосизм, Ислом
- Б) Провославизм, буддизм, протестантизм
- С) иудаизм, ҳиндуизм, жайнизм, даосизм, синтоизм, конфуцийлик
- Д) Буддавийлик, христианлик, ислом

7. Миллий динларнинг ўхшашлиги нимада?

- А) Ҳар бир миллатнинг ўз динига эътиқодида
- Б) Турли тилларда намоз ўқилишида
- С) Кетма-кет пайдо бўлишлигида
- Д) Ҳаммаси ҳам илоҳий кучга ишонишида

8.Иудаизм дини қаерда пайдо бўлган?

- А) Арабистонда
- Б) Мисрда
- С) Марказий Осиёда
- Д) Европада

9. Синтоизм дини қаерда пайдо бўлган?

- А) Хитойда
- Б) Японияда
- С) Ҳиндистонда
- Д) Исроилда

10. Япониянинг миллий дини қайси дин ҳисобланади?

- А) Буддавийлик
- Б) Синтоизм
- С) Конфуцийлик

Д) Кришнаизм

Адабиётлар

1. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / А.Ҳасанов, О.Юсупов, К.Шермухамедов, У.Ғафуров, Ж.Каримов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013. – 160 б.
2. Туленов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Мас’ул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 536 б.
3. Илмдан бошқа нажот йўқ / А.Абдуллаев, Н.Ҳакимова, Ш.Жўраев, Ж.Каримов. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. – 156 б.
4. Шермухаммедов К., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ма’навий-ма’рифий асослари. – Тошкент: «Мовароуннаҳр» нашриёти, 2016. – 224 б.

8-мавзу. Янги диний ҳаракатлар ва секталар

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 15-20 нафар
Ўқув машғулоти шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулоти
Ўқув машғулоти режаси	1.Терроризмга қарши курашда диннинг роли. 2.Радикал диний оқимлар.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Бу семинар машғулоти жараёнида саволлар ва муаммолар борасида суҳбат ўтказилади. Бу дарсда “ақлий ҳужум” усулини ҳам қўллаш мумкин. Шунингдек, тест ва масалалар ечиш мумкин.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> -мавзу бўйича билимларни тизимлаш тириш, мустаҳкамлаш. - дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; таҳлил қилиш.	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: -бугунги кунда янги пайдо бўлаётган диний секталар -диний эътиқод ва замонавийлик; кўникмаларини ҳосил қилиш; таҳлил қилиш. - жамият тараққиёти ва янги диний қарашлар ўртасидаги муносабатни моҳиятини ёритиб беради.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Блиц-сўров, биргаликда ўқиймиз, фалсафий эссе, “ахлоқий меъёрлар” сўзларига кластер, мунозара.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, ўқув қўлланмаси, проектор, флипчарт, маркер, доска.
Ўқитиш шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, индивидуал ва гуруҳ бўйича ўқитиш.

Ўқитиш шaroитлари	Компютер технологиялари, проектор билан таъминланган, гуруҳда дарс ўтишга мослаштирилган аудитория.
-------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------

Семинар машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	<p>1.1. Мавзуни, мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қилади, уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди. Машғулот ҳамкорликда ишлаш технологиясини қўллаган ҳолда ўтишни маълум қилади.</p> <p>1.2. Ақлий ҳужум усулидан фойдаланган ҳолда аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлайди: Қандай янги диний секталарни биласиз? Уларнинг мазмунларини ҳам биласизми? Мазмунининг муҳокамаси гуруҳларда давом этишини эълон қилади.</p>	<p>1.1. Мавзуни ёзади ва саволларга жавоб беради.</p>
2-босқич асосий (60 мин)	<p>2.1. Талабаларни 3 гуруҳга бўлади, ҳар бирига вазифа беради (2-илова). Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади.</p> <p>2.2. Гуруҳда ишлаш қоидаси билан таништиради (1-илова). Баҳолаш мезонларини ҳам намоиш қилади.</p> <p>2.3. Вазифани бажаришда ўқув материаллари (маъруза матни, ўқув қўлланма)ларидан фойдаланиш мумкинлигини эслатади. Гуруҳларда иш бошлашни таклиф этади.</p> <p>2.4. Тайёргарликдан кейин тақдимотни бошлангани эълон қилинади.</p> <p>2.5. Талабалар жавобини шархлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p> <p>2.6. Талабаларга Б.Б.Б усули бўйича ифодаланган жадвални намоиш қилади ва устунларни тўлдиришни айтади. Тушунчаларга изоҳларни тўғрилайди ва саволларга жавоб қайтаради. Гуруҳлар фаолиятига умумий балл беради.</p>	<p>2.1. Ўқув натижаларини тақдим қиладилар.</p> <p>2.2. Саволлар беради.</p> <p>2.3. Жавобларни тўлдиради.</p> <p>2.4. Жадвал устунларини тўлдиради ва муҳокамада иштирок этади.</p>

3-босқич Яқуний (10 мин)	3.1. Машғулоти яқунлайди, талабаларни баҳолайди ва фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш сифатида “Янги диний ҳаракатлар ва уларнинг мақсади” мавзусида “эссе” ёзишни топширади.	3.1. Эшитадилар. 3.2 Топшириқни оладилар.
--------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------

Б.Б.Б. усули асосида билимларни синаш учун тарқатма материаллар

	Тушунча	Биламан “+”, Билмайман “-”	Билдим “+”, Била олмадим “-”
1	Бугунги кунда янги пайдо бўлаётган диний секталар		
2	Диний эътиқод ва замонавийлик;		
3	Жамият тараққиёти ва янги диний қарашлар		
4	Миссионерлик фаолияти		
5	Диний секталарнинг мазмуни ва мақсади		

Тестлар

1. Япониянинг миллий дини қайси дин ҳисобланади?

- А) Буддавийлик
- Б) Синтоизм
- С) Конфуцийлик
- Д) Кришнаизм

2. Динларнинг фарқи нимада?

- А) Турли йилларда ибодат қилинишида
- Б) Мамлакатларда турли миллат вакилларининг жойлашганлигида
- С) Диний урф-одат ва маросимлар амалга оширилишида
- Д) Жаҳонда тинчлик учун курашишида

3. Зардуштийлик динининг пайдо бўлиш ва унинг муқаддас китоби

- А) Мовароуннахрда илгариги диннинг майда бўлими, тасаввурлар ва кўп худодликка асосланган диний эътиқодлар асосида пайдо бўлган;
- Б) Бу диннинг асосчиси Зардушт ҳисобланади;
- С) Зардуштийлик динининг муқаддас китоби – «Авесто» 1200 бобдан иборат;
- Д) Мовароуннахр иклими, географик жойлашганлиги бу диннинг келиб чиқишга сабаб бўлган;

4. Иудаизм нима ва унга кимлар эътиқод қилади?

- А) Иудаизм жаҳон дини ерамиздан аввалги I асрда пайдо бўлган;
- Б) Иудаизм динига руслар, украинлар ва Марказий Осиё халқлари эътиқод қиладилар;
- С) Иудаизм динига яҳудийлар эътиқод қиладилар, у монотеистик – яқка худоликка асосланган дин, милoddан аввалги иккинчи минг йиллик охирида пайдо бўлган;
- Д) Иудаизмнинг муқаддас китоби «Инжил» ҳисобланади;

5. Зардўштилик таълимоти қандай асосий ақидаларга таянади?

- А) Муқаддас китобни эъзозлаш, дуолар ўқиш;
- Б) Иймон келтириш, савоб ишларни бажариш;
- С) Фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалдорларнинг инсонпарварлиги;
- Д) Закот бериш, қурбонлик келтириш, фикрнинг эзгулигига.

6. Миллий динлар қайси динлар?

- А) Иудаизм (яҳудийлик), Даосизм, Ислom
- Б) Провославизм, буддизм, протестантизм
- С) иудаизм, ҳиндуизм, жайнизм, даосизм, синтоизм, конфуцийлик
- Д) Буддавийлик, христианлик, ислom

7. Миллий динларнинг ўхшашлиги нимада?

- А) Ҳар бир миллатнинг ўз динига эътиқодида
- Б) Турли тилларда намоз ўқилишида
- С) Кетма-кет пайдо бўлишлигида
- Д) Ҳаммаси ҳам илоҳий кучга ишонишида

8.Иудаизм дини қаерда пайдо бўлган?

- А) Арабистонда
- Б) Мисрда
- С) Марказий Осиёда
- Д) Европада

9. Синтоизм дини қаерда пайдо бўлган?

- А) Хитойда
- Б) Японияда
- С) Ҳиндистонда
- Д) Исроилда

10. Япониянинг миллий дини қайси дин ҳисобланади?

- А) Буддавийлик
- Б) Синтоизм
- С) Конфуцийлик
- Д) Кришнаизм

Адабиётлар

1. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.
2. Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: кеча ва бугун. - Тошкент: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008.

- 3.Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. - Тошкент: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.
- 4.Миронов А., Бабинов Ю. Основы религиоведения: Рабо чая книга преподавателя и студента. Учеб. пособие. - М.: НОУ, 1998.
- 5.Пучков П., Казмина О.Е. Религии современного мира. Учеб. пособие. – Москва: 1997.
- 6.Бағрикенглик - барқарорлик ва тараққиёт омили / Масъул муҳаррир - А.Ачилдиев. - Т., 2007.
- 7.Ёвқочев Ш. Ислом ва сиёсат. - Т., 2011.
- 8.Сирожиддинов Ш. Бағрикенглик – динларнинг маърифий асоси. - Т., 2010.

9-мавзу: Кибермаконда дин омили

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 15-20 нафар
Семинар машғулоти шакли	Индивидуал топшириқланиш бажаришга асосланган машғулот
Семинар машғулоти режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Виждон эркинлиги диний эътиқод эркинлиги сифатида. 2. Маънавиятнинг тарихан қарор топиб боришида маданият ва диннинг ўрни. 3. Иймонли комил инсонларни тарбиялаш, Ўзбекистон мустақил келажаги учун қафолат эканлиги.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришни таъминлаш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> Ўқув фаолиятининг натижалари: - мавзу бўйича билимлари онгли равишда ўзлаштиришнинг мотивациясини яратади: - мавзу бўйича билимларни мустақамлаб ва чуқурлаштиради - ўз нуқтаи назарини баён қилиш ҳамда шакллантириш жараёнини ташкил этиш. - Гуруҳларда ишлаш кўникмаси ни ҳосил қилади ва ривожланти ради.	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> - Дунёвий давлат қандай давлат эканлиги ва дунёвий давлатнинг динга муносабатини мисоллар билан тушунтира олади. - Виждон эркинлигининг диний эътиқод эркинлиги эканлиги ва виждон эркинлиги тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатлар хусусида фикрлар билдира олади. - Диний экстремизм ва фундамента лизмнинг моҳиятини очиб бера олади. - Ўзбекистон жамиятида мустақил ликнинг ўрнатилиш жараёнида диннинг аҳамияти ва ролини тўғри ва аниқ кўрсатиб беради.


Ўқитиш услуби ва техникаси	Семинар ишлаш усули бахс-мунозара, фикрлар алмашиш, муҳокама қилиш, суҳбат.
Ўқитиш воситалари	Семинар ишлаш усули бахс-мунозара, фикрлар алмашиш, муҳокама қилиш, суҳбат.
Ўқитиш шакли	Жамоа ва гуруҳларда ишлаш, ҳамкорликда ишлаш
Ўқитиш шароитлари	Техник воситалар қўллашга мўлжалланган аудитория
Манииторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш

Семинар машғулотнинг технологик харитаси.

Иш жараёнлари вақти	Фаолиятнинг мазмуни.	
	Ўқитувчи	Талаба
I-босқич мавзуга кириш (15 минут)	1.1. Ўқув машғулотни мавзуси, мақсади уни гуруҳларда ўтказиш режаси эълон қилинади.	Тинглайдилар
	1.2. Таянч сўзлар орқали сўров ўтказилади. Жавобларни умумлаштиради.	Талабадан жавоб кутилади.
II - босқич Асосий (55 минут)	2.1. Талабалар гуруҳларга бўлинади. Уларга топширик берилади.	Талабалар интерфаол усулида гуруҳларга бўлинади.
	2.2. Мавзу бўйича тайёрланган топширикларни тарқатади.	Топшириклар билан танишадилар.
	2.3. Баҳолаш мезонлари билан таништиради. Қандай қўшимча ўқув материаллардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. (мъруза матни, ўқув қўлланма, тарқатма материал, кўргазмали курул). Ушбулар топширикларни аниқлайди ва гуруҳда ишлашни ташкил этади.	Гуруҳга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳдан жамоалар чиқиб тақдимот ўтказилади.


III -bosqich Якуний (15 минут)	3.1. Гурухларда тақдимот ўтказишни ва бир бирини баҳолашни ташкил этади. Топпириқни бажариш жараёнидаги хулосаларни умумлаштиради, билимларни тўлдиради.	Саволлар берадилар. ЎУМга қарайди.
	3.2. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва рейтинг асосида баҳолашади.	
	3.3. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхати берилади.	

Мавзуга оид схемани тўлдилинг



«Нима учун?» техникасидан фойдаланиб саволнинг жавобларини жадвал-схемаларига ёзиб тўлдилинг.

«Нима учун?»



Адабиётлар

1. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / А.Ҳасанов, О.Юсупов, К.Шермухамедов, У.Ғафуров, Ж.Каримов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013. – 160 б. “Нима учун мафкуравий иммунитетни шакллантириш керак?”
2. Қўшаев У. Ахборот истеъмоли маданияти. – Тошкент: «Екстремум-Пресс» нашриёти, 2013. – 44 б.
3. Тулепов А. Интернетга ин курган ўргимчаклар. Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014.- б.38.
4. Тулепов А. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. Масъул муҳаррир А.Ҳасанов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2016. - 672 б.
5. Шермухамедов К., Каримов Ж., Нажмиддинов Ж. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Тошкент: «Мовароуннаҳр» нашриёти, 2016. – 224 б.

ГЛОССАРИЙ

АЛЛОҲ (араб. "ал-илоҳ" - илоҳий куч, туркий халқларда, хусусан, ўзбекларда - Тангри, форс-тожик Худо, Язид), Оллоҳ - ислом динида бутун мавжудотни яратган олий илоҳий куч; худонинг номи. Одатда Аллоҳга Таоло (улуғ, олий), Таборака ва таоло, Жалла жалалаху, карим, бузург, Парвардигори олам каби сифатлар қўшиб айтилади. Ислом динига биноан Аллоҳ - яккаю-ягона худо, оламнинг яратувчиси ва қиёмат кунининг эгаси. У Муҳаммад пайғамбар (сав)ни инсониятга ўзининг сўнгги элчиси сифатида юборган. Исломнинг энг асосий талаби ҳисобланган калимаи шаҳодат "Ла илоҳа

иллалоху Муҳаммадур расулуллоҳ" ("Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад - Аллоҳнинг пайғамбари"), деб уқтиради. Исломга кўра, Қуръон Муҳаммад (сав)га фаришта Жаброил (ас) орқали юборилган Аллоҳнинг сўзидир. Қуръони Каримда Аллоҳнинг ягоналиги ва буюклиги жуда кўп бор таъкидланади. 112-Ихлос сурасида: "...У - Аллоҳ Бирдир (яъни Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У якка-ю ёлғиздир). Аллоҳ (барча ҳожатлар билан) кўзлангувчидир (яъни барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир). У туғмаган ва туғилмагандир (яъни А.нинг ўғил-қизи ҳам, отаси-онаси ҳам йўқдир. У азалий ва абадий зотдир). Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир", дейилган. Шунингдек, Қуръонда доимо Аллоҳнинг мукамаллиги, қодирлиги ва улуғлиги ҳақида гапирилади. Аллоҳ "алийм", яъни билувчидир, у бўлиб ўтган ишларни, энди бўладиган ишларни, хоҳ катта, хоҳ кичик, барчасини билади; Аллоҳ "мурид", яъни хоҳлагувчидир - дунёдаги ишларнинг ҳар бири Аллоҳ таолонинг иродаси ва хоҳиши ила бўлади, у хоҳлаган иш бўлмай қолмас ва хоҳламаган иш асло бўлмас; Аллоҳ "қадир", яъни ҳар ишга қудрати етувчидир; Аллоҳ "басир", яъни кўрувчи ер ва осмондаги, қоронғу ва ёруғдаги, катта ва кичик нарсаларнинг барчасини кўради; Аллоҳ "самий", яъни эшитувчи - баланд бўлсин, секин бўлсин ҳар қандай овозларни эшитади; Аллоҳ "мутакаллим", яъни сўзлагувчи - Қуръони Каримдаги барча оятлар, шунингдек, Таврот, Инжил, Забур китоблари Аллоҳ таолонинг сўзидир; Аллоҳ "мукаввин", яъни бўлдиругвчи - дунёдаги барча нарсалар унинг бўлдиrhoғи ила бўлгандир; Аллоҳ "раббун", яъни тарбия қилувчи - барча жонли ва жонсиз нарсаларни тарбия қилади; Аллоҳ таоло "одил", яъни тўғрилиқ қилувчи - ҳар бир ҳукми ва ҳар бир ишни тўғрилиқ ила қилади, ҳеч кимга жабр ва зулм қилмайди. У меҳрибон ва кечиримли. Одамлар бутунлай унга итоат этишлари (исломга киришлари), худодан кўрқиб виждонли бўлишлари, барча нарсада Аллоҳга ва унинг иродасига ишонишлари лозим. Аллоҳ ўзи хоҳлаган пайтда ердаги барча нарсани барбод этади, ўликларни тирилтиради ва уларни ўз хузурига ҳукм қилиш учун йиғади: у ерда ҳар кишининг қилган амалига кўра ё жаҳаннам (дўзах) азобига дучор қилади ёки жаннат билан мукофотлайди. Аллоҳ ҳақидаги таълимот мусулмон дини ва илоҳиёт фанининг асоси бўлиб қолди. Аллоҳ табиатининг турли қирралари ҳадис, тафсир ва илоҳиётга оид махсус асарларда тилга олиниб, тушунтирилади. Шунга кўра, У инсон сифатларидан тубдан фарқ қилади. Ислом таълимотига кўра, Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари тўғрисида чуқур баҳс юритиш шаръан ман этилади. Аллоҳ бирор нарсага ўхшатилмади ва бирор нарса ҳам Аллоҳга ўхшатилмади. Аллоҳнинг исм ва сифатлари Қуръони Каримда тилга олинган 99 исмларида яққол кўринади.

АНАС ибн МОЛИК, тўлиқ исми Анас ибн Молик ибн ан-Назр ан-Нажжорий ал-Хазражий алАнсорий, куняси Абу Сумома (610, Мадина - 712, Басра) - ансорлардан ва ашоби киромнинг фақиҳларидан бири. Ҳижратнинг ибтидосидан эътиборан ўн йил Расули Акрам(сав)нинг хизматида бўлиши билан шуҳрат топган. 2630 ҳадис ривоят этган. Абу Бакр, Умар, Усмон, Убайй бин Каъб ва бошқа кўпгина ашоблардан ривоят этган, унинг ўзидан ҳам Ҳасан Басрий, Зухрий, Қатода, Яҳё ибн Саид каби зотлар ҳадис нақл этганлар. Басрада энг кейин вафот этган саҳобадир.

АНБАР ОНА, Амбар она - халқ оғзаки ижоди ва ислом анъаналарида аёллар машғулотининг ҳомийси, пири. Ривоятларга кўра, у даставвал шайх Ҳаким отанинг завжаси бўлган, у вафот этгач, Занги отага турмушга чиққан. Анбар она ҳақида ҳосилдорлик маъбудалари, жумладан Авестодаги Анахита маъбудасига ўхшатиб баён этилган афсоналар ҳам бор. Шунингдек, Анбар она кўп йиллар сарсон-саргардонликда йўқолган ўғлини қидирганлиги, лекин уни топа олмаганлиги ҳақидаги ривоятлар сақланиб қолган. Анбар онага бағишлаб ўтказиладиган урф-одат ва маросимларнинг кўпчилиги сув тошқини, бола туғилиши ва ҳосилдорлик билан боғлиқ бўлган. Сумалак учун тайёрланган бугдойнинг тез ёки секин униб чиқиши ҳам Анбар она номи билан боғланган. Анбар онага бағишлаб ўтказиладиган тадбирларда отин бибилар, доялар, сеҳргарлар, парихонлар иштирок этиб, улар Анбар она ҳақида тўқилган ривоятлар ёрдамида турли ирим-сиримларга ишонган содда кишиларни алдаб, бойлик орттирганлар.

АНБИЁ (арабча набий, пайғамбар сўзининг кўплиги)

АНСОРЛАР (арабча - ёрдамчилар, сафдошлар) - Муҳаммад (сав) саҳобалари бир табақасининг номи. 622 йил Маккадан Мадинага кўчиб борган мусулмонлар (муҳожирлар)га ва Муҳаммад (сав)га ёрдам берган ҳамда ислом динини қабул қилган мадиналик Авс ва Ҳазраж қабилаларининг аъзолари. Ансорлар муҳожирлар билан бирга илк мусулмонлар жамоасини ташкил этган. Ансорлар билан муҳожирлар ўзаро муносабатларини битимлар орқали белгилаган. Ансорлар Бадр жангидан эътиборан Муҳаммад (сав)нинг Макка мушрикларига қарши юришларида фаол иштирок этишган. Ҳарбий ўлжа тақсимланганда муҳожирлардан кейинги навбатда турганлар. Кейинга сиёсий воқеаларда ҳам Ансорларнинг ўрни катта бўлган. Муҳаммад (сав) вафотларидан сўнг улар ўз ичларидан халифа сайлашга уриниб кўрганлар. Лекин халифалик кўпчилик овози билан Абу Бакр Сиддиққа насиб бўлган. Ансорлар ҳадис ровийлари сифатида ҳам машҳур.

АНҚО - қадимий шарқ халқлари мифологиясига кўра, Аллоҳ томонидан ҳар томонлама мукамал қилиб яратилган афсонавий қушнинг номи. Баъзи ривоятларда кўрсатилишича, Анқо тамомила йўқолиб кетган эмас,

лекин жуда кам учрайди. Ислом анъанасида Анқо афсонавий қуш - Семурғ билан айнанлаштирилади, ривоят, эртақларда Ҳумо қушга ҳам ўхшатилади. Қадимги Шарқ халқлари афсона, эртақ ва достонларида бош қаҳрамонга ҳомий. У инсонлар кўзига кўринмайди, қаноти, пати олтин, кумуш ва бошқадан деб таърифланади. Халқимиз орасида Анқо бахт, толе, давлат қуши, кимга сояси тушса, ўша бахтли бўлади деган фикр мавжуд. Тақчил, камёб нарсалар ҳақидаги "анқонинг уруғи" деган ибора шундан олинган.

АРАФОТ - Макка шаҳридан 20 км нарида жойлашган, узунлиги 11-12 км ва кенлиги 6,5 км бўлган водий. Шимол томондан тоғ тепалиги билан ўралган, бу тепалик ҳам Арофот дейилади. Қурбон ойи (Зилҳижжа ойи)нинг 9-куни, яъни арафа куни ҳожилар шу тепаликка чиқиб, то қуёш ботгунга қадар ибодат билан машғул бўладилар. Ислом манбаларидаги ривоятга кўра, Иброҳим (ас)га Жаброил шу тепаликни кўрсатиб: "Шу жой - Арафотдир, билиб олинг, ҳаж арконлари шу ерда камолига етади, шу ерда гуноҳларингизни эътироф этасиз", деганлар. Бошқа бир ривоятда Одам ато билан Момо ҳаво жаннатдан чиқариб юборилганидан кейин бир-бирлари билан шу ерда учрашган, дейилади. Арафот тепалигида бир баланд жой борки, у ерни "жабалир раҳма" яъни "раҳмат тоғи" дейилади. Муҳаммад (сав) вафотларидан 81 кун олдин, ҳижратнинг 10-йили Мадинадан ҳажга келиб, арафа куни шу тепаликка чиққанлар ва оқ туяларини чўктириб, унинг устида туриб машҳур "Видолашув ваъз"ларини айтганлар. Шу сабабли бу жой узокдан кўриниб туришлиги учун устун шаклида кўтарилиб, оққа бўяб қўйилган.

АРСЛОНБОБ (тахминан 11-аср) - туркистонлик машҳур сўфий. Арслонбобнинг ҳаёти, сўфийлик фаолияти ҳақидаги маълумотлар насабнома (шажара)ларда ва қўлёзма манбаларда қисқа берилган. Аҳмад Яссавийнинг биринчи маънавий устози бўлган. Ёш Аҳмад унинг раҳбарлигида суфийлик тариқатининг мураккаб амалий ва назарий билимларини олган. Ривоят қилинишича, Арслонбоб Қирғизистон ҳудудидаги шу ном билан аталувчи қишлоққа дафн қилинган. Мақбараси ҳозиргача сақланиб қолган ва зиёратгоҳ ҳисобланади.

АРШ, Арши аъло (арабча тахт) - буюк тахт. Ақоид илми уламолари фикри, оят ҳамда ҳадисларга кўра, Арш оёқлари бор тахт бўлиб, уни фаришталар кўтариб туради. У худди олам устидаги куббага ўхшаш. У маҳлуқотларнинг шифтидир. Аллоҳ таолонинг Аршга эҳтиёжи йўқ, балки уни Ўзи билган ҳикмат учун яратгандир. Арш файласуфлар айтганидек фалак эмасдир. Улар Аршни тўққизинчи фалак ёки атлас фалаки дейишган. Араблар Аршни ҳеч қачон бу маънода ишлатмайдилар. Аллоҳ таоло Аршга баробар бўлиб, унинг устида тургани унга муҳтожлигидан эмас. Аллоҳ бундан олий ва

улуғдир. У ўз қудрати ила ўзидан пастдаги Аршни, уни кўтариб турувчиларни ва ундаги нарсаларни кўтариб турувчидир. Шунингдек, Аллоҳ Аршни ва ундаги нарсаларни ихота қилувчидир. Арш Аллоҳнинг қудрати остида чегараланган ва Унга муҳтождир. Қуръони Карим оятларида Арш тўғрисида 23 жойда баён этилган.

АШЪАРИЙ, Абул Ҳасан Али ибн Исмоил (873-935) - машҳур илоҳиётчи, каломнинг ашъарийлар мактаби асосчиси. Басрада туғилган. 40 ёшигача муътазилий илоҳиётчи бўлган. Мунозаралардан бирида устози билан келиша олмай, ўз қарашларини кескин ўзгартириб, шофиъийларга қўшилган, муътазилийлик ақидалари ислом асосларига тўғри келмайди, деб хулоса чиқарган. Умрининг охириги йилларини Бағдодда ўтказиб, шу ерда вафот этган. Ашъарий муътазилийларга қарши диний-фалсафий тизимни асослаш учун Қуръон ва ҳадисларга қўшимча қилиб фалсафа ва мантиқ услубидан кенгрок фойдаланган. Ашъарий шогирдлари унинг таълимотини ривожлантирганлар. Ашъарий 100 га яқин асар ёзган, улардан энг машҳури "Мақолат ал-исломийин" ("Мусулмонлар таълимоти")дир.

АШЪАРИЙЛАР - каломнинг асосий йўналишларидан бири - Ашъарий мактаби тарафдорлари. Боқилоний (1013 йилда вафот этган), ибн Фурқ (1015 йилда вафот этган), Абу Ишоқ Исфарўиний (1027 йилда вафот этган), Абдул Қоҳир Бағдодий (1037 йилда вафот этган), Жувайний (1085 йилда вафот этган), Шаҳристоний (1153 йилда вафот этган) ва Фахриддин Розий (1209 йилда вафот этган) таниқли вакиллари. Ашъарийларнинг дунёқарашида ақд диний анъана - нақддан устун қўйилади. Ашъарийлар мотуридийлик тарафдорларидан ўнлаб ақидавий масалаларда фарқ қиладилар. Масалан, Ашъарийлар Аллоҳ ўз бандаларига тоқатларидан ташқари оғир ишларни ҳам буюриши мумкин десалар, мотуридийлар мумкин эмас дейдилар. Ашъарийлар Аллоҳни ақл билан таниш вожиблигига ҳам қарши турадилар. Далил келтира олмайдиган муқаллид мусулмоннинг имонини Ашъарийлар қабул эмас дейдилар. Имон озайиб-кўпайиб туриши, амал имоннинг таркибий қисми деб қараш ва бошқалар Ашъарийларнинг қарашларини энг аввал Эронда (10-асрда) кенг тарқалган шофиъийлик мазҳаби тарафдорлари қабул қилганлар. Ашъарийнинг ўзи таянган ҳанбалийлик тарафдорлари бу мактаб душманлари бўлиб қолган. Таниқли илоҳиётчиларнинг кўпчилиги (масалан, Андалусияда Ибн Ҳазм) Ашъарийлар ғоясига қарши чиққан. Биринчи салжуқий султон Тўғрулбек (1038-1063 йилларда ҳукмронлик қилган) даврида Ашъарийлар таълимоти бидъат деб эълон қилиниб, унинг тарафдорлари таъқиб этилган. Бироқ бу таълимот Боқилоний, Ғазолий ва бошқаларнинг асарлари туфайли мусулмон оламида катта таъсирга эга бўлиб, каломнинг энг кенг тарқалган оқимига айланган.

АҚИДА (арабча "ақд" - бир нарсани иккинчисига маҳкам боғлаш; кўпликда -ақоид) - балоғатга етган киши эътиқод қилиши, имон келтириши, ислом динининг заруратлари шаклида тасдиқ қилиши, қалбига маҳкам боғлаб олиб ундан ажралиши мумкин бўлмаган шаръий эътиқодий ҳукмлар. Инсоннинг икки дунёдаги саодати айнан ақидасига боғлиқ. Агар ақидаси пок бўлса, йўли тўғри бўлади, қилган барча амаллари қабул бўлади ва бандалик билан содир этган баъзи гуноҳлари афв этилади. Агар ақидаси соф бўлмаса, бузуқ бўлса, йўли нотўғри бўлади, қилган амаллари беҳуда кетади ва охиратда жаҳаннам аҳлидан бўлади. Ақида масаласи ўта муҳим бўлганидан ҳам, Одам атодан бошлаб, охирги пайғамбар Муҳаммад (сав)гача бу масалани Аллоҳ таолонинг ўзи кўрсатиб берган. Одам атодан тортиб ҳозиргача ақида масаласи бир хил бўлиб келган. Ислом ақидаларининг асоси Қуръонда берилган, ҳадислардаги кўрсатмалар негизида ишлаб чиқилиб, тартибга солинган. Исломнинг суннийлик йўналиши илоҳиётда эътироф этиладиган ақидалар ёки имон талаблари 7 та: Аллоҳнинг ягоналигига, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охиратга, тақдирга ва қиёмат куни барчанинг қайта тирилишига ишониш. Шиалик йўналиши илоҳиётида 5 ақида тан олинади: тавҳид (Аллоҳнинг ягоналиги), нубувват (пайғамбар)га ишониш, адл (илоҳий тақдирнинг адолатлигига ишониш), имомат (имомлар ҳокимиятини таниш), маод (охиратга ишониш).

АҲЛИ СУННА вал ЖАМОА -мусулмонларнинг асосий ва жумхур оммаси эътиқод ва амал қилиб келаётган ақидавий ва мафкуравий мазҳабларнинг жамлама номи. Исломнинг дастлабки даврларида бошқа мазҳаб ва оқимлар каби аҳли сунна вал-жамоа ҳам бўлмаган. Биринчи ҳижрий асрнинг биринчи ярми охирларида турли сиёсий сабабларга кўра, мусулмонлар сафида ажралиш пайдо бўлди. Аввал хорижийлар тоифаси, кейинроқ шиа ва бошқа мусулмонлар оммасидан ажраб чиқдилар. Уларга ўзига хос номлар берилди бошлади. Ҳар томон ўзининг ҳақлигани исбот қилиш учун ўз фикрини, йўналишини ҳимоя қилиб чиққан, шу тариқа ҳар гуруҳнинг ўзига хос ақидаси шакллана бошлаган. Бошқа фирқалар ажралиб чиққач, қолган мусулмонларнинг асосий оммаси аҳли сунна вал-жамоа деб атала бошланган. Бу номда Пайғамбар (сав)нинг суннатида амал қилиш ва мусулмонларнинг асосий кўпчилик жамоаси маънолари акс этган. Шунинг учун ҳам аҳли сунна вал-жамоа уламолари бошқа тоифаларнинг ҳаммаси билан тортишганлар ва уларнинг хато фикрларини танқид қилганлар. Аввалги ақидавий тортишишлар фақат Қуръон ва ҳадис асосида бўлган. Бу маънода ҳазрати Али, Абдуллоҳ ибн Аббос каби саҳобалар хорижийларнинг бошлиқлари билан олиб борган баҳс ва тортишувлари аҳли сунна вал-жамоанинг дастлабки далил келтириш уринишлари бўлган. Кейинги авлод

мусулмонлари ичидан Ҳасан Басрий ва унинг ҳамфикрларини келтириш ўринлидир. аҳли сунна вал-жамоага мансубликни билдирувчи асосий белгилар қуйидагилардир: дастлабки тўрт халифа (Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али) ҳокимияти қонуний эканлигини тан олиш, олти ҳадис тўплами (ал-Бухорий, Муслим, ат-Термизий, Абу Довуд, ан-Насойй, Ибн Можа тўпламлари)ни саҳиҳ (ишончли) деб билиш, тўрт диний-ҳуқуқий мазҳаб - ҳанафийлик, моликийлик, шофиийлик, ханбалийликдан бирига мансуб бўлишдан иборат. Ислом давлатлари ҳудудларининг кенгайиб бориши турли дин, тоифа, мазҳаб ва мафкура тарафдорларининг мусулмон бўлиши оқибатида ақидавий масалалар яна ҳам мураккаблашиб кетди. Бунинг устига турли томонлардан мусулмонлар ақидасини бузишга уриниш ва танқид қилиш ҳам авж олди. Ана шундай мураккаб ҳолат аҳли сунна вал-жамоа ақидаси ва фикрларини илмий асосда жамлаш ва тартибга солишни тақозо этди. Бу ишни мусулмон оламининг машриқ томонида Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий ва иккинчи томонида Абул Ҳасан ая-Ашъарий уддаладилар. аҳли сунна вал-жамоанинг ақидавий масалалари ўша икки олим шахсига нисбат берилиб (ашъарийлар, мотуридийлик) деб номланадиган бўлди. аҳли сунна вал-жамоа фақатгина ақида бобида эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам ўзига хос мазҳабларни бирлаштирган. Аҳли сунна вал-жамоанинг ўзига хос тафсир мактаби ҳам бор. Уларнинг машҳур тафсирлари жумласига Абу Мансур ал-Мотуридийнинг "Таъвилоту аҳли сунна", Абул Баракот Насафийнинг "Мадорикут Танзийл", Исмоил Ҳаққийнинг "Рухул Баян" тафсирлари ва бошқалар киради. аҳли сунна вал-жамоанинг ўзига хос ҳадис шарҳи мактаби ҳам юзага келган. Бу мактабнинг йирик намоёндалари ичида Асқалоний, Бадриддин Айний, Али Қори кабилар бор. Шунга ўхшаш исломий илмларнинг барча соҳаларида аҳли сунна вал-жамоанинг ўз мактаблари бор. 20-аср охирида исломнинг дунёдаги сиёсий ўрни кучайиши шароитида суннийлик ва шиалик ўртасидаги муносабатлар ҳам кескинлашди, бу ҳол мамлакатлар ўртасида (Эрон-Ироқ), шунингдек, турли мамлакатларнинг ички ҳаётида (Саудия Арабистони, Ливан) ҳам кўзга ташланди, бироқ улар кўп ҳолатларда учинчи даражали аҳамият касб этган (Эрон-Ироқ) ёхуд осонгина ҳал этилган. Суннийликнинг кўпгина ўзига хос хусусиятлари ҳозирги вақтда исломнинг ҳақиқий демократик дин эканлигини исбот қилишда далил сифатида кўрсатилмоқда. Суннийлар барча ислом оламидаги давлатлар аҳолисининг кўпчилигини (Эрон ва Ироқдан ташқари) ташкил этади.

АҲМАД ИБН ҲАНБАЛ, Абу Абдуллоҳ; Ибн Ҳанбал (780-855) - илоҳиёт олими, суннийликдаги ханбалийлик мазҳабининг асосчиси ва имоми. Аҳмад ибн Ҳанбал ўсмирлигиданоқ ҳадис ва фикҳни ўргана бошлаган, замонасининг йирик уламолари, жумладан Абу Юсуф ва аш-Шофиийлар

билан мулоқотда бўлган. 816-833 йилларда Бағдодда мударрислик қилган ва фикҳ илми билан шуғулланган. Аҳмад ибн Ҳанбал анъанавий суннийликни ҳимоя қилган, муътазилийларга қарши курашган. Аббосий халифалар Маъмун (813-833), Муътасим (833-842) ва Восиқ (842-847)лар даврида муътазилийлар оқими таълимоти расмий эътиқод сифатида эътироф этилган, Аҳмад ибн Ҳанбал мансуб бўлган анъанавий ислом тарафдорлари таъқиб остига олинган эди. Аслида анъанавий ислом уламолари ва муътазийлар ўртасида баҳс бир асрдан (халифа Ҳишом (724-743) давридан) бери давом этиб келар, улар ислом уммасининг парчаланишида бир-бирини айбларди. Маъмун ана шу баҳсга барҳам бериш, муътазилийларнинг бир неча ақидалари, ва айниқса, Қуръоннинг яратилганлиги (яъни Аллоҳ томонидан яратилгани), ҳақидаги фикрни қарор топтириш мақсадида 833 йилда махсус ҳайъат тузган ва барча уламоларни имтиҳон (меҳна) қилдирган. Бу ақидаларни қабул қилмаган дин арбоби Қуръонни Аллоҳ билан бир даражага қўювчи мушрик, яъни кўпхудолик тарафдори деб эълон қилинар ва шунга яраша жазога тортиларди. Ўз фикрларидан қайтмаган бир неча уламо қатори Аҳмад ибн Ҳанбал 2 йил зиндонда ётган. Озодликка чиққач, умрининг охиригача диний-сиёсий фаолиятини давом эттирган. Пировардида меҳна кутилган натижа бермади ва анъанавий ислом тарафига ўтган халифа Мутаваккил (847-861) 848 йилда меҳнани бекор қилган. Кексайиб қолган Аҳмад ибн Ҳанбал Бағдодда энди ўзининг номи билан атала бошлаган диний-сиёсий ҳаракатнинг ғоявий раҳнамосига айланган. Бағдод ва Басрадаги фаол муътазилийларнинг рўйхати тузилиб, улар қирғин қилинганлар. 9-асрнинг 20-40-йиллари мусулмон уммасида юз берган парокандалик ҳолатини таҳлил қилиб, Аҳмад ибн Ҳанбал исломнинг "олтин даври" - Муҳаммад(сав) ва илк халифалар даврига қайтиш керак, деган хулосага келди. Айниқса, "бидъат" масаласида у кескин мавқеда бўлди. Унинг фикрича, Қуръон, ҳадис ва мусулмон уламоларининг илк уч авлоди фикри (ижмо)га асосланмаган дин ва ҳаётга оид ҳар қандай "янгилик" қораланмоғи даркор. Шунингдек, у диний арбоблар ҳокимга таъсир ўтказишлари лозим, деб уқтирди. Аҳмад ибн Ҳанбал таълимотини унинг шогирди ал-Барбаҳарий (847-941) ўз асарларида давом эттирган. Ҳанбалийлик мазҳаби назарияси Ибн ал-Жавзий (1116-1200) ва Ибн Таймия (1263-1328) асарларида ўз ифодасини топди. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг "6 ақида" (ислом дини аҳкомларининг қисқача баёни), ҳадислар тўпламлари, шу жумладан 30 минг ҳадисни ўз ичига олган "Муснад" ("Иснодли ҳадислар тўплами") ва имон-эътиқод, фикҳ ва ибодат масалалари бўйича рисоалари ҳозиргача сақланиб қолган.

БАДАВИЙ, Абу Фитён (ёхуд Абу Аббос) Аҳмад Сиди аш-Шариф (1199-1276) бадавия (ёки аҳмадия) тариқати асосчиси, Миср халқи ҳозиргача

эъзозлайдиган машхур сўфий. Фес шаҳрида ўз шажарасини Алига боғлаган ва 7-аср охирида Мағрибга кўчиб келган оилада туғилган. 1210 йилда Маккага келган. Бу ерда Бадавий шофиийлик ҳуқуқи ва Қуръон тиловати билан машғул бўлган. 1230 йилда отаси вафотидан кейин Бадавий одамлардан узоклашиб, ёлғиз зоҳидона турмуш кечирган, у фақат имо-ишора воситасида одамлар билан мулоқотда бўлган. 1236 йилда Бадавий ўзининг туши таъбирига амал қилиб Ироққа борган, у ерда Абдулқодир Гелоний (Жилоний) ва Аҳмад ар-Рифўий мақбараларини зиёрат қилгандан сўнг Батўйик шаҳрида рифўийлар тариқатига қабул қилинган. 1237 йилда Бадавий Мисрнинг Тант шаҳрига кўчиб келиб, шу ердаги рифўийларга раҳбарлик қилган. Бу ерда у ўзининг дарвишона турмуш тарзи (сув ичмасдан ва таом емасдан 40 кун рўза тутиши, уйининг томидан қуёшга тикилиб қараши - "сояга юриш", баъзан тўла сукунатда, баъзан бақириб чақириб юриш ва бошқалар билан халқ орасида шуҳрат қозонган. Тантда вафот этган. Халқ орасида унинг "мўжизакор" кучи ҳақида кўплаб ривоятлар тарқалган. Бадавийнинг вафотидан сўнг, унинг халифаси ва вориси Солиҳ Абдул Ол (1333 йилда вафот этган) унинг қабри устига масжид қурдирган, у авлиёни зиёрат қилиш марказига айланган. Бадавийга сиғиниш Мисрнинг қадимги қибтий-христиан урф-одатларини ўзида уйғунлаштириб юборган. Кўпчилик мисрлик мусулмонлар Бадавийнинг Тантдаги мақбарасини зиёрат қилиб, кейин ҳаж зиёратига боришади. Шундан унинг "Боб ун-набий" ("Пайғамбар дарвозаси") лақаби келиб чиққан. Оддий халқ орасида у ас-Сайид ("жаноб"), тариқат аъзолари учун у - кутб деб аталади. Мағриб бадавийлари каби бош кийим кийгани учун "Бадавий" лақабини олган деб ҳисобланади. Бадавий Мисрда хонанда аёллар ва раққосалар уюшмасининг раҳнамоси ҳисобланган, шунингдек у йўқолган нарсаларни, жумладан йўқолиб қолган болаларни топишда кўмак берувчи шахс сифатида машхур бўлган. Бадавийга сиғинишни, айниқса Тантга зиёрат қилишни уламою фуқаҳолар доимо қоралаб келишган. 1498 йилда уларнинг қатий талаби билан мамлук султони аз-Зоҳир Жақмоқ Бадавий қабрини зиёрат қилишни тақиқлаш ҳақида фармон чиқарган. Бадавийга эътиқод қилиш халқ орасида жуда чуқур илдиз отиб кетганлиги боис фармоннинг таъсири бўлмаган. Усмонли турк салтанати даврида мавлавийлар, бектошийлар, нақшбандийлик каби қудратли сўфийлик тариқатлари тарафдорларининг талаби билан Бадавийни дабдабали суратда зиёрат этиш анча камайган.

БАДР ЖАНГИ - Муҳаммад (сав) раҳбарлигида мусулмонларнинг Бадр кудуғи яқинида (Мадинадан 150 км жануби-ғарбда) Макка қўшинлари билан қилган биринчи йирик жанги (624 йилда 15 ёки 17 март). Маккадан Фаластин ва Сурия ерларига олиб борадиган йирик карвон йўли Мадина яқинидан ўтар эди. Бу йўл Макка ҳокимлари ва савдогарлари учун катта иқтисодий аҳамиятга

эга бўлган. Мусулмонлар бу йўлдаги Макка карвонларини босиб олишга, Макка зодагонлари эса карвонларни ҳимоя қилишга уринган. Бадр қудуғи ёнида мадиналиклар маккаликларнинг савдо карвонига ҳужум қилган. Манбаларда кўрсатилишича, жангда мусулмонлар томонидан 80 муҳожир, 230 ансор, маккаликлар томонидан Абу Жаҳл раҳбарлигида 850 киши қатнашган. Маккаликлар енгилган, катта талафот кўрган. Маккаликларнинг 50 дан ортиғи ҳалок бўлди, яна шунчаси асир олинди. Улар ўз йўлбошчиси Абу Жаҳлдан ҳам жудо бўлишди. Мусулмонлардан фақат 14 киши ҳалок бўлди. Кучлар нисбати кам бўлишига қарамай мусулмонлар қозонган ғалаба Муҳаммад (сав) нинг сиёсий ва диний обрўйини ошириб юборди, Мадина ва бутун Арабистон ярим оролида фаол ҳаракат бошлаб юборишга асос солди. Жангда катта ўлжа, жумладан 30 та от, 150 туя, кўп қурол, анжомлар қўлга киритилди. Муҳаммад (сав) бу ўлжаларни жанг иштирокчиларига тақсимлаб, унинг бешдан бир қисмини ўзлари олганлар. Ислом анъанасида ўлжа тақсимлашда унинг бешдан бир қисми халифалар хазинасига тушиши, пиёда аскарга бир ҳисса, отлик аскарга икки ҳисса берилиши ана шундан бошланган. Кейинчалик бу шариатда қонунлаштирилган.

БАЙТ ул-МАҚДИС, Байт ул Муқаддас (арабча - Муқаддас уй) - Қуддус (Иерусалим) шаҳрида қадимдан мавжуд бўлган, мусулмонлар, христианлар ва яҳудийларда муқаддас ҳисобланган ибодатхоналар. Шу муносабат билан Қуддус шаҳрининг ўзи ҳам Байт ул-Мақдис деб ном олган. Байт ул-Мақдиснинг ўрта асрларга оид шарқий қисмида - Ҳаром аш-Шариф (Мория тоғи этакларида) қўриқхонага айлантирилган ҳудуд бўлиб, Ақсо масжиди, Қуббат ас-саҳро масжиди ва бошқа иншоотлар унинг таркибига кирган. Қуръони Каримнинг Муҳаммад (сав)нинг меърож кечасида борган ерлари ҳақидаги оятдаги жой - Байт ул-Мақдис деб ҳисобланади. Муҳаммад (сав) Мадинада бўлган дастлабки бир ярим-икки йиллик даврларида мусулмонлар Байт ул-Мақдисга қараб намоз ўқиганлар. Қуддус шаҳри Умар (ра) билан патриарх ўртасида тузилган битимга асосан 638 йил бошида мусулмонлар қўлига ўтган. Умар (ра) Қуддусда бўлган чоғида Ақсо масжидини қурдирган (705-715 й.ларда у янгидан қурилган). Қуббат ус-саҳро масжиди бунёд этилгач, шаҳарнинг диний марказ сифатидаги мавқеи кучайган. Арабча ал-Қудс номи шу пайт (8-аср боши)дан эътиборан қўлланила бошлаган (бу пайтгача шаҳар Илиё деб аталган). 11-13-асрларда Байт ул-Мақдис диний урушлар, хусусан, салбчилар билан мусулмонлар ўртасидаги тўқнашувларнинг асосийларидан саналган. 1517 йил шаҳарни Усмонли турк салтанати эгаллаган. 16-асрда Ҳаром аш-Шариф тубдан қайта таъмирланган. Арк ва бошқа иншоотлар қурилган. 16-19-ср ўрталарида шаҳар (80 га яқин шаҳар ҳудуди ва 13 га дан иборат Ҳаром аш-Шариф) девор билан ўраб олинган.

1553 йилдаги аҳоли рўйхатига кўра шаҳарда 1950 мусулмон, 413 насоро ва 324 яҳудийлар оиласи, жами тахм. 15 минг аҳоли яшаган. 19-аср сўнгги чорагидаги аҳоли рўйхатида ҳам тахминан шу манзара акс этган. 19-асрда христиан қадамжоларини ҳимоя қилиш баҳонасида Европа давлатлари Усмонлилар салтанатининг ички ишларига аралаша бошлаган. 19-асрнинг иккинчи ярмида Қуддуснинг ғарбий қисмида европалик бир қанча миссионерлик марказлари пайдо бўлган; шу аср охирида эса, бу ерда яҳудий-иммигрантлар (муҳожирлар)нинг колонияси (манзилгоҳи) вужудга келган. 1920-47 йилларда Қуддус Миллатлар Лигаси мандатига кўра, Буюк Британия томонидан бошқарилган Фаластиннинг маъмурий маркази бўлган. 1947 йилда Исроил давлати барпо этилиши туфайли Қуддус шаҳри БМТ бошқарувидаги алоҳида зона сифатида ажратилган, бироқ Исроил-Араб уруши (1948-49) натижасида шаҳарнинг ғарбий қисмини Исроил босиб олган, шарқий қисми эса, Иорданияга ўтган. 1967 йилда Қуддуснинг шарқий қисми Фаластиннинг араблар яшайдиган қисми билан биргаликда Исроил томонидан эгалланган.

БАЙТУЛЛОҲ (арабча - Аллоҳ уйи) - Макка шаҳридаги Каъба биноси. Унинг бошқа номлари ҳам бор. Масаслан, Масжиди ҳаром, Байтулатик, Қибла, Хонаи Каъба. "Аллоҳнинг уйи" деганда Аллоҳнинг манзили ёки маскани эмас, балки Аллоҳга ибодат қилинадиган жой, қиблагоҳ маъносида тушунмоқ керак. Шу маънода ер юзидаги масжидларнинг ҳар бирини ҳам "Аллоҳнинг уйи" деб аташ мумкин. Байтуллоҳни "Маккатуллоҳ" деб аташ нотўғридир.

БАЙТУЛМОЛ (арабча - "мол-мулк уйи") - 1) ислом мамлакатларида давлатга қарашли мол-мулк; 2) қимматбаҳо нарсалар сақланадиган бино. Байтулмолни дастлаб халифа Умар ибн ал-Хаттоб (ра) таъсис қилган. Ундаги бойликлар асосан хирож, жизя, закот, ҳумс каби солиқлардан тўпланган. Байъат (арабча олди-сотди) - шариатда кишиларнинг Расулуллоҳ (сав)га итоат ҳақида берган ваъдалари. Бу ваъдада ваъда аҳд берувчи шахс ўз итоати эвазига савобни сотиб олиш маъноси борлигидан "байъат" дейилган. Расулуллоҳ (сав)дан кейин халифалар, давлат бошлиқларига Байтулмол қилиш одати бўлган. Кейинроқ давлат бошлиғидан бошқаларга, маълум раҳбарлик маъносидаги улуғларга ҳам Байтулмол қилиш тарқаган. Аллоҳ таоло Фатҳ сурасида: "Албатта, Сенга байъат қилаётганлар, ҳақиқатда Аллоҳга байъат қилмоқдалар. Аллоҳнинг кўли уларнинг кўллари устидадир", деган. Бу оят Ҳудайбия сулҳи вақтида нозил бўлган. Расули Акрам (сав) 1400 нафар саҳобийлар билан умра қилгани Макка томон юрганлар. Маккага яқинлашганларида, мушриклар йўлни тўсишга тайёргарлик кўраётгани ҳақида хабар келган. Ҳудайбия деган жойда тўхталган. Икки тараф бирбирига вакил юбора бошлаган. Расулуллоҳ (сав) ҳазрати Усмон ибн Аффон (ра)ни юборганлар. У киши дараксиз узоқ қолиб кетганлар. Шунда "Мушриклар

Усмонни ўлдирибди" деган гап тарқалган. Вазият оғирлашиб, қуролли тўқнашув бўлиши муқаррарга ўхшаб қолган. Ана шундай нозик ва хатарли бир пайтда мусулмонлар Ислом йўлида фидокорлик аҳдини бериб, Расулуллоҳ (сав)га Байтулмол қилишлари лозим бўлган. Пайғамбар (сав) дарахт тагида туриб, Байтулмол олганлар, Аллоҳ таоло ушбу Байтулмолда иштирок этганлардан рози эканини эълон қилиб, оятлар нозил қилган. Б. вақтида қўл ушлашиб туриб аҳд берилганидан аҳли тасаввуфда муриднинг шайхга қилган Байтулмолини "қўл бериш" дейилади. Шайхга муриднинг Байтулмол қилиши хижрий бешинчи аср (милодий 11-аср)ларда бошланган, бунда мурид ўз устозига таквода бардавом бўлишга аҳду паймон ила Байтулмол қилади.

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД, Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин ан-Нақшбанд ал-Бухорий (кўпроқ Баҳоуддин ёки Хожа Баҳоуддин Балогардон, Хўжаи Бузрук, Шоҳи Нақшбанд номлари билан машҳур) (1318-1389) - машҳур авлиё, нақшбандийлик тарикатининг асосчиси. Бухоро вилояти ҳозирги Когон туманидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилиб, шу ерда вафот этди. Бу қишлоқ кейинчалик Баҳовуддан Нақшбанд шарафига Қасри орифон деб аталган. Баҳовуддан Нақшбанднинг оиласи ва фарзандлари тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Унинг Муҳаммад пайғамбар авлодларига мансуб саййидзодалардан эканлиги қайд этилган. Отаси тўқувчи ҳамда ўйма нақш солувчи (нақшбанд) бўлган. Баҳовуддан Нақшбанд ҳаётида бобосининг алоҳида хизмати бор. У сўфийлар билан яқин алоқада эди. Шу сабабли набирасида илоҳиётга катта қизиқиш уйғотди. Баҳовуддан Нақшбанд Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол, мавлоно Ориф, Халил ота, Қусам Шайх каби устозлардан сабоқ олди. Баҳовуддан Нақшбанднинг деярли бутун умри Бухоро ва унинг атрофидаги қишлоқларда сўфийлик билан ўтган. У икки марта ҳаж қилган. Ғарибона ҳаёт кечирган, фақат ўз меҳнати - деҳқончилик ва кейинроқ кимхобга нақш (гул) солиш билан кун кўрган. Ўз таълимотини яратишда Юсуф Ҳамадоний ва Абдулҳолик Ғиждувоний ғояларига асосланган. Таълимотининг асосида "Дил-ба ёр-у, даст-ба кор" ("Кўнгил Худода бўлсин-у, қўл иш билан банд бўлаверсин") деган шиор ётади. Баҳовуддан Нақшбанд тасаввуфдаги илгарилари амалда бўлган қаттиқ талабларни бир қадар юмшатди, мўтадиллаштирди, кундалик турмушга мослади. Унингча, Аллоҳга интилиш кўнгил билан амалга ошиши керак. Қўл эса, иш - меҳнат билан банд бўлаверсин. Баҳовуддан Нақшбанднинг таркидунёчилик қилмай, демак-ки, бу дунё ишларидан очиқ-ошкор қўл силкимай туриб ҳам Аллоҳга етишиш мумкинлиги ҳақидаги ғояси мусулмон оламида тасаввуфнинг жуда кенг аҳоли қатламлари ичига кириб боришини таъминлади. Баҳовуддан Нақшбанднинг Бухородаги қабри зиёратгоҳ ҳисобланади. Баҳовуддан Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳамда нақшбандий

шайхлар тўғрисида талай асарлар яратилган. Биргана Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасининг ўзида нақшбандийликка доир 195 китоб мавжуд. Баҳовуддан Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги (1993) Ўзбекистонда кенг нишонланди. Унга бағишлаб қатор асарлар нашр этилди, халқаро илмий анжуманлар бўлиб ўтди. Баҳовуддан Нақшбанд номи билан боғлиқ ёдгорликлар қайта тикланди.

БИБЛИЯ (юнонча Виблиа - китоблар) - яхудийлик ва христианликда муқаддас ҳисобланган диний китоблар ва рисоалар мажмуаси. Библия икки асосий қисм - Қадимги аҳд ва Янги аҳдга бўлинади. "Аҳд" сўзи Худонинг инсонлар билан махсус алоқасини ифодалайди. Қадимги аҳд яхудийликда ҳам, христианликда ҳам муқаддас саналадиган ва энг қадимги даврларда яратилган диний адабиётлардан, Янги аҳд эса, фақат христианлар муқаддас деб биладиган, улар дини шаклланишига алоқадор диний асарлардан иборат. Мазкур динларнинг ақидаларига биноан, Библия - Худонинг каломи, барча инсонларга йўллаган, дунё ва одамзоднинг пайдо бўлиши ва "охират" сирини очиб берувчи муқаддас китобидир. Унинг асосий мавзуси - ягона ҳақ Худонинг фазилатлари ва инсоният билан муносабати ҳақидадир. Библия миллоддан авалги. 8-аср ва милодий 2-асрлар оралиғида оромий ҳамда юнон тилларида ёзилган. Библия матнлари тадқиқ этилганда шу нарса тасдиқландики, улар қарийб минг йил давомида хилма-хил жойларда яратилган. Библия энг қадимги адабий ёдгорликлардан бири бўлиб, диний панд-насихатлар, ақидалар, башоратлар, дуолар, солномалар, масаллар, ишқий ва фалсафий дostonлар, ҳикоят, ривоят ва мактублардан иборат. Библияда, бир ёқдан, одамзоднинг гуноҳкор бўлиб, Худо томонидан рад этилиши, абадий ҳалокатга маҳкум қилиниши тўғрисида гап кетса, иккинчи ёқдан, Худо инсонни кутқариш учун қандай режалар тузгани ҳақида ҳикоя қилинади. Айниқса, одамларга нажот йўлини очган Исо Масих (ас) тўғрисида тўлақонли хабар берилади. Жами қадимги яҳуд тилида 66, лотин тилида 70 китоб (бўлим)ни ўз ичига олган Б. 13-асрда кардинал Стефан Лэнгтон томонидан ҳозирги кўринишга келтирилган, китобларни шеърларга бўлиш ва рақамлаштиришни парижлик матбаачи Робер Стефан (16-аср) амалга оширган. Библия - дунёдаги 1-босма китоб (1452-55) бўлиб, жаҳон бўйича кенг тарқалган, асрлар мобайнида кўпгина халқларнинг ахлоқи, маънавияти, маданияти, адабиёти, мусиқа ва ранг тасвир санъатига баракали таъсир кўрсатган. Библиянинг айрим қисмлари 1891, 1913 йилларда Лейпциг шаҳрида араб имлосида, 1981, 1983, 1986, 1996 йларда Библияни таржима қилиш институти (Стокгоlm) томонидан кирилл ёзувида ўзбек тилида чоп этилган.

БИЛОЛ, тўлиқ исми Абу Абдулло Билол ибн Рабоҳ ал-Ҳабаший (? - 641) - ислом тарихидаги биринчи муаззин. Баланд, ширали, таъсирли овозга

эга бўлган. Асли ҳабашистонлик, Маккада исломни биринчилардан бўлиб қабул қилган қуллардан. Хожаси Умайя ибн Ҳалаф исломдан воз кечишни талаб этиб, Билолга тоқат қилиб бўлмас азобларни берган. Абу Бакр Сидди (ра) Билолни Умайядан сотиб олиб, озодликка чиқарган. Пайғамбар (сав) билан Мадинага ҳижрат қилган. 622 йил Мадинада оммавий азон айтиш жорий этилганда у биринчи бўлиб баланд овози билан мусулмонларни намозга чорлаган ва бир неча йил давомида Муҳаммад (сав)га муаззинлик қилган. Пайғамбар (сав) вафотидан сўнг Шомда яшаган ва ҳазрат Ҳусайн илтимосига кўра Мадинага келганида бир бор бомдод намози азонини айтган, деган ривоят бор. Қабри Дамашқ шаҳрида.

БИСМИЛЛОҲ, Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим (арабабча - "Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан") - исломда кўп тилга олинадиган, ҳар бир ниёт, ибодат ва амалий ҳаракат олдидан айтиладиган оят. Бисмиллоҳ Қуръонда 114 сурадан 113 тасининг бошланишида ишлатилган (фақат 9-сурада йўқ). Бу оят худо бандаларига раҳмли (раҳим), меҳрибон (раҳмон), мусулмоннинг ҳар бир ҳаракати Аллоҳ номи билан бошланиши лозимлигини билдиради. Пайғамбар (сав) ўз ҳадисларидан бирида: "Этиборли ҳар бир иш "Бисмиллоҳ" билан бошланмас экан, унинг охири кесикдир" деганлар. Яъни унинг баракаси бўлмайди, охирига етмайди, деганидир. Қуръон тиловатида Бисмиллоҳ олдидан "Абузу биллоҳи минашшайтонир рожим" ("Шайтоннинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ тилайман") ҳам кўшиб айтилади. Буни ҳар қандай иш ва хатти-ҳаракат олдидан шайтонни ҳайдаш ва унинг васвасасидан холи бўлиш мазмунида ҳам талқин этадилар. Бисмиллоҳ мактублар, расмий ҳужжатлар, диний асарлар бошида ҳам ёзилади. Диний манбаларда "басмала" номи билан ҳам юритилади.

БУДДИЗМ (Будда номидан олинган), Буддавийлик - жаҳонда энг кенг тарқалган динлардан бири (христианлик ва ислом дини билан бирга). Милоддан аввалги 6-5-асрларда Ҳиндистонда пайдо бўлган. Марказий Осиё, Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида ва Узоқ Шарқда тарқалган. Ҳозирги кунда Буддизм Шри-Ланка, Мянма (Бирма), Таиланд, Лаос, Камбоджа, Ветнам, Тибет, Бутан ва Япония каби давлатларнинг асосий динидир. Буддизм муайян тарихий даврларда Хитой, Ҳиндистон, Корея ва Индонезияда, деярли бутун Осиё халқлари, яъни жаҳоннинг салкам 2/3 қисми аҳолиси маънавий кадриятларига жуда катта таъсир кўрсатган. Ривоятларга кўра, Буддизмга Сиддхартха Гаутама (Будда) асос солган. Буддизмда 2 асосий йўналиш мавжуд: хинаяна ва махаяна. Кейингиси жуда кўп секта ва оқимларга бўлинади. Бошқа динлардан фаркли равишда Буддизмда ҳеч бир ўзгармас нарса йўқ ҳатто худо ҳам ўзгарувчан, деб уқтирилади. Фақат он ёки лаҳзалар силсиласи мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири йўқолиб, кейингисига ўрин

беради. Буддизм таълимотига кўра, инсон доимо азобуқубатга маҳкум ва бунга унинг ўзи сабаб бўлади. Зеро у, гарчанд бефойда бўлсада, ўз ҳаёти ва фаровон турмушини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Азоб-уқубатдан қутулиш учун кўнгил хуш кўрган барча нарсалардан ўзини тийиши даркор. Мунтазам равишда ёлғондан, ўғрилиқдан, бошқага зарар етказишдан, зинодан ўзини тийиш ҳамда медитатсия (олий ҳақиқатга етишишга қаратиш) "бодхи", яъни "хотиржамлик"ка ва охир-оқибатда нирванага (азоб-уқубатнинг тугашига) олиб келади. Нирванага етишиш учун талаб қилинадиган ахлоқий баркамоллик бир эмас, бир неча ҳаётни тақозо этиши мумкин. Буддизм заминида 3 нарса - Будда, Дхарма ва Сангхага эътиқод ётади. Будда (Сиддхартха Гаутама) олий ҳақиқатга етишишнинг ёрқин тимсоли. Дхарма - Гаутама қолдирган таълимот. Бу таълимотнинг энг қисқа баёни "тўрт олий ҳақиқат"дан иборат: 1) азоб-уқубат мавжуд; 2) азоб-уқубатнинг сабаби (истак) мавжуд; 3) азоб-уқубатнинг тугаши (нирвана) мавжуд; 4) азоб-уқубатнинг тугашига олиб келувчи саккиз босқичли йўл мавжуд. Сангха - Будда асос солган ва ҳозиргача фаолият кўрсатиб келаётган роҳиблар жамоаси. Тор маънода бу - ўтган асрларда "олий ҳақиқат"га етишган кўплаб авлиёлардир. Сангха жамоасига қабул этилган шахс қуйидаги 10 фарзни адо этишга қасамёд қилади: 1) ҳеч ким ёки ҳеч нарсани ҳаётдан жудо қилмаслик; 2) ёлғон сўзламаслик; 3) ўғрилиқ қилмаслик; 4) жинсий алоқага кирмаслик; 5) маст қилувчи ичимлик ичмаслик; 6) куннинг иккинчи ярмидан то эртанги саҳаргача овқат тановул қилмаслик; 7) уч кийимдан ортиқ ҳеч нарса билан танани безамаслик; 8) оммавий кўнгил-хушликларда иштирок этмаслик ва томошабин сифатида қатнашмаслик; 9) баланд ва юмшоқ ўринда ётмаслик; 10) пул ишлатмаслик. Роҳиблар жамоаси асосан тхеравада Буддизмга хосдир. Махаянада "ҳақиқат йўли" ҳар ким учун очиқ: роҳибларга ҳам, дунёвий кишилар (яъни оддий қавм)га ҳам; Буддага эътиқод қилинса, бас. Кенгрок караганда, Сангха -муқаддаслик ва қудрат хазинаси. Қисқаси, Буддизм - Буддага эргашиб, Дхарма талабларини бажариш ва Сангха жамоасининг аъзоси бўлиб қолишдир. Буддизм тарихи 2500 йилдан ортиқ даврни ўз ичига олади. Унга дастлаб брахманизм ва жайнизмнинг таъсири кучли бўлган. Император Ашока (милоддан аввалги 3-аср) даврида Буддизм кучли мустақил дин сифатида шаклланди. 9-аср муваффақиятли фаолият кўрсатган Буддизм Ҳиндистонда инқирозга юз тута бошлади ва пировардида бу ерда унинг ўрнини ҳиндуизм тўлиқ эгаллади. Аммо Буддизм Шри-Ланка, Жануби-шарқий Осиё ва Марказий Осиё орқали Хитой, Корея, Япония ва Тибетга ёйилиб улгурган эди. Шри-Ланка ва Жануби-шарқий Осиёнинг материк қисмида тхеравада Буддизм (қадимги анъаналарга содиқлик), Хитой, Корея, Япония ва Тибетда эса, махаяна (янгича ёндашувлар) тарқалди. 15-асрда Осиё

китъасида пайдо бўлган европаликлар Буддизм билан танишдилар. Уларнинг баъзилари Буддизмга киргач, Англия, Германия, АҚШда ўз жамоаларини ташкил этдилар. Хитойлик ва япониялик муҳожирлар бу эътиқодни Гавайя ороллари ва АҚШнинг ғарбий соҳилларига олиб келдилар. Ҳозирги пайтда АҚШга кўплаб япон ва тибет роҳиблари ҳамда олимларининг кириб келиши натижасида мамлакат бўйлаб йирик Буддизм жамоалари ташкил топди. Буддизмнинг бир неча халқаро ташкилотлари ҳам мавжуд. Буддизмда кундалик, даврий, махсус ва байрам маросимлари адо этилади. Монастир, бутхона ва хонадонларда эрталабки ва кечки ибодатлар уюштирилади. Одатда 12—13 ёшли ўспирин 20 ёшгача, яъни балоғатга етгунга қадар монастирда роҳибликни ўтайди, лекин тахминан уларнинг учдан бир қисми умрбод шу мақомда қолади. Оддий қавм ёки дунёвий кишиларнинг энг асосий кундалик вазифаси - роҳибларни овқат билан таъминлашдир. Бу билан улар хайрли хизмат қилган бўладилар. 20-асрда жаҳон бўйлаб дунёвий кишиларни ушбу динга жалб этиш одат тусига кирди. Ҳатто Ҳиндистоннинг ўзида ҳам Буддизм дунёвий шаклда қайта тикланмоқда. Японияда дунёвий кишилар "синсюко" (янги динлар) деб аталган оқимларни (Россияда катта шов-шувга сабаб бўлган "Аум синрикё" шулардан) ташкил этмоқдалар. Америкадаги "янги буддизм" жамоалари, асосан, дунёвий кишилардан таркиб топган. Ўзбекистонда битта Буддизм жамоаси расмий равишда фаолият кўрсатади.

БУРОҚ (араб. "ярқироқ", "барқ" сўзидан) -ислом ривоятларида жуда тез чопадиган ва учадиган отсимон махлукнинг номи. Қуръони Каримда зикр қилинишича (17:1), Муҳаммад (сав) уни миниб Макка шаҳридан "тунги сайр"да дастлаб Куддусга, сўнгра меърожга чиққанлар. Ривоят қилишларича, Буроқ Муҳаммад (сав)ни Каъба олдига келиб кутиб турган, аввалига у саркашлик қилган, ҳазрат Жаброил мажбур этгандан сўнг бўйсунган. Буроқ бошқа пайғамбарлар, чунончи Иброҳим (ас) ва Довуд(ас) га ҳам хизмат қилган, дейдилар. Буроқ гоҳ от, гоҳо хачир шаклида ифодаланган, оқ рангли, бўйни чўзиқ, кулоқлари узун, оёқларида қаноти бўлган, деб таърифланган

БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ (тўлиқ исми - Абу-л-Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абду-лЖалил ал-Фаргоний ал-Риштоний ал-Марғиноний) (1123. 23. 9, Марғилон - 1197. 29. 10, Самарқанд) - фикҳ олими, ислом ҳуқуқшуноси, имом. Даставвал отаси Абу Бакр ибн Абдулжалил, имом Баҳоуддин Али ибн Муҳаммад Асбижобий кўлида таҳсил кўрди. Риштон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида исломий таълим олиб, ҳанафий мазҳабининг буюк фақиҳи сифатида ном қозонди. Шариат илмини муфтий Нажмиддин Абу Хафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий, Хусомиддин Умар ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Маоз, ас-Сарахсий Абу Умар Усмон ибн Али Пойкандий, Тожиддин Аҳмад ибн ал-

Хусайн ал-Банандинжий, Аҳмад ибн Абу Рашид ал-Бухорий каби машҳур фақиҳлардан, ҳадис илмини Абу Исо ат-Термизий Зиё-уд-дин Абу Муҳаммад Сайъид ибн Асъад, ал Ҳасан ибн ал-Марғиноний сингари алломалардан ўрганди. Бурҳониддин Марғиноний фикҳ бўйича асосий асари ("Фикҳ ўрганишни бошловчилар учун қўлланма")ни ҳанафийлик назариётчиси, шариат асосчиларидан Абул Ҳасан ал-Кудурий (1029 йилда вафот этган) ва Муҳаммад аш-Шайбоний (884 йилда вафот этган) асарларига таяниб ёзган. Бурҳониддин Марғинонийнинг "Бидоёт-ал-мубтадий" ("Қонунни ўрганишга кириш") китоби назарий, асар эди. Ундан амалий жиҳатдан фойдаланиш қийин бўлган. Шу сабабли Бурҳониддин Марғинонийнинг ўзи 8 жилдли шарҳ - "Кифоят ул-Мунтаҳий" ("Яқунловчилар учун тугал таълимот")ни ёзишга қарор қилган. Кейинчалик бу китоби асосида "Китоб ал-Ҳидоя" ("Ҳидоя")ни яратади (1178 йил). Мазкур китоб нафақат Мовароуннаҳрда, балки бутун ислом Шарқида бир неча тилларга таржима этилиб, маълум ва машҳур бўлиб кетди. Ундан асрлар давомида ислом ҳуқуқшунослиги бўйича қўлланма сифатида фойдаланилган. Бурҳониддин Марғиноний яна бир қанча асарлар ёзган: "Нашр ал-мазҳаб" ("Мазҳабнинг тарқалиши"), "Китоб-ат-тажнис вал-Мазид" ("Фуқаролик ҳуқуқини тақсим этиш"), "Китоб ул-фароиз" ("Мерос ҳақида китоб"), "Мазид фи-фуруъ-ул-ҳанафий" ("Ҳанафий мазҳабига қўшимчалар") ва бошқа У ўз асарларида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, мулкчилик турли шакллари (давлат ва хусусий мулкчилик), молиявий фаолият, жиноят ва жазонинг ҳуқуқий асосларини, фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалиёти, қозилик муассасалари таркиби, тартиби ва жиноий ишни кўриш масалаларини батафсил ёритиб берди. Бурҳониддин Марғинонийнинг илмий мероси ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жаҳондаги кўп олий ўқув юртларида мусулмон ҳуқуқшунослиги фани Бурҳониддин Марғинонийнинг фикҳ таълимоти асосида ўрганилади. 1997 йил декабрда Ўзбекистонда Бурҳониддин Марғиноний вафотининг 800 йиллиги нишонланди. Бурҳониддин Марғиноний Самарқанддаги Чокардиза қабристонида дафн этилган.

БУТ (форсча), санам (арабча), бутпарастлик - худони тасвирлайдиган ва унинг тимсоли деб сиғиниладиган моддий буюм (кўпинча худоларнинг тош, ёғоч, сопол ва бошқа нарсалардан ясалган ҳайкалчалари, расмлари, тасвирлари ва бошқалар). Ислом дини шаклланишидан олдин Арабистон ярим оролидаги қабилаларда бутпарастлик расм бўлган, яъни ҳар бир қабилга ўз худосига, уни ифодаловчи бутга топинган. Бундай бутлар Маккадаги диний ибодатхона - Каъбада 300 дан ортиқ эди. Ислом дини шаклланиб, яқка худога сиғиниш пайдо бўлгандан сўнг бутлар Каъбадан чиқариб ташланди. Христианлик, буддизм каби динларда ҳам бут (масалан, христианликда икона, крест(хоч)га,

буддизмда кичкина ҳайкалчаларга сиғиниш) сақланиб қолган. Кўпхудоликка эътиқод қиладиган қабилаларда, хусусан, Африкадаги айрим қабилаларда бутга сиғиниш ҳали ҳам бор.

БУХОРИЙ, Имом ал-Бухорий (асл исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий) (810.21.7, Бухоро — 870.31.9, Самарканд яқинидаги Хартанг қишлоғи) - ислом оламининг йирик мутафаккири, буюк муҳаддис. Муҳаддислар имоми, ҳадис илмининг султони деб ҳам юритилади. Отаси Исмоил ўз даврининг етук муҳаддислардан, имом Молик ибн Анаснинг шогирдларидан бири бўлиб, тижорат ишлари билан шуғулланган. Онаси тақводор, диёнатли, оқила аёл эди. Отаси вафот этгач, унинг тарбияси волидаси зиммасига тушган. У 5-6 ёшидан исломий илмларни, Муҳаммад (сав)нинг ҳадисларини ўрганишга ва ёдлашга киришади. Таникли муҳаддислар – ал-Доҳилий, Муҳаммад ибн Салом ал-Бейкандий, Муҳаммад ибн Юсуф ал Бейкандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий ва бошқалардан сабоқ олган. Азалдан муҳаддислар сафарга чиқишдан олдин ўз юртидаги ровийлардан бирорта ҳам ҳадис қолдирмасдан ёзиб олган бўлиши ва шундан кейингана бошқа шаҳар ёки мамлакатга сафарга отланиши мумкин эди. Бурхониддин 16 ёшга етгунча, ўз юртидага машойихлардан ҳадис эшитиб, ёзиб олиб, халифаликнинг турли вилоятлари томон йўл олади. 825 йил Бурхониддин онаси ва акаси Аҳмад билан Маккага келиб, ҳаж ибодатини адо этади. Онаси ва акасини Бухорога қайтариб, ўзи Маккада қолади. Бу ерда фаолият кўрсатаётган машойихларнинг илмий йиғинида қатнашади. 827 й. Мадинага боради. Мадинадаги машхур уламолардан Иброҳим ибн ал-Мунзир, Мутриф ибн Абдуллоҳ, Иброҳим ибн Ҳамза ва бошқалар билан мулоқотда бўлиб, улардан ҳадислар бўйича сабоқ олади. Бу вақтда Расулуллоҳнинг саҳобалари, саҳобаларнинг издошлари турли мамлакатга тарқаб кетган эдилар. Шундай шароитда Муҳаммад(ас)нинг ҳадисларини тўплаш турли шаҳар ва мамлакатларга боришни тақозо қилар эди. Бир неча тарихчиларнинг таъкидлашича, Бурхониддин Ҳижоз, Макка, Мадина, Тоиф, Жиддага қилган рихлати 6 йил давом этган. Сўнг Басра, Куфа ва Бағдодга сафар қилади. Шом ва Мисрга ўтади. Бундан ташқари Хуросон, Марв, Балх, Хирот, Нишопур, Рай, Жибол каби шаҳарларда бўлиб, бу шаҳарлардаги олимлардан сабоқ олди ва ҳадислар тўплади. Хорижий юртлардаги сафардан кейин Бухорога қайтгач, ҳадис илмини тарғиб этишга киришади. Ул зотнинг бу саъю кўшишлари бу вақтда Бухорода ҳукмдорлик қилган Холид ибн Аҳмад аз-Зухлийга хуш келмайди. Шу сабабли Бурхониддин Бухорони тарк этиб, Пойкендга, кейин эса, Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғига келиб яшашга мажбур бўлади. Бурхониддин бутун фаолияти давомида илм кишиларини маънавий ва моддий жиҳатдан кўллаб-қувватлаган. Тижорат қилганда топган ойлик даромадидан

беш юз дирҳамдан фақиру мискин ва талабаларга сарфлаган. Шахсий ҳаётида ортиқча дабдаба ва сарф-харажатларга йўл қўймаган. Бурхониддин умр бўйи ҳадисларни тўплаш ва тизимга солиш билан шуғулланган, уларни саҳиҳ (тўғри, ишончли) ва ғайри саҳиҳ (хато, заиф)га ажратган. Бу ишни ҳадис ровийларининг маиший ҳаётлари, яшаш жойлари, туғилган ва вафот этган саналари, бир-бирлари билан қилган ўзаро мулоқотларини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда олиб борган. Бурхониддин жами 600 мингга яқин ҳадис тўплаган бўлиб, шундан 100 минг "саҳиҳ" ва 200 минг "ғайри саҳиҳ" ҳадисни ёддан билган. Бурхониддин ўзининг ноёб қобиляти, иқтидори, қувваи-хофизасининг ўта кучлилига билан илм аҳллари лол қолдирган. Ҳадис илмига ўта фидойилик, ақл-заковатини бахшида этиш Бурхониддинга шон-шараф келтирди, уни ислом дунёсининг энг буюк алломаларидан бири сифатида танитди. Бурхониддин 20 дан ортиқ китоб тасниф этган. Улардан айримлари бизгача етиб келган. Бурхониддиннинг "Ал-Жомий ас-саҳиҳ" ("Ишончли тўплам") деб номланган 4 жилд (жузь)дан иборат ҳадислар тўплами ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган ҳадис тўпламлари орасида энг ишонарли ва мукаммалдир. Асар бир қанча хорижий тилларга таржима қилинган. Шу жумладан ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб, 1991-96 йилларда 4 жилдда нашр этилди. Бурхониддин яратган "Ал-Адаб ал-муфрад" ("Адаб дурдоналари") асари катта тарбиявий аҳамиятга молик беназир тўпламдир. 1322 ҳадис ва хабар жамланган бу асар Туркия ва Мисрда бир неча марта чоп этилган. Унинг ўзбекча таржимаси 1990 йилда Тошкентда нашр қилинган. Ровийларнинг куняларига бағишланган "Китоб ал-куня" ("Кунялар ҳақида китоб") 1940 йил Ҳиндистонда чоп этилган. Бурхониддиннинг "Ат-Тарих ал-кабийр" ("Катта тарих") китоби эса Туркияда 9 жилдда нашр қилинган. Асар қўлёзмасининг баъзи қисмлари Ҳайдаробод кутубхонасида сақланади. Шунингдек, "Ат-тарих ас-сағийр" ("Кичик тарих") ҳам ҳадис тарихига оид қимматли асар ҳисобланади. У Ҳиндистон ва Қоҳирада чоп этилган. Бурхониддин яратган "Китоб ал-фавоид" ("Фойдали ашёлар ҳақида китоб"), "Ал-Жомей ал-кабийр" ("Катта тўплам"), "Халқ афъол ал-ибод" ("Аллоҳ бандалари ишларининг табиати"), "Ал-Муснад ал-кабийр" ("Катта муснад"), "Ат-тафсир ал-кабийр" ("Катта тафсир"), "Китоб ал-хиба" ("Хайр-еҳсон ҳақида китоб") ва бошқа асарларнинг баъзилари бизгача етиб келмаган, баъзилари жаҳоннинг турли мамлакатлари кутубхоналарида сақланаётганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бурхониддиннинг бошқа асарлари орасида "Тафсир ал-Қуръон" ("Қуръон тафсири") китобини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Бурхониддин асарлари мусулмон дунёсининг барча мадраса ва дорилфунунларида пайғамбар (вас) суннатлари бўйича асосий дарслик, қўлланма ҳисобланади. Давлат ва жамоат арбоблари, олиму уламолар ва дин

пешволари Бурхониддин асарларига таяниб иш тутадилар. Истиклол шарофати билан азалий ва адабий қадриятларимиз қатори Бурхониддиннинг ўлмас мероси эл-юрти бағрига қайтди, халқимиз онгу тафаккурини равшан эта бошлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Буюк муҳаддис имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 (ҳижрий ҳисобда) йиллигини нишонлаш ҳақида"ги қарори (1997 йил 29 апрель) асосида Самарқандда юбилей тўй-тантаналари бўлиб ўтди. Аллома абадий қўним топган Челак туманидаги Хартанг қишлоғида улкан ёдгорлик мажмуи очилди. "Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни" мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Ўзбекистонда Бурхониддин хотираси муносиб тарзда абадийлаштирилган. Тошкент ислом институти (олий маъҳад)га Бурхониддин номи берилган. Бурхониддиннинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб бир неча тилларда китоб альбом, 2 қисмли филм (1995), "Ҳадис илмининг султони" 4 қисмли кино қисса (1998) яратилган

ДАРВИШ, қаландар (форсча - туркча -қашшоқ, камбағал; арабча фақир) - ўзини Аллоҳ йўлида хизмат қилишга бағишлаган ва ўзини ўзи камолотга етиштириш йўлига кирган инсон. "Сўфий" сўзига синоним. Дарвишлик таълимотининг асосини зикр тушиш орқали худо билан "яқинлашиш" ва, ҳатто, у билан "қўшилиб кетиш" мумкин, деган ғоя ташкил қилади. Эрон, Ўрта Осиё, Туркияда дарвиш сўзи тор маънода - шахсий мулки бўлмаган камбағал, дайди зоҳидни (16-аср бошигача -"қаландар" атамасининг синоними) англаган. Дарвишнинг бошланғич маъносини билдирган "камбағал" сўзи сўфийликнинг ихтиёрий камбағаллик, оз нарсага қаноат қилиш ҳақидаги таълимотидан келиб чиққан. Дарвишлар муайян маслак (сулук)ка бирлашган ва унинг ғояларини тарғиб қилган. Дарвишликнинг машҳур сулуклари: нақшбандийлик, яссавийлик, кубровийлик ва бошқа Таълимоти, амалиёти, одати ва кийимларидан қатъи назар, дарвишлар икки гуруҳ - дайди, доимо дарбадарлик қилиб юрувчиларга ва шайх, пирлар раҳбарлигида муқим яшовчиларга бўлинган. Дарвишларнинг биринчи гуруҳи эрта баҳорда дунё бўйлаб сафарга отланганлар. Шунинг учун уларни "дарбадар", эшикма-эшик юрувчи деб ҳам атайди. Иккинчи гуруҳи ҳунармандлар, савдогарлар, турли даражадаги амалдорлар ва бошқалардан иборат бўлиб, уйда яшаб, ўз ишлари билан шуғулланган. Улар ҳар кунги ибодатни бажарган, ҳафта ёки ойнинг аниқ белгиланган куни умумий зикр тушишга қатнашганлар. Инқилобдан олдин Ўрта Осиёда ҳам дарвишлик кенг ёйилган, дарвишларнинг фаолияти билан боғлиқ қаландархоналар ва хонақоҳлар мавжуд бўлган. Дарвишлик сулукларининг таъсири Покистон, Ҳиндистон, Индонезия, Эрон ва Африканинг айрим мамлакатларида ҳозир ҳам мавжуд.

ДАХРИЙЛИК (арабча даҳр - вақт, тақдир, фалак) - ислом пайдо бўлмасдан илгари араб жамиятида кенг тарқалган ақида. "Ўлим", "тақдир", "ажалнинг етиши" маъноларини англаган. Бу ақидага кўра, инсоннинг тақдири олдиндан белгилаб қўйилган, у эркин ирода ёки ихтиёр эгаси эмас, пешонасига "ёзилган" нарса албатта содир бўлади ва ундан қутулишнинг илоҳи йўқ. Жоҳилия арабларида нариги дунё борлигига, бу дунёда заҳмат чекканга у дунёда ажр, гуноҳ ишлар қилганларга азоб берилишига ишонч йўқ эди. Борлиқнинг эгаси, олий ҳокими сифатида муайян бир худо эмас, қандайдир "даҳр", тақдири фалак, инсон иродаси билан ҳисоблашмайдиган ва ундан юқори турадиган тасодифий ўзгаришлар жараёни тасаввур қилинарди. Уларнинг эътиқодича, ўлимдан сўнг ҳамма нарса тугайди, шунинг учун бугунги кун билан яшаб қолиш керак. Бундай ҳиссиёт Қуръонда қуйидаги сўзлар билан ифодаланган: "Улар дейдилар: фақат битта - бу дунёдаги ҳаётимиз бор - яшаймиз ва ўламиз; бизни даҳр (вақт, тақдир) ҳалок қилади" ("Жосия" сураси, 24-оят). Кейинчалик, ислом адабиётида "даҳрий" сўзи "мўмин" сўзининг зидди сифатида ишлатила бошланди. 19-асрда даҳрий атамаси "материалист" (моддиюн) тушунчасининг истилоҳи синоними сифатида қўлланилган. Ўрта асрларда бир қанча олим, мутафаккир ва шоирлар (масалан, Мансур ал-Ҳаллож) даҳрийликда айбланиб, шафқатсиз жазоланган. Ҳозир ҳам мусулмон дунёсида даҳрийлик қораланади. Даҳрийлик ва атеизм бир маънони англамас-да, шўролар даврида уларни синоним сўз сифатида ишлатиш расм бўлиб қолган эди.

ДИН (арабча - мулк, ҳукм, ҳисоб, жазо, тадбир, бўйсунуш, итоат қилиш, ибодат, парҳез, йўл тутиш, одат қилиш, эътиқод қилиш ва бошқалар). Араб тилида "Дин" сўзи жуда кенг маънода ишлатилади. Қуръонда ҳам "Дин" турли маъноларда 100 дан ортиқ мартаба ишлатилган. Ана ўша маъноларнинг ҳаммаси ҳам урфдаги "Дин"да ҳам ўз аксини топган. Динда Аллоҳнинг мулки, ҳукми, қиёматдаги ҳисоб-китоби, осийларни жазолаши, тадбир қилиш бор. Шунингдек, динда банданинг бўйсунуши, итоат қилиши, ибодати, парҳезкорлиги, Аллоҳ кўрсатган йўлни тутиши, маълум ишларни одат ва эътиқод қилиши каби маънолар бор. Бундан дин Аллоҳ билан банд орасида бўлиши керак алоқаларнинг тўплами эканлиги келиб чиқади. Мусулмон уламолар мазкур маъноларни эътиборга олган ҳолда динни "Соғлом ақл эгаларини уларнинг ўз ихтиёрларига биноан бу дунёда салоҳиятга, у дунёда нажотга элтувчи илоҳий кўрсатмалар" деб таърифлаганлар. Дин ақида, шариат ва тариқат бобидаги илоҳий кўрсатмаларнинг тўпламидир. Ақида мусулмон киши имон келтириб ишонмоғи лозим бўлган нарсаларни ўз ичига олади. Мисол учун Аллоҳга, илоҳий китобларга, пайғамбарларга, фаришталарга, қиёмат кунига, яхши ёмон қадар Аллоҳдан эканлигига ишониш ва бошқалар.

Шариат диннинг амалий қисмидир. У ибодат, муомалот ва ҳудудга бўлинади. Ибодатга намоз, рўза, закот, ҳаж каби нарсалар киради. Муомалотга инсонлар орасида бўладиган савдо-сотик, касб-хунар, деҳқончилик каби ҳаётий алоқалар ва ишлар киради. Ҳудудда эса, юқоридаги масалаларда хатога йўл қўйиб жиноят қилганларга белгиланган жазо чоралари ҳақида сўз кетади. Тариқат эса, руҳий ва ахлоқий тарбияни ўз ичига олгандир. Ана ўшаларнинг ҳаммасининг мажмуаси дин деб аталади. Имом ал-Бухорий ҳадисларида келтирилган динга берилган таъриф кенг тарқалган. Унга кўра дин - имон, ислом, эҳсон йиғиндисидан иборат. Дин тушунчасини шарҳлашда бу учликни сақлаб қолган ҳолда ҳанафийлар имоннинг аҳамиятига урғу берадилар, ашъарийлар - диний кўрсатмаларга риоя этиш (ал-ислом) муҳимлигани, ханбалийлар, кейинчалик Ибн Таймия - "ҳақиқий анъана", соф йўлни Қуръон ва суннатга амал қилиш аҳамиятини айтадилар. Аллоҳ ўзи яратган инсоннинг табиатини билганидан ва унинг ўзи яратган бу дунёда қандоқ яшаб ўтиши учун энг яхши йўлни кўрсатиб, унга динларни юбориб турган. Инсон жамияти содда бўлган даврда Аллоҳ дин ҳукмларини ҳам содда қилган. У инсониятни аста секин тарбиялаб ўстира бориб илоҳий динни ҳам мукаммаллаштирган. Бир диннинг вазифаси битгандан кейин унинг ҳукмини бекор қилиб, ўрнига ҳукмлари мукаммалроқ бўлган кейинги динни юборган. Ҳар бир илоҳий динни ундан кейинги келган илоҳий дин амалдан қолдирган. Инсоният камолига етганда Аллоҳ ислом динини охирги, мукаммал ва боқий дин қилиб юборган. Дин илоҳий-самовийга ва сохта-қалбакига бўлинади. Аллоҳ томонидан инсонлар ичидан пайғамбар танлаб олиб, у орқали диний таълимотлар етказилган бўлса, илоҳий дин бўлади. Ҳозирги кунда яҳудийлик, насронийлик ва ислом илоҳий динлар ҳисобланади. Қолган динлар сохта-қалбаки динлардир. Уларни турли одамлар ўзлари тўқиганлар ва обрў эътиборини ошириш учун ўз таълимотларига илоҳийлик нисбатини берганлар. Гоҳида таълимот эгасининг ўзи ўз таълимотларининг илоҳий эканлигани даъво қилмаган бўлса ҳам, ундан кейинги келган шогирдлари бу даъвони қилган бўладилар. Кенг маънода дин "маънавий олам", "маънавият" сифатида "моддий олам" - дунёга қарама-қарши қўйилган. Бироқ бу ҳолат уларнинг ўзаро бир-бирларидан ажралганликларини англамаган. Бу тушунчалар диалектикаси, уларнинг алоқадорлик ва қарама-қаршилиқ даражаси, уларнинг ҳар бирини фаолияти доираси азалдан диний ва ижтимоий мунозаранинг муҳим белгиси бўлиб келган. Шахсий исмлар (масалан, Салоҳад Дин, Фахр ад-Дин), шунингдек, илоҳиётга доир адабиётларда дин сўзи кўпинча "Ал-Ислом"га синоним сифатида қўлланилади.

ДИНИЙ ТАШКИЛОТ — диний эҳтиёжларни биргаликда қондириш ёки қондиришга кўмаклашиш мақсадида тузиладиган ва диний маросимларни

адо этиш асосида иш кўрадиган ихтиёрий, тенг ҳуқуқли ва ўз-ўзини бошқарувчи уюшма. Айни вақтда фуқароларнинг виждон эркинлигини кафолатловчи тузилмалардан бири ҳисобланади. Диний ташкилотларнинг энг муҳим белгиси уларнинг ўз-ўзини бошқаришидир, яъни, улар маъмурий жиҳатдан давлат идораларидан ажратилган. Диний ташкилотларнинг фаолияти қонунларга зид келмаса, давлат уларнинг ички ақидавий ишларига аралашмайди. Улар ўз устав (низом)ларига мувофиқ ташкил топиш ва иш юритиш, ходимларни танлаш, тайинлаш ва алмаштириш ҳуқуқига эгадир. "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Қонунида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русмлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар ва бошқалар) Диний ташкилотлар деб эътироф этилади. Тегишли устав (низом) асосида фаолият юритувчи республика диний уюшмалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади. Вилоят, туман ва шаҳар, шаҳарча ва қишлоқ ҳудудида бўлган диний ташкилотлар тегашли вилоятлар, шунингдек, Тошкент шаҳри ҳокимияти адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади. Диний ташкилот рўйхатга олингандан сўнг у юридик шахс деб тан олинади. Диний ташкилотлар тасарруфида бинолар (масжидлар), транспорт воситалари, пул ва бошқа мулклар бўлиши мумкин. Диний ташкилотларнинг мулкӣ ҳуқуқи қонун томонидан ҳимоя қилинади.

ДОВУД (ас) - Қуръонда номи зикр қилинган "Бани Исроил" қавмидан чиққан пайғамбарлардан бири. Аллоҳ Довуд (ас)га пайғамбарлик билан бирга подшоҳликни ҳам берган. Довуд (ас)га Аллоҳ Забур китобини туширган. Забурни аҳди китоблар ал-Мазомир деб атайдилар. Бу китоб, асосан, диний шеърлар, Аллоҳни улуғлайдиган байтлар, Аллоҳнинг савоб ва иқоблари васфини ўз ичига олган. Довуд(ас)нинг исмлари Қуръонда ўн олти ўринда зикр қилинган, унда Довуд(ас) ҳақида гоҳида мухтасар ва гоҳида мукаммалроқ тарзда маълумот берилган бўлиб, булар бир-бирини тўлдиради. Довуд(ас) Толут (Шовл) аскарлари сафида хизмат қилиб юрган чоғларидаёқ, душманлар саркардаси Жолут (Жулиёт)га қарши яккама-якка муборазага чиқиб, ғолиб бўлганлар ва халқ орасида ном қозонганлар. Довуд(ас)нинг ҳаёт кечириш тарзлари ҳам ўзгача эди. Кунларни тўрт қисмга бўлиб қўйгандилар. Бир кунни фақат ибодат билан ўтказардилар. Бир кунни халқ орасида юриб, шунга қарата ҳукм чиқарар эдилар. Бир кунни халққа ваъзу иршод этиш билан яна бир кунни ўзларининг шахсий ишлари билан ўтказардилар. Аллоҳ Довуд(ас)га бир неча мўжизалар инъом этган эди, шулардан энг асосийси темирларни ўтда қиздириб, болғада уриб ўтирмай ундан ҳар хил нарсалар ясашлик қобилиятига

эга эдилар. Темир Довуд(ас)нинг қўлларида гўё шамдек енгил ва осон тарзда ҳар хил шаклга кирарди. Бу борада Қуръонда Сабаъ сураси 10-11 оят ва Анбиё сураси 80-оятда баён қилинган. Қуръонда Довуд(ас) ниҳоятда Аллоҳга ихлосли, ҳар доим зикру ибодатда бўлганликлари бир неча оятларда мадҳ этилган. Довуд(ас) шундай хушовоз эдиларки, тасбеҳ айтиб Аллоҳга муножот қилганларида, тоғлару қушлар ул зотга қўшилиб тасбеҳ айтишарди. Лекин буни Довуд(ас)дан бошқа одамлар сезмас эдилар. Шунингдек, Аллоҳ Довуд(ас)га мукамал илм, даъволашувчи томонлар орасида одилона ҳукм қилиш қобилиятларини ато этганди. Бу ҳақда Сод сурасининг 17-19-оятлари нозил бўлган. Довуд(ас) вафотларидан сўнг, барча мулк ва пайғамбарлик ўғиллари Сулаймон (ас)га мерос бўлиб қолди.

ДОР ул-БАҚО (араб. боқийлик уйи) - ислом динида абадийлик дунёси, охират (нариги дунё) ҳақидаги тушунча. Бунга кўра, у жойда ўлим йўқ, доимий ёшлик ҳукм суради, ноз-неъматлар завоқ топмайди, таомлар ўз-ўзидан ҳазм бўлади, чиқиндилар бўлмайди. Қуръонда охиратнинг абадийлигига далолат қилувчи оятлар бор.

ДОР ул-ФАНО (араб. фонийлик уйи) - ислом динида инсон яшаётган дунё (бу дунё) "фоний" (ўткинчи) эканлигани билдирувчи тушунча. Унга кўра, бу дунё яхши ва эзгу амаллар, савоб ишлар қиладиган жой; Дор-ул фанода дор ул бақо учун тайёргарлик кўрилади. Дор ул-фано ғояси тасаввуфда ривож топган, бу дунёга бефарқ қараш, дунё лаззатларидан воз кечиш айрим тасаввуф арбобларига хос амаллардан ҳисобланади. Бу дунёни Дор-ул фано деб аташ 9-10-асрларда айниқса, маломатийлар тариқатида кенг расм бўлган.

ДУО (арабча - илтижо, чақириш, сўраш) - Қуръон сура ва оятларидан ўқиб, сўнгра Аллоҳ таолодан ўзи ёки бошқалар учун тилак тилаш, илтижо қилиш. Дуо икки турли бўлади. Биринчиси "маъсура", яъни матни Қуръон, ҳадис ёки бошқа диний манбаларда аниқ белгилаб қўйилган дуолар, уларни бузмай, қўшмай, қандай кўрсатилган бўлса, ўша тарзда ўқийдилар. Иккинчиси "мухтараа", яъни дуо матнини ўзи тўқиб, эркин ҳолатда илтижо қилиш. Ислом дини Аллоҳдан бошқадан мадад сўрашликни ман этади Инсоннинг кўлидан келадиган ёрдамни инсондан сўраш мумкин. Ислом ақидаси бўйича, фарзат ато этиш, шифо бериш, бало-қазодан асраш инсоф-тавфиқ каби ҳожатлар фақат Аллоҳнинг ўзидан сўралади. Ундан бошқадан сўрашлик ширк ва куфр саналади. Дуонинг "маъсураъ турлари бир неча шаклда таъриф этилиб бизнинг давримизгача етиб келган. Дуони қайси тилда қилишнинг аҳамияти йўқ. Лекин ислом дини ақидаси бўйича, агар талаффузини ўрнига қўя олса ва мазмунидан огоҳ бўлса, дуони араб тилида ўқиш афзалдир. Кўпинча дин билан бир нарсани талаб қилиш маънолари бир-бирига аралашиб кетади. Шунинг учун талаб нимаю дин нима эканини аниқ билиб олиш алоҳида маъно касб

этади. Талаб - сўровчи нутқ қиладиган лафзнинг васфидир. Менга тилаган нарсамни берган, каби. Дуо эса сўровчида пайдо бўладиган нафсий ҳолатдир. Мазкур нафсий ҳолат икки нарса билан: қалб ва ҳисларнинг уйғоқлиги ҳамда уларнинг ҳар бирининг синиқлик ва хокисорлик ила Аллоҳ таолога юзланиши билан ва яна дуо қилувчининг Аллоҳ таолодан сидқидилдан ўзи қилган гуноҳларга тавба қилишни бошлаши билан бўлади. Дуо қилаётган пайтда қалб ва ҳисларнинг уйғоқлиги ҳамда уларнинг ҳар бирининг синиқлик ва хокисорлик ила Аллоҳ таолога юзланиши бўлмаса одатга кўра, икки кўлни кўтариб тилга келган талаб сўзларини такрорлаётган бўлади. Бундоқ вақтларда қалб ғофил бўлиши, тилда бир гап, хаёлда бошқа гап бўлиши ҳам мумкин. Албатта, бу ҳолатни дуо деб бўлмайди. Бас, шундоқ экан, бу ишни қилаётган одамни фалончи Аллоҳ таолодан сўрамоқда дейишимиз мумкин, аммо фалончи Аллоҳ таолога дуо қилмоқда дея олмаймиз. Дуо талаб қилинган нарсага эришишни тақозо қилувчи сабабдир. Сабабнинг эса, шартлари ва ман қилувчилари бор. Қачон шартлар ҳосил бўлиб, ман қилувчилар йўқ бўлса, талаб қилинган нарсага эришилади. Агар ундоқ бўлмаса, эришилмайди. Балки, гоҳида бошқаси, дуо қилувчи учун хайрлироғи ҳосил бўлиши мумкин. Аллоҳ таоло дуоларни ижобат ва ҳожатларни раво қилади.

ДЎЗАХ (форсча; арабча - нор, жаҳаннам, жаҳим, сақар; ўзбекча - тамуғ) - дин талабларини бажармаган гуноҳкорлар охиратда жазоланадиган жой. Ислом динидаги асосий тушунчалардан бири. Қуръонда дўзах ҳақида бир неча ўринда таъкидлаб ўтилган (6:128; 11:106, 107). Дўзахни Аллоҳ кофирларга ва гуноҳкор бандаларга жазо бериш учун яратган. Диний тасаввурга кўра, дўзах даҳшатли чуқурлик, ичида олов ёниб туради. Дўзахга маҳкум қилинган бандалар шу оловга ташланади, улар қайноқ сув ичади, у ерда ўсадиган заққум дарахтининг (шайтон бошига ўхшаган) меваси билан овқатланади, чексиз азоб чекади, терилари куяди. Қуръонда таъкидланишича, "қачонки терилари куйиб битиши билан ҳақиқий азобни тотиб кўришлари учун ўрнига бошқа териларни алмаштирамиз" (4:56). Дўзах азобларидан яна бири - ачиштирувчи совуқдир. Дўзах бир неча табақадан иборат бўлиб, ҳар бир гуноҳкор ўз гуноҳига қараб табақаларда азобланади. Ислом динига кўра, Дўзахнинг етти дарвозаси бор: 1. Ҳовия. 2. Жаҳим. 3. Сақар. 4. Лазо. 5. Хутама. 6. Саир. 7. Жаҳаннам.

ЭЪТИҚОД - Аллоҳнинг каломи ҳақиқий эканлигига астойдил ишониш, имоннинг 3 унсурларидан бири. Эътиқоднинг синоними сифатида турли ақидавий мактаблар тасдиқ, ақида, ақд терминларини ишлатганлар. Мазмуни жиҳатдан эътиқодга энг яқин турадигани тасдиқ (қалб) бўлиб, Аллоҳ ва Унинг Қуръон орқали етказган сўзлари ҳақиқий эканини чин қалбдан эътироф этишдир. Улар ўртасидага фарқ атиги шундаки, тасдиқ Аллоҳнинг сўзлари

хақиқий ва ишончли эканлигани ички мулоҳаза билан англаш, эътиқод бўлса мана шунга қўшилиш, унга қалбдан имон келтиришдир.

ЭҲРОМ (араб. - чегараланиш, ибодат ҳолатига ўтиш) - 1) мусулмонларнинг катта ва кичик ҳаж қилиш (ҳаж ва умра) вақтидаги алоҳида кийими. Эҳром - ҳажни дили билан ният қилиш, ҳаромдан муҳофазаланиш дегани, эҳромдаги киши "муҳрим" деб аталади. Муҳрим одобдан ташқари сўз сўзлаш, хотини билан яқинлик қилиш, гуноҳ ишларга қўл уриш, бир-бири билан қичқиршиб ғижиллашишдан сақланиши лозим. Муҳрим киши қурук ерлардаги ҳайвонни ўлдирмайди, тикилган либос киймайди, оёғига маҳси, этик, пайпоқ киймайди, юзини, бошини бирор нарса билан тўсмайди, хушбўй нарса суртмайди, тирноқ, соч, мўйларини олмайди. Агар бу қоидалардан бирортасини бузса, ҳайвон сўйиб ёки садақа қилиб каффорат тўлайди. 2) Эҳром ҳолатига кирганлар танага ўрайдиган мато. Эҳром 2 бўлак (изор ва ридо) бўлиб, бири билан чап елкани, 2-си билан белдан пастни ўралади. Ҳожилар ҳаж кунларида муқаддас жой (Маккадаги Каъба)га кириш учун эҳромга ўралади. Эҳром ҳаж ибодатини кўрсатилган тартибда мукамал бажаргандан сўнг ечилади.

ФАРЗ (арабча - қатъият, мажбурият) - шариатда ҳамма мусулмонлар бажариши қатъий буюрилган амаллар. Фарз икки тур - "фарзи айн" ва "фарзи кифоя"га бўлинади. Биринчи тури барча мусулмонларга баб-баробар буюрилган бўлиб, уларнинг адади 40 атрофида, масалан, намозда 12 та, шундан олтитаси намоздан ташқарида, олтитаси намознинг ичида, таҳоратда 4, таяммумда 4, ғуслда 3, рўзада 3, таом ейишда 4 "фарзи айн" бор (1) Ҳалол бўлиш; 2) Зарурий микдорда ейиш; 3) Таом қувватини яхши ишларга сарфлаш; 4) Таом берувчига (Аллоҳга) шукр айтиш). Амри маъруф, наҳий мункар, илм олиш ҳам "фарзи айн"га киради. "Фарзи кифоя" эса, бир қисм мусулмонлар бажарса қолганлар зиммасидан соқит бўладиган ишлар. Масалан, жаноза намози, кафанлаш, мурдани ювиш, дафн этиш кабилар. Фарзнинг бу турига кирувчи ишларни ҳеч бир мусулмон бажармаса, ҳамма мусулмонлар гуноҳкор бўладилар.

ФАРИШТА (форсча, араб. малак - малоика) - ислом эътиқодига кўра, худонинг амрини бажарувчи мавжудотлар. Фаришталар сон-саноксиз бўлиб, ҳар бири маълум вазифани бажаради. Масалан, исломда ҳар бир одамнинг савоб ва гуноҳ ишларини ҳисобга олиб юрувчи Фаришталар, жаннат ва дўзахда дарвозабонлик қилувчи, одамларни қабрда сўроқ қилувчи (Мункар ва Накир), Аллоҳ тахтини осмонда кўтариб турувчи ва бошқа хизматларни бажарувчи фаришталар мавжуд деб қаралади. Бу фаришталардан 4 таси: Азроил, Жаброил, Микоил, Исрофил бош фаришталар ҳисобланади. Фаришталарга эътиқод қилиш суннийлик ақддаларидан биридир.

ФАТВО (арабча - тушунтириш, изоҳ, ҳукм, қарор) - исломда муфти ёки уламолар кенгаши томонидан диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларда бериладиган қарор, ҳукм ёки изоҳ. Ислоннинг дастлабки даврида Муҳаммад (сав) сафдошлари, айниқса, дастлабки тўрт халифа (чорёрлар)нинг турли ҳуқуқий масалалар юзасидан берган изоҳлари, шунингдек, уларнинг фикҳга доир чиқарган қарорлари фатво деб айтилган. Фатво барча диний ҳуқуқий мазҳаб асосчилари томонидан фикҳга оид қўшимча манба сифатида қаралган. Ҳуқуқий масалаларда берилган фатво диний жамоалар, муассасалар ва мусулмонлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Фатво Қуръон, ҳадислар ва шариатга ёки илгари берилган фатволарга асосланиб чиқарилади.

ФАҚИР - камбағал, моддий ёки маънавий жиҳатдан муҳтож одам. Камбағал (фуқаро)га, яъни ижтимоий жиҳатдан ночор одамларга ғамхўрлик қилиш зарурлиги Қуръони каримда, сунна ва панднома асарларида алоҳида таъкидланади. Зоҳидлик ва сўфийлик "камбағаллик" ("фақр", "фуқр")ни кенг тарғиб қилган. "Фақир" дейилганда "дарвиш" ва "сўфий"лар тушунилан. Шоирлар, муаллифлар, хаттотлар ҳам ўзларини камтарлик билан фақир деб аташган.

ФИРЪАВН - Қадимги Миср подшоларининг номи. Фиръавнларнинг 31 сулоласи маълум. Охирги фиръавн македониялик Искандар (милоддан аввалги 356-323) Мисрни босиб олган пайтда ҳукм сурган. Қуръонда тилга олинган фиръавн ўзини худо деб эълон қилган золим подшоҳни ифодаловчи умумлашма ном. Аллоҳ унинг хузурига Мусо (ас)ни юборади. Аммо фиръавн унга имон келтирмайди; аксинча, ўз қудратини намойиш қилиш учун амалдори Ҳомонга "осмонўпар" минора қуришни буюради. Диндорларни, айниқса, яҳудийларни таъқиб қилади. Мусо (ас) ўз қавми билан Мисрдан чиқиб кетишга аҳд қилганда, аскар билан унинг кетидан қувади, лекин денгиз сувлари уни ўз домига тортади. Охирги паллада тавба қилгач, Аллоҳ иродаси билан тўлқинлар фиръавнни қирғоққа олиб чиқади. Мусулмон диний ва бадиий адабиётида фиръавн энг қабиҳ имонсизлик (ўзини худо деб эълон қилиши) ва золимлик тимсоли сифатида гавдаланади.

ФИРҚА (кўплиги фироқ; синонимлари милла, тоифа, синф) - ақоидга доир бир ёки бир неча масала юзасидан махсус фикрга эга бўлган кишиларнинг ташкилий гуруҳи; мактаб, жамоа. Муҳаммад (сав) мусулмонлар жамоаси 73 жамоа (фирқа)га бўлиниб кетади деб башорат қилганлар. Фақиҳдар диний-сиёсий гуруҳдар, илоҳиёт мактаблари, жамоа ва бошқалар ўртасида қатъий чегара қўймай, фирқани мусулмонлар жамоаси бўлинадиган бирликлардан бирини англатувчи истилоҳ маъносида қўллаганлар.

ФИҚҲ ("чукур тушуниш, билиш") -мусулмонларнинг хулқ-атвор қоидалари тўғрисидаги ислом доктринаси (хуқуқшунослик), ислом ижтимоий меъёрлари мажмуаси (кенг маънодаги мусулмон ҳуқуқи). Иккала маънодаги фикҳ ислом дини вужудга келиб, мусулмон давлати - Халифалик қарор топиши билан дарҳол таркиб топган эмас. 8-асрнинг 1-ярмигача умуман халифаликнинг ижтимоий (жумладан юридик меъёрлари тизими ислом қоидалари билан белгиланмас, балки асосан исломдан аввал мавжуд бўлган ва янги тарихий шароитда амал қилиб турган нормалардан иборат эди. Араблар босиб олган ҳудудларда аввалги юридик норма ва урф-одатлар янги дин ақидаларига зид бўлмаса, улар ҳам жиддий ўзгаришларсиз сақланиб қолаверган, чунки, аввал бошда ислом ўзининг ҳуқуқий масалаларига унчалик эътибор билан қарамаган. Бу пайтда халифаликнинг ҳуқуқий тизими Рум (Византия), сосонийлар, талмудчилар ва шарқий христианлар ҳуқуқининг айрим унсурларини ҳамда кўпгина маҳаллий урф-одатларни қабул этди, уларнинг кўплари кейинчалик исломники қилиб олинди ва фирқага киритилди. Фикҳни шакллантиришни, бир томондан, амал қилиб турган ҳуқуқ ва бошқа ижтимоий меъёрларни диний ақидаларга мослаштириш зарурлиги ва иккинчи томондан, илк мулкдорлар жамиятининг эндигина вужудга келган муносабатларини моҳият эътибори билан исломнинг диний-ахлоқий таълимотига асосланган қоидалар негизида тартибга солиш эҳтиёжлари тақозо қилар эди. Фикҳнинг қарор топиши Муҳаммад (сав) ҳадислари ва чорёрларнинг айтган гапларини ёзиб олиш билан бирга давом этди. Шу сабабли фикҳга оид дастлабки асарлар (масалан, Зайд ибн ал-Ҳасаннинг "Мажмуа", Молик ибн Анаснинг "ал-Муватто", Аҳмад ибн Ҳанбалнинг "ал-Муснад" асарлари), аслида, ҳуқуқий мавзудаги тадқиқотлар эмас, балки муайян мавзуда танлаб олинган ҳадислардан иборат. Ҳадисларнинг бир тизимга солиниши Қуръон ва суннани оқилона талқин этиш орқали ҳал қилинадиган масалаларни белгилаб олиш ва шу тариқа фикҳни мустақил фан сифатида шакллантириш имконини берди. 8-аср ва 9-асрнинг 1-ярмида фикҳ - ҳуқуқшуносликда ўз тушунчалари вужудга келди, ўзига хос тил ва услуб шаклланди. Унда Муҳаммад (сав)нинг вафотларидан сўнг асл маънода қонунлар яратиш фаолияти тўхтади, деган фикрга келинди. Қуръон ва сунна ҳуқуқий ечимларнинг асосий манбалари бўлиб қолди. Фақиҳлар мусулмон жамоасининг яқдил фикри (ал-ижмо)ни чорёрларнинг ягона фикри деб ҳисоблаб, уларни ҳам мустақил манба сифатида тан олар эдилар. Қуръон ва сунна фақиҳларни қизиқтирган ҳар қандай саволга жавобларни ўз ичига олади, деган хулосага келинди. Шу сабабли уларда мусулмонлар амал қилиши лозим бўлган аниқ феъл-атвор қоидалари хусусида бир хил ечим, кўрсатма бўлмаган тақдирда фақиҳлар мазкур манбаларни ҳуқуқий ҳолатларга оқилона "татбиқ

қилиш" ёрдамида амалий масалаларни ҳал этиш билан шуғулланади. Бора-бора фикҳ - ҳуқуқшуносликни илм ал-фуру деб тушуниш ҳаммага маъқул бўла бошлади. Илм ал-фуруъ - шариатнинг аниқ манбалар асосида таърифланган (яъни Қуръон ёки суннанинг айрим қоидаларига асосланган ва ижмода тасдиқланган ёхуд ижтиҳод ёрдамида баён этилган) "амалий" (одамлар хулқатворини тартибга соладиган) меъёрлари тўғрисидаги фандир. Фикҳ - ҳуқуқшунослик фани меъёрларнинг икки тоифасини: 1) мусулмонларнинг Аллоҳ билан муносабати (ибодот); 2) одамлар ўртасидаги ўзаро муносабат, шунингдек, мусулмон ҳокимияти (давлати)нинг ўз фуқаролари, бошқа динлар ва давлатлар билан муносабати (муомалот)ни белгиловчи, тартибга солувчи меъёрларни ўз ичига олади. Фақиҳларнинг асосий куч-ғайратлари меъёрларнинг иккинчи тоифасини ишлаб чиқишга қаратилди, уларнинг аксарияти ижтиҳод асосида жорий этилди. Фикҳ - ҳуқуқшунослик шаклланишининг илк босқичидаёқ икки мактаб юзага келган эди: улардан бири - Ироқ мактаби "мустақил фикрлаш тарафдорлари" (ашоб арраъй) мактаби деб, иккинчиси - Мадина мактабини "нақл тарафдорлари" (ашоб ал-ҳадис) мактаби деб аталган. Улар ўртасидаги тафовут мактаблар ўз таълимотларини ривожлантирган моддий ва маданий шароит хусусиятлари ҳамда улар мерос қилиб олган ҳуқуқий анъаналар билан изоҳланади. ироқлик ҳуқуқшунослар ижтиҳодни қиёсдангана иборат деб билмасдан, ундан кенгрок фойдаландилар, Мадина мактаби эса, асосий эътиборни Қуръон ва суннага қаратди. Аввалига бу мактабларнинг таълимоти муайян ном билан аталмади, бироқ кейинчалик уларнинг ҳар бири ўз таълимотини ўз асосчиси номи билан атай бошлади. Чунончи, Нуъмон ибн Собит Абу Ҳанифа (767 йилда вафот этган) Ироқ мактабининг асосчиси бўлган. 9-10-асрларда фикҳ - ҳуқуқшуносликнинг бошқа сунний тариқат (мазҳаб)лари ҳам юзага келди. Масалан, Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиъий (820 й. в.е.) номи билан аталган шофиъийлик тариқати ижтиҳодни қиёс билан айнан бир нарса деб ҳисоблаб, уни қатъият билан татбиқ этди. Кейинроқ Аҳмад ибн Ҳанбал (855 йилда вафот этган) асос солган ҳанбалийлик мазҳаби ҳам тан олинди. Бу тариқат Қуръон ва ҳадислардан имкони борича кенг фойдаланганлиги ва ижтиҳодга ишончсизлик билан қараганлиги маълум. Фикҳ - ҳуқуқшуносликнинг бошқа мактаблари ҳам бор эди, аммо, 14-асрга келиб, мазкур тўрт сунний мазҳаб ҳамда бир неча шиалик тариқатларигана сақланиб қолди. Фикҳ мазҳабларидан ҳар бирининг таълимоти унинг тарафдорлари эътироф қилган асарларда баён этилган. Бу асарларнинг кўпчилиги ўрта асрларда мазҳаб асосчилари, уларнинг яқин шогирдлари ва издошлари, атоқли ҳуқуқшунослар томонидан ёзилган. Масалан, ҳанафийлик мазҳаби бўйича Абу Ҳанифанинг шогирди Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Шайбоний (805 йилда

вафот этган)нинг олти китоби энг мўтабар (Кутуб зоҳират ар-ривоя) ҳисобланади. Мазкур асарларнинг энг муҳим қоидаларини кейинчалик Абул Фазл ал-Марвазий ўзининг "ал-Қофи" китобида умумлаштирди, Шамсиддин ас-Сарахсий (1090 йилда вафот этган) бу китобни батафсил шарҳловчи "ал-Мабсут" асарини яратди. "Ал-Мабсут" ҳанафийлик мазҳабига оид энг обрўли асарлардан бири деб тан олинади. Молик ибн Анаснинг "ал-Муватто" китоби моликийлар фикҳи бўйича етакчи манбалигича қолмоқда. Бундан ташқари моликийлик фақиҳларининг бир неча авлоди, аввало, Абдусалом Сахнун (854 йилда вафот этган) томонидан яратилган "ал-Мудаввана ал-қубро" асари жуда машҳур. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг "ал-Муснад" асари ҳанбалийлар учун шундай аҳамиятга эга. Аш-Шофиъийнинг "ал-Умм" асари шофиъийлик фикҳ - ҳуқуқшунослиги бўйича биринчи манбадир. Шиалар фикҳга доир анчагина китоблар ҳам маълум. Умуман, фикҳга оид асарлар орасида турли мазҳабларнинг ҳулосаларини таққослашга бағишланган асарлар (илм ал-хилоф) сезиларли ўрин олади. Бир мазҳаб тарафдорлари ўртасида ҳам ихтилофлар борлиги фикҳ - ҳуқуқшунослигига хос хусусиятдир. 9-аср ўрталаридан эътиборан сунний фикҳ – ҳуқуқшунослигида фақат ўтмишдаги йирик ҳуқуқшунослар ижтиҳод ҳуқуқига эга, деган гоё қарор топа бошлаган эди, 10-аср ўрталарига келганда эса, ўзининг ҳуқуққа оид қарорларини таърифлаб бериш усуллари тизимига эга бўлган янги мазҳаблар юзага келиши мумкин эмас, деган эътирозсиз яқдил бир фикрга келинди. Бинобарин, энди ҳар бир фақиҳ муайян мазҳаб таълимотига эргашмоғи даркор бўлиб қолди, буни таклид деб юритадиган бўлдилар. Шу вақтдан бошлаб фикҳ - ҳуқуқшуносликнинг ривожини эътироф қилинган мазҳаблар доирасида давом этди. Бунда ўтмишдаги йирик мужтаҳидларнинг ҳулосаларини мунтазам ҳолатга келтиришга, уларнинг асарларини шарҳлашга, уларни қайта ишлаб, қисқа ва содда тўпламлар тайёрлашга асосий эътибор берилди. Ўрта асрларда ва янги даврда фикҳ - ҳуқуқшуносликка оид асарлар орасида фатво тўпламлари кўпайди. Фатво тўпламлари тартибга солинадиган мавзулар бўйича гуруҳланган ва ҳар бирининг манбаи кўрсатилган фавқуллодда меъёрлар мажмуасидир. Ал-Қудурийнинг (1037 йилда вафот этган) "Мухтасар", Қозихоннинг (1196 йилда вафот этган) "Фатово", Бурҳониддин Али Марғанонийнинг (1197 йилда вафот этган) "Ҳидоя", Ибн Баззознинг (1414 йилда вафот этган) "Фатово" асарлари бунга мисол бўлади. Сунний фақиҳлар фатволарининг аксарият тўпламлари кенг мазмунли бўлиб, таҳорат, намоз, дафн, закот, рўза, ҳаж, турли савдо-сотик битишувлари ва мажбуриятларини, мулкни тасарруф этиш тартиботини, вақф, мерос, никоҳ-оила муносабатлари ҳар хил ҳуқуқбузарликлар, мусулмон ҳокимиятини номусулмон ва бошқа давлатлар билан муносабатлари, қозилик, кийиниш, овқатланиш қоидалари ва

шу каби асосий бўлимларни ўз ичига олади. Бир-бири билан боғлиқ бўлган айрим масалаларга тааллуқли ишлар ҳам борлиги маълум. Масалан, ал-Мавардийнинг (1058 йилда вафот этган) "алАҳком ас-султония" рисоласи асосан халифаликни ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда шу муносабат билан молия, ер, жиноят ва қозилик ҳуқуқига бағишланган. Шиа ҳуқуқшунослари одатда бошқача таснифлаш йўлидан бориб, фикҳнинг барча меъёрларини тўрт гуруҳга бўладилар. Мазкур гуруҳдар ибодат тартибини, икки томонлама шартнома (уқуд), шу жумладан никоҳ, муайян шаклдаги бир томонлама битим (иқоат), жиноят учун жавобгарлик ва етказилган зарардан келиб чиқадиган мажбурият ёки ихтиёрий шаклдаги битишув ёхуд ҳаракатларни тартибга солади. Фикҳ, бир томондан, ақлий таълимот бўлса, иккинчи томондан ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тажрибасига қаратилган. Фикҳ -ҳуқуқшуносликнинг кўпгина хулосалари амалда татбиқ этилиб, ислом ижтимоий меъёрлари мажмуасини ташкил этганлиги боис улар ҳам фикҳ ибораси билан атала бошлади. Фикҳ мусулмонлар орасида амал қилган феъл-атвор қоидалари маъносида ижтимоий меъёрларнинг ҳар хил диний, ҳуқуқий, ахлоқий турларини, шунингдек, урф-одатларни, оддий хушмуомалалик ва ахлоқ-одоб қоидаларини ўз ичига олган, яъни кенг, умумий ижтимоий тушунчадаги мусулмон ҳуқуқи бўлган. Шу мажмуага кирувчи меъёрларнинг турли тоифаларини ижтимоий муносабатларда ва шахсий феъл-атворда амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари бор эди. Чунки, мусулмонлар диний аҳкомларни имон-эътиқод билан адо этар ва шу сабабли улар жуда мукамал бўлар эди. Фикҳ - ҳуқуқшуносликнинг кўпгина қоидалари мусулмонлар орасида расм бўлган ва бу қоидаларга риоя этилишни кафолатлайдиган урф-одатларни акс эттирар эди. Аммо, фақиҳлар ишлаб чиққан меъёрларнинг бир қисми аксар ҳолларда давлат иштирокида амалга оширилар, давлатнинг мажбурлаши имкониятига таянар эди. Шу сабабли, исломда ягона ижтимоий-меъёрий тартибга солиш мажмуаси таркибида феъл-атворнинг ҳуқуқий қоидалари (юримдик маънодаги мусулмон ҳуқуқи) алоҳида ўрин олди. Фикҳ - ҳуқуқшуносликнинг хулосалари давлат томонидан буюриш расмий қўллаб қувватлаш натижасида қисман амалдаги ҳуқуққа айланар, масалан, тайинлаб қўйилган қозилар муайян мазҳаб хулосаларини жорий қилар эди. Жумладан, аббосийлар ҳокимиятни қўлга олгач, фақиҳларни қози лавозимига кўтариш йўли билан шундай хулосаларни қозилик тажрибасига татбиқ эта бошладилар. Юримдик маънодаги Фикҳ - ҳуқуқ шу асосда таркиб топди, фикҳ - ҳуқуқшунослик унинг манбаи бўлди. Мусулмон фақиҳларининг кўп асарлари қози ва муфтилар учун амалий қўлланма (дастуруламал) бўлди, кўпинча маъмурларнинг буюртмаси билан давлат маҳкамалари учун махсус китоблар ёзиб берилди. Абу Юсуфнинг (798 йилда вафот этган) "Китоб ал-

хараж"и ёки Бобурийлар салтанатининг ҳукмдори Аврангзеб (1658-1707) амри билан 1669 йилда бир гуруҳ ханафий ҳуқуқшунослар тузган "ал-Фатово ал-ҳиндия" асари бунга мисолдир. Чигаллик фикҳ меъёрларининг кўпчилигага ҳос хусусиятдир. Зеро, айтилган бир хил масалаларни ҳал этишда турли мазҳабларнинг бир-бирига тўғри келмайдиган ҳулосалари татбиқ этилиши мумкин эди. Ҳатто бир мазҳаб ичида ҳам зиддиятли қоидалар амал қилаверар, чунки фикҳ ҳуқуқ кўп жиҳатдан йирик ҳуқуқшуносларнинг аниқ масалаларга оид қарорлари йиғиндисидан иборат бўлиб, улар айтилган бир масала юзасидан кўпинча турли ҳулосаларга келар эдилар. Шу сабабли ҳатто давлат фикҳ - ҳуқуқдаги муайян тариқатни қўллаб қувватлаши ҳам бир хил меъёрлар тизими белгилаб қўйилганини билдирмас эди. Бинобарин, фикҳ - ҳуқуқнинг бир-бирига мос келмайдиган кўпдан-кўп қоидалари орасидан қозилган қайси бирини танлаб олишини олдиндан билиб бўлмас эди. Шу сабабли фикҳнинг умумназарий асоси аста-секин биринчи ўринга чиқа бошлагани бежиз эмас. Ўрта асрларда мусулмон фақиҳлари қозиларнинг фикҳ - ҳуқуққа оид яқка-яқка кўрсатмалари асосида унинг умумий қоидалари (ал-Қавоид ал-Куллия)ни шакллантириб беришга муваффақ бўлдилар. Шу соҳадаги ишлар орасида Ибн Нуҷайманнинг (1562 йилда вафот этган) "ал-Ашбоҳ ва-н-назоир" асари яхши маълум. 16-17-асрларда чигал фатволар билан бир қаторда меъёрий қоидалар узил-кесил шакллантириб берилганлиги иккала маънодаги фикҳ - ҳуқуқни ривожлантиришда энг юқори нуқта бўлди. Ислоҳ мамлакатлари ҳуқуқ тизимида фикҳ - ҳуқуқнинг роли доимо бир хил бўлган эмас. Жумладан, 16-асрда Усмонли турк салтанатида ва 17-аср 2-ярмида Бобурийлар давлатидаги ҳуқуқий амалиётда унинг қоидалари жуда кенг ва изчил қўлланилди. Бироқ, умуман фикҳ - ҳуқуқ ҳеч қачон фикҳ - ҳуқуқшунослик билан тўла-тўқис мос келган эмас. Фикҳ - ҳуқуқшуносликнинг ҳақиқатда амалга оширилган, ҳокимият тепасидаги кучларнинг манфаатларини ифодалаган ва давлат томонидан бирон-бир тарзда қўллаб-қувватланган қоидаларигина амалдаги ҳуқуққа айланган, фақиҳларнинг бошқа ҳулосалари эса ҳуқуқий назария доирасидан ташқари чиқмаган. Айтилган вақтда фикҳ - ҳуқуқ меъёрларининг турли мажмуалари шу жиҳатдан ўз хусусиятига эга бўлган. Шахсий ҳолат ҳуқуқи (ал-аҳвол аш-шахсия) фикҳ - ҳуқуқнинг энг ривожланган тармоғи ҳисобланади. У оила-никоҳ, мерос муносабатларини ва уларга яқин бўлган бошқа баъзи муносабат (ҳуқуқ қобилияти, вақф тартиби ва ҳоказо)ларни тартибга солувчи меъёрий йиғиндисидан иборат. Жамиятнинг иқтисодий негизидан нисбатан хийла олис бўлган, икки томондан, диний ақидалар билан жуда қатий белгилаб қўйилган ушбу муносабатларни тартибга солишда фикҳ - ҳуқуқ меъёрлари, одатда, бошқа тармоқларга нисбатан жуда кенг қўлланилиб келди. Аммо, ҳатто оила-никоҳ соҳасида ҳам маҳаллий урф-одатлар фикҳ -

ҳуқуқ билан рақобат қилар ва амалда унинг айрим қоидаларини йўққа чиқариб юборар эди. Фикҳ -ҳуқуқнинг жиноят (ғайриқонуний ҳаракат) тармоғи (ал-уқубот), сажияси (характери)дан қатъи назар, барча ҳуқуқбузарликлар учун жазо чорасини ўз ичига олади. Фақат 10 та энг хатарли жиноят учун қатъий белгиланган жазо чораси кўзда тутилган. Мазкур тармоқ, шунингдек, фикҳ - ҳуқуқнинг қозилар суди (ал-муҳокамат) ташкилоти ва унинг фаолиятини тартибга солувчи меъёрлари амал қилиш соҳаси давлат ўтказадиган сиёсатга бевосита боғлиқ эди, бу сиёсат эса, унинг дунёвий ва диний вазифалари нисбатига қараб белгиланар эди. Фақиҳлар ишлаб чиққан давлат ҳуқуқи, маъмурий ва молиявий ҳуқуқ меъёрлари (ал-аҳком ас-султония) фикҳ - ҳуқуқнинг нисбатан иккинчи даражали унсури бўлиб, кўп жиҳатдан мавҳум назария эди, у солиқ соҳасидагина бирмунча изчил амалга ошириларди. Мусулмон маъмурларнинг бошқа давлатлар билан муносабатларини, уруш олиб бориш ва ҳарбий ўлжани тақсимлаш тартибини, мусулмон ҳукмдорнинг бош дин вакилларига нисбатан ўтказадиган сиёсатини тартибга солиш учун фақиҳлар белгилаб берган ас-сияр меъёрлари ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Шу меъёрларнинг айримларигина (жумладан, номусулмонларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи меъёрлар) ҳуқуқий тус олар ва юридик (ҳуқуқий) маънодаги фикҳ - ҳуқуққа айланарди. Шунини ҳам назарда тутиш керакки, ўрта асрларда ислом мамлакатларининг ҳуқуқий тизимларида фикҳ - ҳуқуқ марказий ўрин олган бўлса ҳам, аммо барча ҳуқуқий меъёрларни қамраб олмас эди. Бу ерда фикҳ - ҳуқуқ билан бир қаторда давлатнинг фақиҳлар ҳулосаларидан баъзан фарқ қиладиган ва ҳатто уларга зид бўлган қонун ҳужжатлари ("ҳуқуқий сиёсат" - ас-сиёса аш-шаръия) амал қилар эди. 19-асрнинг 2-ярмида фикҳ ҳуқуқ низомида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Бунинг энг муҳим сабаби шундан иборат бўлдики, энг ривожланган ислом мамлакатларида (хусусан, Усмонли турк салтанати таркибидаги эл-юртларнинг кўпчилигида) фикҳ - ҳуқуқ асослари ҳолларда Ғарбий Европадан олинган қонунларга етакчи ўринни бериб қўйди. Натижада фикҳ - ҳуқуқ асосан шахсий ҳолат муносабатларини тартибга солиш соҳасида ўз мавқеини сақлаб қолди ва мазкур мамлакатларнинг давлат, маъмурият, жиноят, савдосотик ҳуқуқида, кўп жиҳатдан фуқаролик ҳуқуқида ҳам қўлланилмай қўйди. Шу билан бирга бу даврда 1869-1877 йилларда "Мажаллат ал-аҳком ал-ъадлия" деган ҳужжатни қабул қилиш йўли билан унинг меъёрлари биринчи марта расмий равишда шароитга мослаштириб олинди, бу иш Усмонли турк салтанатининг фуқаро кодексида муҳим рол ўйнади (ҳозирги пайтгача ҳам шу ҳужжат Кувайтда қисман қўлланиб келинмоқда). Диққатга сазовор томони шуки, мазкур қонун фикҳ -ҳуқуқшуносликнинг ҳанафийлик мазҳаби ҳулосалари асосига қурилган бўлиб, жумладан, Ибн Нужайманинг

рисоласидан олинган аниқ меъёрларни ҳам, умумий қоидаларни ҳам ўз ичига олган эди. 19-аср 2-ярми ва 20-асрнинг бошларида ҳукумат маъмурларининг топшириғига биноан тайёрланган қонун лойиҳалари тарзидаги асарлар (масалан, Қадри Пошо, Д.Сантиллана ва М.Мораннинг шахсий ҳолатга оид ишлари) пайдо бўлганлиги диққатга сазовордир, аммо, улар давлат томонидан эътироф қилинмади. Гарчи 19-асрнинг 2-ярмидан фикҳ - ҳуқуқнинг аҳамияти тобора пасайиб борган бўлса ҳам, ҳозирги вақтда унинг айрим тармоқлари, тартиб-қоидалари ва меъёрлари кўпчилик аҳолиси мусулмон бўлган Шарқ мамлакатларида бирон-бир тарзда қўлланилмоқда (фақат Туркия бундан истиснодир, бу мамлакат 20-йиллардан эътиборан ундан бутунлай воз кечди). Шахсий ҳолат тармоғи изчил, кенг ва деярли бекаму кўст амал қилаётир, айрим ҳолларда (масалан, Тунис ва Яманда) фикҳ - ҳуқуқнинг оила-никоҳ масалаларига оид қоидалари бирмунча ўзгартирилди. Фикҳ - ҳуқуқнинг тартиботи жиноят ҳуқуқида (масалан, Саудия Арабистони, Яман, Форс кўрфази мамлакатларида) ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда, аммо бир қанча мамлакатлар (Ливия, Эрон, Покистон, Мавритания ва бошқа)да ҳуқуқнинг тармоғига унинг таъсири 70-йиллардан бошлаб ҳатто кучайиб кетди. Фуқаролик ва савдо ҳуқуқи ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Фикҳ - ҳуқуқнинг бу соҳадаги меъёрлари вақфларнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиб келмоқда (вақфлар тугатилган Жазоир, Тунис, Яман бундан мустасно). Бу меъёрлар фуқаролик кодексига айрим моддалари (масалан, ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, қарзни ўтказиш, ерни ижарага олишга оид моддалар) тарзида киритилган. Кейинги 10-15 йилда бир қанча мамлакатлар (Ливия, Покистон ва бошқа) фуқаролик ва тижорат ҳуқуқида фикҳ - ҳуқуқ меъёрларини қўллаш микёси кенгайди. Фикҳ -ҳуқуққа асосланган солиқ ва молия қонунлари (жумладан, фойда - рибо олишни тақиқлайдиган ва шу асосда ислом банклари фаолиятини тартибга соладиган қонунлар) қабул қилингани бунга сабаб бўлди. Кўпчилик ислом мамлакатларида мусулмон (шариат) судлари сақланиб қолаётир (араб мамлакатларидан фақат Тунис, Жазоир, МАР, Яманда бундай судлар тугатилган). Уларнинг ташкил этилиши ва фаолияти кўп жиҳатдан фикҳ - ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинади. Фикҳ - ҳуқуқ қоидалари ва меъёрлари айрим мамлакатлар (аввало Саудия Арабистони) давлат ҳуқуқида акс этган ва ҳозирги вақтда 1979 йил Конституциясида Ислом Республикаси деб эълон қилинган Эрондаги давлат шаклида жуда яққол кўриниб турибди. Шунини ҳам айтиш керакки, барча ислом мамлакатларида ёхуд бошқа мамлакатлар аҳолисининг озчилигани ташкил этувчи мусулмон жамоаларида диний қоидалар ва намоз тартибини белгиловчи фикҳ ҳуқуқ меъёрлари ҳали ҳам қўлланилаёпти. Ҳозирги шароитда фикҳ расмий ҳуқуқ манбаи сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолган.

Бир қанча мамлакатларнинг шахсий ҳолат ва жиноят ҳуқуқига оид қонунларида кўзда тутилишича, агар қонунда тегишли меъёрлар бўлмаса, фикҳ - ҳуқуқшунослик ҳулосалари қўлланилиши лозим. Баъзи мамлакатлар (Миср, Сурия, Ливия, Ироқ, Жазоир, Кувайт)нинг фуқаролик кодексларида ҳам шундай қоида белгиланган. Ҳозирги вақтда кўпгина ислом давлатларининг Конституциялари фикҳнинг асосий ва ўзгармас меъёрларини қонунчиликнинг асосий манбаи деб тан олади. Давлатнинг фикҳ - ҳуқуққа нисбатан бундай сиёсати фикҳ ҳуқуқшуносликка оид илмий ишларни рағбатлантиради. Бу ишлар икки асосий йўналишда олиб борилади. Назарий илоҳиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлган биринчи йўналиш анъанавий фатво жанридан иборат (Мисрнинг собиқ муфтиси Ҳасанайн Муҳаммад Махлуфнинг икки жилдли фатволар тўплами бунга мисол). Иккинчиси - фикҳ назарияси ва тарихига оид асарлардир.

ФОРОБИЙ Абу Наср (873-950) - Ўрта Осиёлик қомусий олим, файласуф. Сирдарё қирғоғидаги Фороб шаҳрида туғилган. Бухоро ва Самарқандда ўқиди. Эрон шаҳарларида бўлди. Ўрта аср фани ҳамда тилларни ўрганди. Айрим маълумотларга қараганда, у 70 дан ортиқ тилни билган. Аристотель ва Платон асарларини шарҳлаб берган. Шарқ мамлакатларида улуғланиб "Иккинчи муаллим", Шарқ Аристотели деб ном олган. У тиббиёт математика, филология, мусиқашунослик, мантиқ, ахлоқшунослик, давлатшунослик, фалсафа ва бошқа соҳалар бўйича 160 дан ортиқ асар ёзиб қолдирган. Фаробий фикрича, олам - ягона мавжудот, Аллоҳ ҳамма нарсанинг ибтидоси, барча вужудлар унинг эманацияси (нурланиши) асосида келиб чиқади. "Фозил шаҳар аҳолиси" асарида қайд этишича, фақат худо ўз зотига кўра тафаккур қилади ва танҳо У гина энг яхши илмларни билади. Назарий ҳикмат худо зотини билиш илми бўлмай, балки У яратган нарсалар ҳақидаги илмдир ва шу яратилган нарсаларга қараб У нинг жамолини, қудратини, ҳикмат ва адолатини билиш мумкин. Фаробий фикрича, ақд шариатнинг таянчи ва мадақори бўлиб, моҳиятан у билан бирдир. Шариатни тушуниш учун ақд ишлатиш зарур. Инсон тасаввурий қувват орқали эришиши мумкин бўлган "энг мукамал босқич" пайғамбарлик бўлиб, пайғамбарликнинг "энг мукамал босқичи" тасаввурий қувват воситасида ҳосил қилинадиган ваҳийдир. "Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари", "Бахт-саодатга эришув ҳақида" ва шу каби асарларда барча аҳолини бахт-саодатга, илм-маърифатга олиб боровчи, уларни комил инсон қилиб тарбияловчи идеал жамоа ҳақидаги фикрни олға сурди. Фаробийнинг диний, фалсафий қарашлари кейинги давр олимларига муҳим таъсир кўрсатди.

ФОТИМА (тахминан 605/606—632/633) -Муҳаммад (сав)нинг кенжа кизлари. Фотимага эътиқод қилиш шиалар ўртасида кенг тарқалган. Ши

имомлари ва мусулмон мамлакатларидаги кўпчилик сулолалар (Идрисийлар, Фотимийлар, Саъдийлар ва бошқа) шунингдек, барча саййидлар Фотима ва унинг эри Али ибн Абу Толиб авлодлари деб ҳисобланади. Фотима гўзал бўлгани учун Захро (Гулдек) деб лақабланади. Фотимани Алидан 5 фарзанди (уч ўғил (биттаси ёшлигида вафот этган) 2 қиз) бўлган. Ҳасан, Ҳусайн, Умму Кулсум ва Зайнаб. Муҳаммад (сав) вафотларидан олти ойдан сўнг оламдан ўтган Фотима Мадинада дафн этилган. Макка ва Мадинага борган шиа аёллари Фотима қабрини зиёрат қилади.

ФОТИҲА (арабча - очмоқ, бошламоқ) - 1) Қуръоннинг биринчи (бошланғич) сураси номи. Фотиҳа 7 оятдан иборат бўлиб, унда Аллоҳ таолога ҳамд, унинг сифатлари, қиёмат куни эгаси эканлиги, ибодат, ихлос, дуо, ёлвориш, яхши умматларнинг зикри ва ёмон йўлдан юрганларнинг оқибати нима бўлиши зикр қилинган. 2) Бирон воқеа муносабати билан ўқиладиган дуо, Қуръоннинг айрим қисқа сураларидан бирини тиловат қилиш. Ислом анъанасида фотиҳа марҳумнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига билдирилган таъзиянинг диний шакли ҳисобланади.

ГУНОҲ (форс - жиноят, айб, асли шу маънодаги арабча "жуноҳ" сўздан олинган) -шариат қонунларига ва диний ақидаларга хилоф иш ёки ҳаракат. Ислом динида энг катта гуноҳ - ширк, яъни Аллоҳни бутунлай инкор этиш ёки унга тенг келадиган бошқа илоҳий кучлар бор, деб эътиқод қилиш ҳисобланади ва бундай гуноҳни Аллоҳ кечирмайди. Аммо ундан бошқа катта ва кичик гуноҳларни хоҳлаганича кечириши ёки маълум меъёрда жазолаши мумкин. Катта гуноҳларнинг адади тўғрисида ислом манбаларида турлича фикрлар айтилган. Ота-она қарғишини олиш, сеҳр-жоду билан шуғулланиш, қотиллик, ёлгон гувоҳлик бериш, ўғрилик, чақимчилик, қиморбозлик, риёкорлик, фирибгарлик, ҳаром қилинган нарсаларни истеъмол қилиш, дилозорлик ва ҳоказолар катта гуноҳ ҳисобланади. Баъзи ислом олимлари катта гуноҳлар сонини 300 тагача санаб ўтганлар. Кичик гуноҳлар беҳисобдир.

ҲАДИС (арабча - "хабар", "янгилик"), ҳадислар - Муҳаммад (сав)нинг айтган сўзлари, қилган ишлари, кўрсатмалари тўғрисидаги ривоятлар. Икки қисмдан иборат бўлади: матн ва иснод. Ҳадис икки турга бўлинади: 1. Ҳадиси кудсий; 2. Ҳадиси Набавий. Ҳадислар эътиборга олинishi жиҳатидан яна уч қисмга бўлинади: 1. Саҳиҳ. 2. Ҳасан. 3. Заиф. Қуръони Каримда барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалалар умумий тарзда баён этилган. Уларга аниқлик киритиш ва изохлаб уқтириш учун Муҳаммад (сав) ўз ҳадисларини айтарди. Бу ҳадисларни пайғамбарнинг сафдошлари ёдда сақлашга ҳаракат қиларди. Расулуллоҳ (сав) ҳаётлик чоғларида саҳобаларнинг Қуръони Каримга ҳадисларни аралаштириб юборишларидан қўрқиб, ҳадисларни ёзишдан қайтарар эдилар Расулуллоҳ (сав) вафотларидан сўнг ҳадисларни накл қилиш

одат тусига кирди. Шу муносабат билан бир гуруҳ мусулмонлар Пайғамбаримиз (сав) ҳадисларига бегона сўз аралашиб қолишидан ва ҳадис нақл қилувчи саҳобалар вафот этишлари билан ҳадис зое бўлишидан қўрқиб, уни ёзма шаклда тўплай бошладилар. Бу одамлар турли юртларга тарқалиб кетганлар. 7-аср ўрталаридан бошлаб уларни топиб, ҳадисларни оғизларидан ёзиб олишга ҳаракат қилинган. Бунда туркистонлик муҳаддислар катта хизмат қилишган. Ислоом оламида энг обрўли ҳисобланган ҳадис тўпламлари куйидагилар ҳисобланади: 1) "ал-Жомиъ ас саҳиҳ" ёки қисқача, "Саҳиҳи Бухорий"; 2) "Саҳиҳи Муслим", 3) "Сунани Термизий"; 4) "Сунани Абу Довуд"; 5) "Сунани Насоий"; 6) "Сунани Ибн Можа". Шунингдек, Ибн Ҳанбал муснади ҳам катта шуҳрат қозонган.

ҲАДИС ТЎПЛАМЛАРИ - ҳадисга доир китоб турлари. Аҳли ҳадис истилоҳига кўра, ақоидга тааллуқди бўлган ҳадислар "Илми тавҳид ва сифат"; ҳукмга далолат қилувчи ҳадислар "Сунан"; илми сулуқ ва зуҳдга оидлари "Риқоқ", ейиш, ичиш ва кийиниш, ўтириш, туриш ва сафар... одобларига тааллуқли бўлган ҳадислар "Илмул адаб", тафсир ҳадислари "Тафсир", тарих ва шеър ҳадислари гоҳ "Илму Ваъдил-халқ", гоҳ "Сийрат"; асри Жалили набавийдан сўнгра вужудга келган ва келажак фитналарга доир бўлганлари "Илмул-фитан"; маноқиб ва мусолаба, яъни шахслар, қабилалар, шаҳарлар ва бошқа шу қабиларнинг мақтови ёки айбловига доир хабарлар "Илмул-маноқиб" деб аталадилар. Бу бобларнинг саккизаловини ҳам жамлаган "Саҳиҳи Бухорий" каби китобларга "Жомиъ" номи берилган. Имоми Термизийнинг китоблари эса, ҳам "Жомиъ", ҳам "Сунан" дейилгандир. Саҳоба исмлари махсус тартибга солиниб, ҳар биридан ривоят қилинган ҳадислар жамланган бўлса, ундай китоб "Муснад"; муаллифнинг кексалари ҳуруфи хижо (алифбо) тартибига қўйилиб, ҳар бирининг йўли билан муаллифга етиб келган ривоятларни тўплаган китоб "Мужам" дейилади. Ҳадис китобларининг яна кўп хиллари бўлса ҳам, энг муҳим турлари шулардир.

ҲАДИСИ ҚУДСИЙ - маъноси Аллоҳ таолоники бўлиб, айтилиши Расулуллоҳ (сав)дан бўлган ҳадислар. Шунингдек, "Ҳадиси Раббоний", "Ҳадиси илоҳий" деб ҳам айтилади. Уни Аллоҳ таоло ўз набийсига илҳом бериш, тушида кўрсатиб билдириш орқали хабар беради, Пайғамбар (ас) эса, бунинг маъноси Аллоҳ номидан, Аллоҳ таоло айтди, деб саҳобаларига етказганлар. Ҳадиси Қудсийнинг мартабаси Қуръони Карим билан ҳадиси Набавий ўртасида. Ҳадиси Қудсий талаффузи билан ибодат қилинмайди, намозда қироат этилмайди, у билан баҳсга чорланмайди. У Қуръоннинг нақлига ўхшаб мутавотир ҳолда нақл қилинмаган. Балки, унинг саҳиҳ, заиф ва мавзу-ёлғонлари мавжуддир.

ҲАЖ - Маккани зиёрат қилиш, исломнинг беш асосий руқнларидан бири. Ҳаж амали уни адо этишга қурби етган барча мусулмонлар учун (жуда бўлмаганда умрида бир марта) фарздир; унга қурби етмаганлар ўзларининг ўринларига "ўринбосар" (вакил ал-Ҳаж) юборишлари мумкин. Ҳаж зулҳижжа ойида амалга оширилади ва турли маросимларни (маносик ал-Ҳаж) ўз ичига олади. Зиёратчилар қарвони Маккага 7-зулҳижжада етиб келадилар Улар махсус жой - мийқотда покланиб эҳромга кирадилар, "кичик Ҳаж" маросимини ўтайдилар. Сўнгра умра ва ҳажни алоҳида ўташга қарор қилганлар сочларини олдириб эҳромдан чиқадилар. Улар бевосита ҳаж олдидан яна қайта эҳромга кирадилар. Умра ва ҳажни бирга ўтамоқчи бўлганлар (қирон) ҳаж охиригача эҳромда қоладилар. Зулҳижжа ойининг 7-куни зиёратчилар Каъбада хутба эшитадилар ва намоз ўқийдилар. Эртаси куни (яум ат тарвия) Мино водийсига борадилар Зиёратчилар зулҳижжа ойининг 8-санасидан 9-санасига ўтар кечани Мино водийсида ўтказди, Зулҳижжаниннг 9-куни эрталабдан ҳажнинг асосий маросими - Арофат тоғи олдида туриш (вукуф) бошланади. Зиёратчилар хутба эшитадилар, намоз ўқийдилар. Бу туриш кун ботгунча давом этади. Сўнгра зиёратчилар Муздалифа водийси томон юрадилар (ифада) Шу ерда шом ва хуфтон намозлари ўқилади ва туналади. Зулҳижжаниннг 10-куни (яум ан наҳр) бомдод намозидан кейин зиёратчилар Мино водийсига йўл оладилар, бу ерда улар Муздалифадан олган 49 та кичик тошнинг 7 тасини биринчи куни энг кичик шайтон рамзига улоқтирадилар. Бу маросимдан сўнг, шу ернинг ўзида савдогарлар ва бадавийлардан сотиб олинган жонлиқ қурбонлиқ қилинади. Зулҳижжаниннг 10-куни мусулмонларнинг энг муҳим байрами ҳисобланиб, бутун ислом оламида кенг нишонланади. Сочларини олдириб ёхуд кестириб зиёратчилар сўнгги тавофни бажо келтириш учун Маккага йўл оладилар. Кимда ким дастлабки маросим умра қилмай ҳаж қилган бўлса (Ҳаж ифрод) тавофдан кейин саъйни адо этишади Зулҳижжаниннг 11-кунидан 13-кунигача (айём ат-ташриқ) зиёратчилар қурбонлиқ қилишда давом этадилар, Мино водийсига борадилар, у ерда энди ҳамма устунларга қараб 2 кун 7 тадан тошча отадилар (жамрат ал-ула, жамрат ал-вуста, жамрат ал-ақаба), ўз ишлари билан банд бўладилар. Ҳажнинг асосий маросимлари ақидага кўра Муҳаммад (сав) томонидан 632 й. "видолашув ҳаж"ида (Ҳаж ал-вадў") белгилаб берилган Кейинчалик асосий ҳуқуқий мазҳаб намоёндалари зиёрат маросим-удумларини бажаришни батафсил ишлаб чиққанлар. Ҳажнинг ғоявий ва сиёсий аҳамияти бугунги кунда ҳам улкан. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, юртимиз мусулмонларига ҳаж амалини адо этиш учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

ал-ҲАЖАР ал-АСВАД - Қора тош.

ҲАЗРАТ ХИЗР МАСЖИДИ - Самарқанддаги меъморий ёдгорлик. Шаҳарнинг энг қадимги масжиди шу ерда қурилган. Хизр (ас) номидан олинган. Масжиднинг ҳозирги биноси 19-аср ўрталарида қадимги бино пойдевори устида бунёд қилинган. Тик зинапоядан дарвозахонага чиқиб, чап томондаги равоқдан пешайвонга ўтилади. Бинонинг шимоли-ғарбий қисми катта гумбазли хонақоҳ. У 1854 йилда таъмир этилган, пешайвон 1899 йил, дарвозахона 1919 йил қурилган. Ҳазрати Хизр масжиди ҳозир таъмирланган.

ҲАЗРАТИ ИМОМ МАЖМУАСИ, Ҳастимом - Тошкентдаги меъморий ёдгорлик. Мажмуа қурилишига имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қафғол аш-Шоший (904976)нинг қабри асос бўлган. Қабр ва унинг атрофида вужудга келган қабристон ҳамда меъморий ёдгорликлар мажмуаси (Кайковус боғи билан бирга) Ҳазрати имом номи билан аталади. Сақланиб қолган биноларнинг энг қадимгиси 16-асрга оид. Дастлаб, 16-асрнинг 30-йилларида 2 та мақбара қурилган; каттаси Тошкентнинг шайбонийлар сулоласидан бўлган хони Суюнчўжаҳон мақбараси деб тахмин этилади. 16-асрнинг 50 йилларида бу бинолар Бароқхон мадрасаси меъморий ёдгорлиги таркибига қўшилган. Ўша даврда Ҳазрати имом қабри устида Қафғол Шоший мақбараси бунёд этилган. 16-аср охирида унинг қаршида "қуш" услубида Қафғол Шошийнинг авлоди, Бобохожи мақбараси қурилган (бу бино 1939 йилда бузиб тапшанган). 16-асрда Ҳазрати имом мажмуасида сайргоҳ боғ бўлган (асрий чинорлар, қайрағоч ва бошқа дарахтлар, ҳовуз ва айвонлар мавжуд эди), халқ сайиллари ўтказилган. 19-аср ўрталарида Бароқхон мадрасаси рўпарасида Намозгоҳ (Тиллашайх), Мўйи Муборак мадрасаси, Жоме масжид (сақланмаган) қурилган. 20-аср бошида олти устунли, ўн икки гумбазли Тиллашайх масжиди қайта қурилган. Ҳазрати имом мажмуасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси жойлашган.

ҲАЗРАТИ ИМОМ МАҚБАРАСИ - Шаҳрисабздаги меъморий ёдгорлик (14-аср). 1384 йил Амир Темур авлиё Муҳаммад Шайбонийнинг хокини келтириб Дор ус-саодатга, ўғли Жаҳонгар қабри олдида дафн эттирган, хоразмлик усталар баланд бино барпо этганлар. Муҳаммад Шайбоний ислом оламида "Ҳазрати имоми Бағдодий" номи билан машҳур бўлган. Мажмуага Амир Темур ўзи учун катта хилхона қурдирган. Мажмуанинг улкан арк ва деворлари, ўн олти қиррали асосга қурилган гумбазлари қимматбаҳо тош ва шишалардан ишланган нақшинкор безаклар билан безатилган.

ҲАЙИТ (арабча ийд - байрам) мусулмонларнинг диний байрами. Ислом анъанасида иккита ҳайит расман диний байрам сифатида нишонланади: катта ҳайит ёки қурбон ҳайити (арабча ийд алкабир, ийд ал-адҳо) ва кичик ҳайит ёки рўза ҳайити (арабча ийд ас-сағир, ийд ал-фитр). Қурбон ҳайити ҳаж маросими ва қурбонлик қилиш билан, рўза ҳайити эса, рамазон ойи ниҳоясида

оғиз очиш билан боғлиқ. Курбон ҳайити ҳижрий зу-л-ҳижжа ойининг 10-кунида, рўза ҳайити эса, шаввол ойининг 1-кунида байрам қилинади. Ҳайитда масжидда эрталаб ҳайит намози ўқиш, рўза ҳайитида фитр-садақа бериш (Ҳайит намозидан олдин), курбон ҳайитида эса, курбонлик қилиш ва шу каби ислом билан боғлиқ маросимлар юзага келган. Ҳайитдаги бу маросимларга кўп жойларда халқларнинг маҳаллий одатлари: арафа куни ош улашиш, янги кийим кийиш, "ҳайитлик" бериш, сайил қилиш, яқин одамларини кўриш ва ҳоказолар ҳам кўшилиб кетган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, курбон ҳайити ҳам, рўза ҳайити ҳам умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди.

ҲАЛОЛ ("эркин", "боғланмаган", "тугунни ечиш") - 1) Рухсат бериш; фарз, мандуб ва мубоҳ тушунчаларига кирувчи руҳсат этилган хатти-ҳаракатлар; ман этилган хатти ҳаракатлар (ҳаром)нинг зидди. Ҳалол ҳақидаги масалаларни фикҳнинг аҳком бўлими ўрганади. Шариатда эса, ҳаромлик тугуни ечилган, яъни ҳаромлик сифати йўқ нарсага, ҳалол деб айтилади. Чунки, ҳаром нарсанинг ман қилиш тугуни бўлади. Ҳалол нарсада ана ўша тугун бўлмайди, бўш бўлади. Ҳадиси шарифда, ҳалол очиқ-ойдиндир, дейилган. Аввало, нима нарсалар ҳалол экани очиқ-ойдиндир; сув, сут, мева сувлари каби ичимликлар, нон, мева, полиз экинлари, Аллоҳнинг исми айтиб сўйилган ҳалол ҳайвонлар гўштлари каби таомлар, руҳсат берилган кийимлар ва никоҳга олинган шахслар кабилар ҳалолдир. Қолаверса, ушбу нарсаларга эга бўлиш ишончли, шариатда руҳсат берилган йўл билан бўлиши керак. Ҳалол касб деганда, айнан шу маънода гап кетади. Яъни, ҳалол нарсага ҳалол йўл билан эга бўлиш лозим. Ҳалол меҳнат, мерос, ҳадя, икки тараф розилиги билан бўлган тижорат туфайли қўлга кирган мулк ҳалол бўлади. Мусулмон одам учун ҳалол нарсани талаб қилиш, ҳалолдан молу мулк топиш фарздир. Мусулмон инсон ўзи ҳалол бўлган нарсани, шариатда ҳалол қилинган йўл билан топиб фойдаланиши керак. Шариатда ҳалол ҳисобланган нарсани ҳаром деб эътиқод қилган одам кофир бўлади. 2) Шаръий никоҳдан ўтишлари мумкин бўлган аёл ёки эркак. 3) Ҳаж зиёратидан қайтиб келиб, сочларини олдирган ва кундалик кийим-бошини кийиб, руҳсат этилган барча одатдаги ишлар ва касб-хунар билан машғул бўлган киши ҳолати.

ҲАНАФИЙЛИК - суннийликдаги диний-ҳуқуқ мазҳабларидан бири. Абу Ҳанифа асос солган. Ундан кейин ҳанафийлик мазҳаби қоидалари Абу Юсуф Ёқуб (795 йилда вафот этган), Муҳаммад аш-Шайбон (804 йилда вафот этган), Қудурий (1036 йилда вафот этган) ва бошқа асарларида ишлаб чиқилган. Бу мазҳаб тарафдорлари фикҳнинг тўрт асосий манбаини эътироф этиш билан бирга бошқа оқимлар вакилларига нисбатан фикҳ талабларига риоя этишнинг оқилона усулларида кенгрок фойдаланади. Бу мазҳабнинг

хусусиятлари қуйидагилардан иборат: Қуръон ҳуқуқ манбаи сифатида ҳеч сўзсиз, тўлалигича қабул қилинади; сунна мустақил манба сифатида қаралади, бироқ ҳадислар жиддий танловдан ўтган бўлиши лозим; аввал ўтган уламолардан мерос бўлиб қолган келишилган фикр (ижмо) фақат саҳиҳ ҳадис ривоятчиларидан чиққан тақдирдагина ҳисобга олинади. Лекин, янги масалалар тадқиқ қилинаётган вақтда бошқа ҳар қандай обрўли уламоларнинг гуруҳининг ижмоси қабул қилинади ва шу тариқа диний ижмолар вужудга келиши имкони яратилади. Қиёс бўйича ҳукм ҳар қандай саҳиҳ манба асосида ҳам бўлиши мумкин. Агар қиёс бўйича ҳукм зарарли ёки мавҳум натижага олиб келса, истиҳсон бўйича қарор қабул қилинади. Ҳанафийлик мазҳаби оддий ҳуқуқ (урф)дан ҳам ҳуқуқнинг кенг мустақил ёрдамчи манбаи сифатида фойдаланишга имкон беради, бу ҳол ҳаётини эҳтиёжларни ва маҳаллий одатларни ҳисобга олиб ҳуқуқий қарорлар қабул қилиш имконини беради. Бу мазҳаб қоидалари мўтадиллиги, бирмунча юмшоқлиги, қулайлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олганлиги сабабли 11-асрдан бошлаб шимол ва шарққа кенг ёйилган. Кичик Осиё, Болқон, Шимолий Кавказ, Қора денгиз, Волга бўйлари, Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Хитойнинг олис кенгликларигача бўлган ҳудудларга тарқалган. Ҳозирги даврда дунё мусулмонларининг қарийб ярми ҳанафийлик мазҳабида.

ҲАНБАЛИЙЛИК - суннийликдаги диний-ҳуқуқ мазҳабларидан бири. Аҳмад ибн Ҳанбал асос солган. Ҳанбалийлик ҳуқуқ тизими ўта торлиги, ҳар қандай кўринишдаги "янгилик"ка, диний масалаларда эркин фикр юритишга қаршилиги, шариат аҳкомларига риоя этишда қатъий туришлиги билан ажралиб туради. Ҳанбалийлик тарафдорлари Қуръон ва ҳадисларни эркин талқин этиш йўлидаги ҳар қандай уринишларни қоралаганлар. Шунинг учун ҳам бу мазҳаб кенг тарқалмаган. Фақат 9-асрнинг 2-ярмида араб халифалигида муътазиллийларнинг ва илоҳиёт соҳасидаги ҳурфикрлиликнинг таъқиб остига олиниши туфайли Ҳанбалийлик таъсири бирмунча кенгайган ва 12-асрда мустақил мазҳабга айланган. 10-асрда Эронда, 11-асрдан 15-асргача Сурия ва Фаластинда ҳанбалийлик издошлари кўп бўлган. Ундан кейинги асрларда ҳанбалийлик тарафдорлари яна камайиб кетган. Ҳозирда Ҳанбалийлик Саудия Арабистонида расман эътироф этилган, бошқа мамлакатларда кам учрайди.

ҲАНИФ (араб. - чинакам эътиқод қилувчи, тақводор) - ҳаққа мойил яккахудоликка эътиқод қилувчи тақводор одам. Мусулмонлар ривоятига кўра, исломгача Арабистонда қабила худоларига сиғинишни рад этган, зоҳид, яккахудога астойдил ишонган, лекин христианликка ҳам, яҳудийликка ҳам қўшилмаган ва Иброҳим (ас) динларида бўлган одамларни ҳаниф деб аташарди. Қуръонда Иброҳим (ас) ҳам ҳаниф деб номланган, унинг чинакам яккахудоликка асосланган динини Муҳаммад (сав) тиклаган, деб ҳисобланади.

8-9-асрлардан бошлаб ханиф кўпинча "мусулмон", ислом эса, ханифлик дини маъносида ишлатилган. Сўфийлар ҳам ўзларини ханиф деб аташарди.

ҲАРАМ (арабча - сахн, чегара) - 1) мусулмонларда муқаддас деб ҳисобланадиган, қон тўкиш, қурол олиб юриш тақиқланадиган жой, ҳудуд. Маккаи мукаррама шаҳри атрофида белгиланган махсус чегара ила ўралган, шаҳар ва унинг атрофидаги маълум жойларни ўз ичига олган минтақа. Бу ҳудуд Пайғамбар (сав)дан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, Аллоҳ таоло осмонлару ерни яратган кунда ҳаром қилинган. У Аллоҳнинг ҳурмати ила қиёмат кунигача ҳаромдир; дарахти кесилмайди, ўсимлиги юлинмайди, ҳайвонлари овланмайди ва уруш қилиб бўлмайди. Бу ҳукм жоҳилият вақтида ҳам жорий қилинар эди. Бир-бирлари доимо уруш қилиб юрадиган араб қабилалари ҳам ҳарам ҳудудида ўз душманларини кўриб қолса, унга тегмасди. Ҳарамда нафақат одамга, балки ҳайвонот ва набобот оламига, ҳеч бир нарсага озор берилмайди. Олимлар, жиноят қилган одам қочиб ҳарамга кириб олса, унга озор берилмайди, аммо унга жой, таом берилмасдан, муомала қилинмасдан, ҳарамдан қайтиб чиқишга мажбур этилади ва чиққандан сўнг ушлаб жазоси берилади, дейишган. Ҳарам чегарасида ов қилишга қатъий ҳеч кимга изн йўқ. Аллоҳ таоло Ўзининг муқаддас шаҳри Маккаи мукаррама атрофидага маълум ҳудудни одамлар, ҳайвонлар, ўсимликларга ҳеч озор етказилмайдиган минтақага айлантирган. Ҳозирги кунда ҳарам чегарасидан мусулмон бўлмаганлар кирмаслиги ёзиб қўйилган ва тафтиш ҳам бор. Макка ва Мадинадаги муқаддас жойлар, Қуддус зиёратгоҳи ва бошқалар ўз ҳарамига эга. 2) Бой мусулмон хонадонининг аёллар яшайдиган ички қисми. 3) Туркия, Эрон, Афғонистон, Араб мамлакатлари ҳамда Ўрта Осиёда ҳукмдорлар саройларида хотин ва канизаклар яшайдиган қисми. 20-асрнинг 20-йилларидан бошлаб мусулмон мамлакатларининг аксариятида кўп хотинлиликнинг ман этилиши, иқтисодиёт ва маданият тараққиёти, демократик ҳаракатлар, хотин-қизлар ҳаракатининг ўсиши натижасида ҳарамлар деярли барҳам топган.

ҲАРОМ (арабча - ман қилинган, тақиқланган) - шариатда ҳеч қандай шубҳасиз, очиқ ойдин равишда ман қилинган нарса. Ароқ, нажосат тушган сув каби ичимликлар, чўчқа гўшти, Аллоҳнинг исми айтилмай сўйилган ҳайвонлар гўшти, эркак кишиларга ипак кийимлар ва никоҳида бўлмаган шахс ила жинсий алоқада бўлиш каби ҳаромдир. Шу билан бирга ўзи ҳалол бўлган нарсаларга шариатда ман қилинган ҳаром йўл билан эга бўлса, улар ҳам ҳаромга айланиб қолади. Мисол учун, зулм, ўғрилиқ, алдамчилик, порахўрлик йўли билан топилган ҳар бир нарса, ўзи қанча пок бўлса ҳам, топувчига ҳаромдир. Шунинг учун ҳам уламолар мутлақ ҳаромни - ўзида ҳаромлик сифати бор ёки ман қилинган йўл билан топилган нарсадир деб

таъриф қиладилар. Мусулмон инсон учун ҳаромдан ҳазар қилиш фарздир. Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларни ҳаром - ботил йўл билан бировнинг молини ейишдан қатъий равишда қайтарган. Бир луқма ҳаром таом еган одамнинг неча кунлаб дуоסי қабул бўлмаслиги таъкидланган. Мусулмон инсон ҳаром йўл билан молу дунё касб қилишдан, худди чўққанинг гўштини ейишдан ҳазар қилгандек, ҳазар қилиш керак. Ҳаром йўл билан молу дунё топган одам икки дунёда шарманда бўлади. Бу дунёда азоб-укубат, турли бало-офатларга йўлиқиб, у дунёда жаҳаннам ичида туриб, қорнига оловни таом ўрнига ейди. Шариатда ҳаром ҳисобланган нарсани ҳалол деб эътиқод қилган одам кофир бўлади. Ҳаромга ота-онага оқ бўлиш, зинокорлик, рибо (судхўрлик), сеҳргар ва фолбинларга ишониш, ўғрилик, қароқчилик, порахўрлик, жосуслик, чақимчилик, ёлғончилик, қотиллик, ноҳақ қон тўкиш, хиёнаткорлик, ўликка дод-вой солиб йиғлаш, савдо-сотикда фирромлик, ғийбат, тухмат кабилар ҳаром амаллардир. Ейиладиган нарсалардан тўнғиз, ваҳший ҳайвонлар, ўзича ўлган ҳалол ҳайвонлар, сўйилганда оққан қон, "бисмиллоҳ" айтмай сўйилган ҳалол ҳайвон гўштлири, динсиз (мажусий)лар сўйган ҳайвон гўштлири, маст қилувчи ичимлик ва гиёхларнинг ҳаммаси ислом шариатида ҳаром қилинган. Булардан ташқари эркакларга тилла нарса тақиш, ипак кийим кийиш, аёлларга эркакча кийиниш, тилла-кумуш идишда овқатланиш, аврат жойларини очиб юриш кабилар ҳам ҳаром амаллардан саналади. Фойдаланиши ҳаром этилган ва истифода қилган кишига фақат зарар берадиган ўсимликларни экиш ҳам, парвариш қилиш ҳам исломда ҳаром ҳисобланган. Масалан, наша, қорадори, афюн сингарилар. Тамаки ҳам шулар тоифасига киради. Бир нарсанинг ҳаром экани шубҳасиз, очиқ далиллар билан маълум бўлса, уни экиш ва етиштириш ҳам ҳаромдир. Агарда у нарса макруҳ бўлса, уни экиш ва етиштириш ҳам макруҳ саналади. Мусулмон киши ғайримусулмонга сотиш ниятида ҳаром нарсани экиши (у нарсдан ўзи фойдаланмаса ҳам) ҳалол бўлмайди. Чунки, мусулмон ҳеч қачон ҳаромга қўл урмаслига, ҳаромдан истифода этмаслиги, ундан узоқ туриши керак. Шунга кўра, масалан, насронийларга сотиш учун чўққа боқиш ҳам мусулмонга жоиз эмас. Бу хусусда исломнинг ҳатто арақ тайёрланиши аниқ маълум бўлган жойга унинг хом ашёсини (узум ё буғдойни) сотишни ҳам ҳаром қилганини эътиборга олсак, масала янада ойдинлашади.

ҲАСАН ибн Али (625-669) - Али ибн Абу Толиб(қв)нинг (Фотимадан туғилган) ўғли, Муҳаммад(сав)нинг набираси, иккинчи шиа имоми. 661 йилда Али ўлдирилгандан кейин унинг тарафдорлари Ҳасанни Ироқда халифа деб эълон қилган ва Муовия ҳокимиятига қарши курашни янгитдан бошлашга даъват етган Лекин, Ҳасан (ра) Муовия билан музокаралар олиб бориб, у билан келишган, ўзига инъом этилган катта маблағ ҳисобига ҳокимиятга даъво

қилишдан воз кечиб, Мадинага кўчиб кетган ва у ерда вафот этган (шиалик ривоятлар бўйича заҳарлаб ўлдирилган).

ҲАҚҚ ("асл", "ҳақиқий", "ҳақиқат") - воқелик ҳақида билдирилган фикр воқеликка тўғри : келишини англатувчи термин; фикр мулоҳазаларнинг воқеликка мос келиши сидқ термини билан ифодаланган. Бу икки термин кўпинча синоним сифатида ишлатилган, бироқ қўлланиладиган жойига қараб уларни фарқлашган: Ҳаққ термини дин ёки мазҳабга ишонтириш (ақдда) учун ишлатилади. Бунда унинг зидди - ботил истилоҳидир. Сидқ термини фикр (ҳукм), мулоҳаза (қавл)ни таърифлашда қўлланилиб, унинг зидди - кизб.

ҲИДОЯ (арабча - қўлланма; тўла номи "ал- Ҳидоя фи шарҳ ал-Бидоя" - "Бидоя" (китоби) нинг шарҳи бўйича қўлланма") - суннийликнинг ҳанафийлик мазҳабида кенг тарқалган шариат қўлланмаси (кодекси). Қўлланмани Бурҳониддин Марғинович 13 йил давомида ёзган. Уни яратишда Бурҳониддин Марғинович Қуръони Карим оятлари, дастлабки 4 халифа, саҳобалар ва тобеинларнинг ривоятлари, ҳадислар, суннийлик оқидамидаги 4 мазҳаб асосчиларининг асарларига таянган. Ҳидоя 4 жилддан иборат, 57 китоб, 165 боб, 152 фаслдан таркиб топган. Ҳидоянинг 1-жилди 5 китобдан иборат бўлиб, таҳорат ва амалий ибодатлар (намоз, рўза, закот ва ҳаж)га бағишланган. 2-жилдга никоҳ, эмизиш, талок, кул озод қилиш, топиб олинган болаларнинг насабини аниқлаш, бедарак йўқолганлар, шерикчилик, вақф ҳуқуқи каби масалалар киритилган. 3-жилдда олди-сотди, пул муаммолари, кафолат, қозиларнинг вазифалари, гувоҳдик, ваколат, даъво, сулҳ, қарз бериш, совға, ижара, волийлик (патронат), ҳомийлик каби масалалар ўрин олган. 4-жилдда шафоат, меросни тақсимлаш, васият, деҳқончилик ва боғдорчилик хусусида шартнома, қурбонлик қилиш, овчилик, гаровга бериш, жинойтлар хусусида, хун ҳақи тўлаш каби масалалар ёритилган. Китоб яратилган даврдан бошлаб фақиҳлар, тарихчилар, шоҳу ҳокимлар диққатини тортиб келади. Ҳидоя бир неча асрлар давомида кўп мусулмон мамлакатлари, жумладан, Осиёда ҳам ҳуқуқшунослик бўйича энг асосий қўлланма ҳисобланган. Ўзбекистонда 20-асрнинг 30йилларигача - шариат қозилари бекор қилиниб, шўролар суд тизими жорий қилингунча амалда бўлиб келди. У мусулмон мамлакатлари олий ўқув юртларининг ўқув дастурларига киритилган. Китоб жаҳоннинг бир неча тилларига таржима қилинган. Ҳидояни ўзбек тилида мукамал таржима этишга киритилган.

ҲИЖОБ (арабча - парда, ёпинғич) - мусулмон аёлларнинг кўчага чиққанда танасининг аврат қисмини беркитиб турадиган ёпинғичи. Ҳижобни дастлаб Муҳаммад (сав)нинг хотинлари кейинчалик барча озод мусулмон аёллар ёпиниши ҳақида Қуръон ояти (33, 54) ила кўрсатма берилган. Ҳижобнинг бир неча турлари бор. Ўзбек аёлларининг миллий кийими шаклан

ҳижоб кийими билан уйғунлашиб кетган. Ҳижобни муслима аёллар, ўзларига маҳрам бўлмаган, яъни, ораларида никоҳ қилиниши мумкин бўлган эр кишилар олдида кийган ҳолда бўлишлари лозим бўлади. Ҳижобни оддий бир хил рангдаги, ажнабий кишиларнинг назарларини жалб қилмайдиган матодан бўлиши матлубдир.

ҲИЖРА, ҳижрат (арабча - кўчиб ўтиш) - Муҳаммад (сав) ва тарафдорларининг Маккадан Мадинага кўчиши. Ўз диний тарғаботларини Маккада бошлаган Муҳаммад (сав) Қурайш мушрикларининг унга нисбатан душманлиги кучайиши, вазиятнинг оғирлашиши натижасида 622 йилда сафдошлари билан Мадинага кўчганлар. Кўчиш бир неча ой давом этган, 638 йилда халифа Умар буйруғи билан мусулмонлар ўртасида ҳижра тақвими амалга киритилган, яъни 622 йил мусулмон йил ҳисобининг боши деб эълон қилинган.

ҲИЖРИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ - халифа Умар ибн Хаттоб томонидан жорий қилинган мусулмонлар йил ҳисоби. Муҳаммад (сав) ва сафдошларининг Маккадан Мадинага кўчиши билан боғлиқ. Қамарий (ҳижрий-қамарий йил) ва шамсий (ҳижрий-шамсий йил)га бўлинади. Қамария бўйича ҳижрий йил ҳозирги 622 йилнинг 16 июлидан бошланиб, синодик ой (29, 530588 кун)га асосланган. 12 ойдан иборат бир қамарий йил 354,3671 кундан иборат. Қамарий йилда 1, 3, 5,-7, 9 ва 11-ойлар 30 кундан қолганлари 29 кундан бутун қилиб олинган, Ойлар тартиби билан муҳаррам, сафар, рабиул аввал, рабиул охир, жумодил аввал, жумодил охир, ражаб, шаъбон, рамазон, шаввол. зулқаъда, зулҳижжа деб аталади. Қамарий йил тропик йилдан (ҳозирги григорий тақвимида) 10-12 кун қисқа. Агар григорий тақвимида оддий йил, қамарий тақвимда эса, қабиса йили бўлса, уларнинг фарқи 10 кун, иккала тақвимда оддий ёки қабиса йиллари бўлса, фарқи 11 кун, қамарий тақвимда оддий ва григорий тақвимида қабиса йили бўлса, уларнинг фарқи 12 кун бўлиб, ойлар, фасллар бўйлаб қишдан кузга, куздан ёзга ва ҳоказоларга сурилиб боради. Қамарий йилнинг баъзилари қабиса бўлишига сабаб йилнинг каср қисми (0,3671 кун) ҳар 30 йилда 11,013 кунни ташкил этишидир. Унинг 19 йили оддий (354 кунлик), 11 йили қабиса (355 кунлик), 30 йиллик арабча циклининг 2, 5, 7, 10, 13, 16, 18, 21, 24, 26 ва 29-йиллари қабиса деб қабул қилинган. Қамарий ҳисоби Яқин ва Ўрта Шарқнинг кўп мамлакатлари ва бошқа баъзи мамлакатларда қўлланилади. Ҳижрий-шамсий йил ҳисоби 622 йилнинг баҳорги тенг кунлик куни - 21 мартдан бошлаб ҳисобланади; кейинги йил бошлари эса, 20, 21 ёки 22 мартга тўғри келади. Давомийлига григорий тақвимидаги каби 365 ёки 366 кундан иборат. Шамсий бўйича ойларнинг номлари хут, ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сумбула, мезон, ақраб, қавс, жадй ва далв бўлиб, бу ойлар доимо йилнинг маълум бир вақтларида келади.

Шамсий ҳисобдан Афғонистон, Эрон, Туркия ва бошқа мамлакатларда фойдаланилади. Ислом диний анъанаси камария ҳижрий йил ҳисобига асосланган, барча диний урф-одат ва байрамлар ана шу тақвим асосида ўтказилади. Ўрта Осиёда янгича йил ҳисоби кенг оммавийлашгунига қадар камария ҳисоби ҳам, шамсия ҳисоби ҳам ишлатилиб келинган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳижрий йил ҳисобидан диний муассасалар ва руҳонийлар фойдаланади.

ҲИЗБУЛЛОҲ (арабча - Аллоҳ партияси) -исломдаги фундаменталистик фирқа. 1980-йилларнинг ўрталарида ташкил топган. Бир неча мусулмон мамлакатларда, асосан, Эрон ва Ливанда фаолият юритади. Ҳизбуллоҳнинг асосий шиори - "Ислом республикаси"ни тузиш учун ислом инқилобини амалга ошириш. Ироқда, Исроил босиб олган Ғазо секторида, Ливанда ҳам Ҳизбуллоҳ гуруҳлари бор. Ҳозирда Ҳизбуллоҳ Фаластин - Исроил муносабатлари кескинлашган шароитда ўта жангари фаолияти билан ажралиб турмоқда.

ҲИЗБУТ-ТАҲРИР (тўла номи "Ҳизбут таҳрир ал-исломия" - "Ислом озодлик партияси") — норасмий сиёсийлашган диний тузилма (оқим). 1953 йилда Исроилда пайдо бўлди. Асосчиси - шайх Тақиюддин Набаҳоний (1909-1979). У Мисрдаги "ал-Азҳар" университетини тамомлаган, Қуддус шаҳрида шаръий шикоят судининг аъзоси лавозимида ишлаган. Иорданиядаги "Мусулмон биродарлар" диний экстремистик ташкилоти раҳбарларидан бири бўлган. "Ҳизбут-таҳрир" тузилма жиҳатдан пирамида кўринишида ташкил топган. "Дорис"лардан таркиб топган "ҳалқа"даги 4-5 киши гуруҳ раҳбари - "мушриф"дан сабоқ олади. Бундай кичик "ҳалқа"ларга бўлиниш, ташкилот асосчиларининг фикрича, фош бўлиш имкониятини мумкин қадар камайтиради. Машғулот ҳафтада камида 1 марта ўтказилиши шарт. Бундай "дарс"ларда номигагина диний таълим берилиб, асосий эътибор ёшлар тарбиясидаги маънавий бўшлиқдан фойдаланиб, уларнинг онгига ғаразли сиёсий фикрларни жойлашга қаратилади. Ҳалқа аъзолари бир-бирларини фақат исми ёки таҳаллуси орқали билади. Ташкилотга аъзо бўлаётган номзод ҳар қандай шароитда ҳам ҳизб фаолияти ҳақидаги маълумотни сир сақлаш ҳақида қасам ичади. Минтақавий раҳбар - "муътамад", бутун дунё бўйича "Ҳизбут таҳрир" ҳаракати раҳбари, яъни "амир" томонидан белгиланади ва вилоят даражасида ишлайдиган "масъул" ҳамда туман миқёсида фаолият кўрсатувчи "мусоид"га раҳбарлик қилади. Туманлар ҳам алоҳида ҳудудларга бўлинади ва 4 мушрифдан иборат "накиб" раҳбарлик қилувчи "маҳаллий жиҳоз"ни ташкил этади. "Ҳизбут таҳрир" кўпгина мусулмон давлатлари, жумладан Миср, Иордания, Тунис, Ироқ, Жазоир, Судан, Яман ва бошқа давлатларда ўз фаолиятини яширин олиб бормоқда. Бугунги кунда бу

тузилмага фаластинлик Абулқадим Заллум раҳбарлик қилмоқда. Мазкур диний ташкилот 1992 йилдан Ўзбекистонда махфий фаолият юрита бошлади. Ҳизбчиларнинг мақсади: тинч, осойишта давлатда фуқаролар урушини бошлаш, мамлакат иқтисодий фаолиятини издан чиқариш, миллатлар ва динлараро низоларни келтириб чиқариш, мамлакатга курул-яроғ ва гиёҳванд моддаларни олиб кириб, фуқароларнинг тинч ҳаётига раҳна солиш, мустақил давлатни курул-яроғ ишлаб чиқарувчи хорижий мамлакатларга қарам қилиш. Бу диний ташкилотнинг 3 кураш босқичи бор. Булар 1) тасқиф - тушунтириш ишлари. Онги тўлиқ шаклланмаган ёшларни ўз тузоғига илинтириш. Фикри заиф, таъсирга берилувчан ҳуқуқ-тартибот органлари, ҳокимиятлардаги масъул шахсларни ўз тарафига оғдириш; 2) тафоул - биргаликда ҳаракат қилиш, фикрий кураш орқали "умматнинг оёққа туриши, фикрий онглилиги йўлида фикрий инқилобга етишиш; 3) инқилоб - тўнтариш, ҳукуматни уммат орқали қўлга киритиш. "Ҳизбут таҳрир"нинг ғояси ислом таълимотидан узоқ, демократик-ҳуқуқий давлат конституциясига зиддир. У виждон эркинлигини суистеъмол этиб, сиёсий ҳокимиятга интилиш йўлини тутган. "Ҳизбут таҳрир" 1989 йилдан турли тилларда "ал-Ваъй" (Онг) номли ойлик журнал чиқариб, махфий равишда тарқатиб келади. "Ҳизбут таҳрир"нинг расмий фаолияти араб давлатларида тақиқланган. Ушбу ташкилотнинг Иорданиядаги масъули шайх Ахмад ад-Даур 1969 йил ҳукуматни эгаллашда айбланиб қатл этилган, 32 аъзоси Мисрда судланган.

ҲОЖИ - ҳаж маросимларини тўла-тўқис бажарган шахс. Одатда бундай кишиларга ҳожи сўзини қўшиб мурожаат қиладилар (масалан, Ахмад ҳожи, ҳожи бува, ҳожи ота, ҳожи она ва ҳоказолар). Курбон ҳайити кунларидан бошқа вақтларда Макка ва Мадинани зиёрат қилганлар умрачи ёки арабча "муътамир" деб аталади. Қуйидаги шартларга жавоб берган кишилар ҳожи бўла олади; 1) ислом динида бўлиш; 2) балоғатга етмоқ; 3) эсли-хушли бўлмоқ; 4) кодир бўлмоқ, яъни: а) жисмонан соғломлик, б) ҳаж сафари учун ҳамда Ватанда қолаётган оила аъзоларининг ҳаражати учун кифоя қиладиган маблағга эга бўлмоқ, в) аёл киши учун маҳрам (унга уйланиши мумкин бўлмаган эр қариндош) билан бориши. Ўзи бормасдан бировга ҳақ тўлаб, сиртдан ҳаж (ҳажжи бадал) қилган одам ҳам ҳожи ҳисобланади. Ҳожилик - бирор имтиёз берадиган мансаб ёки лавозим эмас. Аксинча, у кишига жамоада камтарин, тақводор, ҳусни хулкли бўлиб юриш масъулиятини юклайди. Ногирон кишилар ҳаж қилмоқчи бўлсалар, уларга доим қараб турадиган ёрдамчи лозим.

ҲОШИМИЙЛАР, бану хошим - 1) Муҳаммад (сав) бобо калонлари Ҳошим ибн Абдуманноб авлодлари; Расулуллоҳ (сав) мансуб бўлган уруғ-хонадон. Ҳошимийлар Муҳаммад (сав) ҳаётларида, ул зот вафотидан сўнг эса

араб-мусулмон тарихида муҳим рол ўйнаган. 2) Ҳошимийлар бир қанча мусулмон ҳукмдорлари сулоласини шакллантирганлар. Чунончи, 10-асрдан 1924 йилгача Макка шарифлари, унинг ҳокимлари. Бу сулола вакиллари (ал-Ҳавошим-Ҳошимийлар) 20-аср бошида Ҳижозда (1908-1925) ва Ироқда (1921-1958) давлатни идора этишган, 1921 йилдан Иордания Ҳошимийлар қироллигида, ҳошимийларнинг бошқа бир тармоғи эса Марокаш Қироллигида (10-асрдан) ҳокимиятни бошқариб келмоқдалар.

ИБОДАТ (арабча - қуллуқ қилиш, бўйсунуш, ўзини паст олиш, итоат қилиш) - худога сиғинуш, илтижо қилиш. Мусулмон уламолари ибодатни бири-бирига яқин маънода турлича таърифлаганлар. Ибодат Аллоҳга бўйсунуш ва унга ўзини ҳокисор тутишнинг олий даражасидир. Ибодат фақатгина Аллоҳни улуғлаш учун Унинг амрига биноан амал қилишдир. Ибодат Аллоҳ ёқтирадиган ва рози бўладиган сўзлар, ишлар ва зоҳирий ҳамда ботиний амаллардир. Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш учун ният билан қилинадиган барча амаллар ибодатдир ва ҳоказо. Фуқаролар ибодатни тор доирада олганлар. Уларнинг наздида намоз, рўза, ҳаж, закот, Қуръон қироати, зикр, хайри садақа каби нарсалар ибодат ҳисобланади. Шу маънодаги ибодат жисмоний, молиявий ва жисмоний-молиявий ибодатларга тақсимланади. Жисмоний ибодатга намоз, рўза кабилар қиради. Молиявий ибодатга закот, садақаи фитр кабилар қиради. Жисмоний-молиявий ибодатга ҳаж, умра кабилар қиради. Ибодат фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб даражаларида бўлади. Фарз ибодатни инкор қилган кофир, уни тан олиб, амал қилмаган осий бўлади. Вожиб ибодатни қилган савоб олади, қилмаган гуноҳкор бўлади. Суннатни бажарган савоб олади, бажармагани итоб қилинади. Мустаҳабни қилган савоб олади, қилмаганга ҳеч нарса йўқ. Ибодатни адо қилишда бошқанинг ёрдамидан фойдаланиш мумкин. Бировнинг ёрдами ила ибодат қилиш имкони бор одам ибодат қилишга қодир ҳисобланади ва қилмаса гуноҳкор бўлади. Ибодат қилиш учун унинг ҳаммасини адо этишга ният бўлмоғи лозим. Баъзисини адо этишга ният қилса-ю, қолганига ният қилмаса ибодат тўғри бўлмайди. Ақли расо бўлмаган кишилардан ибодат соқит бўлади. Узрли кишилардан ибодатнинг баъзиси соқит бўлади. Масалан, бемор одам туришга қодир бўлмаса, ўтириб намоз ўқийди. Мусофир одам тўрт ракаат ўрнига икки ракаат намоз ўқийди. Ибодатни адо этмаслик учун ҳийла қилиш жоиз эмас. Масалан, намоз вақти яқинлашганда уйқу дори ичиб олиб, ухлаб қолиб намозни ўтказиб юборибман дейиш. Закот фарз бўлганда молининг ярмини ўғлига ҳадя қилиб, молим нисобга етгани йўқ, дейиш кабилар. Ибодат адо этилаётган пайтда бузилса, у бошқатдан адо этилади. Агар ибодат жараёнида уни тузатиш имкони бўлса, тузатиб ҳам олиш мумкин. Масалан, намозни фосид қилмайдиган хато содир бўлса, уни саҳв саждаси ила тузатиб олиш мумкин.

Ибодат таъаббудий ва ғайри таъаббудий (ҳикмати маълум ва ҳикмати маълум эмас) га бўлинади. Масалан, рўза ибодатининг сабр, чидам, соғлиққа фойдаси каби ҳикматлари маълум. Аммо намознинг нима учун пешинда 4, шомда 3, бомдодда 2 ракаат фарз бўлганининг ҳикмати маълум эмас. Шунга ўхшаш таъаббудий ибодатларни амр бўлгани учун ҳикматини суриштирмай адо этилаверади.

ИБОДИЙЛАР, абодийлар - хорижийларга мансуб 4 асосий фирқа (жамоа)нинг энг "мўтадил" ҳисобланган қисми, Абдуллоҳ ибн Ибод (ёхуд Абод) (7-асрнинг 2-ярми)нинг издошлари. 684 йил Басрадаги хорижийлар орасида бўлиниш содир бўлган: азракийлар умавийларга қарши чиқишган, Абдуллоҳ бўлса, Басрада қолиб, қуролли курашдан воз кечган ва хорижийларнинг "мўтадил" қанотига раҳбарлик қила бошлаган. Ибодийлар фирқасининг ҳақиқий асосчиси ва раҳнамоси Жобир ибн Зайд (Уммонда туғилган, 717 йилда вафот этган) эди. 9-аср охиригача Уммон ибодийлари мустақил бўлишган, сўнгра мамлакат яна аббосийлар тасарруфига ўтган, лекин 11-аср бошидан эътиборан ибодийлар Уммонда яна ҳокимият тепасига келганлар. Ҳозирда бу мамлакат аҳолисининг ярмидан ортиғини ибодийлар ташкил этади. Ибодий диний-сиёсий дастури асосини имомат ҳақидага таълимот ташкил қилади. Ибодийлар имоматнинг мавжуд бўлиши шарт эмас, бир вақтнинг ўзида ислом дунёсининг турли қисмларида бир неча имомлар бўлиши мумкин деб ҳисоблаганлар. Имом шайхларнинг махфий кенгаши томонидан сайланиб, бу қарор халққа эълон қилинган. Кўпинча сайловлар битта қабила ёки уруғ доираси билан чекланиб қолган.

Ибодийлар имоми - ҳоким (лашкарбоши, қози, фақих) ҳам бўлган. Ибодийлар ақидасида суннийлар ва мутазилийлар ақидасидаги тамойиллар акс этган. Ибодийлар одамларнинг қилмишини вужудга келтирувчи Аллоҳдир, деб биладилар. Сиёсий ва диний сабабларга кўра, кишини ўлдиришни рад этганлар. Ибодийлар таълимоти тарафдорлари гарчи кўп мамлакатларга тарқалган бўлсалар-да, улар диний соҳада ҳам, сиёсий соҳада ҳам яқдил бўлмаганлар. Ҳозирги Шимолий Африкада, Уммон, Занзибар оролида ибодийлар жамоалари мавжуд. Уларнинг диний эътиқод ва маросимлари суннийлик ва шиаликдаги оқим, фирқалардаги эътиқод ва маросимлардан ўзининг айрим хусусиятлари билан фарқ қилади.

ИБРОҲИМ (ас) - Қуръонда номи зикр этилган пайғамбарлардан бири, ўздан кейин ўтган барча пайғамбарларнинг бобокалони, араблар ва яҳудийларнинг умумий аждоди. Яккахудоликни тарғиб қилган. Аллоҳнинг чин дўсти (халилуллоҳ), имом ("жамоа раҳбари"), сиддиқ ("ҳақиқатгўй") ва ханиф ("яккахудоликни тарғиб қилувчи") деб таърифланади. Яҳудий-христиан диний адабиётларида Авраам номи билан маълум. Бобилда таваллуд топган.

Аввалига юлдуз, ой, қуёшга сиғинмоқчи бўлган, кейин ёлғиз Аллоҳга ибодат қила бошлаган. Отаси Озор ва қавмларини ҳам ана шунга даъват қилган. Бу ҳақда Қуръонда (Анбиё сураси 53-56-оятлар) келган. Улар билан баҳслашган, аммо ишонтиролмагач, отаси ва қавмлари сиғиниб юрган ҳамма бутларни синдириб ташлаган (Анбиё сураси 58-60-оятлар). Шу сабабли уни ёндириб юбормоқчи бўлиб ўтга ташлаганлар, аммо, у Аллоҳ иродаси билан оловдан соғ-саломат чиққани Қуръонда баён қилинган (Анбиё сураси 68-72-оятлар). Қуръонда ёзилишича, Аллоҳ Иброҳим (ас)га қариганда икки фарзанд берган. Булар Исмоил ва Исҳоқ (ас)лардир. Исмоил (ас) Муҳаммад (сав)нинг катта бобоси, Исҳоқ эса, Исо (ас) ва ундан аввал ўтган пайғамбарларнинг катта бобосидир. Иброҳим(ас) тушида қилинган илҳомга асосан Аллоҳга бўлган чин эътиқоди эвазига битта ўғли (Исмоил)ни қурбон қилишга қарор қилган, лекин Аллоҳ боланинг ўрнига кўчқор юборган. Маккаи мукаррамада Байтуллоҳ (Аллоҳнинг уйи)нинг бунёд бўлиши, ислом арконларининг 5-фарзи - ҳаж қилиш Иброҳим (ас)га бориб тақалади. Каъба яқинидаги "Иброҳим жойи" ("Иброҳим мақоми") мусулмонлар зиёратгоҳидир. Одатда, хатна қилишни ҳам Иброҳим (ас) номи билан боғлайдилар. Манбаларда Иброҳим (ас)нинг 175 йил умр кўргани, ўғиллари томонидан Мадинатул Халил (Хеврон, Фаластин)га дафн этилгани ёзилган. Бу қабр зиёратгоҳ ҳисобланади.

ИЖМО (иттифоқ бўлиш, азму қарор қилиш) - муҳокама этиладиган масала юзасидан мужтаҳидларнинг бир фикрга келишуви; фикҳ манбаларидан бири. Усул ал фикҳ уламолари ижмони куйидагача таърифлайдилар: Муҳаммад (сав)нинг умматидан бўлган барча мужтаҳидларнинг у кишининг асридан кейинги даврларда бирор шаръий ишга яқдиллик билан иттифоқ қилишлари ижмодир. Ижмо фақат мужтаҳидлар тарафидан содир бўлади. Ижмода фақатгина фосиқлик ва бидъатчиликдан холи бўлган мужтаҳидлар қатнашади. Ижмонинг келиб чиқиши 7-асрнинг 2-ярмида ўтган дастлабки мужтаҳидлар - "Мадинанинг етти фақиҳи" -Саид ибн ал-Мусаййиб, Урва ибн аз-Зубайр, Абу Бакр ибн Убайд, ал-Қосим ибн Муҳаммад, Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ, Сулаймон ибн Ясар ва Хориж ибн Зайд фаолиятлари билан боғлиқ. Улар мунозарали масалаларни ўрганиш тартибини белгилаб беришган. Бунинг учун ҳар бир мунозарали масала юзасидан имкони борича тўлиқ маълумот тўплашган, иложи борича кўпчилик кишилардан сўраб билишган. Сўнгра бу маълумотлар солиштирилиб муҳокама этилган, энг ишончли деб билингани бўйича ягона бир қарорга келинган. Замон, шароитга қараб ўзгариб турадиган ҳукмлар мусулмон жамоаси ижтиҳод қилиб ечиш учун қолдирилган. Агар Қуръонда ҳам, суннатда ҳам зикри келмаган масала кўндаланг бўлиб қолса, бу масаланинг ечилиши мусулмонларнинг ишбошиларига ҳавола қилинади. Ижтиҳод мақомига етган ишбошилар мазкур масалани Қуръон ва Суннат

қоидалари асосида ҳал этадилар. Бунга амал қилиш ҳар бир мусулмон учун вожибдир. Чунки оятда: "...Пайғамбарга ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинг", деган амр бор. Аллоҳнинг амрига бўйсунуш эса, вожибдир. Аммо, ишбошиларга бўйсунушда бир неча шартлар бор. Аввало, оятда "ўзингиздан бўлган" дейиляпти. Фақихдар бу оятдаги "ишбоши"ларни фикҳда ижтиҳод даражасига етган уламоларнинг жамланиб, бирор масала бўйича иттифоқ бўлиб қарор қилишлари, ишбошилиқдир, деганлар. Аҳли Суннанинг барчалари, ижмо фақат мужтаҳидларнинг иттифоқи ила бўлади, ким бўлишидан қатъи назар бошқаларнинг қилган иттифоқи ижмо бўла олмайди, деганлар. Баъзи тарафлар энг яхши ижмо тўрт рошид халифанинг қилган ижмоларидир деганлар. Ижмо учун суянч бўлиши шарт. Бу суянч матнда келган далил ёки қиёс бўлади. Одатда ўша матн ёки қиёс махфий бўлади. Мужтаҳидлар уни ошкор қилишга ижтиҳод қиладилар ва уни ҳал қилишда иттифоқ бўладилар. Ижмо йўли билан собит бўлган ҳукм шаръий бўлса, уни инкор қилган шахс кофир бўлади. Шаръий ва машхур бўлмаган масалалардаги ижмони инкор қилган шахс кофир бўлмайди. Ҳанафийларнинг фикрича, қатъий равишда собит бўлган ҳар қандай ижмони инкор қилган шахс кофир бўлади. Агар бир асрнинг баъзи мужтаҳидлари бир масалада ижмо қилсалар ва бу ҳақда бошқа мужтаҳидларга хабар етганда улар жавоб бериш муддатида сукут сақласалар, Ижмои сукутий бўлади. Бу ҳам ҳанафийлар наздида қатъий ижмо ҳисобланади. Ижмо насх бўлмайди. Чунки, у Пайғамбар (сав)нинг вафотидан кейин бўлган нарсадир. Пайғамбар (сав)нинг вафотларидан кейин насх бўлиши мумкин эмас. Қуръон ва Суннатга хилоф равишда фатво бериб бўлмаганидек, ижмога хилоф равишда ҳам фатво бериб бўлмайди. Шунингдек, Қуръон ва Суннатда ҳукми бор масалада қиёсни ишлатиш мумкин бўлмаганидек, ижмода ҳукми бор бўлган масалада ҳам қиёсни ишлатиш мумкин эмас. Охириги пайтларда мужтаҳидлар йўқ бўлгани ва ижтиҳод эшиги беркитилгани оқибатида ижмо ҳам тўхтаб қолган.

ИЙД (араб. - ҳайит, байрам) - ислом анъанасидаги 2 диний байрам. 1-си қурбон ҳайити (ийд ал-адҳа) - зул-ҳижжа ойининг 10-куни. 2-си рўза ҳайити (ийд ал-фитр) - рамазон ойи тугагандан кейин шаввол ойининг 1-куни.

ИМОМ (араб. - олдинда турувчи) - намозда олдинда турувчи, ғоявий раҳбар, мусулмон жамоаси бошлиғи. Кундалик ҳаётда масжидда жамоа намозининг раҳбарини имом деб атайдилар. Имом вазифаларини айни бир одам бажариши мумкин, аммо имом мансаб ҳам, касб ҳам ҳисобланмайди: у ҳақиқатда намозни бошқариб тургани учунгана имом деб эътироф қилинади. Маҳалла ва қишлоқ масжидларида одатда диний маълумоти бор одам имом ҳисобланади. Жоме масжидларининг имоми махсус диний маълумотга эга ва диндорлар ўртасида обрў қозонган бўлиши керак. Намозда кимлар имом

бўлишга ҳақлироқ экани фикр китобларида баён қилинган. Исломи дини пайдо бўлган дастлабки йилларда имом вазифасини Муҳаммад (сав), у зотнинг вафотларидан сўнг эса, халифалар бажарган. Муҳаммад (сав) ва дастлабки халифалар намозда олдинда турувчиларгина эмас, шу билан бир вақтда қавм бошлиқлари ҳам эдилар, бинобарин имом – халифа амалда олий диний ва сиёсий раҳбар ҳисобланган. Назарий жиҳатдан ягона мусулмон жамоасида имомни олий диний ва дунёвий ҳоким сифатида тасаввур қилиш ана шундан бошланган. Айнан кимни қонуний имом деб ҳисоблаш керак ва унинг ҳокимиятининг моҳияти қандай, деган масаладаги баҳслар мусулмонларнинг суннийлар ва шиаларга бўлинишига сабаб бўлди. Суннийларнинг олий ҳокимият назариясига кўра, халифа барча мусулмонларнинг имоми ҳисобланади. Халифа имомнинг асосий вазифаси - динни сақлаш ва дунёвий ишларни бошқариш. Имом диний қонунқоидалар қавм ҳаётига тўғри жорий қилинаётганини кузатиб бориши керак. Суннийлар, шунингдек, хорижийлар имомни қавмнинг вакили ҳисоблайдилар, у назарий жиҳатдан бутун қавм томонидан, амадда эса, унинг вакиллари томонидан сайланади ёки ўтмишдоши томонидан тайинланади. Шиалар назариясига кўра, имомларнинг олий ҳокимияти худо томонидан белгилаб қўйилган, шу сабабли у одамларнинг хоҳишига боғлиқ бўлиши мумкин эмас, яъни имом сайланиши мумкин эмас (имомнинг сайлаб қўйилишига фақат зайдийлар қарши эмасдилар). Аввал бошдан имомнинг сайланиш қоидасини рад этган шиалар мусулмонлар қавми ва давлатининг олий ҳокимияти Али авлодларига мерос ҳисобланади, чунки уларнинг ҳуқуқи илоҳий кўрсатма билан белгилаб қўйилган, деб эълон қилдилар. Шиаларнинг диний таълимотига кўра, имом 3 вазифани бажаради: 1) қонуний имом - ислом қавми бошлиғи, одамларнинг ишларини амалга оширишда Пайғамбарнинг вориси; 2) у - диний билим ва ҳуқуқлар тафсирчиси, Қуръон ва ҳадисларнинг энг тўғри муфассири; 3) у - одамларга ҳамма нарсанинг ботиний маъноларини англатадиган олий диний раҳбар. Имом ҳокимияти, шу тарзда, одамларнинг дунёвий ва руҳий ҳаётидан ташқари кўзга кўринмас дунё - "ғайб олами"га ҳам тегишлидир. Олий ҳокимиятнинг илоҳий табиатидан келиб чиқиб, шиалар аввал бошдан ўз имомларини Аллоҳнинг ердага ҳақиқий ва тўла ҳуқуқли вакиллари деб ҳисоблаб келганлар. Шиаларнинг имоми - Аллоҳнинг ноиби, у орқали Аллоҳга яқинлашиш мумкин, имомлар пайғамбарларга хос билимлар меросхўри. Бироқ Али авлодлари табиий равишда бўлиниб, тарқалиб кета борган сари олий ҳокимиятга даъвогарлик қилиши мумкин бўлганлар сони кўпая борди. Али авлодларининг турли шажараси вакиллари имом сифатида тан олган шиалик ҳар хил оқим ва жамоаларга бўлиниб кетди. Зайдийлар, исмоилийлар, имомийлар, "кескин" шиалар олий ҳокимиятни бериш қоидаси, имомнинг

ҳуқуқ ва бурчлари, имомларнинг ҳукмрон сулола билан ҳамкорлик қилиши мумкинлиги, уларнинг "адолатсиз" ҳукмдорларга муносабати ва бошқа масалаларни турлича талқин қилдилар. Кўпчилик учун ҳозирги вақтда Али авлодлари бўлган ҳақиқий имом йўқ. Шиаларнинг диний раҳнамолари - "дин одамлари" (рижал ад-дин) унинг тўла ҳуқуқли вакилларидир. Имом атамаси шиалик ва суннийликда, шунингдек, йирик диний раҳнамолар, катта қавмларнинг раҳбарлари, диний мазҳаб ва мактаблар асосчилари (Абу Ҳанифа, ал-Ашъарий, Ҳумайний ва бошқалар)га ҳурмат юзасидан ҳам қўлланилади.

ИМОМ ал-БУХОРИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУИ - Самарқанд яқинидага меъморий ёдгорлик, қадамжо. Челақ туманининг Хартанг қишлоғида жойлашган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 29 апрелдаги "Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Президент Ислоҳ Каримов лойиҳаси асосида алломанинг мақбараси ўрнида барпо этилди. Мажмуа 1998 йилда очилган. Ёдгорлик мажмуи аввало зиёратгоҳ, қадамжо, сўнг кундалик, жума, ҳайит намозлари ўқиладиган жой вазифасини ўтайди. Умумий майдони 10 га ни ташкил этади. Мажмуада мақбара, маъмурий бино, масжид, кутубхона, илмий ходимлар хонаси ва бошқа ёрдамчи хоналар мавжуд. Масжид ва пешайвонида 1500 гача киши намоз ўқиши мумкин. Масжид ичидаги меҳробнинг ўнг томонига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовга Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд ибн Абдул Азиз тухфа қилган кисва -Каъбапўш парчаси осиб қўйилган.

Кутубхонада Қуръоннинг ноёб қўлёзмалари, турли нашрлари, Имом Бухорий асарларидан намуналар ва бошқа китоблар бор. Мажмуа тўрида, мақбаранинг орқа тарафида ҳадис илмини ўрганишга мўлжалланган ўқув маркази - "Дорул ҳадис" биноси жойлашган. Бу ёдгорлик мажмуи кейинги асрларда бунёд этилган улкан ва



ноёб иншоотдир. У ёш авлодни эзгулик руҳида тарбиялайдиган, ҳар бир инсонни ҳаёт ва абадият ҳақида ўйлантирадиган азиз масканга айланди.

"ИМОМ ал-БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ" – Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасининг маънавий-маърифий, илмий-адабий журнали. 2002 йилдан Тошкентда уч ойда бир марта нашр этилади. Унинг вазифаси - халқимиз, айниқса ёшларни миллий-диний кадриятларни соғлом идрок етишига ёрдам бериш, миллий-маънавий меросимиздан баҳраманд этиш. Журналнинг

"Абадий барҳаёт китоб", "Муҳаддислар султони", "Ҳадисларнинг улуф ҳикмати", "Мовароуннаҳрлик буюк алломалар", "Ислом ва маърифат", "Истиқлол ва ислом" каби рукнлари бор. Бош муҳаррири Зоҳидилло Мунавваров. Адади 1000 нусха (2002).

ИМОМИЙЛАР - шиаликдаги асосий оқимлардан бирининг тарафдорлари, Али авлодига тааллуқди 12 имомни тан олувчи мўтадил шиалар. Имомийлар 11-имом Ҳасан ал-Аскарӣ вафоти (873 йил)дан кейин унинг ёш ўгли Муҳаммадни охирги, 12-имом деб тан оладилар. Ривоятларга кўра, бу имом йўқолган (тарихда ўлдирилган бўлса керак) деб ҳисобланади. Имомийлар уни "яширинган имом", яъни Маҳдий деб эълон қилиб, у қайтиб келиши билан адолат тантана қилади, деб ҳисоблайдилар. "Яширинган имом"га эътиқод Имомийларнинг асосий ақидаларидан биридир. Улар имомат таълимотини асосий қоида сифатида илгари суради, имомнинг сайлаб қўйилишини рад этади. Улар ўзларининг ҳамма имомларини "жабрдийда" деб билади ва уларга эътиқод қилади. Имомийлар шиаларнинг анча кўп тарқалган қисмидир. Имомийлар таълимоти ҳозирги Эроннинг давлат дини ҳисобланади. Имомийлар Ироқда аҳолининг деярли ярмини ташкил этади. Имомийлар жамоалари Ливан, Кувайт, Баҳрайн, Саудия Арабистони, Иордания, Афғонистон ва бошқа мамлакатларда бор

ИМОН, иймон (арабча - ишонч, эътиқод) -ислом динида Аллоҳга, унинг фаришталари, китоблари, пайғамбарлари, қиёмат куни, тақдир ва ўлгандан кейин тирилишга ишониш. Бу "имони муфассал", яъни иймоннинг муфассал таъбири деб ҳам аталади. Имон мотуридийлик таълимотига кўра, 2 нарсанинг бутунлиги - эътиқод (динга ичдан чуқур ишониш) , иқрор (сўзда буни тан олиш)дан иборат деб ҳисобланади. Исломда имон талаблари "аркон ал-имон (эътиқод асослари) саналади. Имон асосларига, у ақлимизга хоҳ сиғсин, хоҳ сиғмасин, барибир уларга шак-шубҳасиз эътиқод қилиш талаб қилинади. Имон талаблари, яъни ақидалар исломнинг диний дунёқараш асосларини ташкил этади. Дин ва ҳуқуқ илк ислом даврида ажратилмагани туфайли "Имон" муаммоси илоҳиётчиларни ҳам, фикҳшуносларни ҳам банд этган. Имон тушунчаси исломда муҳим ва баҳсли масалалардан бири ҳисобланиб, уни 8-аср бошидан турли илоҳиёт ва диний-ҳуқуқий мактаб вақшлари турлича талқин қилган. Ҳозирги кунда имон сўзи виждонлилик, ҳалоллик, софлик, Ватанни севиш маъноларида ҳам ишлатилади.

ИНЖИЛ - Аллоҳ таоло Исо (ас)га Жаброил орқали оғзаки тарзда нозил қилган китоб. Мусулмонлар бунга имон келтирадилар. Бу ҳақда Қуръонда бир неча оятлар келган. "Ва унга китобни, ҳикматни, Таврот ва Инжилни ўргатади" (Оли Имрон сураси 48-оят). "Уларнинг изларидан Исо ибн Марямни ўзидан

олдинги Тавротни тасдиқдовчи қилиб юбордик. Унга Инжилни бердик. Унда ҳидоят ва нур бор. У ўзидан олдинги Тавротни тасдиқлагувчидир. У тақводорлар учун ҳидоят ва мавъизадир" (Моида сураси 46-оят). Қуръонга кўра, Инжилда Муҳаммад (сав)нинг келишлари ҳақида башорат қилинган, бироқ Иижил матни насоролар томонидан бузилган. Лекин ўша илоҳий китобнинг асл нусхаси ҳозирда йўқ. Чунки, Исо (ас)нинг вақтларида Инжил китоб шаклида бўлмаган. Ҳеч ким ҳеч нарсани ёзмаган. У зотдан кейин баъзи кишилар ўзлари китоб ёзиб, мана шу Инжил, менга ваҳий қилинди ва уни мен ёзиб олдим, деб чикдилар. Аста-секин "Инжил ваҳий қилинганлар" кўпайиб бораверди. Охири бориб уларнинг сони жуда ҳам кўпайиб кетди. Уларнинг ҳар бири ўзининг Инжили ҳақ эканини даъво қилар эди. Орада гап-сўз, ихтилофлар кучайди. Шунда император Константин милодий 325 йилда Никея (Нисея)да катта мажлис чақирди. Бу мажлисда 2048 патриарх қатнашди. Сўнгра турли жамоалардан 2000 дан ортиқ руҳоний ўнлаб Инжилларни кўтариб келдилар. Император мажлис аҳли олдиға мавжуд Инжиллардан энг ишончлисини танлаб олиш вазифасини қўйди. Улар узок талашиб-тортишишлардан кейин 4 дона Инжилни танладилар. Ҳозирдада насоролар эътиқод ва амал қиладиган Инжиллар ана ўша 4 Инжилдир. 1-Мутто (Матфей) Инжили. Бу Инжил энг қадимги Инжил ҳисобланади. У Исо (ас)дан 4 йил кейин ёзилган. У иброний тилда ёзилган эди. Аммо, ўша асл нусхаси ҳам ҳозирда йўқ. Ҳозир бори ўшанинг таржимаси. Лекин таржимон ҳам, у қайси матндан таржима қилгани ҳам ҳозиргача маълум эмас. Бунинг устига бу Инжилнинг муаллифи Мутто Исо (ас)нинг ҳаворийларидан эмасди. Кейинроқ уни хоин Яҳузонинг ўрнига сайлашган эдилар. 2-Маркос (Марк) Инжили. Бу Иинжил юнон тилида Исо (ас)дан 23 йил кейин ёзилгани аниқ. Аммо уни ким ёзгани ноаниқ. Баъзи насоролар, уни Пётр ёзган, дейдилар. Бошқалари эса, уни Пётрнинг ўлиmidан кейин Маркос ёзган, дейдилар. 3-Лука Инжили. Бу китоб Масих (ас)дан 20 йил кейин ёзилган. Лука у зотнинг шогирдларидан эмас. У Полнинг шогирди. Унинг устози ҳам Исо (ас)ни кўрган эмас. Бунинг устига Пол насороликка душман бўлган яҳудийлардан эди. Шунинг учун ҳийла билан насороликка қарши кўп бузғунчиликлар қилган. 4-Юҳанно (Иоанн) Инжили. Бу Инжил Исо (ас)дан 32 йил кейин ёзилган. Баъзи насоро тоифалари уни Исо (ас)нинг шогирдларидан бири Юҳанно ибн Забдий ёзган, дейдилар. 500 таниқли насоро олимлари иштирокида ёзилган "Британия энциклопедияси" бу китобни, қалбаки китоб, деган. Мусулмон шахс Инжилни Аллоҳ томонидан Исо (ас)га туширилган илоҳий китоб деб имон келтирмаса мусулмонлиги қолмайди. Шу билан бирга мусулмон шахс асл нусхадаги Инжилнинг йўқдиги ва ҳозирги Инжиллар бузилган эканига ишонади. Аллоҳ Қуръонда Исо (ас)нинг туғилишидан олдин унинг келажаги ҳақида қуйидагиларни айтган:

"Ва унга китобни, ҳикматни, Таврот ва Инжилни ўргатади" (Оли Имрон сураси 48-оят). Таврот Мусо (ас)га туширилган илоҳий китобдир. У Исо (ас)га ҳам китоб бўлишини Аллоҳнинг Ўзи айтиб турибди. Таврот Исо (ас)га келган диннинг ҳам асосини ташкил этади. Инжил эса, Тавротни тўлдириб келган. Инжилнинг ўзбек тилидаги тўлиқ нашри кирилл ёзувида 1992 йилда сўзбоши, луғат, жадвал ва рангаи суратлар билан бирга Библияни таржима қилиш институти (Стокгоlm) томонидан чиқарилган (таржимон - Иброҳим Абаев).

ИСЛОМ (араб. - бўйсуниш, итоат этиш, ўзини Аллоҳ иродасига топшириш) - жаҳонда кенг тарқалган уч дин (буддавийлик ва христианлик билан бир қаторда)дан бири. Ислom динига эътиқод қилувчилар арабча "муслим" ("исломни қабул қилган", "итоатли", "садоқатли"; кўплиги "муслимун") деб аталади. "Муслим", "муслимун" сўзининг бошқа халқлар орасида ўзгача талаффуз этиш (масалан, форсларда - мусалмон, ўзбекларда - мусулмон, қирғиз ва қозокларда - мусурмон, Украина ва Россияда - басурман) натижасида бу динга эътиқод қилувчилар турли ном билан аталади. Лекин буларнинг ичида ҳозир мусулмон ибораси кенг тарқалган. Жаҳонда қарийб 1,2 млрд. киши Ислomга эътиқод қилади. Мусулмонларнинг 2/3 қисмидан кўпроғи Осиёда яшайди ва бу қитъа аҳолисининг 20% идан ортиқроғини ташкил этади. Қарийб 30% мусулмонлар Африкага тўғри келади (қитъа аҳолисининг деярли ярми). Дунёда мусулмон жамоалари мавжуд бўлган 120 дан ортиқ мамлакатдан 35 тасида мусулмонлар аҳолининг кўпчилигани ташкил қилади - Шимолий Африка, Ғарбий Осиёнинг барча мамлакатларида (Кипр, Ливан, Исроил мустасно), Сенегал, Гамбия, Нигер, Сомали, Афғонистон, Покистон, Бангладеш, Индонезия ва бошқа баъзи мамлакатларда аҳолининг 80% дан ортиғи мусулмонлардир; бир қанча мамлакатларда мусулмонлар аҳолининг ярмидан 80% игача ташкил қилади (Гвинея, Мали, Ливан, Чад, Судан). Малайзия ва Нигерияда қарийб ярми, баъзи бир мамлакатларда мусулмонлар озчиликни ташкил қилса ҳам, таъсир доираси кучли (Гвинея-Бисау, Камерун, Буркина Фасо, Серра-Леоне ва бошқалар)- Мусулмонларнинг сони жиҳатдан энг йирик давлатлар - Индонезия, Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш; мусулмонларнинг анчаси Хитой, Таиланд, Ефиопия, Танзания, Кипрда, Европанинг айрим мамлакатлари (Югославия, Албания, Буюк Британия, ГФР, Франция ва бошқа), Шимолий ва Жанубий Америка қитъаси мамлакатлари (АҚШ, Канада, Аргентина, Бразилия, Гаяна, Суринам, Тринидад ва Тобаго)да, Австралияда, Фиджи оролларида яшайди. Ислom 7-асрда Ҳижоз (Ғарбий Арабистон)да пайдо бўлди. Унинг асосчиси Муҳаммад (сав)дир. Ислom динининг пайдо бўлиши хусусида ислom манбаларига асосланган диний анъанада у илоҳий ҳодиса, инсонларни тўғри йўлга солиш учун Аллоҳ томонидан юборилган охириги таълимот деб ҳисобланади. Ислom талқинида

дастлаб яҳудий ва христианлар ҳам айнан мусулмонлар эътиқод қилган худога ишонганлар. Шу худо, яъни Аллоҳ одамларга пайғамбар - элчилар юборган. Аммо, инсонлар пайғамбарлар таълимотини бузганлар. Шунинг учун Аллоҳ инсонларга охириги расул этиб Муҳаммад (сав)ни танлади, унга ўзининг каломи - Қуръонни нозил қилди. Муҳаммад (сав) олдин ўз ҳамшаҳарларини, сўнг барча арабларни кўплаб қабила худоларига сиғинишдан воз кечиш ва ягона худо - Аллоҳга эътиқод қилиш, солиҳ ҳаёт кечириш, у дунёда жаннатга тушиш учун бу дунёда эзгу ишлар қилишга даъват этдилар. Қуръонга кўра, араблар ва яҳудийларнинг умумий бобокалони Иброҳим (ас) Аллоҳга биринчи бўлиб имон келтирган. Демак, Ислом батамом янги эътиқод эмас, балки Иброҳим(ас)нинг қайта тикланган динидир. Ислом дини тарихини ўрганишда ўша даврдаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий омилларни ҳисобга олиш керак. Ислом дини вужудга келган даврда Арабистон ярим оролда Макка ва Ясриб (Мадина) каби шаҳар-давлат (полис)лар бошқаларга нисбатан муайян устунликка эга эдилар. Бу шаҳарлар халқаро савдонинг энг йирик марказларидан бўлиб, иқтисодий ҳаёт жўшқин тус олганди. Шаҳар-давлатнинг келажак тараққиёти учун полис тузуми торлик қила бошлаган. Ҳижоз (Макка, Ясриб, Хайбар, Думат ал-Жандал, Тайма ва бошқалар) ва умуман Арабистонни халқаро савдони барқарор қиладиган, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қодир ҳарбий кучга эга бўлган ягона салтанатга айлантириш давр талаби бўлиб қолган эди. Салтанат тузиш билан бир қаторда Арабистон ярим оролидаги қабилаларнинг этник ва маданий жиҳатдан бирлашуви, ягона араб тили, огзаки ва ёзма адабиёт, умумий фикрлашнинг шаклланиши ва ниҳоят, арабларнинг диний тафаккурида ўзгариш жараёнлари кечаётган эди. Бундай ҳаракатни бошқарган кишилар ўз фаолиятларини илоҳий илҳом билан асослай олган ҳолдагина муваффақиятга эриша оларди. Шундай қилиб, Муҳаммад(сав)нинг диний ва сиёсий фаолиятлари юқоридаги жараёнларнинг хусусий кўриниши бўлган. Муҳаммад (сав) ҳар томонлама баркамол инсон бўлганлари учун, у зотнинг шахсий фазилатлари туфайли яҳудий-христиан таълимотларига яқин ғоя билан яшовчи маҳаллий ҳижозликлар ҳаракати ўзига хос хусусиятлар касб этди, диний ва сиёсий кучга эга бўлди; бу куч исломнинг вужудга келишини энг муҳим тарихий воқеалардан бирига айлантирди. Муҳаммад(сав) 610 йил, яъни 40 ёшларида ваҳий (илоҳий илҳом) олаётганларини эълон қилдилар. Аммо, бир неча нуфузли яқин қариндошларини ҳисобга олмаганда, Макканинг кўпчилик аҳолиси, айниқса, Қурайш қабиласининг зодагонлари уларнинг тарғиботларига очикдан-очик қарши чиқдилар. У зот ўзга ерларда тарафдорлар излашга мажбур бўлдилар. Дастлаб бир гуруҳ мусулмонлар Ҳабашистонга кўчди, сўнг Макка зодагонлари билан маълум даврдан буён

рақобатлашиб келаётган Ясрибдаги Бану Авс ва Бану Хазраж қабилаларининг вакиллари 622 йил мусулмон жамоасини ўзига қабул қилиш, Муҳаммад(сав)ни умумий раҳнамо сифатида тан олишга рози бўлишди. Ясриб шаҳридаги мавжуд этник вазият ҳам шуни тақозо этганди. Ҳижра номини олган бу воқеа Ислом тарихида бурилиш ясади. Кўчиб ўтган кишилар муҳожирлар (кўчиб келганлар), Мадинада Исломни қабул қилганлар ансорлар (тарафдорлар) деб аталдилар. Мадина ва Макка ўртасида бошланган кураш 8 йил давом этди. 628 йил Макка зодагонлари Муҳаммад(сав) билан келишишга мажбур бўлдилар. 630 йил мусулмонлар қўшини ҳеч қандай қаршиликсиз Маккага кириб борди. Макка аҳолиси ёппасига Ислом динини қабул қилди ва Муҳаммад (сав)ни Аллоҳнинг элчиси (расули) деб эътироф этди. Ана шундан бошлаб Макка Ислом дини марказига, Каъба мусулмонларнинг муқаддас зиёратгоҳига айланган. Муҳаммад (сав) вафот этган 632 йилда Арабистон ярим ороли тўла бирлаштирилган, унинг аксарият аҳолиси Ислом динини қабул қилган эди. Арабистоннинг сиёсий, иқтисодий, этник ва маданий жиҳатлардан бирлашишида Ислом дини муҳим омил бўлиб хизмат қилди ва келажакда вужудга келган мусулмон оламининг мафқурасига айланди. Муҳаммад (сав) вафотларидан сўнг Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб пайғамбарнинг ўринбосари (халифа) сифатида ҳукмронлик қилдилар. 7-8-асрларда Ироқ, Фаластин, Сурия, Эрон, Мовароуннаҳр, Миср, Шимолий Африка, Пиреней ярим ороли, Шимолий Ҳиндистон фатҳ этилди. Бир асрдан камроқ вақт давомида Шимолий Хитойдан Испаниягача, Кавказ ортидан Ҳинд океанигача бўлган катта ҳудудни забт этилди ва Ислом дини кенг ҳудудда тарқалди. И.нинг муқаддас китоби Қуръондир. Мусулмончиликда бу китобнинг бутун мазмуни Аллоҳнинг ваҳий қилинган сўзи деб тушунилади. И.нинг ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлари, чеклаш ва тақиқлари Қуръон билан бирга унинг тафсирларида, ҳадис тўпламлари ва шариат қўлланмаларида, шунингдек, 8-12-асрларда вужудга келган илоҳиёт адабиётларида ўз ифодасини топган. Исломнинг асосий ақидаси - "Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг расули". Ислом илоҳиётининг илк шакли - калом бўлиб, 8-асрда араб халифалигида вужудга келган. Мутакаллимлар Ислом дини ақидаларини ишлаб чиққанлар. Ислом дини 5 "асос" ёки "устун" (аркон ад-дин ал-исломий)га эга: 1) калима келтириш; 2) намоз ўқиш; 3) рўза тутиш; 4) закот бериш; 5) имконият топилса ҳаж қилиш. Шулардан биринчиси имон ва қолганлари ибодат деб эътироф этилган. Имон 7 ақдани - Аллоҳга, унинг фаришталарига, муқаддас китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, тақдир (яхшилик ва ёмонлик Аллоҳнинг иродаси билан бўлиши)га ва ўлгандан кейин тирилишга ишонишни ўз ичига олади. Исломда хатна, рўза ҳайити,

қурбонлик ва қурбон ҳайити, ақиқа, мавлуд, худойи, ашуру каби ўзига хос диний маросимчилик таркиб топган. Бундан ташқари, маҳаллий халқларда исломгача мавжуд бўлган урф-одатлар, жумладан, фол очириш, дам солдириш, азиз-авлиёларга, муқаддас жойларга сиғиниш ҳам Ислом маросимларига мослашиб кетган. Исломда илк даврдан пайдо бўлган энг биринчи йирик муаммо - олий ҳокимиятни эгаллашга пайғамбардан кейин ким ҳақлироқ, деган масала бўлди. Али (қв) тарафдорлари "шиа" номини олиб, исломда биринчи бўлинишни бошлаб бердилар. Учинчи халифа Усмон (ра) айнан шу бўлинишнинг қурбони сифатида жон таслим қилди. Икки тараф - суннийлик ва шиалик ўртасида кураш асносида хорижийлар деб аталган учинчи йўналиш ҳам пайдо бўли. Аммо, ислом тарихи узра суннийлик асосий йўналиш бўлиб келди. Ўрта асрларда ҳукмронлик қилган аббосийлар, салжуқийлар, айюбийлар, мамлуклар, усмонли турклар, темурийлар сулоалари суннийлар эдилар. Ҳозирги кунда ҳам суннийлар мусулмонларнинг мутлақ кўпчилиги (93%)ни ташкил этади. Бирдан-бир давлат - Эронда "шиа" расмий диний йўналиш сифатида қабул қилинган. Ироқ, Ливан, Шим. Яман, Озарбайжон ва Афғонистонда шиаларнинг йирик жамоалари мавжуд. Уммон ва Шим. Африкада хорижийларнинг баъзи тоифалари сақланиб қолган. Мусулмон ҳуқуқшунослиги - фикҳда 4 сунний (ҳанафийлик, шофиийлик, моликийлик, ҳанбалийлик) ва 1 шиа (жаъфарийлик) мазҳаблари шаклланган. Мазҳаблар секта (фирқа)лардан фарқ қилади. Секталар, асосан, географик ва иклимий омиллар ҳамда исломни қабул қилган халқларнинг оддинги маданияти, анъаналари ва диний тасаввурлари таъсирида вужудга келган. Уларнинг аксарияти шиа йўналишига мансуб бўлиб, энг йириклари -имомийлар, исмоилийлар ва зайдийлардур. Исломда илк даврлардан шариат (барча тўла риоя қилиши керак бўлган қонунчилик) билан тариқат (фақат айримлар Аллоҳ хайрихоҳлигига муяссар бўлиши мумкинлиги) ёнма-ён ривожланиб келган. Тариқат асосчилари - муршадларнинг "вали-неъмат" асрлар оша ҳозирги авлодгача етиб келади, деган тушунча бор. 8-9-асрларда исломда диний фалсафий оқим - тасаввуф пайдо бўлди. Шарқда энг машҳур бўлган тасаввуф тариқатлари - нақшбандийлик, қодирийлар, шозилийлардир. Ислом динининг муҳим хусусиятларидан бири -уни қабул қилган халқлар вакиллари учун ислом ақидаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш имкониятини берганидир. У ўзига хос 3 тараққиёт босқичи ёки даврни ўтади. Биринчисини, шартли равишда, Қуръон даври деб аташ мумкин. Қуръони Каримда ўз аксини топган Арабистон аҳолисининг диний онги даражасини ифода этувчи диний-сиёсий ва ижтимоий қарашлар, ҳуқуқий ва ахлоқий мезонлар бутун мусулмон олами учун ҳозиргача шак-шубҳасиз умумий қадрият ҳисобланади. Деярли 4 аср

давом этган иккинчи давр исломда умумисломий аҳкомлар ҳукмронлиги остида турли фикрлар (плюрализм)га йўл қўйилгани билан ажралиб туради. Ислондаги йўналишлар, мазҳаблар ва фирқалар ана шу даврда пайдо бўлди. Мусулмонларнинг диний бирлиги муаммо бўлиб қолди. 10-11-асрларда анъанага содиқ суннийлар билан имомий шиалар, муътазиллийлар ҳамда ашъарийлар ўртасида муносабатлар, айниқса, кескинлашиб кетди. Халифа Қодир (991-1031) анъанавий исломни қонун асосида барча учун мажбурий бўлган давлат дини деб қарор топтиришга уриниб кўрди. Шу мақсадда анъанага содиқ илоҳиётчилар имзолаган "Диннинг қодирий рамзи" эълон қилинди. Унда "ҳақ дин" деб эълон қилинган анъанавий диний таълимотнинг асосий қоидалари муфассал баён қилиб берилди, ундан четга чиқиш жазолашга лойиқ эътиқодсизлик деб қаралди. Бироқ, бу тадбир ҳам исломда диний бирлик ўрнатилишига олиб келмади. Ғоявий кураш кейинги асрларда ҳам давом этди. Бу курашда суннийлар илоҳиётчиси Ибн Таймия айниқса ажралиб турди. У илк исломни тиклашга "ҳақ дин" асосида диний бирликни ўрнатишга астойдил ҳаракат қилди. Ислондага учинчи тараққиёт босқичи мусулмон дунёси "чекка" ўлкаларининг аҳамияти ва ўрни ортгани билан боғлиқдир. Батамом ўзга маданий анъаналарга эга бўлган халқлар мусулмон дунёсининг маънавий ҳаётига қўшилгач, исломга ўз диний-ахлоқий тасавурлари, ҳуқуқий меъёрлари ва одатларини олиб кирдилар. Мовароуннаҳр, Эрон, Шимолий Африка, Ҳиндистон, Индонезия каби йирик тарихий-маданий минтақаларда Ислон ўзига хос хусусиятлар касб этади. Ислоннинг ривожланишига Мовароуннаҳрда етишиб чиққан алломалар катта ҳисса қўшди. Имом Бухорий китоб ҳолига келтирган ҳадислар тўплами - "Ал-Жомийъ ас-Саҳиҳ" ислом динида Қуръони Каримдан кейинги иккинчи манба ҳисобланади. Бухорий ва унинг сафдошлари ислом илоҳиётининг барча йўналишлари бўйича муҳим тадқиқотлар қилдилар. Жумладан, Ислон назариётчилигида юқори баҳоладиган "Илал аш-Шариат ва Хатм ул-Аслиёт" рисоласини таълиф этган Ҳаким Термизий, ислом ҳуқуқшунослигини ўрганишнинг асосий қўлланмаси ҳисобланган "Ҳидоя"нинг муаллифи Бурхониддин Марғиноний, ислом ақидаси асосларини муайян тартибга солган, калом илмида мактаб яратган Имом Мотуридий, буюк фақиҳ Абу Лайс Самарқандий, мусулмон дунёсининг энг эъзозли муҳаддисларидан Абу Исо Термизий, қомусий илмлар соҳиби, хусусан, тафсир, ҳадис, шариат қонуншунослигида салмоқли асарлар битган Замахшарий, тасаввуфда ўзига хос из қолдирган Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Маҳдуми Азам, Нажмиддин Кубро, Сўфи Оллоёр, Хожа Аҳрор, Абдулхолиқ Ғиждувоний ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Улар мусулмон эътиқодини халқ дунёқараши билан уйғунлаштирганликлари туфайли Ўрта Осиёда маданий

ҳаётнинг адабиёт, меъморлик, мусиқа каби соҳаларида тараққиёт юзага келди. Ислом дини мусулмон мамлакатлари санъатда ўз изини қолдирди. Меъморлик соҳасида бу жараён янги иморат турлари (масжид, минора, хонақоҳ, мадраса ва бошқалар) нинг пайдо бўлишига ҳамда кенг тарқалишига сабаб бўлди. Ислом дини пайдо бўлган даврида авж олган бутпарастлик, суратпарастликни олдини олиш мақсадида Муҳаммад (сав) сураткашликни қаттиқ таъқиқлаб қўйган эди. Шу асосда исломнинг йирик мутафаккир ҳуқуқшунослари ҳам тасвирий санъатнинг бу турини тақиқланган ишлар қаторига қўшганлар. Бундан улар амалий санъат турлари, нақш, безак, инсондан бошқа ҳайвон ва ўсимликлар суратини истисно қилишган. Исломда инсон суратини чизиш ёки унинг ҳайкалини яшашнинг тақиқланишига асосий сабаб - пайғамбар ва азиз-авлиёларнинг расмларини чизиш ёки ҳайкаллари ясаб, уларга сиғиниб кетиш хавфининг мавжудлиги бўлган. 15-асрга келиб Алишер Навоий каби тараққийпарвар олим ва мутафаккирлар мусулмонлар қалбида Аллоҳга бўлган имон ва эътиқод мустаҳкамланиб, суратпарастликка мутлақо мойиллик қолмаганини эътиборга олиб, эндиликда инсон суратини чизишга руҳсат беришликни лозим деб топганлар. Натижада Бехзод, Маҳмуд Музаҳҳибга ўхшаш миниатюра санъатини ривожлантирган етук мусаввирлар етишиб чиққан, Ҳирот миниатюра мактаби, Бухоро миниатюра мактаби кабилар ривожланган. 20-21-асрларга келиб, ислом дунёси уламоларининг бу санъатга муносабатларига яна бир қарра аниқлик киритилди: илоҳийлаштириш ва одамларнинг сиғиниши мақсадида инсон расмини чизиш мумкин эмаслига эътироф этилди. Аммо, фотосуратлар, шунингдек, ёш болалар учун ясалган одам шаклидаги қўғирчоқлар тақиқ доирасига кирмайди. Уламоларнинг берган фатволарига кўра, мусулмонларга фаҳш ва уят нарсаларни ифода этувчи расмлар, бут, санам ва икона тасвиридан бошқа тасвирий санъат турлари тақиқланмайди. Мусулмон Шарқи 8-11-асрларда тараққиётда Ғарбдан олдинда эди: ғарб олимлари мусулмон файласуфлари ва табибларидан сабоқ олишган; ғарб савдогари ислом дунёсидаги савдонинг кўламига ҳавас билан қараган; шарқ товарлари ғарбда зеби зийнат моллари ҳисобланган. Шарқ шаҳарларининг бойлиги ва ҳашамати Ғарб учун афсонадек туюлган. Буларнинг барчасида асосий мафкура вазифасини бажарган исломнинг ижобий хизмати буюк, албатта. Аммо 12-13-асрлардан кейин мусулмон дунёси дастлаб турғунлик, сўнг таназзулга юз тута бошлади. Баъзилар консерватив (қотиб қолган) дин сифатида ислом тараққиётга тўсиқ бўлди, дея унга катта айб қўймоқчи бўладилар. Аслида сўнгги ўрта асрларда юз берган мусулмон дунёсининг тушкунлиги жуда мураккаб ижтимоий-иқтисодий омиллар билан боғлиқ бўлиб, ўша даврдаги исломнинг ўзи ана шу тушкунликнинг муайян шаклдаги ифодаси эди. 19-аср бошидан 20-асрнинг 2-

ярмигача ўтган бир ярим асрлик давр исломнинг ривожланишида муҳим бурилиш босқичи бўлди. Шарқ мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тузилишидаги ўзгаришлар янги синф - миллий буржуазиянинг вужудга келиши, миллий озодлик ҳаракатининг авж олиши - буларнинг ҳаммаси исломнинг жамиятдаги мавқеига бўлган қарашларда ҳам, ижтимоий ҳаётдаги янгиликларни ислом нуқтаи назаридан баҳолашда ҳам ўзгаришлар ясади. Ислом диний-фалсафий ва ҳуқуқий меъёрларининг янги тарихий шароитга мослашиш жараёни 19-аср ўрталаридан бошланиб, ҳозиргагача давом этмоқда. Бу жараённи кўпгана тадқиқотчилар "Ислом ислоҳотчилиги" деб атайдилар, у христиан реформациясидан тубдан фарқ қилади. Бу тафовут, биринчидан, шундан иборатки, мазкур жараёнлар турли даврларда, турлича муайян тарихий шароитларда рўй берди. Иккинчидан, "Ислом ислоҳотчилиги" дунёвий ҳаётнинг турли жиҳатларини диний нуқтаи назардан қайта баҳолашда намоён бўлди ва соф илоҳиётга доир масалаларга у қадар дахли бўлмади. Учинчидан, исломда христианларникига ўхшаш черков билан руҳонийларни боғлаб турувчи тизим бўлмаганидан исломдаги ислоҳотлар хусусиятига жиддий таъсир қилди. Ўрта асрларда таркиб топган мусулмон судлов тизимида катта ўзгаришлар юз берди. Мусулмон ҳуқуқи тизимининг ўзи ҳам муайян даражада ўзгарди: шариат судлари ҳуқуқи аста-секин чеклана борди; 19-аср ўрталарига келиб, усмонийлар империяси ҳудудида шариат судлари ва дунёвий судларнинг ваколоти бутунлай чегаралаб қўйилди. Бир қанча мамлакатларда шариатда кўзда тутилмайдиган жиноят кодекслари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар жорий қилинди. Мисрда Муҳаммад Алининг ислоҳотлари ва усмонийлар империясидаги сиёсат (ислоҳотлар) туфайли исломнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеида муайян ўзгаришлар рўй берди. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш талаблари мусулмон илоҳиётчилари ва ҳуқуқшуносларини исломнинг бир қанча анъанавий қоидаларини янги талқин этишга мажбур эта бошлади. Бироқ, бу жараён осон кечмади ва узокқа чўзилиб кетди. Бу, жумладан, мусулмон мамлакатларида банк тизимини яратиш жоизми (ёки гуноҳми) деган масала юзасидан бошланган мунозарада ўз аксини топди. 1899 йил муфтий Муҳаммад Абду банк омонатлари ва улардан фоиз олиш судхўрликка кирмайди, бинобарин, у ман қилинган рибо ҳисобланмайди, деган фатво чиқарди. Бу фатво мавжуд молия тизимини миллий сармоядорлар манфаатига мослаштирди. Мусулмон мамлакатларида тадбиркорликнинг авж олиши шариат қоидаларини ҳам, мусулмончиликдаги бошқа анъанавий тамойилларни ҳам янги талқин қилишга олиб келди. Ижтимоий онг соҳасида рўй берган ўзгариш жуда муҳим рол ўйнади. Бу, аввало, миллий ўзини англаш жараёнига тааллуқлидир. Шу жараён давомида исломнинг барча мусулмонларнинг бирлига тўғрисидаги анъанавий қоидаси

янгача маъно касб этди. Жамолиддин ал-Афғоний мусулмонларнинг бирдамлиги ғоясини кўтариб чиқди. М. Абду, Ж. Афғоний, Рашид Ризо ва бошқаларнинг ғоялари миллий озодлик ҳаракатларига туртки бўлиб, кўпчилик мусулмон давлатларининг сиёсий мустақиллигига эришувида ижобий рол ўйнади. Аини вақтда ислом бирдамлиги ғоясига асосланган халқаро ислом ҳаракати шакллана бошлади: 1926 йил биринчи халқаро мусулмон ташкилоти - Ислом олами конгресси (Муътамар ал-алам ал-исломи) ташкил қилинди. Шунингдек, исломнинг гўё Муҳаммад (сав) замонидага "асл" тамойилларига қайтишга даъват этишга турли фундаменталистик оқимлар ва мутаассиб гуруҳдир (масалан, ҳизбут-тахрир) пайдо бўлди. 20-асрнинг 2-ярмида жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш масаласида ҳам ислом омилидан фойдаланишга қаратилган уринишлар содир бўлди (Эрон ислом инқилоби, Ливия Жамоҳирияси ва ҳоказолар). Бир қатор мамлакатлар (МАР, Кувайт, Саудия Арабистони, Эрон, Покистон, Афғонистон ва шу кабилар)да ислом давлат дини (ёки расмий дин) сифатида тан олинган. Айрим мамлакатларда "Ислом" сўзи давлатнинг расмий номи таркибига киритилган: Эрон Ислом Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Афғонистон Ислом Республикаси, Мавритания Ислом Республикаси ва бошқа Осиё, Африка қитъасидаги баъзи мамлакатларда исломнинг тарқалишига мусулмон партиялари таъсир қилмоқда, улар кўпинча сиёсатда муҳим рол ўйнамоқда. Эрондаги Ислом Республикаси партияси, Индонезиядаги Бирлик ва тараққиёт партияси, Малайзиядаги Панмалайзия ислом партияси, Ҳиндистон ва Покистон Жамоати ислом партияси бунга мисол бўла олади. Бир қанча мамлакатларда диний-сиёсий ташкилотлар (шу жумладан, қонундан ташқаридаги ташкилотлар - "Мусулмон биродарлар", Ислом озодлик партияси) тарқалган, кўпгина диний билим юртлари (қорилик мактаблари, мадраса, мусулмон унтлари), ислом жамиятлари, миссионерлик ташкилотлари, тижорат корхоналари (ислом банклари, суғурта компаниялари) ишлаб турибди. 19-асрнинг 70-80-йилларидаги шариатнинг илгари амалиётда бекор қилинган баъзи бир қоидаларини тиклашга уриниб кўрилди (масалан, Покистонда, Суданда президент Ж. Нимейри даврида, араб монархияларида жиноий ишлар учун тан жазолари бериш). Ўтган аср 70-йилларининг охири - 80-йилларининг бошида халқаро ишларда ҳукумат даражасида ёки ноҳукумат даражасида иш олиб борувчи халқаро мусулмон ташкилотлари муайян мавқега эга бўла бошлади. Бундай ташкилотлардан энг нуфузлиси Ислом конференцияси ташкилоти (Муназзамат ал-муътамар ал-исломи) бўлиб, у 1969 йил тузилган, унга 55 мамлакат (Ўзбекистон Республикаси 1996 йилдан) аъзо. Халқаро ноҳукумат мусулмон ташкилотлари орасида Ислом олами уюшмаси, Ислом олами конгресси, Ислом олами ташкилоти, Европа ислом кенгаши, АҚШ Олий

ислом кенгаши ва бошқани кўрсатиш мумкин. Улар, асосан, исломни тарғиб қилиш ва ёйиш, диний арбобларнинг халқаро учрашувини ташкил қилиш, турли мамлакатлардаги ислом жамоаларига ёрдам бериш билан шуғулланади. Ислом Туркистон мустамлакачилик даврини бошдан кечирган пайтда, айниқса, шўролар даврида турли таъқиб ва ҳар томонлама чеклашларга дуч келди, уламоларнинг тақдири аянчли бўлди. Исломга оид бебаҳо китоблар йўқотилди, муборак ёдгорлик ва қадамжолар оёқости қилинди, дин пешволари энг хавфли ёв, муҳолиф сифатида маҳв этилди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин, ислом дини ҳаётда муносиб ўринни эгаллай бошлади. Мусулмонларнинг диний ибодат ва маросимларни адо этишлари учун шароит яратиб берилди. Қуръони Карим 2 марта ўзбек тилида чоп этилди (1992, 2001 йиллар), ҳадис тўпламларининг таржимаси, ислом уламоларининг юзларча китоблари яна халққа етказилди. Ислом тарихи манбалари ва маросимларини ҳар томонлама, илмий, ҳолисона ўрганишга киришилди, мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу мақсадда Тошкент давлат шарқшунослик институтида исломшунослик кафедраси очилди (1992), деярли барча вилоятларда диний ўқув юртлари фаолият кўрсата бошлади, Тошкент Ислом ушверситети ташкил қилинди (1999), унинг таркибида Исломшунослик илмий тадқиқод маркази ишлаб турибди. Ислом тарихи манбалари, ақидалари, маросимлари. Қуръони Карим, Муҳаммад (сав) ҳаёти ва фаолияти, пайғамбар ҳадисларини ўрганиш, тадқиқ қилиш исломшунослик фанининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу соҳадаги тадқиқотлар ислом тарқалган мамлакатларда, хусусан, Мовароуннаҳрда ислом ва унинг ёзма манбалари пайдо бўлгандан буён олиб борилади. Мусулмон дини тарихи ва Қуръонни ўрганиш Америкада (Г. Грунебаум, Х. Гибб, М. Вотт ва бошқа), Европада (И. Голддиер, Л. Каетани, АСР Массе, Р. Шарл), жумладан, Россияда (АСРЕ.Шмидт, В.В.Бартолд. И.Ю.Крачковский ва бошқа) 19-аср ўрталаридан кенг тус олди. Шўролар давридаги тадқиқотларда исломга, асосан, ягона марксистик мафкура нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашилди. Исломнинг инсоният тамаддуни тарихидаги аҳамиятини оммага тушунтиришда, Турон заминида етишиб чиқиб исломий илмлар хазинасини бойитган улуғ алломаларнинг меросини халққа етказишда Эшон Бобохон Абдумажидхон ўғли, муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон, Алихонтўра Соғуний, шайх Абдуғани Абдулло ва Юсуфхон Шокировларнинг хизмати каттадир. 20-аср охирларидан бошлаб мамлакатимизда ислом бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш имконияти туғилди. Ўзбекистонлик олимлар ислом манбашунослига, Қуръон таржимаси ва тафсири, исломдаги мазҳаблар, оқимлар, машхур муҳаддис ва фақиҳлар халқаро ислом ташкилотлари, диний бағрикенглик, диний экстремизмга оид бир қанча асарлар ёздилар (марҳум М.Усмонов,

шунингдек, Н.Иброҳимов, Ҳ.Кароматов, А.Мансуров, А.Ҳасанов, З. Ҳусниддинов, З.Исломов, У.Уватов, Б.Эшонжонов, Б.Абдуҳалимов, А.Жузжоний, А.Мўминов, А.Азимов, Р.Обидов ва бошқа)- Ўзбекистон мусулмонлари идораси "Мовароуннаҳр" нашриёти фаолият кўрсатади, "Ислом нури" газетаси, "Ҳидоят" журнали нашр этилади. Ад.: Қуръони Карим, Т., 2001; Ҳадис (Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ), 1-4 жилдлар (2-нашри), Т., 1997; Ҳидоя (1-жилд), Т., 2000; Соғуний А, Тарихи Муҳаммадий, (1-2-китоб), Т., 1997; Ҳасанов А, Қадимги Арабистон ва илк ислом (1-китоб: Жоҳилия асри), Т., 2001; Комилов Н., Тасаввуф, Т., 1999; Ҳусниддинов З., Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар, Т., 2000.

ИСЛОМ БАЙРАМЛАРИ - мусулмонлар нишонлайдиган ва муайян диний маросимлар билан ўтказиладиган машҳур кунлар. Улар кўпчилик мусулмон давлатларида расмий умумдавлат аҳамиятига эга. Қурбон ҳайит (ийд ал-адҳа), рамазон ҳайити (ийд ал- фитр) асосий ислом байрамлари ҳисобланади. Ҳамма ислом байрамлари ҳижрий йил ҳисоби бўйича нишонланади. Ислом байрамларини Пайғамбаримиз (сав) куйидагича таърифлаганлар: "Ҳар бир миллатнинг ўз байрами бор. Мусулмонлар байрами рўза ва қурбон байрамидир". Аммо исро ва меърож, ражаб, ашуро, мавлуд каби кунлар умумий бўлмай, уларни нишонлаш ихтиёрийдир. Нишонламаганлар айбланмайди. Шу билан бирга улар турли жойда турлича нишонланади. Мусулмонлар ҳафтанинг жума кунини "сайид ал-айём ва ҳаж ал-масакийн" (кунлар улуғи ва мискинлар учун ҳаж деб) ҳисоблайдилар.

ИСЛОМ ФУНДАМЕНТАЛИЗМИ - Қуръон ва ҳадисларни сўзма-сўз талқин этувчи, илк исломга қайтишга қаратилган ақидаларни тарғиб қилувчи диний-консерватив руҳдаги оқим. Ислом фундаментализми вакиллари исломнинг фундаментал (асосий) тамойиллари (Ислом фундаментализми номи шундан) жамиятнинг тараққиёт йўлини белгилаб беради, деб ҳисоблайдилар ва фақат уларга амал қилишга даъват этади. Кейинги пайтларда мутаассиб мусулмонлар "фундаменталистлар" деб аталмоқда. Ислом фундаментализми турли йўналиш ва кайфиятдаги гуруҳларни ўз ичига олади. Уларнинг баъзилари террористик усуллар билан қонуний ҳокимиятга қарши курашда ўзларини намоён этсалар, бошқалари тарғибот-ташвиқот ишлари, диний таълим, турли жамоат ташкилотлари, мактаб, университет, оммавий ахборот воситаларига кириб бориш, айниқса, фойдаланиш осон бўлган аудио-видео кассеталарни тарқатиш билан шуғулланади. Ислом фундаментализмига хос бўлган ғоялар - ғарб турмуш тарзи ва ғарб товарларининг истеъмолига қарши кураш, динсиз ёки "соф исломдан чекинган" давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш (энг ёрқин мисол - Анвар Садатга уюштирилган суиқасд), исломда "ширк" (бутпарастлик)ка

барҳам беришдир. Ислом фундаментализми талқинида азиз-авлиёлар қабрларини эъзозлаш (масалан, Ахмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд каби тасаввуф тариқатлари асосчилари руҳини ҳурматлаш) ҳам бутпарастликка киради. Ҳозирги даврда ислом фундаментализми вакиллари бутун дунёга ёйилиб, турли йўллар билан бир давлатдан бошқа давлатга ўтишга, ҳар ерда ўз маслақдошларини топишга интиломқдалар.

ИСЛОМ ЭКСТРЕМИЗМИ - исломнинг қадимги ғоялари ва идеалларини қайта тиклашни куч ишлатиш йўли билан амалга оширишга қаратилган диний-сиёсий ҳаракат. Бундай ҳаракат диний мутаассибликка асосланган бўлиб, муайян мазҳаб таълимотига қаттиқ ёпишиб олиш оқибатида юзага келади ва кўпинча муайян сиёсат ва иқтисодий манфаатларни таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Ислом дини доирасида биринчи экстремистик оқим - хорижийлар ҳаракати эди. Хорижийлар Али ибн Абу Толиб билан умавийлар давлатининг асосчиси Муовия ўртасидаги урушни музокара ва келишиш орқали тўхтатиш сиёсатида Али розилик бергани учун унга қарши бўлдилар. Хорижийлардан бири Абдурахмон ибн Мулжам ас-Соримий 661 й.да 4-халифа Али ибн Абу Толибни ярадор қилиб ўлдирди. Хорижийлар умавийлар ва аббосийлар халифалигага қарши уруш олиб бориб, жуда кўп мусулмонларнинг ўлимига сабаб бўлди. Замонлар ўтиши билан улар барча ислом жамоасининг қаршилигига учради. 10-асрда Ўрта Шарқда Ҳамдон ал-Ашъас "ал-Каромита" деб аталган диний-сиёсий ҳаракатга асос солди. Бу ҳаракат вакиллари бошқа мазҳаблар тарафдорларини ўлдириш сиёсатини олиб борди. 12-аср бошида исмоилийлардан Ҳасан Саббоҳ (1124 йилда вафот этган) ва унинг тарафдорлари ўз диний ғоялари ва сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун қурол ишлатиш, қатл қилиш, йўлтўсарлик, террорчиликдан фойдаланиб келган. Уларнинг асосий қароргоҳи ва маркази Аламут қалъаси (Эрон)да бўлган. Улар ҳашиш (гиёҳвандлик моддаси)ни қўллаш йўли билан фидойиларни тарбиялаб, ўз муҳолифларини ўлдиришга буюрган. Кейинроқ Аламут қалъаси Ҳулоку томонидан забт этилиб, уларнинг террорчилик ва сиёсий фаолиятига барҳам берилди. 18-аср ўрталарида ханбалий мазҳабининг айрим вакиллари таълимотидан фойдаланиб, Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб (1703-1794) диний экстремистик ҳаракат - ваҳҳобийликка асос солди. Кейинги йилларда ваҳҳобийлар ҳарбий тайёргарликдан ўтиб, Тожикистон ва Чеченистонда кўпорувчилик, террорчиликни кучайтирдилар.

ИСМОИЛИЙЛАР - шиалик ичида вужудга келган асосий фирқалардан бирининг тарафдорлари. Исмоилийлар ҳаракати 8-аср ўрталарида бошланган. 10-11-асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган, имом Жаъфар ас-Содик

вориси масаласи юзасидан шиалар ўртасида келиб чиққан ихтилоф билан боғлиқ. Исмоилийлар турли даврларда, турли мамлакатларда ҳар хил ном билан аталган: ботинийлар, сабъийлар, таълимийлар, мулҳидлар ва ҳоказолар. Исмоилийлар шаклланиши Араб халифалигида зиддият ва халқ кўзғолонларининг кучайиши оқибатида рўй берган. Шиаликнинг баъзи тарафдорлари аббосийлар билан ҳамжиҳат бўлиб, бошқа бир гуруҳ шиалар эса, аббосийларга қарши курашни давом эттиришда Жаъфар ас-Содикнинг тўнғич ўғли Исмоилни еттинчи имом деб тан олиб, унинг атрофига жипслашди. Аммо, Имом Жаъфар маишатга берилган Исмоил ўрнига кичик ўғли Мусо ал-Козимни ворис этиб тайинлади. Бундан норози бўлган Исмоил тарафдорлари унинг вафотидан (762) кейин ўғли Муҳаммад ибн Исмоилни имом деб таниди, шу тариқа имомликни Исмоил авлодида сақлаб қолиш тарафдорлари ўзларини Исмоилийлар деб атай бошлади. Муҳаммад ибн Исмоил вафот этгач, унинг тарафдорлари ўртасида келишмовчилик чиқди. Баъзилар уни охириги - еттинчи имом деб билиб Маҳдий сифатида қайта тирилади, деб ишонди. 9-аср 2-ярмидан бу таълимот тарафдорларини қараматийлар деб атай бошладилар. Таъқиботлардан Сурия, Хуросон ва бошқа мамлакатларга қочган иккинчи гуруҳ ботиний (махфий) имомлар номини олди. Уларнинг фаол даъватлари туфайли Шим. Африкада Фотимийлар халифалигига асос солинди. 10-аср охирида Мағриб, Миср, Сурия, Фаластин, Ҳижозда исмоилийлар ҳокимияти ўрнатилди. 11-аср охирида исмоилийлар ўртасида тахт ворислиги хусусида нифоқ чиқиб, улар низорийлар билан мустаълийларга бўлиниб кетди. Низорийлар Фотимийлар халифалигига кирмайдиган шарқий ислом мамлакатлари (Эрон, Сурия ва б.)да устун эди. Мустаълийлар эса, Миср ва ғарбий ислом мамлакатларида ҳукмронлик қилди. Ҳиндистон (Бомбай)даги ҳозирги исмоилийлар жамоалари мустаълийларнинг маънавий ворисларидир. 11-аср охирида Сурия, Ливан, Ироқ ва Эроннинг тоғли жойларида ҳаракат қилувчи низорийлар таъқиботлардан қочиб, аста-секин Ҳиндистонга кўча бошлади. 19 асрнинг 1-ярмидан низорийларнинг маънавий раҳбари Оғахон унвони билан юритилади. Низорийларнинг Ҳиндистон ва Кениядаги қароргоҳларидан турли мамлакатларга низорийлар таълимотининг тарғиботчилари юборилади. 17-аср бошларида мустаълийларнинг ҳам диний марказлари Ҳиндистон (Гужарот)га кўчди. Ҳиндистонга бориб ўрнашган мустаълийлар довудийлар деб, Яманда қолганлари эса сулаймонийлар деб атала бошлади, улар ўртасида ҳеч қандай ақидавий тафовут йўқ. Умуман, исмоилийлар таълимотига келганда, у иккига: зоҳирий (ташки) - очик ва ботиний (ички) махфий таълимотларга бўлинади. Зоҳирий таълимот шиаларнинг умумий таълимотидан кам фарқ қилади, у фирқанинг махфий таълимотидан беҳабар бўлган оддий исмоилийлар оммасига мўлжалланган.

Ботиний таълимотни мовароуннаҳрлик ан-Насафий (942 йилда вафот этган) асослаб берди. Унга кўра, мутлақ худо ўзидан қуйи бўлган 7 та поғонани ажратади (эманатсия), яъни: мутлақ худо, оламий ақл, оламий жон, бирламчи материя, фазо, вақт ва комил инсон (яъни пайғамбар). Камолотга эришган инсон (ал-инсон ал-комил), исмоилийлар таълимоти бўйича, ўзида "оламий ақл"ни акс эттирган нотик (гапирувчи) бўлиб, у пайғамбар мақомида бўлади ва ваҳийни инсонларга етказиб беради, ўзида "оламий жон"ни акс эттирган сомит (жим турувчи) эса, оятлардаги ботиний мазмунни тушунтириб беради. Исмоилийлар тасаввурида инсоният тарихи Одам атодан Қоимгача бўлган "буюк давр"дир. У 7 "фитра"дан иборатки, уларнинг ҳар бирига муайян нотик (пайғамбар) тўғри келади: Одам (ас), Нух (ас), Иброҳим (ас), Мусо (ас), Исо (ас), Муҳаммад (сав). Ҳар бир пайғамбар даврининг еттинчи имоми кейинги пайғамбар (нотик)га айланади. Демак, Исмоилнинг ўғли Муҳаммад - еттинчи имом, у Қоим қиёфасида еттинчи пайғамбар бўлиб келиши ва "қиёмат қоим" гача ҳукм суриши керак. Исмоилийлар таълимоти, хусусан, қарматийлар мафкураси ислом динининг ўта сўл маслаги бўлган. Ўрта аср тафаккурининг йирик намояндалари Рудакий, Ибн Сино, Абу-л-Ало ал-Маъаррий ва бошқа қарматийлар мафкураси таъсир кўрсатган. Машҳур шоир ва мутафаккир Носир Хисрав эса, исмоилийларнинг йирик намояндаларидан бири эди. Ҳозирги даврда низорийлар Сурия, Эрон, Афғонистон шимоли, Тоғли Бадахшонда, мустаълийлар Яман, Ҳиндистон, Покистон, Мисрда, друзлар Сурия ва Ливанда бор.

ИСО (ас), Исо Масих (Иисус Христос) - Қуръонда зикри келган пайғамбарлардан бири. Исо (ас) исломда Муҳаммад (сав)дан олдинги пайғамбар - Исо Рухуллоҳ (Аллоҳнинг руҳи) сифатида эъзозланади, шунингдек, "Масих", "Ҳакни сўзловчи", "Ибн Марям", "Аллоҳнинг муқарраби" (яқини) деб таърифланади. Исо (ас) ёши 30 га етганида Аллоҳ уни "Бани Исроил" қавмини хидоятга бошлаш учун пайғамбар қилиб юборади. Исо (ас)нинг даъватида шижоат ва сидқидилдан ёрдам берган 12 нафар шогирдлари бўлган, улар Қуръонда "ҳаворийлар" деб номланади. Исо (ас)ни кўра олмаган гумроҳ қавми ундан ўз пайғамбарлигини исботлаш учун мўжиза кўрсатишини талаб қилган. Аллоҳнинг иродаси билан Исо (ас) лойдан куш шаклини ясаб, унга пуфласа куш бўлиб учар, туғма кўр бўлиб туғилганларни қўли билан силаса, у кўрадиган бўлар, песларга қўлини теккизса, у тузалар эди. Исо (ас) Муҳаммад(сав)нинг дунёга келишини ҳам башорат қилган эди. Қуръон таълимотига кўра, Исо (ас) - Аллоҳнинг ўғли эмас, Худо ҳам эмас. Исо (ас) - Аллоҳнинг қулидир ва бокира қиз Марямнинг мўжиза билан туғилган ўғлидир. Аллоҳ томонидан Исо (ас)га Инжил нозил қилинган. Қуръонда яна таъкидланишича, Исо (ас)ни душманлари ўлдиришмаган, у чормих этиб қатл

килинмаган, бу ходиса улар кўзига кўринган, холос. Аслида Исо (ас) тириклайин осмонга кўтарилган ва Қиёмат куни арафасида ер юзида яна пайдо бўлади ("Марям" сураси). Исо(ас) ҳақида Оли Имрон сураси 52-59-оятларда, Марям сураси 3337-оятларда, Саф сураси 6-оятда, Моида сураси 112-115-оятларда баён қилинган.

ИСРО ВА МЕЪРОЖ - ислом тарихида Муҳаммад(сав)нинг Маккадан Қуддусга қилган тунги сайрлари (исро) ҳамда Қуддусдаги Ақсо масжидидан осмонга кўтарилишлари (меърож). Бу ҳақда Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифларда кенг маълумотлар берилган. Бу ходиса илоҳий мўжизалар турига киргани учун моддийлик ва ақлий далиллар билан чегараланувчи кишилар уни инкор этади. Ҳадис ва ривоятларда айтилишича, Муҳаммад (сав) Жаброил (ас) бошчилигида тувда кўп йиллик масофани босиб ўтиб, бу самовий саёҳатларидан бой хотиралар билан қайтишган. Жумладан, етти қават осмон ораликларида ўзларидан олдинга ўтган йирик пайгамбарлар билан мулоқотда бўлишган. Жаннат ва дўзахни томоша қилишган. 5 вақт намоз ҳам шу кечада фарз қилинган. Бу ходиса тасвирлаб ёзилган кўпгана асарлар мавжуд. Исро ва меърож кечаси ислом оламида диний байрам сифатида ҳар йили ҳижрий ражаб ойининг 27-кечасида нишонланади.

ИСТИҒФОР (арабча) - Аллоҳдан гуноҳни кечиришни, афв этишни сўраш. Кимки қилган гуноҳ ишлари учун астойдил тавба қилса, Аллоҳ тавбасини қабул этади, деган қатъий ишончга асосланади. Ҳадислардан бирига кўра, инсон ёмон ишнинг ортидан яхши иш қилса, ўша ёмонлигини ювган бўлади. Қуръони Каримда "... саҳарларда истиғфор айтувчилар" (3.17), дейилган. Ибн Касир истиғфорнинг энг афзали саҳар пайтидагиси эканига шу оятни далил қилган. Расул (сав) дейдиларки: "Аллоҳ таоло ҳар кеча дунё осмонига тушади. Бу пайт кечанинг охириги учдан биридир. Шунда Аллоҳ субҳонаҳу айтади: "Сўровчи борми, бераман. Дуо қилувчи борми, ижобат этаман. Истиғфор айтувчи борми, мағфират қиламан..." истиғфор гуноҳлардан фориғ бўлишнинг, ўз-ўзини поклашнинг, тавба қилишга даъват қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

ЖАННАТ (арабча - боғ, бўстон, учмоҳ; форс. - беҳишт; дор ус-салом, дор ул-бақо, дор ул-охир, дор ул-муқома, дор ул-муттақин, боғи эрам, фирдавс, иллиюн ва бошқа номлари бор) — тақводор диндорлар нариги дунёда роҳат ва фароғатда яшайдиган жой. Қуръонда жаннат ҳақида бир неча ерда баён қилинган (47: 15-55: 46-78; 76: 11-22). Диний ақида бўйича, бу дунёдаги ҳаёти даврида имонли ҳолида эзгу ишлар билан шуғулланган кишиларга Аллоҳ томонидан жаннатдан жой берилади. Жаннатдаги ҳаёт абадий, безаволдир. Жаннатдагиларни Аллоҳ турли неъматлар билан таъминлайди. У ерда ғам-ғусса ва ташвиш йўқ. Одамларнинг яхши кўрган барча нарсаси муҳайё этилади,

хатто жуфтлари ҳам бирга бўлади. Қуръонда жаннат дарахтзор остидага арикларда зилол сувлар оқиб туради, деб таърифланади. У ерда инсонлар қаримайди ва касал ҳам бўлмайди. Диний таълимотда таъкидланишича, жаннатда ҳавзи Кавсар мавжуд бўлиб, унинг суви оқ ва совуклиги ҳамда хислатлари таърифланади. Ҳавзи Кавсардан жаннат ахли сув ичади. Ислом динига кўра, жаннатнинг саккиз дарвозаси бор. Булар Пайғамбарлар, шаҳидлар, сиддиқ бандалар ва сахийлар; намозхонлар; закот берувчилар; амри маъруф, наҳйи мункар қилган мўминлар; нафсу шаҳватини жиловлаб юрганлар; ҳаж ва умра қилганлар; Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилганлар; тақводорлар ва ота-онасини рози қилганлар ва рўзадорлар кирадиган дарвозалардир. Жаннатни қўриқловчи фаришта "Ризвони жаннат" деб аталади. Жаннатда энг олий неъмат - Аллоҳнинг дийдорини кўришлик ҳисобланади.

ЖАЪФАРИЙЛИК - шиаликдаги диний-ҳуқуқий мазҳаб. Унга Жаъфар ас-Содик, асос солган, деб ҳисобласалар-да, аслида 9-10-асрларда бир неча мужтахид ва илоҳиётчилар томонидан ишлаб чиқилган. Жаъфарийлик суннийликдага 4 мазҳаб (ханафийлик, моликийлик, шофиийлик ва ханбалийлик) қатори исломда 5-диний-ҳуқуқий мазҳаб (имомийлар) деб тан олинган. Жаъфарийлик имомийлик ёки исноашъарийлар деб ҳам юритилади. Шиаликдаги имомийлик мазҳаби ўзининг шариат ҳукмларини Имом Жаъфар ас-Содик(ра) фикҳидан олгани учун жаъфарийлар деб номланади. Бу мазҳабда ижтиҳод эшиклари очик ҳисобланиб мужтахид Қуръон ва суннатга таянган ҳолда ижтиҳод қилиши мумкин. Жаъфарийлик мазҳабининг суннийликдаги мазҳаблардан асосий фарқи: жаъфарийлар қиёси Қуръон, сунна, ижмодан кейинги шариат манбаи эканлигини рад қилади, шиаликдаги имомлар нақллариинигина тан олади, вақтинчалик никоҳ (мутъа)га йўл қўяди, хавф пайдо бўлган чоғда ўз эътиқодларини яширади, ижтиҳод (диний ва ҳуқуқий масалалари бўйича мустақил фикр юритиш)га имкон яратади. Жаъфарийлик 16-аср бошларидан Эронда ҳукмрон диний-ҳуқуқий мазҳабга айланган.

ЖИҲОД, ғазавот (араб. - ғайрат қилиш, кучни ишга солиш) - дин йўлида кураш. Дастлаб Ж. дейилганда исломни ҳимоя қилиш ва ёйиш учун кураш тушунилган. Бу курашга нисбатан Қуръонда Муҳаммад (сав)нинг Макка ва Мадинада кечган хаёт фаолиятлариининг муайян шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда турлича кўрсатмалар бор: 1) кўп худоликлар билан можарога бормаслик ва уларни окдллик ва одоб билан ҳақиқий динга оғдириш; 2) ислом душманларига қарши мудофаа уруши олиб бориш; 3) ғайридинларга хужум қилиш, лекин муқаддас ойларда ҳарбий ҳаракатлар олиб бормаслик; 4) улар билан ҳар вақт ва ҳамма жойда кураш олиб бориш. Жиҳод сўзи луғатда уруш маъносини англатмайди, бунинг учун араб тилида "қитол" сўзи ишлатилади. Жиҳод сўзининг луғатдаги хусусиятидан келиб чиқиб жиҳоднинг турлари ҳам

кўпайган. Исломда жиҳод маъноси аввало уруш маъносида эмас, Аллоҳнинг динига сўз билан даъват қилиш маъносида юзага келган. Инсоннинг ҳавойи нафсининг куйига кирмаслик, уни енгиб шариатга мувофиқ яшаш учун жон жаҳди ила қилган ҳаракати, ҳақ сўзни жойини топиб айтмоқлиги жиҳодга киради. Фарзандни ота-онаси хизматида бўлиши ҳам жиҳоддир. Исломнинг дастлабки ўн уч йили давомида Муҳаммад (сав) бошлиқ саҳобалар Маккада уруш маъноси бўлмаган жиҳодни олиб борганлар. Ўша вақтда Аллоҳ таоло мусулмонларнинг мушрикларга қарши куч ишлатишини ман қилган эди. Шу билан бирга улардан етган азоб-уқубат ва озорларга сабр қилишга амр қилган ҳам эди. Фақатгина хижратнинг иккинчи йили (милодий 624 йил) Қуръони Карим таъбири билан айтилганда “ўзларига қарши уруш очганларга уларга зулм қилингани учун (урушга) изн берилди”. Исломда жиҳод ҳукми шароитга қараб ўзгариб туради. Дунёда фитна бўлмаслиги учун, Аллоҳ диннинг устун бўлиши учун қилинадиган жиҳод фарзи кифоя ҳисобланади. Бунда дунё бўйича исломни тарқатиш, Аллоҳнинг дини йўлидаги ғовларни йўқотиш учун жиҳод қилинади. Кимки Ислом даъвати йўлига тўсиқ бўлмаса, эрки ўзи билан - хоҳлаган динига эътиқод ва амал қилиши мумкин. Агар душманлар бирор мусулмон юртига уруш қилиб, бостириб кирсалар, жиҳод ҳамма мусулмонларга фарзи айн бўлади. Жиҳодга кўра агарда мусулмонлар юртига ташқаридан ҳужум бўлмаса, балоғат ёшига етмаганлар, ақли норасолар, хизматкорлар, аёллар, бемор-заифлар, сафар аслаҳалари бўлмаган кишилар, шаҳарнинг энг яхши фақиҳлари, ота-онаси жиҳодга қатнашишга розилик бермаганлар ва қарз берган кишининг руҳсатини олмаган қарздор жиҳоддан озод қилинган. Урушаётган томонларнинг ўзаро муносабатларига нисбатан жиҳодга кўра рақиб қароргоҳида аёллар ва балоғат ёшига етмаганлар мусулмонларга қарши курашмаётган бўлса, уларни ўлдириш ман этилган. Катта ёшдаги эркаклар ҳарбий асирга айлантирилган. Шу билан бирга ханафийлар бу қондани ҳарбий ишга ва авлод (зурриёт) қолдиришга ноқобил бўлган кишиларга (кексалар, роҳиблар ва бошқалар) татбиқ этмаганлар. Ҳарбий асирларга нисбатан имом уч хил йўл тутган: қатл этиш, товон эвазига озод қилиш, қулга айлантириш. Агар у ҳарбий асирни қатл этишга ҳукм қилмоқчи бўлса, то бу қарор амалга ошмагунча асирни қийноққа солиш ва жисмонан майиб қилишга ҳеч бир кимсанинг ҳаққи бўлмаган. Исломни қабул қилган асирларни ўлдиришга руҳсат этилмаган. Барча мазҳабларга биноан мусулмонлар яшайдиган ҳудудга олиб ўтишни иложи бўлмаган рақибнинг мол-мулки йўқ қилиниши лозим бўлган (бирок чорва-мол хусусида ягона бир фикрга келинмаган). Охирги пайтларда Яқин ва Ўрта Шарқдаги баъзи диний экстремистик гуруҳлар тўғрисида сўз юритилганда кўпинча жиҳод сўзи ишлатилмоқда (масалан, Мисрдаги "Жиҳод", Ливандаги "Ислом жиҳоди" ва

хоказолар). Аслида жиҳод Аллоҳ йўлига, ислом динини ёйиш мақсадига бутун куч ва имкониятларни сарф қилиш маъносини англатиб келган ва баъзида муайян шартлар бўлгандагина ҳарбий куч ишлатишни ҳам тақозо этган. Шу маънода жиҳодни "муқаддас уруш" деб талқин қилиш одат тусига кириб қолган. Туркия, Кавказ ва Марказий Осиёда жиҳод кўпроқ "ғазавот" номи билан маълум бўлган. 9 - 10-асрлардан жиҳод янги мазмун билан тўлдирилди: Аллоҳ йўлида ўзни такомиллаштириш тушунчаси (яъни маънавий жиҳод)га 4 жиҳод: - қилич жиҳоди, қалб жиҳоди, қўл жиҳоди ва тил жиҳоди ҳақидаги тасаввурлар қўшилди. Миллий-озодлик ҳаракатлари даврида жиҳод ғоясидан мустамлакачиликка қарши курашда фойдаланилди. Умуман, ҳозирги замон мусулмон назариётчилари жиҳодни исломни тинч йўл билан ёйиш, уни ташқи таъйиқдан ҳимоя қилиш учун мусулмонларнинг куч ва ғайратларини сафарбар этиш воситаси деб таърифлайди. Мўътадил ислом (аҳли сунна вал жамоа) тарафдорларининг эътиқодига кўра, куч ишлатиш - "кичик жиҳод", ҳар бир мўмин-мусулмоннинг ўз нафси билан кураши ва маънавий баркамоллик йўлидаги саъй-ҳаракати эса, "буюк жиҳод" ҳисобланади. Ҳозирги кунда халқаро майдонда ислом дини билан ниқобланган террорчилар жиҳоддан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқдалар.

ЖОҲИЛИЯ (арабча билимсизлик ҳолати, жаҳолат) - араблар тарихининг исломдан илгариги даврига берилган ном. Аниқроқ қилиб айтганда, одамлар ҳаётида Исо (ас) билан Муҳаммад (сав) оралиғидаги пайғамбарсиз ўтган давр тушунилади. Жоҳилия тушунчаси Қуръоннинг бир неча сураларида учрайди ("Оли-Имрон", 154; "Моида", 50; "Аҳзоб", 33; "Фатҳ", 26). Жоҳилия атамасининг пайдо бўлишига муайян сабаблар бор эди. Зеро, исломдан олдинги арабларнинг кўпчилигига "жаҳл" туйғуси хос эди. Бу бошқаларга нисбатан бешафқат ва ваҳшиёна муносабатда бўлишда ўз ифодасини топарди (қасос олиш зарурати, гўдак қизларни тириклайин кўмиш, ўзга қабила вакилига душман сифатида қараш ва бошқалар). Исломдан илгари Арабистонда қонунсизлик, ахлоқсизлик, зўравонлик ҳукм сургани учун ҳам кейинги авлод ўша даврни ҳақли равишда жоҳилия деб атаган. Бундан ташқари, жоҳилия даври арабларининг диний тасаввурлари ҳам кам тараққий қилган, содда ҳолда бўлган. Жоҳилия араблари нариги дунёга ишонмасди. Ислом ғалабасидан сўнг улар "дахрий"лар ёки "мушрик"лар (Аллоҳга бошқа худоларни шерик қилувчилар) деган номларни олди.

КАВСАР (арабча мўл-қўл) - исломга кўра жаннатдаги ажиб бир дарё ёки ҳовузнинг номи Қуръони Каримдаги 108-сура ҳам кавсар деб аталади. Тафсири ва ҳадисларда айтилишича кавсарнинг суви асалдан тотли, қор ва сутдан оқ бўлиб, ундан ичган киши абадий ташналик кўрмайди. Шунингдек, қиёмат куни жаннат насиб этган мўмин-мусулмонлар мазкур кавсар сувидан

ичишлари тўғрисида башорат берилади. Кавсар сураси Қуръон суралар ичида энг қисқаси бўлиб, 3 оятдан иборат.

КАЛОМ (арабча - равон нутқ, жумла, гап, сўз) - ислом илоҳиёт илми. 8-асрда араб халифалигида пайдо бўлган. Калом ислом диний таълимотини асослашга ҳаракат қилади. Калом тарафдорлари мутакаллимлар дейилади. Калом турли диний-сиёсий гуруҳлар (хорижийлар, қадарийлар, жабарийлар, муржибийлар ва ҳоказолар) пайдо бўлиши билан боғлиқ баҳслар жараёнида вужудга келди ва тараққий қилди. Уламолар илми каломнинг таърифида ҳам бир неча хил фикрлар айтганлар. Энг қадимги таъриф Абу Наср Форобийга тегашли бўлиб, у, "Калом синоати ила миллатнинг асосчиси айтган чегараланган гап ва ишларга нусрат берилур ва унга хилоф қилган барча сўзларни беҳудага чиқарилур", деган. Илми калом ҳақида Ғаззолий кўйидагиларни айтади; "У бир илм бўлиб унинг мақсади аҳли суннанинг ақидасини аҳли бидъатнинг ташвишидан муҳофаза қилиш ва кўриқдашдир. Аллоҳ таоло ўз бандаларига ўз пайғамбари тилида ҳақ ақидани илқо қилди. Унда уларнинг дини ва дунёсининг салоҳи бордир. Шунингдек, унинг ҳақида Қуръон ва хабарлар нутқ қилди. Сўнгра шайтонлар ўз васвасаси ила бидъатчиларга суннатга хилоф ишларни илқо қилди. Улар ўша ишларни гапирдилар ва аҳди ҳақнинг ақидасини бузмоқчи бўлдилар. Бас, Аллоҳ бир тоифа мутакаллимларни пайдо қилди ва уларнинг ҳимматини тартибга солинган калом ила суннатнинг нусрати йўлида ҳаракатга солди. Шу орқали аҳли бидъатнинг суннатга хилоф равишда чиқарган алдамчиликлари фош қилинади. Ана шундай илми калом пайдо бўлди". Илми калом пайдо бўлган вақтга келиб ақидага оид масалаларга аввалги вақтларга ўхшаб фақат Қуръон ва суннатдан далил келтириш билан кифояланиб бўлмай қолган эди. Қарши тараф ақлий далил ҳам келтиришни талаб қилар эди. Каломга хос услуб ва мавзулар мажмуи биринчи бор ал-Жаъд ибн Дирҳам (742 йилда қатл этилган) ижодида учрайди. У доимо ақл-идрокка таяниш талабини илгари сурди ва фақат инсон салоҳияти ожизлик қилган ҳоллардагина Қуръон оятларини рамзий-мажозий маънода талқин қилиш мумкин, деб ҳисоблади. Унинг шогирди Жаҳм ибн Сафвон (745 йилда қатл этилган) устозининг ғоясини давом эттирди. Жаҳмнинг қарашлари муътазилийларга яқин бўлгани боис одатда бу икки таълимотни бир-биридан фаркламайдилар. Муътазилийларнинг каломи 9-асрнинг 1-ярмида равнақ топди. Аммо, халифа ал-Мутаваккил (847-861) даврида қувган остига олинди. Маълум вақтгача суннийликда муътазилийларнинг фалсафий далилларига қарши курашда ғоявий курол ролини ўйнаши мумкин бўлган ақоидлар тизими мавжуд эмас эди ва фақат Қуръон ҳамда ҳадисларга ҳавола қилиш билан чекланиларди. Айнан муътазилийлар ўзларининг мантиқий-фалсафий исботлаш услублари

билан ҳақиқий ислом йўли шаклланишига бевосита таъсир кўрсатди. Бундай тизим 10 асрга келиб ишлаб чиқилди ва уни каломни ақидапарастлар билан мурасага келтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ал-Ашъарий (873-935) ва ал-Мотуридий (870-944) амалга оширдилар. Натижада каломнинг ашъарий ва мотуридийлик мактаби вужудга келди. Машҳур мусулмон уламолари илми калом ҳақида ўз замонлари ва билимларига қараб турлича фикр биддирганлар. Имом Абу Ҳанифа илми каломда "ал-Фикҳул Акбар" номли китоб ёзган ва "диндаги фикҳ илмдаги фикҳдан афзалдир. Чунки, диндаги фикҳ аслдир. Илмдаги фикҳ фаръдир. Асл фаръдан афзаллиги маълумдир" деган. Имом Молик, Аҳмад ибн Ҳанбал, Жалолоддин Суютий ва Ибн Абдул Баррлар ҳам бу илм ҳақида салбий фикрда бўлганлар. Имом Абул Ҳасан ал-Ашъарий илми каломни мадҳ этиб китоб ёзган. Имом Ғазолий ўртача йўл тутган ва илми каломда яхши тараф ҳам салбий тараф ҳам борлигани таъкидлаб, у билан фақат мутахассис олимлар машғул бўлиши кераклигани уқтирган. Бу фикрларни тадқиқ қилиб ўрганган олимлар, илми каломни, хусусан, ундаги адашувларни танқид қилганлар. Уни мадҳ қилганлар эса, фойдали тарафларини эътиборга олганлар. Шунинг учун унинг ижобий тарафларидан кўп нарсани ўрганса бўлади, дейдилар. Боқиллоний (1013 йилда вафот этган), ал-Жувайний (1085 йилда вафот этган), аш-Шаҳристоний (1153 йилда вафот этган) ва ар-Розий (1209 йилда вафот этган)лар ашъарийлик мактабининг йирик намояндаларидир. Ашъарийлар зоҳиран ўзларини муътазиллийларга қарши қўйиб, ҳанбалийлар билан мураса қилишга интилган бўлсалар-да, дунёқарашини бўйича муътазиллийларнинг ақл-идроққа асосланган йўлини давом эттирди. Каломнинг иккинчи йирик мактаби -мотуридийлик ҳам мустақил тарзда тараққий этди. Ашъарийлар мактаби асосан шофиъийлар орасида тарқалган бўлса, мотуридийлик ҳанафийлик доираларида кўплаб тарафдорларга эга бўлди ва хусусан, Мовароуннаҳр мусулмонларининг асосий ақидасига айланди. 13-асрдан калом Ибн Сино асос солган шарқ фалсафаси билан яқинлаша бошлади. Натижада, Ибн Халдун таъбири билан айтганда, калом ва фалсафани бир биридан ажратиш мушкул бўлиб қолди. Бу ҳол Байдовий (1286 йилда вафот этган), Исфажоний (1349 йилда вафот этган), Ижзий (1355 йилда вафот этган), Тафтазоний (1390 йилда вафот этган), Журжоний (1413 йилда вафот этган)лар ижодида ўз ифодасини топди. Янги ва энг янги даврларда Жамолиддин Афғоний, Муҳаммад Абду, Аҳмад Амин, Ҳасан Ҳанафий каби мусулмон ислохотчиларининг асарларида калом ва айниқса, муътазиллийлар ғоялари мафкуравий асос вазифасини бажариб келди. Вақт ўтиши билан ислом оламида фақат ахли сунна ва жамоанинг илми калом бўйича таълимотлари ҳукм сурадиган бўлди. Фалсафа ва бошқа фикрий

мазҳаблар чиққанидан кейин илми калом истилоҳининг ўзи ҳам истеъмолдан чиқиб кетди.

КАЪБА (арабча - куб, тўрт бурчак) - ислом динининг энг муқаддас ибодатхонаси. Байтуллоҳ (Аллоҳнинг уйи) деб ҳам юритилади. Уни зиёрат қилиш - ҳаж ва умранинг асосин амалларидан бири. Каъба Маккадаги энг катта Масжиди Ҳарамнинг марказида жойлашган бўлиб, 10x12x15 (баландлиги 15 м ва пойдевори 12x10 м) ўлчамдага бино. Одатда, каъбанинг усти қора мато (кисва) билан қопланган бўлади, унга Қуръоннинг Макка ва ҳажга оид оятлари зарҳал билан ёзиб қўйилган. Каъба деворининг ташқи ғарбий бурчагида "Қора тош" ("Ҳажар ал-асвад") жойланган. Шимоли-шарқий девордаги эшик ҳам чойшаб билан қопланган ва ердан чамаси 2 м баланд ўрнатилган. Каъбанинг ичи тавоф қилинганда деворга нарвон қўйилади. Ичкарида учта устун бўлиб, шифтига сирланган кўпдан-кўп чироқ осилган. Деворнинг эшик билан "Қора тош" оралиғидаги қисми ал-мултазам дейилади, унинг ёнида Аллоҳга айниқса ёқадиган дуолар ўқилади. Шимоли-ғарбий деворнинг тоmidан тилла суви югуртирилган тарнов кўриниб туради, у ал-мизоб ёки мизоб ал-рахма деб аталади. Шу тарнов билан ғарбий бурчак оралиғи қибла ҳисобланади. Шимоли-шарқий девор ёнидаги ярим доира шаклидаги девор (ал-хатим) ал-ҳижр (ёки ҳижр Исмоил)ни тўсиб туради, ҳожилар тавоф вақтида бу жойга киритилмайди; Иброҳим (ас) замонида бу жой каъбанинг бир қисми бўлган; бу ерга Исмоил (ас) ва унинг онаси Ҳожар дафн этилган, деб ривоят қиладилар. Девор қаршисида мақом Иброҳим деб аталган иншоот бўлиб, ундаги тошда одам излари кўринади. Айтишларича, Иброҳим (ас) каъбани қайта тиклаётганида шу тош устида турган. "Қора тош" яқинида эса Замзам булоғи бор. Ривоят қилишларича, Муҳаммад (сав) 25-30 ёшларида бу ердаги таъмирлаш ишларида қатнашганлар. Одам атонинг учинчи ўғли Шис (ас) томонидан қурилган, Иброҳим (ас) томонидан таъмирланган ва Муҳаммад (сав) томонидан кофирлардан тозаланган каъба Ясриб (Мадина)да қибла деб эълон қилинган, унинг аҳамияти жуда ошиб кетди (ўшангача Куддусга қараб ибодат қилинар эди). Каъба исломнинг алоҳида дин сифатида шаклланишида ғоят катта вазифани бажарди. Муҳаммад (сав) бошчилигидаги мусулмонлар 629 йилда Маккага кичик ҳаж қилган, 630 йилда эса, улар Маккани эгаллаб, Марям ва Исо (ас) тасвиридан бошқа барча санам ва тасвирларни олиб ташлаганлар, суврат ва ёзувларни ўчирганлар. 630 йилда Абу Бакр (ра) бошчилигида биринчи ҳақиқий мусулмон ҳажи адо этилади. Муҳаммад (сав) 631 йилда ҳаж амалларига бошчилик қиладилар. Халифа Умар (ра) даврида каъба ёнидаги уйлар бузиб ташланди ва унинг атрофида Масжиди ал-Ҳарам қурилди. 683 йилда каъбани Умавийлар қўшинлари ўққа тутди. Кейин у қайта тикланиб, кенгайтирилди (ва унинг

ёнига ал-ҳижр кўшилди. 929 йилда Қарматийлар Маккага ҳужум қилиб, "Қора тош"ни олиб кетди. Орадан 20 йил ўтгандан кейин бу тошни қайтариб олишга муваффақ бўлинди. Аста-секин қаъба теварагида турли иншоотлар, жумладан, асосий мусулмон мазҳабларининг минбарлари тикланди. 20-асрнинг 50-60-йилларидаги катта таъмирлаш вақтида бу иншоотлар олиб ташланди. Қаъба бутун дунё мусулмонларининг энг муҳим маркази ва бирлик рамзи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай бўлиб турибди. Ислом динидаги барча оқимлар унинг муқаддаслиги ва алоҳида аҳамиятини тан оладилар. Ҳар йили дунёнинг барча мамлакатларидан мусулмонлар ҳаж ибодатини адо этиш учун бу ерга келадилар.

КОҲИН - ғойибдан хабар берувчи, башоратгўй. Исломдан аввалги Арабистонда васваса ҳолатида Аллоҳ ёки унинг вакили -фаришта ёки жин билан мулоқот қилган одам шундай деб аталган. Қабила одамлари бирон-бир иш кишидан олдин унинг оқибати қандай бўлишини коҳиндан сўрашган. Қабиладошлари Муҳаммад (сав)ни ҳам дастлаб коҳин - фолбин деб ўйлашган. Қуръон оятларида (52:29; 69:42) уларнинг шубҳаларига жавобан Муҳаммад (сав) коҳин - фолбин ҳам, мажнун ҳам эмаслиги алоҳида таъкидланган. Умуман ислом анъанасида коҳинлар келажак ҳақида ёлғон сўзловчилар сифатида талқин қилинади. Уларга қарши ислом тарафидан қаттиқ курашиш тавсия этилади.

КУБРО, Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивақий ал-Хоразмий (лақаблари: "Нажмиддин" ("Диннинг юлдузи"), "Кубро" ("Улуғ"), "Абдулжанноб" ("Дунёдан четланувчи, парҳез этувчи"), "Валийтарош" ("Валийларни тарбияловчи"); 1145-1221) – шайх, сўфийликнинг машхур вакилларида бири, кубровийлик тариқатининг асосчиси. Хива (Хоразм)да туғилган. Ёшлигиданоқ ҳадис ва каломни ўрганади, илм истаб Мисрга боради У ерда шайх Рўзбихон Ваззон ал-Мисрийдан таълим олади ва унинг қизига уйланади. Кейинчалик Табриз, Ҳамадон, Дизфулга келиб илоҳиётдан сабоқ



олади. Мисрга қайтгач, Рўзбихон Кубро тўла комил инсон бўлиб етишди деб ҳисоблади ва унга ўз ватанига қайтишни маслаҳат беради. Кубро Хоразмга келгач, хонақоҳ куради ва ўз диний мактабини яратади. Кубронинг шогирдлари орасидан тасаввуфнинг таникли назариётчилари, сўфийлик бўйича мумтоз адабиёт вакиллари етишиб чикди. Кубро мўғул

босқинчиларига қарши жангда шаҳид бўлган, Унинг қабри хонақоҳи билан бирга Кўҳна Урганчда. Билишнинг Куброга хос тасаввуфий йўли бўйича

инсон ўз моҳияти билан кичик оламдир, у катта олам бўлган коинотдаги барча нарсаларни ва сифатларни ўзида мужассамлаштиради. Аммо, илоҳий сифатлар юқори самовий доираларда бирин-кетин ўзига хос мақомларда жойлашганидан, ҳақиқат йўлини қидирувчилар бундай камолотга эришиш учун маълум риёзатли йўлларни ўтишлари зарур. Кубро ана шу камолотга эришиш асосларини ишлаб чиқди. Кубро ўз қарашларини араб тилида ёзган бир неча рисолаларида баён этган. Улардан асосийлари: "Фавоих ал-жамол ва фавотиҳ ал-жалол", "Ўн усул", "Рисолат ал-Хоиф ал-ҳоим мин лавм ал-лоим" ва бошқалар. Бу асарлар араб мамлакатлари ва Туркияда чоп этилган. У Қуръонга сўфийлар нуқтаи назаридан шарҳ беришни охиригача етказа олмади, бу ишни шогирдлари тугалладилар. Тасаввуф таълимотининг ривожига ва кенг тарқалишида катта омил бўлган. Кубро мероси Республикамизда мустақиллик туфайли ўрганила бошланди. 1995 йилда Ўзбекистонда Кубро таваллудининг 850 йиллиги нишонланди. "Нажмиддин Кубро" (Тошкент, 1995), "Шарҳи рисолаи одобул зокирин" (Урганч, 1997) китоблари нашр этилди.

КУБРОВИЙЛИК — тасаввуф тариқати. 13-аср бошида Хоразмда Нажмиддин Кубро асос солган. Кубровийлик тасаввуфнинг Ўрта Осиёдаги мактаби бўлиб, маънавий ворислик занжирини Маъруф ал-Кархий (816 йилда вафот этган) орқали Абу Бакр ёки Али ибн Абу Толибга тақайдилар. Кубровийликда тариқат аъзоларининг ягона ташкилий тизими бўлмаган. Уларни таълимотнинг руҳи ва мақсади бирлаштирган. Кубронинг шогирди Сайфиддин Боҳарзий томонидан Бухоро яқинидаги Соктарий қишлоғида ташкил этилган хонақоҳ Нажмиддин Кубро номи билан аталган. Бу ерда Кубровийлик тариқати 18-асрнинг охиригача кенг тарқалган эди. Унинг аъзолари Кубро ғояларини Хитойнинг ғарбий чегараларига ёйди. Кейинчалик Кубровийликнинг бир қанча мустақил шахобчалари вужудга келди. Булар -фирдавсия, нурия, рукния, ҳамадония олия, иғтишошия, заҳабия, нурбахшия. Кубровийлик таълимотига кўра, ҳар бир киши камолотга эришиш учун 10 асосга таянмоғи керак. 1. Тавба - ўз хоҳиши билан Ҳақ таолога қайтиш; Худонинг амрисиз, кишининг ўз ихтиёри билан Худони севиши, ўзининг "мен"идан кечиши. 2. Зухд фи дунё - барча дунёвий нарсалардан тийилиш. 3. Таваккал - барча ишларни қилишда Худонинг меҳрибонлиги ва қудратига умид боғлаш. 4. Қаноат – ҳаёт кечиришда оз нарса билан қаноатланиш, мўтадиллик, тубан майллардан озод бўлиш. 5. Узлат - танҳоликда бўлиш, руҳни мустаҳкамлаш, ҳис-туйғуларни жиловлаш. Узлатга кетиш ҳиссиётларнинг босилишига олиб келади. 6. Мулозамат аз-зикр (узлуксиз зикр) - Худонинг исмини ёд қилиб туриш, бутун қалбни У билан тўлдириш. Шундагина пасткашлик, ҳасад, очкўзлик, иккиюзламачилик каби разилликлар киши кўнглига йўл топа олмайди. 7. Таважжух -бутун вужуд

билан Худога мурожаат қилиш, Унга чексиз муҳаббат қўйиш, ундан бошқа нарса борлигани ҳис этмаслик. 8. Сабр - ўз ихтиёри билан машаққатлар чекиб бўлса ҳам, нафс доирасидан ўзини олиб қочиш. Тўғри йўлдан адашмасдан бориш учун киши ўз майлларини сўндириши лозим. Шундагина дил кудуратлардан покланади, руҳ нафс натижасида занглаб қолган бўлса, жило топади. 9. Муроқабба (тафаккурга ғарқ бўлиш) - қалб поклангани ва тубан эҳтирослардан холилигини туйиб, хотиржам бўлинганини эслаб хаёлга чўмиш, Ҳақ таоло раҳм-шафқатини кутиб туриш ҳолати. 10. Ризо - сўфий энди худо уни севиб қолганлигани, Аллоҳ кўнганлигини сезади, унинг учун ана шу муҳимдир. Худога бўлган муҳаббат сўфийнинг шахсий ҳис-туйғу сифатини йўқотиб, янги кўринишда -Аллоҳнинг истак-хоҳиши тарзида намоён бўлади. Ризолик мақоми Ҳаққа етишганликни билдиради. Ҳозир ҳам Кубровийлик кўринишларини учратиш мумкин.

КУФР (арабча- сатр, тўсмок; инкор этмок) -имонсизлик; Исломни тан олмаслик ёки унинг амалларини бажармаслик. Куфрга жиддий гуноҳлар ва жиноятлар: ширк келтириш, намоздан воз кечиш, сеҳргарлик, зинокорлик, ўз жонига қасд қилиш, ичкиликбозлик, қимор ўйнаш ва бошқалар киради. Шунингдек, олимни ўз обрўсига ишониб мўмин-мусулмонларни ҳақ йўлдан чалғитиб бошқа йўлга бошлаши ҳам Куфрга киради. Куфрга муносабат исломнинг дастлабки давридан бошлаб турлича бўлган. 7-асрнинг 2-ярмида хорижийлар уларга қўшшшаган ҳар бир мусулмонни кофир, яъни динга ишонмовчи, уни рад этувчи деб ҳисоблашган. 8-аср бошида муржибийлар таркибидан "мўтадил" оқим ажраб чиқиб, уларнинг фикрича Куфр содир этган киши кофир бўлмайди ва у мусулмонлар сафидан ўчирилмайди, унинг қилиши ҳақида фақат Қиёмат куни Аллоҳгана ҳукм чиқара олади. Куфр тури учта: 1. Ҳақиқий Куфр. Дилида ҳам, тилида ҳам ўзининг кофирлигини иқрор этиш. Бундай одамлар ҳақиқий кофирлардир. 2. Инодий Куфр. Аллоҳнинг ҳақлигини, Муҳаммад (сав)нинг ҳақиқий пайғамбар эканлигини била туриб, қайсарлик қилиб ва арзимаган сабабларни кўрсатиб имон келтирмаслик. Бунга малъун шайтоннинг ва Абу Толиб (Муҳаммад (сав)нинг амакилари)нинг Клари мисол бўла олади. Зеро, шайтон Аллоҳнинг зоту сифатини яхши била туриб, Унинг фармонини бажармади. Одам (ас)га сажда қилмай тавқи лаънат ва Куфрга эга бўлди. Абу Толиб эса, асосан, ўз қўлида ўсиб вояга етган Муҳаммад (сав)нинг ростгўйлиги ва ҳақиқий пайғамбарлигини яхши билса-да, тенгқурлари, бадавлат, нуфузли мушриклар олдида хижолат бўлиб қолмаслик учун ўшалар имон келтирмагунча мен ҳам имон калимасини айтмайман, деб оламдан ўтди. 3. Ҳукмий Куфр. Баъзан шариатга хилоф ишларни қилиш ёки куфр сўзларини билиб-билмай гапириб қўйиш сабабли куфрга ҳукм қилинувчи ҳолат. Масалан, бир мусулмон одам Қуръонни тепса ёки шариатни

масхара қилса ёхуд "намоз фарз эмас", "тўнғиз гўшти ҳаром эмас" каби рад сўзларини айтса, мусулмончиликнинг бошқа ҳамма кўрсатмаларини бажараётган бўлса ҳам, у кофир деб ҳукм қилинади. Хоҳ ҳақиқий, хоҳ ҳукмий кофир бўлсин, умр бўйи қилган тоат-ибодатлари бекор бўлади, никоҳи бузилади. Шундай ҳолатга тушиб қолган одамга яхши насиҳат этиб, тавба қилиш ва никоҳини янгидан ўқитиб олиш тавсия этилади. Ҳозирги вақтда куфр тушунчасидан мутаассиб мусулмон жамоалари (масалан, "Ихвон алмуслимун"), шунингдек, сиёсий курашда (Эрон-Ироқ можароси) кенг фойдаланилмоқда.

МАДИНА (арабча - шаҳар, тўлиқ арабча номи -Мадинат Расулуллоҳ ёки Мадинат ан-набий пайғамбар шаҳри) - Саудия Арабистонининг шимоли-ғарбий қисмидаги шаҳар. Ҳижоз вилоятида. Халқ уни Мадинаи Мунаввара - Нурафшон шаҳар деб эъзозлайди. Маккадан 400 км шимолда жойлашган. Мадинага асос солинган вақт номаълум. Қадимги Ясриб (Ятриб) илк ўрта асрлардан бошлаб Мадина деб аталган. 622 йил Муҳаммад (сав) Маккадан Мадинага кўчиб ўтганлар ва қолган умрлари шу ерда кечган. Ҳарбий ҳаракатларга раҳбарлик қилиш, Макка зиёратига бориш учунгина шаҳарни тарк этганлар. Мадинада мусулмонлар жамоаси (умма) тузилиб, ислом мустақил дин сифатида шаклланди. 7-асрдан бошлаб Мадина мусулмонларнинг Маккадан кейинги энг катта зиёратгоҳи ҳисобланади. Мадина 632-656 йилларда Араб халифалигининг пойтахти бўлган. Умавийлар ва аббосийлар даврида Ҳижознинг маъмурий марказига айланган. 10-асрдан бошлаб эса, Мисрга тобе бўлган. 1517 йилда турклар Мисрни босиб олгач, Мадина Усмонли турк салтанатига, 1919 йилда эса, Ҳижоз қироллигига қўшиб олинган. Орадан 5 йил ўтгач, Мадинани Ибн Сауд қўшинлари забт этди. 1932 йилда бу шаҳар Саудия Арабистонига қўшиб олинган. Мадина атрофи илгари мудофаа девори билан ўралган бўлиб, саккизта дарвозаси бор эди. Ҳозир улар бузилиб кетган. Ҳожиларга ҳаждан сўнг Мадинаи Мунавварага бориб, Муҳаммад(сав)нинг қабрларини зиёрат қилиш расм бўлган. Мадина марказида Расулуллоҳнинг уйлари (Ҳарам шариф) ва мақбаралари бор, Мақбара устига катта масжид қурилган (656). Шаҳар аҳолиси, асосан, савдо, зиёратчиларга хизмат қилиш, ибодат қилиш учун зарур буюмлар (тасбеҳ, жойнамоз, зиёратчилар учун махсус кийимлар) ишлаб чиқариш билан машғул. Аҳолининг бир қисми хурмо ва сабзавот етиштиради. Бугунга Мадина ҳам кўҳна, ҳам навқирон шаҳар. Саудия Арабистонининг деярли барча қатнов йўллари Мадина шаҳри билан боғлиқ. Шаҳар энг замонавий алоқа воситалари билан жиҳозланган. 1961 йил Ислам университети очилди. Шаҳарнинг туб аҳолиси 0,5 млн. кишидан иборат. Шаҳарда аэродром бор. Мадина шаҳрига

ҳаж мавсумида жаҳоннинг турли мамлакатларидан миллионлаб мусулмон зиёратчилари қадам ранжида қилишади.

МАЗҲАБ (арабча - йўналиш, оқим, йўл, таълимот), шариат мазҳаблари – исломда диний ҳуқуқ тизимлари ва йўналишлари. 8-9-асрларга келиб шариатнинг шаклланиши жараёнида ҳуқуқшунослик - фикҳ соҳасида жуда кўп мазҳаблар юзага келган. Ҳозирги вақтда суннийликда тўртта мазҳаб - ҳанафийлик, моликийлик, шофиъийлик, ҳанбалийлик (мазҳаблар номи уларнинг асосчилари: Абу Ҳанифа (Имоми Аъзам), Молик ибн Анас, Шофиъий, Ибн Ҳанбал номидан олинган), шиаликда бир мазҳаб - жаъфарийлик (асосчиси - Жаъфар ас-Содиқ) сақланиб қолган. Шариат мазҳаблари диний фирқалардан фарқ қилади. Суннийликдаги тўрттала мазҳаб ҳам тенг ҳисобланади, йирик мусулмон университетларида тўрт мазҳаб бўйича алоҳида дарс ўқитилади. Мазҳаблар умуман анъанавий диний ҳуқуқ доирасидан чиқмагани ҳолда, шариат масалаларида енгилроқ ёки қаттиқроқ ҳукм чиқаришлари билан бир-биридан фарқ қилади. Ҳозир ислом мамлакатларида ҳанафийлик (Туркия, Покистон, Ҳиндистон ва ҳоказолар), моликийлик (Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия), шофиъийлик (Миср, Индонезия ва ҳоказолар), ҳанбалийлик (Саудия Арабистони) мазҳаблари, шунингдек, шиалик тарқалган мамлакатлар (Эрон, Ироқ, Яман ва ҳоказолар)нинг ҳуқуқий ҳаётида жаъфарийлик мазҳаби ўз мавқеини маълум даражада сақлаб келмоқда. Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда ҳанафийлик мазҳаби кенг ёйилган.

МАККА - мусулмонларнинг муқаддас шаҳри. Саудия Арабистонининг ғарбида, Қизил денгиз соҳилидан 80 км узоқликда тоғлар орасида жойлашган бу шаҳарни араблар Умм ул-Қурро, Умм ул-Мадоин, яъни шаҳарлар онаси деб юритадилар. Қуръонда "Баққа" номи билан келган. У Ҳижознинг маъмурий ва савдо маркази, мусулмонлар ҳаж қиладиган мусулмончиликнинг бешинчи аҳкоми бажариладиган жой. Қуръони Карим 114 сурасининг 86 таси Маккада нозил бўлган. Маккада Каъба билан бош масжид - Ҳаром масжиди бор. Макка - ислом динининг Муҳаммад пайғамбари (сав)нинг ватанлари, арабларнинг қадимги зиёратгоҳи. Мусулмон ривоятларига кўра, Маккада Одам ато ва Момо ҳаво ҳамда Шис, Иброҳим, Исмоил ва Ҳожар яшаганлар. Макка шаҳрига қачон асос солингани маълум эмас. Илк бор Замзам булоғи теварагида аҳоли яшаш масканлари пайдо бўлгани ҳақида маълумот бор. Исломга қадар Макка мажусий араб қабилаларининг диний ҳамда Шарқ билан Ўрта денгиз бўйидаги давлатлар ўртасидаги муҳим савдо маркази бўлган. Ислом вужудга келишидан кўп асрлар илгари Маккадаги Каъба ибодатхонаси араб қабилаларининг зиёрат маркази бўлиб, унда қabila худоларининг санамлари сақланган. Шаҳар биринчи марта юнон тарихчиси Птолемей

асарларида Макораба номи билан тилга олинган ва бу ерда милодий 2-асрда ибодатхона мавжудлига айтиб ўтилган. Маккада пайғамбар Муҳаммад (сав) таваллуд топганлар ва шу ерда ислом тарғиботини бошлаганлар. Муҳаммад (сав) 622 йилда ўз саҳобалари билан Маккадан Ясриб (кейинчалик ал-Мадина деб аталадиган) шаҳрига ҳижрат қилганлар. Ривоятга кўра, қадимги Журҳум, Хузўа қабилалари, 4-аср охиридан эса, Қурайш қабиласи кўчиб келиб яшай бошлаган. 6-7-аср ўрталарида Каъбадан 800-900 м шимоли-шарққа ва тахминан 500 м жануби-ғарбга чўзилган водий бўйлаб аҳоли истиқомат қиларди. Марказда, Каъбадан жануброкда бозор бўлган. Турар жойлар деворлар билан ўралган катта ҳовлилардан иборат бўлиб, ҳовли ичида қавми қариндош оилаларнинг иморатлари жойлашган. Ўша вақтда Маккада 6-7 минг аҳоли яшаган. Маккада суғориш учун сув йўқлиги, муқаддас ҳудудда деҳқончилик ва ов билан шуғулланиш ман қилингани устига атрофдаги қабилалар учун муқаддас ҳисоблангани туфайли қурайшларнинг савдо билан машғул бўлишига тўғри келган. Шаҳар аҳолиси асосан диний маросимлар учун зарур бўлган буюмларни тайёрлаган ва ҳажга келганларга хизмат қилган. Муҳаммад (сав) Маккадан чиқиб кетгач, Мадинадаги янги масжидни Каъбага қарши қўя бошлаганлари йўқ, аксинча, уни Каъба (қибла)га тўғрилаганлар. 630 йил мусулмонларнинг Маккани фатҳ этишлари шаҳарнинг муқаддас марказ сифатидаги алоҳида мавқеини тиклабгана қолмай, уни янги мақомга кўтарди; ҳаж қилиш маросимида Каъбани тавоф қилиш билан бирга Арафот тоғига кўтарилиш ҳам кўшди. Маккани зиёрат қилиш исломнинг асосий рукнларидан бири ҳисобланади. Умавийлар даврида Макка ривожланди ва қиёфаси бутунлай ўзгарди: бир қаватли иморатлар ўрнида кўп қаватли уйлар ва қасрлар қад кўтарди. Макка маъмурлари сув йиғиладиган иншоотлар бунёд этдилар, осма қувурлар ўтказдилар, шаҳар атрофларида боғ-роғлар пайдо бўлди. Халифаликнинг ҳамма томонидан кела бошлаган маблағлар, шунингдек, зиёратчилардан тушган даромад маккаликларни имтиёзли мусулмонлар гуруҳига айлантди. Каъба 624 йилда қибла деб эълон қилинганидан кейин Каъбага томон қараб ибодат қилина бошланган. 19-аср бошигача Маккани Ғарбий Арабистонда ҳокимиятни амалга оширган давлатларнинг ноиблари бошқариб келганлар, лекин шаҳарнинг ички ҳаётида кўп нарсаларни шарифлар (Муҳаммад (сав) авлодлари) ҳал қиларди. Маълумки, Бағдод халифалиги инқирозга учраганидан сўнг Макка фотимийлар, айюбийлар ва мамлуклар қўл остига, кейинчалик - 1517 йилда Усмонли турк салтанати тобелигига ўтди. 1925 йилдан Саудия Арабистони таркибида. Ислом дини амал қилаётган 14 асрдан ортиқ вақт давомида Макка ғайридинлар учун ёпиқ шаҳар ҳисобланади, аммо 18-асрдан эътиборан европалик айрим тадқиқотчилар мусулмон зиёратчилари никобида унга кира

бошлаганлар. 20-аср бошигача Макка аббосийлар давридаги худудга тенг жойни эгаллаб келган, доимий аҳолиси 50 минг кишидан ошмаган. Ҳозирги вақтда Макканинг туб аҳолиси салкам 0,5 млн. кишини ташкил этади, шаҳар автомобил йўллари орқали ташқи дунё билан боғланган.

МАРЯМ - Қуръонда тилга олинган тақволи, сиддиқа аёл, Исо пайғамбарнинг онаси, христианликдаги Марияга тўғри келади. Ислом таълимотига кўра, у тақволи, мўмина она, жаннатдаги аёлларнинг раҳнамоси. Қуръони Каримнинг 19-сураси "Марям" деб аталади. Марямнинг отаси Имрон "Бани Исроил" қавми ичида энг обрўли кишилардан эди. Унинг хотини Ҳанна бефарзанд эди. Ҳанна Аллоҳга илтижо қилиб, фарзанд ато этишни сўради ва агарда фарзандли бўлса, ушбу фарзандни Аллоҳ йўлида Байтул Мактсис хизматига вақф (назр) қилишини ният қилди. Аллоҳ унга қиз фарзанд ато этди ва уни Марям деб номлади. Одатда ибодатхоналардаги хизматларни эркаклар бажарганидан у ўз назри, қизининг тақдири қандай бўлишини ўйлаб, хайрон қолди. Марям ёшлигидаёқ отаси вафот этди, энди унинг тарбиясини кимдир ўз қафолатига олиши керак эди. Марямни тарбиялаш ҳоласининг эри Закариё (ас) пайғамбарнинг чекига тушади. У қачон Марямнинг хонасига кирса, у ерда қишда ёз мевалари, ёзда қишда бўладиган ноз-неъматларни кўради. "Бу нарсалар сенга қаяқдан келди?" деб сўраганида Марям: "Булар Аллоҳ хузуридан" дейди. Ибодатхона хизматига назр қилингани учун доимо шу ерда бўлиб, умрини фақат тоат билан ўтказар эди. У одамларга аралашмас, ибодатхонада ёлғиз қолиб тоат билан банд бўларди. Кунларнинг бирида, Марям ибодатхонада тоат билан машғул бўлиб турганида, Аллоҳ таоло унга Жаброил (ас)ни юборади. Марям ўз аҳди-оиласидан четга - кун чиқар томонга бориб, улардан беркиниб олган пайтида, Жаброил: "Парвардигорингнинг сенга бир покиза ўғил ҳадя қилиш учун (келган) элчисидурман" дейди. Бундан Марям таажжубланиб: "Ахир мен турмушга чиқмаган бўлсам ёки фожира аёл бўлмасам, қандай қилиб мен фарзандли бўлишим мумкин" дейди. Шунда Жаброил (ас): "Айтганинг тўғри, лекин Аллоҳ айтдики: "Бир гўдакни отасиз яратиш менга осон, бу мени улуғ қудрат эгаси эканлигимнинг белгиси бўлур", дейди. Шундай қилиб, Исо Аллоҳ ирода этгани учун отасиз яратилди. Тўлғоқ азоби уни бир хурмо дарахтининг ёнига олиб борди (ва у хурмо шохига осилган ҳолда кўзи ёригач), деди: "Қанийди, мана шу кундан илгарироқ ўлиб кетсам-у, бутунлай унутилсам эди". Шунда хурмо дарахтининг ортидаги Жаброил нидо қилди: "Ғамган бўлма, Парвардигоринг (оёқ) остингдан бир ариқ оқизиб қўйди. (Мана шу куриб қолган) хурмо шохини силкитган, у сенга янга хурмо меваларини ташлар. Энди сен еб-ичгин, шод-хуррам бўлгин". Марям боласини кўтарган ҳолда қавмига келганда улардан таъналар эшитади. Шунда бешикдаги гўдак Исо тилга кириб дейди: "Мен Аллоҳнинг

бандасидирман. У зот тез кунда менга Китоб - Инжил ато этади ва мени пайғамбар қилади".

МОЛИК ибн АНАС Абу Абдуллоҳ (713-795) - фақиҳ, муҳаддис, моликийлик мазҳабининг асосчиси. Мадинада туғилган. Болаликдан диний илм олди, Қуръони Каримни ўрганди. Ислом ҳуқуқини пухта эгаллаб, "Мадина имоми" унвонига сазовор бўлди. Молик ибн Анас бирор сиёсий оқимга эргашмаса-да, ҳокимиятнинг сайлаб қўйилиши қондасини афзал ҳисобларди, лавозимларга маъмурий тайинланишларга қарши эди. Молик ибн Анас Муҳаммад (сав) саҳобалари айтган ҳадисларни муайян мавзуларга ажратиб, "ал-Муваттаъ" ("оммавий, барчага тушунарли" маъносида) деб аталган тўплам тузди. Муҳаддис бунинг учун 40 йил умрини сарфлади. Бу илк ҳадис тўпламларидан бири бўлиб, бир неча минг ҳадисни ўз ичига олган. Молик ибн Анас мударрислик фаолияти билан шуулланган. Шогирдлари орасида таниқли муҳаддис Муҳаммад Шайбоний (805 йилда вафот этган), шофиъийлик мазҳаби асосчиси Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий (820 йилда вафот этган) бўлган. Молик ибн Анаснинг ижтимоий-сиёсий қарашлари асосида ҳокимият халифа қўлида бўлиши, халифа эса қурайшийлардан сайланиши, алоҳида ваколатли шахслардан ташкил топган гуруҳ (шўро) уни тасдиқлаши керак, деган фикр ётади. Умуман у Муҳаммад (сав) давридаги анъаналарни ёқлаб чиққан, яъни "ашоб ал-ҳадис" ("ҳадис тарафдорлари") оқимининг йирик намояндаси бўлган. Умрининг охирида зоҳидликка берилган ва узлатда яшаган.

МОЛИКИЙЛИК - суннийликдаги диний-ҳуқуқий мазҳаблардан бири. Молик ибн Анас асос солган. Моликийлик Мадинада пайдо бўлди, Арабистон ярим оролига, кейин Миср, Шимолий Африка ва Андалусияга тарқалди. Молик ибн Анаснинг "ал-Муваттаъ" ("оммавий, барчага тушунарли" маъносида) асари моликийлик таълимотининг асосий манбаи ҳисобланади. Моликийлик тарафдорлари Муҳаммад (сав) ҳаётликлари вақтида илк исломда шаклланган фикҳ меъёрларини тан олади, фикҳнинг асосий манбаи сифатида Қуръон ва суннага таянади, Мадинанинг саводли аҳолиси яқдиллик билан маъқуллаган қоидаларнигина ижмо деб ҳисоблайди. Шу билан бирга мусулмонларнинг умумий манфаатларига жавоб берувчи шарият ҳукмларига монелик қилмайди. Ҳозирги вақтда ҳам бу мазҳаб қоидаларининг Марокаш, Тунис, Жазоир ва Ливия никоҳ-оила ва мулкка оид ҳуқуқига сезиларли таъсири бор. У Ливиянинг бир қатор жинойт қонунлари асосини ташкил этади.

МОТУРИДИЙ, Абу Мансур ал-Мотуридий (тўлиқ номи Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандий; 870-944) - буюк имом, фикҳ олими, калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси. "Имом ал-худо", "Имом ал-мутакаллимон"

("Ҳидоят йўли имоми", "мутакаллимлар имоми") номлари билан улуғланган. Самарқанднинг Мотурид қишлоғи (ҳозирги Жомбой тумани)да таваллуд топиб, то умрининг охиригача шу ерда яшаган, бу ерда катта боғ ҳам барпо этган. Мотуридий Самарқанддаги ал-Аёзий мадрасасида ўқиди, маҳаллий ҳанафий фақиҳлардан таълим олди, кейин ўзи фикҳ ва калом илмларидан дарс берди. Васиятига кўра, Самарқанддаги Чокардиза қабристонига дафн этилган. Мотуридийнинг асосий асарлари "Китоб ат-тавҳид" ("Яккахудолик ҳақидаги китоб") "Таъвилот аҳл ас-сунна" ("Суннийлик анъаналари шарҳи")дир. "Китоб ат-тавҳид" билиш назарияси баён қилинган мусулмон илоҳиётининг биринчи асари ҳисобланади. Китобнинг калом илми таърифи берилган муқаддимасида билимнинг уч манбаи: ҳиссий (сезги) аъзолари воситасида, нақд-ривоятлар воситасида ва ақл-идрок воситасида ахборотлар олиш мумкинлиги ҳақида гапирилади. Мотуридий соф дин доирасидан чиқмаган ҳолда ақлидрокни улуғлайди ва мантиқан асосланган билимнинг аҳамиятини таъкидлайди. Мотуридий илоҳиётчи олим сифатида муҳим ақидавий масалалар - жузъий ихтиёр, эътиқод, охират ҳаёти қабиларни қамраб олувчи рисоалар битди. "Маъхаз аш-шариъа", ("Шариат асослари сараси"), "Китоб ал-усул" ("Диний таълимот усули китоби"), "Китоб ал-жадал" ("Диалектика ҳақида китоб") каби асарлари шулар жумласидандир. Мотуридий Абу Ҳанифа қарашларини тушунтириб бериб, уни ривожлантирди. Абул Ҳасан ал-Ашъарий (873-935) ишлаб чиққан ислом ақидаси асосларини такомиллаштириб, уни суннийлик эътиқодига кириб қолган нотўғри, ғайри саҳиҳ ақидалардан тозалади. Мотуридий илмий меросини бутун дунё қизиқиб ўрганмоқда. Унинг асарлари айрим қўлёзмалари бизгача етиб келган ва қисман тадқиқ қилинган. Жумладан алломанинг Қуръонни тўғри ўқиш учун мўлжалланган "Таъвилот ал-Қуръон" асари ва унинг узвий давоми ҳисобланмиш "Иршод ал-мубтадийн фий тажвиди Каломи раббул-оламин ("Қуръон ўқишга киришганлар учун қўлланма") китоби ҳозирда ЎзР Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Геттинген (ГФР) университетининг профессори Рудолф Уилрих "ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти" асарини 1997 йил немис тилида нашр эттирди. Унинг ўзбек тилидаги нашри ҳам тайёрланди (Тошкент, 2001). ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан 2000 йилда Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Шу муносабат билан Тошкент ва Самарқандда Мотуридий таълимоти ва унинг ислом оламида тутган мавқеига бағишланган халқаро илмий анжуманлар ўтказилди, Самарқандда аллома қабри устида ёдгорлик мажмуаси барпо қилинди.

МОТУРИДИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУИ, Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги (2000) муносабати билан, ЎзР Президенти

И.АСР Каримов ташаббуси билан Самарқанд шаҳри марказида бунёд этилиб, рамзий мақбараси ўрнатилган (худуди тахминан 4 га). Ёдгорлик Регистон ансамбли яқинида, Вобкент, Ғиждувон ва Бухоро кўчалари оралиғида жойлашган. Бош кириш қисми Вобкент кўчасидаги хиёбон орқали. Лойиҳага кўра 3 қисмга (марказий, боғ ва хўжалик) бўлинган, улар ўзаро бир-бири билан хиёбонли йўлка орқали боғланган. Лойиҳа ўқи манзарали мужассамотда яратилиб, мақбара биносига туташган. Шаршарали фавворалар хиёбонли йўлка марказида қурилиб, атрофи ободонлаштирилган. Ёдгорликнинг меъморий лойиҳаси ва бадий ечимида ўзбек миллий маҳобатли санъатининг энг яхши анъаналари қўлланилган. Мақбара пишиқ ғиштдан, мурабба тархди (12x12 м), шифти гумбазли (бал. 15 м), пойгумбази 24 кичик равоқчаларга бўлиниб, ганчкори панжаралар билан безатилган. Панжаралар юқориси мураккаб тузилишдаги муқарнаслар билан тўлдирилган. Хона марказига қўйилган сағанада араб ёзувида буюк олимнинг сўзлари битилган.

МОТУРИДИЙЛИК - каломдаги оқим, Абу Мансур Мотуридий асос солган. 9-аср охири -10 асрда Мовароуннаҳрда исмоилийлар ақидаларига қарши жавоб тарзида вужудга келган. Бу таълимот ривожланиб, 13-асрдан кейин Мовароуннаҳр худудидан чиқиб, мусулмон Шарқи мамлакатларига ёйилди. Салжуқийлар ҳукмронлиги даврида ҳамма жойда ислом ақидаларида Мотуридийлик татбиқ қилинди. Суннийликнинг ҳанафийлик мазҳабига эътиқод қилувчиларнинг барчаси ақида бобида имом Мотуридий, унинг шогирдлари ҳамда издошлари ёзиб қолдирган асарларга таяниб иш кўрдилар. Ислом оламининг аксарият минтақаларида, Сурия, Ироқ, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Шимолий Африкада бу таълимот ҳозир ҳам ўрта ва олий диний ўқув юртларида мустақил фан сифатида ўқитиб келинмоқда. Мотуридийликнинг кенг ёйилишига унинг мўтадиллик йўлини тутгани, ақидавий масалаларда Қуръон, ҳадис ва ақлу идрок, мантиқ ҳамда ҳақиқатга энг яқин тургани сабаб бўлди. Имом Мотуридий тарафдорлари билишда фақат ақлга суяниш керак, деган муътазилийлардан фарқли ўлароқ, ақл билан нақлни кўшиб фойдаланиш зарур, деб ҳисоблаганлар. Муътазилийлар Қуръонни яратилган десалар, мотуридийлар уни қадим, азалий, деб биладилар. Имон-эътиқод хусусида Мотуридийлик таълимоти, айниқса, диққатга сазовор. Муътазилийлар имоннинг шартлари 3 та, яъни тил билан иқрор, дил билан тасдиқ ва амал билан ижро этиш, десалар, Мотуридийликда имоннинг шартлари 2 та, яъни тил билан иқрор этиш ва дил билан тасдиқлаш, амалларнинг ўрни эса бошқа, деб таъриф қилинади. Мотуридийлик ҳар бир инсоннинг тақдири Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилганига қарамай, у ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгардир, деб билади. Инсон имтиҳонлар учун яратилган. Шу билан бир вақтда унга ушбу синовлардан муваффақиятли ўтиш

ва тўғри йўлни топиш учун кенг имкониятлар бериб қўйилган. У ўз хатти харакатларида ихтиёрлидир.

МУАЛЛАҚ ТОШ - Аксо масжиди яқинидаги Қуббатус Сахра масжиди ичидаги тош. Қуддус (Исроил) шаҳрида. Ривоятларга қараганда, Расулуллоҳ тош орқали Буроқга чиққанлар. Ушбу Муаллақ тошнинг ҳажми тахминан 7-8 кв. метр келади. Унинг пастки қисмида 2 киши сиғадиган ғорча бор. Ғор ичига кирилса, 7 киши сиғадиган жой бўлиб, у ерга жойнамоз тўшаб қўйилган, кирган одам икки ракаат намоз ўқиб чиқади. Ушбу тош атрофи 1 метр баландликда панжара билан ўраб қўйилган. Расулуллоҳ осмонга кўтарилганларида тош ҳам орқаларидан эргашиб, ҳавога кўтарилган-у, пайғамбар "тўхта" деганларида, у ердан 2 метр кўтарилганича қолаверган. Мусулмонларга бу тошни муқаддаслаштириш ёки зиёрат қилиш буюрилмаган.

МУҲАММАД (сав), Аҳмад ибн Абдуллоҳ (570/571 - 632) - ислом дини пайғамбари ва мусулмонларнинг биринчи жамоаси асосчиси. Мусулмонлар этиқодига кўра, Аллоҳнинг охирги пайғамбари ва унинг элчиси. У зот орқали одамларга Қуръон нозил қилинган. Ислом таълимотига кўра, Муҳаммад номларини айтган ёки эшитган киши "саллалоҳу алайҳи васаллам" (сав) - "унга Аллоҳнинг раҳмат ва саломи бўлсин" ёки "алайҳиссалом" - "унга саломлар бўлсин" деб саловат айтиб қўйиш вожиб ҳисобланади. Қурайш қабиласининг хошимийлар уруғига мансуб, Маккада унча бой бўлмаган, лекин Макка зодагонларига яқин оилада туғилганлар. Муҳаммад (сав)нинг болалик ва ўсмирлик йиллари ҳақидаги маълумотлар жуда кам. Муҳаммад (сав) гўдакликларидаёқ етим қолганлар; оталари Абдуллоҳ - пайғамбар (ас) туғилмасларидан аввал, олти ёшликларида эса - оналари Омина вафот этган. Сўнг Муҳаммад (сав)ни ўз тарбиясига олган боболари Абдулмутталиб ҳам кўп ўтмай оламдан ўтади. Етим болани тарбия қилишни амакилари Абу Толиб ўз зиммасига олади. 12 ёшларида Муҳаммад (сав) бир муддат Абу Толибнинг подасини боқадилар, кейин тижорат ишларига жалб қилинганлар. 21 ёшларида Абу Толиб М. (сав)ни Ҳувайлид ибн Асъаднинг қизи, бадавлат бева аёл Хадича хонадонига дастёрликка беради. Хадичанинг савдо ишлари билан шуғулланган Муҳаммад (сав) Сурияга сафар қилганлар. Хусусан, Халаб ва Дамашқ шаҳарларига борадилар. Муҳаммад (сав) 595 йил 25 ёшда 40 ёшларга бориб қолган Хадичага уйланганлар. Хадича ҳаётлигида Муҳаммад (сав) бошқа хотин олмаганлар. Муҳаммад (сав)дан Хадича уч ўғил (Қосим, Тоҳир, Таййиб) ва тўрт қиз (Руқия, Зайнаб, Умму Кулсум, Фотима) кўрган. Ўғиллари гўдаклигидаёқ вафот этган. Қизларидан Фотимагина Муҳаммад (сав) авлодларини давом эттирган. Хадича вафотидан сўнг Муҳаммад (сав) бир неча бор уйланганлар (лекин, Оишадан бошқа бокира қиз хотин олмаганлар), улардан фарзанд кўрмаганлар. Фақат жориялари Мориядан Иброҳим исмли

ўгил бўлган. У ҳам жуда ёшлигида нобуд бўлган. Муҳаммад (сав) қирқ ёшга тўлганларида ўзларини бошқача сеза бошлаганлар. Ёлғизликни кўмсаб, Макка ёнидаги Ҳиро тоғида жойлашган ғорга бориб ибодат билан машғул бўлар, ўйга толардилар. Тахминан 610-йилда Муҳаммад (сав) Маккада ўзларининг худодан ваҳий олаётганларини эълон қиладилар. Буни биринчилардан бўлиб Хадича, Муҳаммад (сав)нинг амакиваччалари Али ибн Абу Толиб ҳамда асранди ғиллари Зайд ибн Ҳориса эътироф этиб имон келтиришган. Кўп ўтмай, Макканинг энг нуфузли савдогарларидан Абу Бакр, Зубайр, Талха, Саъд ибн Абу Ваққос, Абдурахмон ибн Авф ва Усмон ибн Аффон Муҳаммад (сав)нинг чин пайғамбар деб тан олишган. Муҳаммад (сав) издошлари жамоаси дастлабки пайтларда 50 кишидан ошмаган. Макканинг қолган аҳолиси, айниқса, нуфузли қурайшийлар эса, Муҳаммад (сав) таълимотларини очикдан-очик душманлик билан қарши олган. Бунинг натижасида Муҳаммад (сав) тарафдорларидан 11 хонадон (50 га яқин одам) Ҳабашистон (ҳозирги Эфиопия)га кўчиб кетган. Муҳаммад (сав) жамоаларига жасур жангчилар сифатида танилган Ҳамза билан Умарнинг қўшилиши жамоанинг мавқеини оширди. Айни вақтда қурайш зодагонларининг Муҳаммад (сав) ва у зотнинг тарафдорларига душманлиги янада кучайди. 620 йилда Хадичанинг, сўнгра Абу Толибнинг вафотидан сўнг Маккада вазият ёмонлашади, Муҳаммад (сав) муайян хатар остида қоладилар. Ҳар йилги анъанавий Макка зиёратига келган Ясриб (ҳозирги Мадина шаҳри)лик Авс ва Хазраж қабилаларининг вакиллари Муҳаммад (сав) билан учрашиб, содиқлик билдиришади ва ёрдам қилишга ваъда беришади, Муҳаммад (сав)ни Ясрибга кўчиб боришга даъват қилишади. Аввал Муҳаммад (сав)нинг издошлари (ашоблар) ўз оилалари билан қурайш зодагонларидан махфий равишда гуруҳ-гуруҳ бўлиб кўчади. Охирида Муҳаммад (сав)нинг ўзлари Абу Бакр (ра) билан жўнаб кетадилар. 622 йилда юз берган бу кўчиш пайти (арабча хижра)дан мусулмонлар эраси - хижрий йил ҳисоби бошланади. Дастлаб, кўпчилик Маккалик мусулмонлар, кейинчалик Муҳаммад (сав)нинг ўзлари ҳам Ясрибга кўчиб ўтишган (Рабиул аввал ойининг 12 ёки 8-санасида ёки 622 йилнинг 24 ёки 22 сентябрида). Ясриб Мадинат ан-Набий ("Пайғамбар шаҳри") ёки шунчаки, Мадина деб атала бошланди. Муҳаммад (сав) жамоанинг оддий даъватчисидан сиёсий етакчисига айланганлар. Аста-секин Маккадан Муҳаммад (сав) билан бирга кўчиб келган мусулмон - муҳожирлар ва мадиналик мусулмон ансорлар Муҳаммад (сав)нинг асосий таянчлари эдилар. Шанба ўрнига мусулмонлар учун жамоа бўлиб намоз ўқиладиган жума куни белгиланади. Каъба муқаддас ҳаж зиёратгоҳи деб эълон қилинади. У ислом динининг асосий зиёратгоҳи, ибодат қилувчилар ўша тараф (Қибла)га қараб ибодат қиладиган бўлдилар. Мадинада биринчи масжид, Муҳаммад (сав) уйлари қурилади, мусулмон

арконлари (ақоид) -ибодат, таҳорат, рўза, намозга чорлаш - азон хайр-эхсон эҳтиёжлари учун закот йиғиш қоидалари ишлаб чиқиладиган бошлади. Муҳаммад (сав) Аллоҳнинг элчиси, одамларга илоҳий йўл-йўриқ ва қонунларни етказувчи пайғамбар деб таниладилар. Мадинада Муҳаммад (сав) атрофларига бирлашган муҳожир ва ансорлардан иборат мусулмонлар жамоаси (умма) вужудга келди. Бу жамоа Арабистонда азалдан ҳукм суриб келган қон-қариндошликдан иборат уруғқабилчилик бирлашмалари асосида эмас, балки ягона диний таълимот асосида вужудга келган эди. Умма диний руҳдаги уюшма бўлиб, Муҳаммад (сав) айна вақтда жамоанинг ҳам диний, ҳам дунёвий, ҳам ҳарбий раҳбари эдилар. Ҳижрадан сўнг бир неча йил давомида Мадина ва атрофдаги араблар исломни қабул қилиб, жамоага аъзо бўлиб киришди. Шаҳардаги яҳудийлар мусулмонлар билан тузган аҳдномани бузгани учун қисман ҳайдаб чиқарилди, бир қисми қириб юборилди. Шундай қилиб, Муҳаммад (сав) диний таълимот, маросимлар ва жамоани уюштиришнинг асосий тартиб қоидаларини шакллантирганлар. Бу қонун-қоидалар келтирилган ваҳийларда қисман Муҳаммад (сав)нинг ваъзлари, хатти-ҳаракатлари ва қарорларида ўз аксини топди. Мадина даврининг аввал бошидан жамоани жипслаштириш ва уни кенгайтиришнинг шаклларида бири маккалик мушрикларга қарши курашиш эди. 623 йил мусулмонларнинг Макка савдо қарвонларига ҳужумлари бошланди. Маккаликларга қарши уюштирилган иқтисодий уруш, улар фаровонлигининг асосий манбаи бўлган савдо қарвонлари ишини чиппакка чиқарди. 624 йилда Бадр қудукдари олдида, 625 йилда Уҳуд тоғи этагида жанглар бўлди. 626 йилда маккаликлар мадиналикларга узил-кесил зарба бериш мақсадида йирик ҳарбий сафарга отланишди. Муҳаммад (сав) Мадинани узоқ қамал шароитига тайёрладилар, шаҳар атрофига чуқур хандақлар қазилди ва у ерларга камончи ўқчилар жойлаштирилди. Қаттиқ тўзонли шамоллар қамал қилувчиларни толиқтирди, улар орасида низолар бошланди. Натижада Мадина қамали бекор қилинди, бу ғалаба Мадина жамоасини янада жипслаштириш билан бирга, унга янги-янга бадавий қабилаларнинг қўшилишига олиб келди. Ҳижранинг 6-йилида маккалик қурайш зодагонлари мавжуд муаммоларни келишувчилик йўли билан бартараф этиш учун Муҳаммад (сав) билан тенгма-тенг музокара олиб боришга мажбур бўлишди. Хусусан, Худайбияда муҳим битим тузилди: унга кўра, маккаликлар келгуси йили Мадина мусулмонларининг Каъба зиёратига тўсқинлик қилмаслик, улар Маккага келган кунлари шаҳардан ташқарига чиқиб туриш мажбуриятини олди. Мадиналиклар ўз навбатида бундан буён Макка қарвонларига тегмайдиган бўлди. Бу даврга келиб маккаликларнинг Ғарбий Арабистондаги сиёсий таъсири тобора заифлаша бошлаган эди. Шу шароитда Макка ҳукмрон доиралари Муҳаммад (сав) жамоаси билан

муносабатларни мустаҳкамлаш зарурлигини тушуна бошлади, Мадинага қарши курашнинг етакчиларидан бири бўлган Абу Суфён Муҳаммад (сав) тарафига ўтди. 630 йилда Макка Муҳаммад (сав)га жангсиз таслим бўлди, исломнинг диний марказига айланди. Каъба ичидаги бутлар ва санамлар бузиб ташланди, у янги диннинг энг муқаддас саждагоҳига айлантиридди, бу ерга зиёрат (ҳаж) қилиш бу диннинг шартларидан бири деб эълон қилинди. Маккаликларнинг ўзлари эса Муҳаммад (сав) жамоаларига қўшилди. Бу ҳол Муҳаммад (сав) жамоаларининг бадавийларга таъсирини янада кучайтиришда ва улар ўртасида исломни кенгроқ ёйишда муҳим аҳамият касб этди. 631 йилда кўп қабилалар Муҳаммад (сав)га бўйсунди ва исломни қабул қилди. Ҳижранинг 10-йили (632 йил мартада) Муҳаммад (сав)ўз оила аъзоларини олиб, Мадина атрофларидаги 100 мингдан ортиқ киши билан Маккага биринчи ва охирга марта зиёрат (ҳаж)га бордилар. Буни исломда ҳажжат ул-видо дейилади. Мана шу зиёрат Макканинг ислом диний маркази сифатидаги мавқеини узил-кесил ҳал этди. Ўшандан буён ўтган барча асрлар давомида мусулмонлар Маккани зиёрат қилади. Ана шу зиёратдан уч ой кейин узоқ давом этмаган касалликдан сўнг Муҳаммад (сав) Мадинада вафот этадилар. Пайғамбар (ас)ни ўз хужраларига дафн қилишган, мақбаралари кейинчалик у ерда қурилган катта масжид ичига олинган, мусулмонларнинг зиёратгоҳига айлантирилган. Муҳаммад (сав)нинг ҳаётлари ва таржимаи ҳоллари, у зотнинг сўзлари ва қилган ишлари ҳақидаги ривоятлар Ҳадисларда баён этилган. Ислом таълимотида Муҳаммад (сав) комил инсон сифатида таърифланадилар. Суннада пайғамбар (ас)нинг ҳаётлари барча мусулмонлар учун намуна бўлиши кераклиги таъкидланади. Ислом анъанасида Муҳаммад (сав) ҳеч қандай ғайритабиий, илоҳий хусусиятга эга эмасликлари, балки ҳамма каби оддий одам, лекин Аллоҳнинг чин ва охирги пайғамбарлари эканликлари қайд этилади. Муҳаммад (сав)нинг шаклу шамоиллари, сийрату сифатлари, инсоний фазилатлари, бошқа пайғамбарлардан фарқ этадиган хусусиятлари тўғрисида бирга юрган, суҳбатларидан баҳраманд бўлган саҳобалар ҳамда никоҳида бўлган аёллари томонидан нақл қилинган ривоятлар асосида кўплаб асарлар битилган. Улардан Абу Исо Термизийнинг "Шамоили набавия", Муҳаммад Бусирийнинг "Қасидаи бурда", Абу Жаъфар Барзанжийнинг "Мавлидин-Набий", Муҳаммад ибн Солиҳнинг "Муҳаммадия", Мавлоно Муъиннинг "Сияри шариф", Акбарободийнинг "Нодирулмаърож", Саййид Маҳмуд Тарозийнинг "Ширин калом", "Нурул калом", "Нурул-басар" ва бошқа кўплаб муаллифларнинг асарларини мисол қилиб келтириш мумкин. Имом Термизийнинг "Шамоили набавия" китоби улар ичида қадимийлиги ва ривоятларининг саҳихдаги билан ажралиб туради. Унда Муҳаммад (сав)нинг жисмоний ва ахлоқий хусусиятларига батафсил таъриф берилган. Масалан,

икки кифтлари ўртасида "Муҳаммадун-Расулulloҳ" дея битилган муҳри нубувватлари бўлгани, соч-соқолларининг оку қораси нечта бўлганидан тортиб, кийим-кечақлари, оёқ кийимлари, таққан узуклари, қилич-қалқонлари, салла-чопонлари, еган ва ёқтирган таомлари, овқатдан олдин ва кейин ўқиган дуолари, сув ичишлари, хушбўй нарсаларни истеъмол қилишлари, сўзлашиш одоблари, хулқ-одоблари, кулиш ва ҳазил-мутойибалари, мусиқа ва шеъриятга муносабатлари, ибодат ва риёзатлари, тиловат ва муножотлари, ётиш-туришлари, тиббиётга муносабатлари, кундалик тирикчиликлари, ному лақаблари, умрларининг микдори, хасталик ва вафотлари, қолдирган мерослари ва бошқа сифатлари тўғрисида алоҳида-алоҳида боб ва фасллар орқали баён этилган. Жисмоний тузилишлари тўғрисида жумладан шундай нақл қилинади: "Ул зотнинг бўйлари унчалик новча ҳам, паст ҳам эмас, бош, қўл, оёқ ва кифтлари йўғон, юзлари қизғиш, кўзлари катта, оқи жуда оқ, қораси ўта қора, ўткир, сочлари қулоқларининг юмшоқларигача ёпиб, елкаларига тегиб-тегмай турар, бўйинлари сочлари орасидан товланиб, гўё кумуш кўзадек кўриниб турар, терласалар, маржондек терларидан муаттар ҳид таралар, бирор кишига қайрилиб қарамоқчи бўлсалар бошларинигана буриб қарамай, балки бутун гавдалари билан ўгирилиб қарар эдилар. Олд томонларини қандай кўрсалар, орқа томонларини ҳам шундай кўрар эдилар. Муҳаммад (сав)нинг соялари ер узра намоён бўлмас эди.

НАБИЙ (араб. - кўплиги анбиё, илоҳий хабар келтирувчи) - пайғамбар, Аллоҳнинг фармойишини инсонларга етказиб берувчи воситачи шахс. Набийларга ишониш ислом дини ақидаларидан бири ҳисобланади. Ўзларига махсус китоб ва шариат берилмай, бир расулга (яъни Аллоҳ элчисига) ато этилган китоб ва шариатга амал қилмоққа буюрилган пайғамбарлар набийлар дейилади. Набийларнинг ҳеч бири расул бўла олмайди, аммо расулларнинг ҳар бири Набий номи билан ҳам аталади. Аллоҳдан ваҳий олиб турувчи шахс Қуръонда Муҳаммад (сав)нинг расул (элчи) деган исми билан бир қаторда энг асосий сифатларидан (номланишларидан) бири. Қуръонда, шунингдек, ундан аввал ўтган қадимги пайғамбарлар, жумладан, биринчи пайғамбар Одам ато ҳақида кўп зикр қилинган. Муҳаммад (сав) эса, энг охиргиси бўлиб, "ҳотам ан-набийин" - "пайғамбарлар муҳри" деб аталадилар. Қадимги пайғамбарлар Аллоҳга имон келтиришга чақирганлар ҳамда Муҳаммад (сав)нинг дунёга келишларини башорат қилганлар. Ривоятларга кўра, уларнинг сони 124 минг. Бироқ, Қуръонда 25 тасининг номи зикр қилинган. Улардан кўпининг кўшимча нисбалари бор. Масалан, Иброҳим (ас) Халилulloҳ (Аллоҳнинг дўсти), Исо Рухulloҳ (Аллоҳнинг руҳи), Муҳаммад Расулulloҳ ва ҳокао. Тўққизта пайғамбар алоҳида ажратиб кўрсатилади. Улар Нух, Иброҳим, Довуд, Якуб, Юсуф, Айюб, Мусо, Исо, Муҳаммад. Улардан бир нечасига муқаддас

китоблар: Мусога Таврот, Довудга Забур, Исога Инжил, Муҳаммад (сав)га Қуръон нозил қилинган.

НАМОЗ (форсча, арабча - салот) - ислом кўрсатмалари бўйича бажариладиган махсус ибодат тури; исломдаги беш рукндан бири. Намоз мусулмонларга меърож кечаси фарз қилинган биринчи ибодатдир. Бир кеча-кундузда беш маҳал (бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон) намоз ўқиш фарз ҳисобланади. Намоз ўқиш "Аллоҳу акбар" деб такбир айтиш билан бошланиб, сано, Қуръон оятларидан тиловат қилиш, тасбеҳ ва дуолар ўқиш, рукуъ, сажда, тиз чўкиб ўтириш, салом бериш кабилар билан якунланади. Намозда бажариладиган барча амаллар бирлаштирилиб, ёзма ҳолда Муҳаммад Шайбоний (805 йилда вафот этган) томонидан қайд этилгунга қадар, намоз ўқиш тартибини бир хилликка келтириш устида ўтган 150 йил мобайнида саъй-ҳаракатлар қилинган. Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифларда намознинг аҳамияти, фазилатлари ҳақида гапирилиб, уни мукаммал адо этишга ташвиқот қилинади. Намоз ўқиш учун намозхоннинг бадан ва кийимлари ҳамда ўқиш жойи пок бўлиши шарт. Намоз Маккадаги Каъба ибодатхонасига қараб ўқилади. Уни ўқишда махсус тўшама -жойнамоздан фойдаланилади. Намозни киши бир ўзи ёки жамоа бўлиб ўқиши мумкин, лекин жума кундаги жума Намозини масжидда ўқиш тавсия этилади. Жамоа бўлиб намоз ўқиганда намозхонлар қатор туради, улардан бири (одатда имом, лекин у иштирок этиши шарт эмас) имомликка ўтади. Намоз пайтида гапириш, ейиш, ичиш, кулиш, дунё иши билан йиғлаш, йўталиш, турли ҳаракатлар қилиш ва бошқалар мумкин эмас. Касал ва ногиронлар намозни ўзларига қулай ҳолатда ўқийдилар. Исламдаги мазҳаблар кўрсатмаларида намоз ўқиш қоидаларининг бир-биридан фарқ қиладиган жиҳатлари бор. Ўзбекистонда намоз асосан ҳанафийлик мазҳабига мувофиқ ўқилади. Мамлакатимизда намоз ўқиш учун барча қулайликлар мавжуд бўлган икки мингга яқин масжид фаолият кўрсатмоқда.

НАҚШБАНДИЙЛИК - тасаввуф тариқатларидан бири. Баҳоуддин Нақшбанд асос солган. Нақшбандийлик таълимотининг асосида "кўнгил Худога бўлсин-у, қўл иш билан банд бўлсин" ("дил ба ёру, даст ба кор") шиори ётади. Унга кўра, дилни Аллоҳ билан боғлаган ҳодда касбу ҳунар ва қўл меҳнатини асло тарк этмаслик керак. Фақирона яшаш, хайр-эҳсон ҳисобига эмас, ўз меҳнати ҳисобига ҳаёт кечирин лозим. Бу ғоя тариқат асосланадиган ўн бир қоидада ҳам ўз ифодасини топган. Туронзамин тасаввуфида зикр тушишининг икки усули амалда бўлган. Бири - зикри лисоний, иккинчиси - зикри хуфия. Нақшбандийликда зикри хуфия амалда бўлиб, бунда зикр тушаётган солиқ сўзларни тил билан талаффуз қилмайди, овоз чиқармайди, сўзлар фақат дилда айтилади. Нақшбандийлик ўзидан олдинги оқимлардан

бевосита ҳаётга яқинлиги билан ажралиб туради. Нақшбандийлик тасаввуфдаги илгарилари амалда бўлган қаттиқ қоидаларни бир қадар юмшатди, мўтадиллаштирди, кундалик турмушга мослади. Бу эса, Нақшбандийликнинг кенг аҳоли қатламлари ичига кириб боришини тامينлади. Нақшбандийлик Ўрта Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллади. Юсуф Ҳамадоний, Абдулҳолик Риждувоний Нақшбандийлик тариқати ривожига ҳисса қўшдилар. 15-асрда Хожа Аҳрор бу тариқатнинг энг йирик раҳнамоси бўлиб майдонга чиқди. Темурийлар даврида машҳур шахслар Нақшбандийлик пирларига мурид бўлган эди. Жомий, Навоий, Бобур, Машраб каби шоирлар Нақшбандийлик тариқатида эдилар. Улар ўз асарларида Нақшбандийлик таълимотини тарғиб этдилар. Нақшбандийлик Ўрта Осиёдан ташқари, Кичик Осиё, Кавказ, Курдистон, Афғонистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Туркия ва ҳатто АҚШда кенг тарқалди. Айрим мусулмон мамлакатларида ҳозир ҳам бу тариқат катта мавқега эга.

ПАЙҒАМБАР (форсча - хабар келтирувчи) -ислом ақидасига кўра, Аллоҳ билан унинг бандалари ўртасидага элчи; Аллоҳнинг буйруқ ва кўрсатмаларини ваҳий орқали қабул этиб, уларни ўз умматига тўла-тўқис етказувчи вакил. Пайғамбар билан Аллоҳ ўртасида элчилик қилувчи фаришта ҳам борки, унинг номи Жаброилдир. Баъзида Аллоҳ таоло пайғамбарга бевосита ваҳий юбориши ва бевосита гаплашиши ҳам мумкин. Қуръони Каримда қуйидаги пайғамбарлар номи зикр этилган: Одам, Идрис, Нух, Ҳуд, Солих, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Лут, Айюб, Зул-Кифл, Юнус, Мусо, Ҳорун, Шуайб, Илёс, Аляса, Довуд, Сулаймон, Закариё, Яҳё, Исо ва Муҳаммад алайҳиссалом. Ана шу ва бошқа ўтган пайғамбарларнинг барчасини тасдиқ этиб, уларнинг барҳақ пайғамбар бўлиб ўтганликларига иккиланмай имон келтириш ҳар бир мусулмон зиммасидаги имон шартларидандир. Демак, пайғамбарларнинг биринчиси - Одам (ас) охиригиси - Муҳаммад (сав)дир. Улардан кейин то қиёмат кунигача бошқа пайғамбар келмайди. Лекин Муҳаммад (сав)дан кейинга ўтган даврда ҳам бир неча сохта пайғамбарлар пайдо бўлгани маълум. Пайғамбарлар катта-кичик гуноҳлардан покдилар. Илло, баъзи кичик янглиш, саҳву хатолар содир бўлган бўлиши мумкин. Азиз-авлиёларнинг ҳеч бири пайғамбар даражасига ета олмайди.

ҚИЁС (араб. - таққослаш) - шариат манбаларидан бири (Қуръон, сунна, ижмодан сўнг 4-си). Қиёсда дастлабки 2 манба - Қуръон ва суннада берилмаган бирор ҳуқуқий масала улардаги шунга ўхшаш масала бўйича берилган кўрсатмага таққослаш йўли билан шарҳ этилган. Масалан, ароқнинг шайтон иши эканлиги, уруш-жанжал, адоват чиқариши сабабидан, у Қуръони Каримда ман этилган. Ароқдан бошқа маст қилувчи ичимликлар ҳақида бирор

нарса айтилмаган. Лекин мужтаҳид уламолар маст қилувчи ичимликларнинг ҳаммасида ҳам ароқ каби салбий натижалар бўлишини ҳисобга олиб, унга қиёс қилганлар ва ҳаром деб ҳукм чиқарганлар. Қиёс фақиҳлар ҳуқуқини кенгайтириб, шариатни турмушнинг турли томонларига татбиқ этишга имконият берган. Шу билан бирга қиёс ислом динини замон ва тараққиёт ила ёнма-ён юришида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Қиёснинг манба сифатида киритилиши шариатнинг ҳуқуқ тизими сифатида шаклланиши ва руҳонийлар, фақиҳлар мавжуд муносабатларни ҳимоя қилишдаги мавқеининг ошишидан далолат берар эди. Ислом ҳуқуқшунослигида ҳозирда ҳам қиёсга амал қилинади.

ҚОРА ТОШ (арабча ал-Ҳажар ал-асвад) -мусулмонлар зиёрат қиладиган тош. Кумуш чамбар билан бирлаштирилган бир неча бўлақдан иборат. У Каъба деворларидан бирига ташқаридан жойлаштирилган. Маккага ҳажга борган мусулмонлар қора тошни ўпиб ёки қўл теккизиб зиёрат қилади. Қора тош исломда мўтабар ҳисобланган нарсалардан бири. Шариатга кўра, умра ёки ҳаж зиёратига борган одам қора тошни ўпиши ёки қўлининг ички тарафи билан унга ишорат қилиб, сўнг қўлини ўпиши (истилом) суннат амаллардан ҳисобланади.

ҚУРЪОН (арабча - ўқимоқ, қироат қилмоқ жамлаш) - мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби. Қуръон ўзидан олдин нозил бўлган барча илоҳий китобларнинг маъно, ҳикмат ва аҳкомларини ўзида жамлаганига ишорат бордир. "Улумул Қуръон" илми уламолари Қуръон қуйидагача таърифлайдилар: "Қуръон - Аллоҳ таолонинг Муҳаммад (сав)га ваҳий орқали нозил қилган, тавотур ила нақл қилинган, ибодатда ўқиладиган, ожиз қолдирувчи каломидир". Тавотур ила нақл қилинган, дегани эса, каломни ёлғонга чиқариб бўлмайдиган даражада кўп сондаги кишилар томонидан нақл қилинишига айтилади. Уларнинг ҳаммалари ишончли одамлар бўлиб, бирор оғиз ёлғонга яқинлашмаган, кўпликлари жиҳатидан ёлғонга келишиб олиш имконлари ҳам йўқ бўлади. Қуръоннинг биринчи калимасидан охириги калимасигача, айнан худди шу тариқада нақд қилинган. Қуръонни Аллоҳдан ваҳийнинг амийни - ишончли соҳиби бўлмиш, Жаброил (ас) Муҳаммад (сав)га нақл қилган. Муҳаммад (сав)га Қуръон оятлари Жаброил (ас) томонидан қандоқ етказилишини кўпчилик саҳобалар ўз кўзлари ила кўриб, кулоклари ила эшитиб турганлар. Бунинг устига ҳар сафар ваҳий нозил бўлгандан сўнг, Муҳаммад (сав), менга мирзаларни чақиринглар, деганлар ва ваҳийни ёзувчи саҳобалар келганларидан сўнг, Жаброил (ас)дан ояти карималарни қандоқ қабул қилиб олган бўлсалар, шундоқ қилиб ўқиб берганлар. Мирзалик қилувчи саҳобалар оятларнинг ҳар бир ҳарфини улкан эҳтимом ила ёзганлар, бошқа саҳобалар эса, ана шундоқ эҳтиром ила ёд олганлар. Муҳаммад (сав) 40 ёшга

етганларида Макка атрофидаги тоғлардан биридага Ҳиро номли ғорда Қуръоннинг биринчи оятлари нозил бўла бошлаган. Бу жараён Маккада ўн уч йил, Мадинада ўн йил, ҳаммаси бўлиб йигирма уч йил давом этган. Қуръон суралардан иборат, сура Қуръоннинг бир бўлаги бўлиб, уч ёки ундан кўп оятни ўз ичига олади. Қуръонда 114 та сура бўлиб, ҳар бирининг ўз номи бор. Баъзи сураларнинг исми суранинг аввалидаги сўздан олинган. Баъзилариники эса, ўша сурада зикри кўпроқ келган нарсаларнинг номига қўйилган. "Сура" сўзи луғатда, кўрғон, манзил ва шараф маъноларини англатади. Уламолар истилоҳида эса, сура - Қуръон оятларининг бошланиш ва тугаши белгиланган мустақил тоифасидир. Бошқача қилиб айтганда, Қуръон оятларининг кўрғон ила ўралгандек, бир тоифасига сура, дейилади. Қуръони Каримдаги энг қисқа сура Кавсар сураси бўлиб, уч оятдан, энг узун сура Бақара сураси бўлиб, 286 оятдан иборатдир. Қуръон суралари икки қисмга бўлинади: 1. Ҳижратдан аввал тушган суралар - "Макка суралари" (Маккада тушган) дейилади. 2. Ҳижратдан кейин тушган суралар - "Мадина суралари" (Мадинада тушган) дейилади. Муҳаммад (сав) Қуръон оятларини фариштадан эшитиб, ёдлаб олар эдилар. Кейин бошқа мусулмонлар у кишидан эшитиб, ёдлаб олишарди. Шу билан бирга, ёзишни биладиган одамлар, шу жумладан, Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб каби кишилар ўзларига муяссар бўлган хурмонинг пўстлоғига, япалоқ тошларга, катта суякларга, терига, қоғозга ва шунга ўхшаш нарсаларга Қуръонни ёзиб борганлар. Пайғамбар (сав) уларга янги тушган оят қайси сурадан эканини ва қаерда туриши лозимлигини кўрсатиб берганлар. Шундай қилиб, йигирма уч йил давомида Қуръон фаришта орқали тушиб ҳам бўлган. Пайғамбар (ас) ва саҳобалар ёдлаб ҳам бўлишган ҳамда ёзишни биладиганлар ёзиб ҳам бўлишган. Муҳаммад (сав) ҳаётлик вақтларида, яна ваҳий тушиб қолар, деган умидда Қуръон жамлаб китоб шаклига келтирилмаган. У кишининг вафотларидан кейин Қуръон кишиларнинг қалбида ва ёзган нарсаларида қолди. Муҳаммад (сав)дан сўнг мусулмонларга Абу Бакр (ра) бошлиқ этиб сайланди. Унинг даврида диндан қайтганлар билан мусулмонлар орасида қаттиқ жанглар бўлди. Ўша жангларда Қуръонни тўлиқ ёд олган кўплаб қорилар шаҳид бўлдилар. Шунда Умар Абу Бакрга, қорилар ўлиб кетаверса, Қуръонга зарар етиши мумкин, шунинг учун уни китоб шаклига келтириб жамлаб қўйиш керак, деган маслаҳатни берди. Абу Бакр Зайд ибн Собит исмли саҳобани чақириб, бу ишни амалга оширишни унга топширди. Чунки, Зайд ибн Собит Пайғамбар (сав) билан жуда кўп бирга бўлган, Қуръонни энг яхши ёд олган ва уни пайғамбар ҳузурида ёзган, Пайғамбар вафот этадиган йиллари Жаброил фариштага Қуръонни аввалидан охиригача ўқиб ўтказганида бирга бўлган эди. Зайд ибн Собит, Умар ибн Хаттоб (ра) ва бошқа Қуръони Каримни пухта ёд

билишларига қарамай, бу ишнинг мустаҳкам, ишончли бўлишига ҳаракат қилиб, масжидда: "Кимнинг қўлида ёзилган Қуръон бўлса ва уни Пайғамбар ҳузурларида ёзилганига иккита гувоҳи бўлса, бизга олиб келсин, Қуръонни жам қилишга халифанинг буйруғи бўлди", деб эълон қилдилар. Улар масжидда ўтириб, гувоҳларни текшириб, ниҳоятда аниқлик билан бир йилдан ортиқ вақтда Қуръонни жамладилар. Сўнг кўпчиликка кўрсатдилар, ҳамма рози бўлди. Шундай қилиб, Зайд ва Умар машаққатли уринишлардан кейин Қуръонни кийик терисидан ишланган саҳифаларга ёзиб бўлдилар ва уни белидан боғлаб, Абу Бакрнинг уйига қўйиб қўйдилар. У киши оламдан ўтгандан кейин саҳифалар Умарнинг уйларида, у кишидан сўнг эса, қизлари ва пайғамбарнинг хотинлари Ҳафса бинти Умар ҳузурини қолди. Вақт ўтиши билан Ислом давлатининг чегараси кенгайиб, кўплаб халқлар ҳам мусулмонликни қабул қилиб, мусулмонларнинг сони кўпайгандан сўнг Қуръонни ўқишда турлича келишмовчиликлар чиқа бошлади. Бу ҳолатни кўрган ўша вақтдаги халифа Усмон ибн Аффон Ҳафсадан Абу Бакр давридаги саҳифаларни сўраб олиб, ундан олти нусха кўчиришга буйруқ берди. Нусхалар тайёр бўлгандан сўнг мусулмонлар яшайдиган диёрлардаги марказий шаҳарларга биттадан нусхага биттадан қори қўшиб жўнатди ва ҳаммага фақат шу нусхадан Қуръонни кўчириш ва шу қоридан қироат ўрганишга буйруқ берди. Усмон (ра) Маккага бир дона мушаф билан бирга Абдуллоҳ ибн Соибни юборди. Шомга бир дона мушаф билан бирга Муғийра ибн Шиҳобни юборди. Куфага бир дона мушаф билан бирга Абу Абдуррахмон Силмийни юборди. Басрага бир дона мушаф билан бирга Омир ибн Абдул Қайсни юборди. Мадинада қолган мушафдан одамларга қироат таълими беришни Зайд ибн Собитга топширди. Усмон (ра) ўзларига бир дона мушаф оддилар. Бу мушаф Имом мушаф деб номланган. Кейинчалик, нусха кўчириш йўлга қўйилиши жараёнида фақатгина Усмон даврида ёзилган нусхаларга суяниш жорий бўлди. Охири келиб, ҳар бир нусханинг ишончли эканини тасдиқлаш мақсадида, бу нусха Мушафи Усмонга мувофиқдир, деб ёзиб қўйиладиган бўлди. Шундоқ қилиб, Қуръоннинг ҳарфларини ёзиб услуби бир хиллиги ҳам сақлаб қолинди. Бу маънодаги эҳтиёткорлик шу даражага етдики, Қуръоннинг ҳарфларига бирор нуқтачалик ҳам ўзгариш кирмасин, деган қасд ила уламолар, мушаф ичига гул, дарахт барги ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларни мутлақо қўйиб бўлмайди, акс ҳолда, ўша нарсалар саҳифага ёпишиб қолса, шубҳа пайдо бўлиши мумкин, деб фатво чиқардилар. Замон ўтиши билан олиб борилган маслаҳатлардан сўнг, кишилар Қуръонни хато ўқимасликлари ва Қуръон қироати ҳақида турли ихтилофларга тушмасликлари учун, мушафларга фатҳа, касра, замма аломатлари қўйиш керак, деган фикрга тўхтади. Бунда ҳам асл ҳарфларга зарра ўзгариш аломати кирмаслик шартлари ишлаб чиқилди.

Тарихда бу иш Қуръонни нуқталаш, номи ила собит бўлди. Чунки, мазкур ўта аҳамиятли ишни ҳазрати Алининг амрларига биноан амалга оширган олим Абул-Асвад ад-Дуалий юқорида зикр қилинган аломатларни ҳарфларнинг усти, ости ва ўртасига қўйилган нуқталар ила ифодалаган эди. Кейинчалик, замон ўтиши билан, вазият тақозо қилганда, бошқа аломатлар ҳам худди шундай эҳтиётлик ва аниқлик билан қўйиб чиқилди. Замон ўзгариб, техник тараққиёт даври келганда, Қуръонни техник жиҳозлар воситасида чоп этиш масаласи кўндаланг бўлди. Уламолар дастлаб, бу ишга руҳсат бермадилар. Улар мазкур услуб ила чоп этиш Қуръоннинг обрўсига тўғри келмайди, деган тушунчага борган эдилар. Вақт ўтиши билан мусулмонлар ҳам чопхона ишларини ўзлаштирдилар, Қуръони Каримни кўплаб чоп этишга эҳтиёж ортиб борди ва уламолар керакли шартларни қўйиб, Қуръонни чоп этишга изн бердилар. Қуръон ислом динига оид барча ҳукмларнинг асосий ва 1-манбаидир. Мусулмон фақиҳлар бирор нарсанинг шариатдаги ҳукмини билмоқчи бўлсалар, албатта, олдин Қуръонга мурожаат қиладилар. Ўша ўзлари излаётган ҳукм ҳақида Қуръонда бирор ҳукм бўлса, уни дарҳол қабул қиладилар. Ўша нарса Қуръонда бўлмаган тақдирдагина суннат, ижмо, қиёсга мурожаат қилишга ўтадилар. Бошқа соҳаларда ҳам худди шундоқ. Ҳатто араб тили қоидалари ҳам Қуръондаги сўзлар ва оятлардан олингандир. Қуръон ўзига эътиқод қилувчи халқлар ҳаётида ва тарихида асосий ўрин тутган китобдир. Бу китоб мазкур халқларнинг илм маърифат, адабиёт, турмуш тарзи, қонун-қоидалари, урф-одатлари ва дунёқарашлари ва бошқа нарсаларда ўзининг салмоқли изини қолдирган. Ҳозиргача Қуръон сон-саноксиз одамлар томонидан ишончли тариқада нақл қилиниб келинмоқда. Бу нақлда асосий эътиمود ёд олишгадир. Ҳар бир қори ўз шогирдига ҳар бир ҳарф, ҳар бир калима, ҳар бир оят ва ҳар бир сурани ўз устозидан қандоқ қабул қилиб олган бўлса, худди ана шундай қилиб етказиши шарт. Шунинг учун ҳам ҳар бир Қуръон ўқувчи мусулмоннинг қироат бўйича силсиласи Пайғамбар (сав) етиб боради. Ана шу силсилага суянилмаса, яъни авлоддан авлодга ўтиб келган расмий қироат изни бўлмаса, Қуръон ўқувчи қори ҳисобланмайди. Қуръон қироати тўғри бўлиши учун устоздан тажвид илмини ўрганиш керак. Шогирд ўз устозидан ҳар бир сўз талаффузини ва бошқа керакли нарсаларни эшитади ва ўзи тайёрланиб қайта ўқиб беради. Устози оят ёки сурани тўғри қироат қилиганига рози бўлганидан кейингана бошқа оят ва сураларни ўрганишга ўтилади. Ҳар бир мусулмон учун ўзига керакли микдорда Қуръондан ёд олиш фарзи айндир. Ҳар бир мусулмон жамиятда ўзларига керакли микдорда Қуръонни тўлиқ ёд олган қорилар бўлиши фарзи кифоядир.

СИФФИН ЖАНГИ - Юқори Месопотамияда, Фрот дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган Сиффин мавзесида халифа Али (қв) қўшини билан Шом

(Сурия) ҳокими Муовия кўшини ўртасида содир бўлган жанг (657 йил ёзи). Тўқнашувга 656 йил учинчи халифа Усмон (ра) ўлдирилиши муносабати билан Али (кв) ва Муовия тарафдорлари ўртасидаги кескин қарама-қаршилиқлар сабаб бўлган. Марҳум халифанинг яқин қариндоши бўлган Муовия халифалик тахтини эгаллаган Али (кв)дан айбдор жинойтчиларни топширишни талаб қилган. Муовиянинг жанжални ҳакамлик суди ёрдамида тинч йўл билан ҳал қилиш ҳақидаги таклифни Али (кв) қабул қилиши билан жанг тўхтатилган. Судда Муовия вакили Али (кв)нинг тахтдан воз кечишига розилигани олишга эришган. Али (кв) кўшинининг бир қисми уни ғалабани кўлдан бой берганликда айблаб, кўшинни тарк этган. Бу гуруҳ хорижийлар ҳаракатини бошлаб берган.

СУННА, суннат (арабча - одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи) - исломда мусулмонлар учун ибрат ҳисобланган Муҳаммад (сав)нинг сўзлари, амаллари ва хатти-ҳаракатлари. Сунна муҳаддислар истилоҳида, қуйидагича таъриф қилинади: "Пайғамбар (сав)дан асар бўлиб қолган гап, иш, тақрир, халқий (тана тузилиши), ахлоқий сифатлар ва таржимаи ҳолга тегишли маълумотлар "Суннат" дейилади. 1. "Гап" - бунга Пайғамбар (сав)нинг турли ҳолат ва муносабатларда гапирган гаплари киради. Буни "қавлий (гап) суннат" дейилади. 2. "Иш" - Пайғамбар (сав)нинг қилган иш-амалларидир. Мисол учун таҳорат қилиш, намоз ўқиш, ҳаж қилиш ва бошқалар. Буни, "амалий (иш) суннат" дейилади. 3. "Тақрир" - бир нарсага иқрор бўлиш, унинг тўғрилигини тасдиқлаш - маъқуллаш маъносини англатади. Суннадаги тақрир эса, Пайғамбар (сав)нинг саҳобаи киромлар томонидан содир бўлган баъзи нарсаларни маъқуллашларидан иборатдир. Маъқуллаш, гап билан маъқул, деб айтиш ёки инкор қилмай, индамай қўйиш билан ҳам бўлади. Буни "тақририй суннат" дейилади. 4. "Халқий" - тана тузилишидаги сифатлар. Пайғамбар (сав)ни кўрган кишилар у зотнинг бўй-бастлари, тана тузилишлари, сочлари, кўзлари ва бошқа аъзоларини батафсил васф қилиб берганлар. Бу маълумотлар ҳам ривоят бўлиб муҳаддисларга, улар орқали ислом умматига етиб келган. Масалан, Имом Термизийнинг "Шамоили Муҳаммадийя" асари, айнан шу масалага бағишланган алоҳида китобдир. 5. "Хулқий-ахлоқий сифатлар". Саҳобаи киромлар Пайғамбар (сав)нинг сабрлари, ҳилмлари, шижоатлари, сахийликлари каби барча ахлоқий фазилатларини ҳам ривоят қилиб қолдирганлар. Бу ҳақдаги маълумотлар ҳам Суннага киради. 6. "Таржимаи ҳол". Пайғамбар (сав)нинг муборак ҳаётлари. Бу бобга тегашли ривоятлар тўпламини "Сийрат" ҳам дейилади. Муҳаддис уламолар ушбу олти бандга тегашли ҳар бир маълумотни атрофлича, чуқур ўрганиб, сўнгра ўз китобларига киритганлар. Сунна ислом учун, мусулмонлар учун ўта муҳим манбадир. Сунна ислом шариатида Қуръони Каримдан кейинги иккинчи масдар-манба

эканлигини Аллоҳ таоло ва Унинг Расули Пайғамбар (сав) айтгандир. Бу - мусулмонларнинг асрлар оша амал қилиб келаётган иши. Бу — соғлом ақл ва тафаккур тақозоси. Сунна - ҳадис маъноси Аллоҳдан, лафзи Пайғамбардан бўлган ваҳийдир. Дину диёнат, шариат ва бошқа маъноларда Пайғамбаримиз ўз шахсий фикрларини эмас, Аллоҳнинг ваҳийсини ўз иборалари билан тақдим этганлар. Сунна Қуръони Карим билан чамбарчас боғлиқдир. Шунингдек, Суннанинг тарихи Қуръони Карим ва ислом тарихи билан бирдир. Сунна 7-аср ўрталарида йиғила бошланган. Бир ярим-икки аср давомида ҳадислар жуда кўпайиб кетган. Ҳадисшуносликнинг "олтин асри" - 9-асрга келиб булар тартибга солинган ва дин, ахлоқ, фикҳнинг муқаддас манбаига айланган. Булардан Бухорий (810-870) ва Муслим (817-875) тўпламлари энг обрўли ҳисобланади. Суннада тарихий асосга эга бўлмаган айрим ривоятлар мавжудлиги билан бирга, араб халифалигининг дастлабки икки асрида ислом динининг тадрижий таракқиёти ва турли ижтимоий қатламларнинг ахволини кўрсатадиган тарихий маълумотлар ҳам ўз ифодасини топган.

ТАВРОТ (қадимги яҳудийча "Тора" - қонун) -ислом ақддаси бўйича Аллоҳнинг Мусо (ас)га Жаброил орқали туширган илоҳий китоби. Қуръонда Таврот ҳақида бир қанча оятлар бор. Улардан бирида қуйидагилар айтилади: "Биз Тавротни нозил қилдик. Унда ҳидоят ва нур бор. У билан У зотга таслим бўлган Пайғамбарлар, Аллоҳнинг китобини муҳофаза қилишга мукаллаф бўлган роббонийлар ва ахборлар яҳудий бўлганларга ҳукм юритарлар. Улар бу китобга гувоҳ қилинганлар. Одамлардан кўрқманглар, Мендан кўрқинглар. Менинг оятларимни арзон баҳога сотманглар. Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса, ўшалар кофирлардир". (Моида 44) Қуръонга кўра, Инжилдаги каби Тавротда ҳам Аҳмад исмли "яҳудийлардан бўлмаган пайғамбар"нинг дунёга келиши ҳақида айтилган. 8-10асрларда Таврот бир неча бор юнон (масалан, Хунайн ибн Ишок), қадимги яҳудий (Саадия Гаон) ва лотин тилидан арабчага таржима қилинган. Кейинчалик Тавротнинг қибтий, сурёний, қадимги яҳудий тилидан насоролар ва самарийлар ўзларининг эҳтиёжлари учун таржималар қилишган. Тахминан 9-асрдан мусулмон муаллифлари Тавротнинг Муҳаммад (сав)нинг пайғамбарликлари ҳақидаги хабар келтирилган қисмини далил қилиб келтира бошлаган. Тавротни асрлар давомида талқин ва қайта талқин этиш натижасида иудаизмнинг яна бир муқаддас китоби Талмуд (қадимги яҳудий тилида таълимот) шаклланган, унда иудаизм ақида ва маросимлари батафсил ёритилган. Шунинг учун Талмуд яҳудий диний жамоаларида кенгроқ амалий рол ўйнайди. Тавротнинг асосий ақидалари ва ривоятлари муайян тарзда Қуръонда ҳам учрайди.

ТАВҲИД (арабча - яккаҳудолик) - умумий маънода яккаҳудолик ҳақидаги таълимот. Шаръий истилоҳда эса, Тавҳид -исломда Аллоҳга ширк келтиришнинг турли кўринишларидан воз кечиш ва Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам шериги йўқ, деб эътиқод қилишдир. Тавҳид Қуръон ва суннат уламолари наздида уч қисмдан иборатдир: Сифатлар тавҳиди, Роббилик (Парвардигорлик) тавҳиди ва Илоҳийлик (ибодатга сазоворлик) тавҳиди. Сўнгра Илоҳийлик тавҳидининг ўзи яна иккига бўлинади: Исбот ва маърифатдаги тавҳид ҳамда талаб ва қасддаги тавҳид. Тавҳид исломда (суннийликда ҳам, шиаликда ҳам) расман эътироф этилган ақидаларнинг биринчиси, моҳиятан, асосий ва марказий ақида. Мазмунан шундай тасаввурни ифода этгани учун Қуръоннинг 112-"Ихлос" ("Покланиш") сураси ҳам баъзан тавҳид деб юритилади

ТАСАВВУФ, сўфийлик - исломда инсоннинг руҳий дунёси тўғрисидаги қараш. Бу атама ва ундан ясалган мутасаввиф (сўфий, "сўфийлик қилувчи") ва сўфий (тасаввуф изидан боровчи) сўзларининг келиб чиқиши ҳақида турли тахминлар бор. Лекин ҳозир умумий қабул қилинган нуқтаи назарга кўра, тасаввуф - сувф - "жун", "пўстин" сўзидан олинган. Илгари замонда таркидунё қилган зоҳид, "ўзини худога бағишлаган одам" одатда дағал жундан тўқилган кийим ёки пўстин кийиб юрган. Тасаввуфга асос солган тарки дунёчилик тасаввуфий кайфиятлар ислом дини билан деярли бир вақтда пайдо бўлади. Ҳар қалай, Муҳаммад пайгамбар (сав)нинг айрим сафдошлари Абуд-Дардо, Абу Зарр, Ҳузайфа (7 асрнинг 2-ярмида вафот этганлар) сингариларга ана шундай кайфият хос бўлган, деб ҳисоблайдилар. Бироқ исломдаги зоҳидлик оқими тахминан 8-асрнинг ўрталари - 9-асрнинг бошларида шакллана бошлаган дейиш тўғридир. Одатда, бу оқимга ҳадисларни тўпловчи (муҳаддис)лар орасидан чиққанлар, сайёр бахшилар ва насихатгўй воизлар, кори-ю қурролар, жиҳод қатнашчилари (Византия билан чегара урушлари назарда тутилмоқда), такводор ҳунармандлар ва савдогарлар, шунингдек ислом динини қабул қилган насронийларнинг бир қисми қўшилган. Исломда зоҳидлик анъаналари пайдо бўлиши ва ривожланишининг сабаблари орасида мусулмон жамоаси яшай бошлаган дастлабки икки асрдаги ижтимоий-сиёсий ихтилофлар, чуқур ғоявий ва маънавий изланишлар билан давом этган диний ҳаётнинг умумий мураккаблашуви, бошқа диний-фалсафий тизимларнинг, биринчи навбатда христианликнинг таъсирини кўрсатиш мумкин. Илк сўфийлик, аниқроғи зоҳидлар ва таркидунё қилганларнинг ўзига хос хусусияти Қуръон матни мазмуни устида мушоҳада қилиш, кундалик ҳаётда бу илоҳий китоб ва пайгамбар ҳадислари кўрсатмаларига қатъий риоя этиш, кўп марта қўшимча намоз ўқиш, бедорлик ва рўза тутиш, ҳар қандай дунёвий

нарсалардан юз ўгириш, кундалик ҳаётда такволи бўлиш, хусусан руҳсат этилган нарсалар билан ман қилинган нарсаларни қатий ажратиш, дунёвий ва ҳарбий ҳукуматлар билан ҳамкорлик қилишдан воз кечиш, ўзини тақсири илоҳийга топшириш (таваккул) кабилар бўлган. Шунингдек, фақирликни улуғлаш, охиратни ўйлаш ва тавба қилиш кайфияти, берганига шукр қилиш, азоб-уқубатларга сабр-тоқатлилиқдан иборат эди. Сўфийлик таълимоти инсон қалбидаги энг нозик ўзгаришларни ҳам чуқур мулоҳаза билан ўрганиш, одамлардаги ботиний туйғуларга ҳамдард бўлишга ўргатарди. Шу сабабли ҳам тасаввуф асосчиларидан бири нозик руҳшунос, "қалб ва фикрлар" ҳамда инсоний ниятлар тўғрисидаги "фан"нинг яратувчиси Ҳасан ал-Басрий ҳисобланиши бежиз эмас. Басралик зоҳидлар - Ҳасан ал-Басрийнинг шогирдлари ва издошлари Рабоҳ ибн Амр, Робия ал-Адавия, ад-Дароний (8-аср охири - 9-аср боши)ларнинг даъват ва хутбалари кишида худога астойдил муҳаббат, унга яқинлашишга интилиш туйғуларини пайдо қилди. Ўша пайтдан бошлаб бу туйғулар сўфийлик ғоясининг ўзига хос хусусияти ва фаркли белгиси бўлиб қолди. 9-аср давомида тасаввуф назарияси ва амалиёти устида фаол иш олиб борилди. Бир қанча сўфийлик мактаблари пайдо бўлди, улар орасида Басра мактабидан ташқари Бағдод ва Хуросон мактаблари ҳам бирмунча таъсирга эга эди. Уларнинг вакиллари инсон ва унинг Худога муносабати қандай бўлиши кераклига ҳақидаги таълимотни яратдилар. Руҳий камолотга эришиш йўллари кўрсатиб бердилар. Бу йўл 4 босқичдан иборат: 1-босқич - шариат. Бунга кўра, тасаввуф аҳли аввало шариатнинг барча талабларига бўйсунуши керак. Шундан кейин 2-босқич - тариқатга кўтарилиш мумкин. Бунда муридлар ўз пирлари - муршидларга итоат этиши, ўз шахсий истакларидан воз кечиши шарт. Бу босқичдан ўтганлар юқорироқ, 3-босқич - маърифатга кўтариладилар, бунда коинотнинг бирлиги Худода мужассам бўлиши, яхшилик ва ёмонликнинг нисбийлиги ақл билан эмас, қалб билан англаб етилади. 4-босқич - ҳақиқат ҳисобланиб, зоҳид "шахс сифатида тугаб" "ҳақиқат"га, худога етишади, унга сингаб кетиб абадийликка эришади. Бунга сўфийлар махсус руҳий ва жисмоний ҳаракатлар - сиғиниш ва ибодатлар орқали интиладилар. Сўфийлар худога етишиш мумкинлиги ҳақидаги фикрлари, шариат томонидан буюрилган амалларни бажаришдан бош тортишлари туфайли гоҳ-гоҳида маъмурлар таъқибига ҳам учраб турадилар (ат-Тустарий, Ҳаким ат-Термизий, ан-Нурий). Машҳур мутасаввиф Ҳусайн Мансур Ҳаллож "анал ҳақ" (мен ҳақ, мен худо) дегани учун Бағдодда халифа томонидан дорга осилди (921). Ўз юрти Табаристонда катта обрў қозонган Абу Язид Бистомий ҳам шаккокликда айбланиб, қатл этилган эди (873). Тасаввуфга суннийларнинг раҳнаомлари томонидан бундай муносабатда бўлиш уларни эҳтиёткорликка, мурасали йўллар излашга мажбур этди. Улар Қуръон ва

суннага содиқликларини эълон қилавердилар, "тийиксиз" сафдошларининг кескин фикрларидан узоқлашиб, ўз маслакларини никобладилар. Бағдодлик ал-Жунайд (910 йилда вафот этган) ана шундай мавқеда турган сўфий эди. У "мўтадил" деб аталган сўфийлик анъанасини бошлаб берди. Бундай анъана тарафдорлари кейин "кескин" ёки "экстатик" сўфийликка қарши турди. Илк Тасаввуфнинг ижтимоий асосини асосан шаҳарликлар: майда савдогарлар, хунармандлар ва бошқалар ташкил этган эди. Улар ичида диний таълимот олганлари кўп учрамасди, шундай бўлса-да, ўзларини "сўфийлик фани" назариётчилари деб билардилар. Тасаввуфнинг илк босқичидаёқ маънавий устоз (шайх, муршид, пир) раҳбарлигида сўфийлик назарияси ва амалиётини эгаллаш муҳим ҳисобланган, бусиз бошловчи сўфий (мурид) акд-хуши ва соғлиғини йўқотиши мумкин эди. Шайхга бутунлай бўйсуниб, барча диний ва дунёвий масалаларда унинг обрўсини тан олиш талаби уни муридлар кўз ўнгида бошқа одамлардан устун қилиб қўярди. Йирик сўфий устозларни валий деб атай бошладилар. Бунда шиаларнинг имомлар тўғрисидаги таълимотининг таъсирини кўриш мумкин. Муридлар, уларга эргашиб оддий халқ бу одамларнинг "адашмаслиги", Аллоҳ назар қилганлиги, каромат кўрсатишга, пайғамбарга келган ваҳийларнинг "яширин" маъносини изоҳлаб беришга қодирлиги, худо билан бевосита алоқа қила олиши ҳақида гапира бошладилар. Буларнинг ҳаммаси халқ оғзаки ижодида, шунингдек, тасаввуф назариётчилари (масалан, Ҳаким ат-Термизий)нинг асарларида ўз ифодасини топди. Сўфий билимлари ва баракасининг шайхдан муридга ўтиши узоқ таълим жараёнида амалга оширилган, сабоқ бериш тугагач, шогирд устоздан сўфийлик жандаси (хирқа)ни олган, бу ўзига хос "шаҳодат" вазифасини ўтаган ва мустақил тарғибот олиб бориш ҳуқуқини берган. Одатда муридлар турли жойлардан келган бўлиб, ўз маконларига қайтиб борганлар, у ерда сўфийлик тўғараклари ва манзиллари (зовия, хонақоҳ) ташкил қилиб, ўзлари шогирд тайёрлай бошлаганлар. Буларнинг ҳаммаси тасаввуфнинг тез тарқалишига олиб келган. 10-аср охири - 11-аср бошларида тасаввуфга оид китоблар ёзилди. Улар орасида ат-Тусий (988 йилда вафот этган), ал-Калабодий (990 ёки 995 й. в.е.), Абу Толиб ал-Маккий (998 йилда вафот этган), ас-Сулабий (1021 йилда вафот этган) кабиларнинг бизгача етиб келган асарлари бор. Бу муаллифлар тасаввуфга доир билимларни тартибга солдилар, сўфийлик истилохларини тушунтириб бердилар. Тасаввуфни изчил ислом таълимоти билан яқинлаштириб, уни кейинчалик расмий таълимот сифатида тан олинишида Ғазолий, Абдулқодир Гилоний (Жилоний)нинг (1161 йилда вафот этган) хизмати катта. 12-аср ўрталари – 13 аср бошларида сўфийлар ташкил этган зовияларда, хусусан шаҳарларда тасаввуф тарикат (сулук)лари вужудга кела бошлади. Бағдодда пайдо бўлган дастлабки сухранардия ва қодирия

тариқатлари бутун мусулмон оламига тарқалди. Тариқатлар тариқат номи берилган кишилар -Умар ас-Сухравардий ва Абдулқодир Гилонийдан ҳам кўра, кўпроқ уларнинг шогирдлари ва издошлари томонидан вужудга келтирилган, бу ҳол умуман тариқатларнинг шаклланиш жараёни учун характерлидир (масалан, шозилия, мавлавия, бадавия ва бошқалар)-Тариқатларнинг вужудга келиши билан тасаввуфнинг таъсири янада кучайди. Кўпинча маъмурлар тариқат ва зовиялар раҳбарларининг қўллаб-қувватлашини истаб, уларга турли имтиёзлар бердилар, ҳатто фаолият юритиши учун пул ажратдилар. Айти вақтда кўп сўфий раҳнамолар дунёвий ишларга аралашмасдилар, маъмурлар билан бевосита алоқада бўлмасдилар ва моддий ёрдамидан бош тортардилар. Умуман сўфийлар халқ оммаси билан яқинлашишга ҳаракат қиларди. Ҳар қайси алоҳида минтақада сўфийлик ташкилотларининг фаолияти маҳаллий хусусиятлар ва анъаналар таъсирида бўлди. Тасаввуфнинг кўп қоидалари туб аҳоли ўртасида илдиз отган мажусийлик кўринишлари: аждодларга сиғиниш, анимизм, сеҳргарлик каби билан қўшилиб кетди (шозилия, кодирия). Ҳиндистонда сўфийлик мафқурасига буддавийлик ва ҳиндуизм қоидалари ўз таъсирини ўтказди (14-16-асрлар). Тасаввуф ғояларининг 12-13-асрларда мусулмонларнинг турли қатлам ва ижтимоий гуруҳлари ўртасида кенг тарқалиши муносабати билан унинг ички фарқланиши яққолроқ намоён бўла бошлади. Асосан халқ оммасининг маънавий эҳтиёжларига қаратилган "амалий" тасаввуф билан бирга сўфийлик таълимотининг биринчи навбатда ўқимишли мусулмонлар манфаатларини кўзловчи қуруқ муҳокамага асосланган жиҳати янада ривожланди. Бу "фалсафий" тасаввуфнинг асосий қоидаларини Ибн Арабий баён қилиб берди. У ўз фалсафий қарашлари билан "вахдати-вужуд" ғоясини кенг қўламда тарқатди. "Фалсафий" тасаввуф 13-14-асрларда юксак чўққига кўтарилгач, кейин ўз мавқеини йўқота борди. "Комил инсон", "борлиқнинг бирлиги" (вахдати-вужуд), "Мутлақнинг ўзини намоён қилиши - жилоланиш" (тажалли) ва "нурланиш" каби ғоялар баҳс ва мунозаралар манбаи бўлиб қолди (масалан, ваҳдати мавжуд ва ваҳдати вужуд тарафдорлари ўртасидаги тортишувлар). Тасаввуф ғоялари назарий рисолалардагина эмас, шу билан бирга кўпдан-кўп шеърий асарларда ўз ифодасини топди. Сўфийлик рамзий ифодалари, тимсоллари ва мавзулари бутун диний ва дунёвий форс шеъриятига (Жалолиддин Румий, Санойй, Саъдий, Амир Хусрав Дехлавий, Ҳофиз, Жомий, Ансорий, Низомий ва б.), шунингдек, маълум даражада араб шеъриятига сингиб кетади. Туркий халқларнинг (биринчи навбатда Алишер Навоий), Болқон ярим ороли, Шимолий Ҳиндистон, Индонезия мусулмонлари адабиёти ва фолклори тўғрисида ҳам шу гапларни айтиш мумкин. Тасаввуфнинг ўзгарувчанлиги ва ёт таъсирларга "очиклиги" уни турли-туман

оқимларга бўлиниб кетишига олиб келди. Тасаввуф аввал бошда мўмин-итоаткорлик ва дунё ҳаловатидан кечишни тарғиб қилган бўлса, бутун тарихи давомида бир неча бор исёнкорлик ва Махдийлик ҳаракатларининг (Андалусиядаги "муридлар исёни" (12-аср), Анатолия (Анадолу)да шайх Бадриддин (1416 йилда ўлдирилган) бошчилигидаги диний-сиёсий ҳаракат, бобийлар, шозилийлар ва бошқалар)нинг, кейинроқ эса, мустамлакачиликка қарши кураш (санусийлар, қодирийлар, Шомил) мафқурасига айланди. тасаввуф кўпчилик мусулмон раҳнамолари томонидан эътироф этилгандан сўнг унинг ҳимояси остида энг кескин мавқеидаги турли хил жамоа ва оқимлар-хуруфийлик, аҳди ҳаққ ва бошқа ишларни олиб бора бошлади. Анатолияда, кейин эса Болқонда, Ўрта Осиё ва Эронда аралаш сўфийлик -шиалик таълимотига амал қилувчи тариқатлар (бектошия, мавлавия, нурбахшия, неъматуллоҳия, кубравия, халватия, заҳабия) тарқалди. Тасаввуф тарафдорлари сони ортиши билан унинг тартиботлари расмийлаша борди, тариқатларнинг тузилмалари мураккаблашиб, ички ҳаёти қатъий белгилаб кўйила бошлади. Тариқат бошлиғи ўз вазифаларини аввалгидек бевосита эмас, кўп сонли воситачилари (халифа, муқаддам) орқали амалга оширди. Дунёвий ҳокимиятлар қўллаб-қувватлашини истаган шайхлар тобора уларга боғлиқ бўлиб қола бошлади. Айрим мамлакатларда (Миср) тариқат раҳбарлари амалда ҳукмрон доиралар ва йирик ер эгалари билан қўшилиб кетди. Бундай салбий ҳодисаларга норозилик тарзида маломатийлар анъаналари тиклана бошлади, бирон-бир тариқатга алоқаси бўлмаган дарбадар дарвишлар кўпайди. 19-20-аср бошида мусулмон давлатлари сиёсий ва диний ҳаётида муҳим рол ўйнашда давом этди. Мусулмон оламининг у ёки бу минтақасидаги муайян вазиятга қараб бу рол ҳам реакцион, ҳам нисбатан илғор бўлиши мумкин эди. Шарқда жамиятнинг ёппасига дин таъсиридан чиқа бошлаши, хўжалик ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар, янги маънавий ва ахлоқий қадриятлар томон юзланиш тасаввуфнинг мавқеига ҳамма жойда салбий таъсир кўрсатди. Кўпчилик араб мамлакатларида тасаввуф диний-сиёсий доиралар томонидан кескин танқидга учради. Ёш авлоднинг кўпчилиги тасаввуфни ўз мамлакатининг қоқокдиги сабабларидан бири деб билди, уни тараққиёт ва гуллаб-яшнаш йўлидаги ғов деб ҳисоблади. Бир қанча мусулмон мамлакатларида тариқатлар фаолияти қисман ёки бутунлай ман қилинди. Гарчи тасаввуф ўзининг аввалги обрўсини анча йўқотган бўлса-да, у шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг муайян қатламлари орасида ўз таъсирини сақлаб келмоқда. Улар руҳий таскин ва мадад излаб, сўфийлик тариқатлари сафига кирмоқдаср 20-асрда ҳам янги сулуклар пайдо бўлганлиги тасаввуфнинг яшовчанлигидан далолат беради. Бу сулукларга Жазоирдаги ал-алавия (асосчиси Аҳмад ал-Алавий, 1934 йилда вафот этган), Тунисдаги ал-мадания

(асосчиси Муҳаммад ал-Маданий, 1959 йилда вафот этган), Қоҳирадаги ал-Ҳамидия-аш-шозилия (асосчиси Салама ар-Радий, 50-йиллар охирида вафот этган)ни киритиш мумкин. Ҳозирги даврда сўфийлик "йўли"дан бориш унинг мухлисларига (шайх ва унинг яқин сафдошлари бундан мустасно) ўз жамоат вазифаларини бажаришига халақит бермайди. Сўфийлар орасида (уларнинг кўпчилигини ҳамон куйи ижтимоий табақалар ташкил этади) бирмунча "обрули" касб вакиллари: ўқитувчилар, турли даражадаги давлат хизматчилари, ўқувчилар ва бошқалар бор. Уларнинг тарикатга аъзолиги кўп жиҳатдан оилавий анъаналар билан боғлиқ бўлиб, чуқур ички эътиқод оқибатида эмас.

ТАФСИР (арабча - баён қилиш, очиб бериш ва равшан қилиш) - инсон қудрати етгунча Қуръони Каримдаги Аллоҳнинг муродини ўрганадиган илм. Бу илм Пайғамбар (сав)нинг даврида юзага келган. У киши одамларга Қуръоннинг маъноларини баён қилар, саҳобаларнинг Қуръон оятлари маъноси тўғрисидаги саволларига жавоб берар эди. Саҳобаларга тавсир илми Пайғамбар (ас)дан мерос қолди. Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Убай ибн Каъб ва бошқа тавсир илмида машҳур бўлганлар. Тобеинлар эса, тавсирни саҳобалардан ўргандилар. Улардан кўплари бу илмда шуҳрат қозондилар. Масалан: Мужоҳид ибн Жабр Маккий, Икрима, Саид ибн Жубайр, Ато ибн Абу Робоҳ ва бошқа Саҳобалар ва тобеинлар асрида тавсир оғзаки ривоят ва нақл шаклида бўлиб, тавсир қилиб ёзилмаган эди. Тавсирдан биринчи китоб ёзган шахс Абдулмалик ибн Журайждир (8-аср). Кейинчалик Муҳаммад ибн Жарир Табарий, Яҳё ибн Салом, Абу Бакр Нисобурий ва бошқа муфассирлар шуҳрат топдилар. Тавсир илми келиб чиқиши ва ривожланиши жараёнида бир неча қисмларга бўлинган: Биринчи қисм - "Тавсир бил маъсур". Бу қисмдаги тавсирда муфассир Қуръон оятларини ривоят қилган саҳиҳ ҳадислар ва саҳобаларнинг қавллари билан тавсир қилади. Бу услубда ёзилган тавсирларнинг машҳурлари қуйидагилар: Муҳаммад ибн Жарир Табарийнинг "Жомиъул баён фи тафсирил Қуръон", Абу Муҳаммад Хусайн ибн Масъуд ибн Муҳаммад Бағавийнинг "Маъолимут танзил", Имодиндин Исмоил ибн Касирнинг "Тафсирул Қуръонил азим", Жалолиддин Суютийнинг "ад-Дуррул мансур фи-т-тафсир бил маъсур" китоблари. Иккинчи қисм - "Тавсир бир-рай". Бу қисмда муфассир ўз фикри ва ижтиҳоди ила тавсир қилади ва у иккига, жоиз ва ғайри жоизга бўлинади. Жоиз бўлган рай билан тасир қилишда муфассир ишончли масдарларга суянган ҳолда жаҳолат ва залолатдан узоқда бўлиб тавсир қилади. Жоиз бўлмаган қисмда эса, муфассир жаҳолат, бидъат ва залолат билан тавсир қилади, шунинг учун ҳам барча алломалар бу навдаги тавсирни ман қилганлар. Жоиз бўлган рай билан қилинган тавсирлардан; Абу

Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Хусайн Фаҳриддин Розийнинг "Мафотихул ғайб", Насриддин Абдуллоҳ ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Али Байзовийнинг "Анворуттанзил ва асрорут-таъвил", Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафийнинг "Мадорикут танзил ва ҳақоикут таъвил" китоблари. Учинчи қисми - "Тавсири ишорий". Бу қисмда муфассир оятнинг зоҳирий маъносига қарамай, унинг махфий ишоралари тақозоси билан тавсир қилади. Бу фақат сулук ва тасаввуф арбобларининг услубидир. Бу қисмга доир тавсирлар: Низомиддин Ҳасан ибн Муҳаммад Хусайн Хуросоний Найсобурийнинг "Ғароибул Қуръон ва рағоибул Фурқон", Шерозийнинг "Ароисул баён фи ҳақоикил Қуръон" китоблари. Кейинчалик тавсирнинг йўналишлари кўпайиб кетди. Мисол учун Қуръондаги ҳукм оятларини алоҳида тавсир қилиш йўлга қўйилди. Бу йўналишдаги тавсирлар "Аҳком оятлари тафсириъ деб номланди. Бу йўналишдаги қадимги тавсирлардан ханафий олимлардан Жассоснинг "Аҳкомул Қуръон" ва бошқа уламолар ёзган тавсирлардан "Тафсирот Аҳмадия" китобларини мисол қилиб келтирса бўлади. Замонавий уламолардан Муҳаммад Али Саиснинг "Тафсиру оётил аҳком" ва Муҳаммад Али Собунийнинг "Равоибул баён фи тафсир оётил аҳком" китоблари мисол бўла олади. Шунингдек, маданий тавсирлар ҳам ёзилди. Уларда Қуръон оятлари маданият тушунчаси асосида тавсир қилинди. Бу хилдаги тавсирларга Саййид Қутб (1966 йилда вафот этган)нинг "Фи Зилолил Қуръон" ва Муҳаммад Жавод Муғниянинг "Тафсир Кошиф" китоблари мисол бўлади. Илмий тавсир атамаси ҳам пайдо бўлди. Бу турдаги тавсирларда оятларда келган маънолар илмий кашфиётларга мослиги ҳақида фикр юритилади. Бу йўналишдаги тавсирлар ичида энг машҳурларидан бири Жавоҳирийнинг "Тафсир жавоҳир китобидир. Кўпчилик уламолар бу китобни тавсирдан узоклашиб кетганликда танқид ҳам қиладилар. Ўзбекистон ҳудудидан чиққан баъзи машҳур тавсирчилардан аввало Имом Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд: Мотуридийни кўрсатиш мумкин. У зотнинг аксарият муаллафотлари тавҳид илмида, яъни илми каломда бўлган. Имом Мотуридий ўзларининг "Таъвилот аҳдис сунна" номли тафсирларида илми калом уламолари йўлидан борганлар ва Қуръони Карим оятларини ақидада Аҳли сунна вал жамоа мазҳабини қўллаб тавсир қилганлар. Кейингилари Имом Абу Лайс Самарқандий бўлиб, у зот Имом Ҳодий номи билан машҳур бўлганлар, Имом Абу Лайс Самарқандий кўплаб китоблар таълиф қилганлар. Тавсир китобларини эса, "Баҳрул улум" деб номлаганлар ва бу тавсир "Тафсир бил маъсур тоифасидандир. Улуғ Имом Замахшарий турли илмларга доир кўплаб китоблар тасниф қилганлари ва энг машҳур муаллафотларидан бири "Кашшоф ан ҳақоикит танзил ва уюнил ақовил фи вужухит таъвил" тавсир китоби бўлиб, у кўпчиликка "Кашшоф" номи билан

машҳурдир. Имом Фахриддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳусайн Розийнинг "Мафотихул ғайб" номли тавсир китоблари илм аҳди ўртасида оятлар орасидаги муносабатларни ва суралар ўртасидага боғланишларни баён қилиш ва бошқа бир қанча имтиёзлари билан машҳур бўлган. Имом Абул Барокот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий ўзларининг "Мадорикут танзил" номли тавсир китобларини таъриф қилишда Имом Замахшарийнинг "Кашшоф" тавсирларидан истифода қилганлар. Имом Насафийнинг "Мадорикут танзил" номли бу китоблари ҳозирги кунимизгача уламо ва толиби илмлар орасида зўр эътибор билан шуҳрат топиб келмоқда ва кўпгина ислом ўқув юртларида қўлланма сифатида ишлатиб келинмоқда. Қуръон тавсири билан шуғулланадиган кишида бўлиши зарур шартлар: биринчи шарт: соф эътиқодди бўлиш. Чунки, эътиқод масаласи ўта нозик иш эканлиги ҳаммага маълум. Эътиқод масаласида нуқсонли бор киши тавсир қилса, тавсир ҳам нуқсонли чиқиши турган гап. Шунинг учун ҳам эътиқодида "Аҳли сунна вал жамоа" мазҳабидан озгина оғиш бор шахсга тавсир қилишга изн берилмаган ёки ундоқ одам қилган тавсир йўқ қилинган. Иккинчи шарт: ҳавои нафсга эргашишдан холи бўлиш. Бошқача қилиб айтганда, тавсирчи бўлиш ниятидаги шахс тарафкашлик дардига чалинган бўлмаслиги керак. Акс ҳолда, унинг ишида хиёнат содир бўлиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам, қадария, рофиза, муътазила каби тоифаларга мансуб шахсларнинг тавсирлари қабул қилинмаган. Учинчи шарт: араб тилини ўта яхши билмоқ. Бу ҳеч қандоқ изоҳга ўрин қўймайдиган шартдир. Қуръон араб тилида нозил бўлган, араб тилини яхши билмай туриб, Қуръонни биламан, дейиш мутлақо ноўриндир. Араб тили наҳв, сарф, маоний, баён, бадийъ, фасоҳат каби бир қатор илмларни ўз ичига олади. Тўртинчи шарт: Қуръонга боғлиқ илмларни яхши билмоқ. Мазкур илмларга жумладан: Қироатлар илми, илми Тавҳид, илми Сабаби нузул, илми Носих ва мансук, илми Ом ва хос, илми Муташобих ва бошқа бир қанча илмлар киради. Бешинчи шарт: Аввало Қуръонни Қуръон билан тавсир қилмоғи шарт. Чунки, бир маъно Қуръони Каримнинг бир жойида умумийроқ зикр қилинган бўлса, бошқа бир жойида батафсилроқ баён қилинган бўлади, бир оятда қисқа ишора қилиб кетилган нарса иккинчи оятда кенгайтириб тушунтирилади. Шунинг учун Қуръони Каримни яхши ва чуқур англашда унинг оятларини бир-бирига солиштириб ўрганиш катта аҳамият касб этади. Олтинчи шарт: Қуръонни суннат билан тавсир қилмоқ. Пайғамбар (сав)нинг суннати Қуръоннинг шарҳи ва татбиқи бўлиб келган. Шунинг учун Қуръонни тавсир қилмоқчи бўлган шахс Пайғамбар (ас)нинг суннатларини жуда ҳам яхши билмоғи шартдир. Еттинчи шарт: тавсирни Қуръоннинг ўзидан ёки Пайғамбар (сав)нинг суннатларидан топмаса, саҳобаларнинг гапларига қайтмоқ. Чунки, саҳобай киром (ра)лар Қуръони Каримнинг нозил бўлишига

шоҳид бўлган, ўша даврда Пайғамбар (сав) билан бирга яшаган, Қуръонни аниқ тушуниб етган кишилардир. Саккизинчи шарт: Агар тавсирни юқорида зикр қилинган шахсларлардан бирортасида ҳам топа олмаса, тобеъинларнинг тавсирига қайтиш. Чунки тобеъинлар, саҳобалардан дарс олган авлоддирлар. Саҳобалардан кейин Қуръони Каримни энг яхши биладиган авлод ҳам ўша кишилардир. Тўққизинчи шарт: Ўткир фаҳмли бўлмоқ. Бу сифат, бир маънони иккинчисидан устун кўя билиш ва шариат мақсадларига мос маъноларни истинбот қилиш учун керак бўлади. Муфассир одоблари қуйидагилардан иборат:

- Яхши ниятли ва соғлом мақсадли бўлмоқ. Ҳусни хулқди бўлмоқ.
- Илмига амал қилмоқ.
- Маъноларни нақл қилишда содиқ ва аниқ бўлиш.
- Иззатини билмоқ.
- Ҳақгўй бўлмоқ.
- Виқорли бўлмоқ.
- Тавозуъли ва ҳалим бўлмоқ.
- Оғирбосик, ва салмоқли бўлмоқ.
- Пешқадам олимларни ўзидан устун кўймоқ.

Қуръонни таржима қилишга дастлаб руҳсат берилмаган. Уламолар бир овоздан Қуръонни таржима қилиб бўлмайдиганлар. Уларнинг фикрича, Қуръон илоҳий, мўжиза калом бўлиб, унга ўхшаш арабча калом келтириш имкони бўлмаганидан кейин, унинг мақсадини бошқа тилда, айти шаклда баён қилиш имкони ҳам йўқ эди. Қуръон савиясида бўлмаган нарсани Қуръон, деб аташ эса, мутлақо мумкин эмас. Энг муҳими, Қуръон таржимаси, деган даъво билан кишиларни ҳақиқий Қуръондан узоклаштириш хавфи туғилиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам, қадимда бошқа тилларда Қуръонга ёзилган тавсирлар ёки тушунтиришлар бору, аммо, Қуръон оятларининг бевосита таржималари йўқ. Биринчи бўлиб ғарб халқлари Қуръонни ўз тилларига таржима қилишни бошладилар. Ана ўша таржималарни нафақат мустамлакачилар, балки, уларнинг тилини биладиган баъзи мусулмонлар ҳам ўқий бошладилар. Ушбу ва бошқа омиллар уламоларни Қуръон маъноларини таржима қилиш масаласини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди. Мусулмон уламолар Қуръон маъноларининг таржимаси ҳақида фатво чиқардилар ва бундай таржима учун керакли шартларни ҳам баён қилдилар. Мазкур шартлар, Қуръон маънолари таржимаси унинг тавсирдек нарсадир, деган тушунча асосида қўйилган эди. Шу билан бирга маънолар таржимасига тавсирга қўйилган шартлар устига қўшимча шартлар ҳам қўйилди. Улардан баъзилари қуйидагилар: - таржимон араб тилини ўта яхши билиши билан бирга таржима қилинаётган тилни ҳам жуда яхши билиши шартлиги; таржимани, Қуръон

таржимаси эмас, балки, Қуръон маънолари таржимаси, деб аташ ва тушуниш лозимлиги, чунки, ислом таълимотига кўра, Қуръонни айна ўзидек таржима қилиш умуман иложи йўқ нарса ва инсонлар нафақат таржима, балки, араб тилида ҳам Қуръоннинг бирор оятига ўхшаш матнни келтира олмайдилар. Мазкур маънолар таржимасидан фақат Қуръон маъноларини тушунишдаги ёрдамчи сифатида фойдаланиш мумкинлиги; маънолар таржимасини ибодатда кироат қилиш, улардан ҳукм чиқаришга ҳаракат қилиш, таржималар атрофида ихтилофлар қилиш мутлақо мумкин эмаслиги; Қуръон маънолари таржимасини ёзганда, албатта, арабча оятлар билан бирга ёзиш, чунки, шунда асл матннинг қудусияти балқиб туради. Қолаверса, таржиманинг аниқлигини ҳар доим текшириш имкони бўлади. Кейинги йилларда Қуръон маънолари ўзбек тилига ҳам таржима қилинди. Ҳозиргача иккита тўла маънолар таржимаси бор. Алоуддин Мансур ва Абдулазиз Мансуров томонидан қилинган таржималар. Манбалар: Тафсири Табарий. Тафсири Куртибий. Мабоҳис фии улумил Қуръон-Субҳи Солиҳ. Мабоҳис фии улумул Қуръон-Маннў Қаттон. Нузулул Қуръон ало сабъати ахруф Манно Қаттон. Маноҳилул ирфон фи улумил Қуръон-Абдул азийм аз-Зарқонш. Итқон фии улумил Қуръон Жалолиддин Суютий. Бурҳон фии улумил Курон-Зартший. Ан-Набаул азим-Абдуллоҳ Дароз, Зоҳира Қуръония-Молик ва бошқалар.

ТАҚВО (арабча - сақланиш, парҳезкорлик, худодан қўрқиш) - исломда диндорликни ифодаловчи тушунчаср Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларда тақво бир неча мазмунларда келади. Масалан, Аллоҳдан қўрқиш, дўзахдан сақланиш, парҳезкорлик ва бошқалар. Одатда динга жуда берилган, ўзини ҳаром ва шубҳалардан сақпаб юрвчи одам тақводор деб аталган. Аллоҳга тақво қилиш ундан қўрқишдир. Аллоҳдан қўрқиш эса, гуноҳ ишларни тарк этиш ва бошқа савоб ишларни кўплаб қилиш билан содир бўлади. Ислом динини бир томонлама талқин қилувчиларда тақводорлик тўғрисида нотўғри тушунча шаклланган. Аксарилар тақвони тарки дунё қилиш, қоронғи хонага кириб зикру ибодат билан машғул бўлиш деб тушунадилар. Ҳазрати Умар (ра)дан тақво нима, деб сўраганда, араблар сертикон майдондан яланг оёқ бўлиб, тикондан сақланиб ўтиб кетишни тақво деб атайдилар, деганлар. Хаётда гуноҳ ишлар ҳам худди тиконларга ўхшайди, ким улардан эҳтиёт бўлмаса, озор чекади, улардан сақланиб юрган киши эса, тақво қилган бўлади. Оқибатда тақво инсон қалбидаги ҳолатга айланади. Бу ҳолат қалбни ҳассос қилиб, ҳар доим Аллоҳдан қўрқиш сезгиси билан яшайдиган қилиб қўяди.

ТЕРМИЗИЙ Абу Исо, Имом Термизий (тўлиқ номи Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок Суламий Буғий Термизий; 824/825 - 892) - машҳур муҳаддис. Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида туғилди. Ёшлиқ чоғларидан илмга катта қизиқиш ва иштиёқ кўрсатди. Самарқанд, Бухоро,

Марв ва бошқа шаҳарлардага машҳур уламо ва муҳаддислар асарларини ўргана бошлади. Термизий ҳадис ўрганиш ва уларни йиғиш учун 20 йил ўзга юртларда бўлди. Нишопурда Имом Бухорий билан учрашиб, кўп ҳадислар хусусида фикр алмашди. Бу учрашув ва буюк аллома билан беш йил биргаликда яшаши Термизий ҳаётида катта ўрин тутди, "ал-Жомиъ ас-саҳиҳ" ("Ишонарли тўплам" ёки "Сунани Термизий") асарининг яратилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Термизий ҳадиснинг саҳиҳдигани аниқлашда яна бир босқичга кўтарилди. Агар Имом Бухорий ҳар бир ҳадиснинг ишончилигини белгилашда барчадан устун бўлса, Термизий ҳадиснинг даражасини аниқлашда "саҳиҳ"дан кейин "ҳасан" босқичини ҳам киритди. Ҳасан - заиф бўлмаса-да, саҳиҳдан даражаси пастрок ҳадисларга нисбатан берилган баҳо. У ҳадиснинг қонуншуносликка қандай тааллуқли эканини ҳам кўрсатди. Имом Муслим ва Имом Абу Довудлар билан ҳам суҳбатлашган. Термизий "Жомиъ ас-саҳиҳ"дан ташқари "Шамоили Набавия" ("Пайғамбар алайҳиссаломнинг шакл ва сифатлари"), "Китоб уз-зуад" ("Зоҳидлик китоби") "Асмо ус-саҳоба" ("Саҳобаларнинг исмлари"), "ал-Асмо вал-куно" ("Исмлар ва куньялар"), "Китобул-илал" ("Иллатлар китоби") ва бошқа асарлар ёзган. "Шамоили Набавия" ("Шамоили Муҳаммадия", Тошкент 1991), "Суннани Термизий" (Тошкент, 1999) китоби ўзбек тилида чоп этилган. Термизий фикрча оид китоб ҳам ёзган, лекин у бизгача етиб келмаган. 1990 йилда Термизий таваллудининг 1200 йиллиги Ўзбекистонда кенг нишонланди.

ТОБЕЪИНЛАР (арабча - қарам, издош) -ислом тарихида саҳобалардан кейин уларнинг ишини давом эттирган илоҳиётчилар қатлами тобеъинлар деб, ундан кейинги даврдага илоҳиётчилар тобеъинларнинг тобеъинлари (таба тобеъин) деб юритилган. Тобаъинлар уч табақа: кубро (катта), вусто (ўрта) ва суғро (кичик) тобеъинлар. Саҳобалардан кўпроқ ривоят олган Саъид ибн ал-Мусайяб, Урва ибн Зубайр, Алқамма ибн Қайс - куброга, Ҳасан Басрий, Муҳаммад ибн Сирин, Мужоҳид, Икрима, Қатода, Умар ибн Абдулазиз ва бошқалар - вустога, кўпроқ тобеъинлардан ривоят олган Иброҳим ан-Нахайй қабилар суғрога киришган. Барча уламолар энг машҳур ва энг фозил сифатини тобеъинлардан Саъид ибн Мусайябга нисбат берадилар. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Хафиф Шерозий айтадики: 1) Мадина аҳди Саъид ибн Мусайябни; 2) Куфа аҳди Увайс Қаранийни; 3) Басра аҳди эса, Ҳасан Басрийни энг афзал ва энг машҳур тобеъин деб биладилар.

УЗАЙР - Қуръонда номи зикр этилган шахс; яҳудийлар уни Аллоҳнинг ўғли санашлари мусулмон ақидасига кўра, худди христианларнинг Исони Худонинг ўғли дейишлари каби жиноят ҳисобланади. Қуръонда бир марта эслатилган: "Ва яҳудийлар айтдилар: "Узайр - Аллоҳнинг ўғли" ва христианлар айтдилар: "Халоскор - Аллоҳнинг ўғли" (9:30). Одатда Узайр

Библиядаги пайғамбар Эзра билан айнан ҳисобланади, Яҳудийлар Нуҳ кемаси ва Тавротни йўқотгач, Узайрдан Тавротни ўрганганлар, бу билимни эса, Узайрга Аллоҳ туширган. Кема қайтгач ва Тавротнинг асл матни қўлга теккач, Узайр айтган барча нарсалар тўғрилиги, унга мос келиши аниқ бўлган. Бундан ҳайратга тушган исроилликлар Узайрни илоҳий - Аллоҳнинг ўғли деб билганлар.

УЗЛАТ (арабча - чекиниш; кишилардан четлашиш; узлат этиш - ёлғизликни ихтиёр қилиш) - холи жой; танҳолик; ҳеч нимага боғланмаслик; дунёнинг хилма-хил ғавғоларидан фориғлик. Сўфийлар учун Муҳаммад (сав)нинг Ҳиро тоғида ўтказган узлатдаги ҳаётлари ибрат ва намуна бўлган. Тасаввуфда узлат дейилганда шайх, пир, муршид раҳнамолиги ва кўрсатмаларига биноан муриднинг махсус бир гўшада беркиниб, ибодат ва зикр орқали Аллоҳ билан зоҳиран алоқа боғлаши тушунилади. Камида 40 кун давом қиладиган бу жараёнга "чилла" дейилган. Дин ва тасаввуфда ҳаётни батамом хилватда ўтказиш лозимлиги зинҳор тарғиб этилмаган. Тасаввуфга кўра, узлат ҳаётдан қочиш, кундалик турмушдан ажралиб яшаш, одамлардан бешиш эҳтиёжмас, балки маълум муддат руҳий камолотга эришиб, яна фаолиятни давом эттиришдир.

УЛАМО (арабча - олим сўзининг кўплиги -билимдон) - ислом илоҳиётчилари ва ҳуқуқшунос (фақиҳ)лари, шунингдек, диний муассасаларга, суд (қозилик) маҳкамаларига, ўқув юртларига мутасадди бўлган барча ислом дини олимлари.

УМАВИЙЛАР - араб халифалари сулоласи (661-750). Асосчиси - маккалик йирик савдогар ва қурайшийлар зодағони Абу Суфённинг ўғли Муовия. Қурайшлар Маккадаги бадавлат қабилалардан ҳисобланган. Муовия халифа Али ибн Абу Толиб ҳокимиятини тан олишдан бош тортиб, Дамашқда ўзини халифа деб эълон қилган. 658 йилда улар ўртасида уруш бошланди. Уч ой давом этган уруш натижасиз тугади. Али вафоти (661)дан кейин араб зодагонлари ва ҳарбий бошлиқлар ёрдамида Муовия халифалик тахтини эгаллайди. У. бир қанча маъмурий ва ҳарбий ислохотлар (халифа лавозимини наслий меросга айлантириш, давлат хазинаси ҳамда давлат архивини ташкил этиш, араб тилини давлат тили деб эълон қилиш ва бошқалар) ўтказдилар. Бу тадбирлар умавийлар давлатининг ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий кудртини оширди. Умавийлар пойтахти Дамашқда қолди (шунинг учун адабиётларда умавийлар ҳукмронлиги даври Дамашқ халифалиги деб ҳам аталади). Сурия халифаликнинг марказий вилоятига айланди. Умавийлар даврида араблар шарқда Табаристон, Журжон, Мовароуннаҳр ва Синдни, Ғарбда Шимолий Африка ва Испаниянинг катта қисмини босиб олдилар. Умавийларга қарши халқ кўп марта кўзғолон қилди. 747-750 йилларда Абу Муслим

рахбарлигидаги кўзғолон натижасида ҳокимият аббосийлар қўлига ўтди. Умавийлар авлоди деярли кириб ташланди. Улардан бир киши - Абдурахмон тирик қолиб Испанияга қочди ва у ерда умавийлар давлатининг янги сулоласига асос солди. Умавийлар халифалари аббосийлар анъанасида асосан зўравонлик билан давлатни қўлига олган, исломнинг тўғри йўлини бузиб ҳукмронлик қилган шахслар сифатида баҳоланди. Аббосийларнинг ҳокимиятга келиши ислом ҳокимиятининг қайта тикланиши деб таърифланди.

УМАР ибн ХАТТОБ (ра) (тахминан 585-644) -дастлабки тўрт халифадан иккинчиси (634-644). Исломни тахминан 616-йил қабул қилган. Муҳаммад (сав)нинг яқин сафдошларидан бири, у зот олиб борган барча жанглarda қатнашган. Абу Бакрнинг халифа бўлиб сайланишининг ташаббускори, унинг яқин маслаҳатгўйи бўлган. Абу Бакр (ра) ўлимидан аввал Умар (ра)ни ўз ўрнига тавсия этган ва жамоат Умар (ра)га қасамёд қилган. Умар (ра)нинг ўн йиллик халифалик даврида ислом Ироқ, Сурия, Миср, Ливия, Эроннинг ғарбига тарқалди. Араб мусулмон салтанати таркиб топа бошлади. Унинг даврида барча асосий маъмурий-ҳуқуқий муассасалар, аввало, солиқ-ўлпон тизими тузилди. Булардан энг муҳими фатҳ этилган ерларни бўлиб олинишини ман этилиши ва бунинг ўрнига девон рўйхатига киритилган барча саҳобалар ва жангчиларга маош (ато) ва озиқ-овқат улуши (ризқ) тўлашни жорий этиш бўлган. Мусулмонлар жамоаси тез орада руҳонийлар идора этадиган давлатга айланди. Бу ҳол Умар (ра) халифа унвонига биринчи бўлиб қўшимча амир ал-мўминин (мўминлар ҳукмдори) унвонини қабул қилишида ҳам ифодаланди. У янги мусулмон йил ҳисоби - ҳижрий йил тақвимини жорий этди (раби ул аввал ойининг 16 куни – милодий 637 йил апрель). Ҳар йили ҳаж амали борасидаги диний-ҳуқуқий фармойиш ҳам Умар (ра)га нисбат берилади. Суннийлар тарихий анъанасида Умар (ра)ни рисоладагидек ҳукмдор, яъни тақводор, камсукум, мусулмонларга нисбатан адолатли, душманларга бешафқат инсон, "Умари одил", ҳукмронлик даврини эса, исломнинг "олтин асри" деб тавсифлашган. Милодий 644 йил Басра волииси Муғийра ибн Шуъбанинг қули насроний Абу Луълуа Умар (ра)га ханжар санчиб яралаган ва шу куни кечкурун Умар (ра) 63 ёшда вафот этган. Ўлими олдидан ўз ўрнига янги халифа сайлаш учун Муҳаммад (сав)нинг олти нафар энг кекса сафдошларидан иборат шўро тузган ва шу кенгашлардан бирида Усмон (ра) халифа этиб сайланган. Васиятига кўра, Оиша онамизнинг хужраларига, Расули Акрам ва Абу Бакр Сиддиқ ёнларига дафн этилган.

УМРА - ислом анъанасида кичик ҳаж. Умра Қуръон ояти ва Пайғамбаримиз (ас) суннатлари ила собит бўлган амал. Умрани йил - ўн икки ой бажариш мумкин. Умранинг иккита фарзи бор. 1. Эҳром; 2. Каъбани тавоф қилиш. Бир киши Маккага борганда бир неча бор ўзига, отасига, онасига,

яқинларига умра қилиши мумкин. Фақат ҳар бир умра учун Маккадаги ҳазрати Оиша масжидларига бориб, ювиниб, эҳромни кимга умра қилаётган бўлса, ўша кишига ният қилиб кияди.

УСМОН ибн Аффон (ра) (тахминан 575- 656) -дастлабки тўрт халифадан учинчиси. Умавийлар қабиласига мансуб. Маккалик бой савдогар. Муҳаммад (сав)нинг энг дастлабки издошларидан бири. Мусулмонлар гуруҳи билан Ҳабашистонга кўчган, 623 йилда Мадинага келган. Усмон (ра) дастлаб Пайғамбар (ас)нинг қизлари Руқайяга уйланган (тахминан 610), у вафот этгач, Расулуллоҳ иккинчи қизлари Умму Гулсумни ҳам Усмон (ра)га никоҳлаб берганлар (623), шунинг учун "Зун-Нурайн" - икки нурли, деган ном олган. Умар (ра)нинг ўлим олдидаги васиятига кўра, Усмон (ра) янги халифани сайлаши лозим бўлган шўро таркибига кирган ва улар томонидан халифа қилиб сайланган. Усмон (ра) ҳукмронлиги даврида Сосонийлар давлатини фатҳ этиш тугалланди, мусулмонларнинг Тунис ва Кавказорти ўлкаларидаги мавқеи мустаҳкамланди. Усмон (ра)нинг буйруғи билан Қуръони Карим матни тўпланиб, бир бутун (мушаф) китоб шаклига келтирилди ва бу 7 мушаф турли ўлкаларга тарқатилди, Масжиди Набавий кенгайтирилиб, қайта таъмирланди, Румо ариғи қазилди. Умрининг охириги йилларида биринчи бор халифага муҳолифат юзага келди, кўшин ва вилоятлардаги зодагонлар ўртасида Усмон (ра) сиёсатига қарши норозилик кучайиб, Усмон (ра) Мадинада, Қуръон ўқиб турган чоғида душманлари томонидан ўлдирилган. Унинг қони Қуръон саҳифаларига сачраган. Ушбу Қуръон муқаддас ёдгорлик сифатида Ўзбекистон мусулмонлар идорасида сақланади.

ВАҚФ (арабча) - мусулмон мамлакатларида давлат ёки айрим шахслар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун ажратилган мол-мулк. Вақфнома орқали расмийлаштирилади. Ер-сув, уй-жой, мактаб, масжид, шифохона ва бошқалар вақф мулки бўлиши мумкин. Ўз мулкани вақфга топширган шахслар мазкур мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини йўқотади. Лекин унинг ўзи ёки оила аъзолари ёхуд учинчи бир шахс вақф мулкидан вақфномада қайд этилган мақсадларда фойдаланилаётганлигини аниқлаш учун вақф мулкани бошқариш ҳуқуқини сақлаб қолиши мумкин. Ўз мулкани вақф мулки сифатида топширган шахснинг фарзандлари ёки бошқа авлодлари мазкур вақф мулкидан келадиган даромадлардан нафақа олиб туриши мумкин. Вақф мулкани шарият қонуни бўйича давлат бошлиғи ёки қози назорат қилади. Бу тартиб Шарқнинг баъзи мамлакатларида ҳозир ҳам амалда.

ВАҲИЙ - диний эътиқодга кўра, Аллоҳ таолонинг ўз пайғамбарларига фаришталар орқали юборган буйруқ ёки кўрсатмалари. Ваҳий аниқ ва равшан қилиб айтилган. Лекин баъзи ваҳийлар тушда кўрилган ишорат шаклида ҳам бўлган. Масалан, ҳазрат Иброҳим (ас) нинг тушида "ўғлинг Исмоил (ас) ни

қурбонлик қил" деб буюрилгани ҳам ваҳий деб ҳисобланади. Ваҳий Муҳаммад (сав)га фаришта ҳазрат Жаброил орқали нозил бўлгани Қуръони Каримда келтирилган (53:5-10). Ваҳий фаришталар орқали ёки бевосита Аллоҳ таоло билан роз айтиш (гаплашиш) орқали ҳам келиши мумкин. Пайғамбар Муҳаммад (сав)га эса, ваҳий қуйидагича ҳолларда тушган: Оиша (ра) айтадиларки: 1. "Пайғамбар (сав) ваҳийнинг биринчи келиши ўнгидан келган туш бўлган. Кўрган ҳар бир тушлари уйғоклик вақтларида ҳам худди тонг ёругидек келар эди. 2. Фаришта ўзи кўринмай туриб, Пайғамбар қалбларига керакли хабарни етказар эди. 3. Кўнғироқ чалингандек овоз чиқариб келар эди. 4. Жаброил фаришта Пайғамбарга одам шаклида бўлиб кўринар эдилар". Шу тўғрисида "Саҳиҳи Бухорий" китобида қуйидаги ҳадиси шариф келтирилган: "Ҳорис ибн Ҳишом Пайғамбардан: "Ё Расулуллоҳ, сизга ваҳий қандай келади?", деб сўрабди. Шунда ул жаноб қуйидаги жавобни берибдилар:"Ахёнда худди кўнғироқдек жаранглаб келади, шуниси менга қийин. У кетгандан кейин ҳамма нарсани мен ўзимда сингдириб олган бўламан. Гоҳида, эса фаришта менга одам шаклида келиб сўзлаб кетади ва унинг айтганларини англаб оламан". 5. Фаришта ўзининг асл шаклида кўринади ва ваҳийни етказди. 6. Аллоҳ таоло Пайғамбар (ас)га меърож кечасида намозни фарз қилиш ва шунга ўхшаш баъзи нарсаларни бевосита ваҳий қилган. Ваҳий фақат пайғамбарларгагина нозил бўлган. Жаброил фаришта пайғамбарларга ваҳий келтиришга масъул бўлган. Ваҳий тушган пайтда, агар кунлар совуқ бўлса ҳам Пайғамбар (ас) терлаб кетардилар, нафас олишлари тезлашарди. Саҳобалардан Зайд ибн Собит шундай ҳикоя қилади: "Менинг соним Расулуллоҳ (сав)нинг сонларига тегаб турган пайтда ваҳий тушиб қодди, унинг шиддатидан соним ёрилиб кетай деди". Агар Пайғамбар (ас) туяда кетаётганларида ваҳий тушиб қолса, оғирликдан туя ҳам юра олмай қолар экан. Ваҳийни Аллоҳ илҳом шаклида ҳам нозил қилган. Буни айрим авлиёларнинг ҳаётида учратиш мумкин. Бироқ авлиёлар илҳомни ўзларига шахсий кўрсатма, пайғамбарлар эса, ваҳийни халққа етказиши лозим бўлган кўрсатма деб қабул қилган. Жоҳилия даврида (исломдан аввал) бутпараст араблар Каъба ичига Ҳубал номли бутни ўрнатиб, ундан ваҳий (кўрсатма) олганликларини даъво қилиб келган ва шу тариқа гўё ўзларининг кундалик муаммоларини ҳал қилган. Ислом даврида Ҳубал синдириб ташланди. Ваҳийнинг фақат пайғамбарларга нозил бўлиши мусулмонлик эътиқодини мустаҳкамлади. Бу борада ҳар хил бидъат ва хурофотларни келтириб чиқариш ва динга зарарли бўлган турли қўшимчаларни киритиш ман қилинди. Диний тушунча бўйича ваҳий илоҳий бир куч сифатида инсонларга тўғри йўл кўрсатиш манбаи бўлиб хизмат қилади.

ВАХХОБИЙЛИК - ислом динининг ханбалий мазҳабидаги оқим. Арабистон ярим оролининг марказий қисмида 18-аср ўрталарида пайдо бўлган. Асосчиси - Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб. У 1703 йил Уяйна деган жойда, қози оиласида туғилган. Дастлабки таълимни ўз отасидан олгач, ўспиринлик йиллари Арабистон ва кўшни ўлкалар бўйлаб кўп сафар қилган. Ибн Абдулваҳҳоб ақоидда Ибн Таймия, Ибн ал-Қаййим ва Ибн Касирга эргашди. Муҳаммад Ибн Абдулваҳҳоб диний тарғиботни тахминан 1730 йилда бошлаган, ўз отасининг вафотидан (1740) сўнг уни фаоллаштирган, чунки ота-ўғил ўртасида даъватнинг услуби хусусида ихтилоф бўлган. Турк тилидаги тадқиқотларда Ибн Абдулваҳҳоб узоқ йиллар инглиз жосуси билан ҳамкорлик қилгани ҳақида далиллар мавжуд. Ваҳҳобийлик тарафдорлари фикрича, фақат Аллоҳ маъбуд ва исломнинг манбаи фақат Қуръон ва Суннадир. Муқаддас жойларни зиёрат қилиш, азиз-авлиёлардан дуоларда шафоат ёрдам тилаш ширк ҳисобланади. Мусиқа, кўшиқ ва умуман маънавий тараққиётнинг бошқа кўп кўринишлари "бидъат" (кейин кириб келган янгилик) деб саналади. Ваҳҳобийлар "динни тозалашга, Муҳаммад даврдаги асл ҳолига келтириш"га ҳаракат қилади. Ваҳҳобийликда ғайридинларга, "илк ислом аҳкомларидан чекинган" мусулмонларга қарши кураш алоҳида ўрин тутди. Уларнинг даъватини қабул қилмаганларнинг барчаси гўё "кофир"дирлар. Дастлабки ваҳҳобийлар имон масаласида ўта мутаассибчилик, сиёсий рақиблар билан курашда эса, ошкора экстремизм билан ажралиб турганлар. Ваҳҳобийлик таълимоти ўша пайтдаёқ норозилик туғдирган. Ибн Абдулваҳҳобни ҳатто Уяйнадан қувиб чиқаришган. Аммо бу таълимот Арабистон ярим оролининг марказий қисмда ўша даврдаги мавжуд муҳит учун қўл келиб қолди. Зеро, бу ерда бир неча майда сулолалар томонидан бошқарилган амирликлар доимо ўзаро низолашиб келардилар. Шундай сулолалардан бири - саудийлар - тахминан 4 асрдан бери ад-Диръияни ўзларига марказ қилиб олиб, атрофдаги амирликларни бирлаштиришга ҳаракат қилардилар. Амир Муҳаммад ибн Сауд (1725-1765) бу ишда ваҳҳобийлик таълимотидан фойдаланди. Муҳаммад ибн Сауд ва унинг ўғли Абдулазиз ваҳҳобийлар байроғи остида ярим оролнинг катта қисмини куч билан эгаллаб, биринчи саудийлар давлатини барпо қилдилар. Аммо бу давлат 19-аср бошида мисрликлар истилоси натижасида кулади. Ваҳҳобийлик Имом Саннусий воситасида Жазоирда, Муҳаммад Абдуҳ ёрдамида Мисрда, Шарқий Африканинг Занзибар мамлакатаида тарқала бошлади, Сайид Аҳмад эса, Панжоб ва Шимолий Ҳиндистонда ваҳҳобийлар давлатини барпо қилишга уринган. Айни вақтда ваҳҳобийлик Арабистон ярим оролидан ташқарида - Ҳиндистон, Индонезия, Шарқий ва Шимолий Африкада ёйила бошлади. 20-аср бошида Абдулазиз ибн Абдурахмон саудийлар давлатини тиклаш учун бошланган ҳаракатга раҳбарлик қилди ва ҳозирги

Саудия Арабистонига асос солди. Ваҳҳобийлик хатарли, реакцион диний-сиёсий оқимдир. Ваҳҳобийлар одатда террор ёки давлат тўнтариши йўли билан ҳокимият тепасига келишга интиладилар. 19-асрнинг 70-йилларида Ҳиндистон ваҳҳобийлари Калкутта бош судяси Норманни ўлдириш билан "шуҳрат" қозондилар. 1979 йил ноябр ойида саудиялик ваҳҳобийчи Жуҳайман ал-Утайбий гуруҳи мусулмонларнинг энг муқаддас - Маккаи мукаррама шаҳридаги "Масжид ал-Ҳарам"ни босиб олди. Масжидни эгаллагач, бу ерга келиши кутилган подшоҳ Холидни бандиликка олиш, "Маҳдий раҳбарлигида умумхалқ кўзғолонини кўтариш, дастлаб Саудия Арабистони, сўнг бошқа мамлакатларда ҳам "ҳақиқий" ислом ғалабасига эришиш режалаштирилган эди. Саудия ҳукумати француз жандармериясининг мутахассислари ёрдамида икки ҳафтадан ортиқ муддатда бу ҳаракатни бостирди. Расмий маълумотларга кўра, ваҳҳобийлардан 117 киши ўлдиридди ва 143 киши ҳибсга олинди, айни вақтда ҳукумат кучларидан 127 киши ҳалок бўлди ва 451 киши яраланди. Ваҳҳобийлик муайян кўринишда Ўзбекистонда ҳам пайдо бўлди. Биринчи бўлиб улар 1989 йил Наманган шаҳридаги "Отавалихон" масжидини ўзларига қароргоҳ қилиб олдилар, сўнг 1989-1990 йилларда Қўқон ва Андижон шаҳарларида "Жоме" масжидларини зўравонлик йўли билан эгалладилар. 1995 йил бу иккала масжид фаолияти адлия бошқармалари томонидан тўхтатилгач, ваҳҳобийлар Республика бўйлаб ёйилиб кетдилар. Ўзбекистондаги ваҳҳобийлар узун соқол кўйиш, намозда икки оёқни кенг кериб қиём туриш, кўлларни кўкракда боғлаб туриш, баланд овозда "омин" дейиш билан ҳанафийлик мазҳабидагилардан ажралиб турадилар. 1997 йил декабрда Наманган шаҳрида содир этилган қотилликлар уларнинг амалий "иш услублари" сифатида намоён бўлди. Ўзбекистон ҳукуматининг изчил сиёсати ваҳҳобийлик кўринишидаги диний экстремизм ва ақидапарастлик ёйилишининг олдини олди.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ - ижтимоий-фалсафий тушунча; ҳар кимнинг ўз эътиқодига кўра, мазкур жамиятда мавжуд ижтимоий меъёрларни бузмаган ҳолда виждони буюргани бўйича яшаш, ишлаш имконияти. Бунда динга муносабат масаланинг бир томони ҳисобланади. Сиёсий жиҳатдан виждон эркинлигига демократия кўринишларидан бири сифатида қаралади. Юридик нуқтаи назардан виждон эркинлиги инсоннинг асосий шахсий ҳуқуқлари сирасига киради ва демократик эркинликлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда у Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунда (1991 йил 14 июнда қабул қилинган, 1998 йил 1 майда янги таҳрири тасдиқланган) назарда тутилган. Конституцияга кўра, "ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод

қилмаслик ҳуқуқига эга" (31-модда). Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўйича диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Аини вақтда янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунга кўра, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглиги таъминланади (4-модда). Ушбу Қонунда таъкидланишича, ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди. Қонун муайян ёшга етган фуқароларнинг ўз диний эҳтиёжларини қондириш учун диний ташкилот тузиш, олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш тартиб-қоидаларини ҳам белгилаб берган. Аини вақтда диндан давлат ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, миллатлараро адоват уйғотишда, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳам давлат, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа ғаразли мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди (5-модда).

ХИЗР (ас) (Хизир, Ҳазрати Хизр, Хизр бува, Хизр-Илёс) - Қуръонда "Аллоҳнинг қули" номи билан тилга олинган тақводор зот. Хизр (ас) одамларда Аллоҳга бўлган эътиқодни мустаҳкамлаш учун Исо, Илёс ва Идрис сингари абадий ҳаёт ато этилган пайғамбарлардан ҳисобланади. Ривоятларга кўра, Хизр (ас) оролларда яшайди, осмонда учади, ҳамиша дунё бўйлаб кезиб юради, ҳар йили ҳаж қилади, жума кунлари Макка, Мадина ва Қуддус шларидаги масжидларда намоз ўқийди. Денгизда сузувчиларга ҳомийлик қилади, махсус дуолар билан чақирилса, ёрдамга келади: сувга чўкаётганларни қутқаради, ёнгинни ўчиради, ўғрилар хуружидан, жинларнинг ҳийлаларидан, илон чақишидан халос этади ва ҳоказолар. Сўфийлар Хизр (ас)ни авлиёлар пири сифатида эъзозлайди. Ҳазрати Хизр (ас) қадимдан халқлар тасаввурида одамлар мушқулини осон қилувчи, у билан учрашган кишиларга бахт ато этувчи ҳудожўй қариядир. Худо ёрлақанган одамларгина Хизр (ас)га йўлиқиши мумкин. Мусулмон Шарқи мамлакатлари, жумладан Ўрта Осиёда Хизр (ас) номи билан боғлиқ кўплаб қадамжолар (масалан, Ҳазрати Хизр масжиди ва бошқалар) мавжуд.

ХОЖА АХРОР (тахаллуси; асл исми Убайдуллоҳ; 1404-1490) - Ўрта Осиёлик шайх, муршид, нақшбандийлик тариқати раҳнамоларидан. Ҳозирги Тошкент вилояти Боғистон қишлоғида туғилган. Унинг болалик ва ёшлик даври Тошкентда ўтган. Шажараси она тарафидан машҳур Шайх Хованд Таҳурга бориб тақалади. Тошкент, Самарқанд мадрасаларида таҳсил олган. Хожа Аҳрор кўпроқ тасаввуф илмига қизиқади ва шу мақсадда Ҳиротга келиб Шайх Баҳоуддин Умар, Шайх Зайниддин Хавофий каби таниқли мутасаввифлар суҳбатида бўлди. Сўнг Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди шайх Ёқуб Чархий (1447 йилда вафот этган)дан нақшбандийлик тариқати

асосларини ўрганди. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг давомчиси сифатида руҳонийлар ўртасида катта обрўга эга бўлди ва "валий" (авлиё) деб танилди. Айни вақтда деҳқончилик ва тижорат ишлари билан шуғулланди. Хожа Аҳрор жуда катта ер-сув, мол-мулкка эга бўлиб, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсий ҳаётида етакчи ўрин эгаллади. Хожа Аҳрор қаламига мансуб 3 рисола - "Фақарот ул-орифин" ("Орифлар сўзларидан парчалар"), "Волидия", "Ҳавроийя" бизгача етиб келган. Биринчи рисоласида ўзининг ва баъзи тасаввуф намояндаларининг тариқатга оид фикрлари, иккинчи рисоласида тариқат йўлига кирган кишининг ахлоқ-одоби, фақр ва фано тушунчалари баён этилган. Инсон зоҳири ва ботинини покиза қилиш мавзуи ҳам асардан жой олган. Учинчи рисоласи мутасаввиф шоир Абу Саъид Абулхайр (11-аср) рубоийси шарҳига бағишланган. Хожа Аҳрор Нақшбандийликнинг муршиди сифатида шуҳрат қозониб, ўз даврининг ижтимоий, фалсафий, маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Жомий, Навоий, Бобур Хожа Аҳрорни ўзларига маънавий пир - устоз деб билганлар, унга бағишлаб дostonлар битишган, асарларини ўзбек тилига ўгиришган. Хожа Аҳрор Самарқандда вафот этган.

ХОРИЖИЙЛАР (арабча - ажралиб чиққан, исёнчи) - исломдаги илк оқим тарафдорлари. Халифа Али билан умавийлар ўртасидаги кураш давомида 7-асрнинг 2-ярми бошларида вужудга келган. Тахт учун курашда Али(қв) Муовия тарафдорлари (умавийлар) билан музокара олиб боришга кўнган. Бу ҳол Али(қв) ҳақиқий ворислик ҳуқуқига эга, деб ҳисоблаган тарафдорларининг ўртасида норозилик туғдирган. Кўшиннинг бир қисми (12 минг киши) Али(қв)ни келишувчиликда айблаб, ундан ажралиб кетган ва кейинчалик Али(қв)га ҳам, умавийларга ҳам баб-баравар қарши кураш бошлаган. Ана шу гуруҳ тарафдорлари хорижийлар деб ном олган. Хорижийлар ҳаракати араблар томонидан бўйсундирилган Ироқ ва Эрон аҳолиси, оддий араб-мусулмонлар манфаатини ифодалаган. Улар ўзларини ҳақиқий мусулмон деб ҳисоблаган. Хорижийлар "диндан қайтган", деб эълон қилинган сиёсий ва ғоявий рақибларга нисбатан муросасиз бўлган. Хорижийлар таълимотига кўра, халифа жамоа томонидан сайланади ва жамоага бўйсундирилади; ҳар қандай тақводор мусулмон (ҳатто қул ёки қора танли бўлса ҳам) халифа бўлиб сайланиши мумкин; агар халифа жамоа манфаатларини ҳимоя қилмаса, вазифасидан бўшатилади ва ҳатто қатл этилади. Хорижийлар фикрича, эътиқод амалий фаолият билан мустаҳдамланиши лозим. Эътиқод, гуноҳкор кишиларни жазолаш масалаларида хорижийлар муржиъийларга қарама-қарши турган. Кейинчалик хорижийлар бир неча майда гуруҳларга бўлиниб кетган. Умавий ва аббосий халифалар 7-9-асрларда хорижийларга қарши кескин кураш олиб борди. Бунинг натижасида хорижийлар қириб ташланди, уларнинг қолганлари

Шимолий Африкада ўз давлатини вужудга келтирди. Хорижийлар халифаликдаги кўпгина кўзғолонлар (Зинжийлар кўзғолони, Абу Муслим кўзғолони ва бошқа)да қатнашган. Ҳозирги даврда хорижийларнинг ибодийлар фирқаси мағриб мамлакатларида (Жазоир, Тунис ва бошқада), Уммон, Танзанияда учрайди.

ХРИСТИАНЛИК - жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири. Европа, Америка мамлакатларида, Австралияда, фаол миссионерлик ҳаракати натижасида Африка, Яқин Шарқда ва Узоқ Шарқнинг бир неча минтақаларида кенг ёйилган. Христианлик черкови маълумотларига кўра, жаҳонда бу динга 1 млрд.дан ортиқ киши эътиқод қилади. Христианликнинг асосий ғояси худо одам - Иисус Христос (Исо масих;) ҳақидаги афсоналар билан боғлиқ. Унинг ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалари, чеклаш ва тақиқлари Библия ва бошқа муқаддас китобларда ўз ифодасини топган. Христианлик 1-асрнинг 2-ярмида Рим империясининг шарқий қисмида яшовчи яҳудийлар ўртасида пайдо бўлган. Илк Христианлар куллар ва эзилган омманинг мавжуд тартиб ва қулдорлик тузумига қарши норозилигини ифодалаган. Илк Христианлик дастлаб иудаизмдан ажралиб чиққан. Шарқ динларига хос айрим тасаввурлар ҳам унда ўз ифодасини топган. Рим империясининг ижтимоий-иқтисодий таназзули чуқурлаша борган сари, христианликдаги исёнкорлик, демократик тамойиллар йўқолиб, сабр-чидамли бўлиш, такдирга тан бериш ғоялари биринчи ўринга қўйила бошлаган. Христиан жамоаларининг ижтимоий таркиби ҳам ўзгарган: руҳонийлар ва оддий жамоа аъзоларига бўлинган. Айрим-айрим жамоалар ўртасидаги алоқаларнинг мустахкамланиши епископ бошлиқ черковнинг таркиб топишига олиб келди. Черков катта бойлик тўплаб, сиёсий кучга айланиб борган. Дастлаб христианларни таъқиб этган Рим императорлари кейинчалик христианлик тарафдорлари бўлдилар. 4-асрда христианлик Рим империясида мавжуд ижтимоий тузум ва унинг тартибларини ҳимоя қилувчи давлат динига айланди. Рим империясининг ғарбий ва шарқий қисмидаги ўзига хос тарихий тараққиёт христианлик черковини иккига: католицизм (империянинг ғарбий қисми) ва православиега (шарқий қисми) бўлинишига олиб келди. Христианликнинг бу бўлиниши 1054 йилда расман эътироф этилган бўлса-да, бироқ бу жараён 13-асрнинг бошларида тугалланган. Россияда христианлик 10-асрнинг охирида Византиянинг таъсиривда тарқалган. Ўрта асрда феодал тузумга қарши қаратилган ҳаракат айна вақтда христиан черковига ҳам қарши йўналтирилган эди. Реформация даври католик черковига қарши кураш шаклидаги антифеодал ҳаракатининг энг чўққиси бўлди. 16-асрда реформация натижасида Европадаги қатор черковлар католицизмдан ажралиб чиқиб, христианликнинг учинчи асосий оқими - протестантизм юзага келди.

ЯССАВИЙ Аҳмад (тахаллуслари: Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий, Кул Хожа Аҳмад, Кул Аҳмад ва бошқа) (1105-1166/67) - донишманд, шоир, яссавийлик тариқатининг асосчиси. Сайрамда тугилган. Отаси Шайх Иброҳим узоқ йиллар Ясси ва Сайрамда шайхлик қилган. Яссавий пири Арслонбоб маслаҳати билан Бухорога бориб, Юсуф Ҳамадонийдан тасаввуф бўйича мукаммал маълумот олган. Сўнгра, Туркистонга қайтиб сўфийликни тарғиб этган. Эл орасида катта обрў орттириб, авлиё деб улуғланган. "Мадинада - Муҳаммад, Туркистонда - Аҳмад" деган овозалар тарқалган. Муридлари кўпайиб, яссавийлик тариқати таркиб топган. Яссида қазо қилган. Мозори муқаддас қадамжога айланган. 1395-97 йилларда Амир Темур Яссавийнинг қабри узра маҳобатли мақбара курдирган. Яссавий тузган тариқатнинг барча ақидалари "Девони ҳикмат" шеърӣ асарида баён этилган. Унда поклик, тўғрилиқ, камсуқумлик, меҳр-шафқат, ҳалол кун кечириш, нафсни тийишга интилиш, имонли бўлиш каби асл инсоний фазилатлар мақталган. Золимлар, порахўрлар, мутаассиб шайхлар, жоҳил ва нодон кимсалар эса қораланган. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда Яссавий ҳаёти, фаолияти ва ижоди кенг ўрганилди. "Девони ҳикмат" 2 марта (Тошкент, 1991, 1992) кўп нусхада чоп этилди.

ЯССАВИЙ МАҚБАРАСИ - Туркистон (Қозоғистон)даги меъморий ёдгорлик (1389-95). Дастлаб Аҳмад Яссавий қабри устида кичик мақбара қурилган (12-аср). Мақбарани зиёрат қилган Амир Темур уни қайта қуришга фармойиш берган. Ёзма манбаларга кўра бино лойиҳасини ишлаб чиқишда шахсан ўзи қатнашган. Қурилишни Мавлоно Убайдулла Садр бошқарган.

ЯССАВИЙЛИК (жаҳрийлик) - тасаввуф тариқатларидан бири. Марказий Осиёда вужудга келган. Асосчиси Яссавий Аҳмад. Яссавий Юсуф Ҳамадоний ва Абдулҳолиқ Ғиждувоний таълимотлари негизида шаклланган. Яссавийда ислом қонун-қоидалари (шариат), тасаввуф маслағи (тариқат), ишқи илоҳий (маърифат), Аллоҳ висолига эришиш (ҳақиқат) кенг тарғиб этилган. Унга кўра, шариатсиз тариқат, тариқатсиз маърифат, маърифатсиз ҳақиқат йўқ. Буларнинг ҳар бири алоҳида босқич бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва такомиллаштиради. Мурид ўз пири раҳнамолигида мазкур босқичлардан ўтиб, илоҳий ишқ сари интилиши, камолотга еришиши зарурлиги алоҳида таъкидланади. Яссавийда мурид риоя этиши шарт ҳисобланган одоб қоидалари бўлган. Уларга биноан, мурид ҳеч кимсани ўз пиридан афзал кўрмаслиги, унинг ҳамма топшириқларини сидқидилдан, бекаму кўст адо этиши, панд-насихатларига сўзсиз амал қилиши зарур. Яссавийда зикри самога ҳам катта эътибор берилган, жаҳрия (лисония) усули қўлланилган. Пир ва муридлар кундалиқ ўқиб юрадиган махсус калима ва

дуоларни баланд овоз чиқариб айтишган. Шу боис Яссавий жаҳрийлик деб ҳам аталади.

ЮГНАКИЙ, Аҳмад ибн Маҳмуд (тахминан 12-аср охири - 13-аср бошлари) - шоир, олим. Аҳмаднинг бобоси Мовароуннаҳрда ислом динини илк қабул қилган туркий қавмлардан бўлган. Алишер Навоий ўз асарларида Югнакийни Ўрта Осиёнинг машҳур шайхлари қаторига қўйиб, унинг туғма кўрлиги ҳақида ёзади. Югнакийнинг "Ҳибат ул-ҳақойиқ" ("Ҳақиқатлар армуғони") асари сақланиб қолган. У илк ислом даврининг туркий тилдаги маданият обидасидир. Бу асар туркий элатларга исломий одоб қоидаларидан таълим беришга мўлжалланган. Асар бошдан оёқ тавҳид эътиқодига таянади, муаллиф фикрлари Қуръон оятлари, Пайғамбар ҳадислари билан далилланади. "Ҳибат ул-ҳақойиқ" Ўзбекистонда кенг ўрганилиб, ўзбек адабиёти тарихи дарсликларига киритилган.

ЗАБУР - диний манбаларга кўра, Довуд(ас)га нозил бўлган илоҳий китоб. Библия "Қадимга аҳд" кисмининг бўлими. Юнон тилида "рсалом" ("псалом"), "псалтерион" ("псалтир"), қадимги яҳудий тилида "тахалим" деб аталган "Ҳазрати Довуднинг санолар китоби" номи билан машҳур бўлган диний-муסיқий оятлар мажмуи. Милоддан аввалги 1500-500-йилларга тегашли. Забур санолари, асосан, Худога бағишланган мадҳиялар, дуолар, шукрона, илтижо, нола-фиғон, душманлардан шикоят ва кабилардан иборат. Уларга кўра, худо ҳамма нарсаларни кўриб-билиб, инсон қалбини доим синаб-имтиҳон этиб турувчи зотдир, у Исроил мамлакати тарихида ҳам ғаройиб мўжизаларни намоён қилган. Айрим саноларда Ясо(ас)нинг дунёга келиши, азоб чекиб, жон таслим этиши, сўнг тирилиб, ер юзида абадий ҳукмронлигини ўрнатиши башорат этилган (масалан, 2, 21, 44, 71, 109-санолар). Забурнинг баъзи оятлари Инжилга айнан кўчирилган, Исо(ас) шу оятлар мавзуида панду насихатлар қилган экан. Қуръони Каримнинг "Сод" сураси (18-20-оятлар)да Довуд(ас) санолари тилга олинади. Забурнинг асл нусхаси ажойиб шеърият намунаси сифатида Европа халқлари маданияти ва санъатида, оғзаки ижодига баракали таъсир кўрсатган. Забурнинг ўзбек тилидага тўлиқ матни Библияни таржима қилиш институти (Стокгоlm) томонидан 1992 йилда "Инжил", "Таврот" ("Ибтидо"), "Забур" китоби таркибида чоп қилинган (таржимон доктор Юсуф Гулқаров).

ЗАКОТ (арабча - тозалаш, садақа бериш) - мол-мулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр-эҳсон. Исломнинг беш асосий талабларидан бири. Шариатга мувофиқ, муайян бойликка нисобга эга бўлган мусулмон закот беради. Унинг миқдори (85 гр. олтин миқдоридаги маблағ). Мазкур маблағ кишининг ўзи ва қарамоғидагиларнинг зарурий эҳтиёжларидан ортиқча бўлиши лозим. Бу маблағга кишининг жамғармаси, дўкондага сотиладиган

моллари, сотаман деб олиб қўйган нарсалари, бировга берган қарзи киради. Қуръони Каримнинг айрим сураларида закот намоз билан ёнма-ён зикр этилган. У йилда бир марта берилиши шарт бўлган хайр-эҳсон (садақа) қаторига киради ва айни вақтда ибодат ҳисобланади. Бериладиган закот миқдори маблағларнинг 1/40 улуши (2,5%)га тенг; Зотан закотнинг асл ҳикмати фақир ва муҳтожларнинг ҳожатларини чиқармоқдир. Закотни бера олмайдиган мусулмонлар олишга ҳақли, аввал закот қариндошлар орасидаги муҳтожларга, ундай қариндошлар бўлмаса, сўнг бошқа камбағал, қарздор, мусофирларга берилади. Деҳқонлар ва чорвадорлардан олинадиган закот миқдори бир оз бошқачароқ белгиланган.

ЗАМАХШАРИЙ, Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад (1075-1144) - тилшунос, шоир, муътазилийлар назариётчиси, фақиҳ. "Жоруллоҳ" - "Аллоҳнинг қўшниси", "Бутун дунёнинг устози", "Хоразм фаҳри" номлари билан улуғланган. Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган. Отаси раҳбарлигида савод чиқариб, Гурганжда, Бухорода илм олган. Бир неча йил хоразмшоҳлар саройида хизмат қилган. 1118 йилдан бутун умрини илм-фанга бағишлаган. Икки марта ҳаж сафарига бўлган. Кўҳна Урганжда вафот этган. Замахшарий араб тили, адабиёт, география, тафсир, ҳадис ва фикҳга оид 50 дан ортиқ асар яратган, уларнинг 20 га яқини сақланиб қолган. Унинг Қуръон тафсирига бағишланган "Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳдаш орқали сўзлар кўзларини очиш" ("Ал-Кашшоф ан ҳақоик иттанзийл ва уюн-ил-ақовийл фи вужух ит-таъвийл) асари машҳурдир. 1132-1134 йилларда Маккада ёзилган бу китоб қисқача "Кашшоф" деб аталади. Муътазилийлик руҳидаги бу асарда Замахшарий Қуръоннинг яратилгани ғояси ифодаланган. Тавҳид (яккаҳудолик) тушунчасини, Аллоҳ сифатларини муътазилийлар нуқтаи назаридан талқин қилган. Асар Қуръон матнини чуқур филологик таҳлил қилганлиги билан қимматлидир. Бу асар дунёнинг турли шаҳарларида қайта-қайта нашр қилинган. Мусулмон аҳли, олимлар ундан ҳозиргача муҳим дастур сифатида фойдаланадилар. "Кашшоф"нинг юзга яқин қўлёзмаси ва унга ёзилган 20 дан ортиқ шарҳи бор. Замахшарийнинг фикҳга оид "Турли масалаларнинг муҳими", "Ворислик ҳуқуқи илми бўйича машқ", дин асослари ҳақидаги "Усулдаги тартиботлар", "Шаҳодат калимаси ҳақида рисола", ҳадисларга бағишланган "Ғариб ҳадислар ҳақида ажойиб асар", шунингдек тил, наҳв масалаларини кенг ёритган китоблари, шеърӣ девонлари сақланган бўлиб, улар турли тилларга таржима қилиниб чоп этилган.

ЗАМЗАМ, Оби замзам- Макка шаҳридаги "Масжиди Ҳаром" саҳнидаги муқаддас булоқ. Каъба ёнида бўлиб, ҳозирги вақтда пастда -алоҳида ва махсус жойга ўтказилган сув жўмраклари орқали ичилади. Булоқ суви кенглиги бир қаричдан ортиқроқ пўлат қувур орқали чиқади, ойнабанд хонада хизматчилар

уни Масжиднинг биринчи, иккинчи ва учинчи қавати (томи)га тарқалишини назорат қилиб турадилар. Сув тарқатгач ускуналар кеча-кундуз бетўхтов ишлайди. Замзам тарихи узоқ. Ривоятларга кўра, булоқнинг пайдо бўлиши Иброҳим (ас)нинг ўғли Исмоилнинг таваллуди билан боғланади: чўлда қолдириб кетилган биби Ҳожар чақалоғи (Исмоил) дунёга келгач, ювиниш ва чанқовини босиш мақсадида сув ахтариб шу яқиндаги Сафо ва Марва тепаликлари орасида етти марта елиб-югуради. Сув тополмай обдон толиққан она чақалоғи ёнига қайтса, унинг оёқлари остидан сув чиқаётганлигини кўради. Нима киларини билмай шошиб қолган биби Ҳожар "зам, зам" (яъни "тўхта, тўхта!") дейди. Бошқа бир ривоятда онанинг мушкул аҳволдан бохабар бўлган Жаброил (ас) ерни сийпалаб сув чиқариб берган дейилади. Лекин орадан кўп асрлар ўтиб булоқ кўзи ёпилиб қолади. Вақти келиб Муҳаммад (сав)нинг бувалари Абдулмутталиб булоқ кўзини қайта очган. Замзам Қуръони каримда тилга олинган. Замзам сувига юз-кўлларни ювиш, ундан ичиш ҳаж ва умра амалларини бажаришнинг белгиси ва савобли иш ҳисобланади. Зиёратчилар қайтишда ўзлари билан сувдан олиб кетиб, кўпчиликка тарқатадилар. Ҳозирда Маккада сувни турли ҳажмлардаги идишларга куюдиган мослама ишга туширилган. Замзам суви ўзига хос хусусиятга эга. Таркиби киши танаси учун фойдали маъданларга бойлиги, ошқозон-ичак, қон томири ва бошқа баъзи касалликларга даво экани аниқланган. Шу боис "Замзам суви саломат киши учун таом, касалмандлар учун шифобахшдир" дейилган ҳадиси шарифда.

ЗИЁРАТ (арабча - бирор ерга ёки шахс ҳузурига бориш) - муқаддас жойларга, мазор ва қабристонларга бориб, муайян расм-русумларни бажариб келиш. Зиёрат маросими одатда қабр тепасида Қуръоннинг айрим суралари (айниқса Фотиҳа сураси)ни ўқиб, марҳум ҳаққига дуо қилиш, шунингдек хайр-эҳсон, садақа бериш кабилардан иборат. Ислом дини ақидасига кўра, азиз-авлиёларнинг мақбараларига зиёрат учун борилганда уларнинг руҳларидан мадад сўрашлик, ҳожатлар раво қилиниши, дардларга шифо берилиши, фарзанд ато этилиши каби илтижолар ножоиздир. Чунки, бу каби амалларни рўёбга чиқариш фақат Аллоҳнинг ихтиёридадир. Зиёрат қилинувчилар пайғамбар бўладими, авлиё ёки тариқат шайхи бўладими, улардан нажот сўраш ўрнига ҳақларига дуои хайр қилиш, садақа-эҳсон савобларини уларнинг руҳларига ҳадя этиш ўринлидир. Исломда шахсга сиғиниш ширк саналади. Муҳаммад (сав) ўзларининг бир ҳадиси шарифларида айтганлар: "Қабристонларни зиёрат қилиб туринглар, зеро у охиратни эслатади". Охиратни эшлаш эса, кишини ёвузликдан узоқлаштириб, эзгуликка яқинлаштиради.

ЗИКР, зикр тушиш (арабча ёдга олиш, эслаш) - тасаввуфда худони ёдга олиш билан боғлиқ маросим. Илоҳиётчилар Аллоҳни ёдга олиш зарурлигини Қуръони Каримнинг "Аллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олура" (13:28) деган ояти билан боғлайдилар. Зикр овоз чиқариб (зикр ал-жаҳрий) ва овоз чиқармасдан (зикр ал-хафий) тушилади. Овоз чиқариб зикр тушиш Ўрта Осиёда ҳам кенг тарқалган. Бунда бир гуруҳ сўфийлар аввал давра қуриб ўтиради, бир киши (қаввол) муайян ибораларни маълум оҳангда ўқийди, унга айрим мусиқа асбоблари жўр бўлади; бора-бора кишилар ўрнидан туриб, ўзига хос ҳаракатлар қила бошлайдилар. Зикр вақтида сўфий ва дарвишлар "Аллоҳ хайй" (Аллоҳ тирик); "ла илоҳа иллаллоҳ" (Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ); "Аллоҳу акбар" (Аллоҳ -энг улуғ); "ал ҳамду лиллоҳ" (Аллоҳга ҳамду санолар)" ва бошқа сўзларни такрорлайди. Узок вақт такрорланган сўзлар, мусиқа ва рақс натижасида зикр тушаётган ўзлигани унутлади, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарсани ёдига келтирмайди. Зотан сўфийлар учун зикр тушишдан асосий мақсад Аллоҳга яқинлашишдан иборат. Зикр мавлуд ва бошқа диний маросимларнинг таркибий қисмига айланган.

ЗОҲИД (арабча юз ўгирувчи, тарк этувчи) -таркидунё қилган киши. Зоҳидлар мусулмонларни бу дунё роҳат-фароғатидан воз кечишга, оллоҳнинг зикрига ҳалал берувчи барча нарсаларни тарк этишга ундайдилар.

ЗОҲИДЛИК - таркидунёчилик, сақланиш. Худонинг марҳаматига мушарраф бўлиш, жаннатга тушиш учун тарки дунё қилиш зарурлиги ҳақидаги диний тасаввур, мутаассибликка, бир ёқлама дунёқарашга даъват этувчи оқим. Зоҳидлик исломда дарвишлик, чилла ўтириш, рўза тутиш, зикр тушиш кабиларда намоён бўлади. Тасаввуфда зоҳидлик Аллоҳнинг зикрига ҳалал берувчи барча нарсаларни тарк этиш, демақдир. Бунда Аллоҳга ширк келтиришдан сақланиш ва ибодатда риёдан холи бўлиш; барча гуноҳдардан ва ҳаром нарсалардан сақланиш ва ниҳоят, ортиқча дунёвий ашёларга меҳр қўймаслик назарда тутилади. Шариат ва тариқат одобларига бу хилда риоя этишни Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор, Нажмиддин Кубро ва бошқалар тарғиб этганлар.

ЗУЛҚАРНАЙН (арабча - икки шохли) -Қуръонда қиссаси келган мўмин банданинг исми. Зулқарнайн шахси ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи тадқиқотчилар уни македониялик Искандар деб ҳисоблашади. Бироқ, Ислום таълимотига кўра бу тўғри эмас, чунки македониялик подшо Аллоҳнинг ягоналигига ишонган мўмин бўлган эмас. Қуръондаги Зулқарнайн эса, мўминдир. Аллоҳ "Қаҳф" сурасида Пайғамбар (сав)га хитоб қилиб: "сендан Зулқарнайн ҳақида сўралар" деган. Муҳаммад (сав)дан одамлар Зулқарнайн тўғрисида сўраганлар. Қиссада айтилишича, Аллоҳ таоло Зулқарнайнга ер юзида ҳукмронлик, молу дунё, аскарлар ва бошқа катта

имкониятларни берган эди. Шунингдек, Аллоҳ унга ҳукм юритиш, бинокорлик ва ободончилик, давлатни мустаҳкам тутиш каби ишларни ўргатган эди. Зулқарнайн ўз мулкларини айланган. У шимол томон йўл олган. Икки тоғ орасига етганида, уларнинг ортида бирон гапни англамайдиган қавмни кўрган. Бу қавм Зулқарнайндан ер юзида бузғунчилик қилгувчилар - Яъжуж ва Маъжуждан ўзларини ҳимоя қилиш учун тўсиқ қилиб беришини сўрашган. Зулқарнайн Аллоҳ унга берган илм орқали мустаҳкам темир девор куриб, ҳалиги қавмни Яъжуж ва Маъжужнинг ҳужумларидан сақланишига ёрдам берган.

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ - Ўзбекистон мусулмонларига раҳбарлик қилувчи диний ташкилот. 1943 йил 20 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари қурултойида таъсис этилган. Тошкентдаги Бароқхон мадрасасида жойлашган. Бу ташкилот 1992 йилдан Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси, 1996 йилдан Ўзбекистон мусулмонлар идораси деб аталади. У давлатдан ажралган мустақил ташкилот сифатида фаолият юритади. Идора ўз ҳудудидаги мусулмонлар ўртасида диний ишларни бошқариб туради, фатволар беради, масжидларга имом-хатиблар тайинлайди, диний ходимлар тайёрлайди. Ўзбекистон мусулмонлар идораси моддий жиҳатдан мусулмонлардан масжидларга тушадиган хайр-эҳсонлар, ёрдамчи хўжаликлар ва бошқалар ҳисобига таъминланади. Идора раҳбар органи - Олий Ҳайъат. Унинг раиси муфтий ҳисобланади. Муфтий ўринбосар (ноиб)лари бор. Ўзбекистон мусулмонлар идорасида масжидлар, халқаро алоқалар, хайрия, фатво, таълим ва мухтасиблик бўлимлари бор. Бухородаги Мир Араб мадрасасида (1945) ва Тошкентдаги Бухорий номидаги Ислом институтида (1971) ва бир неча диний билим юртларида кадрлар етиштирилади. Идора тасарруфидаги "Мовароуннаҳр" нашриётида "Ислом нури" газетаси, "Ҳидоят" журурнали, диний адабиётлар, диний таквимлар нашр этилади. Ўзбекистон мусулмонлар идораси хорижий мамлакатлардаги кўпгина диний ташкилотлар билан алоқа қилади. Идора ҳар йили 3,5-4 минг кишининг ҳаж сафарини уюштиришда фаол иштирок этади. Ўзбекистон мусулмонлар идораси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунга риоя қилади. Ўзбекистон мусулмонлар идорасига турли йилларда Эшон Бобоҳон Абдумажидхон ўғли (1943-1957), Зиёвуддинхон Бобохонов (1957-1982), Шамсуддинхон Бобохонов (1982-1989), Муҳаммадсодик Муҳаммадюсуф (1989-1993), Мухторжон Абдуллаев (1993-1997), Абдурашид кори Баҳромов (1997 йилдан) муфтийлик қилган.

ЎН ИККИ ИМОМ - шиалиқдага асосий оқим - имомийлар (баъзан "ўн иккичилар" "исноашария" деб аталади) ўртасида эътиқод қилинадиган

имомлар сулоласи. Халифа Али билан Фотима (Муҳаммад (сав) кизи)дан тарқалган авлодлардан иборат. Улар пайғамбар авлоди деб танилади. Имомийлар уларни исломнинг қонуний раҳнамолари деб таниб, халифалар ҳокимиятини ғайриқонуний деб ҳисоблайди. Булар - Али ибн Абу Толиб, Ҳасан, Хусайн, Зайн ал-Обидин Али (вафоти 713 йил), Муҳаммад ал-Боқир (732 йилда вафот этган), Жаъфар ас-Содиқ (700-765), Мусо ал-Козим (799 йилда вафот этган), Али ар-Ризо (818 йилда вафот этган), Муҳаммад ат-Тақий (835 йилда вафот этган), Али ан-Нақий (868 йилда вафот этган), Ҳасан ал-Аскарӣ (846-873), Муҳаммад ал-Маҳдий (ривоятларга кўра, 874-878 йиллар орасида йўқолган). Имомларнинг баъзиларигина ўлдирилган ёки заҳарланган, лекин шунга қарамай, имомийлар уларнинг барчасини халифалар томонидан ўлдирилган деб ҳисоблайди, уларни жабрдийда ва дин йўлида шаҳид бўлганлар деб мотам тутди. 12-имом - Муҳаммад ал-Маҳдийни яширинган деб ҳисоблаб, унинг қайтиб келишини кутиш асрлар давомида шиалар орасида анъана сифатида сақланган. Суннийлар орасида ҳам "имом Маҳдий"нинг келишига ишониш маълум ўрин эгаллаб, у замона охир бўлганда келади, деб тасаввур қилинган. Имомлар ва имомзодалар дафн этилган мақбаралар ҳозир ҳам шиалар учун муқаддас зиёратгоҳ ҳисобланади, ҳатто улар учун ҳаж ўрнини босади. Бундай "муқаддас жойлар" Нажаф, Карбало, Козимайн (Ироқ), Мадина (Саудия, Арабистони), Машҳад, Қум, Шоҳ Абдул Азим (Эрон) шаҳарларида жойлашган.

ШАРИАТ (арабча - остона ва сув ичиш жойи; йўл; мусулмончиликда шариат қонунчилиги маъносида ишлатилади) - Аллоҳ жорий қилган амалий ҳукмлар мажмуаси, шу маънода шариат фикҳ маъносида ҳам тушунилади. Самовий динларнинг барчасидага амалий қисм шариат деб аталади. Ислом шариати ҳукмлари Қуръон, суннат, ижмо ва қиёсдан олинади. Шариатнинг мақсадлари учга; зарурий, ҳожатлик ва яхшилаш қисмларига бўлинади. Дин ва дунё учун зарур бўлган мақсадлар зарурий мақсадлар, дейилади. Улар йўқ бўлса, дунёнинг ишлари бузилади ва охирада азобга қолинади. Ислом шариатининг мақсадлари динни, жонни, ақлни, наслни ва молни асрашдан иборат. Шариатда ушбу нарсаларни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган барча чоралар кўрилган. Шариатнинг ҳожатлик мақсадлари эса, кишиларга осонлик туғдириш ва улардан қийинчилик ва машаққатни аритишга қаратилган. Бунга мусофир ва бемор кишиларга намозни қаср қилиб ўқиш ва рўзани очиб юборишга берилган руҳсатлар ва шунга ўхшаш кўплаб шаръий ҳукмлар киради. Шариатнинг яхшилаш мақсади жамиятда бир бирига мурувват кўрсатишни таъминлайди. Агар у нарсалар йўқ бўлса, ҳаёт низоми бузилиб кетмайди. Шунингдек, одамларга машаққат ҳам туғилмайди. Аммо, инсонийлик мурувватига путур етади. Бу мақсадда, асосан, яхши одатлар ва

хусни хулқ кўзда тутилади. Покизаликка бошловчи, кийим бош, турар жой, жисм ва бошқаларни пок тутиш ҳақидаги шаръий кўрсатмалар, еб ичиш одоблари, оилавий алоқаларни яхшилаш каби кўплаб ишлар ҳақидаги шаръий ҳукмлар шу жумлага киради. Пайғамбар Муҳаммад (сав) раҳбарлигида биринчи Ислом давлати ташкил топганда шариат нормалари ўша давлатнинг асосий қонунлари бўлган ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган. Кейинчалик 4 рошид халифа, умавийлар, аббосийлар ва усмонийлар давлатлари вақтида ҳам шариат давлатнинг қонуни бўлиб келган. Аммо, вақт ўтиши билан турли омилларга кўра, мусулмонлар шариат ҳукмларидан узоклашиб борганлар. Аста секин шариат ҳукмларига амал қилиш ҳам сусайиб ва баъзида нотўғри йўлларга кириб борган. 20-асрнинг бошига келиб, шариатга амал қилиш баъзи давлатларда расман бекор қилинган. Ўзи шундоқ ҳам сустлашиб қолган шариатга амал қилиш иши пароканда бўлган. Мусулмонлар яшайдиган давлатлар ғарб давлатлари қонунларидан кўчирма олишга ўтдилар. Ҳозирга келиб фақатгина Саудия Арабистони давлати ўзининг шариатига амал қилаётганини айтади. Бошқа ислом давлатларида фақат оилавий - никоҳ, талоқ, нафақа каби масалаларда ва меросда шариатга тўлиқ ёки қисман амал қилинади. Бошқа қонунлар ғарб давлатлари қонунларидан ўзгартишлар билан олинган кўчирмадан иборат. 20-асрнинг ўрталаридан турли шахс ва жамоалар томонидан шариатга амал қилишни қайта тиклаш чақириклари олиб борилмоқда. Бунга қисман амал қилган ерлар ҳам бор. Аммо, кўпчилик давлатларда бу чақириклар гап бўйича қолиб келмоқда. Ўзбекистон ҳудудида қадимда барча мусулмон ўлкалари билан бир қаторда шариат татбиқ қилинган. Мовароуннаҳрлик фақиҳлар чуқур билимлари, машҳур асарлари билан шариатнинг ривожига муайян ҳисса қўшган. Мовароуннаҳр ҳанафийлик мазҳабининг марказларидан бўлиб, шу ерлик халқларнинг ҳуқуқий тизими шариат тамойиллари ва қоидалари асосида яратилган. Бурҳониддин Марғинонийнинг "Ҳидоя", фарғоналик Фаҳриддин Ҳасаннинг "Фатово", бухоролик Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг "Мухтасар" сингари китоблари мусулмон давлатларида машҳур бўлган. Улар ўз асарларида айрим ҳуқуқий меъёрларни маҳаллий шароитга мослаштиришга интиланлар. Ислом мамлакатларида ҳозирги кунда шариат жамиятнинг ижтимоий-руҳий ҳаётини қамраб олувчи тартиб-қоида сифатида муайян мавқега эга. Бошқа Ислом юртлари қатори бу ҳудудда ҳам аста-секин шариат қонунлари ўрни сусайиб борган. Большевикларнинг октябрь тўнтаришидан сўнг шариат умуман ман қилинган. 2-жаҳон уруши даврида шариатнинг баъзи шахсий ибодатга оид таълимотларига амал қилишга чегараланган шахсларга руҳсат берилган. Мустақиллик даврида намоз, рўза, ҳаж каби шаръий амалларни фуқаролар бемалол қилиш имконига эга бўлдилар.

ШАФОАТ (арабча) - бошқа бировга қўшилиб, унга ёрдам бериш ва ёнини олиб, бирор нарсани унинг учун сўраш. Кўпинча, шафоат мартабаси ва ҳурмати юқори шахснинг ўзидан паст одамнинг тарафини олиши тушунилади. Қиёматдаги шафоат ҳам шундандир ("ал-Муфрадот фи Рабийбил Қуръон" 263 сура) шафоатчи ўзини, шафоат қилинадиган шахсга унга ёрдам бериш ва унинг учун бир нарсани тилаш учун, қўшади. Шунингдек, Аллоҳнинг ҳузурида шафоат берувчилар ҳам, гуноҳкорларга кўмак берадилар. Шафоат бир неча турларга бўлинади. 1-улуғ шафоат бўлиб, барча пайғамбар (ас)лар ичидан Пайғамбар Муҳаммад (сав)нинг ўзларига хос қилингандир. Бунинг далили, Бухорий, Муслим ва бошқа ривоят қилган "улкан шафоат" ҳадисидир. 2-Пайғамбар (сав)нинг, яхшиликлари ва ёмонликлари баробар бўлиб қолган одамлар жаннатга киришлари учун шафоат қилишлари. 3-Пайғамбар (сав)нинг, бошқа бир, дўзахга амр қилинган одамларни унга кирмасликлари учун шафоат қилишлари. 4-Пайғамбар (сав)нинг жаннатга кирган одамларнинг амаллари савоби тақозо қилган даражадан юқори даражага кўтариш учун шафоат қилишлари. 5-Баъзи қавмларни жаннатга ҳисобсиз киришлари ҳақидаги шафоат. Бу қисмга далил Укоша ибн Мусонинг ҳадисидир. Расулуллоҳ (сав) унга дуо қилиб, Аллоҳ уни жаннатга ҳисобсиз кирадиган етмиш минг кишилардан қилишини сўраганлар (Бухорий, Муслим). 6-Азобга сазовор одамлардан азобни энгиллатиш учун шафоат. Пайғамбар (сав) амакилари Абу Толибнинг азобини энгиллатиш ҳақидаги шафоатларига ўхшаш (Муслим, Абу Саъд ал-Худрий ривоят қилган). 7-Пайғамбар (сав)нинг барча мўминларга жаннатга кириш изни берилишини сўраб қиладиган шафоатлари. 8-Пайғамбар (сав)нинг ўз умматларидан гуноҳи кабира қилганларига шафоат қилишлари. Ушбу 8 тур Пайғамбар (сав)га ва шафоат қилинувчига нисбатандир. Шафоат шафоатчига қараб ҳам 8 турли бўлади: 1-Анбиё (ас)ларнинг умматларига шафоати. 2-Фаришталарнинг гуноҳкорларга шафоати. 3-Кичик болаларнинг ота-онасига шафоати. 4-Аллоҳнинг йўлида шаҳид бўлганнинг ўз ахлидан 70 кишига шафоати. 5-Қуръонни ёд олган кишининг ахли байтига шафоати. 6-Мўминларнинг бир-бирларига шафоати. 7-Қуръони Каримнинг ўз қорисига шафоати. 8-Рўзанинг рўзадорга шафоати. Қуръони Каримнинг 2-сура, 255-оятда шафоат тўғрисида жумладан шундай дейилган: "Унинг ҳузурида ҳеч ким (ҳеч кимни) Унинг руҳсатисиз шафоат қилмас".

ШИАЛИК (арабча - гуруҳ, тарафдорлар) -исломдаги асосий йўналишлардан бири, Ўзининг тарқалиши ва ижтимоий-сиёсий моҳияти жиҳатидан суннийликдан кейин 2-ўринда туради. Ҳозир жаҳондаги мусулмонларнинг қарийб 8%и шиаликка мансуб ҳисобланади. Шиалик 7-аср ўрталарида халифа Али(қв) ҳокимияти тарафдорларидан иборат сиёсий гуруҳ

сифатида вужудга келган. 7 аср охирларига келиб, Ироқ ва Эронда кенг тарқалган ва исломдаги мустақил диний йўналишга айланган. Шиалик бошда ҳар қандай ихтилоф ва ақидавий фарқлардан холи ҳолда, фақат сиёсий ҳаракат сифатида намоён бўлган. Кейинроқ диний ихтилофлар, ақидавий фарқлар вужудга келган. Шиалик диний-ақидавий таълимотда, маросим ва урф-одатларда суннийликдан маълум даражада фарқ қилади. Диний-сиёсий ҳаракат сифатида халифалар ҳокимиятига қарши кураш олиб борган заминдор гуруҳларнинг, ҳатто халқ кўзғолонларининг мафкураси сифатида ҳам майдонга чиққан. Шиалик аслида заминдор гуруҳлар ўртасидаги ҳокимият учун кураш оқибатида вужудга келган бўлса-да, бу ихтилофлар кўпинча диний таълимотдага тафовут шаклида намоён бўлган. Шиалик тарафдорлари (шиалар) суннийлар каби Қуръонни илоҳий деб эътироф этади, лекин айрим ўта реакцион руҳдаги оқимлари халифалар даврида унинг айрим қисмлари тушириб қолдирилган деб ҳисоблайди. Шиалик илоҳиётчилари Қуръоннинг мазмунини мажозий талқин қилиш йўли билан ўз таълимотларини асослайди. Суннада ҳадислар масаласида эса, улар фақат Али(қв) ва унинг тарафдорлари номи билан боғлиқ бўлган ҳадисларни тан олган ва шундай ҳадислардан иборат мустақил тўпламлар тузган. Бу тўпламлар Ахбор деб аталган. Суннийликда эътироф этилган диний ақидалардан фарқ қилиб, шиаликда тавҳид, адл, нубувват, имомат, қиёматдан иборат 5 та ақидага эътиқод қилинади. Булардан 4 ақида - тавҳид (Аллоҳнинг ягоналигани эътироф этиш), адл (адолат, Аллоҳнинг одиллиги, яъни тақдир ақидаси), нубувват (пайғамбарлик), қиёмат ёки маъод (охират кунининг келиши ва ўлганларнинг тирилиши), асосан, суннийлик таълимоти билан мос тушади. 5-ақида имомат (имомлар ҳокимиятини эътироф этиш) эса, суннийликка ва сунний халифалар ҳокимиятига зидлига билан фарқ қилади. Шиалик Али(қв) ва унинг авлодларидан иборат ўн икки имом ҳокимиятини тан олади. Шу муносабат билан барча халифаларни, хусусан дастлабки халифалардан Абу Бакр, Умар ва Усмонни ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллаб олган шахслар сифатида қоралайди. 874-878 йиллар орасида 7-9 ёшида бедарак йўқолган 12-имом Муҳаммад ал-Маҳдийни улар "яширинган" ҳисоблайди, замона охир бўлганда унинг қайтиб келишини ва адолат ўрнатишини кутади (имоми Маҳдий, имоми охир замон). Бу тасаввур маълум даражада суннийликда ҳам тарқалган. Баъзи урф-одат ва маросимларда, шариат нормаларида ҳам шиалик билан суннийлик ўртасида маълум тафовутлар бор. Шиалар суннийлар каби Макка ва Мадинани муқаддас ҳисоблаш билан бирга, Карбало, Нажаф шаҳарларида жойлашган имомлари қабрларини ҳам зиёрат қилади. Шиалар шариатида жаъфарийлик мазҳаби ҳукмрон бўлиб, шиалар имом Хусайнга мотам тутаяди, шахсейвахсей деб ном олган мотам юришлари ўтказаяди ва бошқалар. Ўрта асрларда шиалик

ичида ихтилофлар юз берган, натижада кўп фирқалар вужудга келган. Булардан зайдийлар, исмоилийлар, ибодийлар ва бошқалар ҳозир ҳам мавжуд. Шиалик ҳозирги вақтда Эронда ҳукмрон эътиқод ҳисобланади. Ироқ, Афғонистон, Ҳиндистон ва Покистонда шиалар бор. Озарбайжон ва Тожикистонда (Помирда исмоилийлар) аҳолининг муайян қисми шиаликка эътиқод қилади.

ШОФИЪИЙ, тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос аш-Шофиъий (767-820) - имом, шофиъийлик мазҳабининг асосчиси, саййидлардан. 2 ёшида онаси Маккаи Мукаррамага олиб келган ва шу ерда Қуръони каримни ёд олган. 10 йил араб оламида ширин тили ва фасоҳати билан машҳур бўлган Ҳузайл қабиласида яшаган, натижада йирик араб тилшуноси, шеърийат билимдони бўлиб етишган. Кўп ерларга сафар қилган. Макка муфтиси Муслим Холид аз-Занжий ва Мадинаи мунавварада Имом Молик ҳузурларида таълим олган. Имоми Аъзамнинг шогирди Муҳаммад ибн Ҳасан билан Бағдодда яқин мулоқотда бўлиб, унга шогирд тушган ва шу йерда ўз мазҳабини тузган. Имом 111 мазҳаби, асосан, Мисрда, Ҳинд океани давлатларида, айрим оролларда тарқалган. Шофиъий бир қанча муддат гоҳ Ироқда, гоҳ Ҳижозда истиқомат қилган. 815 йил Қоҳирада муқим туриб қолиб, шу ердаги "Амр ибн Ос" жомеъ масжидида фикҳдан дарс берган. Шофиъийнинг "ар-Рисола", "ал-Умм" асарлари ислом оламида машҳурдир ва шофиъий уламолар учун энг зарур манба бўлиб хизмат қилади. Шофиъий "Усул ал-фикҳ" илмига асос солган. Бошқа фақиҳлар ўзларига манба деб ҳисоблаган "Истиҳсон"ни қабул қилмаган, уни хато деб тушунган. Бу зот ҳақида Имом Ахмад ибн Ҳанбал шундай деган: "Сиёҳдон кўтарган ҳар бир кишининг зиммасида Шофиъийнинг ҳаққи бор". Бошқа олимлар эса: "Муҳаддислар ғафлат уйқусида эдилар, Имом Шофиъий уларни уйғотдилар", дейишган.

ШОФИЪИЙЛИК - суннийликдаги диний-ҳуқуқ мазҳабларидан бири. Имом Шофиъий асос солган. Шофиъийлик ҳуқуқ тизими ханафийлар ва моликийларнинг диний-ҳуқуқий таълимотини ўзига сингдирган бўлса-да, кўпроқ моликийларга яқин туради. 111 қиёсани ва раъйни чеклаб кўллайди. Шофиъийлик Қуръон ва суннага ягона манба сифатида қарайди. Шофиъийликка кўра, сунна Қуръонни тўлдирди, холос, суннанинг ўзи қиёслаб ўртача ҳукм чиқариш учун асос бўлолмайди. Шофиъийлик тарафдорлари мадиналик ривоятчиларнинг ҳадисларини устувор ҳисоблаб, улар айтган ҳадис ёки ижмога таяниб иш кўриш мумкин, деб билади. Шофиъийлик Сурия ва Мисрда шаклланган. Ўрта асрларга келиб Яқин Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Кейинчалик бу мазҳабнинг таъсир доираси торайиб борган. Ҳозирги вақтда Миср, Индонезия, Шимолий Кавказ

мусулмонлари орасида, Шарқий Африка мамлакатларининг баъзиларида, қисман Сурияда ва жанубий араб султонликларида шофийлик мазҳаби диний-ҳуқуқ гизимига амал қилувчилар бор.

ЧОР КИТОБ - исломга оид панд-насиҳатлар китоби. Шарафиддин Саной ал-Бухорий қаламига мансуб. 2 шеърӣ ва 2 насрий мажмуадан иборат. "Чаҳор китоб" ("Тўрт китоб") деб ҳам аталади. Қўлма-қўл бўлиб, ҳозирги давргача етиб келган. Китобда тоат-ибодат, шариатнинг қонун-қоидалари: фарз, суннат, намоз ва рўза ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, унда қизиқарли воқеа ва ҳикоятлар, шарқона донолик намуналари баён этилган. Китоб форс тилида ёзилган бўлиб, туркий-ўзбек тилидаги таржималари ҳам мавжуд.

ЧОРЁРЛАР (форсча - тўрт дўст) - Муҳаммад (сав) вафотларидан кейин араб халифалигида ҳокимият тепасида турган дастлабки 4 халифа (Абу Бакр Сиддиқ Умар, Усмон, Али). Бу халифаларни чорёрлар деб аташ Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёдаги оддий диндорлар орасида расм бўлган. Чорёрлар араб тилидаги диний манбаларда "хулафо ар-рошидин" ("тўғри йўлдан борган халифалар") номи билан тилга олинади. Чорёрлар халифаликни бошқариш ва кенгайтириш, кўшни ерларни фатҳ этиб ислом байроғи остида бирлаштиришга раҳнамолик қилган ҳукмдорлардир. Мусулмонлар чорёрларни "пайғамбар ноиблари" ҳисоблайдилар. Ислом анъанасида чорёрлар ҳукмронлик даври исломнинг олтин асри деб юритилади. Бу давр 30 йил бўлган. Чорёрлар замонида Пайғамбар (сав) бошлаб берган футухотлар охирига етказилган, давлат қурилиши мукамал бўлган, ислом етиб борган ўлкаларда барқарорлик ўрнатилган

Раҳбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда қурамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг Қўшма Мажлисидаги нутқи. – Т.: Ўзбекистон, 2016. 56-б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганини 24 йиллигига бағишланган маърузаси. 2016 йил 7 декабрь. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48-б.
3. Мирзиёев Ш.М. танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий Дастурнинг энг

муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104-б.

4. Мирзиёев Ш.М. буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 448-б.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент. 2017.

6. *Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатнома. 2017 й. 22 декабрь //*

7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

8. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид Давлат сиёсати тўғрисида” ЎРҚ – 406 – сон Қонуни. 2016 йил 14 сентябрь.

Асосий адабиётлар

1. Ўзбек миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 2002.

2. Ҳ.Ҳамидов., Ў.Мавлонов., Қ.Назаров. Ўзбекистонда ер-сув муносабатлари тарихидан. (илмий-тарихий рисола) – Т.: ТИҚХММИ 2018.

3. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. – Т.: Шарқ, 1997.

4. Алиев Б.А., Хошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Т.: ТДИУ, 2011.

5. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: Шарқ, 2005.

6. Аристотель. Политика. Сочинение 4 томах. Т.4.-М., 1983.

7. Ачкасов В.А., Гуторова В.А. Политология. –М.: Высшее образование, 2007.

8. Безвыкованная Е.В. Системно-синергетическая модель политической системы. // Полис, №3 – 2009.

9. Гаджиев К.С. Политология. –М.: Логос, 2003.

10. Гоибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
11. Горелов А.А. Политология в вопросах и ответах. –М.: Эксмо, 2007.
12. Гуторов В.А. Философия политики на рубеже тысячелетий: судьба классической традиции. // Полис, №1 – 2001.
13. Даймонд Л. Прошлани. “Третья волна” демократизации? // Полис, №1. 1999.
14. Даль Р.О. Демократии. –М.: Аспект Пресс, 2000.
15. Дегтярев А.А. Основы политической теории. –М.: Высшая школа, 1998.
16. Демидов А.И. Политология. –М.: Гардарики, 2006.
17. Дюверже М. Политические партии. –М.: Парадигма, 2005.
18. Жумаев Р.З. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. –Т.: Фан, 1996.
19. Жўраев Т.А. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. –Т.: Академия, 2007.
20. Зиёев А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т.: Шарқ, 2000.
21. Идиоров У.Ю. Сиёсатшунослик: Ўқув кўлланма. –Т.: ТДШИ, 2013.
22. Инглхарт Р. Постмодерн: Меняющиеся ценности и изменяющиеся общества // Полис, №4. 1997.
23. Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик: олий ўқув юрти талабалари учун ўқув кўлланма. –Т.: Янги аср авлоди, 2013.
24. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. –Т.: Янги аср авлоди, 2006.
25. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. –Т.: Шарқ, 1998.
26. Қодиров А. Политология (курс лекций). –Т.: ТГЮИ, 2006.
27. Қудратхўжаев Ш.Т. Ўзбекистонда профессионал парламент тизимининг сиёсий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши истиқболлари. –Т.: Шарқ, 2007.
28. Лейпарх А. Демократия в многосоставных обществах: сравнительное исследования. –М.: Аспект Пресс, 1997.
29. Макиавелли Н. Государь. –М.: Планета, 1990.
30. Махмудов Т. “Авето” ҳақида. –Т.: Шарқ, 2000.
31. Мелвиль А.Ю. Опыт теоретико-методологического синтеза структурного и процедурного подходов к демократическим транзитам // Полис, №2. 1998.
32. Монтескье Ш. Избранные произведения. –М., 1965.
33. Мухаев Р.Т. Политология: Учебник. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА – М, 2011.

34. Назаров Қ., Жўраев С., Жумаев Р. Ва бошқалар. Ўзбекистон сиёсий ислохотлар жараёни. –Т., Академия, 2001.
35. Назиров М. Конституциявий ислохотлар – демократик янгиланишларнинг муҳим сиёсий жараёнлари сифатида. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -2016. №3. – Б.20-24.
36. Назиров М. Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнлар янги сифат босқичининг концептуал асослари // Ўзбекистон Республикаси ФА Қорақалпоғистон бўлимининг ахборотномаси. 2016. №4. –Б. 155-159.
37. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. –Т.: Адолат, 1997.
38. Пай Л. Незападный политический процесс \ пер. Семилетова Н // Политическая наука. –М., 2003. №2. С. 66-85.
39. Политические институты на рубеже тысячелетий. –М.: Феникс. 2001.
40. Политология. Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: с.ф.д. проф. С.Жўраев. –Т.: ТДЮИ, 2006.
41. Пугачев В.П. Средства массовой коммуникации в современном политическом процессе // Вест. Моск. ун-та. Сер.12. Политические науки. 1995. №5.
42. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиёсатшуносликка кириш. –Т.: Янги аср авлоди. 2004.
43. Радугин А.А. Политология. – М.: Библионока. 2008.
44. Растоу Д.А. Переходы к демократии: Попытка динамической модели. // Полис, №5. 1996.
45. Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов У. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. –Т.: Академия. 2000.
46. Саидолимов С.Т. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш муаммолари. Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган илмий иш. –Т.: ДЖҚА. 2009.
47. Сергеев В.М. Проблема власти. // Полис, №2. 2008.
48. Соловьев А.И. Политология. Политическая теория. Политические технологии. –М., 2000.
49. Степанян М.Т. Восточные сценарии глобального мира // Вопросы философии. №7. 2009.
50. Узбекистан: модернизация и развитие политической системы. –Т.: Академия. 2009.
51. Ўзбекистонда давлат қурилиши соҳасидаги ислохотлар ва ҳуқуқий сиёсат: ривожланиш босқичлари, эришилган натижалар ва истиқболи. –Т.: Академия, 2010.
52. Хантингтон С. Третья волна. Демократизация в конце XX века. –М.: РОССПЭН. 2003. – С. 368.

53. Цыганков П.А. Теория международных отношений. –М.: 2003.
54. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятини шакллантириш. –Т.: Шарқ. 2003.
55. Эргашев И., Холбеков А. Фуқаролик жамияти ва миллий ғоя. –Т.: Академия. 2007.

Электрон таълим ресурслари

1. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>
2. www.president.uz.
3. www.natlib.uz/
4. www.ziyouz.com
5. www.libraru.ziyonet.uz
6. www.infocenter.uz
7. [www.turonlib,uz](http://www.turonlib.uz)
8. www.marifat.uz
9. www.ziyouz.com

ХАКИМОВА МАХРУЯ АБДУЛХАЙОВНА
МАМАДАМИНОВА БАХТИГУЛ АБДУПАТТАЕВНА

“ДИНШУНОСЛИК” фанидан

(Ўқув қўлланма)

Муҳаррир:

Босишга руҳсат этилди: Қозғоз ўлчами 60x84 – 1/16

Ҳажми: _____ босма табақ _____ нусха. Буюртма № _____

ТИҚХММИ босмаҳонасида чоп этилди

Тошкент 1000000 Қори Ниёзий кўчаси 39-уй